




Д. Вурдорова

ХАЁТГА ИҶЛАЛАНМА




Р. Виздорова

ҲАЁТГА ЎЎЛАНМА

Повестъ



Н. КАЛИТА
расмлари



ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1959

Детгизининг 1954 йилги нашридан
гаржичма қилинди


АВТОРДАН

Бу китобда А. С. Макаренконинг „Педагогик поэма“сидаги қаҳрамонлардан бири — ўқитувчиси каби бутун ҳаётини болалар тарбиясига бағишлаган Семён Карабанов ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Мен Антон Семёнович Макаренко ҳақида унинг ўқувчиси, ишқини дасом этдирувчиси тилидан, Макаренконинг фақат педагогик қарашлари эмас, балки унинг инсоний қиёфаси тўғрисида гапиришига ҳақли бўлган одам тилидан ҳикоя қилгим келди.

Ундан ташқари мен ажойиб совет педагогининг қимматли мероси, унинг қарашлари, назарий хулосалари ва тажрибалари бошқа киши томонидан, бошқа бир даврда амалга оширилаётганини кўрсатишига ҳаракат қилдим.

Бу китоб — Антон Семёнович ўзининг „Педагогик поэма“сида Карабанов исми билан кўрсатган киши ҳақидаги ҳужжатли повесть эмас, лекин унинг ҳаётида юз берган муҳим воқеалар бу китобга асос қилиб олинди.



Қимирлаган қир ошади.

Хитой мақоли

Пролог ўрнида

1933 йилнинг феврали. Бўрон қутуриб турадиган пайт, лекин Украина қиши жуда қўнимсиз — деразага келиб урилаётган қорми, ёмғирми билиб бўлмайди, деразалар куздаги сингари ҳўл, шамол турганда зириллайди.

Хонада икки одам ўтирибди.

Ёзув столи ёнида ҳарбийча кийинган, эгнида гимнастёрка, камарини қисиб боғлаган ўрта ёшлардаги киши ўтирибди. Қалта қилиб қирқилган сочи оппоқ, қўнғир мўйлови тагидаги лаби қимтилган; пенсне тагидан ўткир кўзлар боқади. Бундай кўз ҳар қандай қийинчиликка ҳам тап тортмай тик қарайди. Иккинчиси рўпарада, девор тагидаги диванда китоб ўқиб ўтирибди; буниси анча ёш, худди ўспирни дейсиз. Унинг қорачадан келган ялпоқ юзнда сал-пал лўлиларга ўхшашлик бор. Қора сочи кенг пешонасига тушиб туради, қора қошлари чимирилган, офтобда қорайган кучли бар-

моқларни билан миясини банд қилган фикрга монанд тиззасига чертиб ўтиради. У, китобга жуда берилиб кетган.

Орадан кўп ўтмай ҳозир ёзув столи ёнида ўтирган бу кишини бутун мамлакат танийди. Минг-минглаб кишилар «Педагогик поэма»ни ўқийдилар; унинг авторини ва қаҳрамонларини таниб оладилар, севиб қоладилар.

Антон Семёнович Макаренко. Педагог ва ёзувчи. Аммо биринчи навбатда — курашчи. Ёш совет республикаси тузилган биринчи йилларда — оғир, очарчилик йилларида ота-онасиз, боқимсиз қолган, йўлдан адашган болаларни, «ёш қонун бузувчилар»ни давлат унга ишониб топширди ва уларни ватанга, ҳаётга содиқ кишилар қилиб тарбиялаш вазифасини юкледи. Антон Семёнович бу топшириқни бажарди. У йил сайин янги кишиларни тарбиялаб етиштириш каби буюк санъатни такомиллаштирди ва бошқаларга ўргатди. Унинг «Поэма»си — гўдаклик чоғидаёқ кўча-кўйда қолган, азоб-уқубат, ҳор-зорликда кун кечирган, жиноят йўлига кирган болаларнинг ҳақиқий инсон бўлиб — меҳнат ва коллектив кишиси, ботир ва бахтиёр, янги жамият қурувчи кишилар бўлиб етишувини кўрсатувчи оддий ҳақиқатдир. Бу одамнинг бутун иши — биринчи ташкил этган коллективи ҳам, китоби ҳам Горький номи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, буюк инсонпарвар кишининг дўстлиги ва ёрдамидан баҳраманд бўлганлиги бежиз эмас.

Минглаб, юз минглаб совет кишилари «Педагогик поэма»ни, унинг авторини, қаҳрамонларини ва улар орасида аввал боқимсиз бола бўлиб, кейинчалик ўқитувчисининг содиқ дўсти ва ёрдамчиси даражасигача кўтарилган Семён Карабановни севиб қолишади.

Ҳозирча у китоб чиққани йўқ. Шу икки кишининг каттасини биладиганлар кўп эмас. Харьков яқинидаги Дзержинский номи коммунадан ташқарида кичигини танийдиганлар кам. 1933 йилнинг феввали, ҳовли қоп-қоронғи, ҳаво ёмон...

Антон Семёнович аҳён-аҳёнда қоғоздан бошини кўтаради. Бугун иши юришмаяпти. Қачонлардир туғилган фикр борган сайин унга тинчлик бермайди. Бир қарорга келиш керак. Бу гал бир қарорга келиш қийин, жуда қийин бўлди.

Семён Қарабанов. У, Горький номли колонияга энг олдин келганларнинг бири. Бунга анча бўлди, орадан ўн икки йил ўтди. Ҳозир у йигирма саккизга бориб қолди. Ҳа, ундан агроном ҳам чиқмади. Рабфакни тугатиб колонияга келди-да:

— Ҳа, ўргилдим ўша агрономликдан, йиғиштира қолай! Мен болаларсиз туролмайман,— деди қатъий.— Хали оламда бекор санғиб юрган ўспиринлар озмунчами! Антон Семёнович, сиз бу йўлда шунча меҳнат қилибсиз, мен ҳам бир ишлаб кўрай...

Худди шундай бўлди. Семён колонияда қолди ва бутун кучини буюк, зарур ишга — янги кишилар тарбиялашга сарф қила бошлади.

Кўринишда илгари қандай бўлса, ушандай: басавлат, чаққон, катта-катта кўзлари кўмирдек қоп-қора, фақат кўринишигина эмас, ўзи ҳам ўша аввалгидек ўт-олов. У ҳозир ҳам, худди ёшлик чоғларидаги каби ҳар қанақа ишини гўё дунёдаги ҳамма энг қимматли нарсаси шунга боғлиқдай, жон-жаҳди билан берилиб қилади. Ҳар хил тарбиячилар, турли ўқитувчилар бор. Семён болаларни гап билан, тушунтириш билан эмас, ўз ҳаёти мисолида тарбиялайди. Бу — ҳам яхши, ҳам ёмон. Агар киши кучини ана шундай аямай сарф қилса, кўпга етадими? Аммо у ҳаётдан, китобдан, одамлардан, болалардан ҳам ўрганади-ку. Ҳозир рўпарада китоб ўқиб ўтирган йигит бундан ўн икки йил муқаддам бу ерга келган вақтдагидан кўра, ўша Семёндан кўра кўпни билади-ку!

Йўқ, Антон Семёнович бу ҳақда биринчи бор ўйлаётгани йўқ. Ўз қўлинг билан ўстирган дарахтни, ўз қўлинг билан қурган уйни томоша қилиш нақадар завқли. Аммо олдинда ўзинг тарбиялаб ўстирган киши турган бўлсачи? Агар сен шу одамда сезилар-сезилмас яшириниб ётган яхши хусусиятларини жонлантирган бўлсанг-чи? У кечалина ўт-олов, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бандит эди. Энди бўлса—кучли, жонкуяр, ақлли, маданиятли, китобхон одам. Энди ўзи ҳам бошқаларни тарбиялайди, улардаги яхши хусусиятни ахтариб топа билади. ўстиради, янги характерни парвариш қилади. Сен у билан ёнма-ён ишлашга, ёнингда ишончли ёрдамчи турганини ҳис этишга ўргангансан, уни яхши кўрасан. Мана энди у билан хайрлашиш керак. Ҳар бир отанинг тақдири шу — ажралишдан бошқа илож йўқ....

Антон Семёнович ўрнидан турди-да, дераза ёнига

борди. Ҳамма ёқ жимжит. Коммуна уйқуда. Хаёл суришга ҳеч нарса ҳалақит бермайди.

Агар ҳозир йўлакка чиқсанг, оҳиста у ёқдан-бу ёққа юриб турган навбатчиға дуч келасан, албатта. Ёш қарагайзор ёқасидаги катта уй эшиги олдида турган соқчи ҳам жим. У ерда шамол ғувиллайди, бу ер эса жимжит, Семёнининг китоб варақлашигина эшнтилади.

Бир вақт худди шундай қадрли йигитлар билан — у билан ҳам, бошқалар билан ҳам хайрлашувга тўғри келган эди. У вақтда улар — Карабанов, Задоров, Вершнёв, Бурун колониянинг фахри, тўғричлари рабфакда ўқиш учун Харьковга жўнаб кетган эдилар... Ушанда ҳам жуда оғир бўлган, жароҳат тузалмайдигандек кўринган эди. Лекин жароҳат тузалди, чунки болаларининг ҳаётда ўз ўринини топганини кўришдан ҳам катта бахт борми? Улар яшашади, ишлашади, олға интилади.

Карабанов бўлса қайтди, у сен билан колонияда бирга ишлашган. Лекин мустақил иш кўрмаган командирни яхши командир деб бўлмайди. Майли, ўзи довиорак бўлсин, ақлли бўлсин, лекин агар ўз ақли билан мустақил иш тузмаган бўлса, ҳали командир эмас. Семён яхши ишлайди. Лекин сенинг сояида ишлайди, унинг учун сен ўйлайсан. У энди жўнаб кетиши керак. Вақт етди!


1

Хароб бўлган болалар уйи

Вагон деразасидан Ленинграднинг чекка, заводлар жойлашган қисми кўринади, кейин барглари тўкилган дарахтзорлар, март қорига бурканган далалар ғир-ғир ўтади. Мен ана шуларнинг ҳаммасини кўздан кечирар, ғилдиракларнинг тақиллашини тинглар эканман, юрагим шу тақиллашга жўр бўлиб тезроқ-тезроқ деяётгандек дукулларди.

Ниҳоят Берёзовая полянага етиб келдим. Қайин дарахтларининг қорайиб турган яланғоч шохлари орасидан кул ранг осмон кўринар, оёқ остидаги сўқмоқ йўл сирғончиқ ва лой эди. Мен беихтиёр: бу ерлар баҳорда нақадар яхши бўлади-я! — деб ўйладим.

Мана, дарахтзор ҳам тугаб, одам бўйи келадиган тахта девор билан ўралган кенг ялангликка чиқиб қолдим. Яланглик ўртасида минорали, кенг ва чиройли қилиб қурилган баланд — уч қаватли бино. Лекин оҳаклари алла-



қачон кўчиб тушган, деворлари ифлос, кўримсиз. Кира-веришда будка, лекин будкада ҳам, теварак атрофда ҳам тирик жон кўринмайди. Мен болалар уйи территорияси-га кирдим. Бу ер ҳам бўм-бўш. Соатимга қарадим — ўн икки ҳам бўлибди. Болалар мактабдамикан? Ё устахона-дами?— деб ўйладим. Бино ёнига бордим, кенг зинадан кўтарилиб, тўғри келган эшиклардан бирини очдим. Ши-пи баланд катта уйда кул ранг одеял тўшалган кроватлар қаторлашиб туради. Баъзиларида жилдсиз ёстиқлар кў-ринади. Энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эдим ҳамки, уйнинг бир бурчида алланарса қимирлаб қолди. Ўғирли-либ қарадим. Ун бир ёшлар чамасилаги бир бола одеял тагидан чиқиб келди. Кир юзиде тириқ кул ранг кўзи порлаб турарди. Боланинг бир оёғи яланг, иккинчисиде янги қора ботинка.

— Салом. — дедим мен.

— Салом, — деди у. хириллаган товуш билан.

— Бошқалар қаерда?

У бир оз индамай тургач, истар-истамас:

— Қаерда бўлишарди, шаҳарда-да, — деб жавоб берди.

— Ботинкаганинг иккинчи пойи қани?

У яна уялиб қолди.

— Карта ўйнаб ютқазиб қўйдингми?— деб сўрадим.

Бола жавоб бериш ўрнига кўзини юмди.

Мен ҳайрон бўлдим:

— Нега бира тўла иккала пойини ютқизмадинг?

— Ҳали... ҳали, балким, қайта ютиб ҳам оларман? —
Унинг овозида умид оҳанглари бор эди.

— Исинг нима?

— Петька... Қизимов Петр.

Бошқа ётоқларга кирдим — баъзи кроватларда болалар ухлаб ётишарди. Уларнинг бири янгигина кул ранг костюмда бўлиб юзи чўзинчоқ, сочи сариқ, оғзи кичкина эди. Кейини пастга тушдим, бўш хоналарда бир оз кездим, ошхонага кирдим. Юрагим сал енгил тортди: каттакон плитада олов гуриллаб ёнади, столда идиш-товоқлар уюлиб ётибди — икки бола каттакон тоғорада идишларни ювяпти. Скамейкада кекса бир аёл картошка тозалаб ўтирибди. Бир ўспирин бола унга ёрдамлашапти. Мен эшикни очишим биланоқ ҳаммаларни ўгирилиб қарашди. Болалар ишни тўхтатишди, аёлнинг қўлидаги пичоқ яна ҳам тез ҳаракат қилди, картошка пўчоқ ҳам зарда билан титраётганга ўхшаб кўринди.

— Салом. Мудирингиз қаерда?

Аёл саломимга ҳам жавоб бермай:

— Чап томондаги уйда! — деди тўнғиллаб.

Болалар индамас, қизиқсиниб, мени кўздан кечиришарди.

— Келиб кетишаверади... лекин бир тийинлик фойдаси йўқ... — деди кимдир ўгирилишим билан.

Ундан сал нарироқда, қийшайиб кетган стунларга тортилган волейбол тўрига кўзим тушди. Ҳайронман: март ойи бўлса, ҳовли лой, балчиқ, — бу маҳалда ким волейбол ўйнардиган?

Чап томондаги уйга бордим-да, эшикни тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Қаттиқроқ тақиллатдим.

Эшик орқасида шипиллаган оёқ товуши эшитилди, занжир туширилди-да, остонада ухлайвериш шилиб-кўпчиб кетган хотин кўринди. Унинг сочи бўялган бўлиб, усти сомондай сариқ, фарқи қийшиқ очилган еридагиси эса қора эди. Халатининг этаги осилиб ётибди, сархуш пайпоғини қора ип билан тикиб қўйибди.

— Мудирингиз қаерда? — деб сўрадим.

— Мен мудир.

— Сиз билан ҳазил-мазақ қилиб ўтиришга вақтим йўқ: болалар уйининг мудирини қаерда деяпман сизга.

— Ҳазил қилаётганим йўқ гражданин? Мудир мен деяпман-ку сизга!— деди хотин энди зарда қилиб.

Шу ерга етганда, мен одатда чўчиб турадиган ҳодиса юз берди: мен «тормозимни йўқотдим». Қулоғим шангиллаб, кўкрагим қисилиб, юрагим ёна бошлади.

— Бўлмаса билиб қўйинг: шу дақиқадан бошлаб сиз мудир эмассиз.— дедим ғижиниб. Яна бир дақиқа ўтмай ўзимни тутолмай, қичқириб юборишим мумкинлигини ҳис қилардим. Лекин сўзларим беҳудалигини ўзим ҳам тушуниб турардим: уни ишдан бўшатишга ҳеч қандай ҳаққим йўқ эди. Аммо исқирти чиқиб кетган, чойшап ёпинмаган кроватларни ва бир оёғида ботинка кийган, иккинчи оёғи яланг Петькани кўрмай, фақат кир халат кийган ва пайпоғини қора ип билан тиккан шу хотинни учратишнинг ўзи кифоя эди: ўлсам ҳам бу хотинни шу заҳотиёқ ишдан бўшатмай қўймасдим.

Уч минутлардан кейин тишимни ғижирлатиб, ғазабимдан ҳансираб сўқмоқ йўлдан станцияга қараб борардим.

Бола ёмон оилада тарбия топса — бахтсизлик. Ёмон мактабда ўқиса-чи — жуда ёмон. Лекин агар у ёмон болалар уйида яшаса — бу жуда даҳшатли. Болалар уйи унинг учун ҳам оила, ҳам мактаб, ҳам дўстлари демак. Унинг ҳаёт ҳақидаги, дунё ҳақидаги, одамлар ҳақидаги тасаввури шу ерда пайдо бўлади, шу ерда у ўсади, ўқийди, одам ва гражданин бўлиб етишади. Болалар уйи ўртача бўлолмайди, «тузук» бўлишига ҳаққи йўқ. Болалар уйи албатта яхши бўлиши керак.

Ўғрилиқ ҳамма вақт ҳам қабиҳлик ва жиноят. Лекин болалар уйидан ўғрилаш — сира афв этиб бўлмайдиган жиноят. Бундай жиноят учун жуда қаттиқ жазолаш керак. Бу ерда давлат, тарбиячига ота-онасиз қолган болаларни ишониб топшириб қўйган. Ана шу болалар ҳақини ўғирлашдан ҳам пасткашлик бўлиши мумкинми?

Баланд девор билан қўраб олинган мана шу уйда виждонсизларча ўғирлик қилишларига ҳечам шубҳа қилмасдим. Бу ерда хўжа кўрсинга бўлса ҳам ҳамма нарсамиз бор, кам-кўстимиз йўқ дейишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Ҳаммаси очик-равшан кўзга ташланиб турарди. Фақат битта нарсага ҳайрон эдим: ана шундай воқиянинг Ленинградга яқин бир жойда юз бергани ақлимга сиғмас эди. Бунинг устига ҳозир йигирманчи йиллар эмас-ку, ахир!

Ленинградга қайтиб келиб вокзалдан тўппа-тўғри

ларга ўғирилиб:— Ҳозир ҳаммасини батафсил айтиб бераман, олдин мана бу ўртоқни жўнатай, — деди.

Ҳамманинг таъби хира бўлиб, тоқатсизлик билан Лобановга қаради.

— Йўқ, марҳамат, сиз баҳузур гапираверинг, мен кутиб тураман, — деди Лобанов.

— Майли, ҳечқиси йўқ! Хўш, хизмат?

— Мени кадрлар бўлими юборган эди, — деди у негадир уялинқираб.

Кривицкий унга диққат билан тикилди.

Лобанов атрофида одамлар турганидан норози бўлгандай қовоғини солиб, чўнтагига қўлларини тикди-да, йўлланмани олиб, Майя Константиновнага узатди.

Майя Константиновна йўлланмадаги бир неча сатр сўзни узоқ ўқиди. Юзидаги табассум аста-секин йўқолиб, лаблари қисилди. Бошқаларни ҳам қандайдир ташвиш босди. Хона чуқур сукутга чўмди. Жимжитликда фақат қўшни хонада гувиллаб айланаётган пармаларнинг «фарёди» эшитиларди, холос.

— Танишинг, ўртоқлар, — деди Майя Константиновна оҳиста ва майин бир овоз билан, ҳеч қандай ифода-сиз, — бу киши лабораториямизнинг янги бошлиғи — ўртоқ Лобанов... — кейин қоғозга қараб, қўшиб қўйди: — Андрей Николаевич бўладилар.

Кимдир таажжубланиб ва бунга ишонмай пиқ этиб кулди, кимдир чўзиб «ҳмм...» деб қўйди. Яна биров шошиб-пишиб чека бошлади, сўнг орага узоқ кўнгилсиз жимлик чўкди.

— Пека, — деди Майя Константиновна, — бор, ановларга айтгин пармаларнинг овозини бирпас ўчиришсин!

— Майя Константиновна, нега энди? Сизчи... — деб дудуғланиб гап бошлади Новиков.

Майя Константиновна зўр-базўр кулди.

— Бу вазифани мен вақтинча бажараётган эдим. Бунини сиз биласиз-ку.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Устинова ҳали ёш инженер бўлгани учун унинг ўрнига обрўли, салобатли бирор кишини ахтариб топиш тараддудида юрган эдилар, бироқ бу нарсга жуда эскидан гап-сўз бўлиб юрганидан, унга эътибор ҳам бермай қўйган эдилар. Устинованинг ишлай бошлаганига бир йилдан ошган эди. Ҳозиргача ҳеч кимнинг ақлига ҳам келмагандики...

— Қачон ишни топширишим керак?— деб сўради у яна ўша вазмин оҳангда, ўрнидан тураркан.

Лобанов саросималаниб лабораториядагиларнинг илтифотсиз қиёфаларига назар ташлади.

— Мен ўйловдимки... амалий раҳбарликни ўзингиз олиб бора турсангиз-у, мен ҳали танишсам...

— Йўқ, энди,— Устинова стол устидаги қоғозларни бир ерга йиғди, йўлланмани нарироқ суриб қўйди,— Йўқ, энди, рухсат этсангиз ишни эртага топширсам.

Устинованинг авзойи бузилиб, адовати кучайган сари Лобанов ўзини хижолатдан аста-секин халос бўлаётган-дек ҳис қила бошлади.

У аста-секин ўрнидан турди: яқиндагина юзларига югурган қизиллик энди йўқола бошлаган, фақат чаккаларигина бир оз қизариб турарди.

— Хўп, нима ҳам дердик, эртага бўлса, эртага-да,— улар бир секундгина худди хафалашган одамдек, бир-бирларига аламли гурур билан тик қараб қолдилар. Сўнгра:

— Кўришгунча хайр ўртоқлар!— деди Лобанов.

— Хайр,— хонада Майя Константиновнанинг ёлғиз овози совуққина эшитилди.

Андрей Лобанов лабораториядан чиққач, иккинчи қаватга кўтарилди-ю, Энергосистема бошқармаси жойлашган катта бинодаги коридорларнинг биридан юриб кетди.

Ватан уруши даврида шаҳар энергия хўжалиги бутунлай вайрон қилинган эди. Шу уч-тўрт йил ичида парчаланган қозонларни қайта қуриб олиш, ўтказиш линияларининг матчаларини қайта тиклаш, шохобча йўллари-ни тузатиш ва турбиналар ўтказиш мумкинлигини ҳеч ким, ҳатто энергетиклар ҳам тасаввур қилолмас эдилар. Снарядлар, авиабомбалар ер ости кабель тармоқларини илма-тешик қилиб юборган эди. Подстанциялар чордвор бўлиб ётарди.

Йирик заводларда ток улушларни етишмай, қийинчиликлар юз берар, авжи ишнинг қизиган пайтларида диспетчер бир қисм корхоналардан токни узиб қўярди. Ҳар бир хонадоннинг лимити бўлар, энергияни ҳам нон сингари карточка орқали олишарди. Шахсан министрнинг ўзи келиб, ҳар бир километр кабелни бўлиб берарди.

Энди у вақтлар ўтиб кетди. Энг катта станциялар деб ҳисобланган Комсомольская, Октябрьская. Лесная Приозёрная станциялари ўз вазифасини тўла адо эта бошлади. Энергия ҳали ҳам тежаб сарфланар, аммо унга муқтожлик йўқ эди.

Лобанов қатор тизилишиб турган сон-саноқсиз эшиклар ёнидан ўтиб бораркан, ёзувлар орқали бу йирик муассасанинг қиёфасини тасаввур қиларди. У шаҳарни иссиқлик билан таъминлаб турган, хонадонларга қайноқ сув ва пар олиб борадиган изоляция трубалари оламидан ўтиб, юқори вольтли линиялар оламига кирди. Шаҳардаги миллионларча меҳнаткашларнинг яшаши, ҳаракати, меҳнат қилиши учун мана шу ўтхоналарда кечаю кундуз тинмай аланга гувиллайди, торф, кўмир ортган эшелонлар тинмай юради, трубалар орқали қайноқ пар югуради. Узоқ-узоқлардаги дарёларда сув турбиналар парракларига урилади. Передатчик линиялари унинг қувватини юзларча километрларга олиб кетади. Бу кўзга кўринмайдиган куч шаҳарга ҳар томондан оқиб борар, ҳар бир хонадонга кириб лампочкаларни ёндирар, репродукторларда ёқимли куйлар ҳосил қилар эди. Бу куч ўзининг ҳаво ранг нурлари билан қоп-қоронғи кино-театр залларига жон киритар, станокларни айлантирар, трамвайларни юргизарди. Кишилар унга шундай ўрганиб қолганларки, соғ одам ўз юрагининг қандай ураётганини сезмагандек, бу кучнинг ҳаракатини ҳам ҳеч пайқамасдилар. Бу кучни бунёд қилишда минглаб кишилар қатнашарди, улар у кучни тармоқларга бир меёрда бўлишар, уни ҳисоблашар, сарфланиши ва узлуксиз ҳаракат қилишини кузатардилар.

Бутун станциялар, тармоқлар, қурилишлар, ремонт заводлари, ҳуллас, барча мураккаб гигант ҳўжалик системаларининг бош мияси шу бошқарма эди.

Бу ерга янги цех, янги уйларга электр тушириш учун шартнома тузгани корхона директорлари келишарди. Рўзғор билан шуғулланувчи аёллар счётчик ташвишида юрардилар, ҳўжалик бошқармаларидан эса электр токининг сустигидан шикоят қилгани келиб турардилар.

Ярим очиқ турган эшиклардан бир текисда, бетўхтов, авжига чиқаётган шовқин, юз хил овозлар, ёзув машиналарининг чиқиллаши, телефонда гапиришлар барала эшитилмоқда. Олдинда коридор бўйлаб икки қиз борар,

уларнинг гаплари чала-чулпа Андрейга ҳам эшитиларди.

— ... Антракт вақтида у мендан бир оз трансформатор мойи беришимни сўради.

— Вой айёр-эй, шунинг учун театрга таклиф қилган эканда?

— Бўлмасам-чи. Орқамга бурилдим-у, кетдим вордим.

— Бутунлай-а?

— Ҳеч-да, Галёркага чиқиб, ўша ердан ўйинни охиригача тамоша қилдим.

— Шунча мойни нима қиларкин, улар?

— О, ҳазилми сенга, трансформаторлари сон-мингта.

Бирдан Андрей станциядаги аппаратлар неча цистерна мой сарфлашини тасаввур қила бошлади. Лекин шу заҳоти қўлтиғига дўппайган портфель қистириб олган кўзойнакли бир эркак унинг диққатини ўзига жалб қилиб қолди. У ўз суҳбатдошига бақирмоқда эди:

— ... Бу районда битта ҳам магазин қолмади. Биз уни холодильниклар билан жиҳозлаганмиз. Вентиляторларимиз бор.

— Ўртоқ абонент у районда ҳали қувват етарли эмас,— деб қайғуриб гапирарди суҳбатдоши.— Бир йилгина сабр қилинг.

— Тавба, бир йил эмиш! Қизиқ.

Бу тортишув кимдир «Саргузаштлар бўлими» деб ёзиб қўйган эшик олдида борар эди. Андрей бу сўзнинг асл маъносига яхши тушунарди, шундай бўлса ҳам маънос турган бўлим ходимига қараб кулгиси қистади. Лекин афсуски, дунёда мана шунақа қизиқарли кишини ўзига мафтун этадиган саргузаштлар бўлими ҳақиқатан ҳам йўқ-да!..

Бу кулгили ёзув, унинг лабораторияга ишга келиши ва бошқармани саёҳат қилаётганини бутунлай янгича ёритиб кўрсата бошлади. Ҳа, унинг ҳаётида чиндан ҳам ҳаяжонли ва ажойиб ҳодисалар даври бошланаётган эди. Бу давр бошланишга-ку бошланди, лекин уни жуда совуқ кутиб олишди.. У, шуни кутганмиди ахир?.. Ундай деса, ҳеч қандай ташвиш тортадиган ҳодиса юз бергани йўқ-ку? Кўрамиз, ишга киришгандан кейин яна қандай муносабатда бўлишаркан. Осциллографнинг тузилишини ҳам етарли даражада билишмас экан.

У баланд, қуббасимон коридорлардан ўтди, зиналар-

дан юқорига кўтарилди, қандайдир заллар, ойнаванд ра-
воилардан ўтиб бораркан, энди ўзини сайр-тамоша қи-
либ юрган киши эмас, разведкачи деб ҳис қилди. У ҳар
қадамида бир янгиликка дуч келар, унга тўқнаш келган
ҳар бир киши ё унинг ҳамроҳи ёки рақибни бўлиши мум-
кин эди.

...Мана, ниҳоят техника бўлими. Хўш, кириб ўзимиз-
ни таништирайлик, бўлмасам.

ИККИНЧИ БОБ

Одамлар кетиб, бўшаб қолган хона бурчаклари қо-
ронгилашди. Коридорда тиқ этган товуш эшитилмас,
телефонлар жирингламас, аммо улар ҳамон ўтиришар-
ди, ҳамон гаплари тугамас, бир-бирларига қараб сира
тўймасдилар.

— Оббо, Витька-э, жуда ўзгариб кетибсан-ку!

— Ростданми?

— Тўлишиб, жуда совлатли бўлиб кетибсан.

— Сен бўлсанг ҳали ҳам бўйга тортяпсан. Юқори
вольтли мачта билан тентглашмоқчимисан, дейман. Мун-
ча чўзилмасанг, Андрюха?

Улар институтни тамомлаганларидан кейин бир-бир-
лари билан ҳеч учрашмаган эдилар. Студентлик йилла-
рида тез-тез аразлашиб, жанжаллашиб туришса ҳам,
қалин дўст эдилар, аммо бешинчи курснинг охирига ке-
либ эса, бутунлай ажралиб кетишди. Уша вақтда икков-
лари ҳам энди ҳеч кўришмаймиз, деб ўйлаган эдилар.
Андрей Лобанов аспирантурада қолмоқчи эди. Виктор
Потапенко ишлаб чиқаришга жўнаган эди.

Профессор Одинцов нима учун Андрей Лобановни
аспирантурада олиб қолишни таклиф қилганига ҳеч
кимнинг ақли етмасди. Группада энг яхши студент
Виктор эмасмиди? Ҳатто, у диплом ёқлаётган пайтда
электростанциялардан бирининг бош инженери сўзга
чиқиб:

— Потапенковнинг диплом лойиҳаси — мактаб ўқув-
чисининг иши эмас. Бизнинг станциямиз муҳим масала-
ларни ҳал қилишда ҳақиқий инженерлик лойиҳасига
эга бўлди, — деган эди.

Уша вақтларда бутун факультет у билан фахрла-
нар, ўқитувчилар ҳам унинг қобилиятли йигит эканли-

гини бир огнздан маъқуллар эдилар. У дарсларни осонлик билан ўзлаштирарди. Бу соҳада Андрейга ўхшамасди. Андрейнинг бир печагина ўзи яхши кўрган дарслари бор эди. У кўчроқ ҳар хил чигал, поаниқ масалаларни билишга ва уни ечишга қизиқарди. Бордию лектор: «Бу ўринда, ўртоқлар, ҳар хил фикрлар бор. Ҳодисалар ҳали аниқ текширилмаган» деб қўйса борми, ўша кўни Андрей китобдан бошнинг кўтармай ўқишга киришар, ёки кечқурунлари лабораторияда қолиб кетарди. Мавҳум нарсалар унинг қалбида қатъий эътироз ва ўша нарсани билишга зўр қизиқиш туйғуларини уйғотарди.

Кўпинча у муваффақиятсизликка учрарди. Шубҳалар бутунлай чалкашиб кетарди. Агар бирон натижа чиқара олганда ҳам ўша натижани тушунтириб беролмай қоларди.

— Электр ёйи ҳақидаги кашфиётнинг эсингдами?— деб сўради Виктор, сўнг икковлари хахолаб кулиб юборишди.

Бу воқиа профессор Одинцовнинг: «Электр ёйи нурнинг энг ёрқин манбаи ва газ разряди назариясида ҳалигача аниқланмаган, энг қоронғи нарсадир» деб беихтиёр тапириб қўйганидан кейин юз берган эди.

Шунда Андрей дарҳол ана шу ёй билан шуғулланишга киришишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Кўзни қамаштирувчи электр алангаси унинг қўлида гуриллаб ёнарди. У алангани чўзар, пуфлар, магнит майдонига қўйиб кўрарди. Бир неча кундан кейин унинг кўзлари ёшланадиган бўлиб қолди, лекин тажрибани давом этдираверди. У симоб билан кўмир ўртасида ёй ҳосил қилмоқчи бўлган эди, тўсатдан ванначадаги симоб биқирлаб қайнаб кетди-ю, сапсар ранг конус шаклида кўтарилиб, кўмир томон интилди. У қутбларни алмаштириб қўйди, кўмирнинг учи симобга қаратилган эди, симоб бетида воронка ҳосил бўлди. Бу нима ўзи? Бунга қандай тушунса бўлади? У кутубхонага бориб, электр ёйи ҳақидаги катта асарларни варақлаб чиқди. Бундай ҳодиса ҳақида бирор огнз сўз тополмагач, у ўзининг ажойиб ва муҳим бир янгилик топганига қатъий ишонди. Аммо, бунинг нимаси муҳимлигига ҳали ўзи ҳам тушунмасди. Балки худди шу принцип асосида бирор двигатель ёки насос яратиш мумкиндир? Лекин унинг

ўтира бошлади. Бошқа тикка турганлари эса, яқинроқ келиб қуршаб олишди. Аллаким елкамдан ушлаб қўйди. Яна аллаким:

— То-за бопладигиз-да!— деб бир неча бор такрорладди.

— Бизнинг қишлоғимизда бир ҳўкиз бор эди, уни бир кўрсангиз эди...— деди чурук камзул кийган ориқ бола.

— Бизнинг сузағон сигиримиз бор эди, ҳар қандай ҳўкизингни бир ҳамла қилғишда қочирарди,— деди бо-яғи ёнлай бола.

Ҳаммада ҳам эслайдиган бирон вақиа — зўравон ҳўкиз ҳақида бўлмаса-да, сузағон сигир ҳақидаги хотира топилиб турди.

Менда ҳам ҳикоя қиламан десам хотиралар кўп, Полтавиннадаги Сторожевая қишлоғида ўн яшарлигимда пода боққанман-ку, ахир. Ана у ерда ҳўкиз деса дегудек каттакон, икки кўзи қонга тўлган ҳўкиз бор эди. Уни Гаврила деб аташарди.

— Бизники-чи...

— Гаврила билан тенглашишга йўл бўлсин. Бир кунни Гаврила...

Гаврила тўғрисида, ҳамма вақт поданинг олдида борадиган Зорька деган оқ сигир ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Украинанинг чекка бир қишлоғидан чиққан чўпон бола эканлигимни, ўн уч ёшимда Украинанинг катта кўчаларидан бирида биринчи бор автомобилни кўрганимни сўзлайман. Қўрққанимдан ўзимни юз тубан ерга ташлабман, кейин, ярим чақиримгача автомобилнинг кетидан бориб, филдирак изига чўқинибман.

— Одамлар ҳам тоза нодон бўлган-да! — дейди аллаким ҳайрон бўлиб.

Ўгирилиб қарайман — Қоршунов, ўша кунги бола. Ҳа-а, кетмабди-ку!

Болаларни кўздан кечираман. Кўпдан буён ювилмаган юзлар хушчақчақ. Мана ҳозир уларнинг нозик ерига тегиб қўйиш керак. Ҳўкиз — ўз йўлига, лекин бу ҳўкиз ҳар ҳолда менга анча ёрдам кўрсатди. Яхшиямки ҳўкизни осонгина бир ёқлик қила қолдим. Лекин бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки, чўпонлик тажрибасини ҳали унутмагандим, бунинг устига кучим ҳам, бир вақтлар помешчикнинг подасини боқиб юрган чоғимдагидан кўра анча ошиб қолган эди. Тўсатдан миям-

га бир фикр келди: ҳўкиз саройдан ўзи чиқиб кетганмикан? Балким биров атайлаб чиқаргандир? Наҳотки... Шу болаларнинг қайси бири қилган бўлиши мумкин? Мен болаларни бир-бир кўздан кечираман. Лекин ҳозир бу тўғрида ўйлашга вақт йўқ...

— Жуда ёмон яшайсизлар,— дейман.

— Тўғри, ёмон,— деб қўшилишади сира қайғирмай.

— Кеча сен мендан, бу ерда мудирлик қилиш-қилмаслигимни сўрадинг. Мен айланиб юриб тоза ўйладим ва бу иш сизларга боғлиқ, деган қарорга келдим. Ҳа, сизларга боғлиқ,— деб такрорлайман кўтарилган ғовур-ғувурга жавобан.— Чунки бундай ифлос хонада, ахлатхонада яшашни сира истамайман.

Ёшимда ўтирган бола:

— Бизга нима дейсиз? Бизда нима айб?— деди алам билан.

— Бўлмасам ким айбдор? Ювинмасдан, ҳозиргидек, афти-башарангнинг кири билан рўпарамда ўтирганинга ким айбдор? Ҳой бола, мана сени айтайлик, иштонингда биронта тугма қолмаганига ким айбдор? Тағин тўшиб кетмаганига ҳайронсан киши. Ана у Петкаши олсак бир оёғида ботинка, ҳақкалаб юрибди. Иккинчи ботинкасини ким ютқазди— менми? Ё тарбиячилардан биронтасими? Қани айтинглар-чи? Ким айбдор? Сизларнинг юраксиз, қўрқоқлигингизга ким айбдор?

— О-о! Нима, нима? Биз қўрқоқми?— деб қичқирди бир неча овоз.

— Ҳа, ҳа сизлар қўрқоқ! Ҳўкиздан қўрққанларнинг эсингиздан чиқдимиз. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди-ю! Йўқ, агар менинг шу ерда қолишимни истасангиз, ҳамма нарсa тубдан ўзгариши керак.


— Нима қилиш керак?

— Нима қилиш кераклигини мен айтаман. Тайгада кийиклар юради — уларнинг етакчиси бор. Осмонда самолётлар учади — уларнинг бошқарувчиси бор. Оилада — ота, заводда — директор. Ҳўш, сизларда-чи? Сизларга мен раҳбар бўламан. Лекин бу камлик қилади. Менга ёрдамчилар керак. Шу вақтгача масъул одамларнингиз бўлганми? Командирлар бўлганми?

— Ҳаммамиз командирмиз!— деб қичқирди орқа томонда турганларнинг бири.

Мен ўгирилиб қарадим.

— Майли, бўлмаса сизлар командирлик қилинглaр.



Шу-шу бўлди-ю, уларнинг ораларига совуқлик туша бошлади.

Виктор Одинцовнинг дидига қойил қолмади. Аслида Виктор аспирантурада қолганини ҳаёлига келтирмаган бўлса ҳам Лобановни афзал кўрганлари уни қаттиқ ранжитган эди.

Улар педагогика институтида ўқийдиган икки студентка — дугоналарнинг кўнглини овлаб юришарди: Виктор Лиза билан, Андрей Рита билан юрарди. Кўнларнинг бирида Виктор қизларнинг олдида Андрейни уялтира бошлади:

— Гапнинг очиги, Одинцовнинг орқасидан портфели билан таёқчасини кўтариб юриш унча оғир эмас, албатта, қўлинг ҳам ифлос бўлмайди,— деб ачитди у,— инженерлик сенга тўғри келмайди, сен учун у паот иш. Аммо биз биродар, шуҳрат кетидан қувмаймиз. Биз ишлагани кетяпмиз.

Улар аразлашиб қолди.

Институтни битириш муносабати билан ётоқхонада ўтказилган кечада ҳам Виктор тегажқлик билан Андрейга қараб қўйиб, деди:

— Йигитлар, мана, ниҳоят ўқишни битириб, ишлагани кетяпмиз. Шу, ўқишни битирганимиз учун, биз борган станция энг яхши станция бўлиши учун ичайлик!

Андрей ўз ўртоқлари олдида уялиб, оғир аҳволга тушиб қолди: улар ишлашга кетишмоқда, олган йўлланмаларини бир-бирларига кўрсатишар, борадиган ерлариди қандай қабул қилиб олишлари ҳақида ўзларича мулоҳаза қилар эдилар. Фақат Андрейгина ўқишни яна давом этдириш учун қолади, у ўзининг ноҳақ хижолат чекаётганидан нафратланиб, стакани маҳкам қисганича, ўрнидан турди ва аллақандай, тушуниб бўлмайдиган зерикарли сўзлар билан фан тўғрисида ва диплом қўлга теккандан кейин, ўқиш шу билан тамом деювчи, ўзига ишониб кеккайиб кетган нодонлар ҳақида гапирди.

Тўғриси айтганда, ўқиш кўпчилиكنинг жонига теккан, ҳатто Андрейга раҳмлари ҳам келарди. Аммо унинг сўзлари бир-бирига қовушмаган бўлса ҳам, фан шарафни учун қадаҳни хурсандлик билан кўтардилар.

Фақат Костя Исаевгина ақлли бир гап айтиб қолди.

— Бас, йигитлар, ҳадеб айтишаверманглар, ер юмоқ, барибир бир кун эмас, бир кун учрашамиз, йўлимиз тўғри бўлса бўлгани.

Костя ҳақ чиқди. Ер ҳақиқатан ҳам юмолоқ экан. Тақдир яна Виктор билан Андрейни учраштирди.

Виктор ўтган шу давр ичида анча шуҳрат қозонди. Журнал ва газеталарда унинг мақолалари борган сари кўпроқ босилиб чиқа бошлади, ўзи конференцияларда сўзга чиқиб турар ва йирик инженер сифатида ҳаммага танилган эди. Бундан бир йил муқаддам, у энергия системасининг техника бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. Андрей эса урушдан кейин аспирантурага қайтиб, яқиндагина диссертациясини ёқлади.

Дўстлар бу учрашув шунчалик илиқ ва қувончли бўлишини ҳеч қачон кутмаган эдилар. Ўтмишнинг фақат яхши томонларинигина эсладилар. Икковлари ҳам анча дуркин бўлиб қолишган, ўзгаришган. Улар қизиқсиниб бир-бирларига қараб-қараб қўйишарди. Лекин иккови ҳам эски гиналарни сира ёдга олмади. Ҳар қалай улар бир-бирларини яхши кўрардилар-да. Уч ўртоқ — Виктор, Андрей ва Костя ёшликнинг энг яхши дамлари ни арзон нархдаги папирос, колбаса, этик мойи ҳидлари билан тўлган ётоқхонанинг кичкина бир бўлмасида ўтказдилар. Ёз пайтларида хона дим бўлиб кетар, қишда эса улар навбати билан батарея ёнидаги каравотда ётишарди.

Барча ўтилган дарсларни ва ўқитувчиларни балки унутиш мумкин, аммо ўзингнинг биринчи муҳаббатинг ҳақида гапириб берган, сўнгги бурда нонингни бўлашиб еган, келажак орзуларинг ҳақида маслаҳатлашган ҳамкурс дўстларингни унутиб бўлармиди!

Мана, ниҳоят, ўша ёшликда орзу қилинган келажак етиб келди. Бироқ, энг аҳамиятли даврлар ҳали ҳам олдинда бўлиб кўринарди.

— Менга қара, чол, эсингдами, хўп, ёшлигимиз ўтиб кетди-а? Довдир эканмиз... Тойчоқлар сингари ёқимтой эдик-а?— деди Виктор. Сўнг бирдан ғасига тушиб соати-га қаради.— Ў-ҳў, овқатга кеч қолибман-у. Юр, бизники-га,— таклиф қилди у. — Борсанг, ёмон бўлмайди.

Андрей кўнди. Лабораторияда унга кўрсатилган ҳалигидай илтифотлардан кейин, бу учрашув Андрей учун катта мукофот бўлди. Энди у ўзини бутунлай янги бир дунё бўлиб кўринган бу ерда ёлғиз ҳис қилмай қўйди. Ёнида эски қадрдон дўсти бор. Бу билан у ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмайди.

Андрей ўрнидан туриб керишди-да, хонага киргани-

дан бери энди биринчи марта диққат билан назар ташлаб чиқди. Қатор қўйилган ёзув столлар хонанинг у бошидан бу бошигача саф тортиб тизилган. Виктор ўтирадиган сариқ стол эса бошқаларникидан фақат телефонларнинг кўплиги билан ажралиб турарди, холос.

— Кабинетсиз, қанақасига бўлим бошлиғи бўлиб ишлаяпсан?

— Биринчидан, бўш хона йўқ,— деб кулди Виктор кийинар экан,— иккинчидан, ҳамма вақт одамлар орасида бўлишни, уларнинг қилаётган ишидан бевосита хабардор бўлиб туришни яхши кўраман. Шундай бўлса ишнинг юришини оперативроқ бўлади.

— Мен ҳеч қачон бундай ҳолда ишлай олмасам керак, дейман, яна ким билади,— Андрейнинг ўртоғига ҳаваси келди.— Тинч ишлашга ўрганиб қолганман, ғовур-ғувурнинг ичида каллага ҳеч нарса кирмайди. Афтидан, сенинг бу ерда, ўйлашга ҳам вақтнинг бўлмаса керак,— деди у, боши билан Виктор тортмага солиб қўяётган бир даста қоғозларга ишора қилиб.

Виктор жилмайди ва куч билан тортмани итариб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ, биз билан ишласанг, бунақа қоғозларга ҳам, ғовур-ғувурга ҳам кўникиб кетасан.

Эшикни Лиза очди. Андрей уни кўриб кўзларига ишонмай қолди. Лизами? Уша дўмбоққина Лизанинг ўзими? У қизни институтни битириш муносабати билан ўтказилган кечадан — Виктор билан аразлашиб қолган кундан бери кўрмаган бўлса ҳам, дарров таниди. Ҳақиқатан ҳам, бугун эски танишлар билан учрашадиган кун экан. Виктор ўзини тутиб туrolмай кулиб юборди.

Андрей ҳеч нарса тушунмай дам унга, дам Лизага қараб қўярди.

— Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг, Лиза?

— Тасодифан келиб қолдими,— кулги аралаш гапирди Виктор,— ўзим ҳам ҳайронман.

Лиза Андрейни етаклаб, кийим иладиган қозиқ ёнига олиб келди.

— Ҳамма ҳам сенга ўхшаган юраксизми?— деб секин кесатиб қўйди Лиза,— бу билан у фақат икковларигагина маълум бўлган аллақандай нарсага шама қилаётган эди.

У қизни айлантириб, атрофидан кузата бошлади.

— Ҳеч ўзгармабсан, Лизок.

— Сенга шунақа кўринаётган бўлсам керак. Ҳаммамиз бирга қарияпмиз, шунинг учун сезмаймиз...

— Ишларнинг қалай?

— Мана, турмушга чиқиб олдим. Қаерда учраша қолдиларинг? Қаерда ишляпсан? Қим бўлиб? Уйландингми?

— Йўқ, сўққа бош бўлиб юрибман.— У синовчан кўзлари билан Лизага тикилар экан, бир нарса сўрамоққа оғиз ростлаган эди, бироқ Виктор ошхонадан туриб, уларни чақириб қолди-ю, гапнинг белига тепди.

Лиза столга дастурхон ёза бошлади, Виктор эса Андрейга квартираларини кўрсата бошлади. Уй янги тушган бўлиб, ҳали бўёқ ҳидлари анқиб турар, анжомлар ҳам ҳозирча жой-жойига қўйилмаган эди. Виктор юйнаванд эшикларни ланг очиб, ичкарига кириб борарди. Бу унинг кабинети. Деворга тақаб қўйилган полкаларга китоб терилган. Телевизорнинг энг сўнгги маркаси. Мана, кундузги ёруғлиқ берадиган жуда чиройли стол лампаси, у бир оз дириллаб туради. Аммо бу овоз уйга гўё ором бағишлаётгандай эди.

Деворга жойлашган шкафлар, ванна, душ, ётоқхонани айтмайсизми!

Ҳа, ҳақиқатан ажойиб квартира экан.

Болалар хонасида уч ёшлар чамасидаги бир қизча ухлар, уй хизматчиси яна бир болани ухлатиш тараддудида. Боланинг юм-юмолоқ юзлари, муғомбирона кулиб турган қора кўзлари Викторнинг ўзгинаси эди. У Андрейни кўрган заҳотиёқ қовоғини солиб олди-да, индамай келиб, қайиқчага ўхшатиб букилган қўлини чўзди.

— Менинг исмим Андрей.

— Меники Вова.

— Ўқийсанми?

— Иккинчи синфда.

Одатда катталар ундан бундай саволлардан сўнг қандай баҳо олаётганини суриштиришарди. Аммо бу новча амаки эса кутилмаганда, ишонч билан:

— Иккинчи синфда кишининг жиғига тегадиган дарс: ашула дарси-а?— деди.

— Рус тили ҳам.

— Бу ҳам тўғри,— деди маъқуллаб Андрей,— ҳали ҳам бўгин ажратишда қийналаман.

— Бизда одамнинг жудаям жиғига тегадиган «й» ҳарфи. Кеча «Зина» сўзини шу ҳарф билан ёзиб қўйибман.

Виктор Андрейни ошхонага бошлаб кетди.

У Андрейни кранларни бурашга, дераза пардаларини тортиб кўришга, холодильникни ишга солишга мажбур

қилди. Лекин бу нарсалар тезда Андрейнинг меъдасига тегди, чунки ўртоғи унинг мақтовини эшитиш билангина чекланиб қолмасдан яна уни ҳасад қилишга уринаётгани ҳам кўриниб турарди. Сўнг у бундай пумонсирагани учун ўздан-ўзи ўпкаланди-да, ҳайрихоҳлик билан уйнинг деворлари овоз ўтказиш-ўтказмаслиги тўғрисида сўради.

— Бу жиҳатдан ишимиз чатоқроқ,— иқрор бўлди Виктор,— тепадан ҳам, пастдан ҳам, икки қаватнинг шовқини барала эшитилиб туради.

У шундай ранжиб гапирардики, гўё уйнинг бу нуқсо-ни унинг шахсан ўзини қоралаётгандай эди.

Андрейнинг бирдан-бир ҳавасини келтирган нарса Викторнинг кутубхонаси бўлди. У кабинетга қайтиб кириб, тоқчаларга тартиб билан териб қўйилган китоб муқоваларини кўздан кечира бошлади. Бу ерда электротехникага доир барча янги китоблар мавжуд эди. Лекин улар бўйига қараб терилгани учун Андрейни бир оз ажаблантирди. Китоб бундай тартибда терилса, керакли-сини тез топиб олиш қийин.

— Бу Лизанинг иши,— деб кулди Виктор Андрейнинг ажабланганини сезиб.

Андрей Одинцовнинг ҳаво ранг муқовали энг сўнгги китобини олди. Бир вақтлар чолнинг шу китобга ёзган вилючатель тўғрисидаги фикрига қарши чиқиб, Виктор Андрей билан тортишиб қолган эди. Қизиқ, Виктор чол-нинг фикрига қўшилармикин?

— Э, ҳа— афтини бужмайтирди Виктор.— Ростини айтсам, ҳали диққат билан ўқиб чиққанимча йўқ. Варақ-лаб кўрдим-у, бўш вақтимда ўқирман, деб яна қўйиб қўйдим.

Аввалига Андрей Одинцовдан ранжигандай бўлди. Чол Одинцов бу китоб учун озмунча куч, озмунча меҳнат сарф қилганмиди! У ўзининг бу китоби практикант инженерлар учун жуда ҳам зарур бўлишига ишонган эди, бу ерда бўлса... Ўртоғининг бу ишига ачинган ҳолда Андрей: «Бечоранинг бош қашлашга ҳам вақти йўққа ўхшайди. Ўқитувчисининг китобини ўқиб чиқиш учун бир йилдан бери вақт ажратолмабди», деб кўнглидан ўтказди.

Сўнг дўстига нисбатан кутилмаганда ғаразғўйлик қилгани учун уялиб кетди. Билганини қилмайдими, гап фақат китобда эмас-ку!

Лиза кабинетни очиб қараган эди, бу икки йигитнинг полда юмалашаётганини кўрди. Бир вақтлар ётоқхонада чертёжлар ҳақидаги баҳслар ва бўғилиб тортишувлардан

сўнг қилганларидек, ҳозир ҳам зўр бериб кучанишар, терлаб-пишиб,— пишқиришиб олишмоқда эдилар.

— Бунинг мени қитиқлаяпти, Лиза!— деб бақирди Андрей.— Бу қоидага хилоф-ку!

Виктор ҳансираганича, Андрейнинг тагидан сирғалиб чиқди-да, унинг устига миниб олди.

— А-ҳа, мана сенга қоида!— деди у.— Қоидани куч-сиз юдамлар баҳона учун чиқарган.

Лиза уларни стол ёнига етаклаб кетди. Унинг қўллари дастурхонни ясатиш билан банд экан, кўзлари мулоимлик билан Андрейга тикиларди. У Андрейдан шу вақтгача қандай яшаганини айтиб беришини сўради.

Андрей ҳам бошқа фронтовиклар сингари Ленинград фронти окопларида совқотганлиги, қандай қилиб Геринг қасрини эгаллагани, ёниб турган кўприк устидан танкда физиллаб ўтиб кетгани ҳақида эслашни яхши кўрарди.

У ўзининг ана шундай саргузаштлари ҳақида узоқ гапириб бермоқчи бўлди. Бироқ бу Викторга ёқмаётганини кўриб, ёки унга шундай туюлдимикин, у жим қолди. Балки ҳозир ўрни эмасдир. Унинг ҳикояси Викторга, мана мен фронтда қон кечиб юрдим, сен бўлсанг, уйингда пашша кўриб ўтирдинг, дегандай бўлиб, йигитнинг иззат-нафсига тегиб қўймасин. Яна Лизанинг олдида-я?

Лекин аспирантурада ўқиганлари тўғрисида гапириш учун гап тополмади. Нимани ҳам айтсин? Ҳамма сингари у ҳам аввал кириш имтиҳони топширди, диссертация учун назарий тема танлаб, ёзишга киришди, сўнг диссертацияни ёқлади, хуллас, иш чакки бўлмади.

— Дуруст фикрлар айтишдими?— кўзларини қисиб сўради Виктор.

Андрей қизариб кетди.

— Мен тентакман, Вить. Бутунлай унутибман-а, сенинг бўлиминг юборган мулоҳазалар ҳам бор эди-я. Шундай мақташибдики, асти қўяверасан.

Виктор қўлларини ишқалади.

— Демак, ёрдамимиз тегибди-да? Ростини айтсам, мен сени келасан, деб кутган эдим, яна бир жуфтгина шунақа қўлнинг ўрғилсан мулоҳаза уюштириб берардим. Сен алвасти бўлсанг, димочингни жўтариб юбординг.

— Бўлмасамчи, сиздақа корхона ходимларини назар-писанд қилмаймиз!

Андрей рюмкани қўлига олиб, терлаган шиша орқали чироқ шуъласига тикилганича ўйга ботди. Орага жимлик чўкди. Улар учовлари ҳам фақат бир нарса устида ўйла-

ётганларини сездилар. Бу ҳозирги ҳолат ҳам ёқимли, ҳам бир оз маънос эди. Шу пайт улар бир дақиқагача ўзларини ёшлик чоғларидаги ҳолатда ҳис қилдилар. У ўтиб кетган ёшлик давр ҳозир уларга ғоят гўзал ва ёқимтой бўлиб кўринди.

Андрей Виктор билан Лизага назар ташлар экан, ёз кунларининг бирида, кечқурун дарё ёқалаб юрганларини эслади. Ушанда Лизанинг эғнида чит кўйлақ, оёғида калта пайпоқ, пешонасига тушиб турган кокили эса жуда юлғили эди. Виктор озгин, аммо чайир йигит бўлиб, калтагина пиджагининг ёқасига ВЛКСМ, ГТО, ГСО, «Ворошилов отувчиси» ва Осоавнахим значокларини қаторлаштириб тақиб олган эди. Қаранг-а, қаёқдаги нарсалари эсга тушяпти! Уша вақтларда Викторнинг овози жуда ёқимли эди, у, доим студентларнинг ҳазил қўшиғини айтгани-айтган эди:

Бу қандайли урф-одат —
Кунда уч маҳал овқат,
Ҳамда ухлаш учун каравот.

Сўнг Рита, ўша Рита ўзининг ажойиб овози билан унга жўр бўлиб кетарди...

— Хўп, яна учрашганимиз учун ичайлик!— Викторнинг йўғон овози янгради уйда.

Андрей сесканиб тушди.

— Ичайлик,— деди у, хаёли тарқалиб кетди.

Виктор томоқ қожиб олгач, салфетка билан оғзини артди.

— Рита шу ерда, Уралдан келганига икки ойча бўлди, эшитдингми?— деди у.

— Шундайми?.. Сен Костядан хат-пат оляпсанми?

У ҳозир МКда ишляпти. Биласанми, Лиза, Андрей бизга лаборатория бошлиғи бўлиб тайинланди.

— Ростданми? Қандай қилиб, Андрей?

— Ўзим илтимос қилдим.

Виктор ишончсизлик билан бошини қимирлатди.

— Тўғрисиини айтиб қўя қол, марказдан узоқроқ бирор ерга юбормоқчи бўлишгандир?

Биринчи бор учрашган чоқларидаёқ Андрей Виктордан худди шу саволни кутган эди.

— Одинцов мени кафедрада олиб қолмоқчи бўлди, мен қўнмадим. Биласанми,— у бурнининг учини қашлади. Унинг эски одатини кўрган Лиза кулиб юборди,— мен-

ла бир идея туғилган, бир асбоб ҳақида... уни фақат сизнинг лабораториянгизда ишлаш мумкин.

Виктор яна рюмкаларни тўлдирди.

— Билганингни қил, сирингни айтгинг келмаса ўзинг биласан,— софдиллик билан тапирди у.— Майли, ҳар қалай, сен билан бирга ишлайдиган бўлганим учун хурсандман.

Андрей қўлига юлган бир тўғрам колбасани қайта тарелкага қўйди.

— Ишонмаяпсанми?

— Бўлмаса, нима мақсадда аспирантурани битирдинг?

— Нима мақсадда? Фан билан шуғулланиш мақсадида.

— Қаерда? Шу ердами?— Унинг қора кўзлари Андрейни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.— Сендақа новаторни қараю! Инженерлар ишлаб чиқариш корхоналарида диссертацияларини тайёрлаб, сўнг институтга кетишади... Ҳа, фан билан шуғулланиш учун кетишади. Улар тўғри қилишади. Институт билан академиялар ана шундай мақсад учун яратилган. Лекин мана бунга қаранг, бутун умрини институтда ўтказган Андрей Лобанов бўлса, ўзини гўё иккинчи бир илмий-текшириш лабораториясига ўтган ҳис қилипти-я. Бундай соддалигининг қўй, дўстим, сен ҳали корхоналардаги темир қонунларни билмайсан.

— Корхонанинг менга нима дахли бор! Мен сизларнинг корхоналаринг билан бош қотиргани келганим йўқ!

— Ана холос, енгилтак йигитсан-да, дўстим.— Викторнинг жаҳли чиқди.— Шундай қарорга келишдан олдин, ақаллиси, мен билан маслаҳатлашиб олсанг бўларди.

— Оббо, кўп ваҳима қилаверма,— деди Андрей.— Назарияни яхши билган одам сизнинг бундай оқилона ишларингизни ҳаш-паш дегунча эгаллаб олади.

— Йўқ, йўқ!— Виктор истеҳзо билан кулди.— Ҳоврингизни босинг, ўртоқ утопист. Қиладиган ишингни биласанми, ўзинг? Иш пайтида бирон ерда бирдан кабель ёрилиб кетади — сен дарҳол унинг нима сабабдан ёрилганини аниқлашинг керак бўлади. Эҳтимол, аллақандай маст монтажчи симларни нотўғри улаб қўйгандир, лекин бош қотириб, шикастланиш сабабини ахтариб топишинг шарт. Сен асбобларни ремонт қилишинг, аппаратларни яхши сақлашинг, изоляторларни тез-тез синовдан ўтказишинг керак, акс ҳолда, техника бўлими бошлиғи, яъни, каминадан кўрадиғанингни кўрасан. Таъминотчилар би-

Стеклови уйгот, сизларнинг отрядингиздан кейин, улар навбатда туради.

Королёв соатни олди-да эҳтиётлик билан қўлига тақди.

— Энди бизда ишлайверасизми? — деб сўради у кўзимга тик қараб.

— Сенингча қалай?

— Ишлайсиз! — деб жавоб берди у ишонч билан.

5

Кеч келган меҳмон

Уйга жимлик чўкиб, эндигина ётмоқчи бўлиб турганимда эшик тақиллади.

Шу маҳалда ким ҳам келиши мумкинлигига ҳайрон бўлиб:

— Кириңг!— дедим.

Остонада кичкина чемодан кўтарган нотаниш хотин кўринди.

— Мен тарбиячи Артемьеваман,— деб гап бошлади у майин, худди нафаси тиқилиб қолаётганга ўхшаш товуш билан шошиб.— Тихвинга, бемор отамни кўргани кетган эдим.

— Қани, қани кириңг. Утириңг.

Жувон ўтирди, пальтосининг ёқасини очди. Оппоқ блузкасининг ёқаси кўринди. Береткани тагидан оқ оралаган қора сочи чиқиб турарди. Юзи ҳорғин, қошлари орасига чуқур ажин тушган, у қадар ёш кўринмайдн. Ёши қирқлардан ошган бўлса керак.

У диққат билан тикилаётганимни сездн, юзидаги ажин яна чуқурлашди-ю:

— Сиз, балки, мени энди бу ерда ишламаслиги керак, деб ўйларсиз?— деди бу сафар жаҳли чиқиб.

Мен жавоб бергунча ҳам бўлмай, у кафти билан столни енгилгина дукиллашиб қўйиб:

— Эшикдан ҳайдасангиз деразадан кираман. Лекин болалар уйини ташлаб кетмайман,— деди қатъий қилиб.

— Ахир...

Мени эътироз билдирмоқчи деб ўйлади шекилли:

— Қетмайман!— деб сўзимни кесди у.— Сиз бу ер-

да ишлаганларнинг ҳаммасини айбдор деб ҳисоблайсиз, албатта. Балки ҳақдирсиз ҳам. Лекин мен бу ерга яқинда келганман. Балким, мен ҳам айбдордирман, лекин барибир, мен бу ердан кетолмайман. Мен болаларга ўрганиб, уларни яхши кўриб қолдим. Кекса отам оғир касал ётгани учун кетишга мажбур бўлган эдим...

Аёл қизишган сайини, менинг кўнглим ёриша борди.

— Ахир, ҳеч ким сизни ҳайдаётгани йўқ-ку!— деб гап бошладим. — Қолинг шу ерда. Лекин нақадар кўп ишлашга тўғри келишини ўзингиз биласиз. Ҳамма тарбиячилар тумтарақай бўлиб кетишди. Мен эса бу ерда янги одамман.

— Иш ҳақиқатан ҳам кўп. Биламан.

— Демак қоласиз?

— Ие, боядан бери сизга нималар деяпман!— Унинг овози овозга яқин боқимсиз болаларни тарбиялаш эмас, балки хушчақчақ ва тинч дам олишни талашиб олгандек тантанали жаранглади.

— Сиз дам олишингиз керак,— деди у шошқин ва енгил тортиб. — Мен кетай. Яхши ётиб туринг. Яна бир нарсани айтиб қўяй: сиз зинҳор буларни тарбиялашни қийин болалар деб ўйламанг. Ҳамма болаларга ўхшаган болалар булар ҳам. Ахир шу вақтгача бу ер карвон сарой эди-да, ҳеч ким бир ойдан ортиқ ишламасди. Бирни келиб бири кетаверган. Менинг ҳам ишлаганимга ҳали бир ой бўлгани йўқ, лекин гапимга ишонаверинг, буларнинг бошқа болалардан фарқи йўқ. — Унинг овози ишончли жарангларди. Лекин унинг ташвишланаётгани ҳам сезилиб турарди, яна ишонмай қолишим мумкин-ку, ахир?— Менга қаранг,— деб гапини бошқа ёққа бурди у,— Лобов машғулотини такрорлаётими?

— Кечирасиз...

— Анави бола-чи! Вася Лобов. Алифбекинг ярмидан кўпини тўғри талаффуз этолмайди. «р»ни «л» дейди...

— Ҳа-а, Лобов денг!

Мен Стекловнинг отрядидаги кичкинтой, малла болани эсладим — ҳақиқатан ҳам нима деяётганини тушуниш қийин эди. Ҳамма вақт оғзида носи бордек туюлар: «з» ўрнига «в» дер, «с»ни «ф» деб талаффуз қиларди; қайси ҳарф ўрнига қайсини гапираётганини, нимани

нима билан чалкаштираётганни англаб олиш қийин эди.

— Машғулот дейсизми? Йўқ, хабарим йўқ.

— Ана шунақа бўлар деб қўрққан эдим-а.

— Биласизми, у ҳозир «с» билан «э»ни анча яхши талаффуз қиладиган бўлиб қолди.

— Тўғри гапириб кетади деб ўйлайсизми?

— Албатта! Тузалади, албатта тузалади. Ўзим ҳам билган эдим: ҳаммасини бошидан бошлаш керак эди. Яна менга: «Ҳар кун такрорлайман», деб ваъда берган эди-я.

-- Нимани такрорлаши керак эди?

— Жуда осон... Эсим курсин менинг!— деди у бирдан.— Сиз дам олишингиз керагу, мен бўлсам....

— Мени дам олишга шоширасиз-у, ўзингиз жуда ҳам чарчаган кўринасиз,— дедим мен.— Йўлдан тўғри келишингизми?

— Ҳа. Бу ердаги ўзгаришларни Ленинградда эшитдим-у, тўғри поездга ўтириб жўнадим. Ҳозир уйимга бораман. Мен жуда яқин жойда, Антонина Григорьевна-никида ижарага тураман.

Артёмьеванинг чамадонини олиб, Антонина Григорьевнаникигача кузатиб қўйдим — бу уй ҳақиқатан ҳам жуда яқин экан, деворнинг нариги томонига чиққач, станцияга борадиган йўлдан юз қадамча юриш керак экан. Артёмьева пилланоядаги дарчани тикиллатди.

— Екатерина Ивановна! Азизим!— деган овоз эшитилди. Мен бу гапираётган бизнинг жаҳлдор, илтифотсиз бекамиз ва ошпазимиз эканига сира ишонмаган бўлардим.— Мен бўлсам ташвишланиб ўтирибман! Хўш, отангизнинг соғлиғи қалай?

— Тузалиб қолди, раҳмат. Оёққа турғаздим-у, бу ёққа жўнадим....

Мен уйга қайтиб кетдим. Будкада турган Королёв ёнидан, кичик бинодан — ошхонадан ўтдим. Совуқ шамол юзга келиб урилар, уйқуни ўчиради. Ҳақиқатан ҳам уйқум ўчиб кетган эди. Ёши анчага бориб қолган, ана шу ҳорғин хотин болалар уйида ишлаш ҳуқуқини нақадар қизғинлик билан ҳимоя қилди-я! Бу хотин билан бўлган кутилмаган суҳбатдан кейин мен яна ҳам хотиржам ва дадил бўлдим.

Қундузи, болаларга дераза ювишни кўрсатмасимдан

аввал, ошхонада бўр эритиш учун мос тоғора қидириб юрганимда, ёнимга Коршуновни изоляторга қамаб, пойлаб ўтирган, ғалати кийинган киши келганини эсладим. Бу кишининг тарбиячи Шчуров эканлигини билиб олган эдим.

— Аввал,— деб сўз бошладим у тўғридан-тўғри,— асосий касбим фотографик эди...

Мен ҳайрон қолганимни сездирмай, нима деяр экан, деб кутиб турдим.

Бир оз жим тургач, Шчуров салмоқдор қилиб гапини тугатди:

— Мен ўша касбимни давом этдирмоқчиман.

— Демак, болалар уйидан кетасиз?

— Шундай, албатта кетаман.

Нима ҳам дердим? Агар биров тарбиячи бўлишни истамас экан, уни кўндиришга уринишнинг кераги йўқ. Айниқса, мана бу рўпарамда турган, ҳаддан ташқари узун, почаси қайтарилган шим, қўполдан-қўпол пиджак кийиб, лабини чўччайтириб, хира эринчоқ боқиш билан менга қараб турган одамни кўндиришга уриниш... Йўқ, бунақа одамни кўндиришга уринишнинг кераги йўқ. Шаҳар маорифига бўлган гапини айтаман. Зимин тушунадиган одам.

Шчуров менинг жим турганимни тўғри тушунди.

— Хайр бўлмасам,— деди у.

— Хайр.

Лекин шунга қарамай Шчуров билан сўзлашганимдан кейин юрагим анча ғаш бўлиб қолган эди. Ярим кечага яқин Екатерина Ивановна Артемьева қўлида чамадони билан тўппа-тўғри йўлдан кела туриб, хонамга кириши биланоқ, остонага қадам қўйган ҳамоно: «Эшикдан ҳайдасангиз деразадан кираман» деб қатъий туриб олгани мени шу қадар севинтириб юбордики, худди нотаниш йўлда, зим-зиё тунда биров йўлимни ёритгандек бўлди. Балким, Антон Семёновичнинг хайрлаша туриб айтган сўзларини мен фақат эндигина, ана шу шамол ғувиллаб турган совуқ март тунда яхши англагандирман. Мен у билан ишлар ва қўлимдан келганча ёрдам қилардим. Лекин ҳамма вақт унинг сўзларига орқа қилардим. Унинг фикри мен учун бир қонун эди, унинг кўрсатган йўли энг яхши йўл ҳисобланарди. Энди ўзим йўл топишим керак, энди ўзим раҳбар.

Яна тонг ота бошлади

Эрталаб энг аввал дуч келган одаим Сергей Стеклов бўлди.

— Ишлар жойидами?— деб сўрадим.

— Соат бутун, мана,— деб соддадиллик билан жавоб берди у. Мен унга тикилиб қарадим-да, елкамни қисиб қўйдим.

У қип-қизариб кетди.

— Болалар уйида ҳамма нарса жойида, Семён Афанасьевич. Уидан кейин... Ҳалиги, Подсолнушкин келди.

— Ким ўзи у?

— Бизники. Тарбияланувчилардан. Тимофей фақат ўшандан қўрқади деб айтган эди-у сизга. Ана, ўзи келяпти!

Мен бўйдор, бақувват болани кўрарман деб ўйлаган эдим.

Лекин будка томондан бизга қараб кичкинагина, сзғингина ўспирин келарди — у қўлини чўнтагига тикиб, теварак-атрофга алаңглаб, шошилмай келарди.

— Салом,— дедим мен.

— Агар чин гапираётган бўлсангиз, салом,— деб жавоб берди Подсолнушкин шошилмасдан ва вазминлик билан.

— Тимофейга сендан бошқа кучи етадиган одам йўқлигини билла туриб уйин қандай ташлаб кетдинг? Кеча саройдан чиқиб кетиб қолди, битта-яримтани сузиб ташласа нима бўлади.

Мен уни танг қолдирдим. У ўз ихтиёри билан кетиб қолгани учун мени уришар деб ўйлаган эди. Унинг бутун туриш-турмуши:

«Мен ўзимга ўзим хўжайинман, ўзимни ҳимоя қила сламан» дер эди. Бундай қарасаки — Тимофейдан гап кетди... Подсолнушкин ҳайрон бўлиб қолди. Мен гапимни давом этдирдим:

— Менга қара — тезроқ ювиниб, понушта қилиб олгин, кейин Тимофейнинг ёнига борамиз. Қайси ётоқдансан?... Жуковдаман дегин. Ишончлироқ болалардан йккитасини ёнингга ол — саройни тозалаш керак. Ҳа,

айтгандай, икки кундан бери қайда эдинг? Сира кўринмадинг.

Подсолнушкин йўталиб олди.

— Менинг... ҳалиги...— У қайда юрганга баҳона қилдиради.— Холаминикида элим... ўша ерда қолмоқчийдим...

— Хўш, нима бўлди?

Бу ёнига рўй-рост гапира бошлади:

— Бозорда Нарискинни учратиб қолдим... У менга: «болалар уйи остин-устин бўлиб кетди!» деди. Бир кўрай дедим.

— Тўғри қилибсан. Қани, Сергей, туришга сигнал бер!

Қўнғироқнинг узук-узук жингиллагани эшитилди. У ҳамон қулоқни батанг қилувчи ёқимсиз товуш чиқариб жингилларди. «Ана музикаю, мана музика!— деб жаҳл билан ўйладим мен.— Тезроқ горн олиш керак!»

Кухняда аллақачон ўт ёқилган эди. Антонина Григорьевнанинг юзи ҳам кечагидек жаҳлдор эмас эди.

— Екатерина Ивановна аллақачон туриб кетди. Корпусни айланиб юрибди. Тонг ёришини билган уйғонган,— деди мен билан кўришиб бўлгач.

Ҳамма нарса худди кечагидек эди-ю,— ҳаммаси бутунлай бошқача эди. Кеча тонгини нима бўлар экан, янги мудир бизни нима қилар экан, деб қизиқиб кутган эдилар. Болалар, кимдир уларни нимадир қилишга кўнгикиб қолганлар: улар ё шунга бўйсундилар ё ўзларини четга олиб қочадилар ённки, аста-секин бош товлайдилар. Бугун эса, улар бошлаб қўйилган, леккин чала қолган ишлар борлигини ҳис этиб уйғондилар: Жуков отрядининг ошхона ва кухняда навбатчилик қилишини билган эди, Королёвнинг отряди ҳовли тозалашни керак, Колинскиннинг отрядига клубни тартибга солиш топширилган.

Болалар Екатерина Ивановнани қандай кутиб олганларини томоша қилиш жуда қизиқ эди. Ростини айтганда, бунн кутиб олиш деб атаб ҳам бўлмасди. «Ка-те-ри-на Ива-н-на!»— деди Петька чўзиб, леккин шу икки оғиз сўз жуда маънодор янгради. Мен унинг сўзларидан: «Келганингиз қандай яхши бўлди-я! Биз бўлсак, энди келмасиз деб ўтирган эдик!»— деган маънони уқдим. Бу хитобда ҳам қувонч, ҳам ҳайрат ва яна алла-

либди. Ўзининг шахсий ҳаёти тўғрисида тузуккина гапириб ҳам беролмайди. Уқиб суробини тўғрилаб қўйганга ўхшайди.

Андрейга ҳомийлик қилиш билан ўз елкасига ортиқча ташвиш, оғир юк ортираётганини Лиза ҳам сезишини истарди. Агар ҳозир у эрига ачишиб, бирор нарса деганда, Виктор унга чинакам дўстлик қонунлари ҳақида, Андрейга бўлган ўз меҳр-муҳаббати тўғрисида сўзлаб берган бўларди... Бироқ Лиза жавоб бермади. У Викторга орқа ўгириб ётар экан, унинг нафас олишидан ухлаётганлигини ҳам, уйғоқлигини ҳам биллиб бўлмас эди.

УЧИНЧИ БОБ

Аспирантура, Андрейнинг олдида диссертация ёқлай олиши масаласининг қўймай, балки ундан олим чиқиш-чиқмаслиги масаласини ҳам қўйди. У изчилликка ва сабр-тоқатга одатланди; ҳеч ким назарига илмайдиган қора ишларини яхши кўришга уринарди. Ҳамма иш барбод бўлиб, нимадан бошлашни билмай умидсизликка тушган чоқларда ҳам у шу мушкул аҳволдан чиқишга уринарди. Баъзан қилган ишларининг ҳаммаси бирданига гўё қил учида осилиб қолар, сўнг боши қотиб, бундай ҳолатдан қутулиш учун ўзини ожиз сезарди. Шундай пайтларда кўнглида «Қилаётган бу ишларимнинг кимга кераги бор?» деб ўйлаб, ваҳимага тушиб қоларди.

Шундай кезларда у тасалли топмоқ учун Одинцовнинг олдида чолиб қоларди. Одинцов эса ўзини гўлликка солиб, раҳмсизлик билан дерди:

— Шу тажрибангизни яна бир марта қайтариб кўринг-чи.

Осон йўл топини мумкин бўлган ерда, Одинцов яна қийинроқ усулни кўрсатиб юборарди.

— Шишасозга топширсакмикан? Шишасоз дарров бир ёғлиқ қилиб ташлайди-я, лекин ўзингиз уриниб кўрсангиз яхши бўларди. Сизда фақат ақл-идрок бўлиб қолмай, олимларга хос тажрибали қўл ҳам бўлиши керак.

Шунда Андрей қайта-қайта «яна бир марта»дан ўз тажрибасини такрорлаб кўрарди. Лампалари учун пуфлаб шиша баллон ясар, қилдек ингичка кварц ипини эшар, слесарлик қилар ва елимлаш билан шуғулланарди.

— Кўпинча битта-яримта жез бўлагининг ўзини ишга солиш учун биронта бутун бошли илмий-текшириш ишларини тузишга нисбатан ҳам кўпроқ ақл-фаросат ке-

рак бўлади,— дерди Одинцов, бод билан оғриб, чўпдек бўлиб қолган озгин бармоқларини қимирлатиб.

Чол қўйган талабларнинг ҳеч чеки йўқ эди. Андрей берилган бирон расчётни бажариши билан, Одинцов яна янги вазифа топширарди.

— Бу расчётнинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ, ўша ўзимиз билган расчётлардан биттаси-да,— деб бепарвогина жавоб берарди Одинцов,— сиз аввал уни назарий жиҳатдан асослаб беринг-чи.

Андрей расчёт назариясини ишлаш устида икки ҳафта ўтирди. Қирқ варақли дафтарни ёзиб тўлғазди. Бу Одинцовга маъқул тушди шекилли, текшириб кўриб, мақтаб ҳам қўйди. Унинг мақташи ҳам қуйидаги сўзлардан иборат эди:

— Хўш, мана энди ҳаммасини тушуниб олганга ўхшайсиз. Энг муҳими ҳам шу. Бироқ сизнинг темангизга бунинг ҳеч дахли йўқ.

— Нимага дахли бўлмас экан?— чўчиб тушди Андрей.

— Натижа палон-палон миқдордан иборат,— деб илова ёзиб қўйинг,— деб бамайлихотир маслаҳат берди Одинцов. Шундай қилиб диссертацияга бутун бир дафтардан уч қаторлик иловагина олинди, холос.

Одинцов табиатидаги кўрслик хислати энди панд-насиҳат қилишга одатланиш хислати билан элакиша бошлаган эди. У Андрей билан қилган суҳбатлари ҳақида кулиб туриб шундай таъбир қиларди. Худди шундай вақтларда у аллақандай эскича услуб билан дабдабали оҳангда, аммо ёшлар учун жуда жозибадор ва ёқимли тил билан гапирарди.

— Маълумки, буюк олимлар машҳур хулосаларга фақат тўғри ўйлаганларидан эмас, балки кўп ўйлаганларидан ва шу ўйлаганларининг кўп қисмини бутунлай йўқ қилиб юборганлари учун эришганлар. Сиз қанчалик зўр умидлар алангасига чулғанган бўлманг, ўз виждонингизга ҳийла ишлатишдан ўзингизни сақлашга урининг. Фанда кашф қилишдан ташқари уни барбод қилишни ҳам билиш катта аҳамиятга эга.

Муддат ўтиб борар, Одинцов эса ўз программасидан бир қадам ҳам силжимасди. Баъзан Андрей бу чолни тушмагур тағин атайи мени айбситмоқчи бўлса-я, деб ўйларди. Ахир гап докторлик эмас, кандидатлик диссертациясини ёқлаш тўғрисида бораётган эди.

— Мен сизни кандидат эмас, ҳақиқий олим қилиб тайёрлашим керак,— деб терс жавоб берди Одинцов.

Хонага жимлик чўқди, шамоллаган Қолишқинининг хиралаб нафас олинишигина эшитилади. Ҳамма кўзини мендан олиб, Глебовга қараб турибди. У оғирлигини бир оёғидан, иккинчисига солиб, оғир нафас олади ва нидоят:

— Йўқ, мен... мен ўзбошимча...— дейди зўрға.

— Ҳа-а, ўзбошимчалик билан дегин?... Кечирасан, мен тушунмабман. Сукунат. Ҳатто Қолишқин ҳам пишилламайди. Бир минут сукунат ҳам шу қадар узоқ бўлар экан-а. Бир минутдан кейин бошимни кўтараман:

— Ҳали ҳам шу ердасан, Глебов? Нега кетма-ясан?

Агар хонада иккаламиздан бошқа одам бўлмаганда-ку, аллақачон бундай вақтларда айнтиладиган: «Энди қилмайман»ни айтган бўларди. Лекин ҳозир тили гапга келмай қолди: ўртоқлари олдида қайси юз билан кечирим сўрайди? У оғирлигини бошқа оёғига солади. Пол гижирлайди, балки оёғидаги янги ботинкаси ғарчиллагандир. Деразанинг нариги томонида шамол гувиллайди. Кўча ҳозир нақадар совуқ, ёқимсиз...

— Семён Афанасьевич... мен энди... энди қилмайман.

— Билмадим, сenga ишонса бўлармикан... Унга ишонса бўладими. Стеклов? Сизлар уни яхши биласизлар.

Королёв билан Стеклов:

— Бўлади. Кечиринг уни! Энди қилмайди,— дейишди беравар. Ҳатто бепарво Суржик ҳам қўшнлади.

— Стеклов, у сенинг отрядингдан, сен командирсан. Унга кафили бўла оласанми?

— Кафирман,— дейди Сергей ўзи яхши ишонмаган бир вазиятда.

— Яхши, Глебов, қоласан, лекин ётоққа киритмайман. Ботинкасини, камзулигини ечиб, диванимга чиқиб ёт. Чироғ халақит бермайдими? Биз яна бир оз ишлашимиз керак.

Хонадаги жиддий вазият бўшашаётганини ҳис қилмади: аллақим пиқиллаб кулди, кимдир шеригига кўз кичиб қўйди. ҳаммалари қизиқсиниб Глебовга тикилиб қолди. Глебов ташвиш чекиб қўлларини ёйди:

— Йўқ! Ётоққа борганим яхшироқ... болалар билан...

— Ҳеч соат ўндан кейин ётоққа кириш мумкин эмас. Кеча тушунтирдим-ку, эсингдан чиқдимми? Ечиниб ётавер.

Королёв ўзини тутолмай яна пиқиллаб кулади, худди ғов ағдарилгандек ҳамма кулиб юборади.

Мен стол лампасини газета билан тўсаман, ғамхўрдик қилиб Глебовдан чироғ халақит бермайдими деб сўрайман. У ётиб олган. Диван яхши, қулай, лекин Глебов ўзини жаллод курсисида ётгандек ҳис қиларди.

Мен командирлар билан гаплашаман, улар жавоб қайтаришади, ҳалиги жаллод курсисига — Глебов қимир этмай ётган томонга қараб-қараб қўйишади.

Чорак соатдан сўнг болалар чиқиб кетишади. Бутун уй ҳозир уйғонади — мен бунга яхши биламан — Стеклоз ҳам, Королёв ҳам, Колишкин ҳам, Жуков ҳам менинг Глебов билан қандай гаплашганимни албатта сўзлаб беришади. Майли бир кулишиб олишсин. Глебовдан қўрқмаса ҳам бўлади. Лекин бошқа болалар қаёқда экан? Ҳозир қаерларда санғиб юришган экан?

Антон Семёнович йиғирманчи йилда, ўз ишини бошлаб юборган вақтда неча-неча кунни, неча-неча тушни на бир дақиқа тиним, ва на ором билмай ўтказган — мен бунга биламан. Уша вақтда унинг ҳаётидаги ҳар бир кун ишонч, қувонч ва умидсизлик билан тўлиқ бўлган.

Мен ўзимни, ўз ҳиссиётларимни текшира бошладим. Ишонч ҳам, қувонч ҳам бор эди: ҳа, жуда қийин, деб иқдор ҳам бўлган эдим. Ҳали яна шундай қийин бўладик! Лекин умидсизланмасдим. Мен энди қадам қўйган эдим, ҳали ҳеч нарса қилишга улгурганим йўқ. Рўпарамдаги уйда саксон нафар бола ухлаб ётибди. Уларни ҳеч нарса бир-бирига боғламайди, менга жалб қиладиган нарса ҳам йўқ. Ҳаво ёмон ва совуқ бўлишига қарамай биринчи кунлардаёқ тўрт бола кетди. Лекин шунга қарамай, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлишига шубҳа қилмас эдим. Болалар Дзержинский номи коммунадаги болаларга ўхшаган бўлиб етишади. У ердаги болалар яхши эди. У ердагилар ишлашни ва ўқишни, дўст бўлиб яшаш ва ҳаёл суришни билишарди, сўзнинг қадрига етишарди. Мен улар билан ўйлаб-етиб ўтирмай ҳар қандай оғир ишни қилар, тап тортмай, шиддатли жангга кирардим. Ҳозирги болаларим ҳам улардан қолишмайдиган бўлади. Мен ишонч билан кифояланмасдим — мен шундай бўлишини аниқ билардим. Чунки Антон Семёновичнинг тажрибаси, унинг изланишлари ва фикр-ўйлари мен билан бирга эди. Унинг қайноқ, доно юраги, ақли бера олиши мумкин бўлган ҳамма нарса менга берилган эди.

— Ухла, Николай, — дейман Глебовга. — Мен яна бир оқ ўтираман.

У менга жавобан хўрсинибгина қўяди, холос. Нега ухладмайди? Диван қулай, юмшоқ...

7

Бузганга яраша ўйлаб бузиш керак

Ташқарида ёмғир ёғмоқда. Ёмғир туни билан ёғди, ҳозир ҳам қўймоқда. Илиқ баҳор ёмғирин эмас, балки, март охирида бўладиган қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Тинимсиз шаррос қўйиб, томини тарақлатади, деразаларни чертади.

Ёмон ҳаво — меннинг душманим. Ҳозирча мактабимиз йўқ, кўчага чиқиб бўлмайди. Эрталаб ҳамма ёқни йиғиштириб-тозалаб бўламиз. Лекин куннинг иккинчи ярмида болалар бўш. Ўларнинг қўллари ҳам, миялари ҳам бўш. Шундай пайтда картани, танга ташлаб ўйнайдиган қиморни эслаш мумкин. «Ташқари»да яшаш қандай яхши, деган суҳбатлар ўзига тортади. Ҳозирча клубда тўпланиб бўлмайди — у ер тоза бўлса ҳам, ҳали жиҳозланмаган. Ошхона бесаранжом, шов-шув, танаффуслар пайтида йиғиш-териш бошланади. Қаерга бориш керак?


— Овқатдан кейин биринчи ётоқда тўпланинглар, — дедим мен. — Мен ҳам бораман, у ёқ-бу ёқдан гаплашамиз.

Биринчи ётоқ ҳаммадан катта, кенг ва ёруғ, тоза қилиб ювилган, учта каттакон деразаси бор. Қроватлар чиройли қилиб тузатилган, ҳар бирида оппоқ ёстиқ. Болалар иккитадан, учтадан бўлиб ўтиришади. Баъзилари ботинкаларини ечиб, оёқларини тортиб ўтиришибди. Мен Жуковнинг ёнига ўтираман (кулча юз Павлуша Стеклов билан Петька Кизимов ҳам шу ерда ўтиришибди) ва ҳамма вақт ёлкамда осиб юрадиган сумкамдан бир тўп фото расмларни оламан.

— Ҳа-я — дейман, — эсимдан кўтарилиб кетибди: ҳеч ким папирос билан кўзимга кўринмасин.

— Ичимизда ҳеч ким унчалик чекмайди, — дейди Жуков.

— Унчалик чекадимиз, чекмайдимиз билмадим, лекин чекувчилар бор. Бўлмасам, портсигарим нега йўқолади? Битта-яримтага хумор қилиб қолгандир-да.



Мен жим бўлиб, сўзим болаларга қандай таъсир қилди, деб қарамайман. Бир нарса мен учун муҳим: улар билиб қўйишлари керак. Ўғирлаган одам ҳам: бўлар иш бўлди, энди деб, ёки йўқолганига бепарво қараганим учун индамаган экан, деб ўйлашмасин. Ҳаммасини билишимни, эсимдалигини билсин, лекин нега чора кўрмаётганим — бу меннинг ишим. Балки айбдорни ҳам биларман-у, лекин шу вақтгача ҳеч нарса демаганимдек индамаётгандирман?

— Ана энди бу ёққа қаранглар, — деб гапимни давом этдираман, — мана бу — мен шу ерга келгунимча ишлаган жой. — Харьковдаги болалар уйи. Лекин у коммуна деб аталади. Дзержинский номи коммуна.

Бу расмга қараганимга ҳам анча бўлиб қолган — улар менга йироқдан юборилган саломномадек кўринди. Қўлимга биринчи бўлиб чиқиб, қўлма-қўл ўтиб кетган расмда иккита кулиб турган бола кўзга ташланади. Бу Володя Зорень билан Ваня Зайченко.

Портретлар ҳақидаги гапим болаларни ҳайрон қолдирган. Лекин фото-расмлар ҳам изоҳ талаб қилади.

— Бу ким? — деб сўрайди кичик Стеклов.

— Булар — алоқачилар. Уларга битта-яримтани қидриб топиб, бирон нарса келтиришни ёки олиб бориб беришни топширсанг — бир зумда бажаришади. Одамни қаердан бўлса ҳам топиб келишади. Мана бу расмга биз Ялтага, Қримга борганда тушганимиз.

Расмда олтита-олтита бўлиб тизилган дзержинчилар сафи акс этган. Ҳамманинг эғнида оппоқ кўйлак. Олдинда байроқдорлар бригадаси: ҳаммаларининг қиёфаси тантанали ва жиддий, қадди-қомати ростланган. Теварак-атрофда чинорлар ва жанубда ўсадиган турли ўсимликлар.

— Ҳар йили ҳар ёққа боришган-а! Кўрмаган нарсалари ҳам қолмагандир! — дейишади болалар меннинг ҳикоямни тинглагач, ҳавас билан.

Мен яна расм кўрсатаман. Коммунанинг ташқи кўриниши — олди гулзор, икки ёни баланд минорали каттакон бино ҳаммани ўзига тортади.

— Худди саройнинг ўзгичаси-я! Маза қилиб яшади-да!

Завқланиб, ҳайратланиб, ҳавас қилиб айтилган ана шу сўзлар орасида тўсатдан:

— Дзержинский коммунасида карцер борми?— деган савол эшитилиб қолди.

Ҳаммамиз ўгирилиб қараймиз. Бу сўзни айтган болани биринчи келган кунимиз таниб олган эдим: атрофидаги болаларга иш биларманд кишидек аста-секин шошлмамай, оқ нон улашаётгани эсимда қолган. Унинг исми Андрей Репин. Ўшанда кийим-бошини алмаштириш тўғри келмаган бирдан-бир бола шу бўлган эди — унинг кийими бошидан оёғигача яп-янги ва тоза эди, бўйнида шоҳи шарфи ҳам бор эди. Унинг юз бичими нақадар нозик ва чиройли эканлигини ўша вақтдаёқ пайқаган эдим. Яна бир бошқа нарсани ҳам пайқаган эдим: бошқалар ишлаётганда ана шу чиройли ва озода бола ҳовлида айланиб юрар, гўё бу ерга янгигина, бир дақиқа муқаддам келган кишидек ҳамма нарсани кузатиб, кўздан кечириб юрарди. Кўзи кўзимга дуч келиб қолганда кўзини олиб қочмасди. Кўзлари ҳам чиройли, зангори, киприклари эса сочидан ҳам қора эди. У жилмайиб қўяр, табассумида эса хушмуомалалик ва яширин истеҳзо акс этарди.

— Йўқ, у ерда карцер йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас,— деб жавоб қайтардим унга.— Коммунарлар — иноқ дўст ва яхши ўртоқ, бир-бирларини қамаб қўйишнинг кераги йўқ уларга.

— Қаёқдаги нарсаларни сўрайди-я!— дейди аллаким аччиғланиб.

— Сен бир нарсага тушунмаётганга ўхшайсан, Репин,— деб мулоҳимлик билан гапимни давом эттирдим. — Коммунарларга бир-бирларини озодликдан маҳрум қилишнинг нима кераги бор? Улар ўз қўллари билан завод қуришди, ўзларига ажойиб ҳаёт барпо этишди. Карцернинг нима кераги бор?

У жавоб қайтармай бошини бир оз энгаштирди. Лекин унинг сўзимга қўшилмаганини сезиб тураман.

Бошқа фотолар ҳам қўлдан-қўлга ўтади. Сергей Стеклов уларни узоқ-узоқ синчиклаб кўздан кечиради. Глебов бошқалар кўриб улгурмасданоқ расмларни юлиб олади. Фақат Королнинг отрядидаги болаларгина расмини аввал командирларига узатишади, кейин ўзлари кўришади. У эса худди шундай бўлиши керакдек олади ва биронта ҳам тафсилотни қолдирмай, қизиқсиниб узоқ томоша қилади. Болаларнинг баъзилари дзержинскийликларнинг ҳаётидан олинган бу лавҳаларни ажабланиб, бошқалар

ишонқирамай, яна бировлар қизиқсиниб томоша қиладилар. Бу қизиқишларидан уларнинг ўз ҳаётларини тубдан яхшилаш учун бел боғлашга тайёр эканликлари кўриниб турарди.

Яна бир расмни қўлма-қўл ўтказаман ва булар сигналчилар, деб тушунтираман. Улар тонгда горн билан коммунарларни уйғотишади, ишга, мажлисга чақиришади, тревога беришади ва уйқу вақти етганидан хабардор қилишади. Улар ҳар бир воқиядан хабар берувчи бир қанча сигналларни билишади.

— Бизда қўнғироқ бор, холос. Туришга ҳам, ётпшга ҳам, овқатланишга ҳам бир хил жиринглайди!— дейди Петька.

— «Бизда, бизда»— деб тўнғиллайди аллаким.— Уларга ўзимизни тенглаштириб ўтирибсан-а. Таққослаб ўтиришдан нима фойда.

Петька жим бўлиб қолади. Мен яна икки-уч боланинг ҳамгин ва хафа эканлигини кўраман. Шунда бирдан:

— Нега таққосламас эканмиз?— деб юбораман.— Бизда ҳам горн бўлади, бизда сигналчилар ҳам бўлади. Нима, коммунарларга ҳам осонликча ҳаммаси осмондан тушган қўйганми? Қримга экскурсияга бориш, янги кийим-бошлар ва гулларга осонликча етишган дейсизми? Шуларнинг ҳаммасига уларнинг ўзлари эришган, ўз қўллари билан барпо этишган. Нима, булар сизларнинг қўлингиздан келмайдими? Бундан уч кун муқаддам бу ер қанақалиги эсингиздан чиқдими?

Мен бир оёғи яланг ифлос Петькани ва чойшапсиз кроватларда ечинмай ухлаган бошқа болаларни, изоляторда дод солиб ўтирган Коршуновни эслатдим.

— Мана, ҳозироқ ўша турмушингизни эсласангиз кулгингиз келади, ахир кечагина бўлиб ўтган ишлар-а. шулар. Ҳозир теварак-атрофингизга қарасангиз кўзингиз қувонади — ҳамма ёқ озода. Қани айтингчи, мана шу ётоғингиз шунақамиди?

— Ётоқ-ку жойида-я, — дейди Коршунов ва — деразаларга дарпардалар тутилса янаям соз бўларди-да...— деб қушиб қўяди хаёлчанлик билан.

— Тўғри, дарпардалар бўлса! — деб унга жон-дили билан қўшилади Петька. — Гуллар бўлса.

— Дарпардалар эмиш! Гуллар эмиш! — деб тўнғиллайди Король.

Бу сўз худди сигналдек жаранглади: орадан икки

дақиқа ўтар-ўтмас, Коршунов билан хаёлпараст Петька болаларнинг кинояли сўзларидан ер ёрилса ерга кириб кетгудек бўлиб қолдилар. Шунда доно Стеклов худди фикр юргизаётгандек, салмоқлаб гапира бошлади.

— Дарпарда бўлиши шарт эмас. Аммо тумбочка бўлганда эди... тумбочка жуда зарур. Ишлар бошқача бўларди. Қиёфамиз ҳам ўзгарарди.

— Тўғри, тумбочка бўлса зарар қилмасдик,— дейман мен.— Фақат тахтамиз йўқ-да, ҳамма бало шунда.

— Тахта топса бўладиган жойни биламан!— бу гапни айтган бола Репин эди. У ҳар гал бизни атайлаб ҳайратга солишга уринаётгандек туюлади.

Ҳамма унга ўгирилиб қарайди.

— Ҳа,— деб такрорлайди у менинг кўзимга кулимсираб қараб,— тахта бор жойни биламан. Келинлар, деворни бузиб, тахтасидан тумбочка ясаймиз.

Унинг юзида мен: «Қани энди нима дер экансан?»— деган маънони ўқидим.

Болалар Репиннинг бу кутилмаган таклифини гўё хонада лампа ўрнига ойна осиб қўйишни таклиф қилгандек кутиб олишди.

— Топган гапини қаранг-а! Девор бўлмаса қанақа бўлади?—деб ҳаммадан қаттиқ гапирарди деворни ўзига бир тўсиқ деб ҳисобламовчи Подсолнушкин.

Репиннинг қувлик билан боқаётган кўзларига хотиржамгина боқмай. «Ақлинг жойида,— деб ўйлайман ўзимча,—ақлинг жойида, буни эътироф қилиш керак!» Кейин баланд овоз билан:

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз: аслида девор нега керак? — дейман уларга. — Девор осмоннинг бир қисмини тўсиб туриш учун эмас, балки бировнинг моли полизга тушиб кетмаслиги учун керак. Бизга деворнинг нима кераги бор? Ҳа, ростдан ҳам, балки қочиб кетарсизлар?

— Йўқ, қочиб кетмаймиз! Қочиб кетмаймиз! Юринглар тезроқ! Юринглар деворни бузамиз!

Болалар ирғиб туришади, улар эшикка қараб югуришга тайёр...

— Болалар, бу нима қилганингиз! — дейман ўтирган еримда,— ёмғирнинг ёғишини қаранглар, бекорга шалаббо бўламиз.

— Ёмғир бўлса нима бўпти! Семён Афанасьевич, юринг! — деб қичқиради Король жон-жаҳди билан.

Мен бошимни чайқайман. Шунда улар ҳеч бўлма-

ганда, деворни қандай бузишни, бузгандан кейин нима-лар қилиш мумкинлигини чамалаб кўриш учун деразага отилишади. Девор катта, жуда кўп тахта чиқади. Тумбочка жуда яхши ўйлаб топилди-да!

— Семён Афанасьевич, тумбочка ҳаммага етмайди-да. Аввалига икки кишига биттадан бўлади, фақат икки тоқчали қилиш керак.

— Етмайди дейсанми? Кел, чамалаб кўрамиз... Бу ердан эллик кубометрга яқин тахта чиқади — тумбочка тугул, пастаккина панжарага ҳам етади, ҳатто ортиб ҳам қолади. Фақат ишнинг кўзини билиш керак.

— Асбоб-ускунани қаердан оламиз? Асбобимиз йўқ!

— Ия, ёмғир тиняпти! Ҳозир тиниб қолади!

Мана шу шовқин-суронлар, турли план тузишлар, баҳслашувлар вақтида фақат бир кишигина аралашмай жим ўтиради. Бу ана шу гениал фикрнинг автори Андрей Репин эди. У бақирмайди, деразага отилмайди ҳам — у жуда ҳайрон қолган эди. Бунчалик бўлишини у сира кутмаган эди. Шунинг учун ҳам у жимгина, ўйчанлик билан менга қараб ўтирарди.

Бирдан Петька қичқириб юборди:

— Алексей Саввич келди! Асбоб-ускуна олиб келди!

Ҳақиқатан ҳам дарвозадан Алексей Саввич кириб келяпти, ёнида болалардан иккитаси: ҳар бирининг қўлида каттагина ёғоч яшик. Уларнинг кетида чамадон кўтарган хотин. Тўрталови ҳам ивиб кетган — бунинг ҳатто шу ердан, иккинчи қаватнинг деразасидан ҳам кўриш ҳийин эмас.

Болалар эшикка отилишади, аллаким тарақа-туруқ қилиб зинадан пастга қараб югуради.

— Қайтишлар! — дейман ҳижжалаб.

Улар «нега қайтиш керак экан?» дегандек ҳайрон бўлиб ўгирилиб қарашади.

— Стеклов, пастга туш, Глебов билан Қизимовга айт — қайтиб чиқинсин.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳайрон қолган Глебов билан Петька ётоқхонага қайтиб чиқишади.

— Еввойнимисизлар? Нимадан қуруқ қолдинглар? Пода ҳам сизлардан кўра тартиблироқдир. Боринглар эди.

Бир қадар эсанкираб қолган болалар зинадан туша бошлашди. Бу гал улар анчагина секин тушишди. Улар нима бўлганига унчалик тушуниб етишмади. Нега паст-

га югуриш мумкин эмас экан? Ахир, бир дақиқа бурун мен уларнинг фикрини қўллаб-қувватлаётган эдим-ку. Улар билан бирга деразадан қараб, ёмғир тиниб қолаётганини кўриб севинаётган мен эмасмидим? «Ҳаммага биттадан тумбочка тегади, ҳали ортиб ҳам қолади» деган одам мен эмасмидим?

Келганлар вестибюлга киришди.

— Танишинглар, хотиним — Софья Михайловна, — дейди менга Алексей Саввич.

Софья Михайловнанинг қовоғи солиқ, лаблари қимтилган. Лекин сўрашиш учун қўлимни узатганимда, одатдагидек қаттиққина қисиб кўришди.

— Қаёққа борай энди? — деб сўрайди у.

Бунн ҳали ўзим ҳам билмайман. Уни ўзим яшайдиган уйга бошлаб бораман ва қўшни хонани кўрсатаман:

— Шу жой сизни қаноатлантирадими?

— Жуда соз.

Аёл остонадан туриб деворни, бурчакдаги ўртачагина шкафни, торгина диванни кўздан кечирди. Кейин чамадонини ерга қўйди.

— Туззук, — дейди у соддагина, — мен тилчиман. Фойдам тегиб қолар, деб ўйлайман. Икки киши бемалол турса бўлади. Энди ўзимни уйда деб ҳис қилавераман.

— Кичкинтойларим сизга ҳалақит беришмасмикин? Менинг иккита болам бор, — дедим мен.

Бу хотин биринчи қарашдагидан кўра анча ёш ва у қадар жаҳлдор бўлмаса-да, негадир ўзимни унинг олдида ёш боладек ҳис этдим.

— Нега ҳалақит беришин? Мен болаларни яхши кўраман. Шунинг учун ҳам бу ерга келдим, — деб хотир-жамгина жавоб беради Софья Михайловна.

Остонада яна бир қанча вақт ўралишиб тургач, унга ўзим ҳалақит бераётганимни англайман. Кетишга ҳам ўнгайсизланаман: ҳар ҳолда мен бу ернинг эгасидекман ахир, жиҳозланмаган шундай бўш уйда ёлғиз қолдириб кетсам, қандай бўларкин. Аксига юргандек ташқаридан:

— Семён Афанасьевич! Семён Афанасьевични кўрмадингларми? — деган овозлар эшитилади.

— Боринг, бораверинг, — дейди менга Софья Михайловна. — Ўзим жойлашиб олавераман, бирон нарса кирак бўлса қидириб топаман, сўраб оламан.

Эшик орқасида мени Алексей Саввич юборган чопар-

лар кутиб туришибди. У шилтаси чиққан пальтоси билан шапкасини ечиб, устахонада аллақачон ишга тушиб кетган эди. Алексей Саввич ўзининг бор асбоб-ускуналарини олиб келган экан. Ҳали «ана-мана дегунча» шуларни ишлатиб турамин, деб уқтирди у менга.

У Подсолнушқин, Коробочқин ва яна уч-тўрт бола билан устахонада ишга тушиб кетган — асбоб-ускуналарни яшиқдан оляпти, келтирилган бойликларимизни жой-жойига қўяпти. Мен чиқиб кетаман: бу ерда меннинг керагим йўқ.

Ниҳоят ёмғир ҳам анчагина тиниб, бир-бир томчилай бошлади. Ҳовлининг қаерига қарама — халқоб, қаёққа борсанг ҳам шалоплайди. Аммо болалар аллақачон девор тагига келиб олишган.

— Семён Афанасьевич, бошлайверайликми? Бузаверайликми? — деб сўрашади устма-уст.

— Шошманглар, бузганда ҳам у ёқ-бу ёғини ўйлаб бузиш керак. Бўлмасам шундай бузиб қўясизки, ўтндан бошқага ярамай қолади. Қаранглар: мана бу тахталар тўмбочка. Мана бу планкалар эса — тахта деворга. Тахталарни ердан кавлаб олиш керак, нега деганда, улар ерга чуқур қилиб кўмилган. Қани, Королёв, белкуракларни олиб кел, отряднинг билан ишга туш. Стеклов, отряднингдаги болалар Алексей Саввичдан омбирни сўраб олишсин — мих суғуришади. Мих солишга яшиқ ҳам керак бўлади, ғамлаб қўй. Планкаларни кўчириш Суржикнинг отрядига топширилади. Кейин галма-гал ишлайверамиз.

Бузганда ҳам у ёқ-бу ёғини ўйлаб бузиш кераклиги болаларнинг эсларига ҳам келмаган бўлса керак. Королнинг отрядидаги болалардан учтаси белкуракка югурди. Стекловнинг отрядидаги икки бола омбир билан мих солишга яшиқ олиб келишди.

Болалар девор бузишга жон-жаҳди билан киришди. Уларга ҳавасим келиб ўзим ҳам ишга тушиб кетдим, айниқса атрофингда ана шундай хушчақчақлик ва аҳиллик билан иш қилинаётганда мускулларни ёзиш қандай яхши. Шов-шув, «ҳа, бор бўл» деган сўзлар, кўчириб олинаётган тахталарнинг тарақ-туруқи эшитилади. Фақат бир одам чеккада томошабин бўлиб турибди. Андрей Репин устун ёнида ўйчанлик билан ишимизни кузатади. Шундай...

— Бузишга жуда уста экансизлар! — дейман баланд

овоз билан. — Тумбочкани ясашга келганда нима қилар экансизлар ҳали?

— Кўрасиз! Кўрасиз ҳали! Шундай яъайликки! — деб жавоб беришади яқин ердагилар.

— Нима, нима деяпсизлар? — деб қичқаришади узоқдагилар.

Гапимиз оғизма-оғиз ўтиб уларга ҳам бориб етади. Уларнинг ҳам:

— Кўрасиз! Кўрасиз ҳали! — дейишгани эшитилади.

Устун ва тахталар ерга чуқур қилиб кўмилган — девор пишиқ-пухта ишланган эди. Зах тупроқ белкуракка ёпишиб уни оғир, ноқулай қилиб қўярди. Ёмғир тинган бўлса ҳам, ҳаво совуқ, ер зах эди. Лекин шунга қарамай атрофда болаларнинг қип-қизарган чеҳралари кўринади, шўх, қувноқ кулгилари, ғовур-ғувури эшитилади. Улар жуда яхши ишлашади! Девор борган сайин эриб кетаётгандай кўздан йўқола боради, кўкатзоримиз аста-секин бизни қуршаб олган дарахтзор билан қўшилиб кетади. Боғимиз бениҳоя кенгайиб кетди. Энди бизни девор эмас, баланд-баланд қарағайлар ва қайинлар қуршаб турарди.

— Будка-чи? Уни нима қиламиз? Бузамизми?

— Девор бўлмагандан кейин будка нима қилади, — деб қичқиради Король.

— Девор бўлмагандан кейин ҳақиқатан ҳам будканинг кераги йўқ, — дейман. — Лекин биз пастаккина, чиройлигина тахта девор қиламиз-ку, ахир — кейин будкага навбатчи қўямиз.

Шу кунлар ичида кўпларни таниб қолганман. Болалар орасида Глебов билан кетиб қолган уч бола ҳам кўринади. Улар ҳеч нарса бўлмагандек, бошқалардек берилиб, хушчақчақлик билан ишлашади. Фақат аҳён-аҳёнда, гоҳ биттаси, гоҳ бошқа бири мен томонга қараб қўяди. Лекин уларнинг боқишида хавотирлик эмас, қизиқсиниш бор.

Биз кечки овқат пайтигача ишладик. Овқатдан кейин, болалар ётиш олдидан саф тортишади. Болалар ётоқма-ётоқ тарқалиш олдидан:

— Плетнев, Разумов ва Володин, ётмасинглардан аввал кабинетимга бир кириб кетинглар, — дейман.

Улар келишди-да, остонада тўхташди. Улар бўй-бўйига қараб туришарди: новча Плетнев, ўртада ундан пастроқ Разумов малла сочли, кенг пешонали, катта

кўк кўзли бола ва чап томонда пакана Володин — кенг яғринли, миқтидан келган бола. Унинг даҳани ёзувчи Джек Лондоннинг асарларида учрайдиган қаҳрамонларники сингари ҳаракатчан эди.

Гапни биринчи бўлиб Володин бошлади:

— Семён Афанасьевич, ўзбошимчалик қилиб кетиб қолганимиз учун кечиринг... лекин кабинетда ётмаймиз.

Масала ойдини, улар Глебовнинг тунини қаерда ва қандай ўтказганидан хабардор.

— Нега кетдингиз? Сўроқсиз шаҳарга бориш мумкин эмас деганимни биласизлар-ку.

— Биз... — Плетнев гўё куч тўплаётгандек тўхтаб қолди ва тўсатдан — биз бутунлай кетмоқчи эдик. Фақат Королни олиб кетгани келдик. Биз уни ҳам кўндирмоқчи эдик, — деб юборди бир варакай.

— Келдик, қарасак... — деб Володин гапга ара-лашди. Плетнев қўли билан шундай ҳаракат қиладики, гўё Володин қутича-ю, уни ёпиб қўйиш мумкин, — шундан кейин миқтидан келган бола дарров жим бўлиб қолади.

— Келдик, қарасак девор бузишаётган экан. — дейди Плетнев. — Биз ҳам ишга тушиб кетдик...

— Девор бузилиб бўлди. Энди қолиб нима қиласизлар?

Учаловни бир-бировига қарайди, оғирликларини бир оёқдан иккинчи оёққа олиб жим туришади. Шунда Плетнев Володинни «ёпиш»га улгурмай қолади.

— Король: ҳали вақт бор, деяпти, — дейди гапирувчи қутича.

Плетнев ёнжилиб, кўзларини чақчайтириб унга қарайди. Узини зўрга тутаётган бўлса керак. Уҳу, унинг жағи ҳам анчагина кенг экан! Разумов хотиржам, фақат кўзларигина сал қўлиб турибди. Буниси ҳеч ким билан баҳслашмайди. У иш нима билан тугар экан деб кутиб турибди, холос.

— Шундай, — деб гап бошлайман хотиржамлик билан. — Демак, кунлар исиб кетишини кутар экансизлар-да. Бизлар ишлаймиз, ўзимизга янги ҳаёт қура-миз-у, сизлар бўлса бир чеккага чиқиб томоша қилар экансизларда. Бизга барибир. Баҳоргача еб-ичиб, ётиб-туриб юрсак бўлди, демоқчисизлар-да. Тўғри тушуниб-манми?

— Семён Афанасьевич, — дейди Плетнев сурбетлик

билан — Володиннинг эси паст. Ушайнинг гапни гап деб ўтирибсиз-а.

— Володиннинг эси сеникидан қолишмайди. Ҳар ҳолда сендан кўра виждонлироқ ҳам. У ҳозир ростини гапирди. Тўғрими, Разумов?

Разумов ерга қарайди. Унинг юзига узун киприкларининг сояси тушиб турибди. У индамайди.

— Боринглар — ётнинглар. Менга қаранглар: бошқа болалар виждонан ишлаётганда четда туриш уят. Бундай томошабинларни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Ундан ташқари, огоҳлантириб қўяман: яна бир бор ўзбошимчалик билан чиқиб кетсанглар — қайтиб уйга киргизмайман. Боринглар.

8

Таянч нуқта

Антон Семёнович зўр қийинчиликлар, уйқусиз тунлар натижасида эришган кўп нарсаларга мен осонгина, у қадар қийналмай эришдим — менга мерос бўлиб ўтди. Мен ўзимнинг энг биринчи, энг зарур вазифам — коллектив тузиш эканлигини билардим. Бунга шубҳа қилмасдим, ўзимга ўзим савол ҳам бермасдим, шу тўғрими-йўқми деб ўйламасдим — шундай бўлиши кераклигини билардим. Қатъий ва ҳеч шубҳасиз билиш — бу катта, тенги йўқ таянч ва мадад. Билсанг, мақсаднингга дадиллик билан интиласан. Билсанг, шак-шубҳага ўрин қўймайсан. Йўлингга учраган тўсиқлар қўрқитмайди, балки аввалгидан ҳам жўшқинлик билан қидиришга, ўйлашга мажбур қилади.

Тажрибанинг умумий мактаби бўлмайди. Ҳар кимнинг тажриба ортдириш йўли турлича бўлади. Лекин ишонаманки, менинг ўрнимда бўлган юзлаб ва минглаб бошқа одамлар ҳам ўша биринчи кунларда худди мендек иш тутган бўларди. Чунки кашфиёт ҳамма вақт бир хил бўлади — ўзини кўрсатмоқчи бўлганларгина бошқа бир нарса деб айтмаса, кемада кетаётганларнинг ҳаммаси узоқда ер кўриниши ҳамонроқ: «Ер!» деб жичқиришади. Мен ҳамма қилган ишни қилардим. Менинг қилган ишим менинг ўрнимда бўлган ҳар қандай одам қиладиган ишдан фарқ қилмайди. Мен бир нарса-

га — агар инсон ёмон яшаса, бундан бадтар ҳаёт кечирувига бепарво бўлишга ишонч ҳосил қилдим. Лекин унга, «Кел, яхши яшайлик!» дейилса — ўша одам ёрдам беришингга чин юракдан ишонса, бахт ва шодлиكنинг ниҳояси бўлмаганидек, унинг яхши ҳаёт қуриш йўлидаги интилишининг чеки бўлмайди. Буни, дунёдаги энг қудратли дастак ёки шунинг ёрдамида дунёни ағдар-тўнтар қилиш мумкин бўлган таянч деса ҳам бўлади.

Ўзинининг ўша кичик республикамызда иш олиб борар эканмыз мен шу нарсага: «Кел шундай қилайликки, ҳаёт гуллаб кетсин!» деган сўзни тинглашни истамайдиган одам топилмаслигига яна ва яна ишонч ҳосил қилдим. Бундай сўз узоққа бориб етади, ғафлатда қолганларини уйғотади.

Биринчи қадам қўйилган. Болалар олдига ҳеч қандай эътирозга йўл қўймовчи, тўғри ва аниқ талаб қўйилган. Бундай талаб бўлмаса, бир тўда бебош болаларини интизомга солиб бўлмайди. Антон Семёнович бу тўғрида доим гапирарди, бунга болалар билан яккама-якка қолгач, яна тушундим. Кейин қарабсанки бири, иккинчиси, кейин учинчиси сен томонга ўтибди... Шундагина ўзак ташкил топди деса бўлади, таянадиган одам ҳам бор. Бунини амалга оширишга шошилиш керак.

Мен бу ерда, Берёзовая полянада ўзак ташкил топганини кўрдим. Аввалги ифлос гарддан бир йўла тозаланган болалар ҳам бор эди. Улар ҳаётнинг янги тузумини худди шунини кутиб тургандай қувонч билан бир йўла қабул қилдилар. Лекин ҳали коллектив йўқ. Интизом бизнинг тарбиявий ишимизгина бўлиб қолмай, барча болаларнинг иши бўлса, одат бўлиб қолса, у ондасонда эмас, балки доимо, соат сайин назорат қилиб борилса, ҳаммамизда умумий бир мақсад ва умумий фикр, умумий қувонч ва умумий истак ҳосил бўлса, — худди ана шундагина: коллектив бор, деса бўлади.

Менда ўша вақтлари ҳеч қандай китобдан топиб бўлмайдиган яна бир қимматли мерос бор эди. Мен коллектив ташкил этиш учун бор кучимни аямаслигим кераклигини билиш билангина кифояланмай, аниқ ташкилий форма топмай туриб коллектив ташкил этиб бўлмаслигини ҳам билардим. Бу ишда ҳам янги йўл ўйлаб топиш ва қидириб юришга ўрин йўқ эди. Мен Горький номи колонияда ва Дзержинский номидаги коммуна-

да дунёга келган нарсаларни янги ҳаёт йўлига солишга ошиқардим.

Ахир Антон Семёнович ҳеч қачон фақат «қилиш керак» демас эди. У ҳар доим қандай қилиш кераклигини тушунтирар, кўрсатарди. Шунинг учун ҳам мен, анъанадек коллективни яқинлаштирадиган, бирлаштирадиган нарса йўқлигини жуда яхши билардим.

Горький номли колониямизда қанчадан-қанча мазмундор, маънадор анъаналаримиз бор эди. Мана, Алексей Максимовичнинг туғилган куни яқинлашмоқда. Биз бу кунни қанча илгари кутамиз, унга тайёрланамиз. Бирон нарсани якка-ёлғиз кутгандан кўра, кўплашиб, биргалашиб кутган қандай яхши!

Биз ўзимиз ўйлаб топган ва байрамимизга зеб бериб турган ҳар бир нарсанинг қадрига етардик. Биз ўша куни ҳеч кимни чақирмасдик, бу бизнинг онлавий тўйимиз эди. Билган одам ўзи келаверарди.

Биринчи ҳосил байрамимиз қандай яхши ўйлаб топилган эди-я! Ҳар бир қадамимиз, бузилмас одатлар билан чамбарчас боғланган эди. Бу одатни каттадан кичигимиз қадрлар эдик. Ўла-ўлгунимча шу кунни сира унутмайман. Горький номли колонияда яшаган болалар ҳам бу кунни унутмасликларига ишонаман. Ҳамманинг севинчга тўлган хуррам чехраси, қизларнинг бошидаги гулчамбарлар, паншаха ва ўроқларнинг учидаги гуллар, сигналчи — болаларнинг оппоқ плашчлари ва ёш колониячини катта колониячига биринчи боғни узатаётганда қилган қасамёди — виждонан меҳнат қилиш ва меҳнатни чин юракдан севишга берган буюк қасамини ҳеч қачон унутмайман: «Педагогик поэма»ни ўқиган киши, балки шу кунни Антон Семёнович қандай тасвирлаганини, Бурун ва Зорени эслаб қолгандир. Шуларни Бурун ва Зорень сингари ҳеч бўлмаганда бир марта бошидан кечирган киши ва бизлар, горькийчиларнинг ҳаммаси, бу кунни сира унутмаймиз. Юз йил умр кўрсак ҳам, бу кун ҳаётимизнинг энг гўзал ва бахтли хотираларидан бўлиб қолади.

Лекин ҳаёт фақат хурсандчиликдан иборат эмас. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир куни — ўрнимиздан турган дақиқадан то ётгунимизгача, одат ва қондалар билан тўлиқ эди. Саломлашганимизда бир-биримизга сәлүт берардик, бирон буйруқ олганимизда эса «есть»

деб жавоб қайтарарди. Горнининг чақирғи билан йиғилишар, мажлисларимизга сира кечикмас ва ҳеч қачон шу мажлисларда бир минутдан ортиқ сўзламас эдик: олтиш секундда олтиш фикрни баён этиш мумкин дер эди Антон Семёнович. Бизда қилғилиғимиз учун ўртоқларимиз олдида жавоб беришдан ортиқ жазо йўқ эди. «Ўртага чиқ» — деярди командирлар советининг секретари. Гуноҳкор ўртага чиқар, теварак-атрофдан эса ўртоқларининг кўзлари унга тикилиб турар, у бўлса қилғилиғидан ҳисобот беришга мажбур эди.

Тонг отди: бундай қараганда оддийгина нарсдек кўринади. Қандай ўтади? Нимадан бошланади? Нима билан тугайди? Ким нима билан шуғулланади?

Бунн олдиндан болаларга айтиб қўйишим, тушуниришим, буйруқ беришим мумкин эди. Лекин уларнинг ҳам мен билан бирга ўйлашларини истардим. Ўйлашарди ҳам, ўйлаб топишарди ҳам. Шу кун, унинг тартиби, мазмун ташқаридан зўрлаб юкланган бир нарса эмас, балки болаларининг ўз иши, ақл-идрокларининг самараси бўлиши керак эди.

Бунга анча бўлди — Берёзовая полянага бундан йиғирма йил муқаддам келганман. Ушандан буён жуда кўп нарсалар бўлди. Хурсандчилик ҳам бўлди, қайғу-ғам ҳам, аччиқ айрилиқлар ҳам бўлди, бахтли учрашувлар ҳам — шу йиғирма йил ичида ҳаммаси ҳам бўлиб ўтди. Лекин ўша узок кун, ўттиз учинчи йилнинг март кунларидан бири худди кечагидек кўз олдимда: кичкинагина хона — менинг кабинетим; чоғроқ ёзув столи, унинг рўпарасидаги диванда беш бола ўтирибди. Биринчи отряднинг бошлиғи Жуков бурни пучуқ, оғзи катта хунуккунга бола. Лекин қўй кўзлари жуда чиройли. Унинг доно кўзлари тикка боқади, унда ҳамма нарса: табасум, ғазаб, тўсатдан туғилган фикр акс этади. Унинг ўткир ақл-идроки юзига ҳусн бериб, уни чиройли қилиб кўрсатарди.

Мана хўмрайган рангпар Колишкин. Унинг отряди жуда бетартиб. Ҳеч ким унга бўйсунмайди, ўзи ҳам бунн кутмайди. Унга юкланган топшириқ оғирлик қилади. Ўзи ҳеч нарсага аралашмасин, ҳеч кимни безор қилмасин деб сайлашганини ҳаммадан кўра ўзи яхши билади.

Унинг ёнида Королёв қув кўзларини қисиб лампага тикилиб ўтиради. Отряддагилар ундан зир-зир титра-

шади. У хурсанд бўлса, ҳамманинг чехраси очик, у қовоғини солгудек бўлса, ҳамма ерга қараб қолади. У болалар билан гаплашмайди, фақат буйруқ беради. Болалар бўлса унинг кетидан қолмай эргашиб юришади, берган топшириғини бажарайлик деб елиб-югуришади. Учинчи отрядда ҳеч ким: «Королёв айтди», «Королёв илтимос қилди деб гапирмайди.» Бирдан-бир формула — «Королёв буюрди» деган сўздан иборат.

Суржик-чи? Суржикнинг қанақа одамлигини билмайман. Нимани хоҳлашини ҳам, нимани севиши, унга нима азизлигини ҳам билмайман. Маҳкам ушлаб оладиган жойи йўқдай қаерига қарама хира, жонсиз, беҳафсала — кўзи ҳам, афти-башараси ва овози ҳам. Медузага ўхшаш, ёпишиб оладиган жойи йўқ бу Суржикнинг.

— Келинлар, қандай яшашимиз, қандай ўқишимиз ва ишлашимиз ҳақида гаплашиб олайлик дедим мен.— Сизлар командирсиз, сизлар ўқитувчи ва тарбиячиларнинг суянган тоғисиз. Ҳозирча биз ўқитувчилар озчилигимиз: Алексей Саввич, Екатерина Ивановна, Софья Михайловна ва мен. Сиз ёрдам бермасангиз биз қийналиб қоламиз. Баъзи нарсалар йўлга солинди — уйимиз тоза, бинов келгудек бўлса ҳовлига киритишга уялмаймиз. Ҳаётимизнинг янада яхши, янада қизиқарли ва мазмундор бўлиши учун нима қилиш керак?

— Мактаб ишини яхшилаш керак, энг муҳими шу. Сизлар розимисизлар? — дейди Екатерина Ивановна болаларни кўздан кечириб.

Жуков билан Королёв бошларини силкитишади. Стеклов эса:

— Албатта розимиз, мактабсиз ҳам бўлармишми... — деб ғўлдираб қўйди.

— Дуруст,— дейман мен. — Стеклов, мана бу ерга ўтириб, қандай қарорга келсак, ҳаммасини ёзиб тур.

Стеклов стол ёнига ўтади, унинг димо хотиржам бўладиган юзиди қўрқув акс этади: уддасидан чиқалармикан? Ҳаммасини ёзиб улгурини осонми!

— Парталаримиз, доскаларимиз ва ўқув қурола-римизнинг аҳволи қалай?— деб сўрайман.

— Парталарнинг ярми синган,— дейди Жуков.— Биз Алексей Саввич билан кўриб чиқдик. Уларни яхшилаб ремонт қилиш керак.

— Бундан чиқди, энг аввал шу ишни қилишимиз керак экан-да. Мактабга керакли нарсаларни тайёрлаймиз.

— Клуб нима бўлади, Семён Афанасьевич?— дейди Королёв. — Қуруқ девордан бўлак ҳеч нарса йўқ. Киргинг келмайди. Клубни жиҳозлаш керак.

— Ҳаммасини бирданига уддалармиканмиз, Алексей Саввич?

— Кўпчиликмиз-ку, ахир. Ҳаракат қилсак уддасидан чиқамиз.

Аста-секин ҳаммасини, майда-чуйдаларгача бир-бир муҳокама қилиб чиқамиз.

— Тозаликни қандай назорат қиламиз?— дейди Стеклов бир дақиқага протокол ёзишдан тўхтаб. — Навбатчи ажратамизми? Ёки санитарларга юклай қоламизми?

— Санитарлар ёлғиз энгаша олармикан? Йўқ, ҳар кун ҳамма ерда — ошхонада, ҳовлида тозаликни назорат қилиш учун камиди ўн киши керак,— дейди Королёв.

— Менимча,— деб гапга аралашди Жуков:— отряд-отряд бўлиб навбатчилик қилса-чи? Бир отряд ошхонада, иккинчиси ҳовлида, учинчиси...

— Бир умр ошхонада овора бўлсанг зерикиб ўласан-ку! — деб қаршилик қилади Король.

— Нега бир умр бўлсин? Навбатча-навбат туриш мумкин,— деб эътироз билдиради Жуков. — Бир ой-бир ой навбатчилик қилинса-ю, кейин алмаштирилса. Ҳеч кимга ҳам алам қилмас эди.

— Ётоқлар-чи? Ётоқларда тозалikka ким роя қилади?

— Ҳар бир отряд ётоғига ўзи қарайди. Энага керак эмас.

Сўхбат қизигандан қизиб боради. Ҳатто Суржик ҳам вақти-вақти билан гап қўшиб қўяди. Фақат Колишкингина жим. Стеклов столга энгашиб ўтиради, қип-қизариб кетган, бир тутам сочи кўзига тушиб турибди. Стеклов ёзишга зўрға улгурыпти, ундан ташқари ўзи ҳам гап қўшиш келади.

Ишлаймиз, муҳокама қиламиз, баҳслашамиз.

Баъзан бирон қарорга келиш қийинлашиб қолганда гапга аралашаман:

— Бизнинг Дзержинский номли коммунамизда мапа шундай бўларди...

Шунда болалардан биронтаси дарҳол жавоб қайтаради:

— Нима бўпти? Биз ҳам шундай қиламиз!

Биргалашиб кун тартибини тузамиз. Эрталаб соат 7 да туриш учун қўнғироқ чалинади. Соат 7. 40 да шу кунни уй бўйича навбатчилик қилувчи командир, навбатчи санитар ва мен ҳамма ётоқларни айланиб чиқамиз. Бу вақтгача ҳамма нарса тахт бўлиши: кроватлар тартибга солинган, ётоқ саранжомланган, болалар ювиниб-таранган, кийинган бўлиши керак. Текшириш бўлаётганда ҳар бир бола ўз кровати ёнида туриши, отряд командири эса рапорт бериши керак. Шундан кейин санитар ётоқни кўздан кечириб чиқиши лозим.

— Ёстиқнинг тагини ҳам, тумбочкани очиб ҳам қарасин, — дейди Стеклов.

Зарядкадан кейин нонушта, кейин устахонада ишлаш, кечқурун отряд командирлари навбатчи командирга рапорт бериши, у эса: куннинг қандай ўтгани, иш қандай бажарилгани, бирон ҳодиса рўй берган-бермаганидан мени хабардор қилиши керак.

Шуларнинг ҳаммаси ипидан-игнасигача муҳокама қилинганни мени қувонтиради. Ана шундай ўтказилган кун яхши бўлишини биламан. Болаларнинг ҳовлида бекор санғиб юришга вақти қолмайди. Нега деганда ҳар бир боланинг вазифаси бўлади ва у шуни бажаради. Чунки бола, уни эслашларини, ҳали текширишларини билади.

Болалар ҳаяжонланган кайфиятда тарқалишади. Уларнинг ҳар бири, Суржикдан тортиб, шу оқшом бир оғиз гапирмаган Колишкингача бутун воқияни отрядларида албатта сўзлаб беришса керак. Эртага ҳаммасини умумий мажлисда гаплашамиз.

9

Буханка

Баъзан, ўзимга ҳаддан ташқари ишониб кетмаганми-жанман деб ўйлардим. Нега ишим бу қадар силлиқ жетяпти? Нимани унутган эканман? Ёки ҳақиқатан ҳам ишим юришиб кетганми? Лекин шундай деб ўйлашим биланоқ, албатта бирон кутилмаган воқиа юз берарди.

— Семён Афанасьевич, айтмабмидим ахир, сизга! — дейди Антонина Григорьевна ғазаб билан. — Кечқурун нонуштага қора буғдой, ёғ ва нон тайёрлаб қўйган эдим.

Қарасам, уч буханка нон ва туздан бошқа нарса қолмабди. Ҳатто дамлашга чой ҳам қолмабди.

— Нима ҳам қилдик, қайноқ сув ва қолган нон билан нонушта қиламиз.

Уч буханка нонни майда қилиб тўғраймиз. Нонуштамиз бир тўғрамгина нон ва бир кружка қайноқ сув бўлиб қолди.

— Бу қанақаси бўлди?— дейди Петька, ўзига теккан нонга ҳайрон бўлиб қараб.

— Қанақаси бўларди, нонуштани тортиб кетишибди-ку, — деб уқтиради Король совуққонлик билан.

— Бизнинг тегишимиз...— деб тўнғиллайди Глебов.— Нима бу — оч қолиб...

— Тегишингиз ўғирланган. Йўқолса, иккинчи марта берилмайди, деб айтилган-ку, сизларга.— Ўзимни тутиб туриш нақадар қийин бўлмасин, хотиржам гапиришга ҳаракат қиламан.

Ишим ҳамирдан қил суғургандай жўн кетяпти, энг асосий ўнқир-чўнқирликлар орқада қолиб кетди, деган фикрга ўрганиб қолган эдим. Энди бу фикрдан қайтиш нақадар оғир! Муваффақиятга шундай одатланиб қоласанки, ҳар қандай тўсиқ ҳам ғашингга тегади!

Орадан бир ҳафта ўтгач Антонина Григорьевна омборда беш кило нон кам келганини аниқлади.

— Шундай денг... ошхонада қанча?

— Ўнгирма тўрт кило.

Беш килосини омборга қайтаринг.

Болаларнинг назарида нонни ким олгани мени қизиқтирмаётгандек туюлади. Гўё мен айбдорни топишга ҳаракат қилмаётгандекман. Аммо мен уни топишим лозим. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам топишим керак!

Лекин уни мен эмас, Алексей Саввич жуда осонгина топди. Алексей Саввич бирон арзигулик нарса — тахта, асбоб ёки арра йўқмикан деб чордоққа чиққан. Ичкари кирган, у ёқ-бу ёқни титкилаган — шу топ катта кўк рўмолга ўралган бир буханка нонни топиб олган.

Йўлида учраб қолган болаларнинг биридан:

— Бу кимнинг рўмоли, билмайсанми?— деб сўраган.

— Панинники, — деб жавоб қайтарган бола, ҳеч нарсадан беҳабар.

Икки минут ўтар-ўтмас Панин рўпарамда турарди.

— Нега ўғирладинг?

— Оч эдим, — деб бепарво жавоб беради у менга қарамай.

— Оч эдим дейсанми?

Шунда узоқ ўтмишдаги бир воқиа эсимга тушди. Бир маҳал Горький номли колониянинг омборидан қовурилган товук йўқолган эди. Кейин маълум бўлишича, Приходько деган колонист ўгирлаган экан. Гуноҳкор саф олдида бошини қуйи солиб турарди. Антон Семёновичнинг: «Нега ундай қилдинг?» деган саволига худди шундай: «Оч эдим» деб жавоб қайтарган эди. Шунда Антон Семёнович: «Очмидинг?» Ундай бўлса ол, е. Товуқни беринглар унга» деган эди.

Бечора Приходько ерга кириб кетгудек бўлган эди. Бутун коллектив олдида туриб товуқни кавшаш ҳазилми? Йўқ, сира мумкин эмас!

— «Антон Семёнович! Кечиринг! Ҳеч қачон, ҳеч қачон шундай қилмайман!»

— «Егин. Оч экансан — е эди».

— «Айтдим қўйдим-да! Оч эмасман, аҳмоқлик қилдим..».

Бир онда ана шуларнинг ҳаммаси кўз олдимдан ўтди ва мен Панинга:

— Қорнинг очмиди? Королёв, ўша буханкани менга берчи? Ол, Панин, е,— дедим.

Орқамда аллаким оҳ тортиб юборди. Панин буханканинг бир учидан ушатиб ея бошлади. Хотиржам, бепарво еяр эди. Биз атрофида индамай турамыз. Мен бу аҳволнинг бемаънилигини сезаман. Бундан маъно чиқмайди. Приходько воқнасида бу чора оқиллона ўйлаб топилган, кулгилли эди. Лекин Панинга бу чора кўрилгани бемаъни ва хунук бўлди. Нега? Худди ўшандай воқна, худди ўшандай чора-ю, лекин натижа бутунлай бошқа.

Аста-секин болалар жонланади, кимдир кулади, кимдир:

— Гаров ўйнайман: ейди! Ушогини ҳам қолдирмайдил!— дейди.

— Еб бўпти!

— Улай агар ейди!— дейди Петька.

Тер қуйиб кетди. Шу топнинг ўзидаёқ бирон нарса ўйлаб топилш, бу томошани тўхтатиш кераклигини англайман. Панин бўлса итоаткорлик ва бепарволик билан кавшайди. У кечирим сўрамайди. «Энди қилмайман»

демайди. Панин нонни индамай кавшайди, ушогини ҳам қолдирмай еб қўйиши турган гап.

— Тарқалинглар,— дейман болаларга.— Панин, юр мен билан.

Биз кабинет томонга юрамиз. Бир қанча кўз бизни кузатиб қолади. Балким, бу чора бефойда кетмагандир, Панининг ўрнида бўлишни истайдиганлар ҳам топилмас, лекин шунга қарамай кўнгилдагидек бўлмади! Кўнгилдаги бўлмади!

Шу дақиқа тарбиячилардан биронтаси яқин ўртада бўлмаганига жуда қувондим.

— Нонни қўй!— дейман Панинга кабинет эшигини ёпа туриб.

У бир чеккасидан ушатишган буханкани индамай столга қўяди.

— Гапир, нега ўғирладинг?

— Оч эдим,— дейди у ва шу ондаёқ умидсизларча қўлини силтайди.

— Билиб қўй, охиргиси бўлсин шу. Бўлмасам бу ерда турмайсан.

У индамайди. Вақтинча тўғри юрар. Ўзини тияр. Лекин ундан ортиқ эмас.

Шу воқнадан кейин анчагача ўзимни жуда ёмон ҳис қилиб юрдим. Тайёр усулдан ўйламай-нетмай фойдаланишнинг натижаси шунақа бўлар экан! Олдинда бутунлай бошқа одам турганини, шароит бошқалигини англаб етмасликнинг натижаси шу экан!

Бизнинг коллективимиз жуда яхши эди-да. Бу коллективнинг бир оғиз сўзи биз учун қонун, унинг таънаси чин кўнгилдан хатомизни англашга мажбур этар, унинг мақтови кишини бахтиёр қилар, ўзингга ишонч ҳосил қиларди. Бу ерда эса, ҳозир коллектив бор дея оламанми? Йўқ, албатта.

Приходько учун ўша воқиа бир умрга сабоқ бўлди. Ўша жазо унинг эт-этидан ўтиб кетди. Тавбасига таянди. Панин-чи? Мен йўл қўйган хатойим нимадан иборат эканини англаб ҳам ололмадим. Лекин бу жазонинг Панинга сира таъсир қилмагани, буйруғимга хотиржамгина ва совуққонлик билан итоат этгани менинг хатога йўл қўйганимни кўрсатади. Бу ерда бошқача йўл тутиш керак эди. Жуда яхши ва иноқ коллективдаги жазо одамга қаттиқ таъсир қилади, деб Антон Семёнович жуда-жуда тўғри айтган экан.

„Ўтиринглар, ўйнанглар!“

Иккинчи бор, хушчақчақ ва яхши ишлаб ўтказилган кунимиз Коршунов ижозатсиз шаҳарга кетиб қолди. Иш-ма қилишим керак?. Киргизмаслигимнинг иложи йўқ. Глебовга ўхшатиб таъзирини беришининг ҳам иложи йўқ. Коршунов асабий ва жинзакчи бола. Батман ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ йиғлар, ҳеч кимга керак эмаслигини, ҳамма ерда ортиқча эканлигини айтиб бақирарди. Ҳар қандай таърибасиз одам ҳам бу боланинг асабийлигини биларди. У кечалари тинч ухлаёлмас, чўчир, бақирар, уйқусирарди. Ҳамма вақт қандайдир оғир тунлар кўрар, эртасига чала-чулпа, узундан-узоқ қилиб гапириб ҳамманинг жонига тегарди. Арзимаган нарсага чўчиб тушарди: биров тўсатдан бақириб юборса ёки қаттиқ кулса у худди ток ургандек сипчиб тушарди.

Мана энди ўзбошимча шаҳарга кетган Коршунов қайтиб келди. У навбатчи командир Жуков ёнида йиғлашга, бақиринишга, дод-фарёд солишга тайёр туради.

— Киргизмай қўя қолинг! Киргизмасангиз киргизманг, кираман деб ўлаётганим йўқ!— чўзиб гапира бошлади у.

Бошида мен болаларга очик-ойдин қилиб: кимда-ким сўроқсиз кетса киргизмайман деганман! Лекин Коршуновни киргизмаслик мумкин эмас. Буни мен ҳам, Алексей Саввич ҳам, Жуков ҳам тушунади. Бунинг «шу топнинг ўзидаёқ ҳайдаб юбарса-я?» деб ўйлаётган Коршуновгина тушунмаса керак.

— Менингча Коршунов бориб ухлайверсин,— дейди Алексей Саввич менга савол назари билан қараб.— Қолишкенининг отрядидаги болаларнинг ҳаммасини бир ой шаҳарга боришдан маҳрум қиламиз — бир-бирлари учун жавоб беришни ўрганишсин.

Шундай қилдик. Лекин эртасигаёқ ёнимга Ренни келди:

— Семён Афанасьевич, Ленинградга бориб келишга рухсат беринг.

— Отрядингиз бир ой ижозат олишдан маҳрум этилганини биласан-ку.

— Коршуновни дебми?

— Ҳа, Коршуновни деб.

— Семён Афанасьевич, менинг айбим нима?

— Энди бизда тартиб шундай, Андрей: бир одам ҳамма учун, ҳамма бир одам учун жавобгар.

— Қизик,— деб қўйди Андрей кета туриб.

Алексей Саввич маслаҳат берган чора жуда тўғри бўлиб чиқди. Лекин, агар Коршунов Жуковнинг ёки Стекловнинг отрядида бўлганда анча хотиржам бўлардим. У ердаги болалар бу жазо ҳақида ўйлаб кўрардилар. Коршуновдан нолиб-нолиб қўярдилар-у, лекин ҳадеб жонига тегавериб хуноб қилишмасди. Қолишканининг отрядида-чи? У ерда ҳамма аламини Коршуновдан олмайди! Шунинг учун ишда ҳам, овқат пайтида ҳам Коршуновдан кўз узмайман. Тўғри, оқилона ўйлаб топилган жазо. Аммо бу жазони эрта қўлланмаганмикамиз? Яхши, иноқ коллективда буни қўлланиш тўғри бўларди, лекин ҳозир-чи?

Бир кунги биз девор бузган вақтимиздаги каби ёмғирли кунларнинг бирида, Петя Қизимов билан Андрей Репиннинг чордоқда карта ўйнаб ўтиришганининг устидан чиқиб қолдим. Бу ерда ҳам мен ҳали улар англаб етолмайдиган сўз айтдим.


— Ҳа эмасми?— дедим Петькага.

У ўзини йўқотиб қўйганидан ўрнидан туришни ҳам унутиб, лавлагидек қизариб жавоб қайтармай ўтирарди. Репин мени ҳайрон қолдирмади. Лекин Петя, ахир у менинг Берёзовая полянага келиб биринчи танишган одамим, менинг биринчи марҳаматчим ва дўстим-ку! Мен қатъий тақиқлаган нарсамни қилишга уни нима мажбур этди?

— Қийиб юрган ботишканг жонингга тегди шекилли? Яна яланг оёқ юргинг келдими? Картани бёр.

Петька почор аҳволдан қутулишга имкон туғилаётганидан севинди шекилли, иргиб ўрнидан турди-да, шоша-пиша карталарни йиғиштира бошлади. Андрейга эса қайрилиб ҳам қарамадим.

Аслида, ана шу икки боланинг хавфлиси худди шу Репин эди. Бунга менда шубҳа йўқ. Лекин шунга қарамай, орадан бир печа кун ўтгач, устахонадаги иш билан тушлик овқат ўртасидаги қисқа танаффусда Репиннинг эмас, балки Петьканинг бу гал Коробочкин билан карта ўйнаётганининг устидан чиқиб қолдим. Петька қўлидаги картани аралаштиришга улгурмай ўтирган ерида қоқиб қолди.



Мен болалардан ҳеч нарса сўрамадим ҳам, «кетимдан юринглар» деб чақирмадим ҳам. Ўзлари индамай ўринларидан туришди-да, менга эргашишди. Мен уларни ошхонага бошлаб келдим.

— Стол ёнига ўтиринглар, ўйнанглар! Чордоқма-чордоқ беркиниб юришининг кераги йўқ. Ўйнамай туролмас экансизлар, ўйнанглар.

Шу дақиқа Петькани кўрсангиз эди!

— Ўйнайликми?

— Ҳа, ўйнанглар. Мана карта — ўтиринглар, ўйнанглар.

Иккалови қимир этмай ўтирарди. Лекин фарқ шунда эдики, ўша бир буханка нонни еяётганда Паниннинг юзи қандай хотиржам бўлса, Коробочкиннинг юзи ҳам шундай хотиржам эди. Петьканинг қўрққанлиги ва тавба қилгани юзидан кўриниб турарди. Лекин бундан нима фойда! Ахир, у ўтган сафар ҳам энди ўйнамайман деб тавба қилган эди. Шунга қарамай яна ўйнапти.

— Суз, Коробочкин, — дедим мен. Коробочкин карта сузди.

— Ўйнанглар.

Коробочкин кўз қири билан менга қараб, картани ташлади, бироқ шериги қимир этмади.

— Хўш, нега индамайсан? Жавоб бер, — дедим мен.

Биз ошхонага кирганда навбатчилар тушки овқатни тарқатаётган эди, қошиқ ва вилкаларнинг жаранг-журунги эшитиларди. Ҳозир ошхона жимжит, ҳамманинг кўзи Петька билан Коробочкин ўтирадиган столда. Мана, қўнғироқ ҳам чалинди, болаларнинг олди кела бошлади. Улар бу ерда нима гап ўтганини дарҳол сезишади. Бировлар яқинроқ келиб қарашади, бошқалар жой-жойларига ўтириб, ўша ердан туриб кузатишади.

Мен нари кетаман. ҳамма нарса жойидами деб ошхонани кўздан кечираман. Кейин стол ёнига бориб, Глебов билан Стекловнинг ўртасига ўтириб овқатлана бошлайман.

Ошхонага одатдан ташқари жимлик чўкади. Баъзан кимнингдир пиқ этиб кулгани эшитилади — кейин яна жимлик чўкади. Шундай.

Тўғри қилдимми йўқми? Шу ишим учун менга нима деб эътироз билдиришларини биламан: инсон иззат-нафсига тегиш мумкин эмас, дейишар менга. Ҳақиқатан ҳам бу яхши эмас. Ҳамманинг олдида карта ушлаб ўтириш

ва барча болаларнинг ўзларига хайрихоҳлик ёки истехзо билан кўз тикиб турганини ҳис этиш, албатта жула оғир, инсонлик нафсониятини таҳқирлайди... Аммо агар шу бахтсиз картабозлар мана шундай карта ўйнаб, бир-бирларини талайдиган бўлсалар, уларнинг инсонлик қадр-қиммати бадтар ерга урилади-ку... Эҳ, маслаҳатлашадиган одам йўқ-да. Ие, нега йўқ бўларкан? Тўғри, ёнимда Антон Семёнович йўқ, лекин Алексей Саввич, Екатерина Ивановна ва Софья Михайловна бор-ку, ахир. Лекин шу топининг ўзида улар билан маслаҳатлаша олармидим? Ахир шу ернинг ўзидаёқ бир қарорга келиш керак-да...

Овқатланиб бўламиз. Болалар ошхонадан чиқиб кетишади, аммо ўйин қандай кетаётган экан деб кириб хабар олиб-олиб туришади. Мен стол ёнидан туришга шошилмайман. Бирдан йиғи овози эшитилади. Йиғлаётган Петька. У овозининг борица, ёш болалардек ҳўнграб йиғлайди. Коробочкин бояги-боягидек хотиржам, қимир этмайди. Петька бўлса кўз ёшларини сурта-сурта овозининг борица ўксиб-ўксиб йиғлайди. Унга раҳминм келиб кетади.

— Нима гап, Пётр? Ўйиннинг мазаси бўлмаётими?

— Энди қил-л-л-май-ман!— дейди Петька йиғидан ўзини тутолмай.— Чин сўзим! Ўйнамайман, олинг картани!— У картани илон ёки бошқа бирон жирканч нарсани улоқтиргандек ташлайди.

— Запасдаги карта-чи?

— Бу охиргиси! Ўлай агар... охиргиси...— дейди Петька энтикиб.

Шу билан тамоммикан? Эҳ-э, ҳаливери тамом бўлма-са керак!

Кечқурун кабинетимга кичик Павлушка Стеклоз келади.

— Нима гап? — деб сўрайман.

— Ўзим, шундай.

— Ўтир бўлмасам.

У диванга ўтиради ва индамайди. Мен ҳам индамайман.

— Семён Афанасьевич,— деб гап бошлайди у ниҳоят.— Ахир бу... Ахир Петька... Балки сиз уни бебош деб ўйлаётгандирсиз... Уни гижгижлашди-да. Унга нуқул... ўша ерда биттаси: «Ҳа, қўрқдингми? Ҳали ўйнаш-

га ёшлик қиласан» деди. Петька бўлса: «Кўриб турарсан, сенга ўқитаман!» деди.

Ҳа, гап бу ёқда дегин.

— Петя, нима қиялсан у ёқда?— дейман.— Бу ёққа кир, уялма!

Кичик Стеклов оғзини очганча анқайиб қолди. У ўзининг ёлғиз келмаганини қаердан билганимга ҳайрон, Эшик ортида ниманингдир ғижирлагани, аллакимнинг хўрсингани эшитилади— останада Петька кўринади.

— Ўтир Петька,— дейман.— Ўтган ишга салават.

Шу вақт эшикни тақиллатмай Қороль отилиб киради:

— Семён Афанасьевич, сизга телеграмма! Алексей Саввичдан! Йўғ-э, Алексей Саввич қабул қилиб олдилар-да — дарров етказ, дедилар, шунинг учун мен...

Телеграф бланкасини очаман — уч жуфт кўз менга савол назари билан тикилганини кўраман. Болалар нима деб ўйлашганини билмайман, лекин уларнинг қиёфасидан бу телеграмма тўғридан-тўғри ўзларига алоқадор ёки ҳеч бўлмаганда болалар уйига тегишлидек туюларди.

— Хотиним билан болаларим Харьковдан йўлга чиқишибди,— деб юбораман бенхтиёр.— Эртага Ленинградда бўлишади.

Шуниси қизиқки, учаловининг юзида мамнуният акс этади.

— Кутиб олиш керак. Мени ҳам бирга олиб кетинг, сизга ёрдамлашаман,— дейди Қороль донолик, билангонлик қилиб.

— Раҳмат,— дейман унга.

11

Кутадиган бўлгандан кейин яхши кутайлик

Биз Қороль икковимиз жуда эрта, биринчи поезд билан йўлга чиқдик. Уйда Алексей Саввични қолдирдим. Ростини айтсам, йўлга чиқар эканман, юрагим ғаш эди. Лекин Алексей Саввич билан Екатерина Ивановна бараварига мени юпатишади:

— Бамайлихотир бораверинг, сиз йўғингизда ҳеч нарса бўлмайди, ўзимиз удалаймиз.

Шундай қилиб мана ярим қоронғи вагонда ўтириб-миз. Рўпарамизда, бурчакда, оқ қалпоқ кийган қизча ўтирибди. У лампочкага тикилганича, сира киприк қоқмайди. Баъзан уйқу тортиб кўзини юмади-ю, кейин яна лампочкага тикилади. Ўзи уч ёшларда. Меникилар ундан сал каттароқ. Тезроқ кўра қолсам уларни! Шу кунларда улар ҳақида ўйлашга ҳам вақтим бўлмаган эди. Берёзовая полянадаги уй ва мана шу ердаги янги болаларим вақтимни бутунлай ишғол қилган эди. Лекин мана шу топда уларни нақадар соғинганимни ҳис қилдим. Қўлларим ҳам соғинибди: қани энди кичкинтойларни қўлтиғидан олиб кўтарсам, сочларини тўзитсам, юзларига шапатиласам, шипга етадиган қилиб осмонга отсам, иккаловининг бараварига чинқиритиши эшитсам. Шундай пайтларда осмонга учаётгани чўчиб, завқланиб кетганидан чинқирса, ёнимда навбатини кутиб турган эса қувониб, сабрсизланиб чинқиради...

Король дераза ёнида ўтиради ва сузиб ўтаётган, кўз илғар-илғамас кўринаётган дарахтларга қарайди. Кейин вагон ёриша бошлайди, мана кун ёруғи электр нури билан аралашиб кетди, ниҳоят уни сиқиб чиқарди. Тонг. Рўпарамдаги қиз онасининг пинжигга тикилиб ухлаб қолди. Мен ундан кўз узмай тикилиб қоламан, мен то қизчанинг оқ қалпоқли малла боши ўрнида кўзимга бошқа қизил шапкали қора соч бош кўрингунча тикиламан.

Шу чоқ Королнинг:

— Семён Афанасьевич деган овози эшитилади,— отрядда ўрнимга Плетневни қўйиб келдим.

Мен худди уйқудан уйғонгандек сапчиб тушаман.

— Бекор қилмаганмикансан? У бесўроқ аллақасёққа бориб келди-ку.

— Ҳечқиси йўқ, деб ўйлайман. Сабоқ бўлади.

— Сабоқликка сабоқ бўладику-я, болалар гапига кирпшармикан?

— Унинг гапига-я?

Король ортиқ ҳеч нарса демайди. Плетнев командирликни эплаш-эпламаслигидан шубҳалансам-да, бир нарсага қаттиқ ишонардим: учинчи отряд қордан қутулиб, ёмғирга тутилган эди.

— Нима дейсан, ўрмонга тулкини қоровул қилиб қўйилса, пар кўпаяди-ю, қушдан асар қолмас эканда, а?— дейман Королга.

Платформанинг кучанини. Мана, Ленинградга ҳам етиб келдик. Аммо бу платформанинг вагонини. Платформада Варя ҳали шунда қатъи ҳаётининг у билан бу ёққа юриб турган.

Варя ҳола — Галинининг мардум опасининг дугонаси. Галин уи усти анича етим қилин эди. Унинг Варя ҳолини кўриб, маънафак ҳеч кимни йўқ. Ёш-қарилликлари ҳали ҳам ҳаётининг аламли бермасли. Галининг ёш турмушида янқ қилган Варя ҳолини анича хафа қилган, меънафак шун вақт оқимини бола бўлганим эса уни айниқса хафа қиларди.

Декан мен Ленинградга келган кунимок Варя ҳолини анича бердим. У билан аламақалгача гаплашиб утардик. У Гали ҳақида, болаларимиз тўғрисида, Дзержинский немис коммунистнинг ишлари ва Антон Семёновни ҳақида сўрашгирди. Эрталаб Варя ҳоланикидан чиқиб кетар эканман, Варя ҳолини Галининггина эмас, балки меннинг ҳам ёшлик чоғларимданоқ энг яқин кишим бўлгандек ҳис эгдим.

Дээр Варя ҳола мен билан қисқагина кўришди. Король билан жиддий қилиб: «Танишайлик», деб қўлини қисиб кўришди-да, қаддини тик тутиб яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Фақат кўзидан ва титрамасин деб кинтиб олинган лабларидан унинг нақадар сабрсизлик билан кутаётгани сезилиб турарди.

Бирозни кузатганимда, жўнаб кетувчи қандай яхши иш билан кетаётган бўлмасин, ҳамма вақт одам маънос бўлиб қолади. Аммо кутиб олиш — ҳамма вақт яхши! Мана ҳозир ҳам чинқириб, пишиллаб келаётган паровоз кўринади, поезд платформага яқинлашади. Вагондан Гали билан болалар чиқади. Мен уларни кўз олдимда гавдалантирмоқчи бўламан — лекин сира гавдалантиролмайман. Учалоги ҳам қорачадан келган, бетлари қипқизил, қора соч — ҳамма вақт кўзимни юмдим дегунча, кўз олдимда намоён бўлишарди, ҳозир бўлса, негадир кўз олдимга келтиролмаяман.

— Келянти! — дейди Варя ҳола ҳаяжондан титраётган товуш билан.

Гилдиракларининг тақир-туқур борган сайин аниқроқ эшитилади, баҳайбат паровоз борган сайин яқинлашади. Тўхта! Бир-биримиздан ўзиниб, бешинчи вагон томон югурамыз. Вагондан чарм пальто кийган, иккита катта чмодан кўтарган қандайдир бир киши чақиб кел-



Иккёвимиз куламиз. Мана, Ленинградга ҳам етиб келдик. Москва вокзалига югурамиз. Платформада Варя хола бир қадар ҳаяжонланиб у ёқдан-бу ёққа юриб турибди.

Варя хола — Галинанинг марҳум онасининг дугонаси. Галя ўн етти ёшида етим қолган эди. Унинг Варя холадан кўра яқинроқ ҳеч кимми йўқ. Ёш-қариликлари уларнинг дўстлигига халал бермасди. Галянинг ёш турмушга чиқаётгани Варя холани анча хафа қилган, менинг бир вақт боқимсиз бола бўлганим эса уни айниқса хафа қиларди.

Лекин мен Ленинградга келган кунимоқ Варя холанинг уйига бордим. У билан алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. У Галя ҳақида, болаларимиз тўғрисида, Дзержинский помли коммунанинг ишлари ва Антон Семёнович ҳақида суриштирди. Эрталаб Варя холаникидан чиқиб кетар эканман, Варя холани Галянинггина эмас, балки менинг ҳам ёшлик чоғларимданоқ энг яқин кишим бўлгандек ҳис этдим.

Ҳозир Варя хола мен билан қисқагина кўришди. Король билан жиддий қилиб: «Танишайлик», деб қўлини қисиб кўришди-да, қаддини тик тутиб яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Фақат кўзидан ва титрамасин деб қимтиб олинган лабларидан унинг нақадар сабрсизлиги билан кутаётгани сезилиб турарди.

Бировни кузатганимда, жўнаб кетувчи қандай яхши билан кетаётган бўлмасин, ҳамма вақт одам маъ бўлиб қолади. Аммо кутиб олиш — ҳамма вақт яхши. Мана ҳозир ҳам чинқириб, пишиллаб келаётган пар кўринади, поезд платформага яқинлашади, вагон Галя билан болалар чиқади. Мен уларни кўз олдида гавдалантирмоқчи бўламан — лекин сира гавдаланмайман. Учалоғи ҳам қорачадан келган, бетлари қизил, қора соч — ҳамма вақт кўзимни юмдим деган кўз олдимда намоён бўлишарди, ҳозир бўлса, кўз олдимга келтиролмаяман.

— Келяпти! — дейди Варя хола ҳаяжонда — ётган товуш билан.

Ғилдиракларнинг тақир-туқури борган сайроқ эшитилади, баҳайбат паровоз борган сайлашади. Тўхта! Бир-биримиздан ўзишиб, бешинчи югурамиз. Вагондан чарм пальто кийиб кўтарган қандайдир бир киши



япти. Унинг орқасида тугун кўтарган кампир, ундан кейин повча ҳарбий одам... вагонга киришнинг иложи йўқ.

— Ҳалиги болаи қани?— деб сўраб қолди тўсатдан Варя хола.

Король йўқ. Ана холос! Энди шуниси кам эди! Қочиб кетмагандир-ку, ахир! Йўқ, қочиш мумкин эмас. Қаёққа кетади бўлмаса, бу шайтон! Нима қиламан энди? Галянинг чиқишсини кутсаммикан, ё Королни қидириб кетсаммикан?

Шу маҳал қарасам: кампир билан ҳарбийнинг орасидан сиқилиб ўтиб, Костикни кўтарган Король чиқиб келяпти. Ичкарига қандай қилиб кириб олганини суритиришнинг ҳожати йўқ. Унинг орқасида бўйинини чўзиб жилмаяётган Галя кўринади.

Яна бир дақиқа ўтар-ўтмас — ҳаммалари ёнимда. Галя ҳам, болаларим ҳам. Варя хола Галя билан қучоқлашиб кўришади — уларнинг кўришмаганига жуда кўп бўлиб кетган. Лена билан Костикнинг эғнида пахтали камзул. Белларига гулдор белбоғ, оёқларида пийма билан калон, бошларида қизил шапка, иккови ҳам кулгили, қўполгина, бир-биридан ажратиб ҳам бўлмайди: қоп қора ўйноқи кўзлари, қип-қизил, дўмбоқ юзлари дўнг пешоналарининг бир-биридан фарқи йўқ. Ҳаммамизнинг бўйимиз баланд бўлгани учун болалар яна ҳам кичик бўлиб кўринишади: улар пастда ёнвирлашади, бошларини баланд кўтариб бизга қарашади.

— Уларни қандай қилиб топдинг — деб сўрайман Королдан.

— Жуда ҳам ўхшар экансиз уларга! Кўр эмасман-ку, — деб жавоб қайтаради Король.

Кимнинг кимга ўхшашлигини аниқлаб ўтирмайман, чунки шу топдаёқ Варя хола билан қизгин баҳслашишга тўғри келади. Варя хола вокзалдан тўппа-тўғри Берёзовая полянага жўнаб кетишимизга сира кўнмайди... У ҳаммамизни тўппа-тўғри уйимга борасизлар деб туриб олди. Уникида олмали пирог, қулупнай, мураббо ва чой тайёр экан...

Мен бўлсам тўппа-тўғри уйга жўнасам дейман — нега деганда ташвишланаман, хўжалигимни узоқ бўғиз қолдиролмайман.

— Галяни кўрмаганимга печа йил бўлиб кетди, — дейди аччиғланиб Варя хола. — Инсоф борми сенда, Семён? Тушунолмай қолдим-ку!

— Варя хола, тушунсангиз-чи, ахир! болалар уйи...

— Дадамга бораман!— дейди пастда турган Костик.

— Дадамга бораман!— дейди Леночка кетма-кет.

— Уйга кетсак яхшироқ бўларди,— деб қўшиб қўяди Король, одоб билан.— Иш бошлаганимизга ҳеч қанча бўлганиям йўқ, ҳали кўникиша олмапти.

У рост айтади. Бу шундай равшанки, Варя хола дарров кўна қолади ва қўлини силкитиб:

— Майли, бора қоллинглар,— дейди.— Галя, сен мен билан кетасан. Биз кейинроқ борамиз.

— Ойи, пирог егим келяпти!— дейди пастдан Костик.

— Меням пирог егим келяпти!— деб такрорлайди Лена.

— Хўб, хўб, пирог олиб келамиз,— деб ваъда қилади Варя хола юмшаб.

Бир-биримиздан энди хафа бўлмаётганимиз учун куламиз. Биз, Король ва болалар билан тўппа-тўғри уйга кетмоқчи бўлдик. Галя билан Варя хола кейинроқ боришади.

— Леночкани биз олиб кета қолайлик?— деб таклиф қилади Варя хола.— Икковини қандай эплаштирасизлар? Костикни олиб кетсангиз — шунинг ўзи ҳам етади.

— Йўқ!— деб қаршилиқ кўрсатишади иккови.— Бирга кетамиз! Дадам билан кетамиз!

Галя ўйлаб кўрмасданоқ болаларни етаклаб оламан, Король Галянинг қўлидан чамадонни олади ва ҳаммамиз майдонга чиқамиз. Мен Галянинг гангиб қолганидан фойдаланаман. Хушчақчақ кутиб олишимиз, узоқ айрилқдан кейин Варя хола билан учрашувни ва Ленинград уни анча шошириб қўйган эди: черниговлик ёрим ҳеч қачон Харьковдан нарига борган эмас эди-да, ахир. Яна фўкридан қайтиб ўтирмаслиги учун Варя хола икковини соат етилик поезд билан кутиб олишимизни айтиб, тезгина хайрлашиб трамвайга чиқамиз. Галя ёш болалардек Варя холанинг қўлидан ушлаб йўлкада секин-секин боради, биз бўлсак, трамвайда қўлимизни силкитиб кетамиз.

Мана, биз яна дачний поезд вагонидамиз.

Ниҳоят мен болаларга тўйиб-тўйиб қарайман. Кўришмаганимизга у қадар кўп бўлгани йўқ — болаларда ҳам айтарли ўзгариш бўлиши керак эмас эди; лекин шунга қарамай, жуда кўп янгиликларни кўраман. Кос-

тик «р» ҳарфини талаффуз этишни ўрганибди, севинганидан тўғри келса-келмаса ишлатяпти: «Бизр-рар сут ичдик!— дейди у фахрланиб.— Пиймамизга яп-янги кар-рош кийдик!» Лена ҳам янги одат чиқарибди: ҳар бир жумлани то жавоб олмагунча ҳадеб такрорлайверади.

— Тугмамни еч, тугмамни еч, тугмамни еч,— деб такрорлайди у мулойимгина. Унинг овозида инжиқликдан асар йўқ. У «ҳозир» деган жавобни эшитгандан кейин дарҳол жим бўлади.

Унинг овози Костишкинга қараганда пастроқ, бўғиқроқ. Лена бир дам тинч турмай ғу-ғулаб гапиргани гапирган.

Король бўлса болаларга худди нотаниш, ғалати ҳайвонларга қарагандек қизиқиб қарайди, уларнинг ҳар бир сўзига қотиб-қотиб кулади. У жуда чиройли кулар экан. Унинг оппоқ бир текис тишлари борлигини биринчи дафъа кўраман.

Уйга етиб боришимиз биланоқ Софья Михайловна болаларни мендан тортиб олади. Болалар Софья Михайловнанинг қовоғи солиқлигига парво ҳам қилишмайди. Ростини айтганда, ҳозир унинг чеҳраси очиқ. У бир зумда болаларнинг пальтосини, пиймасини ечади, чой ичиради. Хонамга кирсам, поллар ювилган, столга дастурхон ёзилган.

Дурадгорлик устахонасида иш қайнайди. Жингалак пайраҳалар ерда уйилиб ётибди. Биринчи дастгоҳ ёнида Плетнев. У ўзини бепарволикка солиб, зўр бермасдан ишлайди, аммо унинг қўли чаққон, иши ҳам юришиб турибди. У менга қувлик билан бир қараб қўяди-ю, яна ишига берилади. Унинг ёнида — Разумов. Унинг рандаси ўтмаслашиб қолибди, у рандасига қисилиб қолган пайраҳани чиқариш билан овора. Лекин шунга қарамай у ҳам менга мулойимгина, муғомбирона боқиб қўйди. Мен жуда ийиб кетмайман, чунки уларнинг ҳозир, бузишдан ҳам кўра яхшироқ ишлай олишларини кўрсатмоқчи бўлишаётганини тушунаман. Ҳар ҳолда бу ер ҳозир нақадар яхши, бу шов-шув нақадар ёқимли, бу ернинг қиёфаси қанчалик ўзгариб кетди!..

...Ваъдага мувофиқ соат еттилик поездда Галя билан Варя хола келишди. Мен турган бинода уч хона бор. Биттасида Алексей Саввич билан Софья Михайловна туради, қолган хонада бизнинг оиламиз. Биринчи хона-

да ёзув столим, яна бир кичик стол ва Глебов азоб чеккан ўша диван туради. Иккинчи хона ҳам емакхона, ҳам ётоқлик вазифасини ўтайди.

Варя хола билан Галя хонани кўздан кечиришади-да, шу замонок нарсаларни у ёқ-бу ёққа суришга киришишади. Тўсатдан Галя бир нарса эсига тушиб, сумкаси-дан оқ конверт чиқаради:

— Буни Антон Семёнович бериб юборди. Кечир мени, бориш эсимдан чиқиб қолибди.

Шошиб-пишиб конвертни очаман.

— Ана унга бир қаранг! Худди икки минг сўм ютган одамдек севиняпти!— деб кулади Варя хола.

— Халақит берманг унга. Ёдлаб олгунча ўқисин,— дейди Галя.

Ёдлаб олиш қийин эмас, хат қисқагина:

— «Салом Семён! Нега хат ёзмайсан, деб сўрамайман. Биламан, ишинг юришиб кетгани ҳақида бир йўла ёзиб юбормоқчисан. Майли, кутаман. Тез орада шундай хат ёзишингга ишонаман. Биздаги янгиликлар ҳақида Галя гапириб беради. Қўлингни маҳкам сиқаман.

А. Макаренко.

12

Кичкинтойлар

Кучимга куч қўшилди: Галя билан болалар ёнимда. Мен кечгача уйга бирон марта бўлсин кирмаслигим, Галяни фақат кечқурун кўришим, кечгача бирон марта бўлсин уни эсламаслигим мумкин, лекин эсламасам ҳам ҳамма вақт шуни яхши билардимки: у шу ерда, ёнимда,— у ҳам, болалар ҳам ёнимда.

Костик билан Леночка янги уйга тезда кўникиб қолишди. Аввалига боғда қўл ушлашиб юришди. Лекин кўп ўтмай, шу қисқа умрлари мобайнида бирон марта ажралишмаган кичкинтойлар ажралишиб кетишди. Буни кўриб жуда ҳайрон қолдим. Теварак-атрофда қизиқтирадиган, шу вақтгача кўрилмаган ва ўзига тортадиган нарсалар шу қадар кўп эдики, иккови ҳам кўнгилдагидек йўл топиб олди.

Костик эрталаб ўрнидан турган ҳамоно тўппа-тўғри Павел Подсолнушкин ҳукмронлик қилаётган саройга қараб йўл оларди: Костик бориб Тимофейни бир кўриб келиши керак эди-да.

— Полвои йигит-да! — завқланиб гапирарди Подсолнушкин. — Тариқча ҳам қўрқмайди! Оёғини кериб туриб олади-да, кўзини узмай қарагани-қараган, қимир этмайди. Жуда аломат-да!

Костик ҳаммага ўзини яқин тутарди, лекин болалар уйида Королдан кейин ҳурмат қиладиган одами Подсолнушкин эди. Павелни унинг кўзи олдида баланд кўтарган нарса — унинг Тимофейга яқинлиги эди. Костик Подсолнушкинга ҳаддан ташқари ҳурмат билан муомала қилар эди.

— Кирсам мумкинми? — деб сўрарди у ҳар гал ва секингина бир чеккага бориб турар ёки пастаккина скамейкага ўтирарди.

Кейин саволлар ёғила бошларди:

— Тимофейнинг онаси борми? Синглиси-чи? Тушки овқатга нима ейди? Кечқурун-чи? Тимофейга сабзи берса бўладими? Тимофейнинг қанча тиши бор?

Мен ҳар гал уни саройдан топиб кетишга уринардим. Лекин у яна қайтиб келаверарди. Павел Костикнинг бу ҳурмати билан фахрланар ва ҳар турли мавзуларда, Тимофей тўғрисида бўлса ҳам, ёзда бу ерлар нақадар яхши бўлиши ҳақида ҳам, ўшанда ўзи, Павел, Костикка сузишни ўргатиб қўйиши ҳақида бажону дил суҳбатлашарди.

Костик билан Король орасидан қил ўтмасди. Болалар биринчи марта Король билан танишган эди. Король чўптагида болаларга ҳар гал қанд олиб келиб берарди — баъзан Галя ана шу кир қандга ташвишланиб қараб қўйса ҳам, қаршилиқ кўрсатмасди. Яна шуниси ҳам бор эдики — энг муҳими ҳам албатта шундаки — Король ғалати нарсаларни ўйлаб топишга уста эди. У бир вақтлар фақат мен каби болаларни осмонга иргитар ва илиб оларди. У Костикни тиззасига ўтқазиб олар ва оҳистагина тебратиб туриб:

Теп-текис йўл бўйлаб,
Теп-текис йўл бўйлаб, —

деярди-да, кейин секингина иргитарди:

Дўнглик ер ёқалаб
Дўнглик ер ёқалаб

деб туриб, хотима қиларди:

Гуп тушди ариққалл

Костик ағдарилиб тушар, лекин кучли, эпчил кўл шу заҳотиёқ уни илиб оларди. Шундай пайтларда Костик афтини буриштирганини сира кўрганим йўқ.— Король бир марта ҳам, ҳатто кўққисдан бўлсин, ҳаракатини тўғри ҳисоблай олмай бўлсин, унинг бирон ерини оғритгани йўқ. Аммо шундай пайтларда улар донм чинқиришиб кулишгани-кулишган эди. Лекин бугина эмас. Кейинчалик билсак, Король фокус кўрсатишни ҳам билар экан. Королдаги бу талант бутун болалар уйини ҳайратда қолдирди ва кичкинтойларни мафтун этди. Король кўлига тош олар ва бу тош шу замонок ғойиб бўлиб, Костикнинг ёқаси ичидан чиқарди. Король усталник билан таёқ ва коптокни моҳирлик билан ўйнатарди. Бу ўйин унга нақадар ҳузур бахш этаётгани афтидан кўриниб турарди.

Леночка бўлса ҳамма билан аралашиб кетаверади, ҳеч кимни афзал кўрмайди: у болалар уйида ҳаммани яхши кўрар, уни ҳам ҳамма яхши кўрарди. У устахонага киради ва хушмуомалалик билан: «Пайраҳадан олсам майлими?— деб сўрайди — жингалак пайраҳадан иккала чўнтагини тўлдириб солиб беришади. Бу ҳол Галяни у қадар севинтирмасди, албатта. Кейин Леночка ошхонага кирар ва у ердан чиқа туриб: «Менга Король сабзи берди, мен унга раҳмат дедим!» деб хабар қиларди.

У Лёня Петровнинг товукларига дон сепишини томоша қилишни яхши кўрарди, Лёня бўлса товукларга сепиш учун Лёняга нон ушоқлар беради.

Костик ҳам, Лёна ҳам Софья Михайловнани яхши кўриб қолишди. Аввал ҳам айтиб ўтган эдим — Софья Михайловна биричи қараганда анча қуруқ ва жаҳлдор кўринарди. Лекин кичкинтойлар унга гўё уни азалдан биладигандек биратўла ўрганишиб кетишди. Мен Лёна билан Костикни кўпинча унинг уйидан топиб чиқардим. Софья Михайловна бўлса уларни истар-истамас чиқариб юборарди. Алексей Саввич менга қуйидаги воқеани сўзлаб бергандан кейин мен кўп нарсани англадим:

— Бизнинг учта боламиз бор эди — икки ўғил ва бир қиз. Бўлма касаллиги учаловини бир йўла, икки ҳафта ичида олиб кетди. Биз у вақтларда Сибирда темир йўлдан анча узоқда, қишлоқ мактабида ишлардик. Мактабда аввалига бир бола оғриб қолди — шу бўлди-ю жуда кўп болаин қириб кетди. Бизларники ҳам... Ўшанда Софья Михайловна: «Бўлди энди болалар би-

лан ишламайман. Ишлолмайман» деган эди. Бешинчи куни қарасам, уйдан чиқиб кетяпти. «Қаёққа?» деб сўрасам — «Болалар олдига»... деб жавоб қайтарди.

Алексей Саввич хотини ҳақида гапирганда одатдан ташқари секин ва эҳтиёткорлик билан сўзлайди. Софья Михайловна бўлса ўзи ҳақида лом-лим демайди. Лена билан Костикни қандай қилиб жалб этганини билмайман, лекин кичкинтойлар унинг олдига киришни яхши кўришарди. Мен кўпинча Костикнинг ёки Ленанинг:

— Мен Соня холанинг олдига бораман,— деганини эшитиб қолардим.

Кичкинтойлар Харьковни эсларига ҳам келтиришмасди. Мен кечаги кун улар учун мавжуд эмаслигини англадим. Биз бир-биримизни кўролмаган шу қисқа муддат ичида улар мулоҳаза юргизишни ўрганиб олишибди. Илгари мен уларда бундай хусусият борлигини сезмасдим. Эрталаб Лена деразадан қараб:

— Ойи, ёмғир ёғяпти, мен сайр қилгани бормоқчи эдим-ку,— дейди.— Мен соф ҳавода нафас олишим керак, энди қандай қилиб соф ҳаво оламан?

Илгари болалар негадир узоқ ухлаёлмай ётишса Галя:

Қушлар боғра тинч — осуда,
Балиқлар ухлар сувда...

деб аллаларди.

Энди бу аллани йиғиштириб қўйишга тўғри келиб қолди. Нега деганда Костик тўсатдан.

— Нега ҳовузда ухлайди?— деб сўраб қолди.— Яхшиси қумда ухлашсин, юмшоқроқ.

Шундай қилиб, ҳар бир сатрни: «Нега, нима учун?» деб суриштирадиган бўлиб қолди. Шу-шу Галя бу аллани оғзига олмайдиган бўлди.

Болалар инжиқлик қилишмас, йиғлашмас эди. Улар Галя чақирган заҳоти етиб келишар, кўрган-билганларини, эшитганларини унга айтиб беришар ва яна болалар ёнига, катта ажойиб дунёга қайтишарди. Мен бўлсам бошимдан ошиб-тошиб ётган юмушлар орасида қизил жун пайпоқ кийган кичкинагина одамнинг дўмбиллаб келаётганини узоқдан кўриб қолар ва, менда қандайдир бир яхши нарса пайдо бўлганга ўхшайди-я?— деб ўйлардим.

Тугмалар

Бир куни Антон Семёнович менга Ушинскийнинг бир китобини берди. Унда қуйидаги сўзларнинг таги чизиб қўйилган эди:

«Янги иморатнинг пойдеворини қурган, лекин ўзининг нима қурмоқчи эканлиги — ростгўйлик, ҳақиқат ва муҳаббат худосига бағишланган ибодатхона қуряптими ёки одамлар роҳат қилиб яшайдиган уй қураётгани, ўткинчилар ағрайиб томоша қиладиган чиройли, лекин бефойда дабдабали дарвоза қуряптими ёки берасомад сайёҳларни шилиб олиш учун меҳмонхона қураётгани, озиқ-овқат пишириш учун ошхона қуряптими ёки камёб нарсаларни сақлаш учун музей ва ниҳоят ҳеч кимга умрида керак бўлмайдиган эски-тускиларни уйиб ташлаш учун омбор қураётгани ҳақидаги саволингизга жавоб бера олмаган меъмор ҳақида нима дер эдингиз? Ўз тарбиявий фаолиятининг мақсади нимадан иборатлигини аниқ ва равшан таърифлаб бера олмаган тарбиячи ҳақида ҳам худди шундай дейишингиз мумкин».

— Жуда тўғри айтибди,— деган эди ўшанда Антон Семёнович.— Яхши овчи ҳаракатдаги нарсани ўққа тутмоқчи бўлса анча олдинни нишонга олади. Педагог ҳам ўзининг тарбиявий ишида узоқни кўра библиши, одамдан кўп нарсани талаб этиши ва ташқи белгиларига қараганда ҳурматга сазовор бўлмаса-да уни беҳад ҳурмат қилиш керак.

Мен Антон Семёновичнинг гапларини ва ишларини эслашга ҳаракат қилиб шуни хотирладим: мен ўзимни, фикр-мулоҳазаларим ва ишларимни унинг сўзлари ва фикрларига таққослаб текшириб кўрдим.

Мен кундан-кунга шу нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки: стрелкаси соат — соат бўлмаганидек, қанотсиз қуш — қуш эмас. Шунингдек болаларидан биронтасини унутиб қўйган, ўзига ишониб топширилган одамларнинг ҳаракатини кўриш, эшитиш ва ҳис қилишдан чиқиб кетган ҳар қандай ўқитувчи, тарбиячи ишлай олмайди.

Кичкинтойлар менда жуда кўп эди: болаларнинг чорак қисми ўн яшарлилар, улар орасида тўққиз яшарлилар ҳам бор эди. Кўпчилиги ўн икки-ўн уч яшарлилар,

фақат бир неча бола — Жуков, Сергей Стеклов, Репин —
ун тўрт яшарлилар эди. Уларнинг кўплари бошқа бола-
лар уйи ва мактаблардан «тузалмас» деб ҳисоблаб биз-
га юборилган, боқимсиз ўсган ва етим қолган болалар
эди. Улар орасида боқимсиз юрганлари жуда кам эди —
ҳар бир беш боланинг учтаси, ҳатто тўрттаси илгари
кўчада бир кун ҳам яшаган эмас. Мана шуларнинг
ҳаммаси, ишимни анча осонлаштирарди, албатта. Илгари
бунга тушунсам ҳам, лекин энди коллективни ташкил
этиш осон эмаслигини жуда аниқ биламан. Бу ҳамма
билан барабар, шу билан бирга ҳар бири билан алоҳида
олиб бориладиган катта ва қийин иш. Бунинг учун мен
уларнинг ҳар бирини яхши тушунишим керак. Бу бола
қандай? Иродалими? Иродасизми? Ғаразлими? Кўнглил-
чанми? Сир бой бермайдиганми? Ростгўйми? Мен ҳар
бир боланинг характерида чуқур билиш билангина чек-
ланмай, унинг қандай ўсиши ва ривожланиши керакли-
гини билишим керак.

Мана ниҳоят шундай пайт етиб келдики, бировнинг
тажрибаси, бировнинг фикри ҳаттоки, бу тажриба ва
фикрлар Антон Семёновичники бўлишидан қатъий назар,
менга ёрдам беролмай қолди. Чунки — буни унинг ўзи
ҳам такрорлашни яхши кўрарди, шунча йил хизмат қи-
либ бирон марта бўлсин бир-биринга ўхшаш воқеага дуч
келмаган.

Ҳар бир воқеа ўзинча янги, алоҳида ҳал этиш йўлини
талаб қилади — «тугма касали» бунга мени яна бир бор
ишонтирди.

Уйимизга Ленинград шаҳар маориф бўлимининг
инспектори Алексей Александрович Зимин келди. У ил-
гарилар ҳам келиб юрган эди. Менга кўп ёрдами теккан.
У Берёзовая полянада ҳукм сураётган ярамас аҳвол ҳа-
қида кўп бош қотириб юрганлардан эди. Шунинг учун ҳам
яхшилик томонга бўлган ҳар бир ўзгаришни хайрихоҳ-
лик билан синчиклаб кузатиб келарди. У фақат инспек-
тор сифатидагина эмас, балки ҳар нарса билан қизиқув-
чи, ҳаммасини муҳим деб ҳисобловчи дўст сифатида
ҳам келарди.

Одатда кун бўйи бир-биримизни кам кўрардик — у
устахонада ғойиб бўлиб кетар, болалар билан гаплашар,
улар билан овқатланар, фақат кечқурунга бориб каби-
нетимга кириб ўтирарди-да, кўрган-билганларини гапириб
берарди. Менга ёққан жойи шунда эдики, у, болалар

ҳақида — уларнинг характерлари, одатлари, майл-ҳаваслари ҳақида жон-дили билан гаплашарди. Ҳар бир бола уни қизиқтирар, у болалар ҳақида алоҳида-алоҳида суриштириб ўтирарди.

Икковимизнинг яна бир умумий хусусиятимиз бор эди: икковимиз ҳам педагогларни ёмон кўрардик. Лекин уларнинг таъсири ўша 1933 йилларда шундай зўр эдикки, қўяверасиз! Зимин инспектор педагог бўлиб ишлаган биринчи кунлариданоқ уларни ёмон кўриб қолган эди. У тарбиялаш қийин бўлган болалар учун махсус очилган болалар уйлариининг бу қадар кўплигини жиноят деб ҳисобларди, бундай уйларга бошқа болалардан фарқ қилмайдиган туппа-тузук болалар тушарди. Менинг унга қўшилмасдан иложим йўқ эди: мен ишлаётган мана шу болалар уйида ҳам оддий болалар кўп-ку. Қўл остимдаги болаларнинг кўпчилиги оддий болалар уйларида олиниб, «тарбиялаш қийин бўлган болалар учун» махсус очилган болалар уйига юборилганининг сабабига тушуниб етолмас эдим.

Шундай қилиб, Алексей Александрович уйимизга келди, кечгача шу ерда бўлди, ётиб қолди ва эртасига эрталаб Ленинградга қайтишга отланди. Плашчида битта ҳам тугма қолмагани — ҳаммаси кесиб олингани ана шунда маълум бўлди!

Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас эди. Орамизда карта ўйнаш йўқолди-ю, аммо қиморга қизиқиш ҳали ҳам йўқолмаган эди. Болалар ҳамма вақт иш билан, ўйин билан банд бўлишларига қарамай, — биз тарбиячилар эрталабдан кечгача улар билан бирга бўлишимизга қарамай (кечалари ҳам жуда кам ухлардик), тугма ўйинига хотима берилмаган эди. Ўйин бўлса, у қадар мия қотиришни, эпчилликни талаб қилмайдиган, қизларнинг «тош ўйини»га ўхшаш оддий ўйинлардан эди. Аммо тугмани беш ёки ўн дона эмас, балки беҳисоб талаб қиларди. Гоҳ бир бола, гоҳ бошқа бири кийимининг тугмаси йўқолиб қолганини сезиб қоларди. Зўр бериб қидиришлар, сўкинишлар, «сира эсидан чиқмайдиган қилиб бир адабини бериш керак» деган овозлар эшитиларди, — аммо тугмалар йўқолаверарди.

Умумий мажлис ҳам чақирилган эди. Мажлисда мен қизгин нутқ ҳам сўзладим. Уйимизда тез кунларда бу ўйиндан пом-нишон қолдирмаслик керак, деган фикримга ҳамма қўшилди. Сергей Стеклов, кимдаки тугма

бўлса ўртага тўкишни таклиф этди. Бир оздан кейин Петя Кизимов бир қисм катта-кичик тугмаларни столга қўйди. Салдан кейин Вася Лобов худди шундай қилди, кейин Қоршунов. Лекин шунисига ишончим комил эдики, уларнинг ҳар бири ёнида бир нечтадан тугма қолдирган эди, албатта.

Тугма йўқотганларнинг деярли ҳаммаси тугма уюмидан ўзиникини топиб олди-да шу замоноқ кўйлак-иштонига чата бошлади.

Лекин шунга қарамай ўйин ҳали ҳам давом этарди — бунга шубҳа йўқ эди,— аммо энди «яширинча», махфий ўйналарди.

Петька энди тугмаларни эсимга олсам ўлай агар деб ҳамманинг олдида зўр бериб қасам ичарди. Павлушка ҳам худди шундай қасамёд қиларди. Мен уларнинг гапига ишонардим, албатта. Аммо Лобов кўзини мендан олиб қочар, шунинг учун ҳам мен, тугма касалидан холи бўлганига шубҳа қилардим.

Шундай қилиб... қарабсизки, Алексей Александровичнинг плашчидан ҳам тугма йўқолди.

Уялганимдан нима қилишимни билмасдим. Зимин кўнглимни кўтаришга уринар ва нуқул:

— Зарари йўқ, зарари йўқ...— деярди.— Фақат хотинимнинг жаҳли чиқадиган бўлди-да, яқиндагина янги тугмалар қадаган эди-я... Майли, майли, ҳечқиси йўқ!

У текшириш ҳақида эшитгиси ҳам келмай «кейин, кейин текширарсиз» деганича плашчига ўралиб олиб, очилиб кетмасин деб тирсаги билан босиб жўнаб кетди.

Зимин жўнаб кетгач, қовоғимдан қор ёғилиб тўғри ошхонага, болалар нонушта қилишаётган жойга бордим. Бўлиб ўтган воқияни сўзлаб бердим-да:

— Ким олди?— деб сўрадим.

Албатта, ҳеч ким индамади.

— Кизимов, сен олдингми?

Петька устига қайноқ сув қуйилгандай ирғиб турди:

— Семён Афанасьевич! Турган еримда ёрилиб ўлай!!

— Стеклов!

— Қўйинг-е, Семён Афанасьевич!— Павлушка худди акәси сингари ғурур билан елкасини қисди.

Бирин-кетин бир неча «тугмачилар»нинг номини атадим. Уларнинг ҳаммаси аччиғланиб бу ишда алоқалари йўқлигини айтишди.

— Лобов!— деб чақирдим.

Лобов ирғиб ўрнидан турди. У шу қадар қизариб кетган эдики, сепкиллари ҳам кўринмай кетди.

— Бу ёққа кел.

У ёнимга яқинлашади. Оёқлари чалиша-чалиша ёнимга келди.

— Чўнтагининг астарини ағдар.

У худди қип-қизил, аянч башарали пакана ҳайкалга ўхшаб қимир этмай туради.

— Чўнтагининг астарини ағдар,— деб такрорладим.

У шошилмасдан қўлини чўнтагига солади-да, бир сиқим ялтироқ кул ранг тугма — худди ўша тугмаларни чиқаради...

— Уйимизга қадрли меҳмон келди,— дейман унинг малла боши билан қип-қизил қулоқларига қараб — Лобов гуноҳкор бошини шу қадар қуйи энгаштиргани учун ҳам бошқа нарса кўринмас эди менга, — Алексей Александрович ҳамма вақт бизга ғамхўрлик қилади, ёрдам беради, биз бўлсак уни жуда хурсанд қилдик! Жуда қойил қилдик! Тугма ўйнамайман деб сўз бермаганмидинг?

Ҳаяжонланганидан Вася Лобов Екатерина Ивановна берган дарсларни унутиб, одатдагидан ҳам кучлироқ дудилади. Унинг шивирлаб берган жавобини зўр-базўр ажратиб оламан:

— Берганман...— дейди у дудила-дудила.

— Бундан чиқди, чин сўз сен учун ҳеч нарса эмас экан-да? Сўз бердингу нима, бермадинг нима, барибир экан-да. Шундайми?

У ерга қараганича индамай туради.

— Раҳмат-э, сенга, Лобов!

Ростини айтсам, қўлимга қайчи олиб кийимидаги тугмаларнинг ҳаммасини, шу жумладан, иштондаги тугмаларини ҳам кесиб ташлагим келди. Лекин ундай қилмадим. Осилиб тушаётган иштонини ушлай-ушлай югуриб кетаётганини тасаввур қилдим, Репиннинг истеҳзоли табассуми кўзимга кўринди, Глебовнинг қаҳ-қаҳлаб кулганини эшитгандек бўлдим... Бундай қилиш мумкин эмаслигини англадим. Нон воқеаси менга катта сабоқ бўлган эди.

— Уни нима қиламиз?— деб сўрадим болалардан.

Жимжитлик. Англаб бўлмайдиган ғовур-ғувур. Яна жимлик.

— Бир ойгача энг пфлос ишларни бажариш топширилсин! — деган сўзларни зўрға англаб олдим.

Аммо Лобов навбатдан ташқари ҳожатхонани ювгани билан тугма ўйнашни ташлармикан?

Мен Лобов билан яна юзма-юз ўтириб очик гаплашдим, у тугма ўйнамасликка яна ваъда берди.

Лекин кимдир бизга зўр бериб, кучининг борица, усталик билан халақит берарди. Тўғридан-тўғри халақит бермаса-да, бошқа одам орқали халақит берарди. Шўрлик Вася Лобов ҳамон ўйнарди — аммо ўз ихтиёри билан ўйнамаётгани ҳам аён эди. У юмшоқ табиат кўнгилчан эди, бунинг устига командирни Стекловга ўрганиб қолган бўлгани учун ҳам, уни шарманда қилишни истамас эди, албатта. Аммо ҳамон ўйнайди: буни билардим. Шунинг учун ҳам билардимки у менга рўпара келиб қолганда кўзимга тик қарай олмас, бошқа ёққа бурилиб кетарди. Ҳали қарасам, ёқасининг тугмаси етишмасди. Мана, кўйлагининг ўртадаги ва ўнг чўнтагидаги тугмаси етишмайди. Эртага чап чўнтагидаги ҳам ғойиб бўлади.

— Сергей, — дедим бир куни гўё тугма масаласини бутунлай унутиб юборгандек, — ўзи нима деган гап бу, нега Лобов бунчалик пала-партиш кийинади? Тугмалари қани?

— Йўқотдим, деяпти.

— Тушликдан кейин ёнимга бир кириб кет.

Тушликдан сўнг Стеклов кабинетимга кириб келди-да, ўзим жуда яхши билган нарсаларни сўзлай бошлади:

— Семён Афанасьевич, уни ҳол-жонига қўймаётган — Репин. Рост айтяпман. У билан гаплашган ҳам эдим. Нима дейди деиш? Қачон бўлса ҳам: «Қўлга тушмаган — ўғри эмас» дейишдан бошқа нарсани билмайди.

Аммо шундай бир воқеа рўй бердики, кўзга кўринмас рақибим ҳисобидан адашди ва кутмаганида менга ёрдам берди.

Кунлардан бир кун сафда Лобовнинг аллақандай вазиятда қўлини белига тираганича қимир этишдан қўрқиб турганини кўрдим. Ошхонага бораётганда ҳам у худди шундай, қовушмай йўлга түшди, у қадам ташлаб эмас, балки йўрғалаб борарди. Шундагина миямга бир фикр келди: ҳа-а, у охириги тугмасигача ютқизиб қўйган, иштонни тушиб кетяпти унинг!

Ошхонадан чиқиб, уйга қайтганимда Васяни учратдим.

— Галина Константиновна!— дерди у ялиниб.— Ик-
кита тугма беринг. Ўзим тикиб оламан, бера қолинг!

Галя майда-чуйда солинадиган қутини очмоқчи бўлди:

— Шошма!— дедим унга.— Лобов ўзининг тугма-
ларини топиб олсин. Унинг тугмалари бор, яхшилаб қи-
дирсин.

Нимасини айтай, Лобов кечгача шу алфозда юрди.
Аввалига у иштонини қўли билан ушлаб юрди, кейин, ус-
тахонада ишлаётганида эса, аллақандай каноп билан
боғлаб олди, лекин барибир, иштони ҳадеб тушиб кета-
верарди. Вася бировдан бирон нарсани сўрашга ботин-
мас, шу қадар ташвишга тушиб букчайиб кетган эдики,
фақатгина калласи кўринарди.

Кечки овқат маҳалида Сергей Стеклов ўрнидан турди:

— Семён Афанасьевич! Бутун отряд номидан сўрай-
ман: Лобовнинг кийимига тугма чатишга рухсат беринг!
У энди қилмайди!

— Кафилмисизлар!

— Кафилмиз.

Бундай пайтларда Антон Семёнович: «Нима билан
кафил бўласизлар?» деб сўрарди. Мен ҳам худди шу
саволни бердим:

— Нима билан кафил бўласизлар?

— Бошимиз билан!— деган жавобни эшитдим кутил-
маганда.

Ростиши айтганда ушбу кафиллик ноаниқ бўлса ҳам
мен бу жавоб билан қаноатланган эдим.

Эҳ, Глебов, Глебов!

Антон Семёновичдан: педагогика — беҳад мураккаб,
ҳаракатчан, кўп қирралли, чуқур диалектик фан, деб эши-
тиб, кўпдан буён билиб юрган гапларга энди ўз тажри-
бамда ишонч ҳосил қилишим керак эди. Олдимда содир
бўлаётган масалаларни ўзимча ҳал қилишим, тажриба
ортдиришим, ҳар бир нарса устида ўзим фикр-мулоҳаза
юртишим керак эди.

Уша дастлабки кунларда хат-савод чиқараётган одам-
га ўхшардим. Мана, англаб бўлмайдиган ҳар турли чиз-
ма-чизиқлар, ҳарфга айланди, кейин ҳижо пайдо бўлди,

сўзлар келиб чиқди — тилсиз саҳифа сўзлай бошлади, жонли, содда маъно билан тўлди демак, ўқишни ўрганиб қолибман.

Аввалига барча болалар менга оломондек кўринарди. Мен командирларни танирдим, хўппа семиз Володинни, новча Плетнёвни, кўк кўз Разумовни, дадил Подсолнушкинни танирдим, Петькани ва унинг дўсти — уятчан, кунёнга ўхшаш ғилай Леняни билардим. Ўша биринчи кунларда деярли ҳар бир бола ҳақида майда-чуйда гапларни билардим. Аммо шунга қарамай болалар мен учун оломон эди, холос. Мен ўша вақтдаёқ ҳақиқий ишим кейинчалик бошланишини билардим. Қачонки, кўз олдимда Плетнёв фақат новчалиги учун, Володин эса семиз — бақалоқлиги туфайли ажралиб турмайдиган бўлгандагина ҳақиқий иш бошланади. Ҳар бир бола ҳақида ўйлаганимда кўз ўнгимда унинг ташқи қиёфасигина гавдаланмайди.

Аста-секин, кун сайин, болалар менга яққолроқ кўрина бошлади.

Стеклов отрядга хотиржамгина, бир хилда раҳбарлик қиларди. У отряддаги болаларнинг ҳаммасидан ҳам катта эди. Отряддаги бошқа болалар, шу жумладан кичик Стеклов, яъни Павлуша ҳам ундан тўрт ёш кичик эдилар. Павлуша Стекловнинг характери ҳам, афти-башараси ҳам акасининг худди ўзгинаси эди. Горький номидаги колония ва Дзержинский номидаги коммунадаги қоидага мувофиқ, мен иккала ака-уканинг болалар уйига қандай қилиб тушиб қолганини суриштирмадим. Аммо тарбиялаш қийин бўлган болалар уйига қандай қилиб келиб қолишганига сира ақлим етмас эди. Иккови ҳам оғир, одобли болалар. Берёзовая полянада қўлланила бошлаган янги тартибга ҳам сўзсиз бўйсуниди. Уларнинг хотиржамлигида бепарволикдан асар ҳам йўқ эди, аксинча ҳар бир ишни ишонч билан бажону дил бажарар эди. Улар бутун туриш-турмуши билан — шундай бўлиши керак эканми — худди шундай қиламиз, жуда соз бўлади, дейишаётгандек кўринарди. Сергейнинг отрядидаги болалар — уйимиздаги кичкинтойлар — ҳеч сўзсиз унга итоат қилишарди. Глебовдан бошқа ҳамма бола тартиб сақларди. Агар Глебов бўлмаганда, Стекловнинг иши анча енгиллашарди — у бошқа болаларни осонгина, ҳазил-ҳазил билан ишга соларди. Стеклов табиятан ғамхўр ва жонкуяр эди. Бу ҳақда ўйлашга ҳаракат қилмасам-да,

беихтиёр шундай тасаввур этардим: яқин ўтмишда Стекловларнинг катта, тотув оиласи бўлган саранжом-саришта рўзгорни уқувли, кўпни кўрган она бошқарган. Кейин нима бўлганини ким билади дейсиз. Аммо группасидаги болалар ювинишаётганда Сергей уларнинг ҳар бирини текшириб туриши бежиз эмас.

— Қулоғингни ювмайсанми?— деб эслатарди у вазминдик билан.— Сен нега қўлингни яхшилаб артмадинг? Ёрилиб кетса майлими?

Кечқурун, болалар ётишаётганда, у тиниб-тинчимайдиган энага сингари охирги бор ётоқни айланиб чиқади: бировнинг кўрпасини қистириб қўяди, бошқа бировнинг ёстиғини тўғрилайди. Овқат пайтида эса группанинг энг кичкинтойи Леня Петровдан:

— Нега овқат емаяпсан? Ё қорнинг оғрияптими?— деб сўрайди.

Ёгорнинг тарелкаси бўшаб хомуш бўлиб қошиқ ялаб ўтирганини кўрган ҳамона навбатчини чақиради:

— Анавига овқатдан яна бер...

У ўзини оиланинг каттаси деб ҳис қилади, болаларнинг авзойини дарҳол билиб олади. Унинг отрядга ҳамхўрлиги баъзан кулгини қистатарди: у отряди жойлашган ётоқнинг яхши жиҳозланиши учун тиришиб-тортишиб ётарди, бирон яхшироқ нарса бўлса отряди учун юлқилаб олишга уринарди. Бир куни Жуковнинг жаҳли чиқиб:

— Қўйсангчи шу қилиғингни!— деб жеркиб ташлади.

Сергей Стекловнинг «бу қилиғи» баъзан ҳеч кимнинг жигига тегмаганига ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки унинг фақат ўзи учунгина талашиб-тортишмаётганини ҳамма биларди.

Энг биринчи тумбочкалар тайёр бўлганда Сергей уларнинг фақат ўзининг тўртинчи отрядига берилишини талаб қила бошлади.

— Нега деганингда бизнинг болалар жуда кичик. Уларни тартибга ўргатиш керак. Ўзинг ўйлаб қара, сен неча ёшдасан-у, улар нечада?— деб қизишиб гапирарди у Королга.— Сен яқинда ўн тўртга кирасан, менда бўлса, Глебовдан бошқа болаларнинг ҳаммаси кичкинтойлар.

— Тумбочка бошингда қолсин!— деб тўнғиллади Король.— Уялмайди-я. Ўша кичкинтойлари билан бирон ишни қойил қилган бўлса ҳам кошки эди? Энди бўлса биринчи навбатда олмоқчи бўлади-я!

— Ўзимга эмас, уларга сўраяпман, — дерди Сергей аччиғланмасдан. — Гапга тушунасанми ўзинг?

У ҳақиқатан ҳам тумбочкаларни энг кичкинтойларга қўйиб берди, ўзига эса орадан анча вақт ўтгач, тумбочкалар ҳамма ётоқларга қўйилгандан кейингина олди.

— Юқори тоқчаси сенга, пастдагиси, сенга, — деб ўқтирарди у кровати ёнма-ён турган Лёня Петров билан Гавлушага. — Озода тутинглар. Текшириб тураман. Ҳар хил бўлмағур парсаларни: роғатками-ей, тош, хўроз патларини қўя кўрманглар... Одатларингни биламан-кў! Агар топиб олсам, суриштириб ўтирмай йўқотиб ташлайман.

— Жўжаларни атрофида қақалаб юрган товукқа ўхшайсан-а! — деди бир кўни Король сарғиш кўзларини қисиб.

Сергей жилмайди-да, қўлини силтади. У аччиғланмади. Шуниси ҳам борки, Король ачитиб гапиргани йўқ. Королнинг ўзи ҳам кичкинтойларни ёмон кўрмаслигини, аксинча, дилида Сергейга ён босишини билардим.

Сергей бир нафас бўлсин, отрядда бўлиб ўтаётган воқеадан четда қололмайди.

— Семён Афанасьевич, — дейди у ташвишланиб, — нима қилишимга ҳайронман: — Глебов кроватда ётмаяпти-кў?

— У нима деганинг? Қаерда ухлайди бўлмасам?

— Кровать остида...

Эҳ, Глебов, Глебов! Стеклов у билан эртадан кечгача олишгани олишган. Глебов тўртинчи отрядда энг қайсар, ношуд бўлмағур бола. Арзимаган ишни ҳам айтишмасдан, жикилламасдан бажармайди. Ҳамма вақт менга энг қийин, энг ёмон ишни беришади, деб бақиргани-бақирган. У талашиб-тортишади, полийди. Улгудек кеккайган, бўноқ бола.

Кечқурун Глебов, барча болалар қатори кроватига чиқиб ётади. Аммо эрта билан ҳамма вақт кровать остида бўлади. Болалар унинг қай маҳал кровать тагига тушиб ётиб олишини билиш учун неча марта пойлашибди. Аммо ҳеч ким, шу жумладан кўни бўйи ҳаммадан кўпроқ, ҳориб-чарчаб қоладиган Сергей ҳам бу ишни охирига етказа олмабди. Глебов ҳаммадан илгарини, дарров ухлаб қолар экан. Ҳар гал болалар бу воқеа энди

сира такрорланмайди деб ўйлашаркан Аммо, барибир, ҳар-кеча такрорланаверар экан.

Буни илгари билмас эдим: Глебов кабинетимдаги диванда ётган кечаси мен ён томондаги хонада тунаган эдим: эрталаб уйғонганимда эса, у аллақачон туриб кетган эди.

Оғир, вазмин Стеклов Глебовни жуда ёмон кўради. Болалар уйимизда Сергейнинг қонини қайнатиб юборадиган одам фақат шу Глебовгина десам, янглишмайман. Ҳозир ҳам Сергей, Глебов атайлаб шундай қилади деб ўйлайди. Глебов ҳаммани ҳайрон қолдириш учун шундай қилаётибди деб юради.

Тонг отиши билан подъёмдан сал илгари тўртинчи отряднинг ётоғига кирдим. Глебое кровать тагида кулча бўлиб ухлаб ётибди.

Екатерина Ивановна билан маслаҳатлашдим. Бу аҳолни у касалликдан деб ўйлади. Екатерина Ивановна Глебовни врачга олиб борди, уни яхшилаб кўришди. Аммо врач ҳам бу боланинг ғалати одатининг сабабини нимадалигини бизга айтиб беролмади. Асабданмикан? Йўқ, асабларни ҳам жойида, бола соғлом, бақувват ўн бир яшар бола қандай ўсиши керак бўлса худди ўшундай. Бу ярамас одатининг қаердан келиб чиққанини англатувчи нарса кўринмайди. Ўзи ҳам бунинг сабабини тушунтириб беролмайди.

— Билмайман. Кечқурун кроватга чиқиб ётаман, уйғонсам кровать тагида бўламан. Қандай қилиб кириб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

У ҳамма вақт, ҳамма билан бетакаллуф сўзлашади. Диванда тунаганидан буён фақат мендан сал ҳайиқади. Менга ўчакишишдан фойда йўқ, деб ҳисоблайди: яна нималарни ўйлаб топишимни ким билади дейсиз. У кино, истеҳзо билан гапирсанг ғиқ этолмайди, шунинг учун ҳам ўзини мендан тортиб юради. Ҳозир: «Билмайман», дер экан, — мен унинг гапига ишонаман.

Унинг кровати қулай, яхши. Аммо ўзи бўлса кечаси билан яланг полда кроватдан тортиб туширган кўрпасига пала-партиш бурканиб ётади. Нега шундай қилади? У илгари ҳам кроватда ётмаган, аммо у вақтлар ҳеч кимнинг иши бўлмас эди. Энди эса Глебовнинг бу ғалати одати ҳаммани ташвишлантиради, ҳамма бу одатдан норози.

Глебов етим бола, анча вақт боқимсиз юрган — унинг

ўтминин ҳақида билганларим шугина. Оз албатта. Бунинин ҳам бошинидан кечирганман. Назаримда Глебовнинг бу ғалати касалининг сабабини ҳам, уни даволаш йўлини ҳам топгандек бўлдим. Тарбиячиларимиз билан маслаҳатлашиб ўтирмайман. Қўлламоқчи бўлган усулим педагогикага у қадар мос эмас. Улар ҳайрон бўлишлари, ташвишланишлари, мени уришишлари мумкин. Майли. Мен учун Глебовни одамларга ўхшаб ухлашга ўргатиш муҳимроқ.

Тун яримдан оғанда оёқ учинда юриб тўртинчи ётоққа кираман. Ҳамма ёқ жимжит, ҳамма уйқиди. Ҳамма ухлаётганмикан, биронтаси калласини кўтариб қолмасмикан, деб аҳён-аҳёнда тўхтаيمان, қулоқ соламан. Йўқ, ҳамма ёқ жимжит. Фақат болаларнинг пиш-пиш ухлаши эшитилади. Ниҳоят Глебовнинг кровати ёнига бораман. У ҳам болалар сингари ухлаб ётибди. Яна бир бор атрофга назар ташлайман-да шовқин чиқармай, чаққон кровать остига кираман. Кровать тагида пойлаб ётаман.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Ниҳоят Глебов у ёнидан-бу ёнига ағдарилиб, хўрсиниб гивирлай бошлади. Ана, индамай кровать тагига кириб кела бошлади!

— Йўқол бу ердан!— деб тўнғиллайман.— Бу жой банд! У индамай қайтиб чиқиб кроватига ётади. Яна чорак соат пойлаб ётаман-да, оҳиста ўрнимдан туриб унинг устидаги кўрпасини тузатиб қўйиб, ётоқдан чиқиб кетаман.

Бу фокус ҳам эмас, тасодиф ҳам эмас — фақат ёддан кўтарилган мантиқий қисмни тиклашга ҳаракат қилдим, холос. Глебовда бу ғалати одат қаердан келиши мумкин? Боқимсизлик. Шамол, ёмғир, қордан яшириниш учун асосан — кўриб қолиб ҳайдаб юбормайдиган бирон пана жойда тунаб юришдан келиб чиқади бу одат. Агар ўша жойингга бирон зўрроқ одам кириб қолган бўлса, сен у ердан чиқиб кетасан ва қайтиб кирмайсан: жой банд.

Эрталаб навбатчи командир Колишкин ва навбатчи санитар Володя Разумов билан ётоқларни айланаман. Тўртинчи ётоқда ҳамма болалар бошқа барча ётоқлардаги сингари кроватлари ёнида қатор тизилишган. Аммо бизга аллақандай қизиқ нарса айтмоқчи эканликлари афти-башараларидан кўриниб турибди.

— Глебов бугун кроватиди ухлади! — деб рапорт беради Стеклов.

Глебовнинг ўзи ҳам ҳайрон. Болалар унга тегажоқлик қилганда жеркиб-жеркиб ташласа ҳам ўзининг бу ғалати одатидан уяларди. Энди ўзини анча енгил тортгани сезилиб турарди.

Бироқ, элдан бурун севинишининг кераги йўқ: ким билади, эртага нима бўлади ҳали?

Аммо эртаси ҳам, индини ҳам иш кўнгилдагидек бўлди. Тун ярмидан оғганда болалар ёнига кираман: Глебовнинг кроватида мириқиб ухлаб ётганини кўраман. У тўртинчи ётоқда ортиқ тартиб бузмайди энди.

— Кўрдингми, истасанг, тузалсанг бўлар экан-ку, — дейди Стеклов.

Глебов индамай елкасини қисиб қўя қолади. У аллақачон тузалмоқчи эди-я, аммо негадир уддасидан чиқа олмай юрган эди-да...

15

„Энди қочиб кетмас эдик...“

Кўп ўтмай Алексей Саввич олиб келган яшикдан ташқари яна уч комплектга яқин зарур асбоб-ускуналар пайдо бўлди. Асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси сотилиб кетмаган экан. Кўпгина асбоблар шу ерда, уйда қолган экан, болалар кўнгилларига ёқиб қолган асбобни — бирлари подвалга, бошқа бирлари чордоққа, яна бирови ётоқда шкаф орқасига яширишиб қўйишган экан. Энди улар ўша ҳазиналарини, фақат ўзларигагина маълум бўлган жойдан олиб, устахонага ташиб келтиришарди. Биз ўзимизни супо тутиб, мана бу гулпанжара кесади-ган аррача, ҳам йирик, ҳам майда кесикли эгов, турли искана, парма, бигиз, тўқмоқ, омбир ва кўпгина бошқа нарсаларнинг қаердан келиб қолганини сўрамас эдик. Ана шуларнинг ҳаммаси аста-секин оқиб келаверарди. Баъзан бирон бола ноқулай табассум билан соддагина қилиб:

— Мана, Алексей Саввич. керак бўлиб қолади, — деб ташлаб кетарди.

— Албатта керак бўлади, — деб жиддий жавоб қайтарарди Алексей Саввич.

У пичинг қилишни билмас эди. У тез-тез табассум қилар, ҳазиллашарди. Аммо ҳеч қачон ҳазили билан биров-

нинг қўнғлига қаттиқ тегмасди. Болаларга у ҳамма вақт солдағина, кескин, шу билан бирга ишончли муносабатда бўларди. Алексей Саввич устахонага ҳаммадан илғари келар, энг кейини кетарди. Ёғоч, металл ва асбоб-ускуналар унга енгилгина итбат қиларди. Петьканинг қўлида юрмаётган ранда Алексей Саввичга ўтгач, шундай енгил сирпапардики, гадир-будур тахта унга қаршилик қилмагандек туюларди. Петька бўлса ҳаваси келиб, ажабланишдан оғзини очиб анқайиб қоларди.

Алексей Саввич айниқса Жуковнинг отряди билан дўстлашиб кетди. Саня Жуков оталарча ғамхўр, вазмин Стеклолга ҳам, қаттиққўл Королга ҳам ўхшамас эди — унинг ўзига хос «раҳбарлик усули» бор эди. У ўз отрядига хушчақчақлик билан раҳбарлик қиларди, доимо нималариндир ўйлаб топар, ҳамма нарсага аралашар, ҳамма нарсага қизиқарди. Петька бўлса унга ҳавасланиб кетидан қолмай юрарди. Аммо катта болалар ҳам командирларини севишарди. Мен бирон марта бўлсин унинг бировга бақирганини, кимдандир аччиқланганини, ғазабланганини кўрмадим. У ҳеч қачон иш буюраётганга, талаб қилаётганга ўхшамас, балки, маслаҳатлашаётгандек ёки маслаҳат бераётгандек туюларди. Унинг маслаҳатига амал қилмаслиқнинг иложи бўлмасди.

Алексей Саввич фанердан турли шакллар ясашга уста эди — у ясаган рамка ва қутичалар тўрға ўхшарди. Аммо бу санъат у қадар кўп одамни жалб этмади. Лекин шунга қарамай, Алексей Саввич ва Жуков билан Петька кўз илғар-илғамас чизик устидан аралаб, аллақандай катта ўғлалар чиқариша бошлашганда ҳамма қизиқиб қолди. Бу нарсалардан нима қилишмоқчи эканликларини англаб олиш маҳол эди. Петька каттакон оёқ ясаётганини ҳаммадан олдин Глебов билиб олди.

— Нима бало ёғоч этик қилиб киймоқчимисан? — деб пичинг отиб қўйди у.

Петька сирли суратда бош чайқайди. Кейинчалик Жуков бармоқлари йўғон каттакон қўл ясаётгани маълум бўлди. Кўп ўтмай иккинчи қўл билан оёқ ҳам тайёр бўлди. Алексей Саввичнинг арраси тагидан оғзи очилган, шалпанг қулоқ калла билан баҳайбат гавда чиқди. Шуларнинг ҳаммасини сиз билан бир-бирига улашди. Устахонага кириб нима бўлаётганидан хабардор бўлиб юрган болалар ҳайрсиз қолди.

— Уҳ-ҳў забардаст бўлибди-ку! Уни нима қиласизлар?

Энди ҳамма қизиқиб қолди: ҳамма вақт уйқи босиб юрадиган Суржик ҳам, гердайган Король ҳам, ҳамма нарсани зимдан кузатиб юрган, совуққон Репин ҳам қизиқиб қолди. Қизил носки кийган оёқларини кериб, кеккайиб турган Костик ҳам қизиқиб қолган эди, албатта.

— Ўзларинг ўйлаб топинглар!— дейди Жуков.

— Полиз қўриқчисими?— дейди Володин, тахминан.

— Қўриқчи! Қўриқчи! Зағчаларни қўрқитиш учун!— дейишли, бараварига болалар.

— Янглишасиз, дўстларим,— дейди Алексей Саввич хотиржамгина кеѝни Петькага:— Қани, бўёқларни олиб кел,— деб буюрди.— Қўйлагини қанақа қиламиз. Яхши-лаб ясантириш керак.

— Келинглар, Репинникидақа шоҳи шарф қиламиз,— деб таклиф этади соддадиллик билан Жуков.

Андрей қошини сал чимирди, аммо унинг чиройли юзи аввалгидек хотиржам.

— Унинг Репинга нимаси ўхшайди? У содда йигит,— деб эътироз билдиради Алексей Саввич.— Келинглар қўйлагини қизил, иштонини кўк қиламиз...

— Йўқ-йўқ!— деб қичқиради Петька тўсатдан.— Цилиндр кийган буржуй бўла қолсин!

Бирпасда цилиндр ясалди-да, юмалоқ бошга қўндирилди. Фрак яхши чиқмади-ю, аммо цилиндр буржуйлигини яққол кўрсатиб турарди.

Эртасига кечга яқин Жуков ётоқларни айланди, ҳовлидагилар эшитсин деб зинапоядан туриб қўлини карнай қилиб.

— Клубга! Клубга! Ҳамма клубга!— деб қичқирди.

Биз, шу вақтгача ҳеч нарса билан ўзига жалб этмайдиган, бўш залда тўпландик ва баланд жойга қўндирилган фанердан ясалган буржуйни кўрдик.

Алексей Саввич стол ёнида турарди. Унинг қўлида кичиккина қутн бор эди — қутининг ичида эса, сариқ ва қизил олмага ўхшаш юмалоқ нарса кўринарди. Скамейка ҳаммага етишмасди, биз девор тагида қаторлашиб турдик.

Шунда Алексей Саввич қўлига сариқ «олма»ни олди-да, бу латтадан тикилган коптокка ўхшаш бир нарса эди, — буржуйнинг очиқ оғзига қаратиб отди.

Копток фанерга тегмасдан кичик тешикка кириб кетди. Алексей Саввич болаларни танг қолдирди. Иккинчи, учинчи ва ниҳоят ўнча коптоқни кетма-кет отиб, нишон-

нинг очиқ оғзига киритди, нариги томонда турган Жуков коптокларни илтиб олаверди.

Болалар завқланиб қичқиришди, чапак чалиб юборишди. Бир неча бола стол ёнига қараб югурди, аммо Алексей Саввич қўли билан уларни тўхтатди:

— Ҳозир биринчи отряд аъзоси Павел Подсолнушкин санъатини кўрсатади.

Кўринишдан кичиккина, ориққина Павел оғир-вазмин юриб ўртага чиқди. У нима иш қилмасин ҳаммасини вазминлик билан қиларди: Тимофейни боқаётганда ҳам, гимнастика билан шуғулланганда ҳам, ошхонада бўтқа еяётганда ҳам ўзини шундай вазмин тутарди.

Жуков коптокларни қайтариб яшикка солди, Павел пойлаб ота бошлади. У ўн марта пойлаб, еттитасини нишонга туширди-да, жиддий қиёфада столдан узоқлашди. Унинг ўрнини Петька эгаллади. У қип-қизариб, қовоғини солиб, коптокни кетма-кет ота бошлади — бир марта бўлсин, маррага уролмади. Болалар қаҳ-қаҳлаб кула бошлашди.

— Бўшашма Петька! Эҳ, сендақа мерганни! Э, лапашанг! Бўш келмайсан, Петька!— деб қичқиришарди ҳар тарафдан.

Олтинчи марта ҳам нишонга тегизолмагач, Петька ўзини тутолмай йиғлаб юборишига сал қолди. «Машқ қилганимда яхши теккан эди» деб ғудрана-ғудрана қочиб кетди. Болалар кула-кула унинг кўйлагидан, қўлидан тортишар, у бўлса ўзини тортиб қочарди. Ниҳоят кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин ўйин қизиб кетди: ҳамма ўзининг чаққонлигини ва мерганлигини тезроқ синаб кўришга шошиларди.

— Яна яшаш керак!— деб қичқирди Глебов.— Яна икки-учта яшаш керак! Бўлмасам очередь катта!

— Ўзинг ясаб ола қол,— деб пичинг қилди Жуков. Глебовнинг ўта кетган ишёқмас ялқовлиги ҳақидаги овоза аллақачон ҳаммага маълум бўлган эди.

Жуков ҳам, биринчи отряддаги болаларнинг ҳаммаси ҳам мамнун эдилар-у, аммо бунинг сездирмасликлари ҳаракат қилишарди. Фақат кўзлари порлар, мийиқларида кулиб қўйишарди. Улар бошқа отряддаги болаларга навбатларини беришар, маррага уриш учун коптокни қандай олиш кераклигини тушунтиришарди.

Эртасига бўш вақтида янги нишон ясашни истаган

болалар Алексей Саввичнинг ҳоли-жонига қўйишмай қуршаб олишди.

— Жуда нари борса — яна битта ясаймиз, — деди у қатъий. Ҳозир клубимиз бўш бўлганидан, бошқа ҳеч нарсамиз йўқлигидан бу ўйинга ёпишиб олдиларинг-да. Келинглар, ундан кўра яна бошқа нарса ўйлаб топайлик.

Шу куни устахона худди асалари уясига ўхшарди. Болалар орасида ишлаган одам билади: ҳар хил шовқин бўлади. Баъзан бу маънисиз говур-ғувурга, баъзан эса ўқитувчининг тинчителишига қарамай катта шов-шувга айланади. Баъзан ит эгасини танимай кетади. Булардан ташқари иш жараёнида говур-ғувур бўлади — шундай пайтда тажрибали педагог жим бўлишни буюрмайди: бу говур-ғувурда у болаларнинг зўр қизиқиш ва диққат билан ишлагганини пайқайди.

Алексей Саввич ҳеч кимни тартибга чақирмай тўғри қиларди: устахонада хушчақчақ мароқли говур-ғувур ҳукм суради. Қимдир, кеча Петька бечора нишонга тегишмай уялиб қолганини эслаб кулади. Қимдир нам тахтани рандалашга қийналиб, минғирлаб сўкинади.

— Ана шундақа машқ қилиб турилса, кейинчалик отишни ўрганганда ҳам керак бўлади, тўғрими? — дейди Володин.

— Алексей Саввич, келинг яна битта ясайлик. Клубимиз бўм-бўш, ҳеч нарсамиз йўқ!

— Айтапман-ку, яна бирон нарса ўйлаб топиш керак, деб. Келинглар, тушки овқатдан кейин тўпланишиб, бир қарорга келиб оламиз.

Аммо тушликкача ҳали анча вақт бор, болалар дастгоҳлари тепасида туриб ҳар ким ўз фикрини айтади:

— Ёз келиб қолди. Рюхи¹ ясаш керак эди.

— Клубга шашка керак-ку.

— Шахмат ҳам!

— Энг аввал клубга стол, скамейкалар керак. Ерда ўтириб шашка ўйнайсизларми?

Гап ўз йўлида, иш ўз йўлида бораверади. Пайраҳа шилдирайди, ранда тахта устида сирпонади.

Устахонанинг бир чеккасида, дастгоҳ ёнида қовоғи солиқ, сочи ҳурпайган юзида қоп-қора холи бор Қоробочкин ишлайди. У ҳеч кимга халақит бермайди, интизомни бузмайди, яхши ишлайди, аммо мен унинг фақат

¹ Р ю х и — ўйиннинг бир тури.

бир нарсани: баҳор келишини кутаётганини яхши билман. Шахмат-шашкалар, рюхи ва оғзини очиб анқайиб турган ёғоч одамнинг унга нима кераги бор? Кун илди дегунча у албатта кетади!

Репин ҳам аллақачон бу ердан кетиб қолган бўларди-ю, лекин нимадир уни тутиб турибди. Иккинчи отряддаги ҳақиқий хўжайин Репин, албатта. Отрядда Колинскинни назар-писанд қилишмаса-да, Репиннинг йўриғи бошқа. У Королдан кўра бутунлай бошқа тартибда ҳукмронлик қилади. У сира дўқ, пўнса билан иш тутмайди. У қолинни бир чимириб қўйса, хотиржамгина, секингина бир қараб қўйса бўлди. Ҳозир Андрей силлиқ қилиб рандаланган тахтани жилвир қоғоз билан парвосиз равишда гардозлаяпти. У кўзининг кўзимга дуч келишини истамайди.

— Ёзгача... Ёзгача шундай ишлар қилайликки!..— дейди Алексей Саввич хаёл суриб.— Шундай майдонча... Ҳалигача сира тушунолмаيمان. Шунча вақтдан буён майдон нега бекордан-бекор ётади?

Устахонанинг турли томонидан:

— Нима бўпти... Бизнинг айбимиз нима... Бизга бир нарса дейишибдими?.. — деган овозлар эшитилади.

— Ўзингизнинг ақлингиз етмайдими? Волейбол тўрини осибсизлар. Энди у қор-ёмғирда ивиб ётибди. У ёғи нима бўлади?

— Сиз билмайсиз, Алексей Саввич, бу оддий тўр эмас,— дейди қувлик билан Король.— Агар шу тўр бўлмаганда Тимофей Семён Афанасьевични сузиб ташлаган бўларди. Сизга ҳеч ким гапириб бергани йўқми?

Тўғри! Алексей Саввич бу воқеадан беҳабар. Ахир ўша вақтларда бу ерда у йўқ эди-да. Болалар қиқир-қиқир кулишиб, бири олиб, бири қўйиб ҳикоя қила бошладди:

— Тимофей пишқириб, кўзи қонга тўлиб Семён Афанасьевичга қараб югурди — мана ҳозир шохига илтиб кўтаради, деб турибмиз! Бошини эгиб, ғазабидан кўзига ҳеч нарса кўринмай югурди-ку, шу югуришида кела солиб ўзини тўрга урди! Шохи тўрга ўралашиб қолди, оёғи билан ер тепина бошлади, нима бўлганига ўзи тушунмайди. Шу топда Семён Афанасьевич би-ир тушириб қолди-ку!

— Сизлар қасқда эдинглар?

Гарчанд Алексей Саввич болалардан қаттиқ қисиб

сўрамаса ҳам улар уялганидан нима қилишларини билмай қолдилар. Ўртага бир дақиқа жимлик чўкди, кейин Стеклов охистагина:

— Қаёқда бўлардик — қочиб қолган эдик...— деб жавоб қайтаради.— Семён Афанасьевич бўлса ёлғиз қолди. Семён Афанасьевич билан Тимофей яккама-якка қолишди.

— Энди қочиб кетмас эдик,— дейди ишонч билан Жуков.

16

Товуқлар

Бу сўзга мен ҳам ишонаман: энди улар қочиб кетинмас эди, оғир дақиқада мени ёлғиз қолдиришмас эди. Мен катта кетмайман: ҳозирча бизда мустаҳкам жипслашган, иноқ ҳақиқий коллектив йўқ. Аммо у аста-секин тугилмоқда. Унинг илк кўртаклари ҳамма нарсада кўришиб қолди. Бунинг билан болаларнинг ишлашларида, тушлик овқатдан кейини клубда тўпланишларидан, «бизда» ва «келинглар қиламиз» деган сўзларида кўраман.

Ҳар бир фикр, кимдан чиққанлигидан қатъий назар дарҳол муҳокама қилинади. Бу фикр ё қабул қилинар, ёки рад этиларди, ҳеч қачон жавобсиз қолдирилмас эди.

Галя билан болалар келгач, орадан уч ҳафтача ўтгач, шаҳардан янги оппоқ горн сотиб олдим. Станциядан келла-келгунимча, борган сайин теварагимда болалар кўпая борарди. Менинг шаҳардан қуруқ эмас, балки горн олиб қайтганимни ким етказганини билмайман-у, ҳар қалай, болаларнинг ҳаммаси мени кутиб олгани чиққан эди.

— Қўнғироқ ўрнига! Қойил! Чалинса борми — Ленинграддан ҳам эшитилади!— дейишарди болалар орзиқиб.

Ҳар бир бола яқинроқ келишга, горига қўл тегизиб кўришга ҳаракат қиларди.

Фақат бир одамгина горнни кўрган замонок довдираб қолди. У болалар орасидан тикилиб олдимга ўтди ва ёнма-ён кетавердию, лекин оғиз очмас, кўзини мендан олиб қочар, кўриниши ҳам маъносиз, руҳсиз эди. Бунинг сабабини билдиш қийин эмас: Петька горн чалишни унга топширишлари мумкин деб хаёлига ҳам келтиролмас, аммо кўпдан буён орзу қилиб юрган жарангдор қумуш горндан умидини ҳам уза олмас эди. Горн чалувчи бўлиш орзуси

унла, мен дзержинчиларнинг фото суратларини кўрсатганимда, сигналчиларни кўргач туғилган бўлиши мумкин.

Володин ҳаммадан аввал:

— Ким сигналчи бўлади?— деб тикка сўради.

— Чек ташлаймиз!— деб қичқирди Глебов.

— Коммунада...— деди эшитилар-эшитилмас қилиб, жон ҳолатда тупугини ютди-да, борган сайин қаттиқроқ гашира бошлади:— Дзержинский коммунасида... Семён Афанасьевич, ўзингиз айтган эдингиз... горн чаладиган сигналчилар... сигналчилар кичкина болалардан деб!

Ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Ҳа сени қараю,— деди мазах қилиб Король,— Бизда Егор ҳам кичкина. Ундан кейин Васька, Павлушка Стеклов-чи? Сигналчи бўлишга арзимабдими?

Шунда катта Стеклов:

— Мажлисда ҳал қиламиз!— деди қатъий қилиб, «Семён Афанасьевич кимни тайинласа ўша бўлади» деган сўзларни эшитмаганим алам қилмади. «Мажлисда ҳал қиламиз!» деган сўзларни эшитиш ёқимлироқ эди. Битта-яримтасининг иззат-нафсига тегмаслик учун ҳам бу масалани мажлисда ҳал қилиш яхшироқ эди.

Аммо ўша куни шундай воқеа рўй бердики, ҳатто горн масаласини бир қанча вақтгача унутиб юборишга тўғри келди.

Стекловнинг отрядида Леня Петров деган бола бор эди. У уйимиздаги болаларнинг энг кичиги эди. У шу қадар кичик, ориқ эдики, ҳеч ким уни тўққиз яшар демас эди. Бўйни узун, юзи рангпар, кўзи катта-катта, гилай эди. Леня мўмин-қобил бола бўлгани учун уни камданкам эслардим. Диққатимни Глебов, Плетнёв, Репин сингари белгили болалар жалб қиларди... Аммо бир куни ҳовлидан ўтиб кетаётиб Леня Петров Королнинг қўлидан чиқиб кетишга ва ниманидир яширишга уриниб типирчилаётганини кўриб қолдим.

— Ўзи нима гап?— деб сўрадим яқин бориб.

— Семён Афанасьевич, ўзингиз бир кўринг овқатини емасдан донм чўнтагига солиб олиб кетади! Қаранг — пишган тухум. Мана чўнтагидан олган нарсамни кўринг — бўтқани қоғозга ўраб олибди. Сотадим, нима қилади ҳайронман?

Мен Ленини рўпарамга турғизиб қўйдим-да, қўрқув тўла кўзларига қарадим:

— Нима гап ўзи?



— То... товук...— деб шивирлади у.

— Нима-а?

— То... товук!— деб такрорлади у қаттиқроқ ва йиғлаб юборди.

Яхшиямки Стеклов келиб қолди.

— Яна овқатни ёмаптими?— деб сўради у ҳеч нарсага ҳайрон бўлмай.

— Ўзи нима гап?— дедим аччиғланиб.— Нега ошхонада ўтириб емай, чўнтагингга солиб юрасан? Жавоб берсангчи?

— Семён Афанасьевич, Леня овқатини товукларга ташийти,— деб тушунтирди Сергей.— Битта курк товуги тухум босиб ётибди. Ўшани боқяпти.

Уйимизда Тимофей деган ҳўкиздан ташқари, тўрт товук ва ориқ думсиз хўроз бор эди, талон-тарож қилинган хўжаликлардан шулар қолганди. Бу жониворларнинг ҳаммаси рўйхатга олиниб уларга Антонина Григорьевна қараб турарди. Товуклар омборнинг бир чеккасида уймаланишиб юришарди, улар ҳақида бош қотиришга вақтим ҳам йўқ эди. Бир-икки марта Леня Петровнинг товукларни «беҳ-беҳ»лаб чақирганини эшитган эдим. У оҳистагина «беҳ-беҳ»лаб чақирар, товуклар югуришиб унинг олдига келишарди. Бир куни Ленянинг Антонина Григорьевнага товуклар ҳақида жон куйдириб гапираётганини эшитганман. «Мана сенга ғалвир. Яхши иш бўлади, —

дээр эди Антонина Григорьевна.— Тагига сомон сол, товукнинг патларига кул сен... сепдингни, йўқми?»

Леня товукларни ҳақиқатан ҳам севар эди. Эрталабдан кечгача уларга қарар, ошхонадан қолган-қутган овқатларни таширди. Бунинг устига у ўзи эрталабки, тушқи ва кечқи овқатнинг ярмини ҳам уларга берар экан.

Ҳеч ким унга жазо бермоқчи эмаслигини билгач, Леня дадиллашди.

— Аввал қора товук тухум босди,— деб ҳикоя қила башлади у,— лекин тухум босишга ярамаслигини дарров билиб олдим: қанотини ёйиш ўрнига йиғиштириб ётади, тухумларининг усти очиқ қолади. Ундан кейин ола товук тухум босди. Ола товук ақлли. Атрофига қараб-қараб кўяди; биронта тухумнинг усти очиқ қолганини кўра ўзиндан туради-да, тумшуги билан яқинроққа суриб олади, кейин қаноти билан ёпади. Инидан туриб кетсачи, югуриб-елиб бирон нарсани тез-тез ютиб олади-да, яна қайта қолади...

Леня ҳозиргина кўз ёшларини оқизиб йиғлаб турганини унутиб иштиёқ билан қаттиқ-қаттиқ сўзларди.

Бора-бора ўйимиздаги барча хотин-қизлар ҳам: Екатерина Ивановна, Галя, Лепочка товуклар билан қизиқишиб қолди. Товукларга ошхонада бир бурчак ажратиб берилди («Омборда совуқ қотишяпти, товукларнинг тожи совуқ қотяпти»,— деб тушунтирди Леня). Уларга саватдан, иккита яшик ва ғалвирдан ич қилиб беришди; ичларни ҳашаротлардан сақлаш учун оқлаб қўйишди, тагига эса ичан билан сомон тўшашди. Леня ёзда яхшилэб ўғитланган ерда чуволчанг кўпайтиришни орзу қиларди.

— Бунн қилиш жуда осон: жўяк устига тахта ташлаб устидан суз қўйилаверса бўлди. Ундан кейинчи, агар тиллақўнғизни йиғиб қуритса ғалати овқат бўлади-да!

Ола товук қимирламай тухум босиб ётди. Ниҳоят бир кунн Леня тухумларнинг бирига қулоқ тутиб кўрди-да, эшитилар-эшитилмас даражада тикиллаётганини сездн. У қўли билан оғзини ёйиб «жим» деган ишорани қилди, ўзи аллақандай ғужанак бўлиб кетди. У шошма-шошарлик қилиб курк товукни дарров ҳайдаб юбормас, жўжа товукнинг қанотлари тагида қуриб, тетикланиб олгандан кейингина оҳистагина олар ва илиқ юмшоққина яшикка соларди.

Ўйимиздаги барча кичкинтойлар товук боқишга қизи-

киб қолдилар ва Лёняга жоп деб ёрдам берардилар. Ола товук жўжаларини эргаштириб биринчи сайрга чиққанда уни тантана билан кутиб олишди. Тантана ҳалдан зиёда бўлиб кетганидан болалар орасига тушиб қолган товук жўжаларини ҳимоя қилишга тайёрланиб, патларини ҳур-пайтира бошлади.

Орадан бир неча кун ўтди.

Горини олиб қайтаётган куним болалар қуршовида ҳовлига кириб ҳам эдимки, Лёня Петров ҳўнграб йиғлаганича менга қараб югурди:

— Ўғирлашди! Ола товукни ўғирлаб кетишди!

— Шошма, додлама. Ўғирлашганини қаёқдан билдинг ўзинг?

— Мен устахонада эдим, у бўлса ҳовлида юрвди. Бир маҳал чиқсам — йўқ. Жўжалари ёлғиз юришибди. Ҳеч маҳалда жўжаларини ташлаб кетармиди?

— Ким олиши мумкин?

— Кимлигини билмайман-у, лекин ўғирлашгани аниқ! Оҳ, Семён Афанасьевич, ўғирлаб кетишди!

— Шошма, бақирма, қайтиб келиб қолади. Бирон ёққа адашиб кириб қолгандир.

Аммо, ола товук қайтиб келмади. Орадан икки соат ўтгач унинг қайтиб келмаслиги аниқ-равшан бўлди-қолди.

— Вой шўрим, товуғимни сўйишди! Сўйишди! — деб йиғларди Лёня.

Илгарилари товукнинг йўқолганига ҳеч ким парво қилмаган бўларди — озмунча нарса йўқолармиди аввал! Аммо, энди ола товукнинг ва жўжаларининг тақдири ҳаммани қизиқтирарди. Болалар менга диққат билан тикилиб қарашаётганини сезиб қолардим.

Мен навбатчидан қўнғироқ чалишни илтимос қилдим. Ҳамма болалар ошхонага йиғилишгандан кейин қисқагина қилиб:

— Гап битта: эртагача товук топилиши керак. Агар топилмас экан, мен бу ерда ишламайман, — дедим.

Бундан бир ой муқаддам мен бундай дейишга ботинмас эдим. Аммо энди таваккал қилиб шундай десам бўлади — буни сезиб турибман. Бундай пайтларда таваккал қилиш ҳам анча хавфли. Агарда болалар сўзимга қўшилмасалар Берёзовая полянада қолишим мумкин эмас.

Кун анчагина ташвишли ўтди. Болалар иккитадан, учтадан бўлиб тўпланишар, алланарсалар ҳақида шивирлашишарди. Катталар ҳам ўзаро сўзлашишарди. Кечки овқатдан кейин Король ёнимга келди-да:

— Семён Афанасьевич, шунча ғавго кўтарганга арзимайдиган иш. Энди ҳеч қачон бундай бўлмайди. Бу галча бости-бости қилиб юборсак ҳам бўлар, — деди ишонч билан.

— Шундай деб ўйлайсанми? Биринчи кунлари мен, ҳақиқатан ҳам парво қилмаган бўлардим. Энди бўлса сизларга одам деб қарашга ўрганиб қолдим, бошқача ўйлашни истамайман.

— Семён Афанасьевич, нега «сизлар» деб гапира-сиз? Менинг бу ишга алоқам йўқлигини биласиз-ку.

— Ишонаман. Аммо шу нарсани тушуниш керак: ахир ҳаммамиз бир-биримиз учун жавобгармиз.

— Битта одам айбдор-у, ҳамма жавобгар экан-да?

— Ҳа.

— Аллаким ўғирлик қилади-ю, мен айбдор бўлиб ўтираманми?

— Ёлғиз сен эмас, — ҳамма.

Майли бемалол гаплашиб, ўйлаб олишсин, қидириб кўришсин деб қоронғи тушгунча кабинетдан чиқмадим.

Эрталаб болалар юзимга синчиклаб қарашарди. Аммо мен ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутдим. Фақат навбатчи командир Королга:

— Болаларга айтиб қўй, кеч соат роса саккизгача кутаман, бир минут ҳам ортиқ кутмайман, — дедим.

Соат бешда бир тўда бола кабинетимга отилиб кирди:

— Топилди! Ола товук топилди!

Менга сирли бир тафсилотни сўзлаб беришди. Лёня Петров умидсизлик билан узоқ-узоқларга тикилганича, ошхонанинг зинапоясида ўтирган экан. Тўсатдан юзига ниқоб тутган икки одам ёнига келибди-да, оёғи боғланган ола товукни унинг оёғи тагига ташлаб, қочиб кетибди. Лёня товукнинг ҳолига ачинаб суюнганидан йиғлаб юборибди — бечора товук ўлар ҳолатга келган экан.

Ола товук бир кеча-кундуз оч қолгани, димиқиб ётгани кўриниб турарди. Чунки оёғини ечиши биланоқ очкўзлик билан сув ва бўтқага ўзини ўрди. Шундан

кейингина бир оз ўзига келди ва уни жўжалар ёнига қўйишди.

— Наҳотки айбдорлар топилмай кетаверади?— дедим, шу гапларни охиригача эшитгач елкамни қисиб.— Сизларнинг шу қадар қўрқоқ эканлигингизни билмаган эдим!

— «Сизлар!» «Сизлар!» Яна «сизлар» дейсиз-а! — деди Король қизнишиб.

— Бўлмаса нима деяй? Албатта, сизлар-да! Ҳалол коллективда ҳеч қачон, ҳеч ким яширинмайди. Гуноҳ қилиб қўйдингми — бўйнингга ол. Ана бу бошқа гап. Кўриб турибман, сизлардан кўп нарсани талаб қилиб бўлмас экан. На чора, ола товуқ топилибди ҳозирча шу билан ишни бўлди қилиб қўя қоламиз.

Бу — мурасага келиш эди. Мурасага келиш учун ён беришни ёмон кўраман. Аммо бу гал ортиқ талаб қилиб бўлмасди. Ҳозирча қилиб қўйган ишларини очиқдан-очиқ бўйинларига олишга юраклари дов бермас эди. Аммо, мен, биринчи кунлари болаларнинг шунчалик ҳам қилолмасликларини билардим. Оёғим остидаги замин мустаҳкамроқ бўлгандек туюлди. Бунга энди ишона бошлаган ҳам эдимки, мен турган замин яна қимирлаб қолди.

17

Дастурхон

Ошхонада Жуковнинг отряди навбатда турибди. Бу отряддаги болалар командирларига ўхшаш — доим ғажали нарсалар ўйлаб чиқаришади. Ана, улар меню пиштирадиган бўлишди. Бу янгилик. Илгари бунақа зарса бўлмас эди. Энди ҳар куни ошхона эшигида янги қоғозни кўриш мумкин. Бу қоғозга овқатлар рўйхатининг эмас, балки изоҳи ҳам ёзилган.

Қора буғдой бўтқаси — жуда фойдали.

Сутли кисель — жуда мазали.

Жуковчилар таърифлашга ҳам жуда уста. Баъзан эр танқид қилиб туришади:

Гўшти шчи — суюқ.

Чой — нимтатир.

Лекин бундай ишлар камдан-кам: бизда Антонина

Ҳаётини яхши кўришди, кўнглини оғритмасликка ҳарҳат қилишди. Бундай қилишга асос ҳам йўқ — ҳақиқат у жуда матоли овқат ичиради.

Қўшархон бир кун билларга дастурхон беришди.

Дастурхон оўшанга ҳам, онноқ, янги дастурхонлар. Ўшанга ошмалар ошхонага кирётганларида шу дастурхонлардан бирининг эшик ёнига, деворга текис қилиб ҳаққо қўйилганини кўриб қолишди. Дастурхон ёнига, бир варақ қоғозга стрелкалар тортилиб шундай сураб ёзилган эди:

«Шу оғунидан бонлаб меню осмаймиз. Кераги йўқ. Яхшиев Шағиён. Королёв, Разумов ва Володин овқатланган мана бу дастурхонга қарашлар. Ҳаммаси очиқ-ошди кўришиб турибди. Мана бу сариқ доғ-шчиники. Мана бу жигар ранги бўлса — кўриб турибсизки: котлетдан. Қиз-қизили — кнессель. Англаб олиш қийин эмас!»

Белалар бу «кўргазмални қурол» тепасида уймаланишарди. Олдинги қатордагилар кулишар; орқароқдагилар олдинга ўтишга уринишар оёқ учиди туриб бўйишларини чўзиб қарашар, шов-шув борган сайин зўрар эди. Қўлги ва хитоблар худди команда берилгандек тўсатдан тинди. Король тўпланганлар орасидан тикилиб ўтмоқда эди. У аччиланган, ранги ўчган, кўзлари қисилган.

У дастурхонга ташланди, лекин мени кўриб, тўхтаб қолди-да:

— Семён Афанасьевич айтнинг, олиб ташлашсин! — деди бўғиқ овоз билан.

— Нега?

— Нега деганда масхара қилишяпти!

— Хафа бўлдингми. Жуков! Қани у? Жуков қани? Ўлиб таллансин! Королёв хафа бўляпти.

Яна кулги кўтарилади. Король ҳатто тисарилиб ҳам кетди. Унинг юзлари қорайиб, бет суяклари туртиб чиқиб, у шартта бурилди-да, эшик томон тез-тез юриб кетди.

— Иизаки-я... — деди чўзиб аллаким.

— Фақат ўзига тегиб кетса, жнззакчилик қилади. — деди Степанов. — Бонқалар хафа бўлса иши ҳам бўлмайди.

— Дастурхонни нега осишади? Нега осишади дастур-

хонин?— деб қичқирди бирдан Плетнёв.— Қаранг, ҳам-
маники кир-ку. Шу вақтгача клеёнкада овқатланардик —
дастурхоннинг нима кераги бор? Клеёнкани ювдингми —
тоза бўлади-қолади.

У қўлларини кўтармас, муштлашмоқчи эмас-у, аммо
жаҳли чиққанлиги кўриниб турарди, унинг тишлари қи-
силган, бутун вужуди титрар эди. У болаларга бир-бир
кўз югуртириб чиқди. Баъзи болалар унинг ўқрайиб
боқнишга бардош беролмай ерга қарашди.

— Мен — дастурхонда овқатланиш тарафдориман, —
деб эътироз билдирди шу топгача қўлини орқасига қилиб
девор тагида жим Турган Жуков.— Клеёнкада овқат
ейдиган бўлсак, ҳамма: тўкилса-тўкилар, нима қипти!
деб ўйлайди. Қарабсизки, ҳамма вақт огхонага ўхшаш
ифлос бўлади. Агар дастурхон ёзилса, ювиб туриш ке-
раклигини эслаб туришади.

— Ким эслаб туради? — деб бақирди Плетнёв.

— Мен эслайман. Сен эслайсан. Король ҳам эсида
тутсин.

— Сизларни-ку билмайман-а, аммо менимча, дастур-
хонда овқатланиш яхшироқ,— дедим мен.— Агар сенга
клеёнкада овқат беришса, демак, ҳамма ёқни ифлос қи-
либ ташлайсан, кетингдан йиғиштириб-тозалаш керак
бўлади, дегани бу. Агар дастурхон ёзилса-чи — демак, се-
ни ҳурмат қилишар экан. Яна ўзингиз биласиз. Қелинг-
лар овозга қўямиз. Кимки дастурхонда овқатланамиз де-
са, қўл кўтарсин... Уҳў, кўпчилигу! Ким клеёнкада ейиш
тарафдори?.. Плетнёв, Разумов... Сенчи Володин? Бундан
чиқди, Плетнёв билан Разумовдан бошқа ҳамма болалар
дастурхонда овқатланиш тарафдори. Жуков энди олиб
ташла мана буни. Яна менюни ёпиштириб туринглар.

... Шундан кейин болалар кечгача говур-гувур қилиб
юришди. Уларни ҳаяжонлантирган нарса дастурхон би-
лан клеёнкани танлаш масаласи эмас, албатта: Берёзовая
полянадаги уй тарихида кимнингдир биринчи бор Корол-
га қарши чиқишга ботинишида эди! Шунга қараганда бу
ерда Король тўла ҳуқуқли хўжайин бўлган — Жуков,
Стеклов, Подсолнушқин каби катта ва кучли болалар ҳам
у билан уришиб қолишдан ўзларини тортиб юришарди.
Отряд ташкил этилгандан буён Королнинг қўли калта
бўлиб қолди — учинчи отряддагилардан бошқаларга
сўзи ўтмай қолди. Отрядда эса у Плетнёв билан Разумов
билангина бир оз ҳисоблашарди. Бошқаларга бақирар,

кун кўрсатмасди. Болалар ундан ҳайиқишиб турарди. Баъзан ўйин қизигида улар менинг катталигимни, мудир эканлигимни унутишар, коптокни қўлимдан уриб туширишарди-ю, аммо Қоролни бир дақиқа бўлсин унутишмасди. Володин сингари болалардан бири шиддатли курашлар, талашув-тортишувлардан кейин зўр-базўр коптокни эгаллаб олишга муваффақ бўларди-ю, Қороль у томон қўл чўзди дегунча қўйиб юбораверарди. Қоролнинг авзойи бузуқ бўлса, учинчи отряд болалари жим бўлиб қолишар, жаноб олийларининг кайфи чоғ бўлди дегунча кўнгиллари очилиб, хушчақчақ бўлиб кетишарди.

Шунга қарамай Қороль менга ёқарди. Шуниси бор эдики, у беҳафсала эмас эди. Ҳамма нарса, уйимизга нимаики боғлиқ бўлса, ҳаммаси, уни қизиқтирарди. жонидили билан киришиб кетарди. Девор бузаётган бўлсак ҳам, кечаси уйда навбатчилик қилаётган бўлсак ҳам, ётоқларга тумбочка улаштираётган бўлсак ҳам — ҳаммаси шахсан ўзига, Қоролга тегишлидек ҳис қиларди. У қизиқчилликка ҳам уста эди, бу хусусиятини жуда қадрлайман; у ҳамманинг кулгили томонини топишга уста эди. бошқаларнинг ҳазил-мутойибасига ҳам қотиб-қотиб куларди. Ишқилиб бу ҳазилнинг ўзига алоқаси бўлмаса бўлди. Стекловни кўрди дегунча ўзини курк товуққа ўхшатиб у ёқдан-бу ёққа урар, атрофга аланглаб: «қа-қа-қа»ларди! Бундан ташқи жиҳатдан Сергейга ўхшашлик йўқ эди — Сергей ҳамма вақт ўзини жуда хотиржам ва бир хилда тутарди, — аммо унинг тўртинчи отряд болаларига бўлган муносабати тўғри акс эттирилган бўлиб, буни кўрганда ҳеч ким ўзини кулгидан тийиб туролмасди.

Қоршунов билан эса Қороль ҳамма вақт унинг ўзига ўхшаш асабий («Нима дейсан? Ҳа. нима бўпти? Кетаман! Қилмайман!») оҳангда гаплашади — Қоршунов бўлса тезроқ боши оққан томонга қочиб қолишнинг пайида бўларди.

Жуковга Қороль ҳасад билан қарайди: «Бўлмағур нарса!» — деди у ёғоч буржуй ҳақида. Шундан кейин учинчи отряд аъзолари ҳаммага ёқиб қолган бу ўйинга аралашшга ботинишмади, фақат ҳаваслари келиб узоқдан кузатиб туришаварди. Биринчи отряд аъзолари ҳар кун ёпиштириб юрган менюни у: «Ўйинчоқ!» деган эди. учинчи отряд болалари ошхонага кираётганларида бугун қандай овқат беришларини билиш учун эшик ёнида тўхтаб менюни ўқишга ҳам ботиниша олмасди: улар коман-

дирларининг авзойини дарҳол, беҳато билиб олишарди.

Жуков тўғри келган дастурхонни олиб қўйиши мумкин эди — чунки дастурхонларнинг ҳаммаси ҳам кир эди, — аммо у атайлаб Королнинг столидаги дастурхонни олган. Бу билан ҳужумга ўтаётганларини у ҳам, унинг отрядидагилар ҳам яхши билшарди, албатта.

Тушлик овқатдан кейин кечқурунгача Король кўзимга кўринмади. Аммо у на ётоқда, на клубда кўринмади, мен уни ҳовлида ҳам, боғда ҳам кўрмадим. Аммо, у келади, ҳали анча гаплашамиз, буни мен яхши билардим. Ўрта-мизда ўзимизга хос шахсий муносабатлар ҳам туғилган. Йўғон ходани бирга арралаганимизда, ким чидамлироқ экан, деб зимдан кузатганларимиз бежиз эмас. Галя билан болаларни кутиб олиш учун ярим қоронғи вагонда бирга кетганимиз ҳам бежиз эмас. Уларнинг келиши ҳақидаги телеграммани олиб келган ҳам Король эди. Костик билан Ленани Берёзовая полянага олиб келишда ёрдамлашган ҳам ўша. Болалар орасида кичкинтойларим биринчи бор танишган ва дўстлашиб қолган ҳам ўша.

Эшик тикилганда мен аллақандай сётларни текшириб ўтирардим.

— Кириг, — дедим бошимни кўтармасдан.

Король ичкари кирди ва стол ёнида тўхтади.

— Ўтир, — деб таклиф қилдим.

— Ўтиришнинг ҳожати йўқ, — деб жавоб берди у қовоғи солиқ ҳолда аммо стулга ўтирди. — Умуман, ўтиришнинг ҳожати йўқ...

— Нега ундай дейсан?

— Хайрлашгани келдим. Семён Афанасьевич.

— Хайрлашгани? Қаёққа борасан?

— Детдомдан кетаман.

— Қаёққа?

— Бутунлай.

— Қаёққа деб сўраяпман сендан.

— Бошим оққан ёққа. Йўл озми дейсиз!

— Йўл кўп, бу гапинг тўғри. Нега кетмоқчисан?

— Билмагандек гапирасиз-а...

— Билмайман.

Король кўзимга тикилиб қаради. Бу боқишда мен: «Нега ёлғон гапирасан? Уялмайсанми?» — деган маънони ўқидим. У хўрсинди-да, юзини ўгирди.

— Билмасангиз, айтай бўлмаса: мени майна қилишларини истамайман. Жонимга тегди.

— Сени ким майна қияпти?

— Қўйинг-э, Семён Афанасьевич! — қизишиб кетди Король. — Мазах қиялсизми? Дастурхонни осиб қўйинди-ку, нима, бу мазах қилганлари эмасми?

— Агар шуни сен майна дейдиган бўлсанг, у вақтда ҳамма қочиб кетиши керак экан-да. Масалан, мана ўзинг, Стекловнинг кўзини очирмайсан, Курк товуқ дейсан, у қочиб кетаётгани йўқ-ку. Хафа бўлгани ҳам йўқ.

— Дастурхонни осиб, мени ҳамманинг олдида шарманда қилишди!

— Ўзинг болаларни якка-ёлғиз шарманда қиялсанми? Сен ҳам кўпчилик олдида мазах қиласан-кў.

— Мен мазах қилмайман. Фақат, шунчаки куламан, холос.

— Сендан ҳам шунчаки кулишди, холос.

— Майли, нима десангиз,— дедг, Семён Афанасьевич. Балким тўғри гапирётгандирсиз. Аммо мен, Санькага ўхшаганларнинг менга хўжайинлик қилишини истаймайман. Мен кетдим.

У букчайиб, деразага кўз тикканича ўтирарди. Кўк абажурли лампа дўни ярим қоронғиликда қолдириб, унинг юзини ёритиб турарди. Лампанинг нури унинг қаҳрабo рангли кўзида акс этарди. Жим бўлишиб қолди.

— Менга қара, Дмитрий,— дедим оҳистагина.— Ўзинг биласан, ҳеч кимни зўрлаб олиб қолмайман. Сени ҳам оғингдан тутмайман. Аммо бир гапни айтаман сенга: дўст деган бундай бўлмайди.

У ялт этиб менга бир қаради-ю, яна кўзини олди.

— Дўст деган бундай қилмайди. Бу ер қандайлигини яхши биласан. Болаларни инсондек яшашга ўргатиш, уларни ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш нақадар қийинлигини ҳам биласан. Уйнимизни ҳамма қўлни билгиз қилиб кўрсатадиган ёмон аҳволдан олиб чиқиб яхши қилишнинг қанчалик оғирлигини ҳам биласан. Ўзинг биласанки: агар сен, Стеклов, Жуков бўлмаганда яна юз чандон қийин бўларди. Сизлар тушундинглар, ёрдам бердинглар, дўст сифатида, ўртоқ сифатида ёнма-ён туриб ишладинглар. Мен ҳам, Алексей Саввич бўлсин, ё бошқа тарбиячилар буни тушунишмайди, қадрига етишмайди, деб ўйлайсанми? Энди бўлса ярим йўлда... Ярим йўл қаёқда — йўлнинг бошланишида, барча қийинликлар

энди бошланадиган бир пайтда: кетаман, деб ўтириб-сан-а. Кетавер. Мен зўрлаб олиб қолмайман. Дўстларни зўрлашмайди, дўстга ялинишмайди, уларнинг ўзлари келишади, ўзлари қолишади.

У энди, тирсагини столнинг четига қўйиб, даҳанини кафтига тираб, киприк қоқмай кўзимга тикилиб ўтирарди.

— Наҳотки уйимиз сен учун бир карвонсарой бўлса? — деб сўрадим секин.

У жавоб бермас эди. Мен ўрнидан турдим, дераза ёнига бордим-да қоронғиликка тикилганимча, ўтмишни эсладим: Антон Семёнович худди шундай дераза ёнида турган эди, мен стол ёнида унинг сўзларини тинглаб ўтирардим...

— Хайрли кеч, Семён Афанасьевич,— деган овозни эшитдим.

— Хайрли кеч, Дмитрий.

У ўрнидан турди, нарироқ борди, эшик ёнида бир оз тўхтади-да, чиқиб кетди.

Қаёққа кетди? Тўппа-тўғри вокзалга жўнадими? Ебоғда бир оз айланиб юриб, кейин ётоққа чиқармикан? Биргаликда шунча нарсаларни бошимиздан кечирганимиздан сўнг ҳам, уни ҳам бошқа болалар сингари, балки бошқалардан ҳам ортиқроқ уйимизга боғлаб турувчи воқеалар бўлиб ўтгандан кейин ҳам наҳотки кетиб қолса?

Тун ярмидан оққач ётоққа чиқдим. Йўлакда навбатчи Петька у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. У минут сайин сувдан чиққан кучук бола сингари силкиниб қўярди.

— Ухлаб қолмаслик учун шундай қиляпман, — деб тушунтирди у, мендан савол кутмай.

Лекин у билан гаплашиб туришга вақтим йўқ эди. Болаларни уйғотиб юборишдан қўрқиб, нафасимни чиқармай учинчи отряднинг ётоғига кирган ҳамона кўзим тушди — Королнинг кровати бўм-бўш эди. Кўзларимга ишонмай яқинроқ бориб қарадим — йўқ, янглишмабман: жой бўм-бўш. Мен оҳистагина орқамга қайтдим. Қўнига йигирма марта кўрсам ҳам ҳар гал табассум қилиб саломлашиб турадиган Петьканинг табассумига парво қилмай ўтиб кетдим. Зинадан тушиб, бориб кабинетимга кирдим ва барибир ухлаёлмаслигимни яхши билганим ҳолда диванга ётдим.

Кетишди

Эшикни тақиллатишганда соат олти ҳам бўлгани йўқ эди.

— Семён Афанасьевич! — Жуковнинг ранги ўчиб кетган, овози ишончсиз жарангларди. — Семён Афанасьевич... Король кетиб қолибди... Плетнёв билан Разумов ҳам...

Унинг орқасида тонгги совуқда қалтираб Петька турарди. У эндигина уйғонган бўлса керак. Петька ҳайрон, оғирлигини у оёғидан-бу оёғига олиб, кўзларини пирпиратиб турарди.

Бўш, ифлос ётоқнинг бир бурчагида қисилиб ўтирган, бир оёғига ботинка кийган, иккинчи оёғи яланг, исқирт бола бир дақиқага кўз олдимдан ўтди. Петьканинг овози ҳам ўша вақтдагидек хирилларди.

— Семён Афанасьевич, улар... улар горни ҳам олиб кетишибди! — деди у базўр, тўсатдан йирик-йирик кўз ёшлари юзидан юмалаб туша бошлади. — Се-мё-он Афанасьевич! Го-орни оли-иб кетишибди! — деб такрорлади у ҳўнграб.

— Бўлмаган гап! — дея олдим, холос. Тўсатдан менинг ҳам овозим хириллаб чиқди.

— Кетиб қолишди. Горн ҳам йўқ, — дея тасдиқлади Жуков.

Ростини айтганда, Королнинг қолишига ишонган эдим. Жим турди, гапимга деярли жавоб қайтармади, лекин унинг қиёфаси, тикилиб қараши ва «Хайрли кеч Семён Афанасьевич!» деганлари эсимда. Шунга қарамай кетиб қолибди-я. Кетибди. Менинг гапларим, қолдиришга, нозик жойига тегишга уринганларим бекор кетибди. Майли, кетса кета қолсин. Аммо кета туриб горни ўғирлаб кетишга сира-сира ишонмайман. Йўқ! У бундай қилмайди!

Саняга жавоб қайтармай ошхона томонга юрдим. Одатда горн ошхонада, эшикнинг рўпарасида, деворда осиглиқ турарди. «Ҳамма кўрсин», — дейишарди болалар. Ҳақиқатан ҳам ичкари кирган ҳар бир кишининг кўзи дарҳол горнга тушарди. Горн ярқирар, бандидаги кичик қизил байроқча осилиб турарди. Энди горн жойида йўқ эди.

— Ҳм... Сен навбатчи эдинг, Александр. Гапир.

Ҳақиқатан ҳам Жуковнинг отряди навбатда турган эди. Бизда ётоқ, клуб ва омборхона жойлашган асосий бино ёнида пост бор эди. Будка ёнида соқчи турарди. Аммо, ошхона ёнида ҳеч ким йўқ эди. Ростини айтганда, уйимизга ташқаридан ўғрилар ёки бандитлар киради, деб ҳеч ким ўйламас эди.

Король, Разумов ва Плетнёв деразадан ошиб тушишган бўлса керак — Петька навбатда турган пайтида йўлакдан ҳеч ким ўтмаганини айтиб қасам ичарди. Бошқа навбатчилар ҳам худди шундай дейишарди. Аммо шуниси ҳақиқатга яқинроқки Король ётоққа чиқмай, ўртоқларини ҳуштак чалиб чақириб олган ёки улар олдиндан келишиб қўйилган жойда уни кутиб туришган.

— Муттаҳамлар! Разил, аблаҳлар! — деган овозлар эшитиларди ҳар тарафдан.

Аммо, мен хурсанд чехраларни ҳам кўрардим, баъзиларнинг кўзларида бадхоҳлик учқунлари ҳам ўйнардди. Репин истеҳзоли жилмаярди. Коробочкин билан Суржик аллақандай хаёллари устида аввалгидан ҳам чуқурроқ ўйга толиб қолишди. Учинчи отряддагилар бутунлай ўзларини йўқотиб қўйишган эди. Миқтидан келган Володин волейбол тўрига яқинроқ бир ерда турар, фақат ўзигина эшита оладиган қандайдир саволга жавоб бераётгандек елкасини қисиб қўярди.

Костик худди менга ёпиштириб қўйилгандек эргашиб юрар, пастдан туриб юзимга тикилар ва нуқул такрорларди:

— Король қани? Ленинградга кетиб қолдим, а? Кечқурун қайтиб келадими, а?

Унга нима деб жавоб қайтаришимни билмас эдим.

— Семён Афанасьевич! — деган овоз эшитилди орқамдан, — горини Король олиб кетган эмас!

Жуков қўлини чўнтагига тикиб турар, жиддийлик билан юзимга тикиларди. Нималарни ўйлайди шу дақиқада, мен бунга англаб ололмасдим.

— Ким олади бўлмасам?

— Билмадим. Фақат у олган эмас.

— Ҳа... мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Кечки овқатдан кейин учинчи отряд ётоғига кирдим. Ҳамма уйғоқ эди. Болалар бошларини кўтариб, менга савол назари билан қараб қўйишди. Мен Володиннинг кровати четига ўтирдим.

— Ҳа, бошлиқсиз қолдиларингми?

Болалар баравар гапира бошлашди. Бутунлай кутилмаган жавобни эшитдим:

— Кетганига-ку, ачинамиз-а! Аммо бизга қайтага яхшироқ бўлди. У зўравонлик, дўқ билан иш битирарди — айлантириб туриб бир соламан деб пўписа қиларди... Шу, вассалом. Унга бас келиб бўлармиди, қўли оғир, буни ҳамма билади... Стеклов шундай қиладими ҳеч замонда? Жуковнинг отрядида-чи — ундан ҳеч ким қўрқмайди, аммо тартибни кўринг!

— Нега шу топгача индамас эдинглар?

— Биз бир нарсая деямизми? Биз шунчаки...

— Нега индамадинглар, деб сўраяпман? Сизларни урармиди?

— Йўқ, ҳозир урмайдиган бўлувди... Илгарилари... Аммо, гапига кирмасанг шундай айлантириб туриб би-ир тушириб қоларди-ки!

— Демак, урар экан-да?

— Йўғ-э, Семён Афанасьевич, урмас эди. Фақат шунчаки ёқадан бўғиб туриб, би-ир...

Шунча уринганим билан бирон маъно чиқара олмадим. Болалар қайта-қайта Король урмас эди-ю, фақат «айлантириб туриб би-ир тушириб қоларди» дейишарди.

— Энди командир қилиб кимни сайлайсизлар?

— Сайлайдиган одам йўқ!— деб баравар жавоб қайтарилди.

— Майли. Ҳозирча сизларга мен командир бўламан. Володинни ўзимга ёрдамчи қилиб тайинлайман. Ҳеч кимни айлантириб туриб солиб қолмайман, аммо, тартиб талаб қиламан. Тушундингларми?

— Тушундик!— деб қичқирди ҳамма учун бўйин узун Ванюшка.

— Энди ётиб ухланглар.

Юрагим гап эди. Кабинетимга қамалиб олиб, кўзга кўринмай ўтиргим келарди. Аммо бундай қилишим мумкин эмас.

Антон Семёнович тарбиялашга ўргатиш — математикани ўргатиш, фрезировкачилик ёки токарлик ишига ўргатишдек осон деб такрорлашни яхши кўрарди. Аммо бундай эмас. Масалан, мана мен шундай яхши мактабдан ўтдим, Антон Семёновичнинг ўзида ўқидим, унинг ишини кўрдим, унга ёрдам берганман, кўрганларим ҳақида кўп ўйлаганман — энди нима бўлди денг? Бирданига, биринчи қадамлардаёқ қоқиндим.

Қанақа бемаъни тажрибалар бу! Нега Королга соддагина қилиб: «Қолгин» демадим? Нега энди, бошнинг оққан ёққа кетавер, ушлаб ўтирмайман дедим? Нега у албатта қолади деб ишониб ўтирибман? Бола бечора эндигина тўғри йўлга қадам қўйган эди, уни йўлдан ҳайдаб юборишнинг нима кераги бор эди? Энди нима қилиш керак? Горнин ким олиб кетган экан-а? Мен горнин Король олиб кетганлигига сира-сира ишонмас эдим.

Шунга қарамай ҳамма иш ўз йўли билан борар, мен болалар ичиде кунимни ўтказардим — улар билан ишлардим, кечга яқин Жуков билан шахмат суришардим, аммо кетганлар ҳақидаги фикр ҳечам хаёлимдан кўтарилмас эди. Бу фақат фикргина эмас — бу зўр азоб эди. Ҳаётимда биринчи бор Антон Семёнович фикрига хаёлан қўшилмас эдим. «Болаларни юрак азобларимиз, руҳий азобларимиз эвазига тарбиялаш мумкин эмас», деярдим, у. — Ахир биз ҳам инсонмиз-ку. Бошқа касбдаги кишилар руҳий азобларни кечирмас эканлар, демак биз ҳам шусиз кун кечирришимиз мумкин.

Лекин ўтган кеча бўлиб ўтган воқеага совуққонлик билан қарай оламанми? Йўқ. Азоб чекмай тура оламанми? Йўқ. Гап Король кўнглимга ёқиб қолганлиги ёки бу ишда хатога йўл қўйганлигим сабабли ўзимни ўзим койинётганлигимда эмас. Берёзовая полянага келган кунимнинг эртасига Наринскинга жавоб бериб юборганимда, атайини шундай қилган эдим. Бу ишим учун Зиминдан балога қолишлигимни, иш Гороно томонидан ҳайфсан бериш билан тугаши мумкинлигини билардим. Аммо мен фақат шундай қилиш зарурлигига, бу иш бошқаларга сабоқ бўлишлигига қаттиқ ишонган эдим. Агар кўчада рўпара келиб қолса, балки Наринскининг танимасман ҳам. У кўнглимга яқин бўлгани йўқ. Аммо шунга қарамай, у кетгандан кейин ҳам, мен унинг учун жавобгар эканлигимни билардим, бутун қалбим шунини ҳис этардим. Бошқа ҳар қандай касбда руҳий азобсиз ишлаш мумкин, аммо бизнинг касбимизда-чи?

Очиқ суҳбат

Мактаб бизнинг болалар учун ҳаётлари билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган мавҳум тушунча эди. Шунинг учун ҳам парталарни, синф тахталарини, ўқитувчи сто-

лини тузатишар экан, болалар кузга бориб шу партада ўзлари ўтириб ўқишларини хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Алексей Саввич бу ишни қизиқарли қила олгани учун ҳам болалар устахонада бажони дил ишлашарди. Яна шуниси ҳам борки, мактаб мебелларидан ташқари болалар ўзларига дунё-дунё қувонч бахш этувчи нарсалар ҳам ясашарди.

Устахона ёз фасли учун гимнастика шаҳарчаси тайёрларди. Мен ҳар кун деярли Алексей Саввичнинг бизга рўпара келиб қолганидан ўзимда йўқ, севинардим. Бу одам ишнинг кўзини яхши биларди. Иккита қия ва иккита ётиқ шоти, лангарчўп трапеция¹ — шуларнинг ҳаммасини болалар Алексей Саввич бошчилигида ясашди.

Кун илиқ, ҳовли қуруқ эди. Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида гимнастика снарядлари учун иккита катта столба ўрнатишди. Столбалар мустаҳкам туриши учун уларнинг тагига кичик-кичик ёғоч қоziқ қоқишди, улардан ташқари мачта ҳам ўрнатдик. Узун, ингичка қарағайнинг шох-шаббаларини кесиб ташладик, пўстлогини тозаладик-да, каттагина клот ясадик: фанердан клот ясаб, ичига электр лампочка ўрнатдик. Мачтани оқладик. Биринчи майга бориб қип-қизил ленталар билан безадик. Байроқ шиддат билан баландга кўтарилар, вазминлик билан тантанали суратда тушарди. Энди биз тонгни линейкага чизилиб кутиб олар, линейкага чизилиб кузатардик, навбатчи командир байроқни кўтариб, тушириб турарди. Фақат горн йўқ эди, болаларни аввалгидек қўнғироқ чалиб уйғотар, ишга, уйқуга чақирардик.

Мана врач юракка қулоқ солиб: юрак уриши текисми, нотекислигини тинглаяпти. Мен кун сайин, соат сайин болалар уйи организмни ана шундай кузатиб тураман. Юрак уриши борган сайин текис ва равон бўла борди. Очиқ чехралар, мулойим табассумлар борган сайин ошмоқда. Екатерина Ивановна кечгача болалар билан бирга бўларди, Алексей Саввич кун бўйи устахонадан чиқмасди. Ишдан кейин ҳам вақтини болалар орасида ўтказарди. Мен ҳам кечгача улар ёнида бўлардим. Оилада

¹ Трапеция — икки учига арқон бойлаб осиб қўйилган темир таёқ.

соғлом боладан кўра, хаста бола ҳақида кўпроқ ўйлашганидек, мен ҳам кетиб қолган ўша уч бола ҳақида тинмай ўйлардим. Ленинградга бордим, ҳамма бозорларни айландим, шаҳарни бошидан-оёқ кезиб чиқдим, лекин улардан дарак топмадим. Шу мақсад билан Алексей Саввич ҳам Ленинградга бориб келди. Аммо уч боланинг ном-нишони ҳам топмадик. Жуков ҳам арзиймаган нарсани баҳона қилиб шаҳарга жўнади. У ҳам уч болани қидириб келмоқчи эди-ю, лекин буни бизларга айтмади. У шаҳарда кечгача юриб қайтиб келди:

— Бекор куним кетди, — деди-қўйди.

Бизни Колишкин отряди ташвишлантирарди.

Кўп нарса: болаларнинг кайфияти, юрак уриши, отряд кунни қандай ўтказиши каби нарсалар отряд бошлиғига боғлиқ.

Эрталаб биринчи отряднинг ётоғига кирганимда жуковчиларнинг ҳаммасида сабрсизликка ўхшаш бир нарсани ҳис этаман: мапа ҳали кун бошлангани йўқ — кунни қандай ўтказар эканмиз, янги кун бизга нималар келтирар экан? Тезроқ ишга туша қолсак эди! Ажойиб кун! Колишкиннинг отрядида эса кўзимга тўқнаш келишдан ўзини олиб қочувчи мудраган, хафагазак кўзларни кўраман.

Бир куни кечки линейкадан кейин:

— Суржик билан Колишкин ётиш олдидан олдимга кириб чиқинглар, — дедим.

Улар келишди, эшик ёнида талмовсираб туришди, таклиф этганимдан кейингина тортинигина ўтиришди ва иккови ҳам, худди командани ижро этаётгандек, ботинкасининг учини кўздан кечира бошлади.

Гапни тўғридан-тўғри, шартта бошладим:

— Келинглари очикчасига гаплашайлик: Сизларни команда берсин деб эмас, майнабозлик учун, айтганларини қилдириш учун командир қилиб сайлашган. Латтасизлар, қўлларингдан нима ҳам келарди, дейишмоқчи бўлишарди. Тўғрими?

Иккови ҳам индамади.

— Сизлар бўлса майна бўлиб ўтирибсизлар: командир бўлиб қаёққа борардик, командирлигини бизга ким қўйибди, дейсизлар. Наҳотки сизларда иззати-нафс деган нарса бўлмаса, характер бўлмаса? Стеклов билан Жуковнинг отрядларига командирлик қилишини бир кўринг! Улар ҳам командир — ҳам ўртоқ. Улар бола-

ларнинг айтганини ҳисобга олишадн ҳам, болалардан талаб ҳам қилишадн. Сизларчи? Сизлар бўлса отрядни-гиздагилардан бирон иш чиқаролмайсизлар. Отрядларингиз ҳаммадан ёмон ишлайди, ётоқхонангиз ҳам бошқа ётоқлардан кўра бетартиб. Хўш, бундан кейин ҳам шундай кетаверадими?

Мен ҳар қандай қилиб бўлса ҳам уларни ҳаракатга солиб қўймоқчи эдим. Нега ишлари яхши кетмаётганини ўзлари айтишларини истардим. Аммо иккови ҳамон жим турарди.

— Ўринингизга бошқа болани сайлаш қийин эмас,— деб давом этдим мен.— Аммо менимча сизларга уят бўлади. Суржик, наҳотки Стекловчалик ақлинг бўлмаса?

— Унинг отряди билан менинг отрядимни барабар қилиб бўлармишми? Унинг отрядида нуқул гўдак болалар, — деди тўсатдан Суржик.

Педагогик нуқтан назаридан қараганда унинг жавоби эшитишга ҳам арзимаган гап бўлса-да, мени анча севинтирди, бу ранжиган, алам ўтадиган одамнинг, — хуллас, жонли одамнинг жавоби эди.

— Истайсанми, Королнинг ўрнига ўтказиб қўяйликми? Учинчи отрядда ҳаммаси кичкина болалар, ҳозир командирлари ҳам йўқ. Володин ҳали кичик, кирган бўлса энди ўн иккига киргандир... Нима дейсан, хоҳайсанми?

Суржик бошини ердан кўтармай:

— Ўтмайман,— деб гўлдиради кўзини полга тикиб.

— Бундан буёқ нима бўлади?

— Кўраман...

— Сен-чи, Колишкин, нима дейсан?

Колишкин оғир хўрсинди-да, бошини чайқади:

— Мен иш чиқара олмайман...

— Нега?

У яна бир оғир хўрсинди-да, юзини ўгирди. Аммо у ўзига ва отрядга нима халақит қилаётганини овозини чиқариб гапира олганда, бир оғиз «Репин» деб қўяқолган бўларди.

...Суржикнинг иши эртасигаёқ юришиб кетақолди, дея олмайман. Йўқ, бундай бўлмади. Аммо, бу шалпайган, беҳафсала ўспирин жонланиб қолди. Болалар билан сўзлашганда овози қатъийроқ жаранглайдиган бўлди, эркинроқ рапорт берадиган бўлди. Кўзи кўзимга тўқнаш келганда унинг кўзида: Ҳали менинг қадримга

етиб қоласан. Қараб тур, Суржикнинг кимлигини бир кўрсатиб қўяй», деган маънони ўқирдим. Буни қайта дунёга келиш деб бўлмайди. Аммо бу мудраган, суеткани инсон қалбида ўзгариш юз бергани, алланимасидир ҳаракатга келгани сезиларди. Шунинг қўлдан чиқариб юбормаслик, вақтида қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш муҳим эди.

Қолишқинда ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Аввалгидан бадтар қовоғи солиниб, кўзи хиралашди, ҳаракатлари аввалгидан бадтар сусайиб, қўполлашди. Мен Репин билан аввалгидек муомила қилиш ярамаслигини, ниманидир кескин ва жиддий суратда ўзгартариш зарурлигини англадим.

Аммо, кўп ўтмай шу ҳақда гап очишга унинг ўзи баҳона топиб берди.

20

Панин

Ошхонада болалар стол ёнида тўртта бўлиб, баъзан олтига бўлишиб ўтиришарди. Король, Плетнёв ва Разумовнинг ўрни бўшагандан кейин ўша жойларнинг бирига ўн уч ёшлардаги қовоғи солиқ, бўшашган болани,— сал бўлмаса бир буханка нонни еб қўяёзган Паниннинг ўтқаздик; унинг пешонаси тор, қора, қаттиқ сочлари ҳурпайиб турарди. Шу кунгек қарасам шу столда ўтириб юрганларнинг бири бўлган Володин, бошқа столга бешинчи бўлиб кўчиб ўтиб олибди.

— Нега жойингда ўтирмайсан?

— Ўзим. Шу ер қулайроқ. Мен Пашка билан, Петька билан ўтираман.

— Бўлмаган гап! Бу ерда ўртоқларингга халақит берасан, ўзингга ҳам ноқулай — бурчакда ўтирибсан. Бор, жойингга ўтиб ўтир.

Тортишиб ўтиришга ўрни йўқ эди, Володин нонлож жойига қайтиб ўтди. Аммо, кейинчалик бошқа жойга ўтиришга ижозат беришимни сўраб кетимда ялиниб юрди.

— Нега?

— Жон Семён Афанасьевич...

— Нега ўз жойингда ўтиргинг келмайди? Сабабини айт, кейин ўйлашиб кўрамиз.

— Семён Афанасьевич... Семён Афанасьевич...

Сабабини тушунтириб беролмаганлиги сабабли Ва-

лодни аввалги ўринда қолди. Аммо, у ошхонага саф тортмай келишимиздан фойдаланадиган бўлди (нонушта соат етти яримдан саккизгача, тушлик овқат — соат бирдан иккигача ва ҳоказо деб белгилаб қўйилган эди), хуллас Панин билан ўтирмасликнинг йўлини қиларди. Олдинроқ югуриб келар, ўзига тегишли овқатни шошиб-пишиб ямлаб ютарди-да, Панин ошхонага келгунча кетиб қоларди.

Панин ошхонага ёнламасига юриб кирар, ҳеч кимга қарамас, ўтирганда ҳам тарелкага тикилганича, бошини кўтармай, овқатланарди. Мен болаларнинг ундан ўзларини четга тортишларини, ёнида ўтирмасликларини, ҳатто ётоқхонадаги кровати ҳам бир чеккада туришини сездим. Нега шундай?

Бир буханка нон воқеасидан кейин болалар ўзларини ундан тортиб қолганлар, деб ўйлаётган эдим. Улар ҳали бунчалик нозик табиатли бўлганлари йўқ. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Аммо нима?

Шу кунни Алексей Саввич икковимиз Ленинграддан қайтиб келдик. Бир кун илгари икковимиз ўша ёққа жўнаган эдик. Келганимизда эрталабки обход тугагани учун тўғри линейкага етиб бордик. Биз йўқлигимиз сабабли ётоқлардаги рапортни Жуков қабул қилиб олган эди.

Ҳар вақтдагидек, жуда оз фурсат уйдан ташқарида бўлганимда ҳам, болаларни айниқса синчиклаб кузата бошладим. Назаримда болаларда ўзгариш бордек гўюлди. Сезилар-сезилмас, сал кўзга ташланувчи ўзгариш бор эди. Қандай ўзгариш эканлигини аниқ айтиб беролмасамда, бу ўзгариш ташвишли эканлигини ҳис этардим. Бу билимни ҳеч қандай китоб беролмайди, буни фақат тажрибадагина ўрганилади.

Эрталабки нонушта пайтида ошхонада Паниннинг йўқлигини кўрдим. Менинг саволимга навбатчи мужмал жавоб қайтарди. Мен ётоқхонага чиқдим ва Паниннинг дўппосланганини кўрдим. У бошини кўтаролмас, юз-кўзи, аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетган эди.

— Нега уришди?

У кўзини юмди-да, жавоб қайтармади. Мен савол-жавобнинг бефойдалигини билардим: на у, ва на бошқа болалар менга барибир ҳеч нарсани айтишмайди. Юзма-юз туриб ҳам айтишмайди, на тўппа-тўғри, на очиқчасига ва на умумий мажлисда айтишмайди.

Ётоқдан чиқдим, ошхонага тушдим-да, Петькани кўзим билан излаб топдим:

— Тезда болаларни йнғ.

У югуриб кетди, тезда ҳовлида қўнғироқ жаранглай бошлади.

Болалар линейкага чизилшди, командирлар эса отрядларининг ўнг қанотида турдилар. Энди бу дастлаб келган вақтимдаги ифлос, бетартиб оломон эмас. Аммо бу мен Харьковда қолдириб келган коллективдан, келажакда кўз олдимга келтирган коллективдан ҳали қанча узоқда! Йўқ, гап ташқи қиёфада эмас. Ана улар одатдагидек озода кийинган, тоза, ишга жўнашга тайёр бўлишиб туришибди. Аммо юқорида уларнинг калтакланган ўртоқлари қонига беланиб ётибди. Буни улар билишади — аммо ҳеч кимнинг ҳатто энг яхши болаларининг ҳам нима бўлганини очиқдан-очиқ айтишга юраги дов бермайди.

— Ҳозир мен Панин нима қилганини билишни истайман, — дедим мен. — Ҳар нима қилганда ҳам уни калтаклашга ҳаққингиз йўқ. Биринчи кўриб туришим эмас: қўрқоқ экансизлар. Ҳеч қачон очиқчасига, виждонан иш қилмайсизлар. Ниқоб кийиб товук ўғирлайсизлар. Ўртоқларингизни кечаси дўппослайсизлар, биттага бир тўда бўлиб ётишасизлар.

— У бизга ўртоқ эмас! — деб қичқирди аллахим.

— Паниннинг бошқа оиласи йўқ. Унинг оиласи сизлар. Ёлғиз қолса ҳалок бўлади. Уни калтак билан одам қила билмайсизлар. Навбатчи командир Жуков! Икки қадам олдинга!

Жуков чиқди.

— Байроқни бугун сен кўтардинг. Тун тинч, хотиржам ўтди, деган ҳам сен. Нега ёлғон гапирдинг?

Жуков лабини тишлади, қошлари зимирилди, икки бети қип-қизариб кетди. У кўзимга тўппа-тўғри қарар ва индамас эди. У менинг таянчим, энг яхши ёрдамчим, отрядидагилар уни жуда яхши кўришади. Аммо унга жазо бермай иложим йўқ эди.

— Сени навбатчиликдан бўшатаман ва бир ойгача навбатчилик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этаман. Командир Суржик! Навбатчилиكنи қабул қилиб ол.

Суржик мачта ёнига чиқди. Жуков енгига қизил боғични ечиб унга узатди. Суржик боғични тақди ва аллақачондан буён одатга кириб қолган сўзларни айтди:

— Бешинчи отряд командири Суржик навбатчилиكنи қабул қилди!

Унинг раиғи оқариб, пешонаси азоб чекаётгандек тириниб кетди. Шундай пайтларда энг яхши командирларимизнинг ўзини биринчи бор эгаллаши эди.

Бу ҳодиса Жуковни қайтадан синаб кўришга йўл очиб берди. Унинг отряди изтироб чеккан, ниҳоятда ғасабланган эди. Бекордан бекорга жазоланди-я, яна кимнинг дастидан деги? Қаёқдаги энг тубан, ҳамма юз ўтирган бир боланинг дастидан! Яна ким жазо тортди деги? Жуков, энг яхши командир, ҳамма сўзсиз қулоқ солаётган Жуков! Улар бундай адолатсизликка кўниша олмас эди. Аммо Саня бўлса ўзини ҳеч нарса бўлмагандек, кўнгли раижимагандек тутарди. У ҳамон кўзимга аввалгидек хотиржам қарар, аввалгидек берилиб ишлар, болаларига ҳам аввалгидек муомала қиларди. Фақат миясида аввалгидек болаларча беғам бўлишга халақит берётган қандайдир янги фикр тугилгандек эди. Унинг олдиди ҳар сафаргидан кўра мураккаброқ вазифа турарди. Мен шу топда унинг ҳақиқий адолатпарварлик масаласини ўзинча ҳал этиш билан банд эканлигини ҳис этардим.

Мен учун эса, ҳамма нарса ечилмай қолаверди. Панинини нима учун дўппослаганларини ҳам, нима сабабли ундан ўзларини четга тортишларини ҳам билмайман. Бу ҳусусда ўзимда баъзи гумон ва тахминлар бор эди, албатта, аммо гумонларга асосланиб иш тутиб бўлмайди-да. Ҳаммасини аниқлаш, иложи борида тезроқ аниқлаш керак эди. Орадан икки-уч кун ўтгач бир арзимаган нарса менга ёрдам берди.

— Нега чўнтагинг дўпплайиб ётибди?

Петька бошини кўтариб менга қарайди:

— Чўнтагимда... сивизга... кейин қалам. Ярни қиза, ярни кўк қалам. Иннайкейин... олма... иннайкейин...

— Бор, тумбочканга қўйиб чиқ. Чўнтакни оғир қилиб юришининг кераги йўқ.

— Йўғ-э, Семён Афанасьевич, чўнтагимда тургани яхши,— дейди Петька илтижо қилгандек.— Агар тумбочкага қўлф қилинганда эди...

— Қўлфинг нима кераги бор? Нарсанг йўқоляптими?

— Йўқ...— Петька қип-қизориб кетади ва ночор атрофига аламлилайди.

Мен ётоқларни айландим. Ҳа, бу ерда янгилик сидир бўлибди. Тумбочкаларнинг бирига ҳалқа қоқилиб, қулф осиб қўйилибди. Бошқа тумбочканинг эшиги ёпилиб, занжирлаб қўйилибди. Занжирнинг устидан каноп билан боғланибди. Бу занжир ҳеч иш бермаса-да, ҳар ҳолда, очиб нарс олмоқчи бўлган одамнинг ишини оғирлаштиради-ку.

— Менинг ёнимга кир,— дедим Панинга.

Остона ҳатлаб ўтар-ўтмас ундан:

— Ўртоқларингнинг нарсасини ўғирлайдиган бўлдингми? — деб сўрадим.

У миқ этмас эди. Шу кунлар ичида унинг анчагина ранги кетган, юзи ҳамон кўкариб ётибди. Мен унинг қайсарлик билан эгиб турган бошига қарадим-да: худди шундай, шубҳага ўрин йўқ, деб ўйладим. Болалар бундай жазони аҳён-аҳёндагина қўлланишади, ўз одамларининг, ўртоқларининг нарсасини ўғирлаганда қўлланишади.

Панинни адъютантим каби бирга олиб юрадиган бўлиб қолдим; устахонада ишлашдан, овқатланишдан ташқари бўлган бўш вақтида бир минут ҳам ёнимдан нари кетказмас эдим. Унга бирон нарсани тушунтириш жуда қийин эди. У дард сингари сингиб кетган одатнинг қули бўлиб қолган эди; бу одатни энг кучли ва оғир дори — нафрат билан ҳам даволаб бўлмас эди. Ўйимиздаги болаларнинг ҳаммаси, Жуковдан тортиб кичик Лёня Петровгача Паниндан нафратланарди. Бошқаларнинг ҳаммасини ҳам қули тўғри деб бўлмас эди. Шаҳарга бориб келиш учун уларга рухсат беришга-берардим, лекин келгунларича юрагимни ҳовучлаб юардим: бирон нарсанинг очиқ-чочиқ ётганига кўзлари тушиб қолса ўзларини қандай тутишларини ким биледи? Аммо улар ўзларининг ишлари Панинникидан бутунлай бошқалигига қаттиқ ишонишарди. Бу ўртоқларининг нарсасини ўғирлайди. У қўлига ниманки тушса, тортинмай, олаверар, агар тутиб олишса миқ этмай тураверарди. Болаларнинг ундан нафратланишларига эса бутунлай кўникиб қолган эди. «Уят эмасми?» деган сўзнинг маъносига тушуниб етмас эди.

Бу шундай воқеа эдики, энг ширин, юрак-юрагингдан чиқариб айтган сўзнинг ҳам бефойда эди. Панин билан гаплашиш фойдасиз, уни уялтириш, тушунтириш кулгили ва ўринсиз эди. Унинг фикри-зикрини, қўлини

бирон бошқа нарса билан банд қилиш керак эди. Иш уни ўзига тортмаса ҳам майли. Мен унинг учун кунни янгича ўтказишга, янги одатлар ва вазифаларни сингдиришга ўргатмоқчи эдим. Агар арралашим лозим бўлиб қолса Панин билан бирга арралардим. Агарда Алексей Саввичга, Екатерина Ивановна ёки Галяга иш билан одам юбориш керак бўлса Панинни юборар ва тезда жавобини бер деб талаб қилардим.

Бир кун қўққисдан ошхонада унинг ёнида ўтириб биргалашиб овқатландим. Кечқурун Костик билан Левани уйга олиб бориб қўйишни буюрдим. У ҳаммасига бепарво қарар, нонлож, ўлганининг кунидан бажарарди. Илгарилари Петьканинг «ёрдамчи» бўлгани мен учун нақадар қулай ва кўнглилли эди — у тез-тез ҳаракат қилар: «қара, қанчалик тез ва қойил қилиб бажардим топширигингни!» дегандек порлаб турган кўзлари билан юзимга тикилиб рапорт берарди. Шундай пайтларда Петькага қарасанг, кўзинг қувонади. У коммунадаги алоқачимиз Бегунокни эслатади: шошиб-пишиб иш қилиши, чаққонлиги, ҳамма нарсага қизиқиши, лекин буни сездирмасликка уриниши билан худди Бегунокка ўхшарди. Горький номидаги колониядаги Синенький ҳам худди шунақа эди. Ёки горнчилар билан алоқачиларнинг авлоди ўзи шунақа — елиб-югурган, симобдек чаққон, кўзи ўткир болалар бўладими?

Аммо масала менга қулай ёки қулай эмаслигида эмас: мен ҳар қандай бўлганда ҳам Панинни назардан чиқармасликка қарор қилдим.

Болалар уйи кенгашида шундай дедим:

— Панинни Количкиннинг отрядидан бошқа ёққа ўтказиш керак, деб ўйлайман. Ким уни ўз отрядига олади?

Ҳамма жим эди.

— Жуков сен-чи?

— Мен олар эдиму, Семён Афанасьевич, болалар рози бўлишармикан.

— Улар билан гаплашиб кўр, — деди Алексей Саввич. — Тушунтир: ахир одам бекор хароб бўлиб кетади,

— Уша ҳам одамми! — деди Стеклов.

Жуковнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Ҳа, Репин одамми бўлмаса? У Панинни тепкилайди, ўзи ким?

— У ўзиникидан олмайди.

— Бегоналарникини шундай оладки, қўяверинг! Бировникидан олади, болалар уйига олиб келади, ўртоқларига тарқатади, шу билан ҳаммани қўлга олиб олган. Ҳа, Қолишкин, ёлгон гапиряпманми? Ҳаммангни сотиб олгани ёлгонми? Берсанг-беравер Панинни. Отрядимдаги болалар билан гаплашиб кўраман, зора тушуниб қолишса.

Бу жанжал вақтида болалар мени, Алексей Саввични ва Екатерина Ивановнани бутунлай унутиб очикдан-очик гаплашдилар. Бу жанжал биз кўпдан бери шубҳаланиб юрган нарсани тасдиқлади.

Репин шаҳардан чўнтакларига қиммат баҳо конфетларни тўлдириб қайтарди. Бўйнига доим яхши шоҳи шарф ўрар, кўкрак чўнтагидан оппоқ дастрўмолининг учи чиқиб турарди.

Бир куни у Костикка бомба шаклидаги зарга ўралган шоколад узатди. Галя ҳам шу ерда турган эди. У қовонини солиб олди-да:

— Қайтариб ол! — деди кескин.

Репин қип-қизариб кетди:

— Нега? Король доим Костикка қанд бериб юради-ку.

— Унинг йўриғи бошқа, — деди қатъийлик билан Галя унинг кўзига тикилиб.

Репин индамай нари кетди. Костик хомушлик билан уни кузатиб қолди-да, кейин ўпкаланиб опасига қаради.

— Унинг қўлидан ҳеч нарса ола кўрма, — деди Галя.

— Нега?

— Олишингни истамайман.

„Ҳеч нарса чиқара олмайсиз“

Қолишкин билан Суржикни чақирганимдан кейин кўп ўтмай ёнимга Репиннинг ўзи келди.

Шу оқшом ҳамон ёдимда. Мен дераза ёнида турардим. Ҳовлида қорайиб ётган бултурги ўт-ўланлар орасидан яшил кўкатлар бош кўтармоқда. Яланглигимизнинг нариги чеккасида уфқ қизариб турар, ҳаво тўқ пушти рангга кирган. Ҳатто деразага урилиб, жозибали эркин оламга чиқишга йўл қўймаётган нарсанинг нималигини

тушуна олмаётган пашшаларнинг қанотигача пушти рангда товланарди.

Мен Алексей Саввич ва Екатерина Ивановна каби ёрдамчилар билан ишлаш натижасида эришаётган ўзгаришлар ҳақида ўйлардим. Шундай, Антон Семёновичнинг нақадар қийналганини илгари ҳам билардим. Аммо билиш билан буни кун сайин, дақиқа сайин ҳис этиш орасида фарқ катта. Саксонга боланинг ҳаётига жавобгарсан, бошинг билан жавобгарсан. Мустақиллик, бошқача қилиб айтганда — боқимсизлик ва ночорлик, кун кўриш учун дуриниш уларнинг жонига тегиб кетган. Улар жон деб сенга пешвоз чиқишди, сен билан бирга янгича ҳаёт қуришга киришинди. Энди билсам: кечгача иш билан банд бўлишса, карта ҳақида ўйлашса вақтлари ҳам бўлмас экан. Карта билан қимор ўйнаш бўлмагандан кейин ўғирлик қилишга ҳам ўрин йўқ. Қандайдир муҳим бир нарса юз берди, алланарса қотиб қолган жойидан қўзғалди, лекин шунга қарамай ҳамон ташвишланардим. Шундай болалар бор эдики, улар ҳақида кечаю кундуз ўйлаб азоб чекардим. Королни, Плетнёв билан Разумовни сира унутма олмас эдим. Глебов, Коршунов, Панин ва Репин ҳақидаги ўй менга тинчлик бермас эди.

Глебов Стеклов билан анча чиқишиб қолди. Лекин ҳар дақиқа айланишиб қолиши мумкин. Коршунов анча ўзини тутиб олди, тажанг бўлиб қичқаришлари камайди. Аммо бу ишончсиз, вақтинчалик хотиржамлик эканлигини билардим. Паниннинг қош-қовоғи осилган башараси кўз ўнгимдан кетмас эди. Болалар ана шу уч болани яхши тушуниб олишган эди. Коршуновнинг тажанлиги, Глебовнинг ялқов танбаллиги аёвсиз суратда, ҳар қадамда танқид қилинарди. Баъзан назаримда орамизда танлаб Глебов, тажанг Коршунов — учига чиққан ялқов, бақирокларнинг борлиги яхшидек кўринарди. Ахир болалар уларни мазах қилишади-ку, уларнинг борлиги болаларга бошқача таъсир қилиши ҳам мумкин: бирон бола дангасалик қилиб қолди дегунча уни уялтиришади: «Ана, яна битта Глебов чиқиб қолди!» деб қизартиришади. Репинчи — Репин кўпчиликлари болаларга кун бермас, бутун бир коллективга халақит берарди. Колишкиннинг отряди ўйимизнинг соғайиб келаётган танасидаги аламли жароҳат, жойига туширилмаган чақикдек бўлиб қолган эди. Репин баъзан менга Игорь Чернявинни эслатарди — Дзержинский номидаги коммунада шундай бир бола бор

эди. Ухшашлик характерида эмас, балки, ташқи кўринишида эди: мазах қилиш, гап отиб қўйиш. Аммо, Игорь ҳеч қачон сўз билан бировни ранжитишга ҳаракат қилмасди, у болалар билан дўст эди, ўртоқларини яхши кўрарди. Буниси бўлса учига чиққан ман-ман, ў такетган худбин.

Ана шуларни ўйлаб турганимда Репин кириб қолди.

— Семён Афанасьевич, сизга хат келди,— деди у, столга кичкинагина оқ конвертни қўйди-да чиқиб кетди. Мен конвертни қўлимда айлантириб кўрдим — на адреси бор, на почта штампи, ҳеч нима йўқ. Очдим. Ичида бир варақ қоғоз бор экан, қоғозга мана нималар ёзилган эди:

25 19, 13 19, 25, 13, 10, 13, 19, 11, 8, 23, 9, 8, 3, 11, 13, 18, 40 8, 18, 12, 2, 7, 2, 12, 40, 18, 25, 25, 18, 1, 8, 10, 8, 21, 14, 11, 21, 21, 14, 11, 21, 12 17 5, 19, 8, 9, 7, 17, 13 11, 10, 21, 9, 17, 13, 25, 11, 2, 7, 19, 8, 4, 50, 21, 20, 13, 23, 19, 8, 5, 19, 13, 17, 19, 12, 13, 10, 13, 18, 19, 8, 9, 2, 4, 27, 11, 2, 12, 40, 3, 2, 7, 2, 5, 17 15, 10, 2, 7, 11, 2 7, 50, 5, 19, 8, 9, 8, 11, 8, 17, 23, 17, 18, 40, 7, 18, 13, 10, 2, 7, 19, 8 21, 7, 2, 18, 19, 17, 24, 13, 9, 8 19, 13, 7, 50, 14, 11, 13, 12, 24, 13, 23, 8, 7, 13, 1 15, 10, 13, 6, 11, 13, 7, 18, 13, 9, 8, 16, 13, 19, 17, 12, 18, 7, 8, 4, 8, 11, 21, 18, 7, 8, 11, 2 11, 23, 25 19, 13, 9, 8 9, 23, 2, 7, 19, 8, 13 7, 50 22, 8, 12, 17, 12, 13 1, 11, 13, 23, 2, 12, 40 7, 18, 13, 15, 8 11, 10, 21 9, 8, 5, 21 19, 8, 21, 7, 218 19, 17, 24, 13, 9, 8 19, 13 7, 50, 14, 11, 13, 12

Шунда мен биринчи марта — яқинда бўлиб ўтган бир воқияни эсладим.

Болалар уйи советининг мажлиси борарди. Тўсатдан эшик тақиллаб, остонада Репин кўрindi.

— Семён Афанасьевич,— деди одатдагидек хотиржамлик ва виқор билан,— эртага шаҳарга тушиншим керак. Ижозат беринг...

Мен унинг илтимосини ўйлаб кўришга, шаҳарда нима қилмоқчилигини сўрашга ҳам улгурмадим.

— Семён Афанасьевич,— деди Стеклов кафти билан пешонасини артиб,— ҳали унга рухсат берасизми-рухсат бермайсизми ўзингиз биласиз, ҳозирча протоколни ёзсин. Мен терлаб-пишиб кетдим. Репин яхшигина саводли.

— Тўғри. Ўтир, Репин,— дедим ҳеч нарса бўлмагандек,— ўтир, ёз.

Репин ҳеч қачон ҳайрон бўлмайди — ҳайрон бўлиш-

ликни ўзига эп билмаса керак. Бу гал ҳам ҳайрон бўлмади — стол ёнига ўтирди, тезда жой бўшатиб бера қолмаган Стекловни дағал бўлмаса-да, ҳар ҳолда виқор билан туртиб қўйди-да, ёза бошлади.

Совет тугагач болалар тарқалишди. Екатерина Ивановна столда ётган протоколни варақлай бошлади. Мен унинг қоши борган сайин чимирилаётганини кўриб қолдим. «Ўста биларманлар, тоза хатога тўлдириб, юборишган бўлса керак» — деб ўйладим ҳузур қилиб пипрос чекар экаиман.

— Ҳим-м, — деди Екатерина Ивановна. — Ҳим-м, — деб такрорлади-да, дафтарни Алексей Саввичга узатди.

У дафтарга қаради — унинг оқ оралаган бароқ қошлари ҳам чимирилиб кетди.

— Ҳм!.. — деб ғулдуради у. — Ҳм!..

— Ўзи нима гап?

Мен унинг қўлидан дафтарни олдим ва қўйидагиларни ўқидим:

«Богдашоричи» беврий одвят тефувид бо гдочорой, рдовой бо трову, дведий бо чегдицке...»

Стекловнинг қўли билан ажи-бужа қилиб ёзиб ташлаган бир икки бетни ҳисобга олмаганда, протокол бошдан оёқ ана шундай бўлмағур гаплардан иборат эди.

— Бу нима майнабозчилик? Масхарабозчиликми? Бу нима деган гап ўзи? — деди Екатерина Ивановна ҳайрон бўлиб.

— Бу фақат ҳарфлар йиғиндисигина эмас, — деди Алексей Саввич. — Бунда бир система бор. У тез ёзган.

Алексей Саввич қоғозни кўзига яқинроқ келтирди, бир дақиқа ўйлаб турди-да, давом этди:

— Ийе, бунда мантиқ бор. Шошманглар... Беврий одвят... беврий одвят... не, бу первый отряд¹ дегани-ку! Ҳм... тефувид — дежурит². Тушундингизми, у унли ҳарфларни қолдириб, алифбенинг қолган қисмининикига бўлган-у, унсиз ҳарфларни баъзи ерда п ўрнига б, баъзи ерда в ўрнига р қўйиб ишлатган ва аксинча қилиб чиққан.

Эртасига Андрей рўпара келганда менга қувлик билан қойил қилдимми дегандек қилиб қаради ва бўлиб ўтган нарса ҳақида оғиз очмаганимдан кейин, анча

¹ Первый отряд — биринчи отряд.

² Дежурит — навбатда туради.

ҳовуридан тушди. У нуқул йўлимдан чиқар, ҳадеб дуч келаверди ва ниҳоят чидаб туролмай:

— Семён Афанасьевич, протоколим нима бўлди! — деб сўради.

— Ҳеч нарсa, дуруст, саводли ёзилган.

— А... тушуна олдингизми?

Мен елкамни қисдим:

— Тушуна олмайдиган ери бор эканми? Шу ҳам шифр бўлди-ю. Уни ёш бола ҳам бемалол ўқийди.

Репин йиғлагудек бўлиб бошигача қизариб кетди. Киши қилган ишининг нақадар номаъқуллигини ўзи ҳам, теварак-атрофидагилар ҳам яхши билиб турганда ўзини ана шундай ҳис қилади.

У зўр шов-шув бўлишини кутган эди. Аммо шифри бу қадар тез очилиб қолганидан жуда мулзам бўлди. Энди у мени аввалгидан қийинроқ аҳволга туширмоқчи бўлган. Алексей Саввичнинг эшигини бориб тақиллатмоқчи ҳам бўлдим-у, лекин уни ташвишлантirmay қўя қолай дедим. Наҳотки шу бола ёзган нарсани ўқиёлмасам? Шундай қилиб ўзим учун бутунлай янги ишни бажаришга киришдим — шифрни ечиш пайига тушдим.

Деразага яна қараган пайтимда қуёш ботиб, дераза ойналари ҳаво ранг тусга кирган эди; кейинги бор қараганимда эса дераза тўқ кўк тусга кириб, тун зулмати дераза томон бостириб келмоқда эди. Мен бўлсам, ҳамон ўша лаънати қоғоз тепасида ўтирдим. Ҳам кулгим қистар, ҳам ўзимдан ўзим аччиғланардим. Шу ҳам иш бўптими? Нега энди хатни албатта ўқишим керак экан? Яхшиси рўпарамга турғизиб қўйиб, олифтагаччилик қиладиган тантиқ, «кеккайган ғозсан» деб қўя қолсаммикан? Держинский номидаги коммунаизмда кимки кеккайдиган бўлса, қизлар шундай дейишарди. Бу гапни албатта айтаманку-я. Аммо аввал калитини топишим керак.

Ҳар бир рақам ҳарфни билдиради, бу турган гап. Баъзи рақамлар кўп учрайди. Иккинчи сатрдаги узун сўзда 18, 12 ва 2 икки мартадан учрайди; саккиз рақами уч марта, тўққиз эса икки марта учрайдиган ғалати бир сўз ҳам бор. Нима дегани экан-а, бу? Трата-та-микин? Ўхшаб кетади-ю, лекин жуда бемаъни-да. Тўғри келмайдиган ҳам — ундай деса биринчисида ҳам 9 туриши керак, бу ерда эса 5 турибди.

Қайси рақам неча бор учрашини санай бошлайман.

Санаб чиқдим ҳам. Икки қатор узун рақамлар устуни ҳосил бўлди. Қарасамки, баъзи рақамлар жуда оз учрайди: масалан 25 рақами беш марта, 24 уч марта, 20, 16 ва 6 эса фақат бир мартадан учрайди. Икки рақами эса 16 марта такрорланади, 19 рақами 21 марта учрайди, саккиз эса 30 марта. Булар айниқса кўп ишлатиладиган ҳарфлар эканлиги маълум бўлди. Рус тилида қайси ҳарфлар кўпроқ ишлатилади? Илгарилари бу ҳақда сира ўйламаган эдим. «щ» ни кўп ишлатилади, деб бўлмайди-ку, ахир! Балким «о» дир, ёки «а» ҳарфимикан-а? Балки «т» бўлиши мумкин? Қайси рақам қай ҳарфни билдираркин, ахир?

Иккинчи бошидан ечишга киришаман. Шифровка алоҳида қўйилган 25 рақами билан бошланади, бу рақам икки марта алоҳида учрайди ва бир бор сўз охирида келади. 21 рақами икки марта, 17 рақами эса бир марта алоҳида учрайди. 19 билан 13 рақами уч бор, 19 билан 8 уч бор қўшилиб келади, шунингдек, 5, 19, 13 ва 7, 18, 13 рақамлари бир келади. Бир, икки, уч ҳарфли қандай калта сўзлар бор бизда. Энг аввал с, в, к, и, да, нет, что, как ва ҳоказоларга ўхшаш боғловчи қўшимча ва кўмакчи сўзлар. Аммо «как» сўзида рақамлар: 1, 2, 1 тарзида келиши керак, шифровкада эса бунақаси учрамайди...

Шу топ тўсатдан хат «я» ҳарфи билан бошланиши керак деган фикрга келдим. Балким уч жумла «я» билан бошланиб, 25 рақами сўз охирида келган ўрнида эса, «начинаются» деганга ўхшаш феълдир. Шундай-ку-я, лекин 25 рақами бошқа ҳеч қаерда келмайди. Бу кашфиётим менга ортиқча ёрдам бермайди. «Я... я...» «Я» дан кейин нима? Балким, «я не» дир? Бирон нарсани хоҳламаётган, бирон нарсага қўшила олмаётган бўлса керак — рози бўлса, шифр орқали хабар қилиб юрармиди. Қани, яна бир текшириб кўрайчи! Ҳамма ерда 19 рақамининг ўрнига — «Н», 13 ўрнига эса — «е» ҳарфини қўйиб кўрайлик-чи, нима чиқар экан... Масалан, «5, н, е» бўлди — беш рақами нима экан эди? Буниси ё «сне» ёки «дне»га ўхшаш нарсадир? Ёким «мне» микан-а? Албатта, «мне» бўлади-да! 19 билан 8 эса — ё «ни» ёинки «ну», ёки бўлмасам «но» дир! Шошма, Семён, ишинг ўнгидан келиб қолди! Сабр қил!

Ярим кечага бориб Андрей Репинининг хати столида турарди:

«Я не намерен долго здесь оставаться. Я скоро уйду, уйдут и многие другие. Я давно бы ушёл, но мне было интересно наблюдать за вами. Правда, вы мне много дали, но все равно у вас ничего не выйдет. Прежде всего ценит свободу, свобода для него главное. Вы хотите сделать все по-другому, но у вас ничего не выйдет»¹.

Демак, у хали одам бўлади

Эрталаб, байроқ кўтарилгандан кейин Репинга ёнимга киришни буюрдим. Болалар команда беришга, дек баробарига у томонга ўгирилиб қарашди — уларнинг боқишларида қизиқсиниш, эҳтимол бахтлилик бериш урди. Репин қошини чимириб, елкасини қисиб қўйдига. Ўзига хос енгил, дадил қадам ташлаб кабинетим томон йўналди. Мен кабинетга дарров бора қолмадим. — майли, бир оз ёлғиз ўтириб, келажагини, нималар кутаётганини ўйлаб кўрсин.

Аммо Репин ўтакетган худбин бола. Кабинетга кирганимда у диванда сурбетларча ялпайиб, оёғини оёғига қўйиб ўтирарди. У ҳеч нарса бўлмагандек ўрандан қўзғалиб қўйди, менга қараб жилмайди-да, бошгадек ялпайиб ўтириб олди.

Мен стол ёнига бориб ўтирдим-да, тортмадан кесадиги шифровкани олиб унга узатдим.

— Менга қара, — дедим унга, — сендан бир айтмасим бор. Агар менга айтадиган гапинг бўлса, одамга ўхшаб, тўғри айт қўй. Шифр хатлар ёзганинг нима?

У яна жилмайди.

— Мен бўлсам, протоколга ўхшаб осонгина ўқиб қўя қоларсиз дебман.

— Ўқидим. Менинг ишимга қандай қарашингизни беллиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳайрон қолганим йўқ.

¹ «Мен бу ерда узоқ турмайман. Мен тез кунда кетаман. Бошқа кўпгина болалар ҳам кетишади. Мен аллақачон кетиш қолар эдим-ку, лекин сизни кузатишга қизиқиб қолдим. Тўғри, сиз кўпгина муваффақиятга эришдингиз, аммо барибир ҳеч нарса чиқара олмайсиз. Ишон биринчи навбатда эришилган нисбатда, унинг учун энг муҳими эркинлик. Сиз бўлсангиз ҳаммасини бошқача қилмоқчисиз, аммо ҳеч нарса чиқара олмайсиз».

Сенинг ҳамма нарсага кеккайиб қарашингни, ўзингни озод ва мағрур одам деб ҳисоблашингни бошидан билардим. Сенга бир савол берсам майлими?

— Марҳамат.

Тенг одамлар сингари суҳбатлашаётганимиз унга ёқарди. Мен дипломат сингари ўзимни тутиб, мулоҳимлик билан сўзлардим. Бундан боши осмонга етган Репин ҳам худди шундай жавоб қайтарар, табассумида намоён бўлаётган мағрурликни яширишга уринарди. Балки у, аввалгига, мени бақриб дўқ қила бошлайди, деб ўйлагандир. Аммо энди у ҳеч қандай ёмонлиқни кутмасди.

— Ота-онанг борми?— деб сўрадим мен.

— Бор. Отам ўрмоншунос профессор. Мен яккаю ягона ўғилман. Лекин уйда яшамадим. Ойим ҳамма вақт мен туфайли қариб кетганини айтарди. Ўзи ҳали ёшгина-ю, лекин сочи оқариб кетган. Ҳақиқатан ҳам менинг тақдирим уни жуда ташвишлантиради. Лекин, мен бундан воз кеча олмайман.

— «Бундан» деганинг нима?

У елкасини қисиб, ҳаёсизларча ва танцозлик билан жилмайди. Мен боягидай назокат ва хотиржамлик билан:

— Менга қара, Репин, сен тўғрида қандай фикрдалигимни билишни хоҳлайсанми?— дедим.

— Жоним билан...

— Сен Паниндан ҳам бадтарсан.

Репин сапчиб турди. Хатни ўқиёлмадимми — йўқми деб қизиқиш, одатдан ташқари суҳбат завқи, кеккайиш, олифтагарчилик қилишга уриниш — шуларнинг ҳаммаси мен қилган ҳақорат олдида йўққа чиқди.

У ўзига шу қадар бино қўйган эдики, мудиримиз мени кучли ҳисоблайди, ботир ва ақлли душман сифатида ҳурмат қилади, деб ишонган эди. Қарасаки, мен уни, Берёзовая полянада ҳаммадан тубан ҳисобланган, ҳамманинг нафратига дучор бўлган Паниндан ҳам тубан қўйдим. Хатто Петьканинг ўзи ҳам Панинни одам қаторига қўшмасди!

Репин қандайдир нотаниш, бўғиқ товуш билан:

— Мен Панин эмасман!— деб қичқиради.

Мен унинг гапини эшитмагандай давом этдим:

— Панин ўғирлик қилаётган бўлса, бу бошқа гап: у нодон, у яхши ҳаётни билмайди, ҳозирча бу ҳаётни

тушунмайди. Сен бўлсанг, саводлисан, кўп ўқигансан, ҳар турли шифрли хатлар ёзишга қодирсан, ҳамма вақт: «Нақадар ақллиман, мустақилман, нақадар усталик билан иш тутаман-а!» деб ўйлайсан. Аслида қабихлик ва тубанликдан бошқа нарсага ярамайсан.

— Мен Панин эмасман... Мен ҳеч қачон ўзимизникиларнинг нарсасини олмаганман... Нега бундай дейсан?...

Бу баҳслашувда келтириладиган далил, исбот сўзлари эмас эди. Кутилмаганда бундай усталик билан ағдарилган Репин қандай қилиб ўзини ўнглаб олишини билмай адашар, янглишарди.

— Сенинг «ўзимизникилар», «бегоналар» деганингга тушунмайман,— деб гапини бўлдим.— Нега энди болалар уйимизда яшаганлар — ўзимизникилар бўлади-ю, деворнинг нариги ёғидагилар — бегона экан? Мен учун мамлакатимизда яшайдиганларнинг ҳаммаси — ўзимизники. Менинг учун ҳар қандай ўғирлик — ўғирлик, бошқача қилиб айтганда пасткашлик, разиллик.

— Мен ҳеч қачон ёлғиз ўзим учун сарфламайман... Болаларга тарқатаман...— деди у зўрға. Унинг тишлари такилларди.

— Беғараз тарқатмайсан. Бу билан болаларни маҳкам ушлаш учун сотиб оласан. Мана, Жуковни, Сергей Стекловни — уларнинг ўзи яхши бўлгани учун яхши кўришади. Улар ҳеч кимни сотиб олишмайди. Сен чин кўнглидан иш қилмайсан. Сенда кўнглининг ўзи йўқ. Одамларни жалб қиладиган ҳеч ниманг йўқ. Сен бировларни талайсан, бошқа бировларни сотиб оласан. Болаларни сотиб олиш борган сайин қийин бўлаётганини ўзинг ҳам сезаётгандирсан-а? Болаларда бошқа фикрлар, бошқача оғзулар пайдо бўляпти, улар ўз иззаг обрўлари ҳақида ҳам ўйлашпти. Сенинг ёнингда ҳозирча энг нодон болалар ўралашиб юришибди. Ўзингга шараф сотиб олмоқчимисан? Болаларнинг муҳаббатини сотиб олмоқчимисан? Йўқ, нафрат ва лаънатдан бошқа нарса топмайсан! Кампирнинг ёнидан уч сўмни ўғирлаб олишнинг нимаси шарафли?

Очиғини айтганда мен бир оз қизишдим. Бу унга ўзини ўнглаб олишга қўл келди.

— Нега энди уч сўм бўларкан? Бир кунда ўн минг топишим мумкин!

— Топишим дейсанми? Қассирни талайсанми? Бутун

бир онлани бебахт қилиб-а? Сен-чи, паразитсан, қуртсан. Сен ярамас бир мақтанчоқдан башқа нарса эмассан. Мен буни аллақачоноқ пайқаган эдим. Афти-ангорингга бир қаралса бўлади — тушуниш қийин эмас. Мақтанаётган нарсангни қара-ю — онам мени деб қариб кетди дейди-я! Сен бир оғиз сўзини ҳам содда қилиб айтолмайсан. Одамларга ўхшаб хат ёзишни ҳам билмайсан — албатта бирон шифр тўқишинг шарт. Атрофингда одамлар саксонга болани ботқоқдан судраб чиқишди, уларга яхши ҳаёт қуриб беришга уринишиб ётишибди, сен бўлсанг бир чеккада мазах қилиб, кулиб томоша қилиб турибсан. Нимангга кеккаясан?

У лабларини тишлар, икки бетидан ёш оқар — алам ва таҳқирланиш ёшлари тўкилмоқда эди. У ўгирилиб чиқиб кета олмас эди. Чунки ташқарида ўтирган болалар кўриб қолиши мумкин эди. У ёшларини оқизиб уларнинг олдига чиқишни истамас эди. Аммо ортиқ тинглашга ҳам ҳоли қолмаган эди.

— Ўтир — дедим мен. — Кўз ёшларингни арт, бурнингни қоқ.

— Мен шу бутуноқ бу ердан кетаман!

— Шундай қилишингни билардим. Сен шу қадар иродасизсанки, ўзинг тўғрингда айтилган ҳақиқатни тинглашга ҳам ожизсан. Сени мақташларига, ёлгон гапиришларига ўргангансан.

— Ёлгон! Ҳамма гапингиз ёлгон! Мен Панин эмасман!

— Мен ҳам сени Панин деяётганим йўқ. Мен: Паниндан ҳам бадтарсан, дедим. Билиб қўй: агар кетсанг сендан бадтар нафратланаман. Сен менга: ҳамма уринишларингиз бекор, деб ўз фикрингни айтдинг. Мен бу фикрингга қўшилмайман, лекин гапингни жим туриб тингладим. Қани, сен ҳам энди йигитлигингни кўрсат. Тўғри гапни бетингга айтаётганимда индамай эшит.

Эшик тақиллади. Мен эшик ёнига бордим. Эшикнинг нариги томонида Коршунов турарди. У кабинетга киришни, ё бўлмасам у ерда нима бўлаётганини бир кўришни истарди.

— Семён Афанасьевич, — деб гўлдиради у, — сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим...

— Хўш?

— Екатерина Ивановна айтяптилар...

— Нима деяптилар?

У бўйинини чўзиб, оёғининг учида туриб елкам оша қарай бошлади.

— Нега кераклигинини ўйлаб олмаганга ўхшайсан. Эсланингда яна бир келарсан.

Шундай дедим-у, эшикни ёпиб қўйдим.

Қип-қизариб кетган, сочлари пахмайган Репин қайтиб келганимни сезиб дивандан турди.

— Шу аҳволда қандай чиқиб кетаман,— деди гижиниб.

— Утиратур. Мана бу китобни ўқий тур.

У китобни олди-да, жим бўлиб қолди. У китобни ўқигани йўқ албатта,— китобни варақлаганини эшитмадим. Аҳён-аҳёнда ишдан бошимни кўтариб унга қараб-қараб қўярдим. У ўзига ўхшамас, бутунлай бошқача бўлиб қолгандай. Унинг манманлиги, истеҳзоли табасуми қаёққа кетди? У рангги ўчиб, лабини тишлаб ўтирарди.

Эшик секин очилди. Остонада Костик пайдо бўлди ва кўзларини катта очиб Андрейга тикилди.

— Нега келдинг?

— Колишкин айтяптики, қара-чи, Андрей нима қил-япти, деяпти. У бўлса китоб ўқиб ўтирибди...

Мен Костикни қўлидан етаклаб ташқарига олиб чиқиб кетдим.

...Шу куни Репин кўзимга қайтиб кўринмади. Лекин шунга қарамай унинг менга савол назари билан диққат қилиб тикилиб турганини ҳамма вақт ҳис қилиб юрдим. Яхши, жуда соз. Эрталабки суҳбатимизни қайта-қайта ўйлаб кўрсин. Бу бошланиши: Менинг нафратланишим унга қаттиқ теккан экан — бу жуда яхши. Демак, у ҳали одам бўлади.

Кечқурун, болалар ухлаб қолгандан кейин нам ернинг соф ҳидини, барг ва кўкатларнинг ҳидини искаб анчагача паркла кезиб юриб узоқ ўйладим. Мана кўз олдимда икки бола — Панин ва Репин. Иккалови ўғри. Биттасини уйимизда каттадан тортиб кичкинагача ёмон кўради. Иккинчисини ҳурмат қилишади, ҳатто ундан завқланишади ҳам. Панин майда-чуйдани, ҳамманикини ўғирлайверади. Доим қовоғи солиқ, камгап. Репин омади баланд: у ҳар гал шаҳардан чўштакларини конфет ва пўлга тўлдириб қайтади. Қадди-қомати ҳам келишган. У ўртоқлари билан такаббурона муомалада бўлади, уларни ҳайратда қолдиришни, олифтагарчилик қилишни

яхши кўради. Панинга на сўз, на умумий нафрат — ҳеч нарса таъсир қилмайди. Репин ундан нафратланишларига ўрганмаган — шунинг учун ҳам қамчи егандек ирғиб тушди.

...Антон Семёновичнинг энг муҳим, кишини ўзига жалб қиладиган нарсаси нимадан иборат эди? У инсонда инсоний ҳис-туйғуни уйғота оларди. У шу инсонийликни пайқаб олишга ҳам, уни жонлантиришга ҳам уста эди.

Ун олти яшар ўспирин чоғимда Полтава тюрьмасига тушиб қолдим. Тақдирим нима бўлишини кутиб ўтирган пайтимда мени тюрьма бошлиғининг кабинетига чақиришди. Кабинетга кириб бордим ва остонада тўхтадим. Кабинетда бошлиқдан ташқари эски шинель ва қулоқчин кийган бегона бир киши бор эди. Иккалови менга қаради — бошлиқ қовоғи солиқ ҳолда кўзини қисиб боқарди, ялтираб турган пенсне орқасидан иккинчисининг кўзини кўра олмадим.

— Исми-фамилиянг?— деб сўради бошлиқ.

— Менга рухсат этсангиз, ўртоқ,— деб унинг сўзини бўлди бегона киши.— Ҳали Семён мен бўламан дегин? Кел, танишиб қўяйлик. Исмин Антон, отам бўлса сенинг адашинг.

— Бундан чиқди Антон Семёнович экансиз-да?

— Топдинг. Сенга ўхшаган йигитларни қидириб юраман. Бировлар тюрьмада умрини ўтказади, бировлар кўчада санғиб юради — шу ҳам ҳаёт бўлди-ю? Гаининг пўст калласини айтсам — мен билан кетасанми?

— Менга қолса, кетардим-ку, лекин ким мени тюрьмадан чиқариб юборади?

— У ёғини менга қўйиб бер. Демак, келишиб олдик-а? Бирпас ташқарига чиқиб тур-чи.

Чиқдим. Орадан ўн йил кейин билсамки, Антон Семёнович мени тюрьмадан олиб чиқиб келаётганида муҳр босилган тилхат берган экан. Бунини кўриш мен учун хўрлик бўлади деб ҳисоблаб, кўрмасин деб ташқарига чиқариб юборган экан.

Мана, тюрьма дарвозасидан чиқдик.

— Семён, ҳозир базага борамиз, у ердан майдачуйда олиб чанага орғамиз-да, уйга жўнаймиз. От ҳайдашни биласанми?

— Биламан.

— Мен жуда чарчаб қолдим, оғайни: от эмас — бир бало. Аксига олиб ярим чақирим юрмасдан чиқиб кетади.

Губерня халқ маорифининг озик-овқат базасида Антон Семёнович пон, сўк, новвот ва ёғ ордерини бериб — олавер энди! — деди-да, ўзи аллақасққа кетиб қолди. Мен ҳаммасини олдим, жойладим ва мол ортилган чана ёнида хаёл суриб қолдим: бу қанақаси бўлди? Бу ким ўзи? Қаёққа борамиз? Қандай тентак бу — тюрмадан олиб чиқди, ўз уйидагидек буюради, шунча нарсани олгин деб ишониб кетди...

— Олдингми? Жуда соз! Йўқ эса ўзим овора бўлиб ўлардим. Тарозини ва шу тарозибонларни ўлгудек ёмон кўраман — мени боплаб алдашади. Қани, қўш отингин.

Менга нима бўлди ўзи? Ўша вақтларда одамларга сўзимни ўтказишга анча ўрганиб қолган эдим. Ҳозир агар у: «чанага от ўрнига ўзингини қўш, торт» деса, — ўлай агар тортардим.

Полтава — Харьков йўли билан жўнадик. Совуқ қаттиқ, суяк-суягинггача ўтиб кетади, теварак-атроф қор босган дала, шамол.

— Совуқ қотдингми, Семён?

— Йўқ.

— Менинг телпагимни кийиб ол.

— Совуқ қотганим йўқ.

— Ол. Қулоғингни иситиб ол — кейин менга бера-сан. Галма-гал жонимизга оро бериб борайлик.

Шундай қилиб Антон Семёнович қулоқчинини менга кийгизиб қўйди. Ўша чуруқ қулоқчин нақадар иссиқ туюлган эди, ўшанда!

Орадан бир оз ўтгач у:

— Хўш, қулоғинг исидими? Қани оғайни, менга бер-чи энди, қулоқдан ажраб ўтирмай тагин, — деди.

Мен шошиб-пишиб қулоқчинни ешиб Антон Семёновичга бердим. Ўша кун кечқурун ана шуларгини бўлган эди. Лекин шунинг ўзи ҳам жуда катта гап эди!

Шу пайт юрагимда чуқур, унутилмас из қолдирган бошқа бир оқшомни эсладим.

Бир кун кечқурун, отбойдан кейин мен уни ҳовлида учратдим. Уни ёлғиз учратганимда ҳамма вақт се-винардим. Хуллас, юзма-юз туриб айгган ҳар бир сўзини ниҳоятда қадрлардим — назаримда бу сўз ёлғиз ўзимга тегишлидек туюларди.

У бир оз тўхтар, бир-икки оғиз гаплашишга муяссар бўларман, деган умид билан:

— Антон Семёнович, нега ухлмаяпсиз?— деб сўрадим.

Антон Семёнович ижирганиб кетди ва жаҳл билан:

— Қўй мени ўз ҳолимга. Сен ҳам ўшаларнинг би-рисан... йўқ, улардан ҳам бадтар,—ўша бошқалардақи бир махлуқсан...

— Антон Семёнович! Сизга нима бўлди? Ўзи нима гап?

— Инсонда нимакин яхши нарса бўлса — ёшлик, ақл-фаросат, виждон, шараф — ҳаммасини сенларга бердим. Мен сенларни одам деб ўйлаган эдим, сенлар бўлса бир тўп ҳийлагар муттаҳам экансанлар!

— Антон Семёнович, айтсангиз-чи, нима бўлди ўзи?

— Нима бўлганини билмайсанми? Ўзингни анқов-ликка солма, қўй! Биронтангга ҳам ишонмайман! Сен-лар мени бурда-бурда қилиб тортқилаяпсанлар — бир-бирингни ғажийсанлар. Ётоқхонада нима бўлаётгани-ни билмайсанми? Сен бошқалардан ҳам бадтарсан: ўзинг карта ўйнамайсан-у, ўйнаганларини била туриб қўрқоқлик қилиб индамайсан.

У орқасига ўгирилди-да, кетиб қолди, мен бўлсам худди яшин ургандай турган еримда қотиб қолган эдим. Кейин чопиб ётоқхонага бордим. У ерда ниқоб-ланган лампочканинг хира ёруғи зўрға кўринарди. Бу-руннинг кроватида тўртта бола ички кийимда ўтирарди. Улар ҳеч нарса бўлмагандай бемалол карта чийлаёт-ган Бурунга маъюс ва ғамли боқиб, эзилишиб ўтири-шарди.

— Йиғиштирларинг!— деб қичқирдим эшикдан ки-рар-кирмас.

— Антон келяптими?—деб ҳушёр тортди Бурун.

— Антон эмас — мен. Йиғиштирларинг!

— Ўҳў!

— Жевелий, Гуд, ҳаммаларинг — борларинг, ётиб ухлаларинг!

— Ўзи тишчликми Семён? Сендақа донони қара-ю!

— Йиғиштир картани! Ютиб олган бўлсанг — қай-тиб бер болаларга. Антонни мазах қилишга ҳаққимиз йўқ.

— Мен нима — у билан ўйнаяпманми? Унга нима? Еки сен унга адвокатликка ёлландингми?

— Йиғиштир деяпман сенга!

Бурун:

— Бор-бор-э...— деб бошлади-ю, лекин, охиригача гапиролмади. Афти-башарам шу қадар даҳшатли бўлиб кетдим, билмадим, хуллас, оғзидаги бўғзида қолди-ю, бўғиққина:— Хўп, йиғиштирсак йиғиштирибмизда...— деб қўя қолди.

Инсон фақат илқ, самимий суҳбатлагина ишонч ҳис қилмайди, йўқ,— инсон ғазабда, аччиқ-тизиқ сўзларда ҳам ишонч ҳис қилиши мумкин. Антон Семёновичнинг ғазаби, унинг нафрати ҳамма вақт шу қадар самимий, инсоний эдики, бизда энг муқаддас, инсоний ҳислар уйғотарди. Ҳатто энг ялқов, бефаҳм болалар ҳам Антон Семёновичнинг бизга қанча куч сарфлаганини, бутун борлигини бизга бағишлаганини билишарди. Ахир у нима учун шундай қиляпти? Бизларни одам бўлишсин, инсондек яшашсин деб шундай қиляпти.

23

Пионерлар

Суржик ошхонага ҳаллослаб югуриб кирганда биз овқатланаётган эдик. Унинг одатда хўмрайган, совуққон чехраси гулгун эди, кўзини кўрсангиз... Балки, Суржикда ҳам кўз борлигини биринчи бор кўриб турганимиздир: ҳамма вақт мудраётгандек кўринган кўзи косасидан чиқиб кетаётгандек кўринарди. Унинг ҳам жонли, шўх кўзлари бор экан.

— Семён Афанасьевич!— деди у зўрға нафасини ростлаб.— Анови ёқда Ленинграддан... бизга... аллақандай...

Болалар ялт этиб ўгирилиб қарашди, баъзилари қошиқларини ташлашди, кичкина Стеклов иргиб ўрнидан турди.

— Павлушка, овқатланиб бўлдингми? Ҳали еб бўлмаган экансан, ўтир!— деган овозни эшитдим чиқиб кетаётиб.

Ошхонада Жуковнинг отряди навбатчилик қиларди. Саня шўрванни ичиб, кашани еб бўлмасдан, мана шундай сакраб туриб чиқиб кетишга йўл қўярмиди!

Суржик мен билан ёнма-ён катта-катта қадам таш-

лаб борар, юзимга қараб-қараб қўяр, зўр ҳаяжон ичида такрорларди:

— «Мудирларингга хабар бер. Навбатчига ўхшайсан, бор мудирга хабар бер...»

— Ким ўзи? Ким келди?

Шу пайт барабаннинг дўмбирлаган овозини эшитдим. Дарвоза томондан қип-қизил галстук таққан, ўн-тача пионер жуфт-жуфт бўлиб саф тортиб келаверди. Баланд бўйли йигит чап томонда сафдан ташқарида келарди. Унинг ҳамма нарсадан — барабаннинг дўмбирлашидан ҳам, кичкина отрядининг салобат билан қадам ташлашидан ҳам, ажойиб қуёшли кундан ҳам мамнун эканлиги кўзга ташланиб турарди.

— Тўхта!.. Бир-икки!

— Эҳ, қани энди горн бўлсайди!..— деб шивирлади Суржик алам билан.

— Мудирмисиз?— деб сўради вожатий.

— Ҳа.

— Салом. Биз Ленинград пионерларидан сизларнинг болаларингиз учун совға олиб келган делегатлармиз. Фамилиям Лучинкин.

— Жуда хурсандман. Карабанов.

Ростини айтсам, ҳеч нарсага тушуна олмай қолдим. Нега энди бирданига бизга совға келади? Қимдан экан? Аммо юнгштурмовка кийган бу новча бола ўзини шу қадар қатъий ва хушчақчақ тутар, зангори кўзлари шу қадар ишонч билан боқардики... иккиланишга, қайтадан сўраб ўтириш ўринсиз эди! Ўтирилдим: Петька нафасини чиқармай, оғзимга тикилиб турарди. Мен бошимни силкиб қўйдим. Қўнғироқ болаларни сафга чорлаб жиринглади. Шу замонда болалар ошхонадан, ётоқхонадан, парк томондан югуриб кела бошлашди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас уйимиздаги болаларнинг ҳаммаси ҳар вақтдагидай саф тортиди — отряд-отряди билан, ҳар ким ўзининг кундалик ўрнидан жой олди. Шу орада вожатий пионерларига секингина команда берган эди, улар сафдагиларга юзланиб бир қатор бўлиб туришди.

Навбатчи командир Суржик мен билан ёнма-ён турар, ҳар вақтдагидан кўра қўпол туюлаётган оёқ-қўлини қаёққа қўйишини билмасди.

Вожатий менга савол назари билан қаради. Мен имо билан ўз ўрнимни унга берганимни тушунтирдим.

— Ахборот учун сўз Таня Воробьевага!— деди у.

Сочи қирқилган, қорачадан келган ўн икки яшар қиз сафдан чиқди. Бу қорача бетдаги оқи ҳаво рангга мойил катта кул ранг кўз ҳам Петьканики сингари жаҳлдор ва ўжар боқарди.

Қиз олдинга бир қадам ташлади, пешонасига тушиб турган бир тутам сочини қўли билан тузатиб қўйди-да, худди сувга сакраётгандек қатъият билан:

— Уртоқлар!— деди.

Мен шу ўртоқлар сафига кўз югуртирдим. Улар кизчага диққат билан, қизиқсиниб қарашарди. Қизча бўлса бир дақиқа нафасини ростлади-да, боягидек тетик ва дадил давом этди:

— Горькийнинг чақиригига мувофиқ қишлоқ болалари учун совға тўплаш давом этаётгани ҳаммангизга маълум. Март ойининг бошларида дастлабки совғалар юборилди. Смольнинский ва Петроградский районининг пионерлари совға тўплашда олдинда боришмоқда. Виборгликлар орқада қолиб кетишди. Болтиқ заводи-нинг пионерлари ҳамма цехларда техник асбоб-ускуналар тўплашни уюштиришди. «Красний гвоздильщик» заводи сизларга дафтар-китоблар юборди. Урицкий номидаги базанинг пионерлари сизларга баскетбол тўйи, шашка, шахмат, столда ўйнайдиган ўйинлар юборишди... Электрремонт заводи...

Қиз ўн олти тўқмоқ, олти қўл арра, ўнта искана... деб нарсаларнинг номи ва сонини бир-бир атай бошлади. Унинг хатти-ҳаракатидан, бу унинг биринчи чиқиши эмаслиги, гапириб ўрганиб қолгани, ҳатто сал жонига теккани кўриниб турарди.

Қиз нафасини ростлаш учун тўхтаганда бизнинг сафимиздан:

— Қани ўша нарсалар?— деган савол тушди.

Мен Володиннинг овозини танидим. Аллаким пиқ этиб кулди, кулги саф бўлиб тарқалди ва тинди. Таня Воробьева елкасини қисиб қўйди:

— Қаерда? Қаерда бўларди, станцияда-да. У ерда навбатчи қолдириб келдик... Қаерда эмиш... Масала нарсаларнинг қаердалигида эмас-ку, ахир!..

Аммо биз учун масала худди шу нарсаларда эди. Биз ҳозирча бошқача фикр юрита олмас эдик. Тўплар, тахтакачлар, баскетбол корзинкалари келтирилибди? Бу ҳақда эшнатишнинг ўзи камлик қилади — тезроқ

ўз кўзимиз билан кўришимиз, ушлашимиз, ишлатишимиз керак!

— Сизларга катта раҳмат, пионер ўртоқлар!— дедим мен.— Бизга совғалар келтирганингиз ва меҳмон бўлиб келганингиз учун сизларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз. Қани энди танишайлик... Ўртоқ навбатчи командир, «вольно» командасини бер.

— Вольно!— деб қичқирди Суржик.

Сафдагилар бир қимирлашди-ю лекин тарқалиб кетмади. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам бир-бирларини кузатишарди.

— Овқатлансангиз қандай бўлар экан?— дедим мен.

Ростини айтсам, бу таклиф жуда ўринли эди. Меҳмонлар бир-бирларига қараб олишди.

— Овқатланишсин! Овқатланишсин!— деб қичқирди Жуков.— Ошхонада овқат кўч, яна картошка ҳам пиширамиз, анча картошка солдик! Юринглар!— деди у қувонч билан гоҳ бир болага, гоҳ бошқасига қўлини чўзиб.

Унинг юзи хунук, кўзлари ўйнаб туради. Жуковнинг кўз қарашидан ақллилиги кўриниб туради. У ҳозир албатта аллақандай яхши бир нарса бўлишини кутгандек сергак эди. У ўзини шундай тутардики, бутун умрини меҳмон кутиш билан ўтказган деб ўйлаш мумкин эди.

Ленинградликлар жуфт-жуфт бўлиб эмас, балки бизнинг болалар қуршовида тўп-тўп бўлишиб ошхона томон юришди. Кўк кўз қиз Таня ўзини жиддий тутиб Саняга аллақандай савол берар, у бўлса мулойимгина, шу билан бирга сал гердайиб жавоб қайтарарди.

— Станция-чи, станцияга ким боради?— деб шоширишарди теварак-атрофимдан.

— Суржик, қани, ишни бошла.

— Ўзим борайми?

— Нега ўзинг борар экансан? Уйчи кимга ташлаб кетасан. Бугун бош навбатчисан-ку. Биронта бошқа болани юбор. Ана, ҳеч бўлмаса... ҳеч бўлмаса Репин бориши мумкин. У бўш бўлса керак?

Суржик оғзини очди, бўйинини қисди, теварак-атрофга аланглаб олди-да, йўталди... У сал бўлса ҳам, бир дақиқага бўлса-да вақтни ўтказмоқчи эди. Лекин бошқа илож йўқ. Шундай қилиб мен ва атрофда турган болалар Виктор Суржикнинг сал дудуқланиб Андрей Репинга буйруқ берганини эшитдик:

— Менга қара, Репин... ҳалиги... Учта болани танлаб

олгин-да... станцияга... анавиларни... ҳалиги-чи... келтиришган нарсаларини олиб кел.

Репин ерга қараб, бурнини жийириб туриб индамай тинглади. Лабларини қаттиқроқ қисди. Балким Суржикни силтаб ташламоқчи бўлгандир, балким кулиб юбормоқчи бўлгандир. Аммо бошқа иложи йўқ эди: қовушмаган бу буйруқни бажариш учун кетди.

Меҳмонлар ошхонамизда уч стол атрофига ўтиришди — вожатий билан бирга ҳисоблаганда улар роса ўн икки киши эди. Навбатчилар ошхона дарчаси билан стол ўртасида, оёғи куйган товۇқдек, у ёқдан-бу ёққа югуриб-елишарди: уларнинг назарида гоҳ нон камлик қилаётгандек бўлади, гоҳ шўрвадан яна қуйиш учун боришади, ё кутилмаганда тўла туздонга яна туз солиш учун чопишади.

— Баскетболингиз йўқми? Баскетбол корзинкаси олиб келганимиз яхши бўлибди-да, бўлмасам?— деб сўрарди дўмбоққина кичкина пионер. Унинг пушти ранг қулоғи ғалати диққайиб турарди.

Подсолнушкин довураклик билан:

— Тўпимиз бор-у, лекин корзинкамиз ярамайди: чамбараги синиқ. Биз устахонамизда...— деб тушунтира кетди-ю, лекин бирдан оғзидаги бўғзида қолиб, жим бўлиб қолди.

— Кутубхонанглар борми?— деб сўради вожатий.

— Келтирган китобларингиз учун катта раҳмат, бизда китоб масаласи жуда оғир,— деб ёрдамга келди Екатерина Ивановна.

— Яна олиб келамиз. Биласизларми, совға тўплаш қандай бораётибди? Нуқул олиб келишгани олиб келишган, — деди Таня Воробьевани ҳисобга олмаганда, энг кичик, энг жиддий меҳмон. Бу бола барабанчи эди.

— Олинглар, енглар, катта-катта есаларинг-чи,— дерди Саня.

Фақат ёлғиз Санягина ўзини жуда эркин тутарди. Бошқа болалар бўлса меҳмонлар атрофида гиркапалак бўлишарди. Петька эса яна нима қилсам экан деб минут сайин ҳовлига югуриб чиқар ва яна ошхонага қайтиб келарди.

Бу орада ҳовли қандайдир жуда бошқача тартибга солинарди. Ҳовлимиз ҳамма вақт ҳам озода. Лекин ҳозир Петька югуриб келаётиб ердан бир парча қоғозни олди-да: «Ифлос қилишгани қилишган!» деб минғирлаб

қўйди. Павлушка Стеклов волейбол майдончасини бу ер
гўё бал ўтказиладиган паркет зал каби тиришиб супурар-
ди. Леня товукларини шошиб-пишиб аллақаёққа қувиб
яширмоқда эди. Унга қолса-ку, ола товук жўжалари би-
лан ҳовлини бежаб туради деб қаттиқ ишонарди-я, ле-
кин ҳар томондан ёпишиб ҳоли-жонига қўйишмади.
Уларга итоат қилишдан бошқа иложи қолмади.

Алексей Саввич пиллапояда болаларни кузатарди.

— Ўзларини хўжайини деб ҳис қилишяпти,— деди у
кўзи кўзимга тушиб.

Мен ҳаммадан ҳам болалар Ленинград кўчаларида
шунақа болаларни ҳеч қачон кўрмагандек, муносабат-
да бўлмагандек, тўп-тўп бўлишиб, анқайишиб юриш-
маса эди деб қўрққан эдим.

Аммо барабанчи бола ўртадаги бу совуқ муноса-
батни бузди. Леня Петровдек келадиган энг кичкина
бу бола сиполик ва жиддийлик билан ошхонадан би-
ринчи бўлиб чиқди-да, пиллапояда тўхтади. Петька би-
лан тўқнашиб кетишга сал қолди. Петька унинг қўли-
га — ёнлари қизил, мис винтлари ялтираб турган янги
барабанга ҳавас билан тикилиб қолди. Кейин иккови-
нинг кўзи дуч келди.

— Барабан чалишни биласанми?— деб сўради ба-
рабанчи.

Петька йўқ дегандек бош чайқади.

— Ҳозир кўрсатаман. Мана ёғочини ол...

Вожатий, Таня ва бошқа болалар эшикка чиқишга-
нида барабанчи билан Петькани бизнинг болалар қур-
шаб олишган эди. Уларнинг биронтаси ҳам барабан
чалишни билишмасди-ю, лекин шунга қарамай ҳамма-
лари ўргатар, маслаҳат берардилар:

— Дўпир, дўпирлатиб чалсанг-чи! Чап қўлинг қо-
либ кетяпти. Мунча ўнг қўлингни ишлатасан!

— Жим турсаларинг-чи!— деб аччиғланарди Петька.
Ленинградлик бола чалганда маъноси аниқ-равшан
«шитиларди»:

Қари барабанчи,

Қари барабанчи,

Қари барабанчи

Донг қотиб қолди!

Кейин уйғониб,

Ёнбошга оғиб,

Ҳамма буржуйини

Ҳайдаб юборди!

Петька чалганда бундай чиқмас эди. У бирон нарсани қилолмаса қаттиқ хафа бўларди! Бунга ким хафа бўлмайди дейсиз?

Кейин йўлкада Репин, Володин, Колишкин ва яна бир ленинградлик бола кўринди. Улар яшиқлар билан тўлган замбилғалтакни итариб келишарди. Яқинроқ келишгач, мен уларга:

— Ҳамма яшиқларни омборга олиб боринглар, ўша ерда очиб, ёзиб қўямиз,— дедим.— Китоблар клубга олиб кирилсин. Қани Репин, уюштириб юбор-чи.

Репин буйруқ бера бошлади:

— Стеклов, ҳув анави яшиқни ол — енгилгина, бир ўзинг кўтара оласан... Володин, Жуковни чақириб юбор... Жуков, мана бу ерда китоблар бор, биронта бола билан клубга элтиб қўй.

Репин ҳар бир болани текшириб кўраётгандек — «Стеклов жиқиллашиб ўтирмасмикан? Жуков йўқ демасмикан?» дегандек совуққонлик билан, секингина гапирарди. Лекин уларнинг иккови ҳам сўзсиз итоат қилишди. Андрей гўё мен йўқдек, мен турган томонга қайрилиб ҳам қарамади.

— Нега галстук тақмагансизлар?— деб сўраб қолди бирдан Таня.— Ёки уюшмагансизларми?

Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Кейин Жуков эҳтиётлик билан сўради:

— Нега уюшмаган эканмиз? Уюшмаган бўлиб нима қилибмиз?

— Пионер эмассизлар-да. Пионер бўлмаганлар — уюшмаганлар дегани бўлади. Ҳамма вақт шунақа дейишади, бунинг ҳечқиси йўқ, — деб тушунтирди қиз болаларнинг норозилик билан боқишлари остида ўзини ноқулай ҳис қилиб.

— Биз уюшганмиз,— деди қуруққина Сергей.

— Аммо ичингизда пионерлар йўқ-да?— деди Таня бўш келмай. «Ленинская искра»га ёзилганмисизлар? Интернационал пятачоклар¹ тўплайсизларми? Грина!— аччиғи чиққан қиз вожатийга ўгирилиб:— Эшитяпсанми? Улар ҳатто интернационал пятачок ҳам тўплашмас экан... «Болалар дўсти» деган жамиятнингиз борми? Вой, сизларни қарап-у...

¹ Революциядан кейинги дастлабки йиллар МОПРга ёрдам тариқасида тўпланадиган пул

— Шошма, Таня,— деб хотиржамлик билан уни тўхтатди вожатий. Унинг кулиб турган кўзлари катталарникидек зийрак ва жиддий боқарди.— Болалар,— деб мулойимгина мурожаат қилди яқинроқ турган болаларга,— клубимиз бор деган эдингларми? Қани, бир кўрсатинглар-чи...

— Клуб... у қадар жиҳозланмаган-ку, лекин ҳар ҳолда...— деди Сергей сал хижолат тортиб.

— Юринглар!— деди Петька гапга аралашиб.— Юрларинг, кўрсатамиз. Клубимиз катта!

У олдинга ўтиб йўл бошлади. Унинг юришидан, сал кўтарилган елкасидан, бўйиннинг қимирлашидан: ишқилиб, шарманда бўлмайллик-да! деб ташвишланаётгани сезилиб турарди.

— Мана бу жуда қизиқ!— деди Петька оғзини очиб турган фанер буржуйини кўрсатиб.— Ўйнаб кўрсанглар ҳам бўлади. Мана бу столчаларни ўтган ҳафта устахонада ўзимиз ясадик. Бунда шахмат-шашка ўйнаймиз. Ҳозир фақат шашкамиз бор. Стеклов билан Алексей Саввич яшашган...

— Бизлар шахмат олиб келдик сизларга,— деди шалпанг қулоқ пионер.

— Раҳмат! Мана бу ерга полка ўрнатамиз, полкани ҳам ўзимиз ясаймиз. Кейин сизлар олиб келган китобларни ҳам, ўзимиздаги китобларни ҳам шу ерга қўямиз...

Китоб полкаларини Петьканинг ўзи ўйлаб чиқарди — чунки бу ҳақда бизда ҳали гап бўлмаган эди.

— Деворий газетагиз қани? Чиқармайсизларми?— деб сўради Таня.

— Шошма, Воробьева,— деб яна уни тўхтатди Гриша.— Келинглар, бир машқ қилиб кўрайлик-чи. Тўпларинг қани? Қани, бир ташлаб кўрай-чи... Б-бир! Икки. Қаранглар, унақа осон эмас экан-ку! Қани, Смирнов бир ташлаб кўр-чи. Дуруст! Эпчилроқ чиқиб қолдинг-ку, Таня, сен-чи?

— Мен ҳам ўйнаб кўраман,— деди қовоғини солиб тинчи йўқ Таня.— Лекин барибир уларда йўқлигига ҳайронман...

— Таня тезроқ қимирла, бошқалар ҳам ўйнашни хоҳлайди.

Таня тўп оғиш санъатига, нотиқликчалик уста эмас экан. Беш марта отиб, фақат бир галида мўлжалга

туширгач, у теварак атрофга аввалгидан ҳам жиддий га танқидий қарай бошлади.

Қип-қизариб, сочлари ҳурпайиб кетган Петька бу орада яна ҳовлига югуриб чиқди.

Мен унинг дераза орқасидан:

— Колишкин! Колишкин, бу ёққа кел! Қандай қилиб отиш кераклигини уларга бир кўрсатиб қўй! Тезроқ келсанг-чи!— деган овозини эшитдим.

У Колишкинни кўрарга кўзи йўқ, ҳеч қачон унга мурожаат қилмаган эди. Лекин ҳозир иш жуда жиддий эди.

Колишкин одатдагича беғамлик билан клубга кириб келди, болалар орасини ёриб олдинга ўтди, то Таня боягидай ҳамма тўпларни бекорга сарф қилиб бўлгунча қараб турди-да, яшикни чап қўлига олиб, ўнг қўли билан аниқ ҳаракат қилиб, пойламасдан отса ҳам тўпларни бирин-кетин буржуйнинг очик оғзига тўппатўғри тушираверди.

— Отиш мана бундай бўлади!— деб қичқирарди Петька қўлларини силкитиб.— Бопла! Яна, яна! Бопла, Колиш, бопла!

Таня яна боягидек:

— Айтинглар-чи...— деб гап бошлади.

Аммо шу маҳал Петька каби ўзини меҳмонларга кўрсатмоқчи бўлган аллаким:

— Келинглар, баскетбол ўйнаймиз! Қаршима-қарши ўйнаймиз!— деб қичқирди.

Петька, Павлушка ва кичкиналардан яна аллаким шу замоноқ катталарни чақиргани югуриб кетишди — катталар устахонада янги келтирилган совғаларни ажратишаётган эди. Болалардан бири:

— Янги корзинкада ўйнаймизми?— деб қичқирди.

— Уни қачон қоқиб бўламиз! Келинглар ҳозирча эскисида ўйнайверамиз!

— Балким команда аралаш бўлиб ўйнагани маъқулдир?— деб таклиф қилди Гриша менга бир қараб қўйиб.

— Яхшиси ўзлари ҳал қилиша қолсин,— деб маслаҳат берди Алексей Саввич.— Бунақа жанг дўстликка ёрдам беради.

Ленинградликлар бир тўп бўлишиб шивир-шивир маслаҳатлашишди, баҳслашишди.

Уларнинг тўдасидан:

— У мактабда ҳаммадан яхши ўйнайди,— деган овоз эшитилиб қолди.

— Майли, майли! Яна ким бор?..

Бизда алоҳида баскетбол командаси йўқ эди. Аммо баскетбол ўйинининг усталари санокли эди: Жуков, Сергей Стеклов, Подсолнушкин ва... «Эҳ, қани энди Король шу ерда бўлса, Король!»

Ленинградликларнинг командасида икки қиз бор эди. Бири Таня, иккинчиси — ориқ, лекин чаққон ва қувватли бир қиз. Бу қиздан у қадар қўрқмаса ҳам бўлар эди. Нимага деганда, кўринишда жуда нозик, бўйи паст эди.

— Уларда қизлар ҳам бор экан.— деб шивирлади Суржик ёнгинамда.— Қўнларини кўрсатиб қўямиз!

— Бизда бешинчи бўлиб ким ўйнайди энди? Семён Афанасьевич, ё сиз ўйнайсизми?

— Йўқ, йўқ! Бизда Гриша қўшилаётгани йўқ-ку! Нега энди!—деб аччиғланди Таня.

— Репин! Бешинчи Репин бўлади!— деди Жуков.

Мен ўгирилиб қарадим, кўзим Андрейнинг кўзларига тўқнаш келди. Мен унинг баскетбол ўйнаганини сира кўрмаган эдим. Ҳатто ўйнашни билар, деб гумон ҳам қилмас эдим. Лекин Саня мендан кўпроқ билса керак. Ҳозир Репин менга, сўнгги вақтларда чехрасида ҳечам аримаган алам билан қараб турарди.

— Ўйнашни биласанми?

У қошини бир чимириб қўйди.

— Биламан,— деб жавоб берди бир оздан сўнг.

— Қани, бўлинглар, бўлинглар тезроқ, — деди Гриша. — Мен судьялик қиламан. Сизларда ҳуштак топиладими?

Дастлаб бизникилар яхши ўйнашди. Бизникиларнинг бир устунлик томони бор эди; болалар бир-бирларини билишар, ҳар бир боланинг кучли ва кучсиз томони маълум эди. Меҳмонлар эса турли мактабларда ўқир, бир-галликда биринчи ўйнашлари эди. Ундан ташқари болалар на Таняни ва на нариги ориқ қизни ҳисобга олишмас эди. Тўпни тез-тез қўлдан-қўлга ўтказиш керак эди. Аммо болалар тўпни қизларга бермаслик учун кўзлари билан бир-бирларини қидириб вақт ўтказишарди.

— Бу инсофдан эмас!— деб қичқирарди Таня.— Гриша, уларни қара, нима қилишгани бу!

Ориқ қиз индамас, лабларини маҳкам қисганича тўпдан кўз узмас эди. Унинг дўнг пешонали чехраси хотиржам ва жиддий эди. Мана, у тўсатдан эпчиллик билан



бир иргиб тўпни илиб олди-да, ерга уриб-уриб бизнинг ҳалқа томон югуриб кетди. Подсолнушкин ён томондан шўнғиб чиқди-да, тўпни илиб олмоқчи бўлган ҳам эдики, лекин шу чоқ қиз олдинга ўтиб, яна тўпни илиб олди-да, кутилмаганда зарб билан осмонга отди. Тўп осмонда бир айланди-да, гўё кўзга кўринмас ип билан тортилгандек бизнинг тўрчимизга тушди. Биринчи гол!

— Оббо шайтон қиз-эй! — деб қичқирди бир неча овоз бараварига, — Петька ҳаммадан қаттиқ қичқириб юборди.

Қиз шу қадар эпчиллик, чаққонлик билан ўйнадики, биз ҳатто хафа ҳам бўла олмадик.

Гриша бизга қараб:

— Рақибга етарли баҳо бермаслик деб шуни айтадилар! — деди хушчақчақлик билан маънодор қилиб.

Ўйин давом этди. Иккинчи голни малла бола урди. Мен уни ошхонада зўр иштаҳа билан овқатланаётганда таниб қолган эдим. У миқтидан келган, семизгина, киприк ва қошлари оппоқ, кўзи кўм-кўк бола эди... Биринчи қарашда бизнинг Суржикка ўхшаш уйқучан, лапашанг, бесўнақай кўринарди-ю, — қилган ишини қаранг...

Бу ёнга ўйинни асосан ориқ қиз — ўйин давомида унинг исми Женя эканлиги аниқланди ва ҳалиги малла бола олиб борди. У ҳаммани қойил қолдирди: чарчаш нималигини билмас, нафаси тикилмас, майдоннинг у бошидан-бу бошига учиб борар, қўлга тушириб бўлмайдди деб ўйланган тўпни ҳам илиб олар, гоҳ ўзини ерга отар, гоҳ иргиб туради. Мана у узоқдан, майдонининг деярли нариги бошидан туриб биринчи галдагидек эпчиллик билан яна бир тўпни тўрчимизга туширди. Ҳисоб 6:0 бўлди — афсуски бизнинг фойдамизга эмас.

Яхши бошлаш нақадар аҳамиятли! Ҳеч қачон биргаликда ўйнамаган меҳмонларимиз иккита гол уришгандан кейин ўзларини дадилроқ ҳис этишди. Уларнинг биронтаси ҳам майдончада бекордан-бекор югурмас, тўпни бир-бирларига аниқ узатар, ўз тўрлари элдида кураш узоқроқ давом этган пайтда ўзларини йўқотмас эди.

Алам қилганидан юрагим ачишарди. Қани энди аралашининг иложи бўлса! Ёрдам бергинг келиб қўлни қичиб турганда, бир чеккада томоша қилиб туриш жуда қийин. Лекин шунга қарамай, болаларимизни — ўйинда иштирок этмай, муваффақиятимизни ҳам, му-

наффақиятсизлигимизни ҳам мен билан биргаликда кўйиб-пишиб қарши олаётган болаларни — кузатини жуда мароқли эди. Петькани таниб бўлмас эди. У йиглаб юборгудек бўлиб, дақиқа сайин менга қараб-қараб қўярди. Коробочкин, Суржик, Володин ва Коршуновларнинг юзини кўрмасам ҳам, уларнинг бепарво эмаслигини, ҳаяжонланаётганларини, ташвишланаётганларини сезиб турардим... Балким умрларида биринчи бор ўзларидан бошқа одамларнинг ташвишини еб, бошқалар учун ҳаяжонланаётгандирлар.

Командамиздагилар довдираб қолишган эди. 6:0 ни ҳазм қилиш осонми! Улар гўё ҳеч қачон бирга ўйнамагандай саросимага тушиб қолган эдилар. Сергей Стекловни ҳеч қачон шу бугунгидек сочлари пахмоқ, қипкизиллигини кўрмаганман. Жуков терлаб-пишиб кетган эди. Подсолнушкин тўрни ҳимоя қилиб, бир дақиқа ҳам жойида тинч тура олмас эди; у нуқул олдинга отиларди. Натижада тўп биз томонга учганда уни қайтарадиган одам топилмас эди. Фақат Репингина хотиржам. Унинг ҳар бир ҳаракати ҳисобга олинган эди. У ҳовлиқмас, ўзини йўқотмас эди. У гўё бир нарсани кутаётгандай, алланарсани синаётгандай, жуда кам ҳаракат қиларди.

Учинчи голни уришгандан кейин Репин ёнгинаиб Жуковга алланима деди; Жуков Подсолнушкин билан шпирлашиб олди-да, ўринларини алмаштиришди — Саня ҳимояга ўтди. Подсолнушкиннинг ёнидан югуриб ўтиб кетаётиб Андрей унга алланима деди; у қадар ёқимли нарса айтмаган бўлса керак — Подсолнушкин худди тиши зирқираб оғригандек бошини қисиб қўйди.

Андрей югурмади, балки малла бола ёнидан, унга халақит қилмай, тўпни қўлидан уриб туширишга уринмай сирғилиб ўтди. Малла бола тўпни Таняга узатди — Репин қизининг ёнида пайдо бўлди. Таня тўпни отди — дурустгина ирғитди. Аммо Андрей, гўё ўзи ҳам тўпдек енгилдек, кўзга кўринмас, кучли қўл уни ҳам ирғитгандек, тўп кетидан сакради. Кейин шу ердан туриб, майдоннинг нариги бошидаги рақибнинг тўрига ирғитди. Тўп ҳалқанинг четига юмшюққина тегиб бир сакради-да, тўппа-тўғри тўр ичига шўнғиди.

— Ур-ра! Андрей! Ура, бизникилар!

— Боплади! Боплади! Мен бўлсам, туширолмади деб ўйлабман! — деб телбалардай қичқирарди Петька.

— Яхши урди, — деб қўшилди Гриша.

Уйин яна қизиб жетди. Биринчи бўлиб бизга гол урган ориққина Женья яна эпчиллик билан тўп отган эди, лекин Жуков тўпни тутиб қолди-да, Стекловга узатди. Стеклов бўлса, Репинга узатди. Репин яна узоқдан туриб рақибнинг тўрига тўп иргитди — бу гал ҳам тўп тўғри тўрга тушди. Бу худди тушдагидек шу қадар тез ва енгил бўлиб ўтдики, болаларимизнинг ҳаммаси ҳам бараварига нафасларини ростлашди — шундан кейингина завқланиб бараварига қичқиришди. Андрейнинг юзида бир нафас энг оддий, болаларча қувноқ ифода пайдо бўлди. Бу уни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборганди. Шу пайт ҳуштак чалиниб, ўйиннинг тугаганидан дарзак берди.

Биз ҳатто ҳисобни тўғрилашга ҳам муваффақ бўла олмадик. Лекин шармандаларча қуруқ қолмаганимизнинг ўзи катта гап эди: болалар баскетбол ўйнаганларни қуршаб олиб, ўзлариникининг ҳам, бошқаларнинг ҳам елкаларига уриб-уриб қўйишар, алланималар деб қичқиришар, алланималарни исбот қилишга уринишарди.

— Яна бир марта! Қайта ўйнайлик!— деб бақирарди «халқ овози» ролини ҳалол бажараётган Петька.

Гринча кулиб турган кўзлари билан унга диққат қилиб қараб қўйди:

— Тўғри, яна бир ўйнаш керак. Лекин ҳозир уйга қайтадиган вақтимиз бўлиб қолди-да.

— Биз яна келамиз, — деди ҳиммат билан Таня. — Биз... ҳалиги... яна бир ҳафта ўтказиб келамиз.

— Имтиҳон бошланди-ку,— деб эътироз билдирди малла бола. Мен беихтиёр ориқ қизни кўзим билан қидириб топдим. У ўзгариб қолган эди. Бошқа пионерларнинг орқасида турган рангпар, ўйинда ҳам қизармаган дўнг пешона юзини дарров таний олмадим. Қиз малла боланинг овозини эшитиб бошини кўтарди-да:

— Албатта, яна бир ўйнаш керак,— деди.

— Ўйнашга мажбурмиз, тушуняпсанми!— деди Таня малла болага гапини маъқуллаб. — Бу бизнинг бурчимиз... Ютганимиздан кейин ўйнашимиз шарт, билдингми!

— Менга қараглар, дўстлар, кетишдан олдин, бир оз ўтиришимиз керак,— деб таклиф этдим мен,— бирон қўшиқ айтиш керак.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, ҳаммамиз меҳмонларнинг атрофида — пиллапояда, болалар ташиб келтирган скамейкаларда, ерда ўтирардик. Шу маҳал Таня:

— Қандай құшиқни биласизлар?— деб сўради.

— Қандай құшиқ дейсанми? «Ташландиқ бечораман»-ни, — деди тўсатдан Репин яшириб қўйилган, ҳеч ким эслашни истамаган, хунук бир нарсани атайлаб очаётгандек.

— Боқимсиз болаларнинг ашуласи-ку!— деб ҳайрон бўлди Таня.

— Унга парво қилма, у шунчаки... ҳазиллашяпти, кўрмайсанми?— деди Саня.— Биз «Паровозимиз илгарилаб учади — тўхташ ери коммуна»ни биламиз...

— «Қизил Веддинг»ни биласизларми?

Жуков дудилиб қолди.

— Қизил... нима?— деб қайтариб сўради аллаким.

— Веддинг. Гриша, улар Веддингни билишмас экан!

Шу ерга келганда фақат бизнинггина эмас, Гришанинг ҳам сабр-тоқати тугади, шекилли. У, ҳатто Танянинг юзига ҳам қарамай, гўё қимирламай, жимгина ўтир, дегандай қилиб унинг елкасидан ушлаб қўйди.

— Веддинг — Берлиннинг ишчи районларидан бири, — деб мулоимгина гап бошлади у болаларни бир-бир кўздан кечириб, — Германияда стачка, қамоққа олиш ва отишлар бораётганини биласизлар. Веддингда революцияга содиқ кишилар -- ишчилар, коммунистлар яшашади... Келинлар ўшалар ҳақидаги құшиқни айтамыз, — деди у ўз болаларига, — сизлар нақаротига жўр бўлинглар.

Қўшиқни ҳаммалари яхши билишар ва севишар экан шекилли — пионерлар бараварига айта бошладилар. Малла бота оппоқ қошларини кўтариб, құшиққа мослаб бошини силтаб-силтаб қўярди. Иккала қиз жуда яхши куйларди. Танянинг овози жуда ёқимли ва жарангдор экан, Женья бўлса авжига ҳам енгилгина чиқаварди.

Чапга! Чапга! Чапга! Чапга!

Барабанлар сафарда инграп!

Чапга! Чапга! Чапга! Чапга!

Қизил Веддинг олға борар!

Бизнинг болалар жимгина ўтириб, бу содда ва жозибали құшиққа қулоқ солишарди.

Қизил Веддинг,

Жангга! Ғалаба сари!

Мушкларни қаттиқ қисайлики

Кучларни ҳозирланг —
Сўнгги жанглар сари,
Халос бўлиш кунлари яқин!
Ўзиган қуёш ёғдуси-ла
Тўлмиш бутун горизонт.
Байроқ кўтарилсин! Жангга, колонналар!
Рот fronti! Рот fronti! Рот fronti!

Иккинчи гал бизнинг болалар тўртинчиш бўлиб, секин-аста
жўр бўлишди.

Оҳистагина ёнимга келган Саня:

— Чой ичайлик, — деб шивирлади қулоғимга.

Унинг қачон қўйиб бўлганини сезмай қолдим. У ҳеч
қачон ўзининг хўжайини эканлигини, ошхона бўйича нав-
батчи эканлигини унутмас эди.

— Таклиф қил, — деб жавоб бердим мен ҳам шивир-
лаб.

Саня қўшиқнинг тинишини кутиб турди-да:

— Ошхонага юринглар, чой ичиб жетасизлар, — деди.

— Чой ичсак, ича қолайлик, раҳмат. Кейин уйга жў-
найлик! — деди Гриша ўрнидан тураётиб.

Меҳмонлар ва бизникилар аралашиб ошхонага йўл
олишди.

Чойдан сўнг мен болаларимиз билан бирга пионерлар-
ни станцияга кузатиб чиқиб кетаётганимизда Гриша қа-
дамнинг секинлатди-да, оҳистагина тирсагимдан ушлади.
Икковимиз болалардан сал орқароқда бордик.

— Айтинг-чи, болалар уйингиз қандай аталади? —
деб секингина сўради у.

— Олтинчинчи сон тарбияланишни оғир болалар
уйи, — деб жавоб бердим, унинг порлаб турган кўзларига
қараб. — Тўсатдан кўзларидаги табассум йўқолиб, ўрни-
ни хижолат эгаллади.

— Ие... — у қалқиб кетди, йўталиб олди. — Хато
ўтибди-ку. Биз бошқа жойга келиб қолибмиз. Сизларни-
кига эмас, бошқа жойга боришимиз керак эди...

— Совғалар... — деб бошладим ичимдан зил кетиб.

— Йўқ, йўқ! Совға масаласини тўғрилаб оламизку-я...
Лекин чалкаштириб юборибмиз. Майли, зарари йўқ, шу
баҳонада танишиб олдик.

У хижолат тортган, саросимага тушган эди. Бу чал-
кашлик унга кулгили туюларди. Унинг кўзларида мени
ўзига тортган табассум яна пайдо бўлди. У лабни тиш-
лаб, пешонасини рўмолчаси билан артди.

— Зарари йўқ, тўғрилаб юборамиз,— деб сўзини тутатди у далда бериб,— яна ўйлаб юрмангларки... Биз яна келамиз!— деб қичқирди у вагондан туриб.

— Келамиз! Кутинглар!— деб унга қўшилшиди пионерлар

Улар, инжиқ, Тая Воровьева ҳам, унинг ориқ дугонаси ҳам, шалпанг қулоқ бола ҳам, баскетбол ўйинининг устаси малла бола ҳам, кичкина барабанчи ҳам деразадан қўлларини силжитишарди. Бизникилар ҳам уларга жавобан қўл силжитишар, хушчақчақлик билан чин кўпидан:

— Келинглар! Кутамиз— деб қичқирдишарди.

Ўйга қайтиб келганимизда қорини тушаёзган эди. Мен болаларни олдинга ўтқазиб юбордим. Ҳовлидан ўтиб кетаётиб Жуковнинг:

— Сенга ҳайронман — одаммисан ўзинг, ё бошқа бир парсамисан, билмайман. Аввал ёрдам бердинг — сен бўлмасанг шармандаларча ютқизардинг. Кейин бўлса: «Ташландиқ бечораман» деб ўтирибсан... Атайлаб қиласанми — нима бало?

— Сен одаммисан бўлмасам?— деди Репин истеҳзо билан.

Александр Жуков секингина, инюнч билан:

— Ҳа, мен одамман, кўнглинг тўқ бўлаверсин,— деб жавоб қайтарди.

Мен тўхтамасдан улар ёнидан ўтиб кетдим. Бир неча қадам юрмасимдан бошқа овозлар қулогимга кирди:

— Эҳ, Жуков навбатчи бўлмади-да, бугун. Ишлар жуда бошқача бўларди!

— Ҳа, мен уддасидан чиқа олмадимми? Нимани қилолмадим?— деди хафа бўлиб Суржик.

— Дабдаба бўлгани йўқ! Тушундингми? Дабдаба! Ўғзингни очиб, кўзингни бақрайтириб турасан, нуқул Семён Афанасьевичга аламлиайсан. Мустақиллик кам бўлди, мустақиллик!

Ленинградлик меҳмонлар келиб кетгач, ҳаётимизда оқ вақтгача, сувга тош ташлаганда ҳосил бўладиган иррачалар сингари, ўзгариш рўй бериб турди. Масала да китоблар кўпайиб қолганлигида, ўн олтига янги

болға, олти дастарра ва ўнта зубило¹ пайдо бўлганлигида эмас. Тая уларни ҳамма вақт астойдил санаб юарди. Шунингдек, Ленинграддан келтирилган ўйинлар орасида шахмат, шашка ва баскетбол халталаридан ташқари аста-секин бир-икки боланигина эмас, балки барча болаларни жалб этаётган пинг-понг ўйини борлигида ҳам эмас. Йўқ, гап фақат болаларгагина эмас, балки ҳаммамизга, биз тарбиячиларга ҳам бошқача бир нарсая келтирилган эдилар.

Яна, яна нечани бор шу тўғрида ўйланиб қолдим: тушуниш, билиш — бошқая бир нарсаяю, қилиш — бутунлай бошқая нарсая. Назарий жиҳатдан анланган, ўрганланган нарсани тажрибада бутунлай унутиб қўйиш, хаёлдан кўтариб юбориш мумкин. Шундай пайтда ҳаётнинг ўзи кўзининг катта очигая, эслашга мажбур этиб қолади: эҳ-ҳе нима қилиб унутиб юрибман-а ўзи, деб ўйлаб қолаган киши. Шундай нарсани унутиш, назардан қочириш мумкинми, ахир?

Горький колониясида, Дзержинский коммунасида бизни бутун дунёда юз бераётган воқиялар қизиқтирарди. Бунда ҳам кундалик ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган масалалар билан қизиқардик. Гап бизнинг серҳаваслигимизда эмас. Биз ҳар бир мамлакатда дўстларимиз, ўртоқларимиз борлигини, шунингдек, ҳар мамлакатдаганимларимиз йўқ эмаслигини билардик.

«Бу бутунлай бошқая бир хислат,— дейрди Антон Семёнович,— бундай хислат авваллари одамларда бўлмас эди, бу фақат бизда, революциямиздан кейин ҳосил бўлди: совет кишининг ҳаёти ҳам ҳаяжони, ташвиши ва хурсандчилиги ҳам зўр миқёсда — жаҳон миқёсида. У, дунёда бўлиб турган воқиядан ўзини четга тортмайди, чунки дунёда бўлаётган воқиялар унга бегона эмас?

Эпчил-чаққон Тая Воробьева деган қиз интернационал пятачок тўпламаётганимиз учун аччиғланиб тўғри қилган эди.

Нега энди биз фақатгина шахсий ҳаётимиз, турмушимиз, тумбочкаларимиз билан овора бўлиб кетдик? Нега биз ўзимизни қуршаган оламни унутиб қўйдик? Ҳақиқатан ҳам биз ўзимиз билан ўзимиз бўлиб, ташқи ҳаётдан узилиб қолдик!

¹ З у б и л о — темир, пўлат ва тош тарашлаш учун ишлатиладиган исканага ўхшаган асбоб.

Мамлакатда нима бўлаётганини билмаслик мумкин эмас, дунёда нима бўлаётганини билмаслик мумкин эмас. Сира мумкин эмас. Бу бизга бевосита тааллуқли нарса, бизнинг ишимиз, бизнинг тақдиримиз, бизнинг шу бүгунги кунимиз ва келажагимиз шу. Олам билан алоқа қилиш бизга ҳаводек, нон ва сувдек зарур.

Болалар орасида ленинградликларнинг келиши сал бўлса-да из қолдирмаган биронта боланинг топилишига ақлим етмайди. Ҳамма болаларнинг кўнгли кўтарилиди.

— Семён Афанасьевич, бу тамға энди қачонгача бизга ёпишиб ётади?

— Қанақа тамға, Саня?

— Оғир... тарбиялаш оғир деган. Мен-ку майли-я. Икки йил боқимсиз юрдим. Репин ҳам майли. Унинг кимлиги маълум, ўғри. Петькачи — етимликдан бошқа айби йўқ. Бу ерга қандай қилиб келиб қолганини ҳам ҳеч ким билмайди. Павлушка Стеклов-чи? Унинг бу ерга нега келганини биласизми? У ўқиб юрган мактабида қишлоқ хўжалик виставкасига қўйилган нарсаларни еб қўйган.

— У нима деганинг?

— Еган қўйган. Биринчи группада ўқиган пайти экан, ҳали гўдак бола эмасми. Мактабда қишлоқ хўжалик виставкаси ташкил этилибди. У ҳам борибди, қараса — каттакон сабзи турган эмиш: мазали бўлгандир. Олиб учини тишлаб кўрса — ширин, кейин ҳаммасини еб қўйибди. Кейин қараса — олма бор эмиш. Унниям туширибди. Шу маҳал паққа қўлга туширишибди-ю — таъзирини беришибди. Педолог: иллатли деб топибди. Тарбияланиши оғир болалар уйига жўнатибди. Уларнинг ота-онаси йўқ, Серёжа отасини эс-эс билар экан, онаси билан опаси бўлса, яқинда балиқдан заҳарланиб ўлган экан. Кейинги вақтларда холалариникида яшашган экан. Тарбияланиши оғир бўлган болалар уйи ҳақидаги гапни Сергей эшитиб қолибди-ю: ёлғиз жўнамайман деб туриб олибди. Агар у иллатли бўлса, бундан чиқди, мен ҳам иллатли эканман-да, мениям жўнатишлар, дебди. Унниям аллақанақа текширувдан ўтказишибди — икковини шу ёққа юборишибди. Сизнингча қалай, Семён Афанасьевич, иккови иллатлими?

— Ортиқча гапнинг нима кераги бор? Уларнинг иккови ҳам ақлли-ҳушли бола эканлигини ўзинг биласан-ку.

— Мен ҳам шундай деяпман-да. Майли, ёмон болалар ҳам бор деяйлик. Ахир улар ўла-ўлгунча ёмон бўлмайдн-ку! Мана, уч ой ўтди,— Саня, уч ой ичида қандай ўзгаришлар юз берганини тушунтириб ўтирмади,— одамлар келишди — юзига тик қарашга уяласан, киши.

Бу суҳбат эрта тонг отарда бўлиб ўтган эди. Биринчи отряд навбатда турарди. Мен эса, бир хабар олиб ўтиш учун ташқарига чиқиб, уй атрофида у ёқдан-бу ёққа юриб турган Жуковга дуч келиб қолдим.

Биз биргалашиб будкага кирдик — у ерда Петька билан Подсолнушкин бор эди.

— Семён Афанасьевич сизми?— деди Петька оҳистагина. — Барабанларини кўрдингизми? Шаҳарда ҳар бир отряднинг ўз горни бор экан, ўзлари айтишди...

У ҳамон ўша тўғрида гапирди. Тиришқоқ.

— Ана,— деб сўзида давом этди Саня мен билан бирга ҳовлини айланар экан.— Кўрдингизми? Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, ўн бешга кириб қолдим, пионерга киришдан ўтиб қолганман. Петька, Павлушка Стеклов, Ленка Петровлар учун жуда яхши иш бўлар эди-да.

— Ўйлаб кўрамиз Саня. Ўйлаб кўрамиз. Бирор нарса ўйлаб топармиз, ахир. Хайр, яхши ухла, дўстим.

— Тинч ухланг!

«Биз яна келамиз!»— деди Гриша Лучинкин.

Келишармикан? Ёки адашиб бир келиб қолиб, энди хатоларини тезда тузатиб қайтиб келишмасмикан? Баскетболда ютиб кетиб, қайта ўйнаш учун келишмасмикан? Аммо бир ҳафтадан кейин шу мазмунда хат олдим.

«Ҳурматли Семён Афанасьевич!

Шаҳар ёш пионерлари бюросида маслаҳатлашиб кўрдик. У ердагилар Сизнинг болалар уйингизда пионер отряди ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашяпти. Аммо шаҳар маорифидаги баъзи педолог ўртоқларнинг фикри бошқача — бу ишни сиёсий жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблашяпти. Ниятимизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирча сизга бир нарсани гўйиб қўймоқчиман. Ёзда шаҳарда қоладиган пионерлар базасига раҳбарлик қиламан. Агар қаршилиқ қилмасангиз, сизнинг болаларингиз ва менинг болаларим ўртасида ҳарбий-спорт ўйинлари уюштиришни планлаштираман. Сизларга бориб келган вакилларга бола-

ларингиз ёқиб қолибди. Мени кўришди, дегунча яна қачон борамиз деб суриштиришгани-суриштиришган. Сизга, барча педагогларга ва болаларга кўпдан-кўп салом.

Григорий Лучинкин.*

Оббо азамат-эй! Пионер отряди тузиш ҳақида суриштириб кўришни ҳеч ким ундаи сўрамаган — ўзининг эсига келибди. Бизга уларнинг дўстлиги зарурлигини, яна учрашиш қанчалик яхши бўлишлигини ўзи фаҳмлабди-я!

Баҳор ўтиб, ёз келмоқда эди. Кенг ялангликка жойлашган уйимиз худди ўрмон ичига қурилгандек кўриларди: дарахтзор паркимиз бор эди. Теварак-атрофимизни кўм-кўк дарахтлар қуршаган, сал парироқда қайинзор ястанган. Ҳали барг чиқармаган, қаққайган қайинларнинг оппоқ танлари март ойларида кул ранг тусга кириб туман тушган кунлари кўзга кўринмасди. Уларга қарагинг ҳам келмасди. Ҳозир эса оппоқ поялари чиройли, пўстлоғи силлиқ, ялтироқ! Мусаффо осмон янада зангори, янада теранроқ кўринади.

Энди болалар уйига кираверишда кўм-кўк арка бор: ҳовлига кираверишда иккита яшикка поя ўрнатиб, учини эгиб бир-бири билан бирлаштирдик. Яшикка экилган гечак гул билан ёввойи ток ўсиб, пояни чирмаб олди. Ниҳоятда чиройли арка ҳосил бўлди. Май арафасида оққа бўялиб, учига қизил алвон тортилган мачта ҳам байрам тусида.

Биринчи Май куни Ленин номли колхоздан меҳмонларни таклиф этдик. Бу фикр Алексей Саввичдан чиққан эди. Пақана, букчайган раиснинг ўзи ҳам келди. Афти-ангори бу қадар заиф бўшанг қадди-қоматига сира мос эмас эди. Раиснинг шиддатлилиги, ақллилиги, одамларни ишлата билишлиги, бўйини товлашга сира йўл қўймаган хўжайинлардан эканлиги унинг қиёфасидан кўриниб турарди.

Мен у тўғрида эшитган эдим. У, партиямиз томонидан колхозларга раҳбарлик қилиш учун юборилган йиғирма беш минг ишчининг бири эди. «Илгари жавдар билан буғдойни бир-биридан ажрата олмасди,— деган эди у тўғрида менга бир колхозчи.— Аммо сир бой бермас эди. Ахири ҳамма соҳани шундай ўзлаштириб олдики, ҳар қанақа деҳқонга дарс беради. Ҳар қанақа машинани беш бармоғидай билади. Ўзи тракторчилик за-

водидан. Қалласи жойида. Бизнинг қишлоқда ҳеч қанақа эсанкираш бўлган эмас. Ошириб юбориш ҳам бўлмади. Паррандалар умумийлаштирилгани йўқ, уй-жойларга ҳам тегилмади. Ҳамма ўз хоҳиши билан кирди. Аввалига минг ёқни ўйлаб, қўрқа-писа кирдик, кейин қарасак — ишлар яхши, унум жойида, бирин-кетин ҳамма кириб кетди. Раисимиз февралдаги ударник колхозчилар съездиди ҳам бўлган».

Бу одамни ҳамма мақтарди — ишбиларман хўжайин, талабчан, одил дейишарди у тўғрида. Авваллари жавдарни бугдойдан ажрата олмаган бўлса бордир, лекин одам танир, бошқалардан ўрганишни биларди.

— Танишайлик: Соколов,— деди у менга. — Қани, хўжалигингизни бир кўрайлик-чи. Болаларингиз қазноқма-қазноқ кезиб юришарди, энди кўринмай қолишди шекилли?

— Бутунлай кўрмасангиз ҳам ажаб эмас.

— Жуда соз, жуда яхши. Айтмоқчи, устахонангиз биздан заказ қабул қилмасмикин? Мактаб учун мебель керак эди. Яна битта мактаб қурапмиз. Ёнгинамизда совхоз, машина-трактор станцияси, сиёсий бўлим бор — аҳоли кўп, ҳаммасида бола бор. Шу иккита мактаб ҳам камлик қилиб қолмасмикин, дейман. Сал нарироққа бориб, техникум очсак ёмон бўлмас. Қишлоқ хўжалиги техникуми ё бўлмасам зоотехника...

— Бунда бизни ҳам ҳисобга оласиз! — дедим мен.

— Бўлади, бўлади. Ҳозирча бизга парта ва доскалар керак. Сизлар буни боплар эмишсизлар деб эшитаман. Қарз бўлиб қолмасмиз. Бизларга айтмабсизлар-да, полизингизни ҳайдаб берардик. Марҳамат, кинога бориб туринглар — бугун бизда «Партизан қизи» кинофильми кетяпти.

— Раҳмат!

— Анави ерда бир буқа бекор турганга ўхшайди. Ортиқчалик қилаётган бўлса керак, а? Яхшигина душингиз бор экан. Шунақадан биттасини мактабимизга ўрнатсак ёмон бўлмасди...

Душни Алексей Саввич билан Сергей ўйлаб чиқаришди: ерга вишка қоқишди, устига бочка ўрнатишди, бочканинг тагини тешиб, тиқин билан беркитиб қўйилдиган қилишди. Бочкага тарнов ўрнатишди, тарновнинг

иккинчи бошига таги элак-элак қилиб тешилган челақ осиб қўйишди. Ажойиб душ бўлди қўйди. Ёзга бориб, иссиқ кунларда болалар қийқиришиб, бир-бирларининг ҳўл, ялтироқ баданларига шап-шап уриб маза қилиб чўмиладиган бўлишди. Ёнгинамиздан анҳор оқарди-ю, лекин шунга қарамай душ, болаларнинг энг севимли жойларидан бўлиб қолди. Душ узлуксиз ишлар: навбатчилар бочкани сувга тўлдириб қўйишни сира унутишмасди.

Спорт майдончамизда тишимсиз ишлардик, ҳамон уни яхшилаш билан овора эдик. Майдончанинг чап томонига узунлиги юз метр, эни беш метр келадиган югуриладиган йўл туширдик. Ундан ташқари, югуриш учун паркдаги тўппа-тўғри, текис сўқмоқни ҳам тозалаб қўйдик. Сакраш учун, чуқур, диск ва граната отиш майдончаси тайёрлашни ҳам унутмадик. Чарчамай безатар, қураб, кашф қилар эдик.

—Анавилар келиб қолишса, тоза боплаб юбориб-сизлар-ку, дейишади-да!— деган овозларни эшитиб қоламан.

— Келишиб бўпти, кўзинг учмай қўя қолсин!

— Ие, ҳали- этишганинг йўқми? Семён Афанасьевич — келишади, дедилар-ку! Ҳарбий ўйин ўйнаб эканмиз!

— Биз билан ўйнаб, уларга зарур келибдимиз...

— Ўлай агар — келишади!

Эслаб туришса ҳам катта гап!

Овқатга қўйғироқ чалинди, ака-ука Стекловлар охирги замбил тупроқни олиб кетишди, фақат мен ва Репин белкурагимиз билан майдонда ушланиб қолдик: майдончанинг четини текислаб, тугатиб кетгинг келади.

— Семён Афанасьевич,— дейди тўсатдан Андрей,— болалар ичида энг яхши кўрганингиз ким?

— Қизиқ гапларни гапирасан-а, Репин! Худди қиз болага ўхшайсан. Гул олиб: севади севмайди, тупуради, ўпади, деб фол очиб кўришинг қолибди энди...

— Йўқ, мен сиздан жиддий сўраяпман.

— Мен ҳам жиддий жавоб берапман. Мана қўлим, мана бу бармоқлар — қайси бармоғимни яхши кўраман? Менга ҳаммаси ҳам керак. Агар бирон бармоғим огриб, яра чиқиб қолса ҳамки — барибир керак. Ишлаш учун уни даволайман.

— Агар мен кетиб қолсам, Қоролга ачинганчалик ачинмас эдингиз-а, тўғрими?

— Сен учун ҳам, Король учун ҳам баробар жавобгарман.

Репин индамайди, қошларини чимириб алланимани ўйлайди, кейин бир қарорга келгандек, бепарволик билан

— Мен уни яқинда кўрдим,— дейди.

Қўлимдан белкурак тушиб кетди:

— Қаерда?!

У менга тикилиб қарайди:

— Айтмабмидим, кўрдингизми... Ҳазиллашдим, Семён Афанасьевич, ҳеч қаерда кўрганим йўқ.

Шу қадар ҳовриқиб кетганим, белкурагимни ташлаб юборганим жуда алам қилди.

— Бўлди,— дедим Сергей билан Павлушкага улар бўш замбилни олиб келишганида.— Қўлларингизни ювинглар—овқат вақти бўлди!

Репиннинг кўзлари мени тинимсиз таъқиб этади. Қаёққа бормай, нима иш қилмай, мендан кўзини ўзмайди. Репин кузатиб юради, кетсаммикан ёки қолсаммикан, деб ўйлайди. Қолсаммикан ёки кетсаммикан? Кетай деса кибр-ҳавоси йўл қўймайди. Ростини айтганда, бу ерда қилинаётган ишлар уни тутиб турибди. Яна шуниси ҳам борки, у тўғрида яхши фикрда бўлишимни хоҳлайди. Унга шу керак. Нега шундайлигини билмайман-у, лекин ҳар ҳолда унга шу керак.

Бир куни Ленинграддан қайтаётганимда станциянинг ярим йўлида уни учратдим.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Сизни кутгани чиққан эдим.

— Навбатчи командир рухсат бердими?

— Бугун Колишкин наватчи.

Бу билан у «шу Колишкиндан сўраб ўтирармидим» демоқчи.

— Юр, бўлмасам.

— Портфелингизни менга беринг.

— Йўқ, оғир эмас. Яхшиси, мана бу қоғозни ол. Фақат эҳтиёт бўл, эзиб юборма — газета учун ватман қоғози олиб келяпман.

Кетяпмиз. Дарахтлар шамолда шувиллайди. Кечаси ёмғир ёғса керак.

— Анчадан бери сўрамоқчи бўлиб юраман: пионерлар келганда «Ташландиқ бечораман» ашуласини айтишни таклиф қилганимда жуда жаҳлингиз чиқдими?

— Нега жаҳлим чиқсин? Йўқ. Аччиғеланишнинг нима кераги бор? Бу ерда илгарилари боқимсиз бўлган болалар яшашини ҳамма билади. «Ташландиқ бесчораман» бўлса бу боқимсизларнинг энг севган ашуласи. Жаҳлим чиққани йўқ, фақат... сенга нима десам экан-а... Батъида шундай бўлади: одам, бсихтиёр, ўзи ҳақида хаёлига келмаган нарсани айтиб юборади. Ўша куни сен тўғрида илгари билмаган нарсани билиб олдим.

— Ёмон нарсани?

— Бошқалар қувонганда ичинг қоралик қилишини билдим. Одамларнинг кайфини бузиб, дилини сиёҳ қилишини севишингни сездим.

— Нега бўлмасам Король болалар уйидан кета туриб горни олиб кетди?— деди у, гўё шу билан менга жавоб бергандай.

Сал бўлмаса тақатақ тўхтаб қолаёздим, лекин ўзимни тутдим.

— Король горни олиб кетганига ростдан ишонасанми? — деб сўрадим хотиржамлик билан.

— Сиз ишонмайсизми бунга?

— Сира ишонмайман.

— Горни қаёққа кетади бўлмасам? Учинб кетмагандирку, ахир!

— Билмадим. Қаёққа кетганини билмайману, лекин Король олиб кетган дея олмайман.

— У сира ўғирлик қилмаган, деб ўйлайсизми?

— Мен бу ҳақда ўйламаганман ҳам, ўйлашни истайман ҳам. Король мен таниб-билмасимдан илгари нима қилган — нима қўйгани билан ишим йўқ. Уни мен март ойида учратганман. Бу ерда аҳвол жуда оғир, жуда ёмон пайтида у ҳаммамизга ёрдам берди. У ўйлаб нетиб ўтирмасдан, жон-дили билан ёрдам берди.

— Нега кетди бўлмасам?

— Арзимаган бир алам унга катта ҳақиқий ишдан муҳимроқ бўлиб туюлгандир балки.

— Бундан чиқди у ҳам кўзлаб юрган экан-да?

— Нега «у ҳам» деясан? Яна бошқа ҳам борми?

— Йўқ. Ўзим шундай.

Ана ёмғир ёға бошлади. Мен ўйимни ўйламасимда-поқ, майда, жигингга тегадиган ёмғир савалай бошлади. Лекин Андрей жунжикмади ҳам, қадамини тезлатмади ҳам. У йўл-йўлакай, индамасдан қўйлагини ечиб, ватман қоғозини унга ўраб олди. Майли, ҳеч нарса бўлмагандек

кетаверайлик-чи. Бўйнимга тегаётган муздек томчиларга парво қилмай, суҳбатимизни давом эттираман.

— Шундай де? Ҳа, майли. Балким у аччиқ устида кетмига кетиб қолиб, энди пушаймон еб юргандир. Лекин қайтиб келай деса, иззати нафси йўл қўймаётгандир.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Ҳа. Мен шундай деб ўйлайман.

— Инсон учун энг муҳими — эркинлик. У шу эркинлик деб кетди. Мен шундай деб ўйлайман.

— Бу фикрингни аллақачон айтгансан менга. Шифр билан тушунтиргансан. Ўғирлик қилиш, карта ўйнаш, ҳам одамларга, ҳам ўзингга ўзинг бахтсизлик келтириш, сен айтган озодлик шуми? Сенингча эркинлик шу бўладими?

Андрей ранги қув ўчиб:

— Эркинлик — одам ўзига ўзи хўжайини дегани! — деди қизишиб, худди муқаддас бир нарса ҳақида гапиргандек.

— Жек Лондонни ўқийвериб, хаёлпараст бўлиб қолганга ўхшайсан, назаримда. Сен айтган эркинликни бошимдан кечирганман-ку, ахир. Мен кўрган кунни биттанг ҳам кўрмагансан, мен юрган йўлдан биттанг ҳам юрмагансан. Уша сен айтган эркинликни яхши биламан — ҳеч қачон, эшитяпсанми, ҳеч қачон ўша ҳаётга қайтишни ис-тамайман. Бу ҳайвоний эркинлик, ақли-ҳуши жойида бўлган киши бунни ҳавас қилмайди. Шундай деб гапиришга ҳаққим бор. Тушундингми?

У жавоб бермади. То Берёзовая полянагача гаплашмасдан бордик.

Екатерина Ивановнанинг оиласи

Екатерина Ивановнани кузатиб юраман. У боргай сайини менга ёқади.

«Севишни билмоқ — ҳамма нарсани билмоқ демакдир» деган эди Чехов. Екатерина Ивановна ҳамма нарсани билади. Болаларнинг биронтаси ҳам уни қийнамайди. Чунки у севади.

Муҳаббат ва дўстлик — қучоқлашиш, ўпишиш, шприн сўзлар айтиш эмас. Дўстлик кишига бўлган ишонч ва ҳурматда билинади. Антон Семёнович бизга чинакам ишонар-

ди. Гап кечаги каллакесарга аввал беш юз сўмини, кейин икки минг сўмини ишонинида эмас. Йўқ, муҳими — сенига умумий мақсад, умумий иш учун жон куйдиришни, жавобгар бўлишни ишонишарди.

Екатерина Ивановна Антох Семёновични билмас, уни ҳеч қачон кўрган эмас эди-ю, лекин худди ўшандай иш тутарди. Мен учун энг муҳими ана шу эди. Ахир мен шу вақтгача фақат битта педагогик коллективни кўрганман — у ҳам бўлса Горький номли колониядаги, кейин эса Дзержинский номли коммунадаги коллектив эди. Энди мен янги одамлар билан, янги ўқитувчилар билан учрашдим. Мен уларнинг бир-бирига сира ўхшамаслигини, характерлари бошқа-бошқалигини, лекин болаларга нисбатан бўлган муносабатларида энг муҳим, умумий бир нарса — ҳурмат ва ишонч борлигини: ҳар бирининг ўзига хос яхши томони борлигини кўраман. Кўрмас экансан — қидир.

— Семён Афанасьевич, эсингиздами,— деди менга Екатерина Ивановна.— Горькийнинг асарида Васька Пегел шундай деган эди: «Ҳамма ҳамма вақт менга: Васька ўғри, ўғривачча Васька деди... мен балки, аламиндан ўғирлик қилаётгандирман... мени бошқача аташ ҳеч кимнинг ҳаёлига келмагани учун ўғриман...» Бу жуда тўғри! Одамнинг ёмонлигига кўникиб кетиш ярамайди. Шунга ишонч ҳосил қилдингми — тамом.

Екатерина Ивановнанинг ҳаётини яхши билмас, суриштиришга уялардим. Бир кун ҳовлимизга орқасига рюкзак осган қирқ ёшлар чамасидаги киши кириб келди. Мен ҳовлида катта ёшдаги бир группа болалар билан суҳбатлашиб ўтирган эдим. Биз бехтиёр гапини тўхтатиб, нотаниш кишига савол назари билан қарадик. Юзини шамол ялаган, қоши ва рюкзаги офтобда куйган. Қийим-боши чанг,— узоқ йўлдан келган бўлса керак,— эгни-бошидаги чанг станциядан уйимизгача бўлган масофада ёпишган чанг эмас, балки, кўп йўлларнинг чанги эди.

— Мен, Екатерина Ивановна Артёмьеванинг укаси-ман,— деди яқинроқ келиб ҳалиги киши.— Кўрсам бўладими?

— Бўлмасам-чи! Мумкин албатта.

Шу замон оқ аллаким югуриб бориб, Екатерина Ивановнани чақириб келди. Биз унинг шошиб-пишиб, борган сайин қадамини тезлатиб, узоқдан укасининг юзига қувонч билан тикилиб келаётганини кўрдик. У ҳам Екате-

рина Ивановнага пешвоз чиқди. Екатерина Ивановна унинг елкасидан келарди. Укаси энгашиб, қучоқлашиб кўришди.

Уларнинг теварак-атрофидагиларини кўрмай бир-бирига ошиқчишларидан кўндан буён кўришмаганликларини сезилиб турарди.

Владимир Иванович Артёмьев опасиникида фақат бир кун турди. У Ленинградга йўл-йўлакай тушган, неча йиллардан буён геологлик қилаётган Қозоғистонга қайтарди. Биз уйига эртароқ қайтишини қанча илтимос қилсак ҳам Екатерина Ивановна рози бўлмади, вазифасини ҳар вақтдагидек ўтади. Лекин биз Екатерина Ивановнанинг болалардан, болалар уйдан бошқа нарсага ҳам берилиб кетишини биринчи бор кўрдик.

Орадан икки ойга яқин вақт ўтгач яна бир нотаниш киши келди. Бу гал унинг қўлида чамадон, эгнида енгил плашч эди.

— Мен Екатерина Ивановна Артёмьеванинг укаси-ман. Кўрсам бўладими?— деб сўради у.

Ҳаммаси ўтган галгидек бўлди: Екатерина Ивановна севиниб унга пешвоз югурди. У ҳам жилмайганча Екатерина Ивановнага пешвоз чиқди. Бир-бирларини кўпдан буён кўрмаганлари, кўриб жуда севинганлари сўзсиз ҳам маълум эди. Бу укаси врач экан, Қримда, Никитский боғига яқин ерда ишлар экан.

Орадан бир қанча вақт ўтгач яна бир киши келиб, Екатерина Ивановнани сўраганда, Жуков остонадаёқ у киши гапини тугатмасдан:

— Укаларни бўлсангиз керак?— деб сўраган.

— Ҳа,— деб жавоб берган у.— Шунақа ўхшаш экан-мизми?

Бир кундан кейин мен уни станцияга кузатиб қўяётганимда Борис Иванович менга, Екатерина Ивановна оиланинг тўғичи эканлигини, оналари ўлиб кетгач, олти укага оналик қилганини айтиб берди.

— Ҳаммамиз бир-биримиздан ёш эдик: каттамыз ўн бешда, кенжамиз уч яшар эди. Катянинг ўзи ҳам энди-гина ўн тўққизга кирган эди. Ҳеч гапирмаганми сизга?— Ҳа, айтмоқчи у ўзи ҳақида гапиришни ёмон кўради... Шундай қилиб бутун умрини бизга бағишлади. Едирди, кийдирди, ўқитди. Каттамыз оёққа тургач, унга ёрдамлашди. Шундай қилиб бири ўқиб одам бўлади, кейин бошқаларига қўл чўзади. Лекин Катя... ўзи ёш қиз бўла

туриб ҳамма вақт уйда қолиб кетарди, супуриб-сидирарди, тарарди, тозаларди, ҳаммамизнинг киримизни юварди. Ҳам ўқирди. Ўқитувчиликни азалдан яхши кўрарди. Бир вақт шундай бўлган эди. Унга ўрмон хўжалигида ишларни таклиф этишди. Моянаси яхши эди, ҳали ҳам эсимда. Рўзгордан жуда қийналган вақтларимиз эди. Отам қулдек ишларди, ҳар ҳолда жўжабирдек жонимиз... Катя ўлганининг кунидан рози бўлди. Ёз ўтди, сентябрь келди. Бир кун Катя уйга йиғлаб кириб келди: «Болаларнинг китоб-дафтар кўтариб, мактабга кетаётганини томоша қилиб ўтира олмайман...» деб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Ушанда отам: «Ўзингни ўзинг қийнама, болам, мактабга қайта қол. Бир кунимизни кўрармиз» деди. Шунақа гаплар. Катя — биласизми...

У нима десам экан, деб сўз қидирди-да:

— Катя — биласизми, у — одам... — деди.

Шу уч меҳмон келиб кетгач, Екатерина Ивановна биронта кўпни кўрган одамнинг фикрини далил қилиб келтирмоқчи бўлса болаларга шундай деб қўярди.

— Менинг врач укам шундай нарсани бошидан кечирган... Геолог укам шундай бир воқияни ҳикоя қилган... Инженер укам...

Унинг яна бир укаси — денгизчи капитан, яна бир укаси — завод директори эди. Ҳамма укалари мамлакатимизнинг турли чеккаларида яшар, ҳар тарафдан Екатерина Ивановнага хатлар келарди. Унга навбатдаги конвертни келтираркан, болалар:

— Екатерина Ивановна, укангиздан хат келди, — дейишарди ишонч билан.

Кейин:

— Қайси биридан экан? — деб сўрашарди.

Бир кун станция томондан ўнтача йигит-қиз келиб, яланглигимизда тўхтади. Ҳаммалари ёзлик енгил оқ кийимда, офтобда пишган, бақувват йигит-қизлар. Биз дарвозага яқин ерда қизиқсиниб уларга қараб турардик.

Сочини ўғил болача қилиб олдирган қиз:

— Екатерина Ивановна Артёмьева шу ерда ишлайдими? — деб сўради биздан.

Буларни ҳам Екатерина Ивановнамизнинг укалари ва сингиллари бўлса керак деб ўйлаган Петька:

— Вой художандо! — деб юборди.

Петька аслида художўй эмас эди, у ҳеч нарсадан тап тортмасди, лекин бундай катта онла, уни жуда ҳайрон қолдирган эди.

Кейин билсак бу йигит-қизлар Екатерина Ивановнанинг собиқ ўқувчилари — мактабдаги сўнгги битирувчилари экан. Уларнинг баъзилари ҳозир рабфакда ўқир, баъзилари учинчи курс студентлари, бошқа бирлари заводда ишлашар экан. Екатерина Ивановна шўх, хушчақчақ йигит-қизлар орасида кўмилиб кетди. У ҳаммасини яхши эслар, исми-фамилиясини атаб чақирар, уларнинг ҳар биридан ота-онасини, ака-укалари, опа-сингилларининг ҳол-аҳволини суриштирарди.

— Мактабни бутунлай ташлаб кетдингизми?— деди бояги ўғил болаларникига ўхшатиб соч қўйган қиз ачиниб.

У кўрган замоноқ Екатерина Ивановнанинг биллагидан ушлаб олганича ҳамон қўйиб юбормас эди.

— Нима бўпти? Бу ерда ҳамма нарсам бор: оилам ҳам, мактаб ҳам.

26

„Иккига бир қўшилса...“

Мактабларда синфдан синфга ўтказиш имтиҳонлари тамом бўлди. «Ленинские искры» газетаси аълочи ўқувчилар, ўзлаштириш юз процент бўлган синфлар ва имтиҳонга яхши тайёрланмаган синфлар ҳақидаги ахборотлар билан тўлган эди. Биз эса яқун ясай олмас эдик. Яқун ясайдиган ҳеч нимамиз йўқ эди — биз келажак ҳақида, янаги куз ҳақида ўйлашимиз ва зимдан тайёргарлик кўришимиз керак эди.

Екатерина Ивановна худди шундай қилди. У Стеклов ва Володиннинг энг кичик болалардан иборат отрядидаги ҳар бир бола ўқиш-ёзишни, ҳисоблашни қанчалик билишидан аллақачон хабардор эди. Бошиданоқ Жуковнинг отрядига нотўғри тушиб қолган Петьканинг маълумоти қанчалик эканигача билиб олган эди. Екатерина Ивановна махсус текшириш, алоҳида имтиҳон ўтказмади. Бир қуни оқшом паллада болаларга Тургеневнинг «Бежин ўтлоғи» китобини ўқиб бераётиб, Лёня Петровга мурожаат қилганини эшитдим:

— Энди бирпас сен ўқиб тур, унгача мен дам олай, чарчадим...

Лёня ўзини йўқотиб қўйди:

— Йўқ, қўйинг, Екатерина Ивановна! Мен билмайман... Жуда ёмон ўқийман...

— Ўқийвер, ўқийвер. Томоғим бўғилиб кетди. Ўқийвер, биз эшитайлик.

Леня қизариб, уялганидан терлаб-пишиб, Тургеневнинг узун ва равон жумлаларини ҳижжалаб ўқий бошлади.

Уч минутча тинглагач, Екатерина Ивановна Леняга раҳм қилди:

— Майли, энди дам ола қол. Павлуша энди сен ўқи — Павлуша Стеклов анча дадилроқ ўқий бошладди — у бурро-бурро қилиб, ҳатто ифода билан ўқирди.

— Арифметикани билмаган одамнинг аҳволига вой! — деганини эшитдим, бошқа бир куни. — Ахир арифметика ҳар қадамда керак бўлади-я. Ҳатто ёввойи одамлар ҳам ҳисоблашни билишган. Бирон сонни айгмоқчи бўлса, табиятда фақат шу сонда учрайдиган нарсаларни кўрсатган. Ҳа, тушунмаянсизларми? Ҳозир тушунтираман. «Бир»ни қандай гапирган? Ибтидий одам «бир» демоқчи бўлса: «ой» деярди — нимага десаңгиз ой фақат битта. «Икки» демоқчи бўлса, «кўз» деярди...

— Тўғри! Кўз атиги иккита бўлади-да! — деб қичқирди Петька топганидан ҳам гердайиб, ҳам ҳайрон қолиб.

— «Тўрт» демоқчи бўлса — «шер» деярди.

— Нимага деганингизда оёғи нечта? Тўртта! — деди аллаким овозини баланд чиқариб.

— Учни-чи? — деб сўради кичик Стеклов.

— Ана шуниси қийинроқ эди. Иссиқ мамлакатлардан: «туяқушнинг оёғи» дейишган. Нега деганда туяқушнинг оёғида атиги учта бармоқ бор. Туяқуш яшамайдиган ерларда одамлар нима қилишларини билишмас эди...

Екатерина Ивановна аста-секин, қадамба-қадам ўқишга қизиқтириб қўйди. Болалар эса ўқишни бошлаб юборганларини ўзлари ҳам сезмай қолишди!

Бир куни кечга яқин Екатерина Ивановна кичкиналарнинг ётоғида ўтириб:

— Менга қаранглар, то шу пайтгача сизларга мен турли масалалар бердим — энди сизлар менга масала беринглар, — деди.

— Қани бирон масалани ўзларингиз ўйлаб топинглар-чи.

— Ҳўй-йлаб тошинглар?

— Биз билмаймиз!

— Биронта ҳам масалани кўрмаяпсизларми? Наҳотки? Теварак-атрофингизда тўлиб-тошиб ётибди-ку, масала.

Болалар Екатерина Ивановнанинг нима демоқчи бўлаётганини тушуна олмай, теварак-атрофга аланглашди. Ёки ҳазиллашаётганмикан? Екатерина Ивановна ўрнидан туриб, кроватларни, ёстиқ ва тумбочкаларни ушлаб, хонада у ёқдан-бу ёққа юради:

— Қаранглар, мана масала, бу ҳам масала, буниси ҳам масала, битта эмас, иккита масала. Қани, Павлуша бу ёққа кел. Мана бу кроватларни санаб чиқ-чи.

— Бир... икки... еттита экан, Екатерина Ивановна!

— Бу қаторда-чи?

— Бир... икки... уч... тўққизта!— дейди Павлуша.

— Топдим, топдим!— қичқиради Лёня.— Бир қаторда еттида кровать бор эди, иккинчисида тўққизта...— у худди нафаси етмагандек бирдан жим бўлиб қолади.

— Кейин-чи?— деб сўрайди Екатерина Ивановна.— Шу билан масала тамомми? Шуми?

— Йўқ, тамом эмас!— деб қичқиришди болалар бири бирига гал бермай.— Иккала қаторда нечта кровать борлигини билиш мумкин!

— Бизнинг қаторда нечта кровать ортиқлигини ҳам билиш мумкин!

— Жуда соз. Келинлар энди бошқачасини бошлаймиз. Мана, мен ёзиб тураман. Ҳаммага-кўринадими?— Екатерина Ивановна бир варақ қоғозга йирик-йирик қилиб, 26+12 деб ёзди.— Энди шу рақамларга масала ўйлаб топинглар.

— Биз уларга йиғирма олти тўп киритдик, улар бизга ўн иккита— ҳаммаси бўлиб қанча тўп киритилди?— дейди ҳовлиқиб Петька.

— Эҳ сеин қара-ю! Ҳаммаси бўлиб қанча дейилармишми? Бизники қанча ортиқ дейиш керак!— деб қичқиради Вася Лобов.

Кейинчалик болалар ошхонага бораётганларида ҳам Екатерина Ивановнага:

— Екатерина Ивановна! Мана, яна битта масала! Мана, яна биттаси!— дейдиган бўлишди.

Кечки овқат пайтида ҳам жим ўтириша олмас: та-

релкаларни, қошиқларни, бурда ноиларни, ҳатто компотдаги меваларгача санашар ва шу ернинг ўзидаёқ масала тўқишарди.

Бора-бора Екатерина Ивановна ҳамма болаларни ўйлашга, масала ўйлаб топишга, фикр юргизишга ўргатди. Екатерина Ивановна болалар оддий масалаларни тез ва тўғри ечишларига ишонч ҳосил қилгач, тобора мураккаб масалалар бера бошлади. Болалар масала ва мисолларни зўр қизиқиш билан ечишарди. Чунки Екатерина Ивановнанинг ўзи ҳам арифметикани жондан севар, берилиб шуғулланарди. Йиллар ўтгани билан ундаги бу ҳавас, қизиқиш сўнмаган эди. Менингча у ҳамма вақт бир нарсани такрорламас, ҳар гал янги-янги йўللار ахтарарди.

Бир кун Вася Лобовнанинг ҳовлида дини-дининг сакраб, аллақандай шеърни айтаётганини эшитиб қолдим. Унинг «хам қил» «еч» дегани қулоғимга кириб қолди.

Екатерина Ивановнага дуч келганимда ҳам юзимдан ҳайронлик ифодаси ҳали кетмаган бўлса керак, мени кўриши билан:

— Ўзи нима гап, нега ҳайрон бўлиб турибсиз, Семён Афанасьевич?— деб сўради.

— Лобов алланарсалар деб кетаётган экан, алланимани ҳам қилишни тавсия этаётган экан, тушунолмай қолдим.

Екатерина Ивановна кулиб юборди:

— Хам қил эмас, ҳал қил деган. Мен уларга Магницкийнинг биринчи рус арифметика дарслиги ҳақида гапириб берган эдим. Баъзи ерлари шеър билан ёзилган. Болаларга жуда ёқиб қолди.

Екатерина Ивановна табассум билан Васька айтиб кетаётган шеърни декламация қилиб берди:

Иккига бирни қўшса — уч бўлар,
Учга иккини қўшса — беш бўлар.
Демак, ҳамма — гапга қулоқ сол,
Карра жадвалини билиб ол!

Орадан бир неча кун ўтгач, Екатерина Ивановна менга:

— Кичкинтойларнинг ҳаммаси арифметикадан иккинчи группага тўғри келади,— деди.— Ўқишдан мазалари йўқ, лекин ёзи билан ўргатиб оламан. Қатталарни нима қиламиз?

Катталарнинг аҳволи чатоқроқ эди. Арифметикадан уларни Алексей Саввич бирма-бир текшириб чиқди, рус тилидан Галя билан Софья Михайловна текширди. Ўттизтача бола учинчи группага зўрға яради, йнгирматчаси тўртинчи группага, ўнтача бола зўрба-зўр бешинчи группага ярар эди. Шулар орасида Жуков, Подсолнушкин ва Володин бор эди. Володинни ҳеч вақт қобилиятли, зеҳни ўткир ҳисобламас эдим. Кейин билсам у яхши ўқир, саводли ёзар, масала ечишга ҳам уста экан. Катта болаларнинг кўпчилиги, ҳатто ўн тўртга кирганларидан Суржик ва Қолишкин каби болалар ҳам учинчи синфга зўрға яради. Уларнинг Петька билан бир қаторда ўтиришларини тасаввур қилиш жуда қийин эди.

Тарих, ботаника ва немис тили каби фанлардан катталар ҳам, кичиклар ҳам — ҳамма бараварига саводсиз эди. Болаларнинг географиядан олган билимлари... аниқроқ қилиб айтсак... бир томонлама эди. Суржик Грузияни яхши биларди — у вагонларнинг томида ёки, аксинча, вагон остидаги қутиларда саёҳат қилиб юриб, бу серқуёш ўлкани ўрганган эди. Подсолнушкин Марказий — Қоратупроқли областни яхши биларди: Орловшина, Воронеж ва Курск ўлкаларида Подсолнушкин ҳеч бўлмаганда икки-уч кун яшамаган болалар уйи топилмас эди. Репин мамлакатимизнинг кўпгина йирик шаҳарларида бўлган. У фақат Ленинград ва Москва ҳақидагина эмас, Киев, Харьков, Тифлис, Минск ва Севастополь шаҳарлари ҳақида ҳам сўзлаб бериши мумкин. Аммо кўпчиликнинг ўтмиши бу хил саёҳатларга бой бўлмаган ва у болалар уйидан, бу болалар уйига кўчиб юриш географиядан бўлган билимларига билим қўшмаган эди.

— Кам-кўстини машғулот давомида тўлдирамиз, — дерди Софья Михайловна. — Баъзи нарсаларни олдиндан, ҳозирданоқ ўрнини тўлдирсак яхши бўларди. Уйлаб кўриш керак...

27

Ёзлик боғда

Ленинградга тез-тез бориб турардим. Шаҳар маориф бўлимида педагогик институтни тугатганларни оёлаб анча-анча ўтирардим. Мен бирон одамни Берёзовая поля-

нага юбормасларидан бурун у билан юзма-юз очиқчасига гаплашиб олмоқчи эдим. Агар ишга юбориб қўйсалар, кейин гаплашиб ўтириш кечлик қилади. Менга шунчаки «юборилган» одамлар эмас, жон-дили билан борадиганлар керак эди.

Педагогик коллективимиз кундан-кунга кучайиб борарди. Эрталаблари мен қувончга тўлиб уйғонадиган бўлиб қолдим. Ўрнидан турардим: бугун қандай яхши иш бўларкин? — деб ўйлардим. Ҳа, эсимга тушди: Алексей Саввич! Екатерина Ивановна! Бу қуруқ сўзгина эмас, мен уларнинг ёрдамини доимо ҳис этиб турардим. Мен Екатерина Ивановнани болалар қуршовида ёки Алексей Саввични устахонада тасаввур этаман — шунинг учун ҳам эрталабданоқ кун яхши ўтади деб кўнглим тўқ бўлади. Агар лозим бўлса, бир кеча-кундуз ҳам кетиб қолишим мумкин — хавотирланмай, беташвиш юраверишим мумкин.

Уша иссиқ июнь кунларининг бирида Костикни ҳам бирга олиб жетдим.

— Оёғига ботинка олиб бер, — деб тайинлади Галя. — Яхшилаб ўлчаб кўр, сиқиб юрмасин. Леночкага ҳам худди шунақасини ол.

— Бўлмасам, Леночкани ҳам олиб кета қолай.

— Биттасини эпласанг ҳам катта гап. Икковининг размери бир. Қачон кутиб олай?

...Костик кўз олдимда, вагонда ўтирибди. Кўзлари катта-катта очилган — демак, янги таассуротларга берилган. Балким уйқисн келиб қолгандир — уйқисн келганда унинг ҳам, Леночканинг ҳам кўзи бойўғлиникидек катта-катта бўлиб кетади. Нимаики кўраётган, эшитаётган бўлса ҳаммаси Костикнинг юзида намоён бўлиб туради. Унинг нима ҳақда ўйлаётганини юзига қараб билса бўлади.

— Дада! Ленинградда ботинка сотиб оламинми?

— Оламин!

— Ленинградда Леночкага ҳам ботинка сотиб оламинми?

— Леночкага ҳам оламин.

— Чарм ботинка оламин-а?

— Яна қанақаси бўлади?

— Менга чарм ботинка керак.

— Чармидан оламин.

— Дада, тиззангизга ўтирайми?

— Майли, ўтира қол.

У тиззамга жойлашиб ўтириб олади-да, истагимга эришдим дегандек мамнуният билан хўрсиниб қўяди. Кейин юзини ойнага тирайди. Бурни ялпайиб кетади.

— Эҳтиёт бўл, Костик, деразани синдириб қўясан.

— Нима, жинни бўлибманми?— деб эътироз билдиради ва унинг жавобини эшитиб хохолаб кулиб юборган қизга ўқрайиб қарайди.

— Нимаси кулгани?..— дейди секингина у бурнини деразага тираб. Кейин боягидан ҳам секинроқ, шивирлаб қўшиб қўяди:

— Ана холос!

Таниш сўзлар! Павел Подсолнушкиннинг сўзлари. Павел камгап бола. У «ана холос» деган шу икки сўзни ҳар хил оҳангда айтади. Бу сўзлар талаффуз этилиш оҳангига қараб унинг ғазабинини, ҳайрон қолганини, ўпкалаётганини ва норозилигини билдиради.

— Костик!— дейман мен тартибга чақириб.

Костик нима демоқчи бўлганимни фаҳмлаб, индамайди. У кулағон қизга ортиқ парво қилмайди. Қиз унга ола-була қоғозлик кочфет узатади, лекин Костик бошини сарак-сарак қилиб рад этади.

— Димоғини қаранг-у!— дейди қиз ва яна кулади.

Костик деразага қарайди, мен Костикка. Унга тикиламан-у, лекин хаёлим бошқа ёқда.

Энди мен кечалари хотиржам ухлайман. Даставвал мен ҳам, Алексей Саввич ҳам, Екатерина Ивановна ҳам ухлагандек бўлмас эдик, ҳар дақиқа эшикни тақиллатиб келишлари, бирон бола дўппосланган, биронтаси қочиб кетган, алланима ўғирланган, бузилган, синдирилган бўлиши мумкин: ҳатто ишлар аста-секин юришиб кетаётган вақтларда ҳам, на кечаси ва на кундузи тиним билардик. Мана энди қаттиқ ухлайдиган бўлдим.

Кеча кечқурун кабинетимга Суржик кириб келди-да, индамасдан столимга ўттиз сўм пул қўйди.

— Бу қанақа пул?

— Портсигарнинг пули.

— Қанақа портсигар?

— Ушанда... эсингиздами? Ҳамёнингизда юз сўм бор экан. Қолганини, кейинчалик қайтиб бераман, яна ўйламанг-ку. Ҳозирча шуни...

— Ҳа-а, шундай де. Раҳмат, раҳмат. Бор, бундан кейин бунақа иш қилма.

— Есть бунақа иш қилмайман!— деди у форма бўйича жавоб бериб.

У эшикка етган ҳам эдики:

— Шошма. Бу пулни қаердан олдинг?— деб сўрадим.

У шартта ўгирилди. Юзи қип-қизариб кетган. Елбориб боқувчи, ғазабга тўлган кўзларини иккинчи бор кўришим. Кўзига ёш тўлиб, йиғлаб юборай деб турибди:

— Семён Афанасьевич!— дейди у кўкрагига уриб.— Ун бешинчи майда туғилган куним бувим етти сўм юборган экан. Уша пулдан олти сўм турган эди. Репни ўн сўм қарз эди. Беш...

— Хайр, майли. Боравер.

— Йўқ, нега сиз...

— Хафа бўлма тагин, мен шунчаки билмоқчи эдим. Боравер, Суржик.

Хато қилдим. Сўрамаслик керак эди.

Кўп-кўп хато қиляпман, мен буни биламан. Узингни қуршаган турли характердаги одамлар олдида ўзини йўқотиб қўйишлик жуда хавфлидир.

Ёзган хатларимда Антон Семёновичдан у ёки бу ҳодиса юз берганда нима қилишим керак, деб сўрасам у, «Уша кун сиз томонда ҳаво қанақа бўлганини билмайман» деб жавоб берарди. Бу: ҳаммаси шарт-шаронтга, ҳол-аҳволга боғлиқ— ҳаммасини ҳисобга ола билиш, ҳаммасини кўра билиш керак демакдир. Бу ишда икир-чикир бўлмайди, ҳаммаси муҳим. Тўғри. Лекин баъзан назаримда худди ана шу икир-чикирлар орасида кўмилиб кетадигандек кўринаман. Улар кўпчилик, мен бўлсам қайси иш муҳимроқ эканини, қайси ишни олдинроқ бошлаб, қайси бирини кейинга суриш мумкинлигини ажрата олмайман.

— Дада,— дейди, Костик,— қулоғингизга бир нарса айтиман: бояги конфетни егим келяпти. Қизил конфетни.

Ўгирилиб қарайман. Бояги қиз йўқ— улар қайси станцияда тушиб қолганларини ҳам сезмабсиз.

— Иложимиз йўқ, Костик. Берганда олиш керак эди.

— Нега ўзи кулди бўлмасам?

Вокзалдан у ёғига Костик билан пиёда кетдик. Соз! Ленинград кўм-кўк безанган. Шаҳар ёшариб кетган. Тик кетган кўчалар ўша март ойидаги каби кўринмайди. Зангори осмон дарё қирғоқларидаги харсанглари ита-

риб тўнкарилиб ётганга ўхшайди, Нева шовиллаб оқадди. Ҳали жуда эрта, пиёда борса ҳам бўлади. Қандай яхши! Шундай тонг пайтида бу ажойиб шаҳарни томоша қилиш қандай соз. Ўғлингни етаклаб, унинг узун киприклари соя солиб турган дўмбоқ, қип-қизил бетига тепадан қараш қандай роҳат. Костик мен билан барабар қадам ташлашга уринади, лекин ҳар одимим унинг икки одимига тўғри келади.

Шаҳар маорифи бўлимининг вестибюлида уни хушмуомала гардеробчи аёл ихтиёрида қолдираман. Аёл ташвишланмаслигимни тайинлаб Костикни олиб қолади. Биз Костик билан эркакчасига ҳам келишиб оламиз: у мен ишимни битириб чиққунча тўполон қилмасдан, пойлаб ўтиради. Кейин икқовимизнинг ишимизни битирамиз.

Бугун шаҳарда ишимиз кўп, мен шаҳар маорифи бўлимига кириб чиқишим керак, кейин ботинка, рассомларимиз учун кист ва бўёқ сотиб олишимиз лозим. Ундан ташқари Ёзлик боққа кириб Криловнинг ҳайкалинини кўрамиз деб ваъда бериб қўйганимга ҳам анча бўлган. Орадан бир ярим соат чамаси ўтказиб қайтиб чиққанамда гардеробчи аёл Костикдан жуда хурсандлигини айтади, Костик бўлса ўзидан-ўзи жуда мамнун эди: у сўзининг устидан чиққан — ҳеч қаёққа кетиб қолмаган, зерикмаган, жим ўтирган, йиғлашни бўлса хаёлига ҳам келтирмаган эди. Харидни йиғиштириб қўйиб, олдин ваъда қилинган Ёзлик боққа олиб боришим керак эди.

Кўприк устида борамиз. Кўприк остида Нева оқмоқда. Тўхтаб, пастга қараймиз. Гулхан алангасига, оқаётган сувга узоқ, тўхтовсиз қараб туриш мумкин. Кейин Костикка қарайман — қиёфаси жиддий, у ҳам сувга қараб турибди. Нимани ўйлаётган экан?

— Юр энди, — дейман унга.

Яна йўлга тушамиз, мен бир қадам ташласам, Костик икки қадам ташлайди. Кўприкдан ўтиб Нева бўйидаги кўчадан кетамиз. Чапда Нева, ўнгда Ёзлик боғининг панжараси. Боғ ичкарисиди оқ ҳайкаллар, дарахт япроқлари офтобда жилваланади. Ҳеч ким йўқ. Балки ҳали вақт эрта бўлгани учун шундайдир.

— Костик, қара, ҳув ана-а, ҳайкал...

Гапимни тугатишга ҳам улгурмайман.

— Ҳайкал! Ҳайкал! — Костик қўлимдан отилиб чиқиб, югуриб кетади.

Яқинроқ боргач унинг юзида бояги ўйчанликдан асар қолмаганини кўраман... у жилмаяди, кўм-кўк кўзларида, лабида, кулгичларида, ёноқларида табассум ўйнайди. Костик икки қўллаб панжарани ушлаб, оёғининг учида турарди: унинг овози ва кулгиси бутун боғда жаранглаётгандек туюлади:

— Қаранг! Қаранг! Турна! Тулки ҳам бор экан! Вой, думиям бор! В-вуй анавини! Дада, қаранг — хўроз! Ия, мана бу нима? Жуда қизиқ-а? Маймунми? Нима қияпти? Дада, Лёночкани ҳам олиб келамизми? Дада, Лёночкани деяпман!

Биз томоша қилиб тўймаймиз. Ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам жуда кулгили эди. Ҳатто семиз хотиржам, кулгили Криловнинг ўзи ҳам худди ҳақиқий чолнинг ўзгинаси эди.

— Костик, юр энди!

— Шошманг! Яна бир оз томоша қилайлик.

— Костик, ботинка олмаймизми?

— Дада, яна оз-озгина! Дада, анави айиқми? Мен ҳам ўша ёққа ўтаман, панжарадан ошиб ўтаман...

Бирдан Костик бақрайиб, оғзини очиб қараб қолади. Унга нима бўлди деб, теварак-атрофга аланглайман. Нимани кўрди у? Нима бўлганини англаб етмаган ҳам эдимки, тўсатдан Костик ўнг томонга қараб чолиб кетди.

— Король! — деб қичқиради у овозининг борича. — Король!

Сирень тагидаги скамейкада жулдур кийимда аллаким ўтирарди. Ёнида бир парча газетада булка ва яна алланарса. Ўша одамнинг Короллигини Костик узоқдан қандай қилиб таниганига ҳайронман. Костик югурганича келиб жулдур кийимдагининг тиззасига чиқиб олади-да:

— Король! Король! — дейди ҳовлиқиб.

— Король! — деб чақираман.

У ўрнидан туради.

Мен уни хушчақчақ ва хафа ҳолда, кулгили қиёфада кўрдим. Охирги учрашувимизда мен уни қовоғи солиқ ва ўйчан ҳолда кўрганман. Лекин уни бундай ҳимоясиз ва заиф аҳволда кўрганимни сира эсламайман. Король Костикнинг елкасидан ушлаганича менга хавотирланиб ва ҳайрон бўлиб қарайди. Костик бошини баланд кўтариб Королга жилмайиб қараб туради:

— Қаёққа кетиб қолган эдинг? Энди биз билан кетасанми? Дада у биз билан кетади!

Мен, у биз билан кетадими, йўқми деб ўзимдан сўрашга ҳам улгурмаган эдим. Лекин унинг шу ердалигига, кўриб турганимга ўзимда йўқ шод эдим! Унинг юзидаги ҳайронлик, қўрқув, ташвиш аломатлари аста-секин йўқолиб, ўрнини қандайдир янги ифода эгаллагандек бўларди. У скамейка ёнида қўлини Костикнинг елкасига қўйиб, илгаригидек, тўппа-тўғри кўзимга қараб турарди.

— Саломатмисан,— дедим ниҳоят ва скамейкага ўтирдим.— Разумов қани, Плетнёв қаерда?

— Плетнёв йўқ... Разумов шу ерда. Икковимиз жанубга жўнамоқчимиз.

Унинг сарғиш кўзларида аввалгидек шўхлик, жасорат барқ урди, овози ҳам аввалгидек эркин ва дадил янгради.

— Тезроқ уйга кетайлик,— деди Костик.

Мен индамадим. Король тескари ўгирилди-да, секингина:

— Мен бора олмайман,— деди Костикка қарамасдан.

— Йўқ, кетамиз! Дада, унга айтсангиз-чи!

Король менга шартта ўгирилди.

— Мен бормайман,— деди у шоша-пиша.

— У ерда менинг сизларга нима керагим бор, нега борар эканман энди. Биз жанубга жўнамоқчимиз. Нега қолар эканман энди... Разумов бунга кўпармиди...

— Мен бўлсам,— дедим вазминлик билан,— мен бўлсам Король ё янги қурилишларга қочиб кетган... ё Магниткага деб ўйлаб юрибман... сен бу ёқларда...

Король паришонлик билан менга қаради.

— Қориним очди,— деди тўсатдан Костик.

— Ол, еб ол. Мана бу булкани колбаса билан...— Король шошиб-пишиб чўнтагидан пакки чиқарди-да, газетага артиб, бир бурда нон билан колбасадан кесиб Костикка узатди.

— Раҳмат!— Костик нон билан колбасани иштаҳа билан ея бошлади.

— Семён Афанасьевич,— деди тўсатдан Король,— болалар қандай? Қочиб кетишмадими?

Мен унга тикилиб қарадим:

— Ўзинг ҳам қочиб кетишган деб ўйламайсан. Ҳаммаси жой-жойида. Сен, Разумов ва Плетневдан бошқа ҳеч ким кетгани йўқ.

— Қандай яшайсизлар?



— Мачта ўрнатдик,— деди зўр бериб колбаса кавшаётган Костик.— Пионерлар меҳмонга келиб жетишди. Барабанлариям бор экан. Биз билан баскетбол ўйнашди.

— Йўғ-э?

— Биз ютқиздик.

— Ютқиздик? Катта болалар эканми, Семён Афанасьевич?

— Оддий пионерлар. Ўн уч яшар чамасидаги болалар.

— Бизникилар ютқаздимми?

— Ютқаздишди.

Король афсусланиб гўлдираб қўйди. Бирдан тоқати тоқ бўлди:

— Кимлар ўйнаганди? Жуков — дуруст, Стеклов — яхши... Репин? Репин ҳам ўйнадимми? Шундаям ютқаздишимми?.. Эҳ, аттанг! Володин-чи — нахотки биздан кейин кетмаган бўлса? Отрядга ким командир? Володин? Қўйилман! Янги болалар йўқми?

Король ҳадеб сўрайди, тинмай суриштиради, ҳамма нарсани ва ҳаммани тасаввур этади. У ҳеч нимани унутмаган, ҳаммасини эслайди...

— Менга қара, Дмитрий,— дейман унга,— тентаклик қилма — юр.

— Разумов-чи?— деб сўрайди жавоб ўрнига.

— Қидириб топ, ҳаммамиз бирга кетамиз.

— Ҳозир ўзи ҳам келиб қолади.

— Жуда соз.

Жим бўлишиб қолдик. У бетимга синовчан назар ташлайди:

— Семён Афанасьевич, биздан хафамисиз?

— Йўқ. Лекин бир нарсага тушуна олмайман, кетиб қолишга қандай кўнглинг бўлди. Тушуна олмайман.

— Семён Афанасьевич...— У гапимизни Костикдан бошқа яна бирон киши эшитиши мумкиндай тўсатдан шивирлаб гапира бошлади.— Ушанда мен қолмоқчи эдим. Эсингиздами, сизнинг олдингиздан чиққанымда қоронғи тушиб қолган эди, Плетнев турган экан. Латта экансан, алдаганга кўниб ўтирибсан-а, деди. Бор-э дедим-у, кетдим қолдим.

— Ана шунда латталиқ қилибсан.

Мен унга кўп гапиришим мумкин эди. Ҳақиқий мардлик ва ҳақиқий мустақилликнинг нималигини яхши тушуниб олгунча ҳали кўп вақт ўтишини айтишим мумкин

эди. Лекин гапириб ўтиришга ҳожат йўқ — ҳозир сўз таъсир қилмайди, тинглаб ҳам ўтирмайди. Ҳозир у гапириш керак. У боягидек шивирлаб, шошиб-пишиб, яширмай-нетмай, ўйлаб ўтирмай кўнгилдагини тўкиб солди:

— Разумов икковимиз кетмоқчи эмас эдик... Лекин, Разумов у билан талашиб-тортиша олмайди. У Плетневнинг чизган чизигидан чиққан эмас.

— Сен-чи?

Король қўл силкиб қўя қолди — саволимни тинглашга сабри чндамайди, ҳозир ўзи тўйгунча гапириб олиш керак.

— Ленинградга келдик — уришиб қолдик. Ишимиз ҳеч юришмади. Кўнглимиз ғаш. Плетень бўлса: «Нега шалпаясанлар? Силарни ташлаб кетиб қоламан. Бор-борларинг-э! Ҳали менсиз тоза кўнларингни кўрасизлар» деди. Кейин кетиб қолди. Лекин, барибир, бизсиз узоққа кета олмайди, қайтиб келади. Бизни тополмай қолса — унда нима бўлади?

— Хабардор қилишнинг йўлини топасан. Сизларни қаердан қидиришни ўзи ҳам билади.

— У мағрур, Берёзоваяга бормайди.

— У мағрур эмас, жапжалкаш, тушундингми? Чиранчоқ хўроз, вассалом.

Ёнимиздан сумка кўтарган хотин ўтиб кетди, ҳайрон бўлиб бизни кўздан кечириб чиқди; бир неча қадам юриб, яна ўгирилиб қаради. Икки болани етаклаган энага ўтди — у ҳам бир-икки ўгирилиб қаради. Ҳар бир ўткинчи биз томонга қизиқсиниб қарарди. Лекин Король ҳеч нарсани сезмас эди.

Олти ёшлар чамасидаги бола уч гилдиракли велосипед ҳайдаб ўтди. Костик тиззамдан сирпаниб тушди-да, унинг кетидан югуриб кетди.

Буталар орасидан бўғиққина ҳуштак товуши эшитилди. Король ўгирилиб қаради, ўрнидан турди-да:

— Келавер, келавер, қўрқма! — деб чақирди оҳистагина.

Мен ҳам ўрнимдан турдим: Разумов, жилмайганича, биз томонга югуриб келмоқда эди.

— Ким билан гаплашяпти, деб қараб турибман, — дейди югуриб кела туриб. — Салом, Семён Афанасьевич! Мен бўлсам Король қўлга тушиб қолди, энди ённга бораёми, йўқми деб турувдим.

— Кетамиз, — деди Король. — Ҳозир кетаверсак бўладими ёки бошқа ишларингиз борми?

— Кетдик бўлмасам! Костик! Қаердасан?

Костик бояги велосипедни миниб келиб қолди. У рулни маҳкам ушлаб ўтирарди-ю, лекин машинанинг эгаси — Костикдан сал каттароқ бола юргизиб келарди. Бола велосипедни биз ўтирган скамейка олдида тўхтатди.

Костикнинг кўзларида:

— Яна озгина минай! — деган илтижо бор эди.

— Кетамиз, — дедим мен. — Король ҳам биз билан кетади.

Костик шошиб-пишиб велосипеддан тушди.

— Раҳмат, анча маза қилдим! — деди у машинани эгасига тутқизаётиб ва шу пайт Разумовни кўриб қолиб, севишиб кетди.

— Володя ҳам боради-а!

— Аҳа, мен ҳам. Салом, Костик! — деди Разумов ва кўм-кўк кўзларини қисиб жилмайиб қўйди.

Тўрт киши бўлиб йўлга тушдик — ёш бола, жулдур кийимли икки ўспирин ва мен. Четдан туриб қараган кишига қизиқ кўринади.

— Боқимсизларни олиб кетишяптими? — деди дуч келган ўн ёшлар чамасидаги қиз ҳайрон бўлиб.

Шу пайт онасининг:

— Йўғ-э: ёш бола ҳам бор-ку... — деган жавоби қулоғимизга чалинди.

Король елкасини силкаб қўйди.

— Боқимсиз бўлмай нима бўлмасам, — деб такрорлади у қўлимсираб.

— Рост-да, кийимимизни қара... — деди Разумов.

Яна вагондамиз. Ташқарида тўсатдан оламни қоронғилик босади, дераза ойналаридан ёмғир томчилари оқиб туша бошлайди. Костик энди деразадан қарашга қизиқмайди. У Королдан кўзини узмас эди:

— Энди кетиб қолмайсанми? Кетмайсанми?

Королнинг ўришга Разумов:

— Йўқ! — деб хушчақчақ жавоб беради.

— Йўл-йўлакай улар Берёзовая поляна ҳақида суриштиришади — Король шошқинлик ва очкўзлик билан ҳамма нарсани сўрайди, Разумов бўлса аҳён-аҳёнда сўз қистириб қўяди. Гапирадиган ҳеч нарсам ҳам қолмади, ҳаммасини айтиб бўлгандайман. Йўлимиз анча узоққина бўлса ҳам тез ўтиб кетди. Вагондан чиқамиз. Ёмғир тинган, лекин ҳаво булут. Биз қайинзорга етганимизда, бирдан қуёш булутлар орасидан мўралади. Ёмғирда ювилган

дарахт шохлари кўм-кўк бўлиб яшнади, тапаси оппоқ бўлиб кўзга ташланди. Ҳамма нарса қуёш нурига фарқ бўлган. Королга қарайман. У ҳам худди шундай, чеҳраси очик, қувончи ичига сиғмайди. Ёш бола ҳақида бундай деса кулгили кўринар-у, лекин у жуда ёшариб кетган эди. У ҳамон қадамини тезлатарди, Костик унга столмас эди. Мен Костикни елкамга ўтқазиб оламан — ҳаммамиз югургандек бўлиб болалар уйига етиб борамиз. Будкага юз қадамча қолганда Костик икки қўли билан юзимдан ушлаб, бошимни ўзига қаратади-да, ташвишланиб:

— Дада! Ботинка-чи?— дейди.

28

Қизғин кун

Ҳовлига ўтиладиган будкада навбатчи командир Сергей Стеклов кўринди. У алланима демоқчи бўлди-ю, оғзини очганича қараб қолаверди.

— Салом!— деб у билан кўришди Король.

— Салом!— деб такрорлади Разумов акс садодай.

Мени бу маҳалда ҳеч ким кутмаган эди. Буннинг устига шундай ҳамроҳлар билан келади деб ҳеч ким ўйламаган эди. «Симсиз телеграф» жуда яхши ишларди. Аллаким ётоқхона деразасидан, кимдир устахонадан бошини чиқариб қаради, яна биров зинадан зинғиллаб тушиб келди. Авбалига шивир-шивир, кейин овозларини баланд чиқариб:

— Король, Король келди! Разумов ҳам келди!— деб қичқирдиша бошлашди.

— Боринглар, ювининглар,— дедим мен.— Сергей, уларга сочиқ билан совун бер.

Шундай дедим-у, болаларни ёлғиз қолдириб кетдим.

— Ис? — деди мени кўриб Галя кўзларини катта очиб.— Мунча эрта келдинг? Ботинка олиб келдингми?

— Король билан Разумовни олиб келдим,— дедим мен.

Галя ботинкани ҳам унутиб, югуриб чиқиб кетди.

— Бугун жуда эрта келдингиз-а!— деди Софья Михайловна хонасидан бошини чиқариб.— Бўёқ сотиб олдингизми?

— Король билан Разумов келди,— дея такрорладим ва уйимга кириб борар эканман эшикнинг тарақлаб ёпили-

ганини, Софья Михайловнанинг пошнасини дўқиллатиб
пиллапоюдан тушганини эшитдим.

Жуда қизиқ! Болалар ғойиб бўлишганда ўзимни яхши
тутганимга ишонардим. Ҳар ҳолда, уларнинг кетиб қол-
гани қаттиқ текканини яширишга уринган эдим. Ҳозир
ҳам мен ўзимни гўё ҳеч нарса бўлмагандай қилиб кўрсат-
моқчи эдим. Лекин болаларнинг табассуми, кўзлари мени
табрикларди. Болаларнинг ҳар бири менга бир қараш,
жилмайиш учун атайлаб келишарди. Уларнинг баъзи-
лари:

— Қойил!— деганга ўхшаш гап айтиб ҳам қўйи-
шарди.

Ё бўлмаса:

— Анавини қаранг-а!— дейишарди.

Бу сўзларни қуйидагича:

«Семён Афанасьевич, табриклайман сизни! Қанчалик
севинаётганингизни кўриб турибман-ку. Ўзим ҳам хур-
сандман!» деган маънода тушунини керак эди.

Фақат Володингина ёнимга жилмаймасдан келди:

— Семён Афанасьевич, нима — Король яна бизнинг
отрядга командир бўладими?

Унинг ташвиш тортаётгани овозидан сезилиб туради.
Бошида бу ташвишланишнинг чин моҳиятини тушуна ол-
мадим — афсус.

— Йўқ, бўлмайди,— дедим қуруққина.

— Ҳа, майли,— деди у гўё мен анчагача унга гап
уқтираётгандек ва у ниҳоят рози бўлгандек.

У орқасига ўгирилди, ўзи дўмбоққина бўлса-да, кутил-
маганда, элчиллик билан уйнинг муюлишига қараб чоп-
ди. У ерда учинчи отряддаги болалардан бир нечтаси
мўралаб, имо-ишора билан чақириб туришарди. Беш ми-
нутлардан кейин мен уларни яна кўрдим. Бу гал уларни
деразадан кўрдим,— ҳаммалари муҳим янгиликни муҳо-
кама қилишарди. Шундагина мен Володин олдида айбдор
эканлигимни англадим. Володиннинг Король яна коман-
дирлик қиладими, йўқми деб ташвишланиши, бундан ке-
йин ҳам ўзи командирлик қилишни хаёл қилган туфайли
эмаслиги аниқ-равшан эди. Уни бошқа нарса ташвиш-
лантирарди, у ўзи ҳақида ўйламас эди!

Кечгача бошқа ишлар билан банд бўлдим. Король би-
лан Разумовга бир печа марта дуч келдим. Уларда на
хайронлик ва на ташвишланиш аломатлари сезиларди.
Король ҳамма жойга бир-бир бош суқиб кўрар, ҳар бир
янги нарсага суқланиб қарар эди. Ҳар ҳолда кўрса кўр-

гудек нарсаларимиз бор эди. Король гимнастика қилди-
ган жойни айланиб чиқди, чуқурдан хатлаб ўтди, югуриб
кўрди, кольцода ўйнади. Ошхонада бўлди, молхонага,
Тимофейнинг олдига ҳам кирди (биз Тимофейни Ленин
номли колхозга сотишга қарор қилган эдик. Подсолнуш-
кин бўлғуси фироқ аламига зўр баҳодирлик билан чидаб
келарди. «Король ҳам, болалар уйига ҳўкизиниш нима
даркори бор?» деяпти деган эди Подсолнушкин кейин.
Король Тимофейни кўриб ҳайрон бўлиб қолди: «Ўҳў, жу-
да семиртириб юборибсизлар-ку, ялтирайди-я! Бирон
совхозга бериб юбориш керак, бизга нима даркори бор?»
деди). Охири Король устахонага борди. У анчагача верс-
таклар оралаб юрди, асбоб-ускуналарни бир-бир кўздан
кечириб, худди искаб кўраётгандек бурнини жийириб
найраха ҳидларини искади. Бир маҳал эшикдан мўралаб
қараган эдим, унинг Глебовни дастгоҳ ёнидан нари суриб
ўрнига ўтганини кўрдим. Улар меини қараб турганимни
кўрмаган эди. Шу маҳал Глебов:

— Алексей Саввич, бу нима... — деб шикоят қилмоқчи
бўлган эди:

— Бу ёққа кел,— деган жавобни эшитди,— ёрдам-
лашивор: маи бу планкаларни жилвир билан пардозлаб
бер, қўлим тегмай турибди.

Глебов жилвирлашга киришди. Король бўлса шу-шу
дастгоҳда қолиб кетди. Королнинг кетидан соядек эрга-
шиб юрган Разумов устахонада бир оз тентираб юрди-
да, бир чеккада тахтани алланима қилаётган Жуковга
ёрдамлаша бошлади.

Кечқурунги чойдан кейин болалар, одатдагича, ҳар
қайёққа: баъзилари пинг-понг ёки шашка ўйнагани, бош-
қа бирлари баскетбол майдончаси ёки волейбол тўри тор-
тилган майдонга тарқалиб кетишмади. Бугун ҳаммамиз,
олдиндан келишиб қўймасак-да, баланд пиллапоямизда
тўппандик, зинада жой етишмаганлар, тўппа-тўғри кўкат-
лар устига ўтириб олишди. У ёқдан бу ёқдан гаплашиб
тирардик. Ҳаммамиз умумий бир муваффақиятдан мам-
нун эдик. Энди ана шу муваффақият қувончини бирга-
бирга баҳам кўрмоғимиз лозим эди.

— Семён Афанасьевич, бирон нарса айтиб беринг! —
деб илтимос қилди Петька.

— Коммуна ҳақида! Гапириб бера қолинг!

Болаларнинг баъзилари бемалол жойлашиб ўтиришди,
аъзилари яқинроқ сурилиб ўтиришди.

Мен ҳам, ана шундай ажойиб бир кунда, коммунали,

ўртоқларни, Антон Семёновични эслагим, кўп вақтлардан бугун ўйлаб юрган, ҳамма вақт ва ҳар ерда ҳаёлимдан чиқмаган нарсалар ҳақида оз бўлса-да гапиргим келди.

Нимани гапириб берсам экан? Мен уларни кўздан кечирдим. Ҳаммага гапирётган бўласан-у, баъзан фикран фақат бир болага мурожаат қилаётган бўласан, фақат ўшанинг учун гапирасан. Қарайсанки: зинанинг бошида ўтирган бир бола парк томонга тикилганича киприк қоқмай ҳаёл суради... Ҳозир у ёлғиз, биздан йироқда, қулоғига ҳеч нарса кирмаётган бўлса ҳам ажаб эмас, анавинини эшикка суяниб ўтирибди, ҳаёли паришон — бу ҳам ҳозирча сўзимни эшитмайди. Яна бири эшитаётганларига ишонқирамайди — ана шунинининг кўзиде ҳақиқий қизиқиш учқунларини кўргинг келади! Мана буниси тикилиб, тинглаб ўтирибди, лекин нима демоқчи бўлганимни тушунармикан? Менинг ҳикоям фақат шу суҳбатимизнинг жавобигина эмаслигини билармикан? Ана Панин... Эҳ, Панин Ҳозир мен гапириб бераётган нарсаса тушуниб етармикансан?

— Эшитинглар бўлмасам,— дедим мен,— бу воқиа бўлтур бўлиб ўтган эди. Походга тайёргарчилик кўриб юрган вақтимиз эди. Бир кун сизларга, ёз кезлари Волга бўйлаб, ёки Қрим бўйлаб саёҳат қилардик деб айтиб берган ҳам эдим. Лекин ҳар йили албатта узоқ ва янги ерларга борардик. Ўтган ёзда Кавказга бордик. Саф тортиб вокзалга чиқдик. Сафимиз жуда чиройли эди — олдинда ўз оркестримиз борарди. Юкларни нима қилдинглар деярсизлар? Юкларимизни юк машиналарига сртдик, ҳамма нарсамиз: озиқ-овқатдан тортиб, идиш-тоёқлар-у, кийим-бошлар солинган чамадонларгача машинага жойлаштирдик. Юк машиналари сўнгги взводларимиз кетидан — кичкинтойлар ортидан борарди. Сафда юк кўтариш мумкин бўлмаса-да, биринчи взводдаги катта болалар чамадон кўтариб боришарди. Кўтарганларининг сабаби шундай:

Одатда ёзга тайёргарлик кўрар эканмиз, ҳар бир коммунар заводда олган иш ҳақидан оз-оз ажратиб йиғиб юради. Шундай қилиб, анча-мунча пул йиғилиб қоларди. Баъзилариники юз сўмдан ҳам ортарди. Ўша галги походда болаларнинг пули эллик беш минг сўмга борибди. Коммунарлар тўрт юзта эди—қани, ҳисоблаб кўрингларчи, ўрта ҳисоб билан ҳар бир болага қанчадан тушар экан?

Болалар бир-бирларига қараб олишди — шунчани тезда оғзаки ҳисоблаш ҳазил гапми...

— Юз ўттиз сўмча тушади,— деб Алексей Саввич ёрдамга келди.

— Кўрдингларми, бу ҳазилакам пул эмас. Уйлашиб кўрдик: агар пулни болаларга бўлиб берсак — бўлар-бўлмасга харажат қилиб, Кавказга қўлларини бурунларига тикиб беришади. Шундай қилиб ҳаммасини бир чамадонга жойлаб, Кавказга борганда бўлиб беришга қарор қилдик. Унда ҳар ким кўнгли тусаган нарсасини олаверсин. Ҳалиги пулларни чамадонга жойладик. Зўрга сиздирдик — ҳарна деганда ҳам, эллик беш минг сўм оз пул эмас, бунинг устига ҳаммаси беш сўмлик-у, уч сўмлик пуллар. Антон Семёнович қараб турди-турди-да:

«Пулларга мен жавобгар бўладиган бўлсам, бундан чиқди, чамадонни ҳам мен кўтариб юришим керак экан-да» деди.

Чамадонни кўтариб кўрган эдик — йигирма килодан кам келмайдиган. Шунча оғир нарсани бора-боргунча Антон Семёновичга кўтартириб бўлар эмишми! Шундай қилиб шу чамадонни сақлашни биринчи взводдаги комсомолларга топширадиган бўлдик. Улар рози бўлишди, албатта. Пул солинган чамадон уларнинг взводида қўлдан қўлга ўтиб юрди.

Походимиз ҳам ҳазилакам поход эмас. Горькийгача поездда етти юз километр йўл босиш лозим. Горькийда тўрт кун турдик — шаҳарни айландик, Алексей Максимович яшаган, ишлаган жойларни ва яна бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилдик, автозаводга экскурсияга бордик. Кейин пароход ёлладик — рост гапиряпман, Петька, бир пароходни бутунлай ёллаб олдик ва Волга бўйлаб пастга қараб сузиб кетдик. Шошилмасдан, ҳар бир шаҳарда тўхтаб-тўхтаб суздик. Антон Семёнович ҳамма болаларга оз-оздан пул улашди. У шундай режа-лаб улашдики, пулдан Кавказга ҳам етадиган қилиб қолдирди. Ҳар пул улашилганда рўйхат тузилар ва болалар қўл қўйиб олишарди. Рўйхатлар бошқа чамадонда — ёзув-чизувларимиз турадиган чамадонда сақланарди. Бу чамадон ҳам комсомоллар ихтиёрига берилган эди. Лекин бунинини кўтариб юришмас, юк машинасига қўйиларди.

Пароходда ўн кун сузган бўлсак, шу вақт ичидан Антон Семёнович ўн саккиз минг беш юз қирқ бир сўм йигирма беш тишин пул улашди — ҳали-ҳали эсимда.

Тийин-тийинигача эсимда қолганининг сабабини ҳозир тушунасизлар,

Сталинградда пароходдан поездга кўчиб ўтдик-да, Новороссийскка қараб йўл олдик. Жуда ёмон поезд тўғри келиб қолди, чироғи йўқ, биз бўлсак кечаси, қоронғида поездга тушдик. Антон Семёнович ҳар бир вагондаги қоровулларни текшириб чиқди-да, кейин ухлагани биринчи взводга кетди. Эрталаб тонг отар-отмас мени тез бўл, тур деб туртиб уйғотишди! Нима воқеа бўлганини эшитдим-у, ҳаёг-манг бўлиб қолдим. Поезд сўнгги станциядан чиқиб кетаётганида қандайдир киши вагонга иргиб чиқиб чамадонни олибди! Кейин нариги эшикка қараб югуриб, поезд юриб кетаётганида сакраб тушиб қолбди.

Хаёлимда пул солинган чамадонни олиб кетган бўлса керак, деб ўйлайман! Шунда катта болалар ва мен ўйлаб-нетиб ўтирмай вагондан сакраб-сакраб тушиб қолдик ва теварак-атрофни қидира бошладик. Лекин ўғрининг ном-нишонини топа олмадик. Биз Новороссийскка бориладиган сўнгги станцияда эдик, коммунарлар пароходга ўтиришдан олдин икки кун Новороссийскда туриб қолишларини билардик. Етиб оламиз. Чўзиб нима қилдик энди — икки кун юриб қидирмаган жойимиз қолмади, ўлгудек чарчадик. Бунинг устига-устак шерикларимиз олдига қўлимизни бурнимизга тикиб бордик. Кейин билсак, мен уйқусираб тушунмай қолган эканман. Унда ташқари сўраб олганим ҳам йўқ эди — ўғри пул солинган чамадонни эмас, балки, ёзув-чизувларимиз солинган чамадонни олиб кетган экан. Ўзимизнинг шошма-шошарлигимиздан ташқари бошқа қайғурадиган жойимиз ҳам йўқ экан. Антон Семёнович олдида қаттиқ уялдик. Кейин билсак Антон Семёнович командирларни тўплаб:

«Чамадонда болалар пул олганда қўл қўйган қоғозлари бор эди. Энди ўн саккиз ярим минг сўм пулни тарқатганлигим ҳақида ҳисоб бера олмайман-ку. Нима қилармиз?» дебди.

Шунда командирлар советининг секретари Шурка Жавелий:

«Қайтадан тилхат олиш керак» деди.

Биз бўлсак: тўғри айтади, қайтадан тилхат олиш керак, бошқа иложимиз йўқ, деб ўйлаймиз. Лекин битта-яримта эсидан чиқиб, адаш ёзиб юбориши ҳам мумкин-ку. Бундан бадтари ҳам бўлиши мумкин: ўн беш сўм олиб, ўн сўм олдим деб ёзса ундан ёмони йўқ. Ҳар ҳолда

болаларимиз ҳар хил: яқиндагина қамоқдан келганларни ҳам бор-да...

Антон Семёнович умумий мажлис ўтказиб, ҳар бир бола йўлда қанча пул олгани ҳақида алоҳида тилхат ёзиб беришни кераклигини айтди. Ҳамма болалар ёзишди. Кеч-қурун советда ҳалиги тилхатларни тартибга сола бошладик — ҳар ҳолда тўрт юз дона тилхат! Аввал взвод-взводи билан алоҳида қилиб тахладик, ҳар бир взвод алоҳида ҳисоблайдиган бўлди.

«Шарманда қилишади... шарманда қилишади, шайтонлар!» — деб шивирларди Шурка менга.

Мен ҳам ҳисоб-китоб қилиб ўтирибман-у, ўзимча: шарманда қилишмаса эди, деб ўйлайман.

Шурка олдида дафтарни қўйиб, катта қилиб: «18.541 с. 25 т.» деб ёзди. Взводма-взвод ҳисоблаб, текшириб ёзиб қўйилди, энди жамини ҳисоблаш керак. Шурка қаламни қўлига олиб ҳисоблай бошлади. Ҳисоблаб-ҳисоблаб турди-да, кейин қаламни кўтариб уриб: «Йўқ, мен ҳисоблай олмайман! Сен ҳисобла, Колька!» деди.

Колька ўтирди-да, овозини чиқариб ҳисоблай бошладик: учга тўртни қўшамиз, яна беш, бир, яна тўққиз... ниҳоят, биринчи рақамни ёзади: беш. Ҳаммамиз бара-варига: тўғри» — деб қичқириб юборди. Шурка бўлса уришади:

«Тўғри эмиш! Элдан бурун севинмаларинг. Тийинига қолганда ҳеч ким алдамайди».

Шундай қилиб ҳисоблайвердик. Ўнликка келганда Колька ҳисобда адашиб кетди — шу замон оқ унинг мия-сига бир тушириб қолдилар. Ҳеч ким унинг ёнини олмади. Қоммунарлар бўлса дераза тагида тўпланишиб, пойлаб ўтиришибди.

Ниҳоят ҳисоблаб бўлдик. Колька: «18.506 с. 25 т.» деб эълон этади. Атиги ўттиз беш сўм етмай қолди. Ҳеч ёқиси йўқ. Ташвишланаверганимиздан қанчалик чарча-ганимизни шундагина ҳис қилибмиз. Бундан кўра бир вагон ўтинни ёриш осонроқ бўлса керак. Шун-дан ҳам, орамизда ярамаслардан бор экан, ҳали, деб ўнглинг ғаш бўларкан. Ишқилиб шарманда қилишма-йиди деб ўйлаганимиз билан ҳисоб-китобимиз роса чи-қиди, деб умид қилган эдик.. Шурка деразадан бошини қариб:

«Ҳисоблаб чиқдик. Ўттиз беш сўлкавой етмаяпти» деб ар қилди.

Ташқаридагилар ҳам жим, севинишмайди.

Шурка бўлса:

«Тилхатин ҳамма берганми?» деб сўрайди.

«Ҳамма берган»,— деб жавоб қайтаришади унга.

Шу вақт Шурка бирдан «шап» этиб пешонасига урди.

«Эҳ, хом қовоқ, пишмаган калла!— деб қичқириб юборди у тўсатдан.— Вой аҳмоқ-э! Мана, олинглар!»

У чўнтагидан бир қоғозни олиб столга ташлади. Бу Александр Жавелий иш ҳақи ҳисобидан ўттиз беш сўм олган деб ёзилган тилхат эди.

Биз ҳаммамиз хахолаб куламинз, эҳ, хом калла, сени деб шунча хафа бўлиб юрибминз, деб тоза сўқдик. Колька югуриб дераза ёнига боради-да:

«Тўғри чиқди! Роппа-роса! Тийин-тийинигача тўғри келди!»— деб қичқирди.

Ташқаридагилар бараварига:

«Ур-ра!» деб қичқириб юборишди.

Антон Семёнович бўлса хотиржамгина:

«Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди» деди.

Ана шунақа гаплар.

— Ўҳ-ҳў! — деди Петька.

Ёнимда ўтирган бошқа болалар ҳам енгил тортиб қимирлаб қўйишди. Шу маҳал Репиннинг ғалати қилиб қараб турганини кўриб қоламан. У дарров кўзини олиб қочади ва ўзини бепарволикка солиб:

— Король, горни сув қилиб юбордингми?— дейди.

— Нима?— Король ҳайрон бўлиб қошнинг кўтаради.

Ғовур-ғувур кўтарилди ва шў замоноқ тинди. Момақалдироқ олдидан бўладиган жимликдай ўртага сукунат чўкди. Шуниси қизиқки, ҳеч ким, ҳатто Петька ҳам горн ҳақида оғиз очмади, эслаб ҳам ўтирмади, Репин бўлса, сира-сира унутмабди.

— Горни арзонгаров пуллаб юбордингми, деяпман?

— Қанақа горн? Нима деябсан ўзинг?

— Ўша кунни эрталаб сизлар кетгандан кейин горн йўқолиб қолди. Эшитган эмасмисан?

— Эсинг жойидами ўзи?— Король ирғиб турди. Овози қандайдир бўғиқ, ғалати эшитилди:— Нима деддинг? Сен... Мени... мени олган деяпсанми? Ҳа, ўша сени...

У Репинга ташланган эди, елкасидан ушлаб қолдим:

— Шошма, Дмитрий!

— Қўйворинг, калласини мажақлаб... мен уни...

Репин ранги қув ўчиб ўридан турди, лекин, ҳамон хотиржам эди.

— Фақат мен эмас, ҳамма шундай деб ўйлайди,— деди у ўшшайиб.

— Ёлғон гапирма!— деди баланд овоз билан Жуков.— Ҳеч ким эслагани ҳам йўқ, фақат сен!

— Биз олганимиз йўқ,— деди ҳайрон бўлиб Разумов.— Бу нимаси, болалар! Биз билганимиз ҳам...

— Ҳеч қачон ҳеч нима олмаганимиз денглар!— деб заҳарханда қилди Репин.

Шу маҳал Разумов қулочкашлаб туриб, Андрейнинг юзига урди. На мен, ва на бошқалар, ҳеч ким уни ушлаб қолншга улгурмадик— биз аллақачон ўримиздан нўғиб туриб. Королни ажратиб қўйишга, муштлаштирмасликка тайёр бўлиб турардинг-у, лекин Разумов уришиб кетади деб ўйламаган эдик.

Аллаким Разумовни маҳкам ушлади, кимдир Андрейни бир чеккага тортиб чиқарди. Шуларни ҳикоя қилиш, тасвирлаш узоғ-у, лекин бир зумда бўлиб ўтди,— биз ҳатто нафасимизни ростлаб, кўз олдимизда ярамас, жирқанч воқиа қандай қилиб рўй берганини фаҳмлаб улгуролмай ҳам қолдик.

Бу худбин ичи қора Репиннинг кўзи очилсин деб уни гирпбонидан маҳкам ушлаб бир адабини бергим келди!

— Мушт билан ишонтириб бўлмайди,— дедим.

— Биз... ишонтирмоқчи ҳам эмасмиз!— деб қичқирди Король.

— Ишонтиришнинг кераги ҳам йўқ. Менга қара, Репин,— деб давом этдим Андрейга тик боқиб.— Яқинда менга горн ҳақида гапирган эдинг. Ушанда сенга нима деган эдим.

Репин лабларини қимтиб, орқасини ўгирди. Атроф жимжит эди, фақат болаларнинг нафас олишигина эшитилади.

— Мен сенга бу гапга ишонмайман, деган эдим,— деб эслатдим сўзларни чертиб-чертиб.

— Семён Афанасьевич!— Жуков қаддини ростлаб жиддий туради. Одатда у мажлисларимизни бошқарганда ёки болалар уйи советида сўзга чиққанда шундай туради.— Репин боя менга ҳам шундай деган эди. Мен унга бир айтдинг, яна қайтиб гапирма, дедим. Хўш, яна нега гапирдинг?— деди у Андрей томонга кескин ўгирилиб.

— Нимага бўларди! Қийинини чиқармай тура олар эмишми!— деди жимликни бузиб Подсолнушкни.— Ленинградлик меҳмонлар келганда нега қилиқ чиқарганини сўра. Ҳаммани қўйиб, яхшилик билан иш битирармиди бу?

— Заҳри кўп,— деди Сергей Стеклов.

— Заҳрига тикилиб ўлиши ҳам мумкин,— деди кутилмаганда Петька.

Мен Алексей Саввич билан кўз уриштириб олдим. Унинг кўзлари кулиб турарди. «Баракалла! Жуда хурсандман!»— деган маънони ўқидим унинг боқишларидан.

— Гап шундай,— дедим яна Король билан Разумовга юзланиб.— Ҳозир уни ушлаб туришга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса-да, болалар Разумовни тирсагидан ушлаб туришарди.— Репин айтган гапларни унутинглар. Ҳеч ким унинг гапига қўшилмайди барибир.

Бир оз жимликдан кейин Жуков:

— Ўзи ҳам... ишончсизлик билан гапирди,— деб қўшиб қўйди керакли сўзни ахтариб топиб.

— Бир оғиз сўз айтишга ижозат беринг, Семён Афанасьевич,— деди Екатерина Ивановна. У то шу маҳалгача нарироқда, эшик ёнида болаларнинг юзига тикилиб турарди.— Королёв билан Разумовнинг қайтиб келганига ҳаммамиз хурсандмиз десам, ҳамма гапимга қўшилса керак, деб ўйлайман. Королёв азалдан уйимизни эпақага келтиришда ёрдам берган, уйимизни яхши кўриб қолган эди... Кетиб қолганида эса... ўйлаб кўрмасдан кетди. Разумов ҳам ўйлаб кўрмасдан, дўсти бўлганидан унга қўшилиб кетиб қолди. Сизларни билмайман-у, лекин мен уларнинг қайтиб келишларига ишонардим. Шу бугунги гапларни унутиб юбориш керак, Королёв билан Разумовнинг бир кетиб, қайтиб келганини ҳам унутиш керак. Эртаги кун ҳақида ўйлаш лозим. Масалан, улар қайси отрядга кирадилар, шу ҳақда ўйлаб кўрмоқ лозим.

Болалар бир зум жим бўлиб қолдилар. Бу қисқагина, лекин жиддий сукунат эди; ҳамма ўзини ғалати ҳис этарди.

Унғайсизликни Володин бузди:

— Ахир уларнинг ўз отрядлари бор-ку яъни, бизнинг отряд! Илгари учинчида эдилар, яна... Зарари йўқ!

У гўё мадад сўрагандек отрядидаги болаларга қаради. Унинг овозида билинар-билинемас даражада ишонч-

сизлик оҳанги бор эди. Лекин мен бу гал ҳам бошқа нарсани ҳис қилдим: уни хижолат қилаётган нарса ўзининг икки томоилама бўлаётгани эмас эди. Шуниси аниқ равшанки: Королнинг ўз отряди бор, у шу отрядга қайтиши мумкин, бу ҳам адолатли, ҳам табиий нарса эди. Лекин уни командир қилиб тайинлашга болалар хавотирланишади, ўн-ўн бир яшар болалар қатори Болондин ёки бошқа бирон боланинг командаси остида яшашга Король рози бўлармикан,— кўнглига қаттиқ тегмасмикин?

— Ўзингиз қайси группага ўтишни хоҳлайсизлар?— деб сўради Екатерина Ивановна.

— Бизга барибир,— деди Король.— Учинчига бўлса ҳам майли... Нима дердик...

У ҳамон маҳкам тугилган муштдек, жавоб қайтаришга тайёр турарди. Разумов бўлса шумшайиб, бўшашиб қолди, кўзини ердан узмас эди.

— Семён Афанасьевич, бизга ўтишса қандай бўларкин? Мен бизнинг отрядга киришларини таклиф қиламан, нима дейсиз?— деди тўсатдан Жуков.

— Жуда тўғри,— деб жавоб бердим мен.

— Бизга ўтинглар,— деди меҳмондўстлик билан Сания соддагина қилиб.— Бизнинг болалар учинчидан кўра каттароқ. Ҳам...

У Королга очиқ кўнглилик билан тик қараб турарди. Унинг бутун туриш-турмуши: бизнинг отряд яхши, ўзларинг ҳам хурсанд бўласизлар деяётгандек эди.— Агар қўшилмасанглар ҳам хафа бўлмаймиз. Мақтанмаймиз-у, лекин бизнинг отряддан яхшироғини топа олмайсизлар.

Король Разумовга қараб қўйди. Лекин у ҳамон ерга қараб турарди. Шундан кейин Король, икковн номидан жавоб берди:

— Майли, сизларга ўтаммиз...

— Демак, бу иш битди,— дедим мен.— Хўш, энди Репин масаласига келсак, унга нима қиламиз? Жуков, мажлисни бошқар.

Яна пиллапоёга жимлик чўкди. Мен Қолишқинини эсладим ва кўзим билан ахтариб топдим. Худди ўйланганимдай! У гўё ер остин-устин бўлгандек анграйиб турарди. Қолишқинининг фикри-зикри Репинга бориб, худди деворга теккандек, қадаларди, ҳамма вақт Репинга итоат қиларди, унинг измидан чиқмасди. Унинг номидан

чиқинини ҳаёлига келтиришдан ҳам қўрқарди. Тўсатдан қандайдир бир куч Репиннинг оёғини осмондан қилди! Ёўё Қолишқинини ўраб-чирмаб турган девор ағдарилиб, кўксига шамол теккандек бўлди. Унинг рангпар юзини ҳеч қачон бундай ҳайронликда... бундай эркин кўрмаган эдим. У теварак-атрофидаги жонли инсонларни биринчи бор жўриб тургандек ён-верига аланглаб қарарди.

Лекин Қолишқинини кўздан кечириб ўтиришга вақтим йўқ эди. Мен ҳанг-манг бўлиб турган қиёфада кўздан кечириб қўя қолдим. Чунки болаларни кўздан қочирмасдан, сергак бўлиб туришим керак: ким билади дейсиз, балким, яна боягидек аралашишга тўғри келиб қолар...

Жуков Репини ҳақида айтган гапларига жавоб кутиб болаларни хотиржамгина кўздан кечиради. Ҳеч ким индамайди. Шу пайт Подсолнушкин олдинга чиқди.

— Маълумки... — деб бошлади у гапини. Ҳамма Подсолнушкин томонга ўгирилди: У камарини тўғрилади, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солди. У ўзига қараб туришганидан хижолат тортмасди, балки, ўз фикрини қандай қилиб тушунарли ва соддароқ ифода этишни ўйларди. Ниҳоят, у ҳар вақтдагидан ҳам сипо ва эркин гапира бошлади.— Маълумки,— деб такрорлади у,— то шу вақтгача Репиннинг ўзи командир деб ўйлайсизми? Репин. Ҳа нега қарайсан Қолишқин? Ё гапим ёлғонми? Репинда бир ёмон одат бор: айтганимни қилдираман, дейди; қилишмаса — сотиб оламан, хуллас, менинг деганим бўлади... — Подсолнушкин ўз фикрларининг мураккаблигидан жим бўлиб қолди; шу фикрини ифода эта оладиган сўзлар топилмас эди. У кўкрагини тўлдириб нафас олди.— Таклифим бор!— деди у жаҳл билан баланд овозда:— Кетсин бу ердан: тўрт томони қибла! Агар қоламан деса — ёрдам берсин. Яшайдиган бўлса... одамга ўхшаб яшасин. Шу.

Подсолнушкин қовоғи солиқ ҳолда лекин ҳар вақтдагидай, обрў сақлаб зинага ўтирди.

Болалар орасида Глебовга кўзим тушади. Ҳеч қачон, ҳеч қандай дағал, қўрс сўздан қайтмайдиган Глебов вазмингина айтилган бу кучли айбномани эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Яна қандай айбнома денг — Репинга қарши-я! Коробочкин бўлса худди бир қизиқ спектакль томоша қилаётгандек ўтиради. Қара, қарайвер,

Коробочкин, — кетиб қолмадинг, энди қолганинг била эмаслигини кўриб турибсан!

Репин пешонасини, ранги қуи ўчган юзини артади, лекин овози ҳамон бир текис жараңғилайди:

— Мен билан ишнинг бўлмасини, Подсолнушкин, Ишга қилишнинг ўзим биламан. Таъбим, Хоҳласам кетаман, хоҳламасам — қоламан, менга ақл ўргатмай қўя қол.

Шундай. Мана энди аралашадиган вақт еди.

— Подсолнушкин сенга хўжайин эмаску-и, — дейман, — лекин ҳаммамиз бир бўлишиб, ўргатсак бўлади. Менингча, Подсолнушкин тўғри айтди: биз бу ерда кўчирчоқ ўйнаётганимиз йўқ — ишимиз бор, ишлаймиз. Ёрдамлашинини истамас экансан — кет. Жуков, билин қўй.

— Кимки Подсолнушкиннинг таклифига қўшилмай қўл кўтарсин, — дейди Саня.

Подсолнушкиннинг ўзи, Сергей Стеклов шартта қўл кўтаришади. Бир дақиқа жимлик ҳукм суради. Кейин Володин, Петька, Суржик қўл кўтаришади. Яна бир неча дақиқа ўтар-ўтмас қанча-қанчалаб қўллар кўтариладди. Назаримда, фақат Қолишкин худди ҳеч нарса эшитмагандай, қўлини ҳам кўтармасдан, ерга қараб туради.

— Таъбим, қандай хоҳласам — шундай қиламан, — деб такрорлайди Репин мингиллаб.

— Кўрамиз, — деб хотиржамгина жавоб қайтаради Жуков.

Яна уйда

Шундай қилиб, болалар, яна уйда. Разумов дам олиши, теварак-атрофга разм солиши, ўзига келиши керак. Королнинг эса ўзига келишига йўл қўймасданоқ қўлига иш тутқазини лозим. Шундай иш берини керакки, уни бутунлай ўзига жалб қилиб олсин. Бу қандай иш бўлиши мумкин? Екатерина Ивановнанинг айтишича у қўли дарс тайёрлаши керак. Бу тўғри, лекин камлик қилади. Яна бирон нарса топиши керак. Мен шунингча хўрақданманки, тарбиячиларнинг биронтаси ҳам, у қочиб кетиб, яна қайтиб келган, унга масъулиятли вазифа бериб оўтмайди, дейишмайди. Тўғри: қайтиб келган одамни жа-

золаш, синаб кўриш, неча-неча қайталаб текшириш керак. Лекин бу гал... Йўқ, бу гал қўлини ҳам, бошини ҳам банд қилиш, кўп нарсани чин юракдан ишониб топшириш лозим. Ахир у уйига қайтиб келди. У аллақачондан буён қайтишга халақит бераётган тўсиқни енга олмаётган эди.

— Уни биринчи отрядга командир қилиб қўйсакми-кан?— деб ўйлайман овозимни чиқариб.

— Тўғри, Жуков — совет раиси, иши бошидан ошиб-тошиб ётибди,— дейди фикримга қўшилиб Алексей Саввич.— Лекин менингча бир хавотирли жойи бор: отрядни ёт деса — ётқизиб, тур деса — турғизиб юрмасин тагин...

— Биринчи отрядда буни қилиш осон эмас! Лекин, рост гапирдингиз... Унга бошқача иш топиш керак...

Бу гаплардан кейин орадан бир соат ўтар-ўтмас кабинетимнинг эшиги тикиллади:

— Семён Афанасьевич, кирсам майлими?

Королнинг овозида ҳам савол, ҳам тасдиқ ифодаси бор эди. Одатда Костик ҳам шундай савол ва тасдиқ оҳангида гапиради: «Бориб ўйнаб келай? Савзи есам майлими?»

— Ҳа, киравер.

— Семён Афанасьевич, менга биронта иш беринг, жуда кўп иш беринг. Бўлмасам қочиб кетаман.

— Қочишнинг кераги йўқ. Биласан-ку, бу ерда ҳеч кимни зўрлаб ушлаб турмаймиз.

Король алам билан қўл силтайди:

— Кетаман қўяман. Горн қурғурнинг дастидан ўладиган бўлдим.

Мен ҳайрон бўлиб унга қарайман:

— У нима деганинг, Дмитрий? Сен билан биров горн ҳақида гаплашдими?

— Ҳеч ким гаплашгани йўқ. Фақат анави Репин... у менга шундай қарайдик — бўғиб қўя қолсам дейман. Володька ҳам ўзига жой тополмайди. Ҳар қадамда ҳар кимга осилиб «Мен олганим йўқ! Биз олганимиз йўқ!» дейди, туролмайман...

— Иш кўп, кўриб турибсан. Кўнглингга ёққанини танлаб ол.

— Билмадим,— дейди у деразага маъюс боқиб. Кейин жони-жаҳди билан:— Бирон қийинроқ иш бўлса эди менга. Мен бир кўрсатиб қўярдим!— дейди.

Бир оз жим тургач, қўшиб қўяди:

Софья Михайловна мени текшириб кўрдилар... ўқиш, ёзиш, иннайкейин... арифметика...

— Шунақами?

— Базўр тўртинчи группага ўтқазса бўлади, аслида учинчида ўқишнинг керак,— дедилар.

Король яна хомуш бўлиб қолади. Шу кейинги кунларда озиб қолгандек кўринадди. Ёноқлари чиқиб, лаби иккита юпқа чизикқа ўхшаб қолибди,— алам ўтганда доим лабларини қимтиб туради.

— Яхшиси бутунлай ўқимай қўя қоламан. Кичкина жимитлар билан бир группада ўтира олмайман! Петька ўғлим тенги келади-я.

Аччиқ устида нима деяётганини ўзи ҳам билмас эди. Менинг ҳам кулиб ўтиришга вақтим йўқ.

— Қанақасига ўқимас экансан, бу нима деганинг? Стеклов-чи?

Катта Стеклов ҳам тўртинчи группада. Лекин у хотиржам, болалар ичида энг каттаси (яқинда ўн беш ёшга киради) бўла туриб кичкинтойлар билан бир группада ўқишидан хижолат чекмайди. У ўқийдиган группада ўзининг отрядидан ҳам иккита бола бўлади. Уни мазах қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди, бунинг бефойдалигини ҳамма билади. Король ҳам билади буни.

— Семён Афанасьевич, сиз менга Стекловни гапирмай қўя қолинг, у бир девори қиёмат. У оғир. У тўғрида нима деб гапирсалар ҳам унга барибир, пинагини бузмайди.

— Сенга-чи?

— Менга барибир эмас.

— Жуда соз. Хўш, нима қилмоқчисан?

— Устахонада икки ҳиссадан ишлайман.

— Шундай нодонлигингча қолиб кетаверасанми? Хайр, майли, калла эмас, қовоқни кўтариб юрибсан, илм-сиз қолиб кетишга ҳам розисан дейлик. Аммо шуниси борки, бошқалар ҳам сенинг кетингдан кетади — тушуняпсанми? Ана Король ўқимаяпти — мен ҳам ўқимайман, дейдиганлар ҳам топилади.

— Семён Афанасьевич! Мен Разумов билан бирга ўқисам! Володька билан шунча вақтдан бери ажралмай... Плетенсиз юрганимиз ҳам стар...

— Ўзинг ўйлаб кўрсанг-чи, қандай ўқийсан? Сен бешинчи группада энг қолоқ болалардан бўласан. Ўқий олмайсан ҳам, ахир бу бешинчи группа-я.

Эшикда Екатерина Ивановна пайдо бўлади — у охириги сўзларимизни эшитган экан. Қириб келар экан, гапимизга аралашади:

— Эҳ, Митя,— дейди у,— агар кетиб қолмаганингда ёзи билан тайёрланиб, бешинчи группага етиб олган бўлардинг...

— Екатерина Ивановна!— Король ўрнидан ырғиб туради. У Екатерина Ивановна ёнида қўлларини кўкрагига қўйиб илтимос қилади.— Мен билан ҳозир шуғуллана қолинг! Биласизми, қандай тайёрланаман... Жонжаҳдим билан! Илгари яхши ўқирдим. Агар энди...

Мени хонада йўқ деса ҳам бўлади. Мени бутунлай унутиб қўйишди. Улар юзма-юз туриб, пешоналарини тириштиришади, овозларини чиқариб фикр юритишади.

— Нима дейётганингни ўзинг биласанми?

— Екатерина Ивановна!

Бу икки сўзда дунё маъно бор — ҳам қасам, ҳам ёлбориш, ҳам умид.

— Екатерина Ивановна! Сентябрьгача етиб оламизми?

— Агар ҳаракат...

— Ҳаракат қиламан! Ҳаракат қиламан!— Король пешонасининг терини артади, аввалги жойига келиб ўтиради. Кейин:— Семён Афанасьевич! Агар Серёжа ҳам?— дейди тўсатдан.

— Ўзинг айтипсан-ку, у бир девори қиёмат. Унга барибир, деб?

— Келинг... Семён Афанасьевич!

Бир соат ўтмасдан Жуков кириб келади...

— Хўш, нима дейсан, Александр?

— Семён Афанасьевич, Королга бирор нш берилса бўларди-да.

— Бу ҳақда Алексей Саввич билан ўйлашиб кўрган эдик. Ниҳоят бир фикрга келдик. Ҳам отрядга командирлик қилиш, ҳам советга раис бўлиш сепга оғирлик қилади: отряддаги ишнингни Королга топширсак нима дейсан?

— Отрядни? Йўқ, Семён Афанасьевич, командирликка Подсолнушкин дуруст. Мен Стеклов, Суржик ва Колишкин билан маслаҳатлашдим... Бизнинг фикримиз шу: ўтган гал меҳмонлар келганда баскетболдан ютқаздик. Келишса — яна ютқазамиз. Дониий команда йўқ, ўзгариб туради, ҳақиқий тренировка ҳам йўқ. Болалар пинг-понгга қизиқишиб қолишди — у ерда ҳам тартиб йўқ. Яқинда ҳарбий ўйин бошлаймиз, сиз шаҳарга тушиб кетсангиз,

машғулот ўтказадиган одам йўқ. Король бўлса... биласизми, агар у қиламан деса, ҳамма нарсани қиларди. Ҳар қанақа бўлса ҳам қилади. Ана шунларча... ҳақиқат, бўш вақтларда дам олишни уқинишни иниларча... ўша раҳбарлик қилса.

— Дуруст. Яхши келибсизлар. Алексей Саввич ва Екатерина Ивановна билан гаплашиб қўрайми. Менинча ҳам тўғри ўйлабсизлар.

— Биласизми, ким ўйлаб тўғри?

— Ким?

— Петька. Ўша ютқазганимиздан бери, сира ўзини келолмайди. Ўша вақтда ҳам: «Агар Король бўлганимиз сира ютқизмас эдик» деган эди. Король қайғиб келишни билан Петька кетимдан қолмайди. Семён Афанасьевичга айт, Семён Афанасьевичга гапир, деб ҳол-жонимга қўймайди.

— Мумкинми?— эшикда Алексей Саввич кўришди.— Менга қаранг, Семён Афанасьевич, Петямизнинг миясига келган фикрини бир эшиттинг: у маданий-оммавий ишни биласизми, кимга тоқширишни таклиф қилади...

— ...Королгани?— Жуков икковимиз куламин.

— Ие, эшитган экансизлар-да? Королга дейди. Менинча жуда яхши фикр. Петькамизнинг калласи жойида. Ақл-фаросатига баъди!

Репин кетмади. Назаримда унинг мулоҳазаларини билиб тургандайман: кетса—ўзининг мағлубиятга учраганини тан олгани бўларди. Кетадиган бўлса, ҳаммага билдириб ўз обрўси билан мустақил чиқиб кетса тузук. Аллақайдаги Подсолнушкин ёки Жуков, кет, дегани учун эмас, балки ўз хоҳиши билан кетган бўлиб кўринса дейди. Бундай шармандаларча кета олмайди у. Репин ўзини жуда тутта биларди. Сўнгги вақтларда у ўзини ҳамма барабар тутарди. Режимга бўйсунарди. Айтишларича, у илгарди ленинградлик боқимсизлар ичида энг эпчил чўнтак кесарлардан бўлган экан,— ана шу эпчил, кичкинагина-ю, лекин кучли қўллари ҳар қандай янги ишни осонликча ўрганар, ҳар қандай асбоб-ускунани дарҳол эгаллар эди.

Лекин у ўзини қўярга жой топа олмасди. Унинг вазмин бўлиб юриши кўзимни бўйи олмасди. У руҳан бўшашиб кетган эди. Бу, балким, умридаги дастлабки муваффақиятсизлигидир. У ақлли эди. Шунинг учун ҳам бурунги ҳукмронлигидан асар ҳам қолмаганини: болалар

унга қараб қолмаганини сезар эди. Колишкинга ва отрядидаги уч-тўрт болага зўравонлик қилиш билан мақтана олмас эди: У одамдан одамни ажрата билар ва итоаткор Колишкиндан ўнтаси бўлса ҳам унга обрў ва шараф келтирмаслигини биларди. Унга менинг у тўғридаги фикрим муҳимлигини сезар, аввалги суҳбатларимиздан билардим. Ўша гал айтилган гаплар, унинг ғурурига қаттиқ теккан эди. Худбинлик унинг характеридаги энг асосий хусусиятлардан экан — нафратдан бошқа ҳеч нарса унга оғир тегмас эди. Нафрат — кучли, лекин хавфли даво эканлигини билардим; нафрат ҳатто тошбақанинг косасидан ҳам ўтади деб бежиз айтишмаган-ку. У билан заҳарлаш мумкин. Лекин кейин даволаб бўлмайди. Ҳа, Репин масаласи мен учун оғир ва серташвишли масала эди. Мен уни бир зум ҳам унута олмас эдим.

Тўсатдан Разумов масаласи ҳам чиқиб қолди. Унинг бутун кучи Репинни бир тарсаки тушириш билан тамом бўлгандай эди. У руҳсиз, кўзини ердан узмай, шалвираб юрарди. Қўли ишга бормас эди. Алексей Саввич Разумовнинг дастгоҳ тепасида анча вақтгача қотиб қолишини, ҳамма нарсани унутгандай, чақирганда ҳам ўгирилиб қарамаслигини сўзлаб берди. Жуковнинг айтишича иштаҳаси ёмон, кечалари безовта бўлиб ухлар экан. У ҳеч қанақа ўйинда иштирок этмас эди.

— Менга қара, Семён, — деди Галя ташвишланиб. — Разумов келиб, нуқул ҳеч қачон ўғирлик қилмаганини, йўқолган нарсадан беҳабарлигини уқтиради. Мен унга ҳеч ким ундан гумон қилмаётганини айтдим.

— У нима дейди?

— Кетиб қолишлари билан горннинг йўқолиши тўғри келиб қолганини айтади. Ҳамма, албатта, биздан кўради, дейди. Шунча гапирсам, бир пул.

Мен Разумовнинг гоҳ бир болани, гоҳ бошқа болани чеккага олиб чиқиб гапирганини кўрганман. Мен унинг яна ўша гапларни такрорлаётганини: «ҳаммаси, бир вақтга тўғри келиб қолди... Биз олмаганмиз... Ахир биз қандай қилиб...» деяётганини биламан.

Шундан кейин тинглаб турган бола ўзини ўнғайсиз ҳис қиладими ёки Разумов, номатълум. Болалар унинг ҳасратида қандайдир оғир, сўз билан юпатиб бўлмайдиган дард ҳис этишарди, — бировнинг дардига дармон бўлмасдан, қараб туришдан ҳам оғир нарса йўқ.

Разумов билан Галя гаплашди, Екатерина Ивановна ва Алексей Саввич сўзлашди, ўзим гаплашиб кўрдим. У нуқул бир гапини такрорларди:

— Агар биронта бошқа одамдан кўрилганда ҳам баҳарнов эди. Шундай бўлгач, очиқ-равшан кўришиб турибди: биз кетибмиз ҳам—парсалар ҳам йўқолибди...

— Менга қара,— деди унга Галя,— агар мени ўғирлаган дейинса ишонармидинг?

У Галяга ҳайрон бўлиб қаради ва нима дейишини ҳам билмай қолди.

Ҳамма далиллар менга қарши бўлса, башқа одамга тўнкашнинг иложи бўлмаса-чи? Бунинг устига биронта одам, ўғирлаганини ўз кўзим билан кўрдим деса, бошқаси... Сен ишонармидинг?

— Қўйсангиз-чи. Галина Константиновна! Сира ишонмас эдим!

— Чин сўзингми?

— Чин сўзим.

— Бўлмаса биз нега энди сизлар ўғирлагансизлар деб ўйлашимиз керак экан? Юзаки қараганда, сизлар олгандай кўрингани учунми?

— Ахир сиз бизни оз биласиз...

— Бўлмаса сен мени кўпроқ биласанми?

— Йўқ... лекин Плетнев билан Королни ҳамма биланди... илгариги ишларини... баъзи-баъзида... шунақа бўлгандан кейин...

Галя шу гапларни батафсил сўзлаб берди...

— Ўзинг ўйлаб қара!— деди у аччиқланиб,— сира ишонтириб бўлмайди! Нима гапирсанг ҳам, худди эшитмагандек.

— Разумов алаmidан нима қилишини билмайди.— дейди Екатерина Ивановна.— Нима қилишимга ҳайронман. У мени анча ташвишлантириб қўйди Семён Афанасьевич: аҳволи чатоқлиги сезилиб турибди.

Разумов Екатерина Ивановнага бошидан кечирганларини сўзлаб берибди. Ота-онаси уч йил муқаддам ажралишиб кетган экан. («Мен энди учинчи гурппага ўтган эдим».) Оиласи ўша вақтда Саратовда яшар экан. Кейин икки йил мобайнида улар яна топнишиб, ажралишиб, уришиб, кейин яна ярашиб юришибди. Ҳар бири болани ўзига тортар. миясига келган энг ифлос, аччиқ ҳақоратлар билан бир-бирини ёмонлар экан. Бирини: «Отанг алдамчи, муттаҳам» деса, иккинчиси: «Онани

ярамас хотин» деяр экан. Ховлида Сенька Плетнев деган оғайнисн, тенгдоши бўлса ҳам кучли, характерли бола бор экан. Дунёни сув олиб кетса тўпингга чиқмас экан. У кўпдан бери Владимирга ҳайё-ҳайт деб кетиворишни таклиф қилиб юрар экан. («У етим эди. Буваси билан турарди. Меникидака ота-она бўлгандан кўра бўлмагани яхши». — дебди Разумов.) Охири иккови бирга кетиб қолибди. Москвагача поездда яшириқча келишибди, кейин Казанга боришибди. Казанда Король билан учрашиб, ўртоқ бўлиб қолишибди ва уччовлашиб Ленинградга йўл олишибди. Бу ерда тарбияланиши оғир болалар уйида қишни ўтказиб, кунлар исиб кетгандан кейин саёҳатни давом эттирмоқчи бўлишибди.

— Тинглаб ўтирибман-у, ўзимча ўйлайман: ахир у бундай саёқликка бутунлай ярамайдиган бола-ку, — деди хулоса чиқариб Екатерина Ивановна унинг қисқа, лекин мусибатли оғир турмушини ҳикоя қиларкан. — Назаримда болаларимиз ичида — катта болалар ичида, — характерига кўра энг қобил тузук бола шу. Лёня-миз болаларнинг энг кичиги бўлса ҳам — лекин ундан кўра, Разумовга она кўпроқ керак. Гоҳ Плетневга, гоҳ Корольга суяниб юриши бежиз эмас. Мен билан очик гаплашишининг сабаби ҳам, балким, менинг: Шуниси ҳам борки, у ўзи ҳақида менинг сўрашимни кутмасданоқ ҳикоя қила бошлади.

Екатерина Ивановна тўғри айтди, — Разумов она меҳрига муҳтож эди. У кўринишида қаттиққўл Софья Михайловнадан тап тортиб юрган бўлса ажаб эмас. Антонина Григорьевна билан жуда иноқ эди — биринчи бор уйни кўздан кечирган вақтимда ўз ихтиёри билан Софья Михайловнага ёрдам бераётган бола ҳам шу эди. — мен ёки Алексей Саввичдан кўра Галя билан очикроқ ёзилиб гаплашарди.

Бир кун оқшом палла кабинетимда ишлаб ўтириб, очик деразадан, Галя билан Разумовнинг суҳбатлашиб ўтирганини эшитиб қолдим. Улар пиллапояда ёнма-ён ўтиришарди. Галя алланима тикар. Разумов аррача билан бир бўлак фанер ушлаб ўтирарди. Биринчи сўзлариданоқ Разумовнинг Галяга мен Екатерина Ивановнадан эшитган гапларимни такрорлаётганини англадим. Мана давом эттира бошлади.

— Биласизми, ҳаммаси жуда бошқача бўлиб кетди. Мен кетмоқчи эмас эдим. Король ҳам. Плетнев бўлса

нукул: юринглар энди, ахир бошида келишиб қўйган-миз-ку, деяверди. Лекин ўзининг ҳам ҳадеганда юраги дов бермай турди. Жуков дастурхонни ёйиб қўйгандан кейин Королнинг жаҳли чиқиб кетди... Плетнев ҳам. У ўша замоноқ: елкаминг чуқури кўрсин бу ерни, деди...

— Ҳозир у қаерда экан, сен нима дейсан?

— У биздан жуда хафа бўлган. Жанубга жўнаб қолган. Лекин қайтиб келади. У Король билан жуда дўст.

— Сен билан-чи?

— Мен биланми?..

Пауза. Разумов ўзини Плетнев билан боғлаб турган нарса дўстликмиди, деб балким биринчи дафъа ўйланиб қолгандир.

— Биласизми, Арсений икковимиз беш йилдан буён бир-биримизни биламиз. Бир ҳовлида турардик. Унинг бувиси жуда яхши эди. Кейин бувиси ўлиб қолди... Бувиси бўлса... Бувиси билан Сенька жуда қийналди...

Мен деразадан қарайман. Галя диққат билан тикмоқда. У тинглашга жуда уста. Мен ҳам бировнинг гапини берилиб тинглайман. Разумов ҳам ўтмиши ҳақида Галяга ҳикоя қилар экан, ўзини анча енгил ҳис қилса керак — мен уни кўпдан бери бундай хотиржам кўрмаган эдим.

— Сенька ҳамма вақт менга ғамхўрлик қиларди. Битта майизни ҳам бўлиб еярдик. У жуда ботир. Ҳеч нарсадан тап тортмайди. Уни неча марта милицияга олиб кетиб қолишган! Шундай қўрққанманки! У бўлса, яна қайтиб келаварарди. Ёлғон-яшиқ гапириб қутулиб кетарди. Лекин нима деб ёлғонлаганини билмайман. У-чи... Унинг қанақалигини ҳали билмайсиз! У менга ўғирлик қилдирмасди! Сен қилма, деярди! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир марта ҳам ўғирлик қилмаганман: Сенька қилдирмаган...

Галя ипини тишлаб узади:

— Лекин ҳамма нарсага шерик қиларди, деяпсан-а?

— Ҳа.

— Менга қара Володя, ўғирлик молга шерик бўлгандан кейин, ўз қўлинг билан олдинг-олмадинг барибир, бу ҳам ўғирлик-да.

Пауза.

— Ана кўрдингизми, ўзингиз айтяпсизки... дейди сўниқ овоз билан Разумов.

— Нима деяпман? Бу ҳаммаси илгари бўлган. Утмишни ҳеч ким эслаётгани йўқ. Сенга ўтган гал ҳам айтганман: сен билан Королнинг горнининг йўқолишига алоқаларинг йўқ. Биздаги болалар тўғри сўз, агар сизларни ўғирлаган деб ўйлашса, шартта юзларингга айтиб қўя қолади.

— Семён Афанасьевич уларга айтиб қўйган-да. Семён Афанасьевич бўлса, тарбия юзасидан... мени тушунмайди. дейсизми?

Галя кулади:

— Семён Афанасьевични билмас экансан! У бирор нарсани яшираман дегани билан, барибир...

Йўқ. йўқ. ўз характерим ҳақидаги мулоҳазаларни тинглаб ўтиришга тоқатим йўқ. Қоғоз солинган папкаларимни ёпаман-да пиллапояга чиқиб, Галя билан Разумовнинг ёнидан шошилмасдан ўтиб кетаман. Улар жим бўлиб қолишади. Қўққисдан чиқиб келганим уларни ханг-манг қилиб қўяди.

... Оқшом. Галя болаларни ётқизмоқда. Костик кроватда иргншлайди. Галянинг қўлидан чиқиб кетганига қиқир-қиқир кулади. Леночка бўлса, пишиллаб кўйлагини ечади ва мен унга ёрдам бермоқчи бўлсам:

— Ўзим! Мен ўзим!— дейди.

— Менинчга,— дейди тўсатдан Галя,— у шу лаънати горн масаласи бир ёқли бўлмагунча тинчнмайди...

Ҳозиргина биз Костик билан Леночканинг ботинкаси йиртилиб кетгани, вақт топиб янгисини олиш кераклиги ҳақида гаплашган бўлсак ҳам у ким тўғрида гапираётганини тушунаман.

Король кашф қилади

Юнгштурмовка кийиб хипчагина бўлиб Гриша Лучинкин келди. Биз эски танишимизни кўриб жуда севиндик. Бу галги ҳамроҳлари — учта ўспирин шу қадар жиддий эдики, дарҳол Таня Воробьёва эсимга тушади. Нега бунақалигини, билмайман-ку, лекин пионер вакиллари бирор иш қилишда дастлаб ўзларини худди халқ комиссаридек ҳис қилишса керак. Бизнинг болалар уларнинг бу қадар жиддийлигидан шошиб қолишган. Кўзойнак

таққан, кичкинагина, миқтидан келган пионер қалин лабларини виқор билан қисиб туради, натижада юзи ундан бадтар семиз кўринади. Иккинчиси — новчароқ ва ориқроқ; буниси офтобда қорайган, малла сочи офтобда бадтар сарғайиб кетган эди; ўсиқ қошларини чимириб турганидан яқин йўлаб бўлмайдигандек кўринарди. Пионерларнинг энг каттаси — кўкрагини пионер галстугидан ташқари комсомол значоги ҳам беэаб турган, семиз портфель кўтарган бола ҳаммадан ҳам салобатли турарди. У ёноқлари чиққан, кўк кўз, сочини қириб олдиртирган, боши юмалоқ бола эди.

— Полосухин,— деб таништирди ўзини.— Музокара олиб бориш менга топширилган. Ўртоқ мудир, ҳарбий-спорт ўйини ўтказиш ишига сизлар томондан жавобгар шахсларни тўплаб беришингизни илтимос қилардик.

«Шахслар»: совет ранси Жуков, отряд командирлари ва Дмитрий Королёв бир дақиқада тўпланди. Ҳаммалари клубда одоб билан стол атрофига ўтиришди ва жиддий Полосухиннинг портфелидан аллақандай қоғозлар чиқараётганини зўр ҳурмат билан кузатиб туришди. Ҳозирча муҳитни фақат бир нарсани эшитиб турибди: у ҳам бўлса, Гришанинг кўзидаги дўстона табассум.

— Бизда энди «Болалар дўсти» бор. Энди ҳаммамиз — болалар дўстимиз,— дейди Петька. У, бош алоқачимиз бу ерда ҳам суқулмасдан туролмади.

Полосухин унга парво қилмайди, лекин Гриша гапга аралашади:

— Жуда соз. Мен Таня Воробьёвага айтиб қўяман— у жуда қизиқаётган эди, суриштиринг, деб тайинлаётган эди.

— Мана бу ёзда Ленинградда қолиб, бир базага бирлашадиган пионерларимизнинг рўйхати,— дейди Полосухин Петька билан Гриша гапини тугатгандан кейин. — Биз юз кишимиз, сизлар саксонта. Бизнинг кўпчилигимиздан ташвишланмасанглар ҳам бўлади, нега деганда сизларнинг кўп жиҳатдан қўлларинг баланд, сизлар шу районда яшайсизлар, уни атрофлича ўрганиб олишингиз мумкин.

Гриша лабини тишлаб, деразага ўгирилади. Мен ҳам кулиб юборишдан ўзимни зўрға тияман. Лекин бизнинг болалар Полосухиннинг нутқини муҳим бир хабардек диққат билан тинглашади. Улар ўзларича ҳеч қайсиси

шундай яхши гапира олмаслигини, «атрофлича» деганга ўхшаш маънодор ва жарангдор сўз топиб ишлата олмаслигини тан олишарди...

— Августнинг бошида биз буёққа, лагерга икки ҳафтага чиқамиз. Биринчи ҳафта ичида жойини ўрганамиз, кейин ҳарбий-спорт ўйинларни бошлаб юбориш учун биргаликда бир кунни тайинлаймиз. Унгача — сизлардан яширмайман — буёққа разведкачиларимизни юбориб, шу жойларни ўрганамиз. Мана бу районингизнинг картаси, баъзи тахминий далилларга асосланиб тузганмиз.

У столга ёш бола томонидан дадил ва усталиқ билан чизилган картани ёзди. Яшил, ҳаво ранг, жигар ранг бўёқлар бир текис ва пухталиқ билан ишлатилган. Шартли белгилар ингичка перода туш билан ёзилган. Бизнинг болалар нафасларини ичларига ютиб карта тепасига энгашишган, Полосухин бўлса, бу таассуротдан мамнун бўлиб қалам билан паркимизни, ялангликни, уйни паркининг нариги ёғидаги анҳорни, жарликни, темир йўлни кўрсатарди...

Королнинг қовоғидан қор ёғилиб кетди. Саня ҳам хўмрайиб олди, лекин у ўзини хотиржам кўрсатарди. Аммо Петька жуда куйиб кетди. У стулда ўтирган ерида типирчилар, ўфлар ва бурнини тортарди. Кўзлари эса алампидан фожиали боқарди.

— Мана бу, қисмларимизни жойлаштириш учун таппаб олган территория.— Полосухин қалам билан картанинг маълум бир жойини ўраб кўрсатди.

«Территория» усталиқ билан: ичкарилигида, анҳор ёқалаб таппанган эди.

— Ду-руст...— деди чўзиб Король.

— Сизларга катта илтимос, ўртоқ детдомчилар,— деди Гриша.— Ҳарбий ўйинга тайёргарликни қаттиқ сир тутиш керак, албатта. Лекин шуни сизларга очиқ айгмоқчиман: бизга сигнализация учун ўнтага яқин байроқча ва ўнтача милтиқ етишмайди. Шуларни устахоналаримизда ясаб бера олмайсизларми? Бизнинг база жойлашган мактаб устахонаси ремонтда, ишлаш бизга бироз қийинроқ...

— Иима дейсиз, Алексей Саввич, уддалай оламизми? — деб сўради.

— Уддаласак керак... мактаб мебеланинг ремонтини ва

Ленин номли колхознинг закази қўлимизни банд қилиб турибди, лекин ҳаракат қилсак...

— Ҳаракат қиламиз!— деди кескин Саня.

— Менингча,— деди яна Гриша.— бир неча кундан кейин яна учрашиб, мукаммал гаплашиб олишимиз керак. Милгиқ тўғрисида келишиб олдик-а?

— Келишдик!

— Поезд жўнашига қанча бор?

— Бир ярим соат.

Гриша бизнинг болаларни бир-бир кўздан кечирди-да, Саняда тўхтади:

— Қани, энди бизга мулкларингни кўрсатарсизлар, балки?

— Бўлмасам-чи... албатта... марҳамат!

Пионерлар худди рогатка отилган чумчуқлардек тарқалишиб кетишди. Сиполик билан «атрофлича», «жойини ўрганамиз» дейишлари ҳам бир бўлди-ю, клубдан отилишиб чиқиб, ҳамма нарсани кўрсатинглар, деб бизнинг болаларга ёпишиб кетишгани ҳам бир бўлди! Улар ҳар бир майда-чуйда ҳақида ташналик билан шошиб-пишиб сўрашар, ҳамма жойга бош суқиб қарашар, устахонамизни, паркни, уйимизни, гимнастика майдонини ўзлари айтганча «атрофлича» ўрганишарди. Уларни бошлаб юрган Петька бу ўзгаришдан кейин анчагача ўзига келолмай турди. Кечқурун болалар уйи советига йиғилганимизда эса, у кўзларини катта-катта очиб ҳамон:

— Оббо сенлар-эй! Уларни қаранглар-а... оббо! Генкалари-чи... девор бўлмаса, кўчадагини кўради-я!— деб тақрорларди.

— Тўғри, Семён Афанасьевич!— деб қўшилди Сергей.— Улар шунақа, бояги болалар... Улар аввал келишиб туришди-ю, лекин кейин, опоқ-чопоқ бўлиб кетишди. Ҳамма нарсага ақллари етади, кўрмаган, суринтирмаган нарсаларни қолмади. Геннадийлари бўлса... ҳалиги нутқ сўзлагани бор-ку... Полосухин. Жуда миялик экан!

— Геннадий тузук,— деб тасдиқлайди Король.— Анави кўз ойнаклиги... исми нима эди... Шурка шекилли?

Ушаниси ҳали жуда гўл. Хо-холагани хо-холаган. Агар шунақа кичкинтойларни тўплашадиган бўлса, ўйиннинг ҳам қизиги қолмайди.

— Йўғе,— деб эътироз билдирди Саня.— Хо-хола-са нима бўпти. Лёнка товуқларини мақтаганда кул-

гили бўлди-да, ўзи. Володиннинг трапециядан йиқилиши ҳам кулгили бўлди. Гўллар бизда ҳам оз эмас. Геннадийга ўхшаганлар билан жанг қилиш ҳазилакам иш эмас! Тоза кунингни кўрсатиб қўяди.

— Геннадийнинг йўриғи бошқа,— деб қўшилди Король.— Сенька ҳам.

Петьканинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Ҳуштак чалишга ҳам ҳўб уста эканми!

— Рост, ҳуштак чалишга уста экан. Ҳалиги ашулани ҳам... «Қизил Веддинг»чи. Хуллас, яхши болалар экан.

Ҳатто Суржик ҳам сўз қистириб қолди:

— Улар билан эҳтиёт бўлиб ўйнаш керак... Уларнинг карталарини ҳа, ана уни карта деса бўлади, кўрдингизми, бизники-чи нари-вери чизилган бир нарса.

Сергейнинг жаҳли чиқди:

«Нари-вери» деганинг нимаси? Биз ҳам ўрганамиз. Фақат ҳаракат қилиб қолиш керак, бўлмаса ютқизиб қўямиз... шарманда бўлиб бошимизни кўтара олмай юрамиз.

Шу кун кечқурун болалар уйи совети бўлғуси жангга ҳозирлик кўриш планини алла пайтгача муҳокама қилди. Эртаси эрталабдан бошлаб Король шу плани амалга ошира бошладди. У ишга шу қадар берилиб кетдики, атрофдагиларнинг ҳаммаси жонланиб кетди.

Кечқурунги чойдан кейин болалар Королнинг ихтиёрига ўтишарди. Мен унинг тасаввури зўрлигини, ақли тез ишлашини билардим, лекин мен ҳам, бошқалар ҳам ундан бу қадар кашфиётчиликни кутмаган эдик. У тинимсиз бирон нарса ўйлаб чиқарарди.

— Болалар,— дейди Дмитрий Стеклов отрядини (шу бугундан бошлаб взвод) саф торттириб,— тескари ўгирилиб туриб, бирдан ўнгача санайман. Санаб бўлгунимча хоҳлаган жойингизга яширининг.

— Ётоқхонага яшириниш мумкинми?— деб чинқиради Лёня Петров.

— Иморат ичига беркиниш йўқ,— дейди Король.— Қани!

У тескари ўгирилиб, кўзини чирт юмади-да, чўзиб-чўзиб санай бошлайди:

— Бир... икки...

Лёня кучининг борица товуқхона томонга югуради.

Сергей одатдагидек хотиржамлик билан катта-катта қадам ташлаб, паркка кириб ғойиб бўлади. Павлуша нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб туради-да, кейин: аҳа, топдим-ку,— дегандек жилмайиб айри бўлиб ўсган қарағайга тирмашиб чиқа бошлайди. Бошқалар ҳам кўнгли ёққан жойга яширинади.

— Тўқиз... тўқиз ярим... ўн!

Король шартта ўгирилади-да, худди орқасида ҳам кўзи бордек, тўғри товукхона томонга югуради. Ана у ердан паришон Лёняни тортиб чиқариб паркка қараб югуради: бир болани буталар тагидан, иккинчисини дарахт орқасидан, учинчисини аллақандай чуқурдан топиб чиқади. У уй девори бурчагига, ошхонанинг очиқ турган эшиги орқасига, айвон тагига қарайди-да, худди кимнинг қаерга беркинганини кўриб тургандек, болаларни бехато топиб чиқаради. Бир неча минут ичида Стекловнинг отрядини тутиб бўлади. Фақат биттаси етишмайди. Король бўлса, терлаб кетган пешонасини артиб, ҳатто тепага ҳам қарамасдан, ўзини бепарво қилиб кўрсатиб:

— Пашка, туш!— деди.— Туш деяпман сенга, олмахонга ўхшаб ўтиришинг етар!

Хижолат тортган Павлуша дарахтдан тушади. Тиззалари тилинган, кафтлари қорайган.

Лекин кулги ва шов-шув шу замон оқ тинади. Чунки Митька:

— Маскировкангиз уч пулга қиммат, мияни ишлатмайсизлар,— дейди чертиб-чертиб. Лёнка қаёққа югурди — шу ҳам жумбоқ бўлди-ю! Унинг қаёққа беркинганини товуклар айтиб беришди: Лёнкани кўришлари биланоқ қа-қалашиб юборишади. Сизлар бўлса паркка шундай тасир-тусир қилиб чопдингиз-ки! Худди пода чопгандай!

— Вақт кам-да!— деб эътироз билдиради шошиб-пишиб Вася Лобов, ҳар вақтдагидай ҳаяжонланганидан тилини чучук қилиб.— Бир-икки-уч-тўрт-беш-олти-етти-саккиз-тўққиз-ўн—деб ўнгача санагунча яхшилаб беркиниб бўлармишми!

Нега тахтадан чопиб ўтдинг?

— Қанақа тахтадан?

— Шунақа тахтадан! Кўприкчадан сакраганингда. У, ерда битта тахта қимирлаб туради. Шу тахтани уч марта тапилладинг. Агар донм шунақа бўладиган бўлса, ўша ўйинни бошламаганимиз ҳам маъқул. Ундан кўра

жим ўтирганимиз яхши. Майли, белкуракларни олиш-лар — кавлаймиз.

— Нима кавлаймиз?

— Сергей команда бер, белкуракларни олиб паркка боришсин!

Стекловнинг отряди паркда бир пуштанинг ўттиз қадамча жойини чопди. Болалар терлаб-пишиб ишлашади: Король тупроқни ундай қилиб майдалашни талаб қилади. Ўзи ҳам барча баробар ишлайди, ер қазувчиларнинг нега бундай қилаётганларини сўраб қилган илтижоларига қулоқ солмайди.

Эртасига бўш вақтларнинг бирида Король ҳаммани ўша пушта ёнига тўплайди-да, ҳамманг жим бўлинглар деб, ўзи пуштанинг бир бошидан иккинчи бошига ўтади.

— Қолишқин! Энди сен ўт. Лекин худди меннинг изимдан юр, чеккага чиқиб кетма! Эҳтиёт бўл!

Болалар нафасларини ютиб томоша қилиб туришади. Қолишқин бўлса жар тепасига қўйилган якка чўпдан ўтаётгандек қўлларини ёзиб мувозанат сақлаб Корольнинг нақ изига оёқ қўйишга уриниб юриб ўтди. Бир қараганда унчалик қийин иш бўлмасада,— икки-уч марта чеккага чиқиб кетди.

— Мен ўтаман! Мен ўтаман!— Петька қачон ўтар эканман деб тоқати тоқ бўлади — мана ҳозир у изма-из юриб ўтиб, юриш қанақа бўлишлигини кўрсатиб қўяди!

— Йўқ,— дейди Король.— Қолишқиннинг отряди қолади. Қолганлар — сафлан! Биринчи-иккинчи деб санаб ўт! Икки қатор сафлан! На-пра-во! Ўрмонга қараб... марш!

Ўрмонда у болаларнинг бир қисмини йўл бўйига занжир шаклида жойлаштиради:

— Сизлар кўриқчи, тушунарлими? Сизларнинг ишингиз пойлоқчилик қилиш. Хушёр бўлинглар. Хеч кимни ўрмонга ўтказманглар, тушунарлими? Биз сизларга билдирмасдан ўтгнга уринамиз. Сизларга сездирмай ўтиб, анҳор бўйида тўпланишимиз қорак. Агар ярмимиздан кўпимиз ўтиб кетсак, демак биз ютган бўламиз. Агар ярмимиздан кўпимиз қўлга тушсак, ютқизганимиз. Кетдик.

У ҳеч нарсани олдиндан огоҳлантириб қўймас эди. Ҳамма нарсани сўнгги дақиқада, қисқача, лўнда-лўнда қилиб тушунтиради. Ҳамма дарроз тинчгина қолади.

У анҳор бўйига бежавфў-хатар ўтиб олади: бир оздан кейин ёнига Жуков етиб боради. Кейин Подсолнушқин

келади. Ярим соатдан кейин «соқчилар» қолганларни бошлаб келишади. Король дарғазаб бўлиб сўрайди:

— Соқчилардан Васькани тутган ким?!

— Мен!

— Қанақа қилиб тутдинг?

— Қанақа қилиб тутардим? Шундай бўлиб менга тикка қараб келаверди.

— Дуруст. Санька, сен қўлга тушмадинг-а?

— Тушганим йўқ.

— Қандай қилиб ўтдинг?

— Эмаклаб.

— Яша. Подсолнух қани айтчи, қандай ўтдинг?

— Баъзи ерда эмаклаб, баъзи бир ерда ёнбошлаб ўтдим.

— Кўрсат-чи!

Подсолнушкин итоаткорона энгашади, шох-шаббаларни итариб, гоҳ ётиб, гоҳ қаддини кўтариб ўн қадамча юради.

Кейин Король ҳар бир соқчи билан қўлга тушган боладан қандай қилиб тутган ва тутилганини кўрсатишни талаб қилади. Тутилганининг ҳар бир ҳаракатини майна қилиб гап қотади:

— Айиқ, айиқнинг ўзгинаси! Қелаётганимни эшитсин деб ашула ҳам айтивормабсан-да, тағин... Ёлгон гапирма, эмакламагансан. Жуков эмаклаган, лекин сен алдаябсан.

— Эмакладим. эмакладим!— дейди қичқириб Глебов.

— Эмаклаган бўлсанг, ҳамма ёқни қасир-қусурга олиб эмаклагандирсан. Ванюшка, қандай қилиб тутдинг уни?

Ванюшка тўлиқ жавоб беради:

— Қандай қилиб бўларди? Ҳалиги... Бир вақт қарасам аллакимнинг пишиллаётгани эшитилябди...

— Айтмадимми: пишиллагансан, хириллагансан. Бутун ўрмонни шовқинга тўлдиргансан. Бунақа вақтда-чи— нафас ҳам олмасинг керак, тушундингми?

Репинга станцияга бориб ленинградликлар келтирган совғаларни олиб келиш топширилганда унинг эҳтиётлик-ишончсизлик ва хавотирлик билан буйруқ берганини эсладим. У Жуковга, Стекловга, улар барибир айтганини қилишмайди деган ишонч билан буйруқ берарди. Ҳозир Королда ана шу эҳтиёткорликни кўрмайман.

У ҳам Репин сингари буйруқ бериб ўрганган, итоаткорликка одатланмаган. У ҳам катта, зўр болалар итоат қилишдан бўйин товлашар деб ўйлаши мумкин эди. Лекин ҳозир ҳаммаси бир-бири билан шундай боғланиб кетдики, ажратиб ола олмайсан. Отрядда Король Подсолнушкинга итоат қилади. Подсолнушкин бўлса, спорт машғулотларида Королга сўзсиз бўйсунди. Уларнинг иккови совет раиси Жуковга итоат қилишади, Жуков бўлса отрядда Подсолнушкиннинг айтганларини қилади, ўйинга тайёргарлик вақтида эса — Королнинг буйруқларини бажаради. Ҳаммалари Колишкин бўладими, Суржик бўладими навбатчи командирга итоат қилишади. Эртасига шу Колишкин билан Суржик янги навбатчи командир Стеклов билан Володиннинг буйруқларини ҳеч сўзсиз бажаришади.

Болалар уйида ҳамма бир-бирига боғлиқ. Ҳар бир бола ўртоғига буйруқ бериш ва бўйсунганини билиши керак. Итоат қилиш ва буйруқ бериш борган сайин тез-тез учраб туради, борган сайин чамбарчас боғланиб боради. Энди Король на Жуковга ва на Стекловга пўписа қилмайди. У ташвишланмайди, чунки болаларнинг итоат қилишларини билади. Энди у командирни Подсолнушкинга: «Бор-боре! Яна нималар керак сенга?» демайди.

Демайди — вассалом!

31

Ҳаттолар солинган концерт

...Хўш, машғулотлар-чи? Король қачон дарс тайёрлайди?

— Менга қара, Дмитрий, энди дарс нима бўлади? Ўйинга ҳозирлик кўриш ишини бошқа болага топшира қолайликми? Сенга оғирлик қилмасмикан.

— Йўқ, йўқ! Оғирлик қилмайди! Мана, кўрасиз ҳали, Семён Афанасьевич. Нима бўлишини кўрасиз!

Шундай қилиб кўрдик ҳам.

Шуни айғиб ўтайки, Королнинг ташкилотчилик қобилияти жуда зўр. Масалан, Володинни олсак — у отряд ҳаётининг миридан-сиригача аралашади, ҳамма нарсага уринади, ҳаммага ёрдам беради — эртадан кечгача командирлик вазифаси билан банд бўлсада, энг муҳимини

бажаришга улгурмай қолади. Мен бунақани кўп кўрганман: одам бирон бошқа кишига ишонмай ҳамма ишни ўзи қилишга уринади. Королнинг усули бошқача.

Биринчи кунлар Король болалар ёнидан нари жилмади. Кейин взводларни командирлар ихтиёрига қўйиб кета бошлади. Тўсатдан Подсолнушкиннинг отрядида пайдо бўлади, («Нега эмаклашни ўргатмаялсан? Шипдай бўлиб тик юраверасизларми?» деб танбеҳ беради) у ерда тартиб ўрнатиб, кейин Володиннинг отрядига ўтади, ундан Стекловниқига, Колишкинниқига... Агар биринчи ҳафта тушки овқатдан чойгача бўлган вақтни машқ билан ўтказса, иккинчи ҳафтаданоқ иш ўзи юришиб кетади. Король фақат кириб ўтишни унутмас, бирон янги нарсa кўрсатар, ўтган гал кўрсатилган нарсалар қанчалик сингганини текширади («Йўқ, изма-из юришни билмайсизлар ҳали — қаранглар худди подадек таптаб ташлабсизлар! Яширинишни билмайсизлар!» деб койир), бўш вақтини дарс тайёрлаш билан ўтказарди.

Софья Михайловна ҳам, Екатерина Ивановна ҳам ўз группаларидаги болалар билан машғулот ўтказишарди. Машғулотга тўрт соат вақт ажратган эдик — нонуштадан кейин то устахонада иш бошлангунча ва оқшомги чойдан кейин кечки овқатгача. Лекин ҳеч ким Королчалик жон-жаҳди билан киришмасди. Илгари мен унинг бу қадар ишқивозлигини билмас эдим. У ҳақиқатан ҳам жуда ишқивоз эди. Бир нарсани қиламан дедими, қиларди. Соат олтиларда туриб олиб китобга муккасидан кетарди. Шу одатидан қайтариб бўлмасди.

— Ухлай олмасам нима қилай? Уйқусизлик касалига дучор бўлган бўлсам-чи? Нима, кўзимни бақрайтириб ётасерайми?

Ҳамма вақт, ҳеч тўхтовсиз такрорлайди:

— Эҳ, шу маҳалда Плетнев келиб қолганидами! Биргалашиб тайёрлардик. Жуда мияли бола. Сиз нима дейсиз, Семён Афанасьевич, келармикан?

-- Мен уни яхши билмайман. Ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Келиши керак. Бизсиз қаёққа борарди? Кузга бориб, албатта келади.

Екатерина Ивановна Король арифметикани яхши ўзлаштираётганини, лекин ўлгудек саводсиз ёзишни айтган эди. Ёзув масаласига келганда ёрдамни нимадан бошлашни аниқлаш ҳам қийин эди — Король диктовка ости-

да баъзан саҳифалар гиж-гиж хато эди. Король олд кў-
макчан от билан, инкорни феъл билан чалкаштириб
кўчирган эди. Сўзларни ўқиб ҳеч нарса тушуниб бўлмас-
ди: баъзан эса, асли ўзи қандай сўзлигини ажратиб ҳам
бўлмас эди.

Екатерина Ивановна билан ўтказилаётган мағфулот
камлик қилаётгани аниқ эди — Король кимки бўш бўл-
са, бориб билишди оларди:

— Галина Константиновна, ҳозир нима иш қилмоқ-
чисиз?.. Ҳа, диктовка қилиб юборсангиз. Екатерина Ива-
новна мапа шу еридан деган эдилар.

Ўйга кираётиб ёки кабинетимда ўтириб Галянинг
бурро-бурро қилиб диктовка қилаётганини эшитаман:

— «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Сичқон, донини
ема».

Баъзан Король билан Стекловни бирга учратаман: ё
биттаси иккинчисига диктовка қилаётган бўлади, ёки
иккалови грамматикадан берилган машқни бажараёт-
ган бўлишади: нуқта қўйилган жойга тегишли ҳарфни
ёзиш учун сўзни ҳар томонлама гекширишади, ҳар
оҳангга солиб айтиб кўришади. Лекин Стеклов дарсни
бутунлай бошқача тайёрлади: у Корольга ўхшаб алами-
дан пешонасига шاپиллатиб ёки калласига муштлаб
урмас, овозини баланд чиқариб ўзини эшшак ёки каллава-
рам деб сўкмас эди. Жудаям иши юришмаса лабини тиш-
лаб, хўмрайиб қўя қоларди. Даҳанини муштига тирага-
нича диққат билан дафтарга тикилиб ўтирар, кейин
аввалгидек, жимгина жавобини дафтарига ёзиб қўя қо-
ларди. Корольга ўхшаб мулоҳазаларини овозини чиқариб
(«Топдим! Оббо падар қусуре!») гапирмас эди.

Корольнинг бешинчи группани бирга қувиб етиш ҳа-
қидаги таклифига:

— Қувлаб юрмайман, керак эмас. Нечанчи группага
ярасам шунда ўқийвераман,—деб жавоб берди.

Король уни роса сўкди, жаҳли чиқиб эшшак, тўнка
деб ҳақорат қилди.

— Сенга нима?— ҳайрон бўлишарди болалар.—
Ўқигиси келмаса, ўқимай қўя қолсин, сенга нима?

Лекин Король бўш келмасди. Сўкишдан бошқа яна
қандай далиллар келтирганини билмайман. Рост, бир
куни жаҳл билан Стекловга: «Шу ҳам ўртоқлик бўл-
ди-ю!» дейётганини деразадан эшитиб қолган эдим. Бал-
ки у пайт бошқа нарса ҳақида гаплашмигандир. Фақат

шунисини яхши биламан: Екатерина Ивановна олиб бо-
раётган машғулотга Сергей ҳам қатнаша боилади.

— Қизиқ, жуда қизиқ,— деди менга бир неча кун-
дан кейин Екатерина Ивановна.— Королёв жуда мия-
ли бола, лекин ўтакетган олов. Масалани олди дегунча—
шошиб-пишиб тахминан кўнайтириб, тақсимлаб, қўшиб
слиб ташлайверади... Мабодо қолдиқсиз бўлимай қол-
са, айтайлик бештаю нимчорак сигир ва шунга ўхшаш
бир бемаъни нарса чиқса, шундагина ўзига келади. Бўл-
маса, дунёни сув олиб кетса тўпигига чиқмайди. Стек-
лов бўлса бутунлай бошқача. У таҳлил қилишдан бош-
лайди — қадам-бақадам мустақкам, битта-битта ўрганиб
ўтади. У сал калтафаҳмроқ, лекин шунга қарамай, ҳеч
қачон хато қилмайди.

Баъзан Король кечқурун кабинетимга кириб:

— Семён Афанасьевич, бир оз ўтирсам майлими?—
деяр эди.

— Ўтиравер.

У бошқа стол ёнида жойлашиб ўтирар ва берилиб
алланималарни ёзарди; баъзан у дўппайган конверт-
ни очиб ичидан аллақандай тўрт бурчак қоғозларни
оларди.

— У нима ўзи?— қизиқсиниб сўрайман.

— Буми? Хатолар солинган конверт.

— ?

— Рост. Агар бирон сўзни хато қилиб ёзсам, Екате-
рина Ивановна шу сўзни кўчириб ёзиб конвертга солиб
қўйишни буюради. Кўрдингизми, қанча йиғилибди?
Кўпчилиги урғусиз унли сўзлар. Шундай сўзлар борки-
уларни текшириб бўлмайди. Масалан, небеса.

— Небо-чи? Небесний десак-чи?

Король менинг зийраклигимга ҳайрон қолади:

— Топдингиз-а! Собака сўзи-чи — собакани текшириб
бўладими? Шунақасини конвертга солиб қўяман. Кейин
Екатерина Ивановна диктовка қилади ва албатта бирон
ерида шу собака сўзини қистириб кетади... яъни хато
кетган сўзни. Агар тўғри ёзадиган бўлсам — конвертдан
олиб ташлашим мумкин. Агар яна хато қилсам, яна ўша
ерда ётаверади. Шу собака сўзини тўғри ёзаман деб бо-
шим қотди! Ёздим дегунча собака сўзининг ёзилишини
яхшилаб кўриб оламан-у, лекин қарабсизки яна хато
кетибман. Нега шунақа бўлар экан-а, Семён Афанась-
евич? Бошқа ҳамма нарса: дарёлар ҳам, тоғлар ҳам,

шаҳарлар ҳам, хуллас ҳаммаси эсимда туради. Бунга келганда — ҳаёлимдан кўтарилади — вассалом!..

Мени бошқа нарса ташвишлантиради: ахир у капкатта йигит бўлиб қолган бўлса, яқинда ўн тўртга киради. Нега конвертга бунчалик ёпишиб олган экан, сўзлар нотўғри ёзилган қоғоз парчаларини нега бунчалик эҳтиётлаб сақлаб юрмаса? Бу ўйиннинг бир туридек гап, ёш болаларни алифбега ўргатганда шундай қилинади. Лекин Король... Бас, етар, яқиндагица: «Екатерина Ивановна—кичкинтоёлар учуи» деган шунинг ўзгираси эмасмиди?

32

Я х и ш и х а б а р л а р

Қушларнинг бирида эрта билан Жуков, Коробочкин ва Разумов дазмолланган кўйлак-иштон ва тозаланган ботника кийиниб, сочларини тараб рўпарамизда ҳозир бўлишади: улар устахонамизда ясалган милтиқ ва сингнализация байроқчаларини Ленинградга олиб кетишади.

— Улар бизга совға келтиришди — биз ҳам совға тайёрладик,— дейди Петька.

Гапининг оҳанги қандайдир ноаниқ, лекин ҳаммамиз яхши тушунамиз: у боргиси келиб учиб турибдики, сўз билан ифода қилиш ҳам қийин! Экспедиция бошлиғи Жуков унга кўз қирини ташлаб қўяди.

— Семён Афанасьевич! Петька ҳам бора қолсинми? Байроқчаларни кўтариб...

— Агар Подсолнушкинга керак бўлмаса, борса бора қолсин.

— Бор, командирингдан сўраб кел!

Ана Петька ғизиллаганича чопиб кетди. Мана югурганича қайтиб келяпти ҳам, чеҳраси мис тоғарадек ярқирайди.

— Бораман! Подсолнушкин ижозат берди!

Биз вакилларимизга охири бор танқидий назар ташлаймиз. Сўнгги вақтда чиройли бўлиб кетишибди деб қасам ичишга ҳам тайёрман. Афти-ангорлари аввалгича эмас. Боқишлари ҳам бошқа. Ўзларини ҳам бошқача тутишади. Бутунлай ўзгаришган! Ё кирпи боласини «юмшоғим», қўнғиз бўлса «оппоғим» дегани қабилдан-

микин? Менга шундай кўринаётганмикин ё болалар ҳақиқатан ҳам ўзгаришганми?

— Яхшилаб кўриб оличглар,— деб насиҳат қилади Король.— Қандай тайёргарлик кўришяпти. Айниқса карта масаласида. Қачон йўлга чиқишларини сўранглар. Кутиб оламиз.

Жуков болаларни ва яшикларни ишбиларманлик билан кўздан кечиради:

— Бўлди! Хайр!

Улар бир талай янгиллик олиб қайтишди. Ленинградликларнинг қандай тайёргарлик кўришаётганини батафсил сўзлаб беришади. Олиб борган совғалари учун Гриша Лучинкин ва барча пионерлар каттакон раҳмат айтишибди («Каттакон раҳмат!» деб қўйинглар деб айтишди).

Лекин энг муҳими бу эмас. Билсак, бизнинг болалар шаҳар ён пионерлари бюросида, Гришанинг олдида ўтиришганда Ленинградга Германия, Франция, Дания — ҳуллас Петьканинг айтишича «буржуй мамлакатлари»дан ишсизларнинг болалари келгани ҳақида хабар келибди. Мен уларнинг келишини, Ленинград атрофидаги пионер лагерларида дам олишларини «Ленинская искра» газетасидан ўқиб билган эдим. Бюрода шу болаларнинг қайси бири қаерга: ким «Электросила» заводининг базаси билан Песочная станциясига, ким Сиверскийга, ким Сестрорецкка боради деб муҳокама қилишаётганда Жуков, Разумов, Коробочкин ва Петька ўша ерда ўтиришган экан.

Жуков билан Коробочкин нуқул бир-бирларининг сўзини тўғрилаб, тўлдириб ҳикоя қила бошлашди:

— Биз ҳудди бегоналардек жим ўтирибмиз, ҳеч ким биздан ҳеч нарса сўрамайди. Петька бўлса кулоқ солиб ўтирди-да, бирдан: «Бизгачи?— дейди.— Бизникига ҳам боришадими?» Лучинкин унга: «Сизларда ҳали пионер отряди йўқ», дейди. Петька бўлса: «Нима, биз буржуйлардан ҳам бадтармизми?» дейди. Ҳаммаларни кулиб юборишди, кейин ўртоқ Лучинкин ўзиникиларга... ўша ерда тўпланганларга: «Уларда (яъни бизда) шарт-шароит яхши. Интизом ҳам. Бир ўйлаб кўринглар», дейди. Кейин бизларга: «Сизлар кетаверинглар, болалар, биз бу ерда ўйлашиб кўрамиз, кейин сизларга маълум қиламиз», дейди.

Петьканинг юзида гурур ва қўрқув ифодаси акс этади. Ленинградда, унақа-мунақа жойда эмас, пионерлар бюросида шу қадар дадил гапириб юборганига ҳозир ўзи ҳам зўрға ишонади.

— Сиз нима дейсиз, Семён Афанасьевич, бизларга ҳам юборишармикан?— деб сўрайди Король.

— Юборишлари мумкин. Агар юборишса, жуда яхши. Фақат шуни эсдан чиқармаслик керакки: у болалар яхшилаб дам олишлари керак. Германияда ҳозир аҳвол оғир. Бунинг устига улар ишсизларнинг боласи. Демак, оч-яланғоч юришган.

— Улар билан қандай гаплашамиз?— деб сўрайди Коробочкин ҳайрон бўлиб.

— Агар француз ёки немис бўлса — ташвишланмаса ҳам бўлади. Софья Михайловна немис тилини билади, Галина Константиновна — французчани.

— Жуда соз-ку! — дейди хурсанд бўлиб аллаким.

— Нимаси соз? Кузга бориб сизлар ҳам немис тили ўқийсизлар.

— Уҳ-ху! Мен бир ўрганиб юрдиму! — кулади Коробочкин. — Вас и дас — тинтенфас! Ҳеч нарса чиқмади!

— Мен немис тилини сал-пал биламан, — дейди тўсатдан Репин.

Король худди рўпарасида одам эмас, бошқа бир нарса тургандай ғазаб ва нафрат тўла кўзларини чақнатиб унга қарайди:

— Сен-а! Сен уларга шундай нарсалар айтарсанки...

Ғазабидан фиғони ошиб, нари кетади.

— Бу жуда яхши, Андрей, — дейди София Михайловна хотиржам. — Унутиб қўймаган бўлсанг бўлди. Тил жуда тез ёддан кўтарилади.

— Мен ёшлигимдан... ҳали яхши ёдимда. Бекорчиликда жуда кўп марталаб ўзимни синаб кўрганман, — дейди Андрей хотиржам гўё Королнинг гапини эшитмагандек.

33

Кукша — қуруқликда яшовчи қуш

Ҳар куни бир янгилик бор.

Лучинкичдан телеграмма келди: агар биз қарши бўлмасак, Германиядан келган икки бола бизда бир ойга яқин дам олишини айтибди. Халқ маорифи бўлимига хат ёзиб жавоб олиши керак эди. Лекин биз ундай қилмадик, шу заҳотиёқ ўйлаб-нетиб ўтирмай: албатта қарши эмасмиз, юбораверинглар! Хурсандмиз! Кутамиз! Кўтиб оламиз! — деб жавоб телеграммасини бериб юбордик.

Разведкачилар, Қороль ва мен эртасига, тонг отар-отмасдан ўрмонга жўнадик.

Парк қайинзор орқада қолиб кетди. Кейин катта йўлни кесиб ўтдик — мана, ниҳоят ўрмонга етиб ҳам келдик. Бу ерда қайин дарахтлари орасида тоғ тераклар аралаш ўсар, аҳён-аҳёнда пояси силлиқ қарағайлар тиниқ, фируза осмонга бўй чўзарди. Қарағайнинг қир учини кўраман деган одам бошини баланд кўтариб қарашга мажбур бўларди. Ўрмон сийрак бўлиб, ўтиш осон эди.

Жимгина борардик. Оёқ остимизда қуруқ шохлар чирсиллаб синар, барглари шитирларди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтган эди. Шунинг учун ер ҳам, кўкатлар ҳам, буталар ҳам ҳушбўй ис таратарди.

— Земляника! — деди аллаким негадир шивирлаб. Ҳаммамиз ҳали қуриб улгурмаган муздеккина кўкатларни титкилай кетдик.

— Бўлди. Энди кўзларингни катта очинглар! — дейди Король қатъий. — Ҳаммасини сўрайман!

Петька гўё шундай қилса кўпроқ кўриб, яхши эслаб қоладигандек кўзларини катта очиб қарайди. Разведкачиларнинг қўлида кичкина блокнот ва қалам. Лекин бу шунчаки хўжа кўрсинга — қўлларидаги кўра кўзлари яхшироқ ёзиб олади.

Тўсатдан ўрмонзордан овоз эшитилди. Аллаким дарахтлар орқасида қаттиқ-қаттиқ гапириб келарди:

Салом билан ҳузуригга келдим чопиб,

Айтиш учун порлаб чиққаним қуёш.

У. роҳатбахш. иссиқ нурларини сочиб,

Дарахт баргларини қоплади тутош.

Ўрмон уйғонганим айтмоқчи эдим,

Ҳар битта шох уйғонган дердим...

Биз тўхтадик, бир-биримизга қарашиб олдик. Овоз ҳамон эшитиларди:

Ҳар бир қушга ҳам роҳат бахш этди

Изоҳорда завқ билан у парвоз этди.

Бу овоз теварак-атрофимиздаги нарсалар ҳақида — қуёш, яшил япроқлар, осмоннинг зангорилиги ҳақида ҳикоя қиларди...

Жамийи ки жойда шодлик ҳукмрон,

Шуни айтмоқчийдим бирма-бир бу он...

— Ҳо-й! — қичқирди Король.

— Ў-ҳой! — деди бояги овоз жавобан ва жим бўлиб қолди. Биз ўн қадамча юрган эдик, дарахтлар оралаб бизга қараб келаётган кишини кўрдик.

Бу сочлари оқ, кенг дўнг пешона новча киши эди. Кўзлари кўм-кўк, — илгари мен фақат ёш болаларнинг кўзи шунақа кўк бўлади деб ўйлаб юрардим. Мўйлови ҳам оқарган. Лекин мўйлови текис бўлмай, сал қийиқ ўстирилган бўлиб, ҳалиги кишининг юзига шўх, қув ифода берарди. Бу кишининг соч-соқоли оқарган бўлса-да, кўринишига қараб уни кекса деб бўлмас эди. Эғнида куртка, оёғида қўнжи узун этик, чўнтагидан китоб чиқиб турибди. Ким бўлди экан? Ўрмон қоровулидир балки? Ўнг томонида каттакон овчарка ит эргашиб келарди. Ит тоза овчарка наслидан бўлмагани учун ҳам кўпроқ бўрига ўхшаб кетарди. Ит эгасидан ўзиб ҳам кетмас, қолиб ҳам кетмасди. Ит биз томонга ўқрайиб қараб қўйди, ҳуришни эп кўрмай, қулоқларини динг қилди-да, тишларини иржайттирди.

— Бўй-бўй, ваҳимасини! — деди Петька ва орқасига тисланди. Завқланиб гапирдимиз ёки қўрқиб; ажратиб олиш қийин эди.

— Салом! — деди нотаниш киши.

— Салом! — дедик пойма-пой.

— Ўрмоннинг гўзаллигини! — дея давом этди у дўстона. — Илик! Қушларнинг сайрашиней!.. Тсс!.. Қулоқ солинглар... Айтингчи, — деди у шивирлаб Разумов томонга энгашиб; — сайраётган қанақа қуш? Ана, ана, эшит-япсизми — чирқиллаяпти?

Шаҳарлик Разумов хижолат тортиб бошини чайқади.

— Наҳотки билмасангиз? Сиз-чи? Бу қанақаси бўлди! — деди у менга таъна билан.

Қуш яна бир бор чирқиллаган эди, мен ўзимни тутолмай:

— Тўрғай! — деб юбордим.

— Буларнингиз нега билмайдн? Мана буниси нима? Бунн ҳам билмайсизларми? Зарғалдоқни ҳамма билдику?

— Шу маҳалда кишининг юрагига зарғалдоқ сиғадими, — деди кескин Король. Қушлар ҳақидаги гап унинг жонига тегиб кетган эди.

— Ўрмонга нега келдингиз, яхши йигит? Билсак бўладими?

— Ҳарбий ўйинга тайёргарлик кўряпмиз,— деб жавоб берди яхши йнгит.

Нотаниш киши тўхтаб қолди:

— Ундай бўлса, ўрмонни беш бармоғингиздай яхши билишингиз керак-ку!

— Қушларнинг менга нима кераги бор?

— Кўзини боғлаб хоҳлаган жойингизга олиб борсангиз, қайтиб топиб келади,— деб унинг ёнини олди Разумов.

— Сиз шунга розимисиз?

Сизсираб гапираётганидан ҳайрон бўлган Король:

— Нимага? — деб сўради.

— Агар рози бўлсангиз, сизни шу ердан сал нарироққа... бир чеккага олиб бораман... Йўқ, кўзингизни бойламайман. Қани, йўлни топиб олинг-чи. Ижозат берасизми? — деди менга мурожаат қилиб.

— Агар Королёв истаса, майли, қарши эмасман.

Рад қилиб бўлармишми?

— Майли! — деди Король.

— Соатга қараб қўйинглар; — деди нотаниш киши. — Агар у мени тўғри йўлдан олиб юрса чорак соатдан кейин келамиз. Юринг! Ма, Чок.

Қандайдир сезилар-сезилмас аломатларга кўра, ҳаракатларининг эркинлиги ва енгиллиги, ишончли боқишларига қараганда, бу киши ўрмонда ўзини худди ўз уйида юргандек ҳис этиши, ҳар бир дарахт, ҳар бир бута, ҳар бир сўқмоқ унга танишлиги кўриниб турарди. Ит эгасининг кетидан йўргалаб кетди.

Биз кўкатга ўтириб, кута бошладик.

— Семён Афанасьевич, бу киши ким ўзи? Ким бу одам? Ўрмон қоровулими? Йўқ, қоровулга ўхшамайди — шеър ўқияпти...

Болалар ҳаяжонга тушишган эди. Ростдан ҳам ким экан бу одам? Нима иш қиларкин? Эрталаб ўрмонда нима қилиб юрибди? Бир одам ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмай туриб, унинг кимлигини аниқлаш жуда қизиқ иш.

Разумов билан Петька кўкатларни титкилашиб айла-ниб юришди-да, ҳовучларида ярми пушти ранг, ярми қип-қизил пишган земляника олиб келишди.

— Қапи, олинг, Семён Афанасьевич!

— Ўзинглар еяверинглар. Мен ҳам қидириб топишга устаман. Менчалик тополмасангиз керак... Ҳим!.. Ко-

ролга нима бўлди? Қайтадиган вақти ҳам бўлиб қолди...

— Ҳалиги киши... адаштириб кетган бўлсая?

— Гапирасан-да, Володка! Королнинг ўзи ҳар қанақа одамнингни адаштириб кетар.

— Қасқда қолишди бўлмасам?

Шартлашилган чорак соат вақт ўтди, кейин яна ўн минут ўтди. Ташвишландик деяолмайман-у, ҳар ҳолда... қаерда қолишди-я? Жим бўлишиб қолдик. Тўсатдан буталар орасидан бояги нотаниш кишининг овози эшитилди:

— Мох одатда дарахтнинг шимол ёки шарқий-шимол томонида ўсади — шунин билармидингиз? Чумолининг уяси албатта жануб томонда бўлади. Бунақа нарсаларни ҳам билиб қўйиш зарур... Мана, келиб ҳам қолдик! Мана, шеригингизни келтирдим. Фаросати яхши, кўрган нарсаси ёд қолади-ю, лекин ўрмон китобига қараб ўқинин билмас экан.

Король терлаб-пишиб кетган эди. Ҳамроҳи эса хушчақчақ ва тетик эди. Гўё заррача ҳам чарчамагандай.

— Тоза сарсон бўлди-да, — деди Король пешонасини артар экан. — Адашиб кетишимга сал қолди. Владимир Михайлович шунақа жойга олиб бордиларки, қайтиб келиш амри-маҳол.

— Йўлни мен ўйлаганимдан кўра тез топдингиз. Лекин фақат кўрганларингизга қараб ахтарасиз. Лекин шундай вақтлар ҳам бўладик, кўриб белгилаб оладиган нарса бўлмайди... Қани, бир оз ўтирайликчи. Чок ҳам чарчаб қолди. У қариб қолган, уни айбга қўшмасак ҳам бўлади.

Владимир Михайлович кўкатга ўтирди, Королни ҳам енгидан тортиб ўтқазди-да, қўли билан ишора қилиб бизни ҳам ўтиришга таклиф қилди. Чок одоб юзасидан бир-икки думини силкитиб қўйди-да, у ҳам олдинги оёқларини чўзиб ётиб олди. Итнинг юнгларида ва ақлли калласида кумуш ранг толалар ялтирар, кўзи кўпни кўрган, ақлли эди. У ростдан ҳам чарчаган эди, оғзи очилиб ҳаллослаган сайини пушти ранг тили қимирларди.

— Ўрмон жумбоқ эмас, — деди Владимир Михайлович шошилмай, — ўрмонда чумоли уяси ва қуш инларига қараб ҳамма вақт шимол ва жанубни топса бўлади. Уралда Сарипуль деган кўл бор. Қирғоқдан соатлаб узоқлашасиз-у, сув тизангиздан келади, баъзи ерларда



тиззадан сал ошади, қаёққа қараманг, кўзингиз илғаган ергача сув. Бир куни ана шу ҳақида қизиқ бир ҳикояни ўқидим. Виталий Бианки деган ёзувчини биласизларми? Шу ёзувчи бундай ҳикоя қилади, бир киши шу кўлда ўрдак овлаб юради ва бахтга қарши компасини йўқотиб қўяди. Осмонга қараса қуёш кўринмайди, ҳатто қаердалигини аниқлаб ҳам бўлмайди. Сувдан туман кўтарилганми, ё ўрмонга ўт кетганми, хуллас теваарак-атроф шундай хира бўлганки, қуёш кўринмай қолган. Энда; қушларнинг кетидан боравераман, деб ўйлаган ҳалиги киши... Нега қушларнинг кетидан бормоқчи бўлган, қани айтишларчи?

Болалар ҳикоя қилувчининг оғзига қараб гапир, тезроқ гапир, дегандек индамай ўтиришарди! Владимир Михайлович кулимсиради:

— Сабаби равшан. Куз фасли бўлган. Кузда қушлар шимолдан жанубга қараб учади. Ҳалиги киши ҳам кетаверибди. Лекин ҳадеганда қирғоққа чиқмабди. Бунақада ўлиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас, деб кўнгли ғаш бўлибди. Қушлар ёрдам бермабди, жанубни кўрсатмабди. Нимага деганда қушлар тўғри учмай, бурилиб, ҳар ерда тўхтаб-тўхтаб учишади. Шунда кукша деган бошқа бир қуш жонига оро кирибди: овчига қирғоқни кўрсатибди. Колумб кемасини бир гала тўтининг кетидан ҳайдагани эсингиздами?

Болалар индашмади. Владимир Михайлович бу жимликни тўғри тушуниб, ўртага тушган ноқулай сукунатни узоққа чўзмади:

— Колумбнинг қайтариб Испания томонга бурмоқчи бўлгани ёдингиздами? У кеманинг турган жойини аниқлай олмай қолганда, экипаж тўполон кўтариб юборади. Колумб қаердалигини, қаёққа сузишини билмай нима қилишига ҳайрон бўлиб боши қотиб қолади. Шунда тўтиларни кўриб қолади-да, ўйлаб-нетиб ўтирмай, кемани тўтилар орқасидан ҳайдаб кетади. Нимага деганда, тўти ўрмонда яшайдиган қуш, шундай бўлгач қуруқликка қараб учмоғи лозим. Кукша воқияси ҳам шундай, кукша — қуруқликда яшайдиган қуш, кўлда турмайди. Ўрдак ё казарканинг йўриғи бошқа — уларни сув боқади. Кукша қирғоққа қараб учади. Овчи кукшанинг кетидан бораверибди ва охири қирғоққа чиқибди.

Владимир Михайлович жим бўлиб қолди ва қулоғини динг қилди:

— Ана, читтак ҳам чириллаб қолди, эшнтяпсизларми? Ўрмонда қушлар бетиним сайрашарди. Янги танишимиз ана шу овозлар ичидан ҳар бир қушнинг товушини ажрата биларди. Бундан унинг ҳузур қилаётгани сезилиб турарди.

— Бир нарсага ачинаман, у ҳам бўлса қуш тилини билмаганимга. Ўрмонни болалигимдан биламан-у, қушлар тилини ўргана олмаганман.

Мен унга қараб қўйдим — у жилмаймасдан, жиддий гапирарди.

— Менга Митя ҳарбий ўйинга тайёргарлик кўраётганларининг айтди (Митянинг кимлигини дарров англаб ола олмадик). Сизларга фойдам тегиб қолар деб ўйлайман. Менда район картаси бор, уйимга кириб, олиб кетинглар; кейинги йилларда бу ёққа келмай қўйганман; бўлмаса сизлар билан аллақачонлар танишиб олган бўлардим.

— Станциянинг ёнида турасизми?

— Темир йўлнинг нариги томонида, у қадар узоқ эмас.

Болалар унга қизиқсиниб қарашарди, Король бўлса худди сеҳрлаб қўйгандек ундан кўзини узмасди. Кўпни кўрган, билган одам билганини улардан аямаса, болалар учун ундан яхши одам йўқ.

Владимир Михайлович ўрмонда биз билан худди ўз боғида юргандек яна анчагача қушлар, дарахтлар гуллар, ўрмондаги ҳайвонларнинг одатлари, овчиларнинг белгилари ҳақида гапирар, ўзи гулларни гўё тирик капалакка тегаётгандек эҳтиёткорлик билан ушлаб-ушлаб қўярди. Айни вақтда, ким билан ўйнашимизни, ленинградликлар тез кунда келишадими, улар лагерларини қаерга ўрнатмоқчилигини биламизми-йўқми, ҳаммасини қизиқиб йўл-йўлакай сўраб олди. Болалар жондиллари билан, бир-бирларининг гапларини бўлиб жавоб қайтаришарди: гапининг диққат билан тинглашгандан кейин албатта гапиргинг келади-да!

— Агар сизларнинг ўрнингизда бўлганимда штаб палаткасини мана шу ерга ўрнатардим: қаранглар, қандай яхши!

Биз тўхтадик. Буер ҳақиқатан ҳам яхши эди. Иккита кекса сершоҳ қайини бир-бирига энгашиб, шохлари баланд зангори чайла ташкил этиб бир-бирига чирмашиб кетган эди. Атрофини қуюқ ёнғоқзор қуршаб олган

эди. Ора-сира барглари тиним билмаган ингичка тог-
тераклар учраб турарди, унинг кўкиш пўстлоғини сан-
сарик қурбақа ўт босиб кетган бўлиб, офтоб тушганда
олтиндай ярқирарди.

Кўкатлар орасида ҳаёт қайнарди, кўм-кўк қўнғи-
ча кўкатни эгиб ўрмалаб ўтди, алланарса, калтакесак
бўлса керак, қалин ўсган кўкатлар орасига кириб кетди,
у кўринган жойда кўкатлар енгил чайқалиб қўйди. Кат-
такон зангори чучмомалар тиззамиздан келарди; чучмо-
манинг биттаси қаттиқ чайқалди-да, шалдираб кетди—
ичидан қўпол каттакон қовоқари чиқди ва узоққа учиб
кетди. Чучмома бўлса узун поясида анчагача чайқалиб
турди...

Бу жой шундай чиройли, шундай яхши эдики, бола-
лар турган жойларида қотиб қолишди — яна орага
жимлик чўкди, бу хил жимлик фақат ўрмонда, одамлар
яшайдиган жойдан узоқдагина бўлади.

Табиат сиз ўйлаганча-мас,

Кўр эмас, жонсиз-мас зинҳор.

Унда — қалб, эрклик ҳар нафас

Унда севги, сўзлашга тил бор.—

деб шеър ўқиди Владимир Михайлович.

Мен болаларга қарадим. Ажойиб шеърнинг шуъласи
уларнинг юзига тушгандек кўринди. Кимдир хўрсиниб
қўйди. Король ўрмон ичкарисига тикилганича турарди,
унинг қаҳрабо кўзларида шўхлик ва қувликдан асар
ҳам кўрмадим.

34

Уйдаги университет

Эртасига эрталабданоқ — Король билан мен Влади-
мир Михайловичникига жўнадик. Тунука томли ёғоч
уйга яқинлашганимизда соат тўққиз ҳам бўлмаган эди.
Уйнинг атрофига панжара ўрнатилган, бу панжара
бир жойда икки дарахтни айлантириб ўтқазилган эди.
Бир-бирига жуда яқин ўсган иккита катта қайрағочнинг
шоҳ-бўтоқлари худди бир-бири билан қучоқлашгандай
чирмашиб, барглари аралашиб кетган эди. Боғчада ўт
ўсган, сирень ва акациялар бор эди. Уртаминёна ойнали
равон олдидаги донра шаклидаги гул пуштада боғ гул-
лари кўринмас эди — баланд ўсган кўкатлар орасида

рангба-ранг бўлиб долағлар, мойчечак, бўтакўз очилиб турарди. Уйнинг деразалари ланг очик. Деразаларнинг биридан кўкиш кўйлак кийган ўрта ёшлардаги бир хотин бошини чиқариб қаради.

— Ҳозир, — деди у ҳайрон бўлмай ва бизга эшик очгани чиқди. — Владимир Михайлович керакми? Киринглар. Кутиб туришсин деган эди, ҳозир келиб қолади.

Аёл бизни шипи баланд катта уйга бошлаб кирди. Уйнинг ҳамма деворида ердан шипгача китоб полкалари бор эди.

— Вўй-бўй, китобнинг кўплигини! — деб юборди Король.

— Ҳа-а, жойида...

Илгари одамни ўзини билмай туриб, унинг уйи, буюмлари ва китобига қараб шу одам ким, нима билан шуғулланади деб аниқлаб кўрмаганман. Янги танишимиз ким ўзи? Деворга теннис ракетаси ва хоккей клюшкеси осиглиқ... Спортсменмикан? Столда — дала дурбини... Ҳарбиймикан? Мана, шахмат тахтаси, мана полкада шахмат ўйини назарияси ҳақида ўнтача китоб.

Китоб шкафи деразасидан қараймиз. Математика китоби, санъат ҳақидаги китоблар — театр, расм, музыка ҳақидаги китоблар. География китобларининг сон-саноғи йўқ: «оқ доғлар»ни текширувчи буюк саёҳатчиларнинг ёзувлари ва тасвирлари; ажойиб кашфиётларнинг солномалари, саёҳатномалар... Бу ерда саёҳатчи, географ яшайди, бу муқаррар. Полка қўйилмаган бирдан-бир деворда — икки дераза ўртасида — жуда кўп фотосуратлар. Мана бу сурат: хвойлар ўсган, тиканакли новдалар чўзилиб ётади, улар орасида пахмоқ кедр дарахтларини, баланд пихта дарахти ва арчаларни ажратиб олса бўлади. Ўтиб бўлмас бу ўрмонни фақат дарё кесиб ўтади. Бу суратнинг ёнидаги суратда: ёруғлик ва соянинг қарама-қаршилиги акс эттирилган. Бу ҳолни мен коммуна билан Ялтага борганимда кўрганман, тинмай тўлқинланувчи денгиз, тўлқинлар қирғоқдаги қояларга урилиб чил-чил бўлади, кўпиклари осмонга сачрайди. Мана катта парк-дафналар, толгуллар; баланд магнолия дарахти оппоқ чиннидай бўлиб очилиб ётибди. Мана бунигида тоғ чўққилари, тик қоялар, анави ерда сув тошларни оқизиб жарга шовиллаб тушмоқда... Король икковимиз суратларнинг кўпида ўша-ўша бит-

та йўловчини кўрамиз, суратларнинг бирида у ёш, бошқаларида — каттароқ, мана бунисида кенг пешонаси тепасидаги сочига оқ оралаган; ажинлар яққол кўринади. Лекин бизга ўша-ўша шўх ва синчков кўзлар боқарди.

— Ҳаммаси ўзини? Владимир Михайловичми? — деб сўрайди Король негадир шивирлаб.

Тўсатдан ёзув столидаги бир тўп ўқувчилар дафтарига кўзим тушадди. «Татьяна Дианинанинг математика дафтари», — деб ўқийман. Ўқитувчимикан? Наҳотки ўқитувчи бўлса? Гўё шу саволимга жавоб олгандек анча-мунча тутилган катта чарм портфелга кўзим тушадди. Портфелнинг бир чеккасидаги металл пластинкага: «Қимматли Владимир Михайлович Заозерскийга 7-«А» группаси ўқувчиларидан» деб ёзилган эди.

Тўсатдан хазина топиб олган киши ўзини худди шундай ҳис қилса керак. Аъзойи баданим ўт бўлиб ёнгандек бўлди. Ўқитувчи-я! Омадни қара-я!

— Митька, ўқитувчи экан! — дедим мен.

Королнинг қарашидан бу кашфиётнинг аҳамиятини яхши англагани сезилиб турарди.

Шу пайт эшик очилди — мен ўша ёққа қараб қадам ташладим.

— Владимир Михайлович! Кузда мактаб очилади... Сизда юқори группа; албатта, бизда бўлса атиги бешинчи... фақат сиз албатта... Албатта!...

Мен пойма-пой гапирардим. Лекин: «ўламан, аммо розилигини олмай қайтмайман» деб қатъий қарорга келиб қўйган эдим! Уйимизни Владимир Михайловичсиз тасаввур эта олмас эдим. Ахир очиқ-равшан кўриниб турибди-ку: бизга худди ана шу Владимир Михайлович камлик қиларди; бизга худди шунақа одам керак эди!

— Шошманг, шошманг, нима деяпсиз... — у менинг хужумимдан ҳайратда қолган эди. — Сирасини олганда мен мактабдан кетган кишиман. Фақат бир группамни охирига олиб борай деган эдим — охирги йил ўқишларини. Кўздан қоляпман...

— Владимир Михайлович; ҳали болаларимизни бир кўринг... шунда ўзингиз айтарсиз!

— Юринг ҳозир биз билан! — менга ёрдамга келди Король. — Ваъда қилган харитангизни беринг-да, биз билан бирга юринг — узоқ эмас!

У бизнинг ўжарлигимизни сизди шекилли, ўзи ҳам эпчилгина киши бўлгани учун ортиқ эътироз билдириб

ўтирмади-да, ўраб қўйилган харитани олиб, қани бошланглар бўлмаса, дегандек эшик томонга юрди.

— Анна Сергеевна,— деди у даҳлизда бизни киритган хотинга,— мен кетяпман. Ҳали... тушлик овқатга етиб келишга ҳаракат қиламан,— Анна Сергеевна бизга ноҳушгина қараб қўйди.

— Кеч қолманг, Владимир Михайлович!

— Хўп, хўп, ҳаракат қиламан!— деди у ва тўсатдан Королга кўзини қисиб қўйди.

Пиллапоёда ётган Чок шошиб турди-да, бизга савол назари билан қаради. Владимир Михайлович бошини иргитди. Ит бир силкиниб олди-да, одатдагидек, эгасининг ёнида кета бошлади.

Король бора боргунча, Берёзовая полянага етгунча бир дақиқа ҳам тинмай, Владимир Михайловичга ҳар тўғрида — болалар ҳақида, баскетбол, пинг-понг, Тимофей лақабли ҳўкиздан тортиб Лёнканинг товуқлари билан жўжаларигача гапириб берди.

Ушанда Владимир Михайловичнинг ёши нечадалигини билмас эдим. У менга ҳам. Королга ҳам, Пеъякага ҳам, ҳатто Леночка билан Костикка ҳам тенгдош эди. У катталар билан каттача, ўспирин билан ўспиринча, болалар билан болача гаплашарди — у ҳар қанақа киши билан тиллаша оладиган, у билан опоқ-чопоқ бўлиб кетадиган одам эди. Сал ўтмай биз уйимизни шу одамсиз тасаввур эта олмайдиган бўлиб қолдик.

У ҳаддан зиёд кўп нарса биларди ва билганларини жон-дили билан ҳар қадамда баҳам кўрарди.

У чарчаш нималигини билмайдиган одам эди. Студентлик чоғиданоқ елкасига қопчигини осиб юз километрлаб пиёда йўл босган эди. Қавказда у ошиб ўтмаган давон йўқ, ҳар бир сўқмоқ унга таниш эди. У Тянь-Шанда ҳам бўлган, Олтойда ҳам бўлган, Вятка ва Юрезани дарёларида сузган, Уфа ва Белая бўйлаб қайиқда, солларда сузган эди. У Сибирь ўрмонларида, тундрада кезган. Бир вақт Сибирдалигида, тайгада Ману дарёси устига солинган кўприкдан ўтиб кетаётганида, тагидаги кўприк ўприлиб ҳам кетган. У дарёга тушиб кетган. Оқим шундай тез эканки, катта-катта дарахтларни пайраҳадек чирпирак қилар экан. Энди ҳалок бўлдим деб ўйлаган экан...

— Кўриб турибсизки, омон-эсон қутулиб чиқдим...

У ҳикоя қилишга жуда уста эди. Унинг учун гўё вақт ўтмаётгандай туюлар эди. У фақат ақлдагина эмас, юракдан эсларди, фақат воқналарнигина эмас, балки ҳисларигача, шаҳар ва биноларнигина эмас, ҳаётида учратган одамларни ҳам эсларди. Ўзи бориб кўрган жойлар, ўлка ҳақида болаларга ҳикоя қилар экан, у аввало шу ернинг тарихини, шу халқнинг қадим даврдан то шу кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлини гапириб беради. Аллақачон ўлиб кетган одамлар унинг ҳикоясида тирикдек жонланар — гўё ўзи ҳам улар билан бирга ўтириб гаплашгандек туюларди. Владимир Михайлович ўша одамлар билан фахрланар ёки баҳслашар, улардан ўпкаланар ёки масхара қиларди.

— Алексей Саввич, — деди бир куни, — омон мифологиясидаги аёллардан қайси бири сизга кўпроқ ёқади?.. Гера дейсизми? Қўйсангизчи-э! Шундай бемаза, қасоскор характерли хотин-у! Шу хотиннинг сизга ёқишига сира-сира ишонмайман...

Шу пайтда олдимизда турган Жуков, тирик одам ҳақида гапирилаётибди деб ўйлади албатта.

— Семён Афанасьевич, анави... Владимир Михайлович ёмонлаган Гера ким? — деб сўради бир оздан кейин мендан. Кейин Геранинг бир бедавогина қўшни хотин ёки Владимир Михайловичнинг холаси бўлмай, бундан икки минг йил илгари греклар топинган худо эканлигини билиб ҳайрон қолди.

Владимир Михайлович асли питерли бўлиб, она шаҳрини худди ўз уйидек яхши биларди. Владимир Михайлович она шаҳрининг ҳар бир тошини, ҳар бир кўчасини, унинг қиёфасидан тортиб, феълигача, ҳар бир биносидан тортиб унинг тарихигача биларди.

— Болаларни Ленинградга олиб бориб келаман, бир айланиб келамиз! Қаршилиқ қилмассиз-а? — деярдн у. Унинг сўзларига, бу сўзларининг айтилиш оҳангидан: бу одам билганларини бошқаларга ҳам билдиришга, баҳам кўришга ошиқиши сезилиб турарди.

Қаршилиқ қилиб бўлармишми!

Жуда кўпни билган одамлар бор. Илмининг ҳамма бобида ҳам ўзларини сувда юрган балиқдек эркин ҳис этишади. Улар Миссисиппи дарёсининг узунлиги, Ер билан Нептун планетасининг ораллиги неча километр келишини ва итнинг бурни нима учун совуқ бўлишини

билишади. Викторина ўйнаганда шундай одамлар ҳаммадан кўп очко олишади. Лекин бунинг нима фойдаси борлигини ҳеч қачон тушунган эмасман. Бундай билимлар ёруғлик ҳам бермайди, иситмайди ҳам. Фақат негадир шу билим эгасини қувонтиради, ҳатто у одам шу билан фахрланиб юради. Аммо тезда тингловчиларнинг жонига тегади: Владимир Михайлович бўлса бутунлай бошқача. Агар у ўзи билган бирор нарсани бошқа киши билмаслигини сезиб қолса, у хаёлан қўлларини ишқаб-ишқаб: «Мана ҳозир сенга тушунтириб қўяман! Нақадар қизиқ эканлигини кўрасан!» деяётгандек бўларди.

Владимир Михайловичнинг ҳикояларини тинглашаркан: билиш фақат фойдалигига эмас, бевосита унинг оғзидан эшитиш бу бир бахт эканлигини болалар ҳам тушуниб етганига ишончим зўр эди. Ҳар ким ҳам кўравермайдиган нарсани кўрасан, яна уни бошқага ҳам кўрсата оласан. Кўзинг равшан тортгандай, қулоғинг уч карра яхши эшитадигандайсан. Гўё кўзи, қулоғи, қўли кўп афсонавий нарсага ўхшайсан, сен бир баҳодирсану, ҳамма нарсдан хабардорсан, ҳамма нарса қўлингдан келади!

Болалар билан кезиб юрар экан. Владимир Михайлович доим бирон шеър ўқирди. Бир куни у «Люблю грозу в начале мая» деган шеърни ўқиб берди. Учинчи группанинг программасига кўра бу шеърнинг сўнгги тўрт сатри «ўтилмаслиги» кераклигини эсладим. Лекин Владимир Михайлович Тютчевнинг шеърини узиб ўтирмади.

Шамоллар кони, сўзлайсан шундай:

Боқасан Зевесов бургутин.

Шақирлаб қайновчи жомни қуюндай

Ерга қўтсан кулиб бетиним.

Болалар ҳозирча на Гебани, на Зевсни ва на унинг бургутини билишарди. Лекин шунга қарамай, шеърни худди бир куй. музыка тинглаётгандай қулоқ солишарди. Уларга қараб туриб, агар шеър ҳақиқий, яхши шеър бўлса, унинг ҳамма сўзини билмаган одамни ҳам мафтун қила олишини умримда биринчи бор англадим.

Владимир Михайлович биз томонларда кўпдан буён — ўн йилчадан бери яшарди. Бу ёққа у хотини оғир касал бўлиб қолганда Ленинграддан келган (хотинини шу ерда кўмган) ва шу ердаги мактабда дарс бера

бошлаган. У қўшнисининг — ҳозир ҳам уй-рўзғор ишларини қилаётган Анна Сергеевнанинг эрининг ёрдамида ўз қўли билан уй қуриб олган, уйи атрофидаги қайин, клён, сирень ва акасларни ҳам ўзи эккан. У менга эски фотосуратларни кўрсатди. Биттасида — янгигина қуриб битказилган уй; мен айвон билан уйининг деразасини танидим. Атрофи бўм-бўш, на тиккайган ёғоч бор, на кўкат. Уй олдидаги бўш майдоннинг бир чеккасида ўша таниш қўшалоқ қайрағоч кўринади, холос. Роса бир йилдан кейин олинган иккинчи суратда уйнинг худди ўша бурчагини, дераза ва айвонни кўрдим — лекин теварак-атрофи кўм-кўк кўкаламзор бўлган эди.

— Утган йили даволаниш учун Қримга борганимда, — деб ҳикоя қилди Владимир Михайлович, — гулларим қуриб қолар деб ўйлаган эдим. Йўқ. Теварак-атрофидаги болалар келиб сув қуйиб туришибди. Келсам, ҳаммаси жойида, ташлаб кетганимдагидан зиёд.

Яна иш бошлаган пайтларимда дўстларим ва ёрдамчиларим Алексей Саввич билан Екатерина Ивановна янги келган чоқлардагидек тонгда яхши ҳис билан уйғонаман: ўзи қандай яхшилик бўлди? Ҳа, Владимир Михайлович! Бу киши биз учун — катта хазина эди. Бир вақтлар қаердадир, «Ҳаётга ҳали у қадар яроқли бўлиб чиниқмаган кўнглимга ажойиб одамларнинг яқинлиги зарур. Шундай қилсам, зора ўзим ҳам яхши бўлиб кетсам» деган сатрларни ўқиб хотирамга тугиб қўйган эдим. Мен болаларимиз олдида уларнинг руҳан соғлом бўлиб ўсишига ёрдам берувчи одамлар борлигини кўриб билиб турардим.

Бунинг устига Владимир Михайлович ҳам географ, ҳам математик эди. У район харитаси билан каттадан кичик ҳамма болаларни таништирди. Кейин катта болаларни план ва харитага биноан масофа ўлчашни ўргатди. Улар сонли ва чизикли масштаб нималигини билиб олишди. Бир масштабни бошқа масштабга ўтқазишни ўрганишди. Бир кун ҳам бекор ўтмасди. Болалар ҳар бир кун ленинградлик болалар билан бўладиган жанггагина эмас, балки, биринчи сентябрь кунига, ҳаммалари парта ёнига ўтириб ўқиш бошлайдиган кунларига тайёргарлик бўлаётганини билишмас эди.

«Владимир Михайлович ҳикоя айтяпти!» — деярдикимдир бўш вақтда. Ҳамма Владимир Михайлович ўтирган ерга югурарди.

Владимир Михайлович шундай ҳикоя қилардики, гўё ана шу кечаги боқимсизлар ва «тарбиялангани оғир болалар» — унинг тенги, тенгқур ўртоғидек. Король худди Чок сингари унинг кетидан қолмасди. Чокни ҳам барча болалар яхши кўриб қолишган эди (лекин Чокка эгаси сингари тўғри муомала қилиш қийинроқ эди. У жуда жиддий эди, Костикдан бошқанинг эркалаганини у қадар ёқтирмас эди). Владимир Михайлович болалар қуршовида бирон нарса ҳикоя қилаётган кезларда кўпинча Королнинг кўзи чақнаб турганини кўрардим ва бу кўзларда: «Хўб қилдик-да! Ана шундай ажойиб одамни топиб келдик!» деган маънони ўқирдим.

Владимир Михайловичнинг куздан бошлаб бизда дарс бериши ҳақида қайтиб гаплашмадик. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини унинг ўзи ҳам яхши тушунса керак. У бизникига тез-тез келиб турарди. Одатда у соат бешларда келар ва кечга яқин қайтиб кетарди. Уни ҳар гал уч-тўрт бола кузатиб қўярди. Болалар уни навбати билан кузатишарди: бу адолат юзасидан ҳаммага тегиши лозим бўлган зўр лаззат эди.

— Қаранглар, — дерди Владимир Михайлович юлдуз тўла осмонга бошини кўтариб, — ана Орион юлдузлари туркуми... Йўқ, бошқа ёққа қараяпсизлар — бу ёқда, ўнг томонда... кўрдингларми? Эсингиздан чиқмасин, разведжачи, саёҳатчи осмонни беш бармоғидай билиши керак, хўп, шошманглар — агар эртага ҳаво очиқ бўлса, ҳаммаиғизга кўрсатаман...

«Уйдаги университетимиз», — деб атади уни Алексей Саввич.

35

Ганс ва Эрвин

Германиялик болаларни олиб келишга Софья Михайловнани юборадиган бўлдик. У немис тилини биларди.

— Жоним билан. Мен билан Андрей ҳам борсин.

— Нега? Керак эмас, Софья Михайловна, — дейди Жуков.

— Кераги йўқ! — деб ғўлдирайди Подсолнушкни. — У ишнинг пачавасини чиқаради....

— Болаларни олиб келишга ёлғиз ўзим, катта одамнинг борганидан, ёнимда яна бир тенгқурлари бўлгани яхши. Улар ўзларини эркинроқ ҳис қилишади, эркин гаплашишади. Тасаввур қилиб кўр: агар сени олиб кетгани келишса,— сен ўзинг қандай...

— Репиннинг қанақалигини билмайсизми?— дейди шу вақтгача индамай турган Суржик.— Пашка тўғри айтяпти: бирон қилиқ чиқаради-да, кейин бош кўтаролмай юрамиз.

Король жим эди. Репин ҳақида гап борганда у ҳамма вақт жим турарди. Яна ёқтирмагани учун ёмонлапти деб юришмасин дейдиган бўлса керак.

— Сен нима дейсан, Король?— деб сўради Саня.

— Уни мендан сўраманглар...

— Яна бир бор илтимос қиламан,— деб такрорлади Софья Михайловна қуруққина,— менга Репинни қўшиб бeringлар. У немис тилини билади, менга ёрдам тегади.

— Петька!— деди Жуков.

У Петькага буйруқ бериб ўтирмас эди. Петька унинг фикрини тушунмаган ёки хато кетган пайтлари ҳам бўлмаган эди. Петька югуриб кетди ва бир дақиқа ўтар-ўтмас, Андрей билан келди. Андрей уни нега чақирганлари ва ундан нима талаб қилишлари билан иши йўқдек кўринарди. «Сенлардан нима яхшилиқ чиқарди, аммо гапларининг эшитишим мумкин»,— дегандай бўларди унинг ҳушёр қиёфаси.

— Эртага Софья Михайловна немис болаларни олиб келгани боради. У сени ҳам бирга юборишни сўраяпти.

Сукут. Репин ҳамон бепарволик билан деворнинг Жуков билан Суржик оралигидаги қисмига тикилиб туради. Санянинг қовоқ-тумшуги осилади, йўталиб олади, яна бирон дақиқа ўтказиб қўшимча қилади:

— Софья Михайловна билан соат тўққизлик поездда кетасан. Навбатчига айт, сени ҳаммадан илгарини тўйдирсин.

— Мен нима иш қиламан, билсам бўладими?

Санянинг тоқати-тоқ бўлди.

— Сенинг вазифаиң,— дейди у овозини кўтармай. Алам қилганидан у ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирди,— сенинг вазифаиң ҳақиқий инсон бўлиш.

— Болаларни яхши кутиб олиш, улар билан яхши-

лаб гаплашиш керак,— дейди мулојимлик билан Алексей Саввич.— Уларни кутаётганимизни тушунтириш керак.

— Бу ерда зерикиб қолмасликларини айт!— дейди Петька. Кейинги вақтларда у шундай мард бўлиб кетдики, ҳамма ишга ва ҳамма гапга аралашаверади. Фақат болалар уйи советида у ҳамон сал нийманади, бирон сўзини айтиб қўйиб дарров бирон боланинг орқасига беркинади.— Бизда болалар кўп дегини. Ўрмон бор. Дарё ҳам бор. Пинг-понг бор, де!

Софья Михайловна Петьканинг сўзини жиддий тинглайди-да, Репинга ўгирилади:

— Нима дейиш кераклигини ўша ернинг ўзида ўйлашиб кўрармиз, Андрей. Қанақа болалар экан, нимага қизиқишар экан, кўрайлик. Эплай олсак керак.

— Хўп, Софья Михайловна,— хотиржам жавоб беради Андрей.— Саккизу ўн бешда чиқиб кетамизми?

...Улар уйдан саккизу ўн бешда чиқиб кетишади. Андрейнинг қўлида бир ўрам парса — Антонина Григорьевна бир неча бутерброд ўраб берган эди.

— Поездда қайтиб келгунча қорнингиз очиб қолади. Меҳмонларга ҳам бир тишдам, бир тишладан берарсан.

Соат тўққизда поезд уларни Ленинградга олиб кетди. Соат учга йўлга ва станцияга дозорларни чиқарамиз — улар меҳмонларни кутиб олишади ва бизга хабар беришади.

Соат уч яримда ҳаллослаганча Володин ҳовлига отилиб киради, унинг кетидан Лёня Петров билан Вася Лобов югуришиб киради:

— Келишди! Келишяпти!

Қўнғироқ чалинади, болалар ҳар тарафдан чопишиб келишади. Бир дақиқа ўтар-ўтмас бешта отряд қизил ленталар билан безалган оқ мачтамиз ёнида саф тортади.

Будка ёнида Софья Михайловна, Репин ва яна икки бола жўринади.

— Смир-но!— команда беради Саня.

Сафдагилар тек қолади. Меҳмонларимиз ўнғайсизланиб, тортинишиб юришади. Кўп одам қараб турганда одатда шундай ҳис қиласан ўзингни. Улар ҳатто бир дақиқа тўхташиб, бир-бирларига қараб ҳам олишади-да, кейин яна олдинга юришади.

— Са-лом!— дейди бараварига саксонта ўғил бо-
ла.— Хуш-ке-либ-сиз!

Меҳмон болаларнинг каттаси тўхтайди-да, қўлини
мушт қилиб кўтаради.

— Рот фронт!— деб қичқиради у ҳаяжонлангани-
дан хириллаган товуш билан.

Бизшиқлар ҳеч қандай тайёрликсиз-бошқасиз бир
овозда:

— Рот фронт!— деб жавоб беришади.

Саня кафти билан пешонасини силайди, тупугини
ютиб олиб, умрида биринчи табрик нутқини бошлайди:

— Хуш келибсиз, қимматли ўртоқлар! Тортинмасдан
бемалол яйраб ўйнаб-кулинглар! Келганингиз учун жу-
да хурсандимиз. Уйимиз сизларга ҳам ёқиб қолар деб
умид қиламиз... Уларга айтинг, Софья Михайловна.

Софья Михайловна меҳмонларга узоқ тайёрланган,
қозонда тўрт карра узун бўлган бу қисқа нутқини таржи-
ма қилиб беради. Болалар бошларини силкитишади, жил-
майишади, кейин ҳалиги каттароғи Саняга қўлини уза-
тади-да:

— Раҳ-мат!— дейди рус тилида бир оз дудилиб.

Саня меҳмонларнинг қўлини сиқади-да, кейин биз,
катталар томонга ўгирилиб:

— Танишинглар!— дейди.— Андрей, уларни Семён
Афанасьевич билан таништир. Екагерина Ивановна би-
лан ҳам, Алексей Саввич билан ҳам таништир.

Андрей қандайдир сўзни топа олмади шекилли тўх-
таб қолди, Софья Михайловна унга ёрдамга келди. У
бизни болалар билан таништирди. Иккала боланинг қў-
лини баравар сиқаман. Каттаси ўн учларда. Унинг те-
тиклиги, ақллилиги юз-кўзидан билиниб турарди. Чап бе-
тида кўзидан то даҳанигача чандиқ бор.

— Ганс Бюхнер,— дейди у тўғри кўзимга қараб.

Иккинчиси ўн бирларда. Узунчоққина оппоқ юзли
бу боланинг кўзи кўм-кўк: бир тутам сариқ сочи пешона-
сига тушиб туради, танқа бурнининг устини сепкил бос-
ган.. Аллақаери Петькага ўхшаб кетадию, лекин оч-
наҳор қолиб кетган, ҳозиргидан икки карра ориқ
Петькага ўхшайди.

— Эрвин! — деб таништиради у ўзини қисқагина.

Икковига бирор илиқ, ширин сўзлар айтгим кела-
дию, бу лаънати соқовлик қурсин! — немис тилини зар-
рача билмайман.

— Семён Афанасьевич, «вольно» командаси берсам майлими? — деб шивирлайди Саня қулогимга.

Бош иргитаман.

— Вольно! — деб қичқиради у овозининг борича.

Бир зумда сафдагилар тарқалишади. Меҳмонларни қуршаб олишади, қўлларини сиқишади, елкаларига, орқаларига шапатилашади, алланималарни сўрашади. Улар рус тилида шундай содда ва тушунарли қилиб гапирилганда ҳам кимдир тушунмаслиги мумкинлигига сира кўникиша олмас эди.

Ганс билан Эрвинни чўмилишга, кейин — ошхонага бошлаб боришди. Аввалига деярли ҳамма болалар уларнинг кетидан гала-гала бўлиб эргшиб юришадн. Лекин мен бу ҳақда ўйлаб улгурмасимданоқ эргшиб исрганлар камайиб қолди. («Жуков ақл киргизиб қўйди», — дейди йўл-йўлакай Софья Михайловна менга).

Биз меҳмонларни ҳадеб савол беравериб чарчатмасликка қарор қилдик: танишиб, кўникиб олишсин дедик. Уларга Қолишкиннинг отрядида, Андрейнинг кровати ёнида кровать қўйиб беришга тўғри келди. Андрей билан улар танишиб олишган эди. У ҳам Софья Михайловнанинг айтишича тутилиб-тутилиб, тўхтаб-тўхтаб бўлса-да немис тилида гаплаша олар экан.

Ленинградда камдан-кам учрайдиган иссиқ, ҳаво очиқ, кунлар эди. Спорт ўйинига қизгин тайёргарлик борарди. Ганс билан Эрвин бунда қизгин иштирок эта бошладилар.

Кичкина Эрвин элчиллиги, чаққонлиги, физкультура машқларини бажаришдаги моҳирлиги билан ҳаммани ҳайрон қолдирди. Владимир Михайловичнинг таклифи билан жорий этилган бир машқ бор эди: болалар оралирида қўл узатганда етмайдиган масофа қолдириб бир-бирларига қарама-қарши гурадилар. Ҳаммаларининг кўзлари боғлиқ (кейинчалик виждонан ўйнаб — фақат кўзни юмиб ўйнайдиган бўлишган). Уртадаги одам шу қатер орасидан сездирмай ўтиб кетиши керак. Қатордагилар агар оёқ товушиданми, бошқаданми сезиб қўлини узатганда қўли тегса тутилади. Сездирмасдан ўтиб кетиш жуда қийин эди: қумининг гирч-гирч қилиши, оёқ билан тош босиб олиш мумкин — ҳар бир қадам ёки нафас билдириб қўйиши мумкин. Разведкачиларимиздан фақат Королгина кўзи юмуқ, лекин сергак саф ёнидан ўн гал ўтганда тўққиз мартасида билдирмай ўта олди. Эрвин

бўлса бирон марта қўлга тушмади. У юриб эмас — худди илондек сирғилиб ўтарди. Лекин ўзи эҳтиёткорлик қилаётганга ўхшамас — тез юрар, фақат аҳён-аҳёнда энгашиб қўяр, кўпинча типпа-тик ҳолда, лекин эпчиллик билан енгилгина югургилаб ўтарди.

Эрвин гимнастика майдонимизда пайдо бўлиши билан томошабинлар дарҳол қуршаб олишарди: у кольцода, брусокда ажойиб фигуралар кўрсатар, узоқликка ҳам, баландликка ҳам яхши сакрар эди, чопишига келганда болаларимиз орасида ундан ўзадигани топилмас керак.

Бир нарсасага ҳайрон эдик: у анҳорда чўмилишни сира истамас эди.

Бизнинг болалар чўмилишни жуда яхши кўришарди. Анҳорда болалар завқ-шавқ билан чўмилса ҳам, лекин яқинлашиб келаётган ўйинини сира эсларидан чиқаришмасди. Масалан, улар икки гуруҳга бўлинишарди: ким тезроқ нариги қирғоққа сузиб ўтиб, у ерда ким тезроқ саф тортишга ўйнашарди. Ёки қайси гуруҳ тўпни рақибнинг қирғоғига тезроқ ташлашга ўйнашарди. Уҳў, роса тўполон бўларди-да!

Бундай ўйинларда энг уста сузувчиларимиз иштирок этишарди: «жанг» қизиғида битта-яримтаи бошига тушириб қолишар, бирон бола тўпни қўлга тушириш учун рақибнинг оёғидан тортқилаб қоларди. Бундай таққиланган нарсаларни қилган болани дарҳол қирғоққа чиқариб қўярдигу, лекин шунга қарамай, сувда гура олмайдиغانларни ҳам яна бир боло бўлиб юрмасин деб, яхшиини ўйинга қатнаштирмас эдик.

Эрвин одатда қирғоқда ўтириб ўйинимизни зўр қизиқиш билан кузатарди. Баъзан оёғини сувга тикиб ҳам ўтирардию, лекин бирон марта бўлсин сувга шўнғимасди.

— Бу нима ўтириш! Юрсангчи, бир шўнғиб чиқайлик — иссиқни қара! — дерди Петька.

Эрвин қип-қизариб кетар, бошини чайқар, йўталиб олар ва вологодликлар сингари «ў»ни чўзиб талаффуз қиларди:

— Қўйсангчи... кейин...

— Бу нимаси? Қўрқа-сан-ми?.. — Петьканинг назарида агар у бўғинма-бўғин гапирса Эрвин гапига яхши тушунадигандек туюларди.

Уша кунлардаёқ Ганс уларнинг суҳбатига ташвишла-

ниб қулоқ солди-да, Репинга алланима дея бошлади. Андрей Петькани имлаб чақирди:

— Ганс ундан ҳадеб суриштираверманглар деяпти. Тушундингми? Бошқаларга ҳам айтиб қўй. — Шундай дедию, узоқдан туриб Эрвинга синчиклаб тикилиб қўйди.

Эрвин ўрнидан туради, яланг оёғи билан қумга алланима чизади-да, бир оз қараб тургандан кейин истаристамас уй томонга кетади. Болалар унинг орқасидан қараб қолишади. Шунда Ганс шошиб-пишиб Андрейга алланарсани ҳикоя қила бошлайди. Андрей ҳамма гапни илиб олиш учун диққат билан тинглайди. Кейин бизга таржима қилиб беради:

— Эрвин Одергейм қишлоғидан экан. У ерда спорт майдончаси бор экан. Эрвин ва яна бир неча бола брусларда машқ қилишаётган экан. Шу пайт ёнларидан фашистлар ўтиб кета туриб: «Хайль Гитлер!» деб бақиршибди. «Хайль» дегани немисча «яшасин» дегани бўлади. Болалар бўлса: «Рот фронт! Йўқолсин Гитлер!» деб жавоб беришибди: Фашистлар ғазабга келиб майдончадаги спорт асбобларини бузиб, ҳаммасини отиб ташлашибди, болаларни тутиб олиб уришибди, бир неча болани дарёга ташлашибди. Эрвин жуда чуқур жойга чўкиб кетган экан, зўрға топишиб оғзидан сувларини туширишибди; кейин у анчагача касал бўлиб ётибди. Шу-шу сувдан қўрқадиган бўлиб қолибди. Илгари сузишга жуда уста бўлган экан.

— Ух, тўнғизлар! Келиб-келиб ёш болалар билан уришишганини қаранглар-а! — дейишади Андрей билан Гансни қуршаб олган болалар:

— Мен ҳам бир марта чўккан эдим. Шундан кейин анчагача сувга яқин йўлашга юрагим дов бермай юрган, — дейди Володин ўйчан.

— Мен ҳам чўкканман — лекин қўрқмаганман. Кейин кечаси уйғониб, ваҳимага тушганман. Эҳ-ҳе, шу пайтда қаерларда ётган бўлардинг дейман ўзимга-ўзим! — дейди Подсолнушкин.

Қамгап Коробочкин бўлса:

— Бу махлуқларни тийиб қўя олмайсизларми? — деб сўрайди талабчанлик билан. — Андрей, шундай деб сўра-чи.

Репин ҳар бир сўзни ҳижжалаб сўрайди. Ганс бошини сал эгиб туриб тинглайди. Унинг ранги қув ўчиб

кетади. У тишларини қисиб, оҳистагина жавоб беради. Андрей таржима қилади:

— Ишчилар курашяпти. Лекин фашистларнинг кучи кўп.

— Нима, одамларингиз кўрми ўзи, оқ билан қорани ажратиша олмайди?— бўш келмайди Коробочкин.

Тўсатдан Андрейнинг жаҳли чиқади:

— Ҳой, нега унга ёпишиб олдинг?— дейди у савол берувчига ғазаб билан тикилиб.

Коробочкин жавоб бермайди, бир қадам нарига ўтиб, жаҳл билан иштонини еча бошлайди. Лекин Ганс гоҳ бир болага, гоҳ иккинчисига кўз ташлаб қўяди, Репинининг тирсагидан ушлаб, ташвишланиб сўрайди:

— Was? Was?

Андрей истар-истамас Коробочкиннинг саволини таржима қилади. Ганс алланима деб жавоб беради, жим бўлиб қолади. Кейин юзидаги даҳанигача тортилган чандиқни ушлаб қўйиб яна алланима дейди.

— Кўплар хали тушуншмайди, деяпти.— деб таржима қилади Андрей.— Бир кун «Барабан» деган пионерлар газетасини сотаётган экан. Бир кап-катта фашист келиб, юзига бир мушт уриб ағанатибди. Кейин бошини темир панжарага гурс-гурс ураверибди. Шу маҳал бир ишчи келиб қолиб, фашистини бир туширибди! Иккови олишиб кетибди, ерда юмалашиб бир-бирини дўппослайверибди. Бирдан полицей келиб қолибди. Фашистга «миқ» этмабди, ишчинини бўлса полиция идорасига олиб кетибди. Ана шундан кейин ҳам одамларнинг тушуниш, тушунмасликларини билиб кўр-чи. Ишчи ён босиб эди, лекин фашистлар зўр.

Коробочкин яна иштонини еча туриб:

— Менга қара,— дейди Гансга,— кел, нариги қирғоққа сузиб ўтамиз, бўптимиз? Ким тез сузаркин. Бўптимиз?

Бу гал Ганс таржимонсиз тушунади,— Коробочкиннинг илтижо билан тикилиши, кучли, қора қўлларининг ҳаракати унинг фикрини ҳар қанақа гап-сўздан ортқироқ қилиб тушунтиради. Ганс ўйлаб-ўйлаб ўтирмай ўзини сувга отади. Коробочкин унинг кетидан ташланади.

Биз пндамай кузатиб турамыз. Коробочкин энг моҳир сузувчимиз. Сузишда ҳеч ким унга тенг кела олмайди. Ганс дурустгина сузади, лекин Коробочкин билан тортишишга унга йўл бўлсин!

Лекин, шунга қарамай, иккови барабар сузиб кетишадн. Қирғоққа ҳам барабар бориб етишади. Ганс ўзида йўқ хурсанд. У қўлларини силкитади, бошини чайқайди, кулади: таржимон бериги қирғоқда қолган. Ганс бўлса рақибга алланамани тушунтиришга ошиқади.

Биз ҳамон бояғидай индамай уларни кузатамиз.

— Яша Коробок, топдинг!— дейди Подсолнушкин.

Ўртоғим йўқ

Ўғри бир кунда тўғри бўлмаслигини билардим. Бирон яхши кўрган одамнинг учун эмас, ўз хоҳишининг билан виждонли. тўғри киши бўлиш учун йиллар керак эди. Ўзимнинг бошимдан ўтган воқиялар ҳали эсимда. Мен Антон Семёновични яхши кўрар эдим. Шунинг учун ҳам колонияда тирноқча нарса олмас эдим. Антон Семёновични хафа қилиш ўз-ўзимга шапалоқ тортиб юбориш билан барабар деб билардим. Лекин, бировнинг полизини пайхон қилиш ёки бировнинг уйидан сут «қарз» олиш бўлса, бу ишни кўнглим қилча ҳам ғаш бўлмай сира иккиланмай қилардим. Мен ўзим учун эмас. Антон Семёнович учун тўғри эдим. Чунки унга кераклиги шу эди. Ҳали-ҳали эсимда: бир кунн шам ёруғида, бошқаларнинг уйқусига халал бермасин деб бир томонини тўсиб «Менинг университетларим» китобини ўқиганман. Тонг отгунича ўқиганман, юрагимда алланарса тўлқинланиб келаётганини ҳис қилганман. Кейин ҳовлига чиқиб, Антон Семёновичнинг деразасига қараб туриб, қасамёд қилгандай: ҳеч қачон, ҳеч кимнинг нарсасига тегмайман! деб аҳд қилганман. Ушандан кейин ҳеч кимнинг нарсасига теккан эмасман. Энди Антон Семёнович учун эмас, балки шундай қилишим мумкин эмаслиги туфайли, бу ишнинг қабиҳ, пфлос эканлигини аглаганим туфайли шундай қилмас эдим.

Мана, Панинни кузатиб юраман. Унинг кўзини очиб, яхши-ёмонни ажратиши, ўртоқларининг нафрат ва ғазабига, катталарнинг ширин сўзига бепарво қарамаслиги учун нима қилиш керак? Репинни қўлга олиш, тарбия қилиш қанчалик оғир бўлмасин, у мени камроқ ташвишлантирарди. Репин бепарво эмас эди. Ундан ташқари,

Репин ҳеч қачон нарса тўпламас эди. У қўлида борини ҳаммага ҳам сахийлик билан бўлиб берарди. Бўлиб берганда ҳам ҳамма вақт тамаъсиз бўлиб берар эди. деб бўлмас эди. Лекин у, манфаатпараст эмас эди. Панинни Репин билан тенглаштириб бўлмайди. Лекин Панин топганини йиғарди. шунинг учун ҳам уни одам қилиш қийин. Аммо одам қилиш керак.

Мен Панинни ҳеч вақт назардан қочирмас эдим. Ҳамма вақт у бирор нарса билан банд бўларди-ю, лекин бу фақат хўжа кўрсинга бўлиб, аслида эса уни ўша ярамас одатидан бошқа нарса ўзига тортмас эди.

Бир кун ўзимизда «Болалар дўсти» жамияти ташкил этдик.

— Нима қиламиз?— деб сўради Петька.

— Биронта ҳам боқимсиз бола қолдирмаслик учун мамлакатимизга ёрдам берамиз. Ҳамма болалар уйлари-нинг яхши бўлишига ҳаракат қиламиз,— деб тушунтирди Алексей Саввич.

Болалар бу гапнинг маъносини ўзларича тушунишибди. Лекин ҳар ҳолда тўғри тушунишган эди: гоҳ бири, гоҳ бошқаси шаҳардан таниш болани бошлаб келиб қоларди («бозорда учратиб қолдим», «приёмникдан қочибди» дейишарди). Баъзан шу йўл билан келтирилган болани ўзимизда олиб қолардигу, лекин кўпинча уни бошқа болалар уйига жойлаштиришга ҳаракат қилардик («Семён Афанасьевич, ўша болалар уйи яхши бўлса керак-а?— деб ҳоли-жонимга қўйишмас эди кейин болалар).

Бир куни Панинга:

— Балким шаҳарда ўртоғинг бордир? Олиб кел.— дедим.

— Ўртоғим йўқ,— деб қуруққина жавоб берди у.

Спорт ўйинига тайёргарлик кўрардик. Мен унга қийинроқ ва қизиқроқ иш беришга уринардим. Лекин бирон марта бўлсин, бирон топшириқни бажону дил хурсанд бўлиб олганини кўрмадим. Ҳамма ишни қизиқмасдан, шунчаки енг учиди бажарарди.

Бу қуруқ, тош кўнгилининг биринчи бор жонланганини бизга Владимир Михайлович келгандан кейин пайқадим. Ёпоқлари чиққан, қовоғи солиқ, ҳеч қачон кулмайдингган бола Владимир Михайловичнинг диққатини ўзига тортди. Владимир Михайлович бир неча бор Паниндан ўзини кузатиб қўйишини сўради. бир куни қан-

дайдыр китобни олиб келиш учун уйга юборди. Бир кунни мен қуйидаги гапларни эшитиб қолдим:

— Витя, сизга бир илтимосим бор. Одам ўтириб эмас, балки ётган жойида ёза олиши учун фанердан бир нарса ясаб бера оласизми? Мана, ҳозир кўрсатиб бераман...— Владимир Михайлович бояги нарса қандай бўлишлигини чизиб кўрсатди.

Панин бир нарсани ўйлаётгандай қошларини учуриб чертёждан ҳам кўра кўпроқ Владимир Михайловичнинг юзига қараб турди.

— Мендан кўра устароқ болалар бор... Яна бузиб қўйсам-а,— деди у ниҳоят.

— Ясаб кўринг, ҳаракат қилиб кўринг. Бир кунни рамка ясаётганингизни кўрган эдим. Биноийдек чиққан эди. Бу ҳам худди ўшанга ўхшаган нарсада. Мана, бир қаранг-а...

Панин Владимир Михайловичга шубҳаланиб қарайди. «Ясаганимни кўрган эмишлар-а!» деярг эди унинг туриш-турмуши.

— Йўқ, бир ясаб кўринг-чи.— деб такрорлади Владимир Михайлович.

Владимир Михайловичнинг фикри-ёди шу болача бўлиб қолганини сездим. У Панин ҳақида мендан батафсил суриштириб билди. Билганларимни айтиб бердим. У тинглаб турди-да, кейин ўзича секин гапирди.

Бу бола билан шуғулланиш керак. Қўлдан чиқармай жиддий шуғулланиш керак. Уни ҳеч нарса қизиқтирмайди, деб ўйлаш хато бўлар. Бир вақтлар менинг бир ўқувчим бор эди. Қовоғи солиқ тортинчоқ бола эди. Ўртача ўқирди. Группамиз таниқли, қобилиятли эди. Нима ҳам бўлди-ю, ўша бола билан ишим бўлмай қолди. Йил охирида, каникулга чиқиш олдида ёнимга келиб: «Қатта раҳмат сизга, Владимир Михайлович!» дейди.— «Нега?»— Исминини атаб чақирганингиз учун. Ҳамма фамилиямни айтиб чақиради, сиз — исминини атаб чақирдингиз!» Шундай. Шу воқияни эсласам ҳали-ҳали танамга ўт туташгандай бўлади. Уялиб кетаркансан киши...

— Кечирасиз, Владимир Михайлович, лекин меннингча бундай нозик ҳис-туйғулар Панинга ёт бўлса керак.— дедим мен, бу воқия менга анча таъсир этдию, лекин унинг Панинга ҳечам алоқаси йўқдак туюлди.

Меннинг Панин ҳақидаги фикримга Стеклов ҳам қўшилса керак.

— Панин Владимир Михайловичникига борадиган бўлиб қолди,— деди у ташвишланиб.— Владимир Михайлович кўнгилчанг одам... ҳаммага ишонаверади... Яна Панин бирор нарсасини тортиб кетиб ўтирмасин...

Мен жавоб бериб улгурмасимданоқ Екатерина Ивановна жаҳл билан:

— Инсон ҳақида фақат ёмон фикрда бўлишларини ёмон кўраман!— деди.— Инсон — буюм эмас. Инсон ўсади, ўзгаради. Панин Владимир Михайловичнинг қандай муносабатдалигини кўриб турибди, унинг ҳеч нарсасини олмайди.

Сергей одоб юзасидан эътироз билдириб ўтирмадию, алланима деб пўнгиллаб қўя қолди. Лекин мен Панин Владимир Михайловични кузатгани борганида Стекловнинг отрядидан бирон бола — Лобов, Лёня Петров ёки кичкинтойлардан бирон бошқа бола уларга албатта эргашиб борадиган бўлганини пайқадим. Владимир Михайлович ҳеч нарсадан беҳабар бўлгани учун эътироз билдирмасди, Стеклов эса шундай қилгандагина кўнгли ўрнига тушарди.

Бир куни Владимир Михайловичникидан қайтиб келгач Панин менга:

— Семён Афанасьевич, Владимир Михайловичнинг уй ишларига қарайдиган Анна Сергеевна деган хотинни биласизми?— деди.— Шу хотиннинг қизи беш йилдан бери ётаркан.— Бирпас жим тургач яна қўшиб қўйди:— Мен унга курси ясаб бераман.

— Владимир Михайлович сени шу қизча билан таништириб қўйдими?

— Ҳа, Наташа, бу бола Витя Панин деди. Қиз бўлса: ўтир, Витя, деди...

Тўсатдан ҳозиргина айтган гапига алоқаси йўқ бир гапни айтди.

— Семён Афанасьевич, мен кетаман.

Мен дабдурустдан тушуна олмай қолдим:

— Қаёққа кетасан? Нега кетасан?

— Болалар уйдан кетаман. Барибир ўғрилиқни ташлай олмайман. Сизни шарманда қилиб қўяман.

Агарда у ўғрилиқнинг зарари ҳақида узундан узоқ гапирганда ҳам бу қадар севинмас эдим. Бундан чиқди, у ўйлар экан, ўзи билан ўзи баҳслашар экан! Мен унга:

— Нима ҳам қилардим сени! Майли, шарманда қила қол.— дедим.

Бу гапни Алексей Саввичдан эшитдим: орадан биринки кун ўтгач Панин:

— Менга қара, Жуков... менга қарашиб юбор... мана бу нарсани ясайлик...— дебди.

Жуковга мурожаат қилибдим. бундан чиқди, у одамдан-одамнинг фарқини ажрата олар экан. Албатта Саня дарров рози бўлибди:

— Бўпти, кел. Қани, Владимир Михайлович сенга қандай қилиб кўрсатган эди. Чизиб берган сурати турибдими?

Улар бир неча кун овора бўлишди. Алексей Саввич билан маслаҳатлашди, қандай қилса яхши ва қулайроқ бўлади, деб бош қотиришди. Ниҳоят енгилгина, очилиб ёпиладиган пюпитр тайёр бўлди. Паниннинг ҳадеб ташқарига чиқиб, йўлга қарашининг сабабни дарров била қолмадим. Кейин эсимга келиб қолди: у Владимир Михайловични кутяпти. Шу кун Владимир Михайлович келмади. Панин ёнимга келиб пюпитрни олиб бориб ташлаб келишга ижозат сўраганда қоронғи тушиб қолган эди. Мен ижозат бердим. Қайтиб келгач, ёнимга кирди-да, кўзини олиб қочмасдан:

— Ташлаб келдим. Қизча менга: «Раҳмат сенга, раҳмат. Энди ёзиш менга осонроқ бўлади» деди,— деб, ҳикоя қилди. Унинг овози одатдагидек маънос эмас эди.

Эртасига Владимир Михайлович келиб Панинни кўкларга кўтариб мақтай бошлайди деб қўрққан эдим. Бу ҳол болаларда хайрихоҳлик уйғотмай, аксинча, уни атайлаб мақташяпти, деган гумон туғдиришидан қўрқардим. Лекин Владимир Михайлович Панинга:

— Наташа сенга яна раҳмат айтиб юборди,— деди оғиргина.— Жуда қулай ва яхши ясабсан.

Бу гапни у иш орасида айтди. Бу гапни шу орада бўлган болалардан баъзи бирлари эшитишди. Энди бу гапни ҳамма эшитади: бунга шубҳа қилмас эдим.

Ҳозирча шу билан тугади. Панин билан анчагача ҳеч нарса тўғрисида гаплашмадик. Гўё ўзгариш юз бермагандай. Аммо ўзгариш юз берган, бу ўзгариш, сезилар-сезилмас даражада бўлса ҳам, ҳар ҳолда болаларнинг унга нисбатан бўлган муносабатларида сезилар-сезилмас силжиш бор эди. Владимир Михайловички, сенга яхши муомалада бўлгандан кейин, бундан чиқди,

сен ҳам дабдурустгина одам бўлсанг керак, деганга ўхшаш қизиқиш, тўғрироғини айтганда, синчковлик учқунни пайдо бўлди.

„Мард бўлишни хоҳлайсанми?“

— Менда бир таклиф бор,— деди бир кун Владимир Михайлович келиб.— Митя, болаларни ҳар томонга тарқатиб юборингчи — ким қандай янгилик топиб келар экан?

У янгилик нимадан иборат эканлигини айтмади. Ҳар ҳолда у бир нимани билади: бу очиқ-равшан кўриниб турарди.

— Владимир Михайлович, нима ўзи? Нима?— деди Петька хиралик қилиб.

— Разведкачимисан? Қани, топа қол ўзинг,— деди Владимир Михайлович. У уйимизда фақат Петькани ва Стекловнинг отрядидаги икки-уч кичкинтой билангина сенсираб гаплашарди.

Тушлик билан кечки овқат ўртасидаги вақтда разведкачилар «ҳа: ғий ўйинлар» ўтказилиши мўлжалланган жойларни синчиклаб текшириб келишди. Подсолнушкин: жадвал бўйича, қўшимча равишда кундузи ҳам поезд юрадиган бўлибди, эрталабки поезд олиб ташланибди, деган хабар топиб келди. Павлуша Стеклов ўрмон қоровули кетиб қолган бўлса керак, қоровулхонаси қулф, деган хабар келтирди. Дарёда кимнингдир елкани сузиб юрибди, деди Володин. Ҳамма бирон хабар билан келар, бирон янгиликни айтарди. Ҳар гал Владимир Михайловичга қараб қўяр ва ҳар гал бу хабар ҳам у ўйлаган хабар эмаслигини англади. Бу келтирилган хабарларда биз учун аҳамиятлиги йўқлигини ўзимиз ҳам сезиб турардик.

Кечки овқатга қўнғироқ чалиниб бўлгач, уйга Қоробочкин билан Петька отилиб кириб келишди. Икковининг кўзи қинидан чиқиб кетаётган эди:

— Келишибди! Ленинграддан келишибди!

Мапа буни янгилик деса бўлади!

— Владимир Михайлович, буни сиз қаердан билдингиз?

— Тўқиб ўтирмайман: тасодифан билиб қолдим. Газета олгани станцияга кетаётсам, рўпарамдан ўнтача бола чиқиб қолди..

— Бу улар эмас! Улар юзта!

— Олдинги группаси бўлса керак, деб ўйлайман. Тайёргарлик кўриш учун юборишгандир.

— Бош қотириб ўтиришнинг нима кераги бор?— деди Алексей Саввич.— Юринглар, бориб келамиз.

— Бўпти,— дедим таклифга қўшилиб.— Эртага эрталаб борамиз. Менингча уларга ёрдам бериш зарур. Королёв, ўнта одам тўпла.

Король ўнта бола ажратди. Мен унинг:

— Бордик дегунча — бараварига салом дейсизлар. Агар лозим бўлиб қолса, ёрдам берамиз,— деб тайинлаётганини эшитдим.— Лекин кўзларингизни лўқ қилиб ҳам турманглар, суриштирманглар. Яна сиримизни билгани келишибди, деб ўйлаб юришмасин.

Эрталабки салқинда шаҳардан келган писонерлар жойлашиши зарур бўлган мактаб биноси томонга бордик. Йўл-йўлакай Петька билан Коробочкин, шу томонни келиб разведка қилиб кетиш қандай қилиб эсларига келганини, нечанчи бор эканлиги эсимда йўқ, бир-бирларининг гапларини бўлишиб сўзлай бошладилар. Бу ютуқдан Петьканинг боши кўкка етган эди. Ҳақиқий разведка деб ана шунини айтса бўлади: энг муҳим янгиликни топиб келишди! Бошқаларчи! Подсолнух топиб келган янгиликни қаранг-а! Поезд билан бизнинг неча пуллик ишимиз бор? Павлушка-чи? Урмон қоровули кетиб қолган эмиш — шу ҳам янгилик бўлдию! Коробочкин ўзини анча оғирроқ тутардию, лекин Петька иккови ўзини кўрсатганини яхши тушунарди. Ҳазил гапми — ҳаммани йўлда қолдириб кетишди...

Коробочкин оғирроқ бўлишга ҳаракат қилар ва ҳадеб қошини чимиради. Борис Коробочкин ўзи асли жиддий одам, чап кўзининг тагидаги қора ҳоли юзига янада жиддийроқ тус беради. Ҳозир бўлса, офтобда кўйиб, териси пўст ташлаган бетига нуқул беихтиёр табассум ёйилади...

— Етдик! Ҳаммамиз баравар бораверамизми?

Бир қаватли мактаб биноси олдидаги ҳовлида болалар — бири латта, бири челақ кўтариб югуриб юришарди. Мен ўзимизнинг иш бошлаган биринчи кунларимизни, хўжаликни изга солишдаги биринчи ташвишларимизни,

кемадагига ўхшаш кўплашиб уйни саранжом қилганимизни эсладим.

— Салом! Келинлар, келинлар!— деди баскетбол ўйнашда ўзини кўрсатган малла соч қиз Женя.

Унинг овозини эшитиб бошқалар ҳам югуриб келишди.

Владимир Михайлович ўйлаганидек, ленинградликлар бошқалар келгунча ҳамма нарсани тайёрлаб қўйиш учун зарбдор группа юборган эдилар. Группада ўнта бола бор эди. Ҳаммаси ҳам вақтни бекор ўтказмайдиган, ёзини кутубхона ёки синфда ўтириб ўтказмайдиган болалар эди. Уларнинг ҳаммаси худди териб олингандай, кучли, офтобда қорайиб, чиниққан эди — ҳатто орриққини Женя ҳам офтобда пишган — ишдан қўрқмас эди. Улар мактаб бинисини тозалашар, ўтин аралашар, ёришарди. Уларнинг ичида катта одам йўқ эди, овқатни ҳам ўзлари пиширарди. Шунинг ҳам айтиш керакки, бизнинг ҳам уларга анчагина фойдамиз тегди.

Аввалига инонерлар билан бизнинг болалар бир-бирларига қарашиб туришди. Лекин бу узоқ давом этмади.

— Бирор нарсага муҳтож эмасмисизлар?— деб сўради бир кун аввал болалар билан репетица қилганидек.— Ёрдамимиз керакдир балки?

— Сизларда ортиқча челақ топилмайдими?— деб сўради дудилиб каттароқ бола, группа раҳбари (унинг фамилияси ҳамон ёдимда — Голушев эди).— Яхши бўлмади: пол ювиш учун ёмон челақ олиб келибмизу, сув солиш учун тоза челақ келтирмабмиз. Бир амаллаб битта топдик-у, лекин шерикларимиз келгунча яна битта бўлганда эди...

Король менга савол назари билан қаради:

— Бериш керак,— дедим мен.

— Қани, Володин, ғизиллаб бориб кел-чи!— буюрди Король. «Ғизиллаб бориш» осон эмас эди. — Уч километрга яқин йўл юриларди. Володин «Ғизиллаб бориб» келгунча бизнинг болалар у ёқ-бу ёқни айланиб, кўздан кечириб юришди. Лекин Королнинг: «Яна сирин билгани келишган экан деб ўйламасин!» деган гапларини эслаб, ҳеч нарсани суриштиришмади. Нима қилишни ўзлари билишар, деб мен аралашмадим.

Володин жуда тез қайтди. У фақат челақкина эмас, балки, ўзи билиб янги швабра ҳам олиб келибди.

— Мана... ишингизни осонлаштираб деб ўйлаб эдим... полни...— деди у харсиллаб:

— Раҳмат, раҳмат! Яхши ўйлаб топибсан!— Жения унинг қўлидаги швабрани тортиб олди.— Латта билан эмаклаб пол ювиш жонга тегди.

— У ўзи шунақа... топағон,— деди Король вазмингина. Мен унинг бениҳоят хурсандлигини кўриб турардим.

Королнинг мақтови ҳам катта гап эди. Ленинградлик қизларни севинтириш ҳам яхши иш. Шунинг учун Коробочкин ҳам ташаббус кўрсатди:

— Балким душ ясаб бериш керакдир. Худди биздагидақа. Бунинг учун бочка билан челақ бўлса бўлди. Челақнинг таги тешилади. Қарабсизки, душ тайёр. Агар хоҳласанглар, ясаб берамиз албатта.

Шу пайтгача Коробочкиннинг бундай узоқ гапирганини камдан-кам эшитган эдим. Муваффақияти бениҳоя эди:

— Жуда соз! Қандай яхши бўлар эди-я! Бизникилар келишади. Кўришсаки — душ тайёр. Бемалол чўмилишаверади! Тоза севинишади-да!

Шундай қилиб ишлар қизиқ кетди. Душ ўрнатишди, ҳовлини тозалашди, пионерларга ёрдам бериш учун ҳар қандай ишни қилишди. Улар ҳам севиниб-қувониб ёрдамни қабул қилишди.

— Нима қилай?— дерди бизнинг болалардан қайси бири бўлмасин келган ҳамон.

— Кел, картошка тозала! — деб таклиф этарди юшхонадаги навбатчи.

— Ўзларни артишади, нима қилиб навбатчи бўлиб юришибди бўлмасам! Яхшики бу ёққа келинглар, палаткага тушиб кетай деяпти!

Биринчи кунёқ Саня Жуков менга:

— Семён Афанасьевич, у ёққа ҳаммани юбориб бўлмайди,— деди.— Яна бир бало бўлиб ўтирмасин. Ма-аала, Панин...

— Бўлмасам, болалар уйи совети белгиласин. Бизнинг коммунадаги бирлашган отрядга ўхшаш бўлади: ҳар отряддан иккитадан, учтадан бола олинади. Ҳар кун иккита болалар боради. Кимни юборишни ўзларингиз ўйлашиб кўринглар.

Жуда қизиқ бўлди. Пионерларнинг олдига ишлаганимларди — бунинг ҳамма биларди. Ўйнаш, кўнгил ёзиш

учун борилмас эди (волейбол ўйнагани пионерлар кечкурун бизникига келишар эди). Агарда кимда ким бирор гуноҳ қилиб қўйса, уни юборишмас эди. Ҳеч ким сен гуноҳ қилиб қўйдинг, шунинг учун бормайсан, демас эди. Илтимос қилган замон оқ юборилмаган бола ҳам талашиб-тортишиб ўтирмас эди: айби борлигини ўзи билар эди. Боргандан кейин қўл қовуштириб, томоша қилиб ўтиришмасликларини билишмаса-да, яна такрор айтаман, негадир ҳамманинг боргани келарди. Эрталаб тонг отаротмас ўринларидан туриб, ишлаётган одамларнинг уйига бориб, бир чеккада томоша қилиб ўтириш мумкин эмас. Ё ёрдам беришнинг керак, ёки туёғинини ишқиллатишнинг. Бизнинг болалар келишар — ёрдамлашишар эди.

Қолган пионерлар Ленинграддан келадиган кунни уларни кутиб олгани саф тортишиб станцияга чиқдик.

Поезд келиб тўхтади; энг кейинги вагондан оқ қўйлак, қўк иштон кийган ва қизил галстук таққан болалар бирин-кетин туша бошлашди. Улар шу замон оқ тўрттадан бўлиб саф тортишди; чиройли колонна ҳосил бўлди. Олдинда байроқдор ва бир ўғил бола ва кичкина қиз боладан иборат икки ассистент турарди.

— Са-лом!— дейишди бизнинг болалар барабарига.

— Са-лом!— жавоб беришди ленинградликлар.

— Вперёд... марш!— қаттиқ команда берди Гриша Лучинкин. Пионерлар колоннаси олдинга юрди.

— Вперёд.. марш!— команда бердим мен.

Бизникилар ҳам юриб кетишди.

Ҳаво булут эди. Уфқни булут қоплаб борарди. Кучли шамол эсиб осмоннинг очиқ турган қисмини ҳам булут қопларди. Шундай бўлса-да, ҳеч ким тўсатдан ёмғир ёғиб қолар деб ўйламаган эди. Лекин кутилмаганда ёмғир қуя бошлади. Шамол елиб ўтди, бир дақиқа жимлик чўкди ва худди шу дақиқани кутиб тургандай бирдан ёмғир қуйиб юборди.

Бизнинг сафдаги болалар қимирлашиб қолишди, сўнгги қаторларимиздагилар аралашиб кетишди.

— Вой. Семён Афанасьевич!— деб юборди кичкин-тойлардан бири.

Глебов бир чеккага чопиб чиқди-да йўлдаги дўконнинг панасига ўтди.

— Бу нима қилиқ?— деб қичқирди Король жаҳл билан. — Семён Афанасьевич, анавиларни қаранг!

У Глебовни грибонидан ушлаб, тортиб қаторга келтириб қўйди.

Мен янги команда беришга, тартиб ўрнатиш учун чора кўришга улгурмадим, — олдинда пионерлар бараварига гапира бошлашди — куйлашмади, гапиришди. Биз беихтиёр қулоқ сола бошладик. Ёмғир ёғарди. Шатир-шутир ёғаётган ёмғир орасида болаларнинг нима дейишаётганини ажратиб бўлмас эди. Лекин бора-бора сўзлар аниқ эшитила бошлади:

«Тўпир-тўпир» сас келар
Тақалар хўп ярқираб!
Азамат бўлсанг агар,
Ғоз тургани тикка қараб!
«Тўпир-тўпир» сас келар
Тақалар хўп ярқираб...

Ашула тобора кучли ва шўх жаранглай бошлади. Бир дақиқа ўтар-ўтмас бу жозибали куйга биз ҳам қўшилдик. Шу куй оҳангига мослаб қадам ташлаш қандай яхши экан! Бу музыка ёки барабаннинг дўпир-дўпири эмас эди, лекин шундай енгил, шаҳдам қадам ташлар эдикки, натижада биз ҳам аввал секки, кейинчалик эса, олдинда кетаётганларга эргашиб, овозимизнинг борича ашула айта бошладик:

«Тўпир-тўпир» сас келар,
Тақалар хўп ярқираб!
Азамат бўлсанг агар,
Ғоз тургани тикка қараб!
Ўтиб кетди тез замон.
Хўр келажак — бизники!
Ўзини, ўйна ҳамон,
Олға марш — бир-икки!
«Тўпир-тўпир» сас келар
Тақалар хўп ярқираб...

Бу жуда соз эди! Бу сатрларда ҳақиқатан ҳам от туёқларининг бир меёрадаги дупур-дупури эшитилар, чақирёқ янграр, шаҳдам қадам ташлашга ўндарди. Кўйлаклар баданга ёпишиб кетган бўлса-да, ҳеч ким ёмғир ҳақида ўйламас эди.

Лучиникин бизга қараб кулиб қўяр, қўлини дирижёрга ўхшаш силкитарди. Унинг юзи ёмғир сувидан ялтирар.

бир тутам сочи пешонасига ёпишиб қолган эди. Биз эса ёмғирга ўчакишгандек яна ҳам шўх ва баланд овоз билан такрорлардик:

«Тўппир-тўппир» сас келар
Тақалар хўп ярқираб!
Азамат бўлсанг агар!..

38

Эртағииз яна порлоқ!

Эртағи кун — нима келтираркин? Эртага нима бўлади? Бунинг билмаган одам уйқуга кетар экан, нақадар нотинч ётади! Эртағи кундан яхшилик кутмаган одамнинг ухлаши қанчалик қийин бўлади!

Бизнинг болалар фақат эртағи кунгагина ишонч билан боқинмасди! Қорнинг тўқ, эғни-бошинг бут бўлишини билишнинг ўзи камлик қилади. Ишнинг шундан бошлаганмиз,— рост у вақтларда шунинг ўзиям катта гап эди. Лекин, эндиликда, бу кичик қувонч билан қаноатланмас эдик. Эндиликда болалар эртағи куннинг яна ҳам порлоқ бўлишига ишонишарди.

Бир вақтлар, коммунада энди иш бошлаган чоқларимда Антон Семёнович менга шундай деган эди:

«Агар инсонни олдинда бирон қувонч кутмаса, у оламда яшай олмайди. Биз эртағи кунимизнинг хурсандчилиги учун яшаймиз. Шунинг учун: бизнинг, педагогик ишимизда энг муҳими ана шу. Аввало шу қувончнинг ҳаётдан ола билиш керак — болалар уни кўриб, ҳис этиб туришсин! Кейин ана шу оддий қувончнинг энг муҳими энг зарур ишга айлантириш керак. Бу қийин, лекин жуда зарур вазифа! Аввало битта пряник ейиш ёки циркнинг томоша қилиш болалар учун балки хурсандчилик туғдирар. Кейин ўз бурчини бажариш, яхши ишлаш ҳам кунгилли бўлади. Бора-бора катта, умумий ва буюк иш учун жонинг фидо қилиш ҳам зўр қувончга айланади. Тушундингми? Мен шундай дердим: кишининг тарбиялаш — унинг истиқболи йўлларини тарбиялаш демакдир; шу йўл билан унинг эртағи қувончи туғилади. Тушундингми? Болаларга яхмалак отадиган жой тайёрлашни топшир. Улар кейин у жойда маза қилиб сирғонишини ўйлаб жон-жаҳдлари билан ишга киришишади. Бу иш айтарли истиқболга эга эмас. Лекин иш

қизиб кетади, йўл-йўлакай турли масалалар кўндаланг бўлиб туради. Қасрда исинишади? Скамейкани қасрга ва қандай қилиб қўйиш керак? Бу ерни яхшироқ ёритиш мумкин эмасмики? Кўрдингми, бошланишнинг ўзидаёқ, истиқбол мураккаблаша боради. Ҳаётимизда бир эмас, бир неча бор кўргансан: коллектив бора-бера бир оилага уюшади. Шунда унинг энг яқин истиқболни — биргалашиб, ҳамжиҳат бўлиб ишлаш — ҳаммани ўзига тортади, қувонтиради».

Мен бу гапларни эсладим ва Антон Семёнович айтган сўзларни ўз ҳаётимизга таққослаб кўрдим: ҳа, бундай яқин истиқбол, эртаги кунга коллектив бўлиб, биргаликда истиқлол бизда бор. Албатта бор! Болалар эрталаб бир ҳис билан ўйғонишади: умумий, оммавий иш бор — жуда соз! Ишлаймиз!

Ленин номли қолхоз билан иноқ бўлиб қолдик. Яхши ном биқилиб ётар, ёмон ном томма-том ошар деган мақол тўғри эмас экан. Бир-икки бор қолхоз пичанини ёмғирда сақлаб қолдик — қутилмаганда ёпирилиб бориб, дарров гарамладик, бир кундан кейин ёйиб ташлаб, офтобда тезроқ қурисин деб аралаштириб бериб ҳам кетдик. Озгинагина иш қилдик. Лекин шундай бўлса ҳам бизнинг ҳақимизда: «Яхши болалар экан, завқшавқ билан ишлайар экан!» дейишди. Биз яхши ном орттирдигу, довриғимиз ҳамма ёққа кетди.

Қишлоқ пионерлари билан биргалашиб қолхознинг қарам ва лавлагисини ўтоқ қилиб бердик. Кейин улар бизнинг полизга ёрдамга келишди. Мабодо фильм олиб келинса, бизни чақиринмасдан қўйишмасди.

Бизнинг яхши ном чиқаришимизга яна шундай воқиа сабаб бўлди. Кино бошланишини кутиб катта, кенг залда ўзаро гаплашиб, (совхоз ва МТС хузурида яхши клуб бор эди) теварак-атрофимиздагиларнинг гапига қулоқ солиниб ўтирдик. Ун етти ёшлар чамасидаги бир йиғит газетага қолхознинг ошпази ҳақида мақола ёзмоқчилигини айтди: у хотин ўзининг яхши кўрганларига идишни тўлдириб овқат берса, хушга ёқмаганларига эса, ярим қилиб бераркан.

— У қанақа газета?— деб сўради Подсолнушкани.

— Спёсий бўлим хузурида чиқади. Шу газетанинг: «Бетга айтганининг заҳри йўқ» деган бўлими бор — бизнинг Авдотья Сергеевна ҳақида ҳам ўша бўлимга ёзиб бериш керак.

— Авдотья Сергеевнанингнинг фамилияси нима?—
деб сўради тўсатдан Репин.

— Нима эди?— деб саволга савол билан жавоб берди йигит.

— Ўзим шундай.

— Бойко. Нима бўпти шу билан?

— Шошма, шошма! Совхознингда Семён деган одам борми? Василий-чи? Ефим-чи?.. Ефим ҳам йўқми? Менга Ефим керак эди. Пантелей ҳам йўқми? Филипп-чи... Бу ҳам йўқми? Бўлмасам, Иван бордир?

Биз ҳайрон бўлиб қолдик. Ошпаз хотин ҳақида гап бошлаган йигит эса Андрейга хавотирланиб қарай бошлади. Андрей бўлса, кўзини бурчакнинг аллақасерига тикиб, лабларини шивир-шивир қимирлатди-да, жим бўлиб қолди... Кейин кутилмаганда бояги йигитга таклиф қилди.

— Яхшиси, мақоланинг ўрнига хотиннинг карикатурасини беринг, тагига шеър ёзинг. Шеъри мана бундай бўлади:

Ўртсқ Бойко, қани айтнинг сиз,
Бу тақсимотни қиласиз нега?
Ахир, Семён, Иван, Василиймиз —
Нечун ўхшамас Александрга?

Болалар — бизникилар ҳам, совхоз болалари ҳам гуё кўз ўнгларида бир муъжиза юз бергандай ҳанг-мачг бўлиб қолишди. Бу тўртлик газетанинг «Бетга айтганининг захри йўқ» деган бўлимида кулгил сурат остида чиққандан кейин эса бизнинг довруғимиз яна ҳам ошди.

Биз клубда пайдо бўлишимиз билан совхоз ишчиларининг каттадан кичиги:

— Ҳув анави, ўша бола! Шеърни тўқиган шу! — дейишарди..

Бу Андрей Репиннинг уйимизнинг умумий шоп-шуҳратига қўшган дастлабки кичик ҳиссаси эди.

Ана шундай яшардик. Ҳар бир кун бизга биронта яхшилик келтирарди.

Ленинградликлар келгандан сўнг олдинда яна битта

яқин шодлик пайдо бўлди — бу шодлик «спорт ўйини» деб аталарди.

Бу ҳақда ҳикоя қилмасдан бурун яна бир нарсани айтиб беришим керак:

— Семён Афанасьевич, — деди менга Сергей Стеклов, — горнсиз сира иложимиз йўқ. Сира иложимиз йўқ! Тревога билан туриш керак бўлса нима қиламиз? Бир жойга тўпланишни қандай хабар берамиз? Қўнғирсқдан фойда йўқ!

— Советда гаплашиб, бир қарорга келайлик, бўлмасам.

— Семён Афанасьевич советда гаплашганимиз яхшироқ. Яна Корольни хафа қилиб...

— У нима деганинг, Сергей? Эсинг жойидами?

— Семён Афанасьевич, у аллақачоноқ, ҳамманинг олдида «Горнни мен олганман, Володькани тинч қўйинглар, унинг айби йўқ» деганку.

— Қачон айтди бу гапни?

Стеклов овозини яна пасайтирди:

— Ахир Володька жуда эзилиб кетди-да. Семён Афанасьевич... ҳамманинг кетидан юриб, арз-дод қилгани қилган. Король бир кун эшитиб қолиб: «Мен олганман. Шунинг ҳамманг яхши билиб қўй. Сен ҳам яхши билиб қўй, Репин. Мен сени одам қаторида кўрмайман, горнни мен олганман, Володьканинг ҳеч айби йўқ», — деди.

— Володька-чи, у нима деди?

— Володька йўқ эди-да. Кейин: кимда ким Разумовга етказса калласини узиб ташлайман деб пўписа қилиб қўйди. Ҳеч ким гапирмайдиган бўлди. Король ўз бўйнига олганини Володька билмайди. Семён Афанасьевич, бу гапга барибир ҳеч ким ишонмайди, — қўшиб қўйди Сергей. — Король Репинга аччиқ қилиб айтган. «Агар Володькага оғиз очадиган бўлсанг, нах...» деди.

Ростини айтсам Сергей мени ҳапп-манг қилиб қўйди. Король айтган бу гапларга ишонмас, ишона олмас эдим, албатта. У «аччиқ устида» айтган, бу рост. Лекин шунга қарамай, уйимизда ҳали кўп нарсалар сендан ташқари бўлиб ўтаётгани ёки айтилаётгани, сенга айтилмайдиган гаплар борлиги, шу гапларининг сенга бутунлай етиб келмаслиги ёки мана бундай очилиб қолиши кўнглингни ҳижил қиларди, албатта. Корольга бундай аҳмоқлик қилишининг нима кераги бор эди.

Сергей тўғри айтди — қандай қилиб бўлса-да горн то-

пиш керак эди. Биз буни ҳеч кимга билдирмасдан қилдик; Алексей Саввич горн олиб келди. Қувончи ичига сиғмай кетган Петька ленинградлик горнистан бориб ўрганиб келди. Қунларнинг бирида, тонг отар палла жарангдор, талабкор сигнал Берёзовая полянадагиларни уйғотди. Ҳамма худди тревога пайтидагидек ирғиб ўрнидан турди-да, обходни кутиб ўтирмай, югуриб чиқиб саф тортди.

Ўзига топширилган ишни бажараман деб қип-қизариб, терлаб кетган Петька шу ернинг ўзидаёқ тўртта сигнални чалиб таништирди. Биринчиси—туришга чорловчи сигнал: тетик, хушчақчақ жарангларди: «Тонг отди, тур энди! Ювин-таран, ишга бўл тайёр!» Иккинчиси — ишга чорловчи сигнал: «Белни ол, болтани ол! Ташқарида гуриллар мотор! Уқиш ва меҳнат тонги бош-лан-ди!» Учинчиси — чўзғин, салмоқдор эди: «Ух-ла, ёт ухла, бориб ёт! Ух-ла, ух-ла, бо-риб ёт!»

Тревогани горн чўзиб чалмас балки бўлиб-бўлиб гапирарди: «Тезроқ! Тур! Ухлама! Бўл сергак!»

Шу кундан бошлаб болалар тревогани кутиб ётадиган бўлишди.

Тонгга яқин берилган биринчи тревога сигнали билан болалар бир зумда ўрииларидан туришди. Горн чақиринини тугатиб улгурмасдан болалар саранжом бўлишиб сафда туришарди. Эгилларида кўйлак, иштон, оёқларида шиппак.

— Яшанглар! — дедим чин кўнгилдан... лекин кейин билсам эрта мактабман.

Эртасига кечаси ётоқларини айланиб чиқдим. Болаларнинг бу қадар тез кийинишиб, тахт бўлишларининг сабабини шунда тушундим. Ҳамма — ақлли Жуков ҳам, фаросатли Сергей Стеклов ҳам, кўпол Колишкин ҳам, кичикнитоиларимиздан тортиб Ганс билан Эрвингача кийкиниб ётишарди. Эрталабки линейка пайтида бутунлай бошқача сўзларни айтишга тўғри келди:

— Тревога бўйича сбор жуда ёмон ўтди. Бу сбор эмас — кўз бўямачилик. Қишда қандай ётамиз? Пўстин ва пиймаларда ётиб ухлаймизми? Қулоқчинда ётамизми? Ҳамма командирларга строгий виговор эълон қиламан. Ётианда текширишингизни, тревогага эса кўз бўямачилик қилмай тўпланишингизни илтимос қиламан.

Петька энг улуғ одамлардан бўлиб қолди. Ётар олдидан ҳар бир бола унинг енгидан тортиб:

— Ростингни айт: ортага гревоба бўладими? — деб сўрарди.

— Улай агар! — дерди Петька «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демасдан.

Кечкурун Петька билан бир дақиқа ҳам ёлғиз қола олмас эдим — ўнлаб кўз сергаклик билан бизни кузатиб турарди. Тревога ҳақида буйруқни Екатерина Ивановна беради, деб келишиб олишга тўғри келди. Болалар уни бу ишга тамомила алоқасиз одам деб ҳисоблашарди.

Ҳеч кутншмаган бир вақтда тревога бердик. Линейкада турган болаларни кўрган ҳар қанақа одам беихтиёр кулиб юборарди: сафдаги болаларнинг бири иштонни бору, кўйлаксиз, бири оёғида шиппак, иккинчиси яланг, яна бирининг кўйлағи қўлтиғида. Кўримсиз, кўнгилсиз манзара эди.

— Жуда ёмон! Ётоққа тарқалинглар! Ўзингизни тартибга солинглар!

Иккинчи гал — орадан икки кун ўтгач, ҳаммадан олдин стекловчилар югуриб чиқишди. Сергей уларни роса машқ қилдирган эди. Қолишкиннинг отряди энг кейин саф тортди. Болалар уйи совети тўртинчи отрядга ташаккур эълон қилди, иккинчи отрядга эса виговор.

Аста-секин шунга эришдикки, тревога сигнали эшитилиши биланоқ, болалар ўзларини дарҳол тартибга солар ва келиб саф тортардилар. Уларни кўрган кишининг ҳаваси келарди.

Ҳамма отрядда ўйинга шу қадар берилишиб ҳозирлик кўришардики, Екатерина Ивановна хўрсиниб:

— Кузда ўқишга ҳам шу иштиёқ билан киришишса кошки эди... — деярдн.

Шу кунларда ленинградликлар билан деярли кўришмас эдик. Разведкачиларимиз ўрмонда юзма-юз келиб қолишса, бир-бирларига шубҳали назар ташлаб қўйишадю, яна индамай йўл-йўлларига қараб кетишади.

«Ҳарбий ўйин»ларнинг бошланишига уч кун қолганда бизнинг командир ва рақиб томоннинг командирлари клубда тўпланишди. Энди биз бундан бир ой олдинги одамлар эмас эдик! Ҳеч ким ерга қараб ўтирмас, хўрсиниб қўймас, ҳаваси келиб, ҳайрон бўлмас эди. Биз ўйин қондаларини муҳокама қилиб, тенгма-тенг тортишиб ўтирамиз.

Қизил боғични ким тақадю, оқ боғични ким тақадн деган масала қўйилганда иккала томон қизгин баҳслашиб кетди. Чек ташлашга тўғри келди. Биз бахтли экан-

миз! Бизга оқ рақамли қизил боғич чиқди, ленинградликларга қизил рақамли оқ боғич чиқди.

Қейин очко ҳақида шартлаша бошладик. Муваффақиятли чиққан маскировка учун — икки очко. Ҳар бир тўғри, қимматли хабар учун — беш очкогача.

— Морзе алифбеси бўйича махфий ёзишмаларга бир очко ортқ қўйилади,— деб аниқлади Лучинкин.

Биз учун энг оғир шу эди. Биз Морзе алифбесини сира билмас эдик. Буни ўрганмоқчи бўлганимизда Екатерина Ивановна қарши туриб олган эди. У қарра жадвални ҳали яхши билмаган болаларнинг миёсини Морзе алифбеси билан қотиришга йўл қўймаслигини айтиб, қаттиқ туриб олди. Биз ўшанда анча баҳслашган эдик-ку, лекин Екатерина Ивановнага ён босган эдик. Мана энди шунча нарсани қўлдан бериб ўтирибмиз!

«Ҳарбий ўйинлар»ни ўнинчи август кuni бошлайдиган бўлдик. Лекин бу ҳақда командирлардан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак эди. Бир кун аввал Король бошчилигида беш бола ўрмонда штаб палаткасини ўрнатиди. Штаб учун тўрт томондан тоғтерак ва қарағай дарахтлари билан қуршаб олинган чоғроқ яланглик танланди. Бу ерда биттагина қайин дарахти бор эди. Ўзи узун, ингичкагина бу қайин шамолда эгилиб, кўм-кўк теракзор ичида камалакка ўхшаб оқариб турарди. Шу қайиннинг ёнгинасига палаткани ўрнатдик. Чап томонда, ўн қадамча нарида доира шаклида чуқур жарлик бор эди. Жарликнинг тагида сув бор эди. Сал нарироқда, ўнг томонда каттагина ариқ оқарди. Биз учун бу чуқур ёки ариқ эмас, ҳар эҳтимолга қарши душманининг ўтишига тўсиқ эди: бизни қуршаб олган муҳитга худди шу нуқтаи назардан туриб қарашимиз мумкин эди.

Мен жуда ҳаяжонланардим. Мени ташвишлантирган нарсa ўйиннинг натижаси эмас, бизнинг болалар харитани билиши, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқа олиши ёки турган жойини тез аниқлагани учун оладиган очконинг сони ҳам эмас. Бу ҳам муҳим албатта — буни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, лекин мен учун муҳими бу эмас эди. Ахир коллективимиз имтиҳондан ўтати-я — зўр имтиҳон бўлмаса-да, ҳар ҳолда, коллектив ўсиб, мустаҳкамланиб бораётганда унинг учун ҳамма нарсa: мусибат ҳам, шодлик ҳам бошқа коллектив билан тўқнашув ҳам имтиҳон. Энди бизнинг коллектив умрида биринчи бор ўйин ва курашда бошқа коллектив билан

тўқнашади. Болалар ўзларини қандай туттишаркин? Нима бўларкин? Мен кутардим. Очиғини айтсам, ташвишланардим.

Мана биз кутган буюк кун ҳам етиб келди. Горн тревогага сигнал берганда ҳали қоронғи эди. Петька икковимиз линейкада турардик. У сигнал чалардию, мен бўлсам Петьканинг эрталабки салқиндан, айниқса, ҳаяжонланганидан тишлари тақир-тақир қилаётганини эшитардим. Ўйимиз шу замонда жонланди, ҳаракатга келди. Ёғоч милтиқ кўтарган болалар икки-уч зинадан бир йўла ҳатлаб, югуриб келишар, взвод-взвод бўлишиб саф торттишарди. Разведка аллақачон йўлга тушган, қоровул билан штаб секретари бўлса кеча-кечқуруноқ палаткага бориб, кечани ўша ерда ўтказган эдилар.

— Олтмишинчи сон болалар уйи ҳарбий ҳолатда деб эълон қиламан!— дедим саф торттиб, жим бўлиб қолган болаларни кўздан кечириб.

Ҳар бир командир товушсиз — сўзсиз ўз взводини олдиндан келишиб қўйилган позицияга бошлаб кетди. Болалар изма-из боришарди. Тез, шовқинсиз, нафасларини ичларига ютиб қайтадан саф торттишарди. Жуков ўйимиз атрофига қоровул қўйди; улар ҳам ўйинда иштирок этсин учун, ҳар бир ярим соатда бу болаларни алмаштириб туришга қарор қилдик.

— Ким у? Ким келяпти?— деб бир неча бор оҳишта сўрашди штабга етиб боргунимча.

— Бургут,— дейман оҳишта паролни айтиб.

— Лочин,— дерди соқчи шивирлаб ва мени ўтказиб юборишарди.

Палатка кўм-кўк шох-шаббалар билан қуршалган бўлиб, тонгги ғира-шира ёруғда тераклар орасида ажратиб бўлмас эди. Кираверишда Глебов билан Эрвин турарди.

— Бургут! — деди Эрвин.

— Лочин! — деб жавоб бердим мен.

Эрвинга бугун анчагина рус сўзларини ўрганишга тўғри келади, чунки паролъ ҳар икки соатда ўзгартирилиб турилади.

Палаткада стол ёнида — Репин ўтиради. У энг саводли бўлгани учун уни штаб секретари қилишган.

— Фақат қилиқ қилма,— деган эдим кеча унга қатъий қилиб. У ҳам форма бўйича, жаҳл қилмай:

— Есть, қилиқ қилмасликка,— деб жиддий жавоб берди.

Бунинг ўйинлигини фақат Репингина унутмаган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда у буни унутмайди. Мана ҳозир ҳам зангори кўзларининг тиранликларида, лабининг бир чеккасида одатдаги енгил табассум ўйнайди. Мен жиддий, қовоғимни солиб қарайман.

Лекин бир-биримизни кузатишга вақтимиз йўқ — палаткага биринчи ахборот билан Коробочкин отилиб киради: «Суржик ярадор бўлди». Душман унинг взводига орқа томондан ҳужум қилибди, ўзини ўйглаб олишга имкон бўлмади устма-уст бир неча граната ташлаб, ғойиб бўлибди қолибди. Суржикни ярадор деб ҳисобламаса ҳам бўлардию, лекин граната бошига келиб тегди. Шундай бўлгач, ҳаққига кўчилса:

— Агар ҳаққига кўчилса Суржик ярадор эмас, у ҳалок бўлибди...

Кейин бир-биридан ташвишли хабарлар кела бошлади. Разведкамиз келтирган хабарлар ярим соат ўтар-ўтмас ўз қийматини йўқотарди — рақиб томон қисмларини тез-тез қайта қураб, замбаракларни бошқа ёққа кўчиради. Биздаги ахборотлар ишончсиз, бўш бўлиб қолди.

Тушгача асраб ўтирган яна битта ҳийламыз бор эди. Бу ҳийлани ҳам, албатта, Қороль ўйлаб топди.

Ленинградликлар бизларда қизлар йўлчилигини билншади. Шундай экан икки-уч болани қиз болача кийинтирсак бўлмайдимиз? Ўрмонни кезиб, кўзиқорин ахтариб юришади — ҳеч ким улардан шубҳаланмайди: ленинградликлар болаларимизнинг ҳаммасини танишмайди-ку!

Петькани қиз болача кийинтирсак кўнгилдагидек бўлар эдию: лекин пионерлар уни жуда яхши танишади-да. Товуқбоқар Лёня ҳам ташқи кўринишидан жуда мос келардию, лекин унга ишониб бўлармикан. У жудаям мўмин, қўрқоқ, қуёнга ўхшаши ҳам бежиз эмас. Шунда Қороль Вася Лобов билан Павлуша Стекловни таклиф этди. Вася ҳам кичкинагина, чаққон бола эди. Аввалига улар: «Йўқ, йўқ қиз бола бўлмаймиз! Кейин мазақ қилиб кўз очиришмайди!» деб қаршилиқ кўрсатишди. Аммо Қороль жиддийлик билан:

— Қани мазақ қилиб кўришинчи! Мен мазақ қилишни кўрсатиб қўяман!.. — деди.

Қўшни хонада гапимизни эшитиб ўтирган Галя ҳам гапга аралашди:

— Нима бўлибди? Бу ҳарбий ҳийла-ку!

Шундай қилдилар ҳам. Галя билан Софья Михайловна ўзларининг юбка-кофталарини торайтириб ва этагини бостириб кичкинтойларга лойиқ қилиб беришди, Антонина Григорьевна иккита рўмол берди. Биттаси таги оқ, қора-қора холи бор, иккинчиси кўк гулдор рўмол. Биттадан сават топиб беришди. Қандай юриш, ўзни қандай тутишни бир неча бор машқ қилдик. Болалар шуқул пиқ этиб кулиб юборишарди. Энг хавотирланган еримиз ҳам шунда: кулиб юборишса, вассалом! Лекин иккови ҳам жанговар шаронгда ҳечам кулмасликка қасам ичишди.

Суржикнинг «фэжнали ўлимидан» кейин юз берган бир озгина жимликдан сўнг вазият тобора кескинлашар эди. Ҳар бир дақиқа бирон янгилик келтирарди. Глебов баланд қарағайнинг қир учига чиқиб, пионерларнинг тизилишиб келишаётганини кўрибди. Улар дарё бўйлаб бизнинг штаб томонга келишаётган экан. Уларни қарши олишга Подсолнушқинининг взводидан бир бўлинма ажратиб юборилди. Улардан кейин штабга Қороль, Ганс ва Қолишқиннинг отрядидаги Любимов деган юзини сепкил босган малла бола отилиб киришди. Улар душманининг озиқ-овқат ортган аравасини — ленинградликлар ўз одамларига овқат олиб кетаётган замбилгалтакни қўлга туширишбди.

Аҳвол оғир эди. Нима қилмоқ керак? Болаларни овқатсиз қолдириб бўладими? Рост жангми, жанг! Иложимиз йўқ! Бир иложини қилишар...

Кейин палатага Ганс билан Подсолнушқини отилиб кирди. Улар Таня Воробьёвани судраб келишарди. Таня бўлса юришни истамас, зўр бериб тисариларди. Ганс билан Подсолнушқинини кўриб қолиб, ёрдам сўраб бақира-верибди. Гап шундаки, ўйин шартига кўра бир одам иккитага рўпара келиб қолса, душман ўлдирилган ҳисобланиб, боғичи ечиб олинарди. Болалар Таниннинг енгидан боғични ечиб олишмоқчи бўлишибди, лекин... боғич чашиб кўйилган экан! Ўзимиз ҳам боғични ечиб олиш қийин бўлсин деб чигал қилиб боғлар эдик-ку, лекин чашиб... йўқ, бу қадар ноинсофлик ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди!

Тушдан кейин Вася билан Павлуша келди. Улар рўмолни қошларигача тушириб, энгакларининг тагидан боғлаб, кенг юбкада, сават кўтариб, қўл ушлашиб келишарди. Улар шошилмасдан, битта-битта қадам ташлаб келишарди. Фақат хавф-хатардан узоқлашганларидан



кейингина юбкаларини кулгили қилиб йиғиштиришиб, саватларини силкита-силкита чопиб кетишди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, разведкачилар палаткага етиб келган эдилар. Улар шошиб-пишиб, бир-бирларининг гапини бўлиб, душман томонда уларга: боринглар қизлар, боринглар, бу ер ҳарбий территория дейишганини ҳикоя қила бошлашди.

«Биз қўзиқорин тергани келдик» — дебди Вася.

«Қўзиқоринини эртага терасизлар, бугун мумкин эмас. Боринглар, тагин майиб бўлиб юрмаларинг!»

Лекин болалар анчагача ўралашиб юришаверибди. Фақат Гриша Лучинкиннинг овозини эшитиб, қочиб қолишибди. Нега деганда у бизнинг болалардан жуда кўпини танир эди.

— Ҳамма ёқни айландик, ҳаммасини кўрдик, ҳаммасини биламиз! — деди кичик Стеклов мақтанмасдан, жиддий.

Биз уларни олдига харитани ёзиб қўйдик. Улар ленинградликлар штаб палаткасининг қайси томонида иккита пулемётчи ётганини, қайси сўқмоқда дозор турганини — икир-чикиригача гапириб беришди.

— Бу ердан ўтолмайсизлар. — деди Павлуша ака-сига ўхшаб вазминлик билан — бу ер чалакзор, ҳамма ёғингиз тилиниб кетади. Мана бу сўқмоқ билан, агар

уларнинг орқасидан ўтиб борилса, мана, мана бу ерда Семён Афанасьевич...

Таяннинг қаттиқ газабланаётгани юзидан кўриниб турарди, лекин ўзи индамас эди. Назаримда, бу ҳол унинг табиатига сира тўғри келмас эди.

Шундай қилиб, ҳаммаси аниқланди: ленинградликлар жануб томондан яхшилаб ҳамоя қилишибди-ю, шимол томонлари заифроқ бўлиб қолибди. Ундан ташқари шимол томонини — уларнинг палаткаларидан тортиб бизгача бўлган йўлни — пулемётлари қаерда, қўшинлар қаерда тўпланган, қаер тинчроқ, қайси сўқмоқдаги дарахт тепасида кузатувчи борлигини Павлуша билан Вася яхши билишарди.

Шундай қилиб душман ўстига шимол томондан бостириб бормоқчи бўлди. Штабимиз олдида қоровулни кучайтириб, бутун кучимизни душман штабини эгаллашга ташладик. Уч группага бўлиниб йўлга тушдик. Биринчи группани — Король, иккинчи группани — Жуков, охиргисини мен бошқардим. Баъзи ерларда хавфли жойларини айланиб ўтиб, баъзи ерларда, агар душман кучли бўлмаса, уни қуршаб олиб, бир-биримиздан сал нарироқда бордик. Штабга яқинлашгач эмаклаб юра бошладик. Лобов билан кичик Стеклов келтирган ахборот жуда тўғри эди, бунга биз ҳар қадамда ишонч ҳосил қилардик; улар ҳеч нарсани унутишмаган эди: биз душман постини улар кўрсатган жойнинг ўзгинасидан топардик. Улар яширин ўтадиган йўл бор деган жойдан ҳеч кимга биллтирмай ўтардик.

Буталар орасида душман штабини кўриб қолган Король ўз взводидагиларни турғизди-да, бутун ўрмонга эшитиладиган даражада «Ура!» деб қичқиришиб атакага ўтишди. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Болалар бир қатор тизилишиб, типпa-тик югуриб боришарди. Чопиб бора туриб тўсатдан бараварига худди пулемётдан қиргандай гупиллаб йиқилишди. Узоқдан бу жуда ғалати, ҳатто даҳшатли кўринар экан. Нима бўлди? Жуков ёрдамга отилди. Унинг отрядидаги олдинга югуриб кетганлар ҳам худди ўшандай гупиллаб йиқилишди.

Бу орада душман қўшинлари ҳар томондан югуриб келишди. Мен ўзимникиларни ишга солдим ва биз жангнинг энг қизиб турган ерига ташландик. Гранаталар отилди, пулемётлар тариллади-ю, шу замоноқ жим бўлиб қолди. Кейин билсак, Жуков жангчиларидан иккитаси-

ни олиб, орқадан айланиб ўтибди ва пулемётчини қўлга туширибди. Лекин шу замонқ иккинчиси тариллай бошлади...

Биз Гриша икковимиз болалар бир-бирларини майиб қилиб қўйишмасин деб кузата бошладик: болалар ҳамма нарсани унутиб, шуқадар берилиб кетишган эдики, «гранаталар» — латтадан ясалиб, ичига похол тиқилган бўлса-да, «пулемётлар» — ёғоч шақилдоқдан иборат бўлса-да, хавф-хатар ҳазилакам эмас эди. Мен айниқса ленинградлик қизлардан ташвишланардим. Улар ҳам болалардан қолишмай, жангга жон-жаҳди билан киришган эдилар.

Бизни сикиб чиқара бошлашди. Лекин душман кўрган талафот катта эди. Ленинградликларнинг гоҳ бири, гоҳ иккинчисидан номери олиб қўйилмоқда эди. Санитарлар ярадорларни олиб кетишга улгуришмас эди. Агар қутулмаганда тўсатдан чиқиб қолган ғов биринчи қатордаги болаларни тутдай тўкмаганда, жангга биз голлиб келишимиз турган гап эди.

Ўша ғов нима экан дег?

Стеклов билан Лобов энг зарур бир нарсадан бошқа ҳамма нарсани билиб келишган эди: ленинградликлар шимол томонда буталар орасидан яширинча сим тортишган экан. Яна бир неча қатор қилиб тортишибди. Бизнинг болалар югуриб бораётган ерида оёқлари шу симга ўралашиб йиқилишган экан. Бу ҳийланинг ҳеч қойил қоладиган жойи бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Сафларимизни бузди, салгина бўлса-да, кўп одамни ишдан чиқазди. Бу орада ленинградликлар ўзларини ўнглаб олишга, бошқа ердаги кучларини шу ёққа ташлашга улгуришди.

Биз ленинградликларнинг штабига улар энди ҳужумга ўтмоқчи бўлиб турганда бостириб кирдик. Қурулланган резервларни бир ерга тўплаб, улар бизнинг штабга бостириб бормоқчи бўлиб туришган экан. Балким сал кеч келсак, душманин озгина одами қолган бир пайтда, гафлат ўстида босиб, ғалаба қозонармидик. Ҳозир бўлса — дуранг эди! Агар очколарни ҳисоблаб чиқилганда ленинградликлар ютиб чиққан бўларди, албатта. Улар кўп очко олишган эди. Ахборотлар Морзе алифбеси билан берилган, хариталари яхшироқ чизилган эди. Сим тортганларига эса ҳасад қилишдан бошқа иложим йўқ эди! Лекин биз ҳам душман лагерининг қоқ марказига

бостириб келдик-ку, буни ким инкор эта оларди. Биз маррага етай деган эдик. Улар бўлса штабимизга яқин бориш у ёқда турсин, разведкачилари штабимизнинг қандайлигини ҳам билмас эди!

Яқиндагина бир-бирларига душман бўлган сочлари пахмайиб, қип-қизариб кетган болалар ҳарсиллай-ҳарсиллай ўрмон яланглигида саф торттишгач:

— Уйин дуранг бўлиб тугади. Иккала томон ҳам ва-зифасини шараф билан бажарди,— деди Гриша Лу-чинкин.

... Уйга ҳаммамиз бир саф бўлиб қайтдик. Оёқ-қўлла-рини шох-шаббалар тирпаган, баъзиларининг кўйлакла-ри йиртилган, баъзисининг кўзи кўкарган, сочлари пах-майган, қип-қизарган болалар, бизниклар ва ленинград-ликлар, бир саф бўлиб қайтишди. Лекин ҳамма мағрур қадам ташлар, кўзлари порлар эди. Ҳамманинг юзидан: «Мана бу ишимиз қойил бўлди!» деган маънони ўқиш мумкин эди.

Ленинградликлар байроқларни биринчи қаторда кўтариб боришарди. Улардан икки қадам олдида гор-нистлар — лўппи юз пионер Сеня ва бизнинг Петька бора-ди. Улар бошларини баланд кўтариб, офтобда ялтираёт-ган горнини лабларига тутиб олганча бизга нотаниш бўлган аллақандай кўйни чалишарди. Бу куй туришга ундамас, овқатланиш ёки ётишга чақирмас, тревогадан хабардор этмас эди. Бу куй ғалабадан, шодликдан дарак берар, яланглигимизда ажойиб пулхан ўтишидан, олдин-да хушчақчақ ва иноқ дўстлик кутишидан далолат бе-рарди.

40

„Мен Тельманин кўрганман“

Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор. Август ҳам тугай деб қолди.

Бизнинг дурадгорлик устахонамизнинг донги кетди: биз Ленин номли колхозда очилаётган янги мактаб учун парта ва доскалар ясаб бердик. Яна бир неча буюртма-лар олдик. Улар орасида Ленинграддан олинган буюрт-малар ҳам бор эди. Биз ясаган мебелларни жуда яхши, чиройли ишланган дейишарди. Колхоз раиси Соколов эса қисқагина:

— Пишиқ! — дейди. — Энди сизларни бекор қўймайман.

Биз янги мактабдаги ўзимиз ясаган парта ва доскаларни томоша қилгани қишлоққа бордик.

— Менинг ишим, — дейди Подсолнушқин партанинг ялтираб турган қоп-қора қопқоғини силаб.

— Меники ҳам, — деб тузатди Коробочқин.

Қаердан билишарқини? Ҳамма парта бир-бирига ўхшайди. Лекин ҳар бир парта, уни ясаган боланинг кўзига иссиқ кўринса керак-да.

Петя доскани бўяган эди. Унинг назарида ҳаммасидан чиройлиги шу эди.

— Семён Афанасьевич, — деб шивирлайди у, — доскаларини кўрдингизми? Яхши-а?

— Яхши, жуда яхши, — деб тасдиқлайди биз билан мактабни айланиб юрган Иван Алексеевич Соколов. — Менга қара, Семён Афанасьевич, сизларда Германиядан келган болалар меҳмон бўлиб туришибди, деб эшитиб эдим. Шу болалар бизга ҳам бир келиб, гапириб беришса. Кишилар бунақа нарсаларга жуда қизиқади...

Унга йўқ деёлмадим. Шу билан бирга Ганс билан Эрвинни ҳаяжонлантиргим ҳам келмайди, чунки улар, бошларидан зўр ғам-ғуссани кечирган. Бунини ҳикоя қилиш катта одамга ҳам оғир эди.

— Гапнинг рост, — фикримга қўшилди Соколов. — Лекин ҳар ҳолда... Клубда ўтказмаймиз — у ерда одам жуда кўп тўпланади, шу ерда, шу синфда ўтказамиз. Сизлар ясаб берган мебелни ҳам тутардик. Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, бош чайқама. Ўқитувчилар, яна шу синфга сиққунча колхозчиларимиз тўпланишади. Узингдан қолар гап йўқ: газета ўз йўлига, бевосита кишилардан эшитишининг йўриғи бошқа. Бунини одамлар яхши тушунишади. Хўш, нима дейсан?

Дарё бўйидаги воқнадан кейин уйда Ганс билан Эрвинга ортиқча савол бермас эдик: уларнинг маъза қилиб дам олишларини хоҳлардик. Лекин Иван Алексеевичнинг илтимосини Гансга айтмай иложим йўқ эди. У ҳам ўзини шунчаки қизиқсиниб чақирмаётганларини тушунди. Унинг рози бўлиши турган гап. Назаримда бунини у ўз вазифаси, бурчи деб билгандек бўлди. У ўзини, узоқ патанида қолган дўстларининг вакили деб ҳисоблаётгандек эди. Ганс катта одамлардек вазмингина жавоб берди:

— Мен бу ёққа келаётганимда: борганинга уларга ҳаётимиз ҳақида сўзлаб бер, дейишган эди. Бораман. Сўзлаб бераман, деб ваъда берганиман.

Колхозга кечкурун бордик. Эркинчи уйда қолдирдик. Софья Михайловна таржима қилиб турадиган бўлди. Репин ҳам биз билан борадиган бўлди.

Биз келганда синф одамларга тўла эди. Биринчи қаторнинг ўртасида ўқитувчи столи ёнидаги партада бир чол ўтирарди. Бундай чоллар Украина, Подмосковье ва Смоленшчинналардаги ҳар бир қишлоқда учраса керак. Кино қўйилганда ҳам у биринчи қаторда ўтирарди. Олдинги қаторда ўтириш кўзга зиён дейишганига парво қилмас эди. Бу чол ўз кўзи ва ўз ақлидан бошқага ишонмайдиган одамлар тоифасидан эди. Мен ёки ўқитувчиларимиздан биронтаси колхозда доклад ёки суҳбат ўтказадиган бўлсак, чол ўшаюда ҳам биринчи қаторда ўтирар ва жуда кўп саволлар берарди. Берган саволларига қараганда газетани мунтазам ўқиб бориши, сиёсатда ҳам биздан қолишмаслиги сезилиб турарди.

Ҳозир чолга хавотирланиб қараб қўйдим. Гансга бир докладчи деб қарашларини, устма-уст савол беришларини истамас эдим.

Орқа қаторларда ёшлар ўтиришарди — ҳаммасини клубда бўлган кечаларда, киноларда, дала ишларида қўриб-билиб қолганимиз. Хотин-халажлар парталарда бемалол жойлашиб ўтирар, тўқийдиган нарсаларини ҳам кўтариб келган эдилар.

— Колхозчи ўртоқлар.— деб бошлади Иван Алексеевич,— бир ёш ўртоғимиз келди. У Германиядан келган, қўшинларимизникида меҳмон бўлиб турибди. Ундан Германияда одамлар қандай яшашни ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламиз.

Ўтирганлар Гансини кўздан кечириб, қарсак чалиб юборишди. У эса ўқитувчи столига хотиржамгина яқинлашди. Софья Михайловна унинг ёнига келиб турди.

Бир дақиқа жимлик чўкди. Мен Гансга сўз бошлашга ёрдам бериш мақсадида савол беришларини таклиф қилмоқчи бўлдим. Аммо у қўлларини стол четига тираб, тик ва жиддий турарди. Мен Гансининг юзига, синфнинг бир чеккасига, балки деворнинг нариги томонига тикилган кўзларига ён томондан бир қараб қўйдим-да, унга савол беришнинг кераги йўқлигини аниқладим.

Кейин жимжит сукунат ичида Ганснинг овози эшитилди. Унинг кетидан Софья Михайловна такрорлади:

— Мен Тельманни кўрганман.

Бола бу сўзларни вазминлик билан айтди, партада ўтирганларни кўздан кечириб чиқди-да:

— Мен Тельманни кўрганман,— деб такрорлади. Кейин тез-тез гапириб кетди:— Бу воқиага анча вақт бўлди. Лекин ҳали-ҳали эслайман. Биринчи май эди. Ойим мени намоёншга олиб борди. Ойим мени етаклаб борарди. Кейин тўсатдан энгашди-да: «Қара ана Тельман! Қара, яхшилаб таниб ол!» деди. Тельман минбарга ўхшаган тепаликда кулиб, қўлини силкитиб турарди. Мен уни яхши таниб олиш учун кўз узмай тикилиб турардим. Унинг юзи хушрўй эди. Ҳозир у қамоқда. Ҳозир Германияда жуда кўп яхши одамлар қамоқда.

Эрвин деган ўртоғимнинг отаси қамоқда ўлган. Отам Эрвинни уйимизга олиб келди. Лекин кўп ўтмай отамни ҳам қамашди — коммунист эди. Кейин бизга отамдан хат келди. Хат шифр билан ёзилган эди. Ойим ва энг яқин одамларимиздан бошқа ҳеч ким уни ўқий олмас эди.

(Софья Михайловна бу сўзларни таржима қилган вақтда ёнимда ўтирган Репин менга бир қараб қўяди. Кўзларимиз тўқнашиши билан у кўзини бошқа ёққа олади).

— Бу хатни аввал ойим, кейин акам сақлади. Энди хат менда — чунки оиламиздан тирик қолгани ёлғиз мен — мен ва Эрвин.

Синфда ғовур-ғувур кўтарилди. Назаримда шу ердигиларнинг ҳаммаси стол ёнида турган малла соч болага яқинроқ бўлишга интилгандек, беихтиёр ҳаракатга келгандек туюлди.

Ганс Софья Михайловнага бир варақ қоғоз узатди:

— Мана ўша хат, очиқ қилиб кўчирилган.

— «Қимматли хотиним, қимматли ўғилларим!— деб ўқиди Софья Михайловна.— Бу хат сизларга бориб теккан вақтда, мен аллақачон ўлдирилган бўламан. Мен ҳозир ортиқ сизларни кўра олмаслигим учун йиғлайман. Улимдан қўрқмайман. Тўкилган ҳар томчи қон ҳам бекор кетмайди. Мен ва мен билан ўтирганларнинг ҳаммаси шуни яхши биламизки, шу қадар зўр қийинчилик ва ҳаётимиз эвазига эккан уруғимиз бекор кетмаслигини, ниш ўриб кўкаришини биламиз. Тезда кўкар-

майди, лекин кўкариши муқаррар. Мен бунга қаттиқ ишонаман, ана шу ишонч билан ўлимга тик боқаман.

Қадрли Марга, ўртоғимнинг ўғли — меннинг ўғлим. Сендан илтимосим шуки, Эрвинни худди ўз ўғлимиз Ганс ва Куртдек парвариш қил. Ишонаманки, бизнинг ўғилларимиз ҳам сен ва мен бутун ҳаётимизни бағишлаган ишга содиқ бўлишади.

Сени ўпиб қоламан энг қадрли, энг яқин дўстим Сени ва ўғилларимни маҳкам қучоқлаб қоламан».

Софья Михайловна жим бўлди-да, хат ушлаган қўлини настига туширди. Синф сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

— Кўрдингизми,— деди яна Ганс. Унинг овози титраб кетди,— ортиқча ҳеч нарсa дейилмаган бу хатда. Лекин ойим бизга шундай деган: отам сўнгги хатининг ифлос кишилар қўлига тушиб қолишини истамаган. Шунинг учун ҳам хатни фақат энг яқин кишилари ўқий оладиган қилиб ёзган.

Чап томонимда ўтирган аёл:

— Онаси қаерда ҳозир?— деб сўради оҳистагина. Тўқнётган нарсаси билан аллақачон иши бўлмай қолган эди.

— У ҳам қамоқда,— деб шивирлаб жавоб берди Андрей орқасига ўгирилмасдан.

— Акаси-чи?

— Акаси ҳам.

Аёл ерга қаради ва бошини оҳиста чайқаб қўйди.

— Ўлим олдидан нимани ўйлабди денг,— деди биринчи қаторда ўтирган чол.— Бировнинг боласини...

Ганс унга савол назари билан қаради, кейин Софья Михайловнага ўгирилди. Софья Михайловна таржима қилди.

— Йўқ, нега бировники бўлсин?— деди Ганс чолга ўгирилиб. Кейин икки қўлини кўксига босди.— У ўртоғининг ўғли, тушундингизми, дўстининг ўғли-я?

Чол сўзининг таржимасини эшитди-да, мулойимгина:

— Тушунаман, ўғлим, тушунаман!— деди.

Ўқитувчи хотинлардан бири Гансдан мактаб ҳақида сўради. Ганс яна бояғидай содлагина ҳикоя қила бошлади.

— Германияда ҳозир аҳвол оғир,— деди у сўзининг охирида.— Ҳамма вақт ваҳимада яшайсан. Уйда ҳам

қўрқасан, кўчада ҳам қўрқасан, мактабда ҳам қўрқасан. Худди биров пойлаб юргандай. Даҳшат!...— У оғир хўрсиниб қўйди ва ўтирганларни кўздан кечириб чиқди.— Бир кун эмас, бир кун буларнинг ҳаммасига барҳам берилади. Барибир ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одамлар бор. Улар курашапти. Ҳар доим шундай бўлиши мумкин эмас-да, тўғрими?

Софья Михайловна бу сўзларни таржима қилганда синфдагилар боланинг: бундай оғир, даҳшатли ҳаёт ўзоқ давом этиши мумкин эмас деган бу ҳаққоний фикрини чин юракдан қувватламоқчи бўлишиб говур-гувур гапира бошлашди.

Кейин (билишга қизиққанлари учунгина эмас, балки бошқа нарсалар ҳақида гаплашиб Ганснинг кўнглини ёзиш мақсадида) ундан Германияда ишсизлар кўпми, озиқ-овқат масаласи қалай, гўшт, нон, картошканинг баҳоси қандай деб сўриштира бошлашди. Ганс лўнда-лўнда қилиб, бажону дил жавоб берди. У бир ишсизнинг боласи бўлгани туфайли ҳаммасини яхши биларди: Совет Иттифқига келгунларича Эрвин иккови неча йиллаб қорин тўйиб овқат емаган, гўшт бўлса, тушига ҳам кириб чиқмасди. Уларни қўлимиздан келганча иччириб-едиришимизга, офтобда бир оз қорайишганига қарамай Ганснинг нақадар озиб-тўзиб кетгани яққол кўзга ташланарди.

Деразалар ланг очик эди. Юлдузлар чарақлаган, қоронғи август кечаларидан бири эди. Ганс ҳамон қўлини столнинг четига тираганича саволларга батафсил жавоб қайтарарди. Иван Алексеевич унга ғамхўрлик билан қараб-қараб қўярди.

Ниҳоят Иван Алексеевич қулай пайтдан фойдаланиб ўрнидан турди.

— Бола бечора чарчаб кетди,— деди у ўзига ва Гансга ўғирилди:— Раҳмат сенга, ёш ўртоқ!

Софья Михайловна таржима қилиб ўтирмади.— Ганснинг қўли рансининг катта, кучли қўллари ичиди йўқ бўлиб кетди.

— Ҳаммамиздан каттакон раҳмат!— такрорлади Иван Алексеевич.

Ганс жинмайди. Унинг таржимасиз ҳам яхши тушунганлиги шу табассумида намоён бўлган эди.

Кейин уни қўшаб олишди — биров елкасини силар, биров қўлини қисарди. Ганс ўзига гапираётган одам-

ларга ўгирилиб табассум билан жавоб қайтаришга улгура олмас эди.

— Олиб келганингга ачинмасанг ҳам бўлади!— шивирлади менга Соколов.

— Ачшнаётганим йўқ,— деб жавоб бердим мен.

Қоронғида қайтиб келардик. Осмонда юлдузлар чарақларди. Гоҳ бири, гоҳ бошқаси учиб тушарди. Ганс мен билан ёнма-ён борарди. Мен унинг елкасидан қучоқлаб олдим. Биз шу куйи уйимизгача индамай келдик.

41

„Дунёда осон иш борми?“

Алексей Саввич, Саня ва мен синфларни айланиб чиқамиз. Биномизнинг юқори қаватида мактаб. Тўрт хона: иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи группа.

Хоналар яхшилаб оқланган. Парталарнинг қопқоғи ярқирайди. Ихчамгина ясалган ўқитувчилар столи ҳам хонага хусн қўшиб туради.

Шуларнинг ҳаммаси: оқлаш ҳам, парталарнинг ремонти ҳам болаларнинг иши. Парталарнинг кўпини улар янги ясашган. Деворда қоп-қора доска. Хоналар топ-тоза, ёруғ, шинам ва шипи баланд эди.

— Скамейкалар бўяляпти,— дейди Жуков ҳамма нарсанинг жой-жойида эканлигини кўргач беихтиёр овозини пасайтириб.

— Қурийди. Хали вақт бор.

Саня хўрсиниб қўйиб:

— Қўрқаман...— деб давом этади аллақаяёққа кўз тикиб.

— Нимадан қўрқасан? Яна болалар ёпишиб қолишмасин деяпсанми? Айтяпман-ку,— қуриб қолади деб, хали бир ҳафта бор.

Саня индамайди. Алексей Саввич бўлса пешонасига шап этиб уради.

— Эҳ, мен бўлсам... Нега қўрқасан? Қучим етмайди деб ўйлайсанми?

Саня бўлса ердан кўзини узмай:

— Эсимдан чиқиб кетган-да, Алексей Саввич,— дейди ҳамон паст овозда.— Партада ўтирмаганимизга анча бўлган. Эсдан чиққан. Қийналамиз.

— Қийинликка, қийин албатта. Дунёда осон иш борми? Ҳаммаси ҳам қийин.

— Шу маҳалгача осон эди,— дейди чин кўнгилдан Саня.

— Сиз нима дейсиз, Семён Афанасьевич, Санянинг гапи тўғрими?— деб сўрайди Алексей Саввич.

Икковимиз куламиз.

— Мен ҳам тушуниб турибман... Фақат бундан бўёқ яна қийинроқ бўлади-да!— дейди ишонч билан Жуков.

Мен ҳам кўнглимда шундай деб ўйлайман. Ўзим ҳам ўқув йилининг бошланишини ҳаяжон билан кутаман. Болаларни ўйинга, устахонада ёки полизда аҳил бўлиб ишлашга қизиқтириш бир бошқа-ю, зийракликка, ҳушёрликка, серҳафсала, саботли бўлишга ўргатиш — бошқа нарса. Устахонада ишлаш учун зийраклик, тиришқоқлик, сабот керак бўлмаганмиди? Спорт ўйини тиришқоқлик ва матонат талаб қилмаганмиди?— деб ўзимга ўзим эътироз билдираман. Шуларнинг ҳаммаси бекор кетгани йўқ, албатта. Лекин ҳар ҳолда...

Қороль билан Сергей Стеклов эртаю кеч дарс тайёрлашарди. Фан билан олиб борилаётган бу яккама-якка курашни ўйимиздагиларнинг ҳаммаси қизиқишиб кузатишарди. Ҳамма Қороль билан Стекловнинг имтиҳонини яхши топшириб бешинчи гурпуага ўтишини истарди. Қоролнинг ўша машҳур конверти гоҳ озиб, гоҳ семириб қолаётганини ҳамма биларди — демак, Қороль диктантда яна анча-мунча хато қилибди. Гоҳ унисс, гоҳ бунисс: — Диктовка қилиб турайми?— деб қоларди.

Подсолнушнинг отряддаги барча болаларнинг розилиги билан Қоролни ошхонада навбатчилик қилишдан озод қиларди. «Бор, боравер, сенсиз ҳам бир амаллаб тозалаб олармиз,— дерди Дмитрийнинг қўлидан картонка билан пичоқни олиб.

Стекловнинг аҳволи огирроқ эди. Отрядда унинг ишини қиладиган олам йўқ эди. Екатерина Ивановна кўп ишларни бўйнига олиб, унга ёрдамга келди. Кичкинтойлар доим унинг атрофида уймаланиб юришарди.

Қоролнинг сарғиш шўхчан кўзлари ич-ичига тушиб кетди, ёноқлари ўйнаб чиқди. Эплай олмасам нима бўлади деб кўнгли ғаш, юраги хавотирда эди. Сергей бўлса, ташқи кўринишидан жуда хотиржам эди.

28 август куни Сергей билан Митядан арифметикадан имтиҳон оладиган бўлди. Масалани иккови ҳам тез ва яхши ечишди. Мисолларни Стеклов хатосиз чиқарибди, Король бўлса, ҳисоблашда адашибди. Шунинг учун ҳам жавоби узундан узоқ ва бемаъни эди. Тушлик овқатдан кейин уларни оғзаки синаб кўрдик. Король худди баяги ҳисобни доскага чиқиб ечди.

— Эрталабки мисолга ўхшайди-ю, жавоби негадир бошқача!— деди у тараддудланиб.

— Нега деганда ҳозир сиз шошилмасдан ишладингиз,— деди Владимир Михайлович.— Ана энди ўйлаб кўринг: агар деразанинг бўйи икки метр, эин бир метр бўлса, шунақа деразадан қирқта бўлса, ҳар бир квадрат метрни ювгани учун беш тийин тўланса, ҳамма деразани ювувчига қанча ҳақ тўланади?

— Қандай ечишни биламан, Владимир Михайлович, ҳозир ечиб бераман. Лекин яхшиси, деразани ўзимиз ювиб қўя қоламиз,— деб жавоб берди Дмитрий.

Мен енгил тортдим: демак, ўқиш билан бўлиб қизиқчиликни ташламабди, ҳалиям ҳазиллашгани ҳазиллашган.

Эртасига диктант бўлди. Стеклов билан Король биринчи партада ўтиришар, Екатерина Ивановна эса доска ёнида туриб секин ва битта-битта қилиб айтиб турарди:

— «Куз яқинлашди. Қушлар жанубга учиб кетишди...»

Мен дераза ёнида болаларнинг эгилиб турган бошига қараб ўтирардим. Король лабини тишлаган, икки бети одагдан ташқари қип-қизариб кетган. Сергейнинг ранги сал ўчган, лекин ҳар вақтдагидай хотиржам.

Екатерина Ивановна тугатди. Болалар ёзганларини қайта ўқиб, хатосини тузатишарди. Мен Королнинг ёнига келиб, тепасидан қарадим ва унинг «ўчиб» сўзидаги «и» ҳарфини ўчириб «учуб» қилиб тузатиб қўяётганини кўрдим.

— Менга қара. Дмитрий...— деб юбордим бенхтиёр ва Екатерина Ивановнанинг ҳайрон бўлиб қараганини кўриб, оғзимни қўлим билан беркитдим.

Бенхтиёр бирор нш қилиб қўймаслик учун синфдан чиқиб кетишга тўғри келди.

Кейин Екатерина Ивановна диктантларини текширди. Королдан саккизта хато чиқди, Сергейдан — олтита.

Шуниен қизикки, иккови ҳам аввал тўғри ёзилган кўп сўзларни тузатаман деб бузиб қўйишган эди. Кўпчилиги «учуб» сўзига ўхшаш бўлмағур тузатишлар эди. Билимнинг етишмаслиги, болаларнинг ўзларига ҳали ҳам қаттиқ ишонмасликлари сезилиб турарди. Улар бундан икки ой илгарига кўра анча яхши ёзадиган бўлиб қолишган эдию, лекин ҳали ҳам анча саводсиз ёзишарди.

Биз уч киши — Екатерина Ивановна, Софья Михайловна ва мен ер чизиб нидамай ўтирардик.

— Нима қиламиз?— деди ниҳоят Екатерина Ивановна ўзини тутта олмай.

— Билмадим,— деди ўйланиб Софья Михайловна.— Агар инструкцияга қаралса — аниқ: тўртинчи гуруҳда қолдириш керак. Ушанда ҳам улар билан кўп ишлашга тўғри келади.

— Инструкцияда шундай бўлса бордир. Ахир ўйлаб кўринглар, шундай қилса тўғри келадими?— дедим мен.

— Ёиласизларми,— деди Софья Михайловна,— инструкцияга қаралса, албатта... Аммо бешинчи гуруҳда она тилидан мен дарс бераман. Буни ўз устимга оламан. Келинглар, ўтказиб юборайлик... Сизлар нима дейсизлар?

А р а ф а

— Энди биздан нолмасангиз ҳам бўлади,— дейди шаҳар маорифи бўлимида Алексей Александрович.— Ваъданинг устидан чиқярман Сиздан одамни аямадик— қаранг, коллективингиз қандай яхши. Софья Михайловна илмий мудирликни бемалол олиб кета олади. Бошланғич мактаб учун ўқитувчиларингиз бор, тил-адабиётчингиз бор, математикингиз... математикка-ку Ленинграддаги ҳар қанақа мактабининг ҳаваси келади. Хўш, яна ким керак сизларга? Фақат физик ва тарихчи. Назаримда бир ўқ билан икки қуёшни отадиганга ўхшайсиз. Лидия Семёновна,— деди у секретарга,— қабулхонада Гулько деган одам ўтирибди, шу кишини чақириб юборсангиз!

Хонага қорачадан келган, қора қош, қора кўз киши кириб келди — украин, ҳамшаҳарим эмасмикан? Унинг чеҳраси очиқ эди. У кишини ўзига торгувчи, хушрўй меҳ-

рибон одам бўлиб, кўнглидаги бор гапини юзидан уқиб олса бўларди.

Шундай қилиб бу одам Николай Иванович Гулько, физика ўқитувчиси эди. Хотини эса — тарих ўқитувчиси — худди атайлаб бизга юборгандай! Иккови ҳам Ленинград мактабларидан бирида дарс беришар экан. Болалари бор экан. Хотинининг ота-онасиникида яшаш торлик қилгани учун шаҳардан ташқарига кўчиб кетишмоқчи бўлишган экан.

Ҳаммамиз шаҳар маорифи бўлимидан чиқдик. Николай Иванович сал оқсоқлашиб юрар экан. Оёғига қараганимни кўриб, саволимни кутмасданоқ тушунтириб берди: ишженер экан, Днепростройда оёғини синдириб қўйибди. Қийишқ битган экан, қайта бошдан даволашга тўғри келибди. Лекин барибир аслидек бўлмабди: қургур тез-тез оғриб турар экан, кўп юрадиган бўлса, жудаям азоб берар экан. Нервлари хастами ё бошқа дард борми, врачлар ҳануз аниқлаб бериша олмаган эмиш. Қурилишда юрмасдан бўлармишми? Мана энди дарс бериб кўрмоқчи бўлибди.

«Бўлмайди,— деб ўйлайман.— Агар ўлганингининг кўпидан дарс берадиган бўлсанг, бизга бунинг кераги йўқ». Ён томонидан унга қараб-қараб қўяман — йўқ, бу севмаган ишига қўл урадиган одамлардан эмас. Дарс беришни лозим топибдим — демак, мактабни севали. Майли, ҳали кўрармиз тағин.

Николай Иванович уйимизга ҳафганинг охирида борадиган бўлди. Ҳозирча мен Антошина Григорьевнадан уйимизга яқинроқ ердан, яхши одамларнинг уйидан ижарага икки хона топиб қўйишни илтимос қилдим.

Софья Михайловна дарс жадвали тузар, мен бўлсам, ярим кечагача ўқув программаларини ўрганиш билан овора эдим. Шу кунгача мактабга раҳбарлик қилмаган эдим. Шу сабабли ҳар бир группанинг нима қилишини аниқ-равшан тасаввур қилишни истардим.

Бир нарсани билардим: менинг ишим ўнгодан келган эди. Мен бир вақтлар Антон Семёнович сингари икки карра икки тўрт эканлигини исбот қилишга мажбур бўлмайман. Дальтон-пландан, комплекс система, проект усуллари, лаборатория-бригада усулларидан қутулиш учун уриниб юрмайман.

Йигирманчи йилларда педология ёки комплекс системага қарши чиқиш ўзинини «педагогика фанидан йироқ»

қилиб қўйиш демак эди. У вақтларда эски ва янги бидъатлар ҳали турғун эди. Бизнинг ишда кураш айниқса ўткир ва кескин бўлади — ахир инсоннинг ички дунёсини, унинг характерини такомиллаштириш бизнинг вазифамиз эди-да. Шунинг учун Антон Семёновичга жуда оғир эди.

1933 йилда, мен мустақил иш бошлаган вақтда аҳвол бутунлай бошқача эди. Мактабларда ўқув плани, программа ва жадваллар соат сайин ўзгариб турмас эди. Охириги вақтгача мактабларда аниқ бир дарслик бўлмагани рост. Халқ маорифи комиссарлигидаги раҳбар донралар бу ҳолни «революцион ютуқларимиз» деб ҳисоблашарди. Лекин бир йил муқаддам — 1932 йилнинг августда ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори чиққан эди. Бу қарорда очиқ-равшан қилиб: «Халқ маорифи комиссарлигининг... дарсликлар тузиш тўғрисидаги тутган йўли нотўғри деб ҳисоблансин» деб ёзилган эди. Дарсликларни чалакам-чатти қилиб тузишга сира йўл қўйилмасин! Фанининг талабларига жавоб бера оладиган ҳаммага маълум бўладиган доний дарсликлар тузиш лозим. Бу иш ўқув йилининг бошидан — 1933 йилнинг 1 сентябридан амалга оширилсин.

— Атайлаб биз учун чиқарилгандай! — дерди Софья Михайловна.

Бу ишда у мендан кўра кўпроқ тушунарди. Агар у бўлмаса кўп нарсани назардан қолдиришим турган гап эди. Софья Михайловна ўша вақтларда мен учун янги бўлган мураккаб масалаларни англаб етишимга оқилона, ўртоқларча ёрдам берди.

— Менингча, мактаб программалари қайта бошдан яна бир жиддий кўриб чиқилса керак, — дерди у. — Кўп жойини қайта ишлаш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Семён Афанасьевич, мана мен — тилчима, адабиётчи-ман. Биласизми, программа бўйича болаларга Пушкин ҳақида нималарни сўзлаб беришим лозим? Эшитинг: «Пушкин 20—30 йилларда Николай реакциясининг сиқиги остида снёсий масалаларда иккиланиб турган, капиталистлашаётган илғор дворянларнинг идеологи эди». Кейин бирон ерда «Пушкин асарларининг бадий қиймати»ни эслатиб кетаман. Гўё «бадий қиймаги шоирнинг қиёфасидан, унинг ижодидан бошқа бир яшикла сақланадигандек! Ўша биз севган, буюк шоир, улуғ халқ куйчиси, асл, оташин Пушкин қани? Ҳар бир ёзувчи ижо-

ди шу хилда берилган. Тарих-чи? Агар тарихдан программада кўрсатилгандек дарс берилса, болалар муҳим воқналарни ҳам, фактларни ҳам, хронологияни ҳам билишмайди. Улар «Екатерина — бу маҳсул», «Петр — бу маҳсул» дейишдан бошқа нарсани билмайди. Лекин улар на Петр ҳақида, на Екатерина ҳақида тушунарли қилиб гапириб бериша олмайди. Бу ерда катта хавф бор: программа бўйича дарс бериладиган бўлса — жонли, ажойиб тарихий фан ўрнига болаларга абстракт бир схемани баён қиласан. Йўқ, Семён Афанасьевич, мени бир айтди дерсиз — вақти келиб бу нарсалар ҳам ўзгаради. Лекин биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, иложи борича, тузатишимиз, тўлдиришимиз зарур.

Ўзимга қолса, бу гаплар хаёлимга ҳам келмасди. Менга халқ маорифи комиссарлиги чиқарган программани танқид қилишга йўл бўлсин эди. Мен шунчаки шу программани ўрганиб олиш, қайси гурпуада қандай фанлар ўтишини билиб олишни истардим, холос. Софья Михайловна эса, мени ишга жиддий қарашга мажбур этди. Бунинг нақадар муҳимлигини кейин пайқадим. Софья Михайловна ҳар бир нарсани ҳар томонлама чуқур ва батафсил ўрганади.

Унинг қисик кўкиш кўзлари тик боқарди: бу боқилан ҳеч нарса қочиб қутулмас эди.

Ўқиш бошланишидан бир неча кун илгари болалар уйи совети ҳар бир гурпуа ўз синфини қабул қилиб олиши, озода ва асл ҳолида сақлашга жавобгар бўлиши ҳақида қарор қилди.

Иккинчи гурпуада — Вася Лобовни староста қилиб сайлашди, учинчи гурпуада — Петя Кизимовни: икковига биринчи бор бундай масъулиятли иш топширилиши эди («Ақл-ҳуши кирадиган вақт етди», — деди Жуков); тўртинчи гурпуанинг старостаси Любимов, бешинчиики... Репин эди. Алексей Саввич уни сайланглар деб туриб олди.

Жуков:

— У болалар билан чиқиша олмайди... — деб гап бошлаган эди, Алексей Саввич:

— Ўла-улгунча «чиқиша олмайди, қўлидан келмайди» деяверанизми энди? Мен қўшнлолмайман! — деб эътироз билдирди.

У ҳар бир гурпуада мажлис ўтказди.

— Янги парта, стол, тахта, оқланган девор, сип-сил-

лиқ полни сизларга топширамиз. Ёиронта ғадир-будур ери йўқ.— дерди у.— Ҳозир қандай бўлса, йил охирида ҳам худди шундай бўлсин.

— Мана, мана бу ер ғадир-будур! Эшикка қаранг!— деб қичқириб юборди Петька.

— Дурустсан! Яхши!— дейди Алексей Саввич жиддий.— Ипидан игнасиғача яхшилаб кўриб чиқинглар, ҳаммасини ёзинглар, йил охирида бекорга хафалашиб юрмайлик.

Ҳар бир староста ўз синфида ҳар бир бурчакни, ҳар бир тахтани синчиклаб текшириб чиқди. Ками-кўсти деярли йўқ эди. Эшикнинг билинар-билинмас қирилган ери, тахтадаги сезилар-сезилмас ғадир-будурлар ҳам ҳисобга олиб ёзиб қўйиларди. Алексей Саввич бўлса:

— Ҳозир қандай бўлса баҳорда ҳам худди шундай бўлсин!— деб такрорларди.

Августнинг охирларида Ганс ва Эрвин билан хайрлашдик. Эғнидаги ярим ҳарбийча мош ранг костюми — юнгштурми қопдек ҳалпиллаб турган мўйсафид уларни олиб кетгани келди. У кишининг юзидан ақллилиги, жиддийлиги, лекин ҳозир қаттиқ чарчаганлиги сезилиб турарди. Гаплашаётганида гўё бир дақиқа қаёққадир кетиб, теварак-атрофидаги говур-ғувиридан узоқлашиб дам олаётгандай кўзларини тез-тез юмиб турарди. Бу киши Ленинграддаги интернационал болалар уйининг тарбиячиларидан бири — Ленцер эди. Бизнинг дўстларимиз энди ўша ерда яшашлари лозим эди.

Ганс билан Эрвин бизда қолишга ихтиёр билдиришди. Менинча ҳам бу тўғри эди. Лекин Ленцер у ерда болалар учун ўқиш осонроқ бўлишини: бу ерда тил билмаслик уларга анча тўсқинлик қилишини айтди. Биз уларни станцияга кузатиб қўйдик. Ганс анчагача Репиннинг қўлини қисди, рус ва немис сўзларини аралаштириб:

— Ёзиб тур! Унутма!— деди.

— Ие, нега унутаман! Бориб тураман!— деб жавоб берди Андрей хаяжон ичида.

— Ўзинглар келиб туринглар!— дейишарди болалар.

Биз узоқлашаётган поезд кетидан анчагача қараб қолдик. Ҳамма вақт аниқ-равшан фикр юргизадиган Петя Кизимов:

— Интернационал нафақа учун нега пул йиғишларининг маъносига энди тушундик,— деди.

Биринчи сентябрь арафасида бутун синфларни айланаб чиқдик, ўқитувчилар хонаси учун ажратилган уйга кирдик. Шуларнинг ҳаммаси эртадан бошлаб мактабга айланади. Бу деворлар эртадан бошлаб жонланади, эртадан бошлаб бу жойлар ҳақиқатан ҳам нурга кўмилади.

Ҳозир қарайдиган, севиладиган нарсанга йўқ. Эртагачи...

— Эртага ўқув йили бошланади,— дедим кечки овқатдан кейин. Эртага ҳаётимизнинг янги саҳифаси очилади. Шу кун ичи кўп нарсани биламиз, кўп нарсани ўрганамиз. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Ёмон ишламадик, ёзда ёмон дам олмадик. Қишда ишимиз икки ҳисса олинади. Келинлар, биргалашиб ишга киришайлик! Қиришамизми?

— Қиришамиз!— деб бақирди чекка-чеккадан.

Чекка-чеккадан у қадар қаттиқ айтилмаган бу жавобда (бошқа вақтларда овозларининг борича бақиринини яхши кўришарди-ку!) на қизиқиш, на ишонч бор эди. Бу жавобда мен бошқа бир нарсани: «Қим билади ҳали нима бўлади?...» деган маънони ўқидим.

43

Биринчи сентябрь

Гори овози билан турдик, нонушта қилиб олдик, соат роса саккизда қўнғироқ чалинди. Ҳа, гори эмас, Ленинград, Москва, узоқ Шимол ва Ёсинқ Жаҳубдаги — беноён мамлакатимизнинг ҳамма еридаги мактаблардаги сингари қўнғироқ чалинди. Ҳамма ерда бир кун, бир соатда болалар парта ёнига ўтириб ўқий бошлашларида қандайдир гўзаллик ва тантана бор. Бу ғалати туйғуни — биринчи сентябрь туйғусини мен жуда кеч, ўн етти ёшимда, англаганман. Аммо ўшандан буён бу кунни бир байрамдек, катта янгиликдек кутиб оламан.

Йўқ, шундай кунда кабинетда ўтира олмайман! Мен синфда бўлишим, болалар билан бирга дарс тинглаб ўтиришим керак.

— Мумкинми?— дейман эшикни қия очиб Николай Ивановичдан.

У кириб дегандай бошини лиқиллатади. Қираман. Энг орқадаги, девор тагидаги партага ўтираман — орқамда ҳеч ким йўқ. Баъзи болалар менга ён томондангина кўринади, кўплари орқасини ўтириб ўтиришибди.

Лекин мен уларнинг кайфиятини орқасидан ҳам билиб гураман. Улар Николай Ивановичга қараб ўтирганлари билан, менинг уларга қараётганимни ҳис қилиб туришбди.

Николай Иванович бўлса ўзини сувдаги балиқдек сезади. У йўқлама қилади. Фамилияни атайди-да, болага бир дақиқа диққат билан қараб олади.

— Володин!

Володин бунун хотиржам. Унинг семиз гавдаси, кенг пешонали юзи, парта қопқоғига таяниб ўтирган қўли: «Бир йўла тушуна олмасам нима бўлибди? Ҳаракат қиламан, уринаман — кейин ҳаммасини билиб оламан!» дегандек кўринади.

— Жуков!

Саня партани афдариб юборгудек бўлиб ирғиб туради. Мен уни ён томондан кўраман: у бошини бир оз эгиб, ер остидан қарайди. Қора қошлари чимирилган, ҳатто бурни ҳам жийирилган. Саня парта қопқоғига муштинни тираб турарди. Мен унинг бунчалик қўрққанини ҳеч қачон кўрмаган эдим.

— Коробочкин!.. Королёв!.. Разумов!.. Репин...— деб номба-ном чақиради Николай Иванович бирин-кетин.

Коробочкин ҳар вақтдагидек жиддий, шошилмасдан алланарсани ўйлаётгандек кўринди. Королёвнинг асаблари таранг, унинг бутун туриш-турмушидан ҳаяжонда эканлиги кўриниб турарди. Разумов ҳам ҳаяжонда, юзи қип-қизариб кетган, Николай Ивановичнинг кўзларига тик қарай олмайди. Репин бўлса ҳар вақтдагидек хотиржам. Унинг қиёфасидан қани кўрайликчи, нима билан тугар экан, деган маънони англаш мумкин эди...

— Шундай қилиб, танишиб ҳам олдик,— дейди Николай Иванович.— Ҳозир сизларга тез орада Ленинградга икки миллиондан ортиқ янги ишчилар келиши ҳақида гапириб бермоқчиман. Бир неча ойдан кейин яна шунча келади. Улар фабрикаларда, заводларда ишлашади, янги станокларни ишга солишади, янги уйлارни ёритишади, улар туфайли трэмвайлар ҳам аввалгидан кўра тезроқ юрадиган бўлади. Энг яхшиси нималигини биласизми? Шу ишчилар армиясига яшаш учун уй-жойлар, ишга бориш учун трамвайлар керак бўлмайди. Бу ишчилар ўз вақтида цехга кириб келишади, лекин ҳеч ким уларни кўрмайди. Улар кечаю кундуз ишлашади, иш ҳақида эса атиги икки тийин олишади.

Николай Иванович синфда юриб туради, болаларга шўх кулиб боқади. Болалар ҳайрон, ҳамма диққат билан қулоқ солади. Ҳамма у ёғи нима бўларкин деб кутиб ўтирарди.

— Бу ишчи кучи — ток эканлигини ҳаммагиз яхши тушунган бўлсангиз керак, албатта. Бу кучни Свирь электростанцияси беради. Свирь дарёси Онега кўлидан чиқиб, Ладога кўлига қуйилади. Картагиз қани? Мана, кўрдингизми — мана шу — Свирь. Свирдан Ленинградгача бўлган масофа — икки юз қирқ километр. Лекин у ишчиларини бир зумда етказди, завод ва фабрикаларни электр токи билан таъминлайди.

Николай Ивановичнинг юзи ташвишли тус олади. Мен ўша вақтдаёқ, шаҳар маориф бўлимидаёқ унинг юзи тез-тез ўзгариб туришини — ҳар бир фикрга, ҳар бир боқишга жавоб бериб туришини англаган эдим.

— Свирь дарёси азалдан катта савдо йўли ҳисобланади. Лекин хатарли йўл. Кемалар, қайиқлар, пароходлар остонадан кўрқнашади. Шундай бўлмағур воқиялар рўй беради. Тасаввур этинг, олдингизда катта, кенг йўл турса-ю, сиз тор сўқмоқ йўлдан ўтишга мажбур бўлсангиз. Пароход олдида кенг, суви кўп дарё турса-ю, у аста-секин пайпаслаб сузишга мажбур бўлса — акс ҳолда остонага урилиб кетади. Шунинг учун кемалар кенг дарёда оҳиста, у ёқ-бу ёқни кўздан кечириб сузишга, рўпарасидан бошқаси келиб қолса, тўхтаб ўтказиб юборишга мажбур бўларди. Унлаб, юзлаб йиллар шундай бўлиб келди. Лекин биз ҳаммасини ўзгартиришга қарор қилдик!

Бу сўзни у шундай айтдики, гўё биз ҳам, унинг рўпарасида, синфда ўтирганлар ҳам бу қарорга алоқадор кишилардек.

Свирь — серсув ва серостона дарё. Тўғон солиб, станция қуришга боп. Айтишга осону, лекин амалга ошириш қийин. Нега деганда Свирнинг туби балчиқ Балчиққа тўғон қуриб бўладими? Балчиқ сирпагани, оғирликин кўтара олмайди, тўғон чўкиб кетади. Балчиқни қандай қилиб ишга солиш мумкин? Дарёнинг тўғонга бетон плита ўрнатиб, шундан кейингина тўғон солади-ган бўлишди.

— Сув тўғонни суриб кетса-чи?— дейди Володин. У сўраяптими ёки таъкидлаётими, билиб бўлмас эди.

Николай Иванович қизиқиб ва гапини маъқуллагандай қарайди унга.

— Тўғри. Агар ётқизиб солинса — сув оқизиб кетати. Шунинг учун сув плиталарни суриб кетмасин деб, плиталарни тишли қилиб ясалади ва тиш томони билан дарёнинг тубига маҳкам бостирилади. Шундагина бетон плита устига тўғон солинса қимир этмайдиган бўлади.

Николай Иванович синфда юриб туриб ҳикоя қилар экан, очиқ кўнгиллик билан ҳали бир болага, ҳали бошқа бирига мурожаат қиларди.

— Тушундингми?— деб сўрайди у Разумовдан.

Разумов бошини лиқиллатиб қўяди.

— Қандай бўлаётганини тушундингми?— дейди у Жуковга.

Саня охиёстагина жавоб беради.

— Тушундим!

Қўнғироқ чалинганини билмай ҳам қолибмиз. Биз қўнғироқ чалинишини кутмаган ҳам, ўйламаган ҳам эдик. Дарсда зерикиб қолмаслик, дарснинг тугашини кутмаслик, тамом бўлади деб ўйламаслиكنинг ўзи катта гап.

Биз шундай қилайликки, ўқиш болаларга завқ берсин, улар мактабга мажбуран эмас, жон-диллари билан, бирон янгилик ўрганаман деб келсин.

44

Педологлар

Ўқишлар бошлангандан кейин орадан кўп ўтмай бизга Татьяна Васильевна Ракова деган педолог келди. У илгарилари ҳам келиб юрарди. Мен унинг келишига қаршилик кўрсатмаганлигимнинг сабаби шунда эдики, у ҳеч қандай текшириш ўтказмас эди. Татьяна Васильевна айланиб юрар, кузатар, алланималарни ёзар эди-ю, болалар билан деярли гаплашмас эди. Лекин бу гап унинг ёнида, яна бошқа педолог бор эди. Улар мен йўғимда келиб, болаларни текширувдан ўтказмоқчи бўлиб туришган экан. Қайтиб келган ҳамоним рўпарамдан чиққан Софья Михайловна менга шуларни айтди.

— Нега киритдингиз?— дедим ранжиб.

— Семён Афанасьевич, расмий орамлар бўлса, қиритмай бўладими? Ҳаққимиз бормики?

— Бизнинг битта ҳаққимиз, битта вазифамиз бор — у ҳам бўлса болалар ҳақида ўйлаш! — Софья Михайловнадан биринчи бор аччиғланишим эди. Мен буни ундач яширишни истамас ва бунга уринмас ҳам эдим.

Ҳаққимиз бўлиниб қолди, чунки Татьяна Васильевна билан бурнига пенсне қўндирган, ориқдан келган, баланд бўйли киши бизга қараб келмоқда эди. Ҳалиги кишининг пенснесига узунчоқ тўрт бурчак ойина қўйилган эди.

— Марҳамат, танишинглар, — деди Раксва. — Петр Андреевич Грачевский. Бу киши хулқи-атвори бузилган, вояга етмаган болаларнинг туйғу доирасини текширишга бағишланган катта илмий иш ёзптилар. Бугун дарсларга кирамиз, текширишни эртадан бошлаймиз.

— Текшириш ўтказиладиган жой, — деди Петр Андреевич қўғознинг шитирлашига ўхшаш қуруқ овоз билан, — иложи борича оилавий ҳаётни эслатувчи ва чин юракдан гаплашишга мойил қиладиган хона бўлиши керак.

— Сизларга ўқитувчилар хонасини ажратамиз, — деди Софья Михайловна. — Болалар бу хонани яхши билишади, унга ўрганишиб қолишган.

Софья Михайловна мени яхши билиб олган. Ҳозир ҳам ҳар вақтдагидек оҳиста ва сездирмай ёрдамга келди. Педологлар билан гаплашишни ўз устига олди. Улар билан қуруқ, вазмин гаплашарди, мен ҳеч қачон шундай қила олмас эдим. Қўғознинг шитирлашига ўхшаш бу овоз маъносини тушуниш учун аллақандай баландпарвоз, жонсиз сўзлар тизмасини ёриб ўтиш зарур бўлган узун, силлиқ жумлалар жонимни хиқилдоғимга келтирарди. Шунда мен кўнглимда бошқача бир ғазаб ўти қайнаётганини ҳис қила бошлардим.

Биринчи танаффусдаёқ Сергей Стеклов ўқитувчилар хонасига мўралаб қаради ва мени имлаб чақирди. Мен йўлакка чиқдим.

— Семён Афанасьевич, — деди Сергей мени четга, дераза ёнига олиб бориб, — агар Павлушани яна бир нима деб, бу ердан жўнатиш керак дейишса...

Уни доим хотиржам кўришга ўрганганман. У менинг ишонган ёрдамчиларимдан бири. Ҳозир овози негадир титради. У кўзимга ташвишли боқарди.

— Йўқ гапларни чиқарма, Сергей. Павлушани ҳар нима дейишса ҳам ҳеч кимга бермайман.

— Семён Афанасьевич, бирдан...

— Айтяпман-ку сенга, сизларни ҳеч қаёққа юбормайман.

— Семён Афанасьевич, бир марта...— У гапини тугатмади, менга яна бир бор синчиклаб тикилди.— Ҳа майли,— деди у хўрсиниб.— Қўрқаманки...

Педологня текширувидан бир неча марталаб ўтмаган биронта ҳам бола йўқ эди. Қуи бўйи: «жўнатишади», «бошқа ёққа ўтказишади», «иллати бор дейишади» деган гаплар қулоғимга чалинарди. Кечқурун Жуков ёнимга келди:

— Семён Афанасьевич, мени озод қилсангиз? Чндай олмайман...

Бу ҳам Стеклов сингарни мени ҳайрон қилди. Очиқ кўнгилли, хушмуомала, оддий ва хайрихоҳ одам бўладиган бўлса, Жуков худди шунақа одамлардан эди. Уни уйимизда ҳамма яхши кўрар, ҳамма яхши муомалада бўларди. Король уни ҳурмат қилар, Репин у билан ҳисоблашар, кичкинтойлар жуда севиншарди. У жуда адолатли эди, ҳамма вазифаларини енгил бажарарди. У ҳеч қачон қичқирмас, қизишмас эди, фақат қора кўзлари жиддий тус олар, ёноқлари чиққан, лаби қалин, хунуккина юзига алланарса соя солгандай бўларди. Шунда биз Саня бирон нарсадан ташвишланяпти ёки норози эканлигини билардик.

Мана ҳозир рўпарамда ўтирибди, шу топда у ўзига сира ўхшамайди: тишлари қисилган, қоши чимчилган, гапирганда ҳам кўзини ердан узмайди. Унда ҳатто, уйимиздаги энг қовоғи солиқ болалардан Колинский билан Коробочкинга ўхшашлик ҳам пайдо бўлибди.

— Нимадан озод этсам? Текширувданми?

— Ҳа. Семён Афанасьевич, сизга бу ҳақда сира гапирмаган эдим...Бирон сабаби йўғ-у, фақат шунчаки эсламасам дейман...

У бундан икки йил муқаддам Москва яқинидаги болалар уйларида бирида яшаганини секин ҳикоя қила бошлади.

— Бизни эрталабдан кечгача шундай текширувлар билан қийнашарди. Биз ўша кабинетга киришга қўрқардик. Ердан шипгача аллақандай диаграммалар, доиралар, чизиқлар, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди. Кизларнинг деярли ҳаммаси йиғларди. Биз ҳам жонимиздан тўярдик. Гўё биз одам эмас-у, қурбақа! Аввалига ҳар

турли масалалар, топишмоқлар беришади — буни-ку уларлардник-а. Расво суратларни кўрсатишади-да: «Қайси бири сенга ёқади?» деб сўрашади. «Ҳеч қайсиси ёқмайди». «Нега?». Қаёқдаги бўлмағур нарсалар солинган бўлса, башаралари ўлгунча хунук бўлса, нимаси ёқади дейсиз. Педологлардан биттаси менга: «Сенга бир ҳикоя ўқиб бераман. Сен менга ўша одам тўғри қилгаями, йўқми айтиб берасан», деди. Кейин, ойисининг пул солинган ҳамёнини ўғирлаган йигит ҳақида ўқиб берди. Мен унга «Тўғри қилмабди» дедим. У бўлса: «Нега?» деб сўради. — «Нега бўларди, ўғирлик қилган-да». — «Ўғирлик қилган бўлса, нима бўпти, бунинг нимаси нотўғри?» — «Ахир у бировнинг нарсасини, яна келиб-келиб ойисининг нарсасини ўғирлабди-ку» дедим. — «Бировникни олиш нега нотўғри?» дейди. Унга юз марталаб, яхши эмас, бу виждонсизлик десам ҳам нуқул: негасини қўймайди. Шундай қилиб... нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Жуков тупугини ютади, ёқасини ушлаб, аламзадалиқ билан тугатади: — Сиеҳдонни олиб бошига қаратиб туширибман! Ҳамма унга ёрдамга югурди-ю, мен билан ишлари бўлмади. Мен хонадан югуриб кўчага чиқдим. Қочиб кетдим. Семён Афанасьевич! — Жуков бошини силкитиб, кўзларини катта очиб менга қаради: — Семён Афанасьевич, мени озод қилинг! Чидай олмайман!

Эртасига эрталаб воқияни Софья Михайловнага тушуштириб, уни Ленинградга жўнатдим. Софья Михайловна ҳам рози бўлди ва унга сўнгги поезд билан қайтишни таъкидлади. Одатда биз дарс вақтида ҳеч кимга ижозат бермас эдик.

Уйда текширув бошланди.

Ракова билан Грачевский турли ёшдаги болалардан ўнтасини ажратиб олишди ва улар билан навбатма-навбат менинг кабинетимда суҳбатлашишди. Улар ўқитувчилар хонасидан кўра менинг кабинетимни негадир маъқул топишди.

Грачевский бир чеккада протокол ёзиб ўтирар эди, имтиҳон қилинаётган бола уни кўрмайди ва унга парво қилмайди деб ҳисобланарди. Татьяна Васильевна диванда ўтирар, унинг рўпарасида синалаётган болаларнинг энг биринчиси — Петя Кизимов ўтирарди.

— Сенга анча сурат кўрсатаман, бир томоша қил, — деган сўзларни эшитаман уйда ўтириб (Галя билан болалар уйда йўқ, хона жимжит, шунинг учун ҳам уларнинг

гани аниқ эшитилди), — у суратлардан қайси бири сенга ёқди, шунини айт. Қайси биринини ўзингга олгинг келяпти?

Жимлик. Мен Петьканинг суратини синчиклаб кўздан кечираётганини тасаввур этаман. Кейин у қағзний қилиб:

— Ҳеч қайсисини, — деб жавоб беради.

Шу заҳоти ўзимга Петька биронтасини ҳам олмаган бу суратларнинг ҳаммасини кейин бир кўриб чиқаман деб қўйдим.

— Ҳеч қайсисини? — ҳайрон бўлиб сўрайди Ракова. — Яхшилаб ўйлаб кўр! Мана, қара: мана бу ерда болалар стол атрофида чой ичиб ўтиришибди. Бунисида нима?

— Бунисида карга ўйнашяпти, — эътиборсиз жавоб беради Петька.

Бундай сурат унга ёқмайди, бу тушунарли. Бир оёғида ботинка билан жулдур кийинидаги бола ифлос кроватда иккинчи ботинкасини қайта ютиб олишни хаёл қилиб ўтирган вақтларни эслашнинг нима кераги бор! У вақтлар аллақачон ўтиб кетди, энди ҳеч қачон такрорланмайди.

— Бунисида нима? — сўради Ракова.

— Бунисида деразани синдиришибди. Бунинг нимаси яхши?

— Бундан чиқди, ҳеч қайсисини ёқтирмадинг-а?

— Ҳа, — кескин жавоб беради Петька.

— Яхши. Сенга бир ҳикоянинг бошини ўқиб бераман, охириини сен тугатишнинг керак. Яхшилаб эшит: «Володянинг қўлига гугурт тушди дегунча, нуқул бирор нарсага: гоҳ сомонга, гоҳ пичаиға ўт қўйиб юборади. Иванларнинг уйи ёнида бир қучоқ қуруқ шох-шабба ётибди. «Нима билан ёқсам экан?» — деб ўйлайди Володя. Иваннинг уйига кирди, қараса, столда зажигалка ётибди. Володя шунини кўриб қолди ва...»

Хўш, сен нима деб ўйлайсан, у нима қилди?

— Нима қиларди: ёқиб юборади-да.

Уфлаб юборишимга сал қолди. Петьканинг жавоби уни қоралаб ташлаётганини яхши тушунаман, балки, унга бирор «ўт қўювчи комплекс»ни ёзиб қўйишгандир ҳам. Мен ўзим ҳам шундай жавоб берган бўлардим. Одобсизлик қилиб секин эшикни очаман. Бахтимга эшик мен томонга очилади, бахтимга эшик фикилламайди.

— Ўт қўйиш яхшими? — деб сўрайди Ракова Петька томонга энгашиб.

— Ёмон.

— Бўлмаса нега Володя ўт қўйиб юборди, деб ўйлайсан.

— Вой!— дейди Петька ҳайрон бўлиб.— Ҳикоя мен тўғримда ёзилмаган-ку. Ҳалиги... Володя тўғрисида-ку: «Гугуртни кўрди дегунча ўт қўяверади» деб ёзилгану. Зажигалка топиб олганидан кейини ўт қўйиши турган гап-да.

— Лекин ўзинг ўт қўйишни ёмон деб ҳисоблайсан-а?

— Албатта ёмон-да.

— Нега?

Петька елкасини қисади, индамайди. Нима ҳам десин?

— Яна битта ҳикояни эшит: «Павел кинога тез-тез бориб туради. Бир кун жуда қизиқ картина қўйилаётган эди. Унинг ёнида пули йўқ. Павел касса ёнида ўралашиб юрган эди, бир хотиннинг сумкаси тушиб қолганини кўрди. Павел сумкани олди ва...» Сенингча қалай, у нима қилади?

— Ким билади.

Петьканинг зериккани кўриниб турибди. Бу бекорчи гаплар жонига тегиб кетгани сезилиб турибди.

— Хўш, сен бўлсанг нима қилардинг?— деб сурштиради Ракова.

— «Хола, нега анқаясиз? Мана, сумкангиз!» деярдим.

Мен енгил тортиб хўрсинаман. Ракова анча юмшагандек кўринади.

— Петька, айтчи қариндош-уруғларингдан қайси бирини яхши кўрасан?— деб сўради у.

— Қариндошим йўқ.

— Қаёқда улар?

— Улишган.

— Ҳаммаси ўлганми? Нима бўлган?

Эҳ, мия! Петька стулда типирчилайди. Уф тортади. Енги билан пешонасини артади.

— Кичкина эдим. Билмайман.

— Хўш, сен қандай ўйлайсан, Петя, ота-онанинг гапига кириш керакми?

— Бўлмасамчи.

— Нега?

Яна жимлик. Петька хўрсиниб қўяди.

— Менга қара, Петя, кимни ўртоқ деб ҳисоблайсан?

— Павлуша Стеклов. Кейин Лёнька.

— Йўқ, йўқ. Ўртоқнинг қайси сифатларини қадрлайсан?

— Сифатлар?— ҳайрон бўлиб сўрайди Петька.

Мен секин эшикни ёпаман.

Ўқитувчи, тарбиячи ҳар бир бола ҳақида кун-туни ўйлайди, ҳар бирининг кўнглини топиб муомала қилишга уринади. Баъзан қийналиб, жуда узоқ йўл-йўриқ қидиради. Ҳақиқий тарбиячи нега ойлаб, баъзан йиллаб кузатади, ўйлайди, шубҳаланади. Бу ёқда бўлса одамлар бир қарашда болаларнинг кўнглини биламиз, аниқлаймиз деган ишонч билан келишади. Биз болаларни эҳтиёт қилардик, беэҳтиёт бирон сўз билан уларнинг дилини оғритиб қўйишдан, ўтмиш ҳаётини эсига солиб қўйишдан қўрқардик. Бу ёқда бўлса, одамлар болалар психологияси, болалар кўнглини яхши биламан деб ҳисоблаб, ўйламай-нетмай; «Ота-онанг ўлганми? Нима бўлиб ўлган?» деган саволларни беради.

Болалар ҳақида улар нимани билсин? Нимани тушунишарди?

Тушга яқин яна бир бориб хабар оламан. Бу гал юрагим ғаш бўлмай, тўғридан-тўғри бориб кузата бошлайман — болаларни не кунларга солишаётганини билишим керак-ку, ахир! Ҳозир Репинни текширишдан ўтказишяпти.

— Ўғирлик қилиш мумкин эмас,— дейди дона-дона қилиб у. — Бировнинг нарсасини олиш ярамайди. Бу бировнинг мулки.

Сочини силлиққина қилиб тараган Репин Ракованинг рўпарасида ёқимтойғина бўлиб, катта, зангори кўзларини унга тикиб, хотиржамгина ўтиради. Икки бетидаги кулгичи ҳуснига ҳусн қўшади. Ракова кулгичини кўрган бўлса керак. Лекин бу кўзларининг тубида менга жуда таниш бўлган истехзони, ўсталик билан яширилган таҳқирни кўриш унга йўл бўлсин. Унинг одоб билан мулоимгина берган жавобида шу таҳқирни яхши сезиб турардим.

— Агар ҳамён топиб олсанг, ичида пули бўлса, нима қилардинг?

— Эгасини топишга ҳаракат қилардим ва пулини олиб бориб берардим. Агар эгасини топмасам, милицияга олиб бориб берардим.

Қани энди Ракова олдида ўтирган боланинг кечагина ўғри бўлганини билса. Ахир у оч қолганидан булка ўғирлаган майда ўғри эмас, балки яқиндагина бу олатини зўрға ташлаган малакали, довиюрак ўғри эди-ку. Ташла-

гаимикан? Ракова бунга нишонмаган ҳам бўларди ахир шундай хушмуомала, шундай яхши бола-я, саволларга шундай яхши жавоб беряпти-ку...

— Андрюша, мана сенга қалам билан қоғоз. Шу қоғозга: «Тун нақадар қоронғи бўлса, юлдузлар шу қадар ёрқин» деган темада нишо ёз.

— Шеър билан ёзсам майлими?— сўрайди Андрей.

— Шеър ёзишни ҳам биласанми?— деди Ракова ялтоқлаб.

— Биламан. Шошмай туринг.

— Хўп, майли кутаман!

Мен ҳам кутаман. Орадан беш минутга яқин вақт ўтгач Андрей шеърини ҳаяжон билан таъсирли қилиб ўқийди:

Аҳмоқлар қанча қаттиқ бақирса,
Уларнинг ғазаби тошса на қадар,
Донолар овози янграйди роса.
Зимистон тунда юлдуз кўпроқ нур сочар!

45

Улар болаларни билишармиди?

— Натижа жуда-жуда ғалати чиқди!— дейди кечкурун Ракова. — Лекин хурсанд бўладиган жойи йўқ. Болаларингизнинг деярли ҳаммасининг туйғу доираси нормадагидан жуда-жуда паст ривожланган. Репин бу ҳисобга кирмайди, албатта.

— Болалардаги кўпчилик қилиқларнинг бонси нормал принципнал мулоҳазалардан жуда узоқ,— деб қўшиб қўяди Грачевский. — «Ўғирлик қилиш мумкин эмас — тюръмага қамаб қўйишади» деганга ўхшаш мулоҳазалар уларнинг учига чиққан манфаатпараст эканликларини кўрсатади. Вояга етмаганлар устида олиб борган кузатишларим, жамоатчилик ва давлат талабларидан жуда четга чиқиб кетиш намуналари болаларнинг маза ва ҳид сезиш гиперэмоцияларидан айниқса ширинликка, винога, чекишга ўч бўлиб кетишларини кўрсатади...

— Кечирасиз, ким экан ўша маза ва ҳид сезиш гиперэмоцияси тараққий этган бола?— Екатерина Ивановна ҳайрон бўлиб қовоғини солади, пешонаси тиришади.

— Ким дейсизми? Кўплари...— Грачевский протокол тепасида энгашади.— Мана, масалан, Леонид Петров — типик гиперэмоционал субъект. Ширинликни яхши кўрасанми, деган саволга «ҳа» деб жавоб берди. Китобларнинг номи ёзилган рўйхатдан «Сехрли ошхона» деган китобни танилади. Кўрсатилган суратлардан мана бунисини олмоқчи бўлди — кўрдингизми, дастурхон ёзилиб, ҳўл ме-валар солинган идиш турибди.

Шошиб-пишиб чўнтагимдан рўмолчамни олдим ва энгашиб юзиман яширдим-да қаттиқ йўталдим.

— Вой тавба!— деб юборди Екатерина Ивановна кўлларини ёзиб.— Лёня Петров-а! Ахир у бор-йўғини бўлиб беришга ҳам тайёр турадиган бола-ку! Овқатини ўзи емаса-емайдикки товукларга олиб бориб беради-ку.

— Товукларга?— деб қайтариб сўрайди ҳайрон бўлиб Грачевский ва елкаларини қисиб қўяди.

Нафасининг ростлаб олгач, болаларга кўрсатилган суратларни кўздан кечира бошлайман. Муштлашув, карта ўйини. Ичкилик. Бурушган хунук башаралар. Энди кулиш қаёқда дейсиз, аксинча энг ярамас сўзлар билан сўкким келади. Кеча Санянинг «бўлмағур нарсаларнинг сурати» деган сўзларини эслайман.

— Бу ғаломисликдан бошқа нарса эмас!— дейман ўзимни тутолмасдан.— Болаларга шундай ярамас нарсаларни кўрсатиб бўлармишми?

— Ростини айтсам, бунга мен ҳам тушуна олмайман!— дейди ғазабланиб Алексей Саввич.

— Шошманг!— дейди Ракова хафа бўлиб.— Йўқ, ўртоқлар, сизларда ўқув ва тарбиялов процесслари сира педологизациялаштирилмаган, сира.

— Менга қаранг,— дейди тўсатдан Грачевский,— сизни ҳалиги украин педагогининг қўлида тарбия топган деб айтишгани рост экан... фамилияси нима эди....

Мен Грачевский ўқитувчининг фамилиясининггина эмас, балки, исмидан тортиб отасининг исмигача, ҳатто туғилган йилидан тортиб, оилавий аҳволи ва ҳоказоларгача яхши билишга ишонганим учун унга ёрдамга келмайман.

— Ҳалиги... Альманахнинг март сониди номи ғалати повести босилиб чиқди-ку... «Педагогик поэма» эди шекилли... Сиз ўша Макаренконинг ўқувчисисиз?

— Ҳа, Макаренконинг ўқувчисиман.

— Ундай бўлса, тушунарли,— дейди Грачевский. Биринчи дафъа унинг кўзида туйғу аке этганини кўраман.

Бу — газаб туйғуси эди. Ҳа газаб туйғуси. Шу вақтгача у қуруқ овози билан қоғозга ўхшаб шитирлар, ҳаммага нурсиз кўзлари билан ҳиссиз, туйғусиз боқарди. Ҳозир эса мен унинг газаблани олишига инюнч ҳосил қилган эдим. Тўғри, очикдан-очик газабланмас эди-ю, лекин жон-жаҳди билан газабланарди.

Бир дақиқа жимлик чўкди.

— Шундай қилиб,— деб яна давом этади Грачевский, — биз Татьяна Васильевна билан биргаликда тарбияланувчи Виктор Панинни зеҳни паст болалар уйига ўтказиш керак, деган қарорга келдик.

Уртага жимлик чўкади. Панин... Ҳақиқатан ҳам Панинни яхши бола деб бўлмайди: безори, ўғри, кўнглида нима борлигини тушунолмайсан, уни деб озмунча кўнглисизликларга йўлиқдикми, ким билди ҳали яна неча бор кўнглисизликлар юз беради. Лекин, шунга қарамай, уни зеҳни паст болалар уйига ўтказишнинг нима кераги бор экан?

Жимлиكنи биринчи бўлиб Владимир Михайлович бузади. Унинг бу қадар қуруқ, бу қадар расмий гапирганини ҳеч қачон кўрмаганман:

— Бу таклифга мен тамомила қаршман. Нима сабабдан бу қарорга келганингизни билмайману, лекин бунга сира қўшила олмайман.

— Рухсат этсангиз...— деб гап бошлайди Ракова.

— Рухсат этмайман! — деб унинг гапини бўлади тўсатдан бизнинг мўмин Екатерина Ивановна.— Рухсат этмайман! Панин меннинг группамда ўқийди. У ёмон ўқийди, лекин бошқаларга аста-секин етиб оляпти. Мен уни зеҳни паст бола деб айта олмайман.

— Бу гапингизга мен ҳам қўшиламан. Мен боланинг бошқа ёққа ўтказилишига қаршман,— деб такрорлайди Владимир Михайлович.— Тўғрироғини айтсам— мен бунга йўл қўймайман.— Владимир Михайлович бу расмий оҳангда ортиқ гапиролмайди ва куйиб-пишиб давом этади — Лев Николаевич Толстой шундай деб ёзади: баъзи одамлар инсон билан ҳеч қандай севгисиз муносабатда бўлиш мумкин деб ўйлашади, бу мутлақо нотўғри. Буюм билан шундай муносабатда бўлиш мумкин: ҳеч қандай севгисиз, иштиёқсиз дарахт кесми, ёғишт қуйиш, темир қиздириш мумкин. Лекин инсон би-

лан севгисиз муносабатда бўлиш ярамайди, тушундир-
нгизми? Масалан асаларилар билан ҳам эҳтиёт бўлмаса
бўлмайди, чунки асалариларнинг хусусияти шундай, бу-
ни биласизми? Сиз ўзингизни ишлашга мажбур этгани-
нгиз каби севинишга мажбур қилолмайсиз, албатта. Лекин
бундан болаларга ҳеч қандай муҳаббатсиз муносабатда
бўлиш мумкин деган хулоса чиқариш ярамайди, айниқ-
са, улардан бирон нарса талаб этмоқчи бўлсангиз. Бо-
лаларни севмас экансиз ўзингиз билан, истаган бошқа
нарсангиз билан шуғулланинг-у, лекин болалар билан
ишингиз бўлмасин... Болалар билан ишингиз бўлмасин,
тушундирнгизми?.. Бу бола...

Қулоғим жуда сезгир. Владимир Михайлович сўзини
тугатишини кутиб ўтирмай, хонадан шошиб чиқаман ва
ташқаридаги одамни мендан бошқа ҳеч ким кўрмасин
деб дарҳол эшикни ёпаман. Эшик ортида турган одам
йўлакдан отилиб чиқади. Икки қадам ташлаб пиллапоя-
да унга етиб оламан.

— Шошма.— дейман қочоқнинг енгидан ушлаб.—
У ерда нима қилаётган эдинг?

Панин ҳарсиллайди. У бир оздан кейин, шунда ҳам
ўринсиз жавоб беради:

— Мени олиб кетишадими?

— Қим олиб кетади сени?

— Мени бериб юборасизми?— Кейин тўсатдан тиш-
ларини такиллашиб, уч марта устма-уст ҳовлиқиб так-
рорлайди.— Кетишни истамайман, кетишни истамайман,
кетишни истамайман...

Мен унга яқиндагина ўзи кетмоқчи бўлиб юрганини
эслатмадим. Кетиш билан кетишнинг ўртасида фарқ бор,
албатта. Зеҳни паст болалар уйига тушиб қолишни иста-
майди у. Ҳозир узоқ гапириб ўтиришга вақт йўқ. Мен уни
ётоққа бошлаб кетдим. У боришга кўнмас, нуқул:

— Ўша ёққа боринг, ўша ёққа боринг, бўлмаса ҳал
қилиб қўйишади...— деб такрорларди.

— Эшик орқасида турганингдан кейин Екатерина Ива-
новна билан Владимир Михайловичнинг нима деганини
эшитган бўлсанг керак.

— Уч кун бурун Екатерина Ивановнанинг шойи косин-
касини ўғирлаганман, у менинг олганимни билади, фик-
ридан қайтади. Боринг ўша ёққа, боринг тезроқ...

Мен уни ётоққа олиб бораман, Подсолнушкинни уй-
ғотиб, отрядининг аъзолари «ухлашга» сигнал бўлган-

дан кейин нима қилиб ҳовлида дайдиб юришибди, деб сўрайман. Кейин кабинетга қайтаман. Бу ерда вазият ниҳоятда кескинлашган эди. Ҳамма жаҳл билан, қаттиқ-қаттиқ гаплашар, бир-бирларининг гаплари қулоқларига ҳам кирмаётган бўлса керак. Екатерина Ивановна билан Владимир Михайлович, шундай вақтда қандай қилиб кетиб қолдингиз дегандай ғазаб билан қарашарди. Паниндан қутула қолмоқчи эмасмикин, деб ўйлашса керак.

— Мумкин бўлса, секинроқ гапирсангиз,— дейман уларга.— Енгинамизда болалар ухлашяпти. Гап шундай Татьяна Васильевна, сиз билан Пётр Андреевич ўз фикрингизда турсангиз майли, бу масалани шаҳар маорифи бўлими ҳал қилсин.

Шаҳар маорифи бўлимида бу иш билан бизнинг инспектор шуғулланади. Шунга аминманки: биз нимани илтимос қилсак, Зимин шуни қилади. Болани у бекордан-бекор ҳеч қаёққа ўтказиб юбормайди. Екатерина Ивановна дарҳол тушунади ва енгил тортиб хўрсинади. Лекин мен унга тиш қайраб турибман, кейин уни ва Владимир Михайловични уйига кузатаётиб (узоқ ўтириб қолганимизда доим кузатиб қўяман), Екатерина Ивановнага:

— Менга қаранг, Екатерина Ивановна: уч кун бурун Панин косинкангизни ўғирлабди, нега айтмадингиз?

У ҳатто турган ерида тўхтаб қолди.

— Сиз... сиз қаёқдан билдингиз?— деб сўрайди у ҳайрон бўлиб.

Владимир Михайлович ҳам ҳайрон. У йўталиб-йўталиб қўяди ва менга кўз қирини ташлайди. Қоп-қоронғи бўлгани учун афтимни яхши кўра олмайди. Ростини айтсам, икковини шундай ҳайрон қилиб қўйганимга ўзим жуда хурсандман.

Бу Екатерина Ивановнадан биринчи ўтишни эмас, болаларнинг қилган шўхликларидан ярмини яширади — болаларни мендан ҳимоя қилгани бўлса керак.

... Эртасига эрталаб зинада Лёня Петровга дуч келаман. У бир тўп китоб кўтариб чиқиб келяпти.

— Семён Афанасьевич,— дейди у ғамгин,— кеча қилган аҳмоқлигимни кўрсангиз. Улар менга: «Поезд ҳалокатга учраса, кўпинча охирги вагон синади. Нима қилиш керак?» дейишди. Мен бўлсам: «Охирги вагонини станцияда қолдириб кетиш керак» деб жавоб бердим. Кейин эсимга тушиб қолди — вагонни қолдириб кетил-

са ҳам, қолдириб кетилмаса ҳам биронта вагон охир-гиси бўлади-ку. Лекин, кейин гапимга қулоқ ҳам солишмади. Энди нима қиламан?

Мен боланинг жонли юзига, ақлли гилай кўзларига боқаман — ҳозир уларда қўрқув ва ҳайронлик акс этади, ана шулар Лентяни айниқса қўснга ўхшатади. Кабинетимда педологик текширувнинг дастлабки натижалари ётибди: унда тарбияланувчи Леонид Петровнинг эмоционал-этик жиҳатдан қанчалик тараққий этганлиги процентларда касрий сонлар билан кўрсатилган эди. Текширувчиларнинг фикрига қараганда бу гипер-эмоциональ шахс энг пастки рефлексатор босқичида турди, бу норманинг 35 процентини ташкил этади.

Орадан бир неча кундан кейин Ленинградда бўлдим. Зимни сўзларимни эшитиб, тишларини қисиб оҳистагина сўкиниб қўйди-да, Панинин ҳеч қасёққа ўтказмасликка сўз берди.

— Мен сизга шуни айтиб қўяйки, Алексей Александрович,— дедим мен,— мени шундан олиб ташлашингиз мумкин, аммо мен энди ҳеч қачон уларни уйимизга киритмайман. Биз ойлаб қўлга киритган нарсаларни улар бир соатда йўққа чиқаришади. Бундай таҳқирлашга йўл қўядиган бўлсам, жинояткор бўламан.

— Уларга ҳам қўл етадиган вақт келиб қолади, Семён Аафанасьевич. Кўпи кетиб ози қолди... Панин ҳақида эса сиздан, суриштириб ўтирмайман. Биламан, улар болаларни сира тушунишмайди.

Мен уйга кўнглимда ҳамон ғазабим қайнаб қайтардим. Чекинганим учун, уларни уйимиз остопасидан хатлаб ўтказганим учун ўзимни ўзим сўқардим.

Ёшлик чоғимда бу педологларни кўрсам кулгим келарди. Уларнинг саволлари ва «тест»лари¹ оқ халатлари, сохта олимона текширувларни тантанали суратда ўтказишлари кулгимни қистатарди. Буларнинг устамонлигини қараилар-у! — деб ўйлардим. Лекин ўзим болалар билан ишлай бошлаганимдан кейин, улар учун жавобгар бўлганимдан кейин эса бу нарса кулгили эмас, балки, даҳшатли, тўғрироғи ҳазфли эканини англадим. Мен яхши, қобилиятли болаларни билардим. Педологлар ўз-

¹ Ҳар хил беймани саволлар ёзилган бланка (қогоз).

ларнинг бўлмағур текширувларига асосланиб уларни ёшлик чоғларидаёқ зеҳни паст деб ҳисоблаб, бутун ҳаётини барбод қилганлар. Зеҳни паст иллатлилик тамгаси ўспиришни, йиғитни неча йиллаб азобга солган.

Антон Семёнович ҳамма вақт педология теориясини виждонан тушуниб олишга уринарди. Лекин бир сатр ўқир-ўқимай «миясси суюлиб» жетишини, бу: телбанинг алахлашиши, атайлаб қилинаётган душманликми, бутун жамиятимизни масхара қилиб кулишни ёки оддий биологик бепарасатлик эканлигини тушунмаслигини айтарди. «Ахир ўзинг ўйлаб кўр,— дейрди у менга неча бор,— келажак учун миллионлаб кишилар — ишчи, инженер, врач, педагог тарбиялаб бериш қандай зўр аҳамиятга эга бўлган иш. Ана шундай вазифани қандайдир бир бемазалик билан ҳал қилиб бўлар эмишми? Бу жиноятдан бошқа нарса эмас!».

Бунинг жиyoят эканлигини яхши тушунар эдим. Аммо колонияда ҳар доим Антон Семёновичнинг ҳимоясида эдик. Педологларнинг айни ҳукм сурган зўравон пайтида ҳам Антон Семёнович уларга қарши бош кўтаришга, бизнинг ёнимизга киритмасликка журъат қиларди. Педологлар у билан ҳатто халқ маорифи комиссарлигининг коридорида учрашувдан ҳам қўрқишарди. Нега деганда улар Антон Семёнович энг ашаддий душманлари эканлигини билишарди.

Шундай экан, мен уларни нега киритдим? Балким ишдан бўшатиб юборишларидан қўрққандирман? Йўқ, албатта. Балким, Софья Михайловна уларни киритгандан кейин бегона одамлар олдида унинг қарорини бекор қилишни эп билмагандирман? Мен Софья Михайловнани жуда ҳурмат қилар, унинг менга кўп ёрдам берганини унутмас эдим. Аммо Антон Семёнович ҳеч қачон ташқи ўнғайсизлик билан ҳисоблашиб ўтirmас эди. Агар нотўғри деб топгудек бўлса, ҳар қанақа қарорни бекор қилган бўлар эди. Ҳар нима деганда ҳам мен уларни киритдим — шу гуноҳимни ҳеч қачон кечира олмайман. Улар бизда атиги бир сутка бўлишди, аммо Санянинг ташвишланиб юриши, Стекловнинг қўрқуви, Папиннинг ҳовлиқиши, поездда ҳар қачон ҳам сўнгги вагон бўлишни фаҳмлаб олмаган Лёнянинг қайғуриши,— ана шуларнинг ҳаммасига мен, фақат мен айбдорман.

Мен юрагим ғаш бўлиб уйга қайтардим. Қўнғилимининг ғашлиги, гуноҳкорлик ҳисси кеча кечқурундан бери

ҳамон ўсарди. Майли, бўлар иш бўлди. ачинишини фойдаси йўқ! Бундан буёқ такрорланмаса бас.

— Софья Михайловна,— дедим мен,— агар яна келадиган бўлишса, киргизманг. Ҳар қанақа қоғози бўлса ҳам парво қилманг. Тушундингизми?

— Тушундим, Семён Афанасьевич. Сиз ҳақсиз,— деб жазоб берди содлагина.

Панин мени синовчан назар билан, аммо индамай кутиб олди. Унда ўша кечадаги ҳаяжондан асар ҳам йўқ эди. Мен энди ўша кунини тишларини тақиллатиб, нафаси текилиб: «Истамайман, истамайман!» деб такрорлаган боланинг шу эҳанлигига ишона олмас эдим. Ҳозир олдимда ўша ўзим билган, бепарво, қалин қобиққа ўралиб олган Панин тургандек кўринарди. Ахир ерга экилган уруғ ҳам дарҳол ниш урмайди-ку? Мана шу қисқа суҳбатланиш эмасми:

— Семён Афанасьевич, мени шаҳарга ёлғиз юборманг. Бозорга бордим дегунча, ундай бекорчи бўлиб ётган нарсани кўрсам ўзинини тутиб тура олмайман.

— Нега бекорчи бўлиб ётар экан? Ахир уни бирон киши тер тўкиб, ҳалол меҳнати билан ишлаб топгану, нега энди бекорчи бўлсин?

— Йўқ, мени ёлғиз шаҳарга юборманг.— деб такрорлади у ўжарлик билан.

46

Жумбоқ ечилди

Соат бешларда почтальон хат ва газеталар олиб келди. Одатда болалар йўл-йўлакай газетани олиб кетишар, ёнимга янги-янги хабарлар билан келишарди. Шу йўсинда бир кун «Ленинская искра» газетасидан лагерь ошпазига ва яхши ташкил қилинган болалар майдончасига конкурс эълон этилганини билиб қолишди. Ҳаммалари: қани энди бизнинг Антонина Григорьевна биринчи ўринни эгалласа деган орзу билан ёнишди. Лекин, афсуски, бу конкурснинг болалар уйи ошпазига алоқаси йўқ экан.

Бошқа бир гал болалар газетада Горькийнинг хатини ўқинди.

«Сизларга «Пионерская правда» газетаси ва шахсан

ўз номидан мурожаат қиламан,— деб ёзарди Алексей Максимович.— Болалар адабиёти учун махсус нашриёт ташкил этишга қарор қилинган. Нималарни ўқийсиз? Шунинг билан керак. Қандай китобларни ўқийсиз истар эдингиз?.. Ҳеч нарсани ўйлаб чиқармасдан содда, самимий қилиб жавоб беришлар, ўзингизни доно қилиб кўрсатишга уринманглар. Шусиз ҳам анчагина доно-сизлар».

Петька ойдаги ҳаёт ҳақида китоб нашр этишини сўраб, дарҳол хат ёзиб юборди. Шу-шу бўлди-ю, уни «доно» деб чақирадиган бўлиб қолди. Агар болалардан биронтаси газета ўқимаса, «Ленинская искра» газетасида чиққан шеърни ўқиб, унинг кўзини очиршмасди:

Бизда туришар бу болалар бари,

Бошқа сайёрада турган сингари.

Днепростройини сўранг улардан —

Жавоб беришар:— «нима? деб бирдан,—

Магнитогорск, Кузнецк, Кузбасс —

Нималигини билмаймиз...

Биринчи бор эшитяпмиз!»

— Бунинг қаранг, Семён Афанасьевич, бунинг қаранг! — деб бақиршарди улар.

Газета ушлаган бир неча қўл мен томонга баравар узатилди. Нима гаплигига дарҳол тушуна қолмадим. СССРга Эдуард Эррио келибди? Хўш, келса нима бўлибди. Ҳа мана. Харьковда Эррио Дзержинский номли болалар меҳнат коммунасини бориб кўрибди. «У коммунарларнинг, собиқ боқимсиз болалар ва ёш жиноятчиларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишди,— деб ўқидим мен.— Коммунадаги тартиб, баҳаволиги, гулларнинг кўплиги ва озодалик уни ҳайратда қолдирди».

Бирон ортиқча тафсилот, ҳеч бўлмаса бирон исми топиш мақсадида шу қисқа сатрларини ўн мартача ўқиб чиқдим. «Коммунадаги тартиб, баҳаволиги, гулларнинг кўплиги ва озодалиги уни ҳайратда қолдирди». Ҳа, кимки у ерга бормасин ҳамма шунга ҳайрон қоларди. Лекин Дзержинский номидаги коммунада содир бўлган ўзгаришларни: болалар қайтадан бола сиёҳига кира бошлаганини, бир тўп бошпанасиз ўспирин бошпана топиб, бахтиёр бўлганини ҳар ким ҳам тушуниб ета олмайди...

Коммуна ҳақидаги шу бир неча сатр мен учун узоқдан келган саломномадек бўлди. Мен ўзини худди

қадрдон дўстимдан хат олгандек ҳис этдим. Мен ҳеч қачон ўз уйимни унутмас, коммунани ҳамма вақт эслаб эдим. Аммо ўша кунни то кечгача бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйлай олмадим. Уша ёққа шундай боргим келар эдики! Бир соатга бўлса ҳам майли. Ҳеч бўлмаса ҳаммани бир-бир кўриб чиқаман, Антон Семёнович билан қўл сиқишаман-да, яна уйга, Берёзоваяга қайтаман. Отбойдан кейин биз Галя билан алламаҳалгача ҳар нарсаларни эслашиб ўтирдик.

— Ваня Гальченконинг коммунага қандай келгани эсингдами?

— Бўлмасамчи! Ёмғир шаррос қуйиб турарди, ҳамма ёқ балчиқ. Командирлар совети борарди. Бегунок бўлса, нуқул кўчага югуриб чиқиб пойлаб-пойлаб қайтарди. Улар шаҳарда танишган экан. Бегунок унга қабул қилишадими деб ваъда берган экан.

— Ота-онаси ҳақида нима дегани эсингдами? Галяга қараганда отаси ҳам, онаси ҳам ўғай экан...

— Эсингдами Мизяк деразани синдириб қўйган эди, кейин...

Шу маҳал худди сўзимизнинг давомин каби тўсатдан: тарақлаб, жингиллаб кетди — деразанинг жангиллаб сингани, аллакимнинг ҳайқириги ва:

— Ушла! Йўлакда!!— деб қичқиргани эшитилди.

Югуриб пиллапояга чиқдим. Шовқин-суронда уйғониб кетган болалар тўдалашиб туришарди.

— Тутдингларми? Қани? Ким?— деган саволлар эшитиларди ҳар тарафдан.

Шу замонда будка томондан:

— Тутдик! Олиб келяпмиз!— деб бақирди.

Кузги тинч қоронғиликдан Алексей Саввич билан катта Стеклов чиқиб келди. Уларнинг ўртасида қандайдир бир одам кўринарди.

— Эски танишлардан дейишяпти,— деди Алексей Саввич қўлга тушган одамни мен томонга итариб.

Мен унинг елкасидан ушлаб тикилиб қарадим. Лекин бу одамни қаерда кўрганимни эслаб олмадим. Тўсатдан икки овоз бараварига:

— Ие бу Юрка-ку!— деб қичқириб юборди.

— Ие, Нарискин-ку!

Ҳақиқатан ҳам Нарискин эди. Ўлгудек қўрққанидан афти-башараси буришиб, рангги қув ўчиб кетган эди. Чўзинчоқ юзи ифлос, кўзлари қисик.



— Ҳали нафасини ростлаб ололмаган Стеклов:

— Эўра тутдик! — деб изоҳ беради.

Алексей Саввич қизиб кетган юзини арта туриб:

— Хув йўлдаги қайини бор-ку — агар ўша ағачатиб қўйилган қайинга қоқилиб йиқилмаганда, тутолмас эдик, — деб тасдиқлади унинг сўзини. — Иккинчиси қочти-кетди. Иккита эди-да, булар.

Наришқин тўсатдан қўлимдан юлқиниб чиқди, лекин уни тўхтатиб ўтиришга тўғри келмади — у додвойлаб юборди, тишларини ғижирлатиб ерга ўтириб қолди.

— Узи нима бўлди, ҳеч нарсага тушунмаяпман! — дедим мен.

Болалар бири бирининг гапини бўлиб ҳикоя қила бошлашди.

Ярим кечада навбатчи тарбиячи Алексей Саввич ошқонадан уйимиз томонга келаётган экан, қоровуллик қилаётган отряднинг командири Сергей Стеклов дераза тоқчасида ўтирган экан. Тўсатдан юқоридан, ётоқ томондан: «Ушла! Тут» деб қичқирган товушлар эшитилибди — аллаким зинадан югуриб тушиб келаверибди. Сергей қўлларини ёйиб тутмоқчи бўлган экан, лекин югуриб келаётган одам уни йиқитиб юборибди-да, деразадан чиқиб кетибди. Шу маҳал Алексей Саввич

унинг йўлини тўсибди, лекин аллаким ён томондан келиб Алексей Саввичнинг елкасига таёқ билан туширибди-да, (бошига урмоқчи бўлгандир-у, лекин хато кетган бўлса керак), биринчисининг кетидан парк томонга югурибди. Алексей Саввич уларнинг кетидан чопибди. Стеклов бўлса ундан ўзиб кетибди. Уларга етиб олишларига кўзлари етмаса ҳам, қоронғида йўлни суриштирмай қувиб кетаверишибди. «Шунчаки, жаҳл устида»,— деб тушунтирди Алексей Саввич. Лекин шу маҳал олдинда аллакимнинг гупиллаб йиқилгани эшитилибди, Сергей йиқилиб ётган одамга дуч келибди. Шунда Алексей Саввич етиб келиб, асирни уйга судраб келишибди. У оқсоқланиб, қоқилиб, қанча тисарилмасин — фойда бермабди.

Мана энди у оғриқдан тишларини гижирлатиб, икки қўли билан оёғини чапгаллаб ўтирарди. Қаттиқ йиқилган бўлса керак.

— Ярамас бола! Ўғирлик қилгани келган! Ўғирлаб кетмоқчи бўлган!— дейишарди, атрофдагилар.— Уни томоша қилиб ўтиришнинг нима кераги бор! Қулоқ-чеккасига тортиб-тортиб юбориш керак! Ўғирлик қилишга топган жойини қаранглар-а!

Шу маҳал шошмасдан вазмин гапираётган Павлуша Стекловнинг сўзлари қулоғимга киради:

— Сени яхшилиқча чиқариб юборишибди-ю, сенинг қилиб юрган ишингни қара!

— Шошманглар!— дейди Нарешкиннинг тепасига энгашган Алексей Саввич тўсатдан.— Бу ёпишқоқ нарса нима — не, оёғи қонга беланиб ётибди-ю.

— Унинг билан овора бўлиб ўтиришнинг нима кераги бор!— деб қичқиради Король ғазаб билан.— Башараси курсин!

— Нима десанг ҳам барибир оёғини бойлаб қўйиш керак, Король,— деб эътироз билдиради Алексей Саввич хотиржамгина.

Ғазабли ҳайқириқлар унинг сўзини бўлди. Ҳеч ким шафқат қилинишини истамас эди.

— Қани, Сергей, ёрдамлашиб юбор,— деб буюрдим.— Қўлтиғидан ушла.

Нарешкиннинг оёғини нақадар эҳтиётлик билан ушламай, оғриқ қаттиқ шекилли у оқ тортиб юборди-да, қўрқиб шу замоноқ жим бўлиб қолди. У иложи борича кичик ва сезилмай туришни истаётган бўлса ажаб эмас.

— Синмагапмикан?..— деди ташвишланиб Алексей Саввич.

— Унинг ҳамма жойини уриб синдирсанг ҳам камлик қилади!— деб пинғиллайди аллаким.

— Бўлди, кўп ошаверма,— унинг сўзини кесади Сергей.

Шундай қилиб бечора босқинчини ҳамма вақт бўш ётган касалхонамизга—ҳовлидаги уйнинг бир хонасига олиб бориб ётқиздик: бизда ҳеч ким касал бўлишни истамас эди.

Наришкинини кроватга ётқиздик. Шундагина, у аччиқланган болалар атрофини қуршамагани учун, болалар йиғлаб-йиғлаб бўлгандаги каби чуқур хўрсниди ва оҳистагина:

— Оғрияпти...— деди.

Оҳистагина тиззасини букмоқчи бўлган эдим, у додлаб юборди.

— Синганга ўхшайди. Хирург топиб келиш керак, иложи борича тезроқ топиб келиш керак. Ҳозир яхшилаб ётқизиб қўямиз, аммо тонг отар-отмас Поповга юбориш керак,— деди ташвишланиб Алексей Саввич.

— Юборамиз,— дедим мен.— Сергей ҳозирча Галина Константиновнани чақириб тур. Бирон нарса ўйлаб топмасак бўлмайди.

Ранги бўздек оқариб кетган, ўласи қўрққан Нарискин гоҳ биримизга, гоҳ бошқа биримизга қараб ётарди.

Мен эшик томонга йўналган ҳам эдимки:

— Вой, Семён Афанасьевич кетиб қолманг!— деб илтижо қилди у.

— Ётавер. Сенга қўл тегизишмайди, тушундингми? Галина Константиновна ҳам қолади.

Сергей икковимиз чиқиб кетамиз. Пиллапояда ҳам тўдаланиб туришди—шов-шув, говур-гувур, уйда ухлаётган зот топилмаса керак.

— Урдиларингми уни?— деб сўрайди аллаким умидворлик билан Стекловдан.

— Укинни бўлиб қолдингми?

— Нега бўкиряпти бўлмасам?

— Оёгини синдириб қўйибди, ўшанга бўкиряпти.

— Ҳа-а-а!— дейди чўзиб Сергейнинг суҳбатдоши.

Тезда ётоқларга тарқалишни буюрдим. Аммо шу кеча ҳеч ким яхши ухламади. Нарискиннинг ёнида ўтирган Галянинг ўрнига тонгга яқин Екатерина Ивановна келди,

Жуков бўлса, хирургни чақиргани кетди. Хирургнинг уйи у қадар узоқ эмас эди.

Хирург билан танишганимизга анча бўлиб қолган. Бир кун Коршуновнинг томоғига балиқнинг қилтаноғи тикилиб қолди — ҳеч ким қилтаноқни олиб ташлай олмади, Коршунов бўлса бошини у ёқдан бу ёққа ташларди. Қийналиб кетган Галя Король билан Стекловнинг ёрламида Коршуновни Евгений Николаевич Поповникига олиб борди. Бизникиларнинг кейинчалик айтишларига қараганда доктор Коршуновга оғзини очтирибди ва шу замоноқ қилтаноқни олиб ташлабди. Қилтаноқнинг ўзи унинг қўлига сакраб тушгандек осонлик билан олибди.

Лекин бу гал уни чақириб келиш керак эди. Бунинг устига яна шундай тонг саҳарда чақирибга тўғри келяпти. Келмай қолса-я? Нарешкиннинг аҳволи чатоқ. Кечаси билан мишжа қоқмай, тўлғониб, вай-вайлаб чиқди.

Евгений Николаевич келди. Унинг келишига ишонмай умидсизланиб ўтирганимизни эшитиб қошларини чимирди:

— Бемор кутиб турган жойга бормаган врачни кўрганмисиз? Кечаси чақиртириш керак эди, чакки қилибсиз.

У баланд бўйли, семиз, соч-соқоли оппоқ киши эди. Унинг ҳатто қошигача оқ эди. Елкасига сочиқ ташлаган Вася Лобов бошини баланд кўтариб (доктор ундан деярли пикки баравар баланд эди), уни умивалник ёнига бошлаб борди. Евгений Николаевич қўлини ювиб бўлиб, Нарешкиннинг кроватига ўтирди, бир оз унга диққат билан тикилди-да, кейин бизга ўғирилди:

— Бу болангизнинг кийим-боши нега бунақа?

Нарешкиннинг усти-боши бир ҳолатда эди. Унинг кўйлагини алмаштирган эдик-ку, лекин ифлос бўлиб қолган иштонини Галя йиртиб қўя қолган эди. Нарешкин ювинтирилган бўлса ҳам бошиқа болаларга сира ўхшамас эди.

Лобов чидаб тура олмади ва:

— У бизники эмас! — деди-ю, Екатерина Ивановнанинг боқишларидан чўчигандек, шу замоноқ ғойиб бўлди.

— Сизларники эмас!

— У, ҳақиқатан ҳам... адашиб... бу ерга адашиб кириб қолган, — деб тушунтирди Екатерина Ивановна бўшашиб.

— Адашиб? Ҳим... шундай. Буни сиз қўйдингизми? —

деб сўради Евгений Николаевич Нарискиннинг оёғи тагига қўйилган тахтачани олар экан.—Галина Константиновнагиз тез ёрдам берувчи мутахассисларингизми? Дуруст, тўғри қилинган... Бақирма-бақирма. Йигит кишига уят эмасми. Хўп, хўп...

Унинг бармоқлари — хирургнинг кучли, эпчил бармоқлари — енгил ҳаракат қиларди. Усталик билан, қарамасдан туриб оёқни ушлаб-ушлаб кўрар, биз билан ҳам хотиржамгина гаплашарди.

— Нима ҳам дердик...

Биз нима бўлганини англаб улгура олмадик: врачнинг эпчил тетик ҳаракатидан кейин Нарискин додлаб юборди, яна Евгений Николаевичнинг хотиржам овози эшитилди:

— Ана, солиб ҳам қўйдик. Ҳаммаси жойида. Биринки кун ётасан, кейин аста-секин юрсанг ҳам бўлади. Қирилган жойлар зарарсиз, қотиб ҳам қолибди.

—...Боқимсиз болалар дейсизми?— деб сўрар эди у бир оздан сўнг.— Мени чақиргани борган бола ҳам боқимсизми? Хув анави ҳам-а? Ўзи нима гаплигига тушуна олмай қолдим... Оёғи чиққан бола адашиб келиб қолган денг? Агар сир бўлмаса, бу «адашиб» деганингиз қайси маънода?.. Ҳа, шундай денг. Оббо... Жуда-жуда қизиқ-а!

Дарс соати яқинлашди. Екатерина Ивановна группасига кетиши керак эди. Нарискин унга ёпишиб олди:

— Ёлғиз қолмайман! Болалар уради!

— Ҳеч ким тегмайди деяпман-ку, сенга,— деб юпатарди Екатерина Ивановна.

Аммо Нарискин қўрққанидан кўзини ҳатто юмиб ҳам олди-ю, фақат қизғиш сочи ҳурпайган бошини чайқарди холос. Йўқ, йўқ, у сира ёлғиз қолмайди!

— Келинг, мен яна ўтириб турай деб таклиф қилди Галя.— Костик, Нарискин ёнида қоласанми?

Костик билан Лена эшикдан мўраламоқчи бўлиб анчадан бўён касалхона ёнида ўралишиб юришарди. Улар ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборган одамнинг кимлигини, кимни деб болалар ғала-ғовур кўтаришаётганини, оқсоч доктор кимни даволаганини билишга қизиқишаётгани равшан. Шундай қиладиган бўлдик. Галя болалар билан Нарискиннинг ёнига кетди, мен — мактабга. Энди мен мактабда ҳар куни дарсларига кирар, кўрар, эшитар ва ўрганар эдим.

— Ўтган дарсда айлана деб нимага айтилишни ўта

бошлаган эдик-а? Владимир Михайлович синфни диққат билан кузатиб стол ёнида туради.— Сиз, Репин, шунини таърифлаб беришга ҳаракат қилган эдингиз. Қани, шунини бир такрорланг-чи.

Репин ўрнидан туради ва дона-дона қилиб гапиради:

— Ҳамма нуқталари бир нуқтадан баравар узоқликда бўлган чизикқа айлана дейилади.

— Бир нуқтадан баравар узоқликда бўлган...— деб такрорлайди Владимир Михайлович. ўйчан ва тахтага ёй чизади.— Бу ёққа қарангчи: мана бу чизикнинг ҳамма нуқталари бир нуқтадан баравар узоқликда турибди. Демак, бу ҳам айлана экан-да?

Репин лабини тишлаб қолади. У гапиришга улгурмасидан Король ўтирган еридан:

— Ҳамма томонни берк!— дейди, баланд овозда, ўзига у қадар ишонмаса ҳам.

— Шошманг, Митя. Хўш, нима дейсиз Андрей?

— Айлана деб,— сўзлай бошлайди Репин бепарволик билан,— ҳамма нуқталари бир нуқтадан баравар узоқликда бўлган туташ чизикқа айтилади.

У Король томонга қарамайди-ю, лекин: ана, кўриб, кўйи дегандек қилиб «туташ» сўзини чертиб айтади.

Владимир Михайлович столдан қора шар олади. Ўша шарга бўр билан туташ эгри чизик чизади.

— Нима дейсизлар,— деб мурожаат қилади болаларга,— шу эгри чизикнинг ҳамма нуқталари шарнинг марказидан баравар узоқликдами? Ҳа, баравар узоқликда. Демак, шунини айлана деса бўладими?

Таъриф тўла-тўқис бўлмаганлигини ҳамма тушунади. Болаларнинг диққат билан боқишлари, қовоқларинини соғлиб ўйлашларига қараганда тўғри таърифлашдан ҳам кўра ишлаш процесси зарур эканлигини ҳис этаман. Улар ўйлашади, қидиришади. Ҳозирги таърифлашда етишмаётган «ясси» деган сўзни топиш учун қанчалик бош қотиришаётганини кўриб тураман. Лекин бу сўз айтилмаганча қолиб кетади: синф эшиги очилади, остонада Костик пайдо бўлади.

Леня билан икковига учинчи қаватга, мактабга чиқиш қатъий таъқиқланган. Костик буни яхши билади, шунинг учун ҳам ҳеч қачон бу ёққа чиқмас эди. Бу унинг биринчи бор қондани бузиши.

Ҳамма каллалар эшик томонга ўгирилган, бир дақиқа ҳаммамиз ҳайрон бўлиб унга қараб қоламиз.

— Король шу ердами?—деб сўрайди Костик овозини барала қўйиб.— Король, менга қара!..

Аллакимнинг қўли орқадан туриб Костикни тортади, коридорда Галянинг ташвишланиб:

— Костик эсинг жойидами ўзи! Сенга ким ижозат берди?—деб шивирлагани эшитилади.

— Шошманг, ойи!—деб барала қичқиради Костик.— Король, горини Нарешкин олиб кетган экан! Бизга ўзи айтди!

47

Кечқурун

Эшикдан кирмасимданоқ:

— Сени қараю, шундан бошқа нарсани ўйлаб топа олмадингми?—деган овозни эшитдим. Қасалхонага қарасам Нарешкинга овқат олиб келган Глебов турибди.

Нарешкин қовоқ-тумшугини осилтириб девор томонга ўгирилиб олди-да, жавоб бермади.

— Эшитдингизми, Семён Афанасьевич?— дейди Глебов эшик ёнида менга тўқнаш келиб.— Горини! Биз бўлсак, нималарни ўйламадик! Король бўлса бўйнига олиб юрибди. Уятсиз Нарешкин! Унга нима ҳам дердик...

Глебовнинг чеҳрасидан ҳам, овозидан ҳам ўз қадри-қимматини билиши, Нарешкиндан жирканаётгани сезилиб турарди.

— Семён Афанасьевич,—деб давом этади у кровать томонга масхараомуз имо қилиб,—кириб келсам, шундай ҳурпайиб олибдики, худди Тимофейнинг ўзгичаси дейсиз! Ургани келди деб ўйлади шекилли, аҳмоқ. «Сенга шчи олиб келдим, аҳмоқ! Ҳозир иккинчисини олиб келаман!» дедим. У бўлса, дир-дир қалтирайди. Тариқча онг деган нарса йўқ!

Разумов гул-гул ёниб юради.

— Ана кўрдингми! Айтмовмидим!—дерди у дуч келган болага. Король низоҳ бераман деб ўзини пастга урмайди. У ўзини шундай тутадикки, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ҳамманинг кўнглини ғаш қилган горн воқнаси бўлмагандай, елкасидан тоғ ағдарилмагандай.

— Сени қараю, Король,—дейди Коробочкин мулоҳаза юргизиб—тентакво-эй! Нега ўзингга ўзинг тухмат орттириб юрдинг-а? Барибир ҳеч ким ишонмаган ҳам эди.

— Қўйсанг-чи. Жонимга тегди,— дейди Король сарғиш кўзларини қисиб.— Нега бўларди: Володькани тинч қўйишсин дедим-да.

Унинг гапини шундай тушуниш керак: «Володька ожиз. Мен кучли. Менга икки дунё бир қадам. Вассалом. Бу ҳақда ортиқ ўйлашни истамайман.»

Наришкин абвалгидан бадтар маъюс. У бизни ҳамма нарсани олдиндан билишимизга шубҳа қилмасди. У ўзлигидан иқрор бўлган эмас, шунчаки гап желиб қолганда тилидан илинган.

— Ўтган гал ҳам,— деган у Галяга.— Ошхонадан чиқиб кетаётиб йиқилганман. Оёғим бут қолган эди. Фақат қўлим....

Галя ҳайрон қолиб-нетиб ўтирмаган: «Ҳали шунақамини» демаган, тўғридан-тўғри:

— Горини олиб кетганингдими?— деб сўраган.

Буни ҳамма аллақачон билган деб ўйлаган Нарискин:

— Ўшанда,— деб жавоб берган.

Шунда Костик вақтни бекор ўтказмай дарҳол учинчи қаватга қараб чопган, бирин-кетин эшикларини очиб (Вой Екатерина Ивановна, бошқа ёққа киришим керак эди! Вой, Соня хола, Король қаерда, айтиб бера қолинг) қарай-қарай ниҳоят бешинчи группага етиб келади ва ғала-ғовур кўтариб юборади...

Энди Нарискин тилидан тутилиб қолганини билади. Бунга афсусланади. Шу билан бир вақтда, айтгани яхши бўлганини ҳам ҳис этади. Ўзи нима эканлигини англай олмас эдию, лекин бир нарсани аниқ биларди: болалар анча юмшаб қолишди. Уни кечирншга-ку, кечирншгани йўғ-а, лекин ўзи анча енгил тортди, энди кўрқавермайди. Энди у ёлғиз қолишдан кўрқиб Галя билан Екатерина Ивановнанинг этагига маҳкам ёпишмайди. У аксар юзини деворга қилиб, индамай ўйлаб ётади.

Кечқурун отбойдан кейин, уйимиз жимжит бўлиб қолганда ўқитувчилар менинг кабинетимга тўпланишади. Бу вақтда қоровуллик отрядидаги болалар ярим қоронғи коридорларда юришади, ҳовлида ва паркда бир-бирларини чақириб қўйишади.

Биз кун қандай ўтганини бир-биримизга ҳикоя қилиш, унга якун ясаш мақсадида бир озга бўлса-да, ҳар доим йиғилишамиз:— қандай қийинчиликлар бўлди, биронтамиз илгари сезмай юрган бирон муҳим нарсани ҳис этиб қолмадикмикан деб суҳбатлашамиз.

— Ниҳоят, горн можароси ҳам тугади,— дейди Екатерина Ивановна дафтарларни бир-бир қўлдан ўтказиб.

— Яхшилик билан тугади. Король бу синовдан мардлик билан ўтди,— дейди Софья Михайловна.

— Корольёв азамат,— дейди Владимир Михайлович ўйлашиб.— Менга жуда ёқади шу йигит.

— Шу йигит арифметикага қандай?— деб сўрайди Екатерина Ивановна.

— У ўйлашга-ўйлайди. Энг муҳими шу.

— Менингча у ўйлашга ўйлайди-ю,— деб эътироз билдиради Екатерина Ивановна.— Лекин қандай десам экан.... охиригача етказолмайди. Ярим йўлда тўхтаб қолади. Кўпинча шундай бўлади: вазифани тўғри ўйлаб сача бошлайдию, ярмида адашиб — ишни бузади қўяти.

— Бунақаси ҳам бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси вақтинча. Қобилият бўлса бўлди, бора-бора малака ҳам ортади, зеҳн ҳам ошади. Умуман бешинчи гурппада қобилиятли болалар кўп... ҳолбуки булар тарбияланиши қийин бўлган болалар уйига тушиб қолишган,— деб тугатади сўзини Владимир Михайлович истеҳзо билан.

Кўнгилчан ва жиддий Алексей Саввич бўлса:

— Яна иллатли болалар деб ҳисобланишади!— дейди яна ҳам кучли истеҳзо билан. Мен уни кўнгилчан, оғир одам ҳисоблаб бу хилда истеҳзо билан гапириш унинг қўлидан келмас деб юрардим.

— Иллатли болалар эмиш!— дейди кулимсираб Владимир Михайлович.— Масала, Репинни олайлик, математикага жудаям уста. Мушоҳадаси ўткир. Шуниси қизиқки, шунча йил дарбадар кезиб олган билимини унутмаган.

— Репин... тўғри-тўғри... Мени ҳаммадан кўп ташвишлантираётган бола ҳам шу,— дейди Алексей Саввич печкадаги кўмирни ковлаб.

— Тўғри, ҳаммадан ортиқ,— деб қўшилади Софья Михайловна.— У, Қолишкин ва уларнинг отряди. Бу тўғрида аввал ҳам бир неча бор гапирганман. Шу ишни ҳаддан ташқари чўзиб юбордикми дейман, Семён Афанасьевич. Уларни ажратиш қўйиш керак. Репинни бошқа ёққа ўтказиш керак ёки ҳаммасини бошқа-бошқа отрядларга бўлиб юбориш лозим.

— Кечирасиз, мен болаларни ҳали унча яхши билмайман,— дейди гапга аралашиб Николай Иванович,—





— лекин Репинни қайси отрядга ўтказасиз? У ҳамма жойда ҳам хўжайинлик қилса керак.

— Тўғри, дўқ уришни севадиган бола,— дея қўшилади Владимир Михайлович.

— Йўғ-э!— кулади Алексей Саввич.— Подсолнуш-кининг ёки Стекловнинг отрядида дўқ уриб бўлибди. Лекин Стекловнинг болалари кичкина, у ерга ўтказиб бўлмайди.

— Демак, кўчирамизми?— деб сўрайман.

Шу масала аллақачондан буён менга тинчлик бермай келаётган бўлса-да, биринчи бор овозимни чиқариб сўрашим эди.

Екатерина Ивановна ҳамма учун жавоб беради:

— Кўчирайлик, Семён Афанасьевич. Анчадан бери Колишкинни кузатиб юраман. Репин бўлмаса бутунлай бошқача юради, ўзини ҳам бошқача ҳис қилади. Мана, ўқиб бераман.

У дафтарларни титқилайди. Биз қизиксиниб кутамиз. Екатерина Ивановна мактабда иккинчи сменада, Колишкин ўқийдиган учинчи группага дарс беради,— кузатишга имконияти бор.

Екатерина Ивановнанинг қўлида бир варақ қоғоз. Не-ча жойига снёҳ томгани узоқдан ҳам кўришиб турибди.

— Мана,— дейди,— Колишкин кеча иншо ёзди. Имло хатосининг сон-саногин йўқ, албатта. Бўшгина. Бирон ерга тиниш белгиси қўйилмаган. Тўғрисиини айтганда уни иншо деб бўлмайди. Лекин гап бошқа ёқда. Мана эшитинглар.

Алексей Саввич печкани ташлаб яқинроқ келади. Николай Иванович стулини берпроқ суриб ўтиради. Галля қўлини пиягига тираб, Екатерина Ивановнадан кўзини узмайди. Екатерина Ивановна бўлса, Колишкин қолдириб кетган тиниш белгиларини қизил қалам билан ҳавога ёзаётгандай салмоқлаб, нфода билан ўқийди:

— «Қўзиқорин терганда.

Эрталаб барвақт туриб йўлга чиқдик. Мен қўзиқорини ўсадиган жойларини яхши биламан. Оқ қўзиқоринлар йўқ, аммо подберёзовий ва подосиновиклари кўп. Яна битта ўртоғимиз ҳам борди, кимлигини айтмайман. У, бир ўзи тера бошлади. Ёнига бораёй десам: «Яқинлашма, бу ер менинг жойим!» деб қичқиради. Ёнидан кетиб қолдим. Аммо ҳеч қизганмай қўзиқорини ўсган жойини ҳаммага кўрсатиб юрган бўлсам ҳам ундан ортиқ тердим. Жула кўп қўзиқорин олиб келдик. Антонина Григорьевна тушликка қовуриб берди. Ҳалиги болага: «Эҳ сени қараю, нуқул қурбақа салла териб келибсан деди».

Екатерина Ивановна жим бўлиб қолади. Ҳаммамиз кулиб юборамиз, лекин у жиддийлик билан:

— Ҳар ҳолда яхши иншо,— дейди.

— Бўладиган болага ўхшайди. Мен ҳам анчадан буюн уни кузатиб юрибман,— дейди Алексей Саввич.— Осон эмас бу. Гаплашсанг — тўғри жавоб бермайди, чалғитади. Ортиқча сўз айтиб қўйишдан қўрқаётгандек кўринадди. Менингча, Семён Афанасьевич, ортиқ уларни ўз ҳолига ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

... Владимир Михайловични кузатиб қўйиб ёмғирда чилпиллаб кетган йўлдан оёғимни шалолатиб қайтаман. Мана, Антонина Григорьевнанинг уйи. Екатерина Ивановнанинг деразаси ҳамон ёруғ. Яқинроқ бораман. Куз ҳавоси салқин бўлса-да, дераза очиқ. Екатерина Ивановна стол ёнида ўтирибди. Унинг лампа ёруғи тушиб турган, дафтарлар тепасига энгашган юзи менга равшан кўриниб турибди.

— Ўнма қилиб ухламай ўтирибсиз?— деб сўрайман.— Ётинг энди!

— Ким у? Сизмисиз, Семён Афанасьевич. Йўғ-э, ётишимга ҳали вақт бор. Эртага «на столько больше» билан «во столько больше»нинг фарқини тушунтираман — ҳамма вақт шунда қийналаман.

— Хайр яхши ётиб туринг!

— Раҳмат. Сиз ҳам.

Нари кетаман. Ана, уйимизнинг тунги сийрак чиролари ҳам кўриниб қолди.

Екатерина Ивановна неча йилдан бери дарс берали? Ингирма йил бўлса керак. «На столько» билан «во столько»нинг фарқини озмунча тушунтирганимкин? Лекин барибир худди биринчи дарсга тайёрланаётгандек тайёрланиб ўтирибди...

Кундан-кунга оғирроқ

Қизиқ. Шу ерга келганимга ўн ойга яқин вақт ўтди. Дастлабки вақтларда биз тарбиячилар, кечалари яхши ухлмас, бошимиз ташвишдан чиқмасди. Олдимизда барбод бўлган болалар уйи — тарбиялаш қийин болалар бор эди. Кундан-кунга янги, соғлом, яхши ҳаёт кура бошладик — болалар эса тезда ўзларини тута бошладилар. Болаларнинг нормал ҳаётга бунчалик тез ва осонликча қайтишлари, аввалига мени жуда қўрқитиб юборди. Тартиб-интизомнинг илк нишонларига ишонмас эдим. Ўртоқлик муносабатларига, «мен» ўрнига «биз» сўзининг ишлатилишига ишончсизлик билан қарардим. Уйимизда нарсалар йўқолмайдиган бўлиб қолгач, мен нуқул, яна бир янги ўғирлик, муштлашув ва қочиб кетганлар тўғрисида хабар топиб қоламанми, деб қўрқар эдим. Аммо, яна ва яна, лекин бу гал ўз тажрибамда шунга амин бўлдимки, инсоний шаронгда яшаган одам ўзини табиий ҳис этар экан. Табиий деганим: ўзини ҳайвон сингари эмас, инсон сингари ҳис этар экан.

Агар инсонни ҳурмат қилинса ва ундан талаб қилиб турилса, агар инсонда ҳар донм инсоний фазилатларни кўриб, уларни ҳаётга мослаб соат сайин, кун сайин парвариниш қилинса, бу мева бермасдан қолмайди.

Горький помли колонияда, Куражда, кейинчалик Дзержинский помли колонияда, ўша вақтда айтилишича

«ўтмиш сарқитлари»нинг турли кўринишлари билан курашиш учун Антон Семёновичга кўп меҳнат, вақт ва куч сарф қилишга тўғри келарди. Лекин бу ҳақиқатан ҳам маълум мақсад учун курашаётган коллективнинг энди изга тушиб келаётган ҳаётда илдиз ота олмаган эски урф-одатларнинг сўнгги қолдиқлари эди. Лекин бу бир печа йиллар муқаддам бўлиб ўтган нарса, шундан ташқари Антон Семёновичнинг иши оғир ва сердиққат эди — ўтмишда кўчада кўп дарбадар кезган, қамалиб чиққан — ўн олти, ўн саккиз яшар йигитлар эди.

Мендаги болаларнинг энг каттаси ўн тўртга кирган — булар ота-онасиз етим болалар. Ҳаммалари ҳам боқимсиз юрган эмас, лекин баъзилари кўча-кўйда бир-икки йил дайдыган, шунинг ўзи ҳам оз эмас. Менинг болаларим ичида 1920 йилдаги Семён Карабановга ўхшаганлардан битта ҳам йўқ. Менга ўхшаш илк горькийчилар билан Антон Семёнович озмунча қийналганми! Болаларнинг кўплари Берёзовая полянага, бизнинг тарбиялаш қўйин бўлган болалар уйимизга педологларнинг касофати билан келиб қолишган. Бу педологлар арзимаган нарсага болани ёки ўспиринни бефаҳм, эси паст, иллатли деб ҳисоблашаверади. Ана шу «эси паст» ва «иллатли» деган болалар гўппа-тузук бўлиб, фарқи Коршунов сингари асабийроқ ёки Глебов сингари аччиқ-чучукни кўпроқ тортиб, саёқ юрганлиги ва интизомсизлигида эди. Шунинг учун ҳам бир вақтлар Антон Семёнович ишлаган чоғдагидан кўра менга ишлаш юз карра осон эди.

Энг муҳими шуки, ҳозир вақт тамомила бошқача: 1934 йил арафасидамыз. Мамлакатимиз қаддини ростлаб, энг оғир синовлардан ўтиб, шахдам қадамлар билан олға қараб бормоқда эди. Уйимиз энди қулоқлар зулми остида эзилган оч қишлоқ қуршовида эмас эди. Биз меҳнат, қурилиш ва умид билан қайнаб тошган, ўсиб, қайта қурилаётган шаҳар яқинида, ёппасига коллективлаштирилаётган районга жойлашганмиз.

Антон Семёнович бошида якка эди, ичкариликда, Полтавщинада қолиб кетган эди. Ёш республика ўз ҳаётининг биринчи кунларидапоқ болаларга, айниқса, етим болаларга ғамхўрлик қилган бўлса-да, — ўша йилларни ҳозирги кунимиз билан тенглаштира олармидим? Идорама-идора кезишга, Антон Семёновичнинг аччиқ истеҳзо билан айтишича «дастрўмолнинг зарурлиги ва фойдаси»ни кимгадир уқтириб ўтиришга тўғри

келмас эди. Ҳеч ким менга тўсқинлик қилмас, халақиг бермас эди. Ҳар бир илтимосим қондириларди — менга бажону дил ёрдам беришарди. Нимасини айтай: менга ишлаш Антон Семёновичдан кўра юз карра осон эди. Лекин шунга қарамай кундан-кун ишлаш оғирлашиб бораётганини ҳис қилардим.

Ишним юришиб кетаётган сайини оғирлашиб бораётгандек туюларди. Ҳақиқатан ҳам: агар болалардан биронтаси муштлашиб қолса, ўғирлик қилса ёки бирон ёмонлик қилса — сен кўриб-билиб турасан, шунинг учун ҳам, тезда бирон қарорга келишинг керак. Лекин кунлар кетидан кунлар ўтади. Дарс устахонада ишлаш билан, иш — ўйин билан, ўқиш, кулги, қўшиқ ёки сайр билан алмашинади. Ҳеч ким қочиб кетгани йўқ. Ҳеч нарсаси йўқолмади. Нима, ҳамма ишлар жойидами? Энди қўлимни қовуштириб ўтирайми? Ҳеч ҳам-да! Иш энди бошланяпти-ку. Лекин, энди иш аввалгидан кўра мураккаброқ, чалкашроқ.

«Шуниси қизиқки, ишлаш кундан-кунга оғирлашиб борапти», — деб ёзган эдим Антон Семёновичга. Шунда у: соғлом, оддий болаларни тарбиялаш оғирроқ бўлади, деб жавоб қайтаргани ҳали-ҳали эсимда. Бундай болаларнинг кўнгли поэтикроқ, талаблари хилма-хил, анча маданиятли, муносабати турлича бўлади. Улар биздан катта-катта ишлар қилишни, орқасидан елиб-югуришни, ҳис-туйғуларига таъсир қилишни учун турли йўллар ўйлаб топишни эмас, балки уларнинг кўнглини топа билишни, ҳар қайсисининг кўнглига қараб муомала қилишни талаб қилади. Тез таъсир этувчи бирон алоҳида усул ёки йўл билан характер яратиб бўлмайди. Аммо, бир муҳим нарсани унутма: колонияга келган ҳар бир тарбияланувчинини — ўғил болами, қизми, барибир, сен уни кўринишига қараб эмас, балки ҳар томонлама чуқур ўрганиб туриб, унинг келажақда ким бўлишини аниқлашинг керак.

Бу гапнинг ҳар бир сўзи тўғри эди, ҳар бир сўзи кишини ташвишлантирар, ўйланишга мажбур этарди. Мен яна бошқа бир нарсани ҳам тушундим. Илгари мен турли характердаги болалар билан ишлаёлмасам нима қилмаман деб қўрқардим. Энди анча хотиржам бўлиб қолганимни, ҳар бир болани аввалгидан кўра камроқ кузатаётганимни, ҳар бири устида унчалик бош қотирмаётганимни ҳис этаман.

Колишкин. Колишкин ҳақида бир чуқурроқ ўйлаб

кўрдимми? Унинг характери, хулқи-атвори ҳақида-чи? У ҳаётимизда доғ бўлиб турарди. Ҳаётимиз кундан-кунга порлоқ ва соғломлашиб борар, бу бола эса бошигача аллақандай ифлос, тозалаш мумкин бўлмаган бир нарсага ботиб кетгандай кўринарди. Узининг шу аҳволига бепарво қарар ва бу нарса унга табиийдек туюларди. Хўш, Репинчи, Репин... Мен уни унута бошлаганман. Чунки у мени аввалгидан кўра камроқ ташвишлантирарди. Бизнинг ишимизда бир дақиқа ҳам бепарво, хотиржам бўлиш мумкин эмаслигини билардим-ку, ахир!

Дзержинский коммунасида шундай воқиа бўлган эсимда. Янги бола келди. Келган куниданоқ ҳаммага — болаларга ҳам, тарбиячиларга ҳам ёқиб қолди. У хушчақчақ, хушмуомала, ақлли бола эди. У мактабда яхши ўқир, заводда ҳам ишни қойил қиларди. У ишни шўқадар тез ўргандики, гўё умри бино бўлиб фрезер станогиде ишлагандай. Инженерлар уни мақтагани-мақтаган эди. Педагоглар бошқа болаларга ўрнатқилиб кўрсатарди. У катталар олдида одобли, ўртоқлари билан хушмуомала эди.

Бир куни ўқитувчилардан бири Антон Семёновичнинг кабинетиде:

«Н. ажойиб бола-да! — деди. — Ажойиб бола!»

Антон Семёнович унга хўмрайиб қараб қўйди, бир оз жим турди-де, кейин тўсатдан гапира кетди, ўшанда унинг гапи бизга кутилмагандек туюлди, биз тушунолмай қолдик. У шундай деди:

«Н. қулф сотиб олиб, қутисини қулфлаб қўйибди. Кўрдингларми?»

Бир-биримизга қарашиб олдик.

«Ўша ажойиб болангиз шубҳали кўринади, — деб давом этди Антон Семёнович. — Коллективимизде, бизнинг шароитде қутини қулфлаш, нима эканлигини бир ўйлаб кўринг. Бу боланнинг кўриниши чиройли бўлгани билан, шу чирой остиде одамларга қанчалик ишончсизлик, шубҳа яшириниб ётади! Шў нарсани сезиб юрибман: кўпинча ўқувчи бирон гуноҳ қилиб қўйгунча индамай юрамиз. Бирон гуноҳ қилиб қўйгандан кейингина тарбиялай бошлаймиз. Жимгина юрадиган болалар билан эса мутлақо ишимиз бўлмайди. Мўмин-қобил кўринган бу бола қандай ўсяпти, қай томонга кетяпти, бунини билмаймиз ҳам, билиб олиш ҳам қўлимиздан келмайди. Бўш-баёвлар, зиқна, анқов, мупофиқ, икки юзламачи,

дарсин тушунмай ёдловчилар биз педагогларининг назаридан четда қолади. Биз уларининг бор-йўқлигини ҳис этмайсиз. Энг муҳими шуки, улар бизга халақит бермайдн. Булардан ташқари яна шуниси ҳам борки, барибир уларни нима қилиш кераклигини билмаймиз. Ахир шўх, тўполончи болалардан кўра, ана шундай болалардан ярамас одамлар кўпроқ чиқади.»

Мен Антон Семёновичнинг шу сўзларини эсладим ва: Репин ким бўларкин? Қолишкин-чи?—деб ўйлаб қолдим.

Ҳар қандай боланинг ҳам келажакда ким бўлишини олдиндан айтиш қийин. Ўртоқларим ҳақ: Репин энди интизомни бузмаяпти, Қолишкин ҳар қадамда ўралашиб жонга тегмаяпти деб хотиржам бўлиш ярамайди. Лекин, қайси томондан киришиш керак?

Қутилмаганда Нарншкин жонимга ора кирди.

Наришкин олтин куз кунларининг бирида, октябрнинг бошларида касалхонадан чиқди. Шамол эсиб турар эди. Ҳаво совуқ, инҳоят ёмғир тиниб ҳаво очилиб кетди. Нарншкин оёғини сал судраб босиб ҳовлини айланиб чиқди, кўзини бир нуқтага тикиб пиллапояда бир оз ўтирди.

Киши характеридаги айрим хусусиятлар ҳаёт, қундалик турмуш, урф-одат таъсирида ўз-ўзидан такомиллашади. Лекин киши характерида шундай хусусиятлар бўладики, уларни такомиллаштириш учун кўп меҳнат қилиш керак. Бунда янгича фикр юритиш, янгича ёндошиш, янгича қарор талаб этилади. Шунини яхши билмагани, Нарншкинни аввал бир йўлга солиш керак: унинг истак ва орзуларини, ўй ва фикрларини билиб олмак зарур.

Коммунада янги келган болани то ўрганиб, қўниқиб олгунча ўз ҳолига ташлаб қўйишарди. Унинг айланиб, томоша қилиб юришга ҳеч ким халақит бермас эди. Дастлабки вақтларда янги келган бола ишламас ҳам эди, ўқимас ҳам эди. Кейин уни бирон отрядга ўтказилар ва ўзидан катта бир болани қўшиб қўйишарди. Шу бола дастлабки вақтларда ишда ҳам, ўқишда ҳам янги болага ёрдам берарди. Лекин Нарншкинни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. У бу ерга, юмшоқ қилиб айтганда, бошқачароқ йўл билан келган. Унда, бу ердагилар Юрий Нарншкин Берёзовая полянада қолсин деб бўлиб туришибди, деган таассурот туғилмаслиги лозим.

Ховли бўм-бўш — болаларнинг баъзилари устахонада, баъзилари мактабда. Мен зинага унинг ёнига бориб ўтирдим.

— Хўш, тузалиб кетдингми?

У салқинган қовоқлари орасидан менга боқаркан:

— Ҳалиям сал оғрийди... — деб жавоб берди оҳистагина.

— Энди сени нима қилсак экан? — дедим ўйчан. — Қолдирсакмикан ё милицияга топширсакмикан?

Унинг қисқик кўзлари катта очилиб кетди. У менга эсанкираб қаради-ю, лекин жавоб бермади.

Икковимиз жим қолдик.

— Кечқурун кабинетимга кир, — дедим ўрнимдан тураётиб. — Ўша ерда бир қарорга келамиз.

Дарсдан кейин ёнимга Жуков келди:

— Семён Афанасьевич, Наришкин қолсам майлими деб сўраяпти? Шунингизга айтишни илтимос қилди.

— Сен нима дейсан?

— Семён Афанасьевич, наҳотки ҳайдаб юборсак?!

— Қани, советини чақириб кўрайлик-чи.

Наришкинни нима қиламиз?

Коммунада Антон Семёновичнинг кабинети энг яхши кўрган жойимиз эди. Махсус йиғилиш ёки мажлисни кутиб ўтирмай ҳар биримиз — каттаю кичик, тарбияланувчидан тортиб, ўқитувчигача қира олардик. Қувончимиз ёки ташвишимиз билан шериклаша олар, маслаҳатлашар, бирор нарса илтимос қила олар эдик. Ёрдамга, маслаҳатга муҳтожлар, шахсий — Антон Семёновичдан ташқари ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган шахсий иши борлар одатга мувофиқ кечқурун кириб келишавларди.

Агар Антон Семёнович бирон ёққа кетиб қолса, кабинетда ўқитувчилардан бири ёки командирлар советининг секретари ённки навбатчи командир қоларди. Кабинетда ҳар дақиқа, ҳар қандай иш билан учрашиш учун одам борлигини коммунадагиларнинг ҳаммаси биларди.

Мен бизда ҳам шундай бўлишига ҳаракат қилардим. Мен бирон ёққа кетсам кабинет бўш қолмас — у ерда

Алексей Саввич, Софья Михайловна ёники Екатерина Ивановна қоларди. Кўпинча ўз-ўзидан шундай бўлиб қолардики, биз кабинетда ўтиришни болалар уйи советининг раиси Жуковга ёки навбатчи командирга топширардик.

Коммунада бирор зарурият туғилиши билан совет чақириб бизда одат тусига кириб кетганди.

Кабинетим Антон Семёновичнинг коммунадаги кабинетидай катга эмас,— ўн бешта одам зўрға сиғади. Девор тагига қўйилган узун диван ҳам йўқ. Шу йиғилишга чақирувчи алоҳида сигналдан кейин, болалар югуришиб келиб жойлашиб ўтиргач, мен ҳар гал бир хушхабар олгандек севинаман. У ёқда, минг километрлаб узоқда рўёбга чиққан керакли, оддий тартибқондалар бу ерда кундалик ҳаётимизнинг табиий давоми сифатида ётганини кўрамыз.

Мана, совет тўпланди.

Болалар диванга сиқилишиб ўтиришди, стулларда иккита-иккита бўлишиб жойлашишди. Мен «Ўтир...» демагунимча Нариншкин эшик тагида турди.

У оёқларини стул тагига йиғиштириб ўнғайсиз ўтирарди; ҳозир қўллари ҳам унга халақит берарди: у қўлларини чўнтагига тикиб кўрди, олди, тиззасига қўйди, кейин ёнига туширди ва шу ҳолатда ўтираверди.

— Нариншкинни нима қиламиз, шу ҳақда бир қарорга келиш керак,— дедим мен.— Воқияни биласизлар-а? Биринчи кунёқ: кимки кетишни истаса, кетаверсин деганман. Нариншкин кетмоқчи бўлди. Сени тутиб турдикми Нариншкин?

У ўрнидан сал қўзғалдию, лекин жавоб бермади. Кундузи зинада ўтиргандаги каби кўзини ердан узмас эди.

— Сендан сўраяпман, Нариншкин! Сени биров тутиб турдимми?

— Йўқ,— деб жавоб берди у ниҳоят, ҳамон кўзини ердан узмасдан.

— Кетаётганингда сенга нима деган эдим?

Нариншкин тўсатдан бошини кўтарди-да, тўғри кўзимга қараб туриб:

— Агар касал бўлиб қолсанг — кел, даволаймиз, деган эдингиз.

Энди мен эсанкираб қолдим! Унга бутунлай бошқача гапирган эдим: агар ифлосликдан қўтир касалига чалинсанг, бирон одам даволашини тилайман деганман.

Лекин эътироз билдириб ўтирмадим. Нарискинга ва болаларга яна баъзи нарсаларни эслатиб ўтиш керак эди:

— Биз сенга яхшиликча жавоб бердик, шундайми? Сен бўлсанг нима қилдинг? Бир келдинг — горни ўғирлаб кетдинг, иккинчи бор келдинг — яна бирор нарсани ўғирламоқчи бўлдинг. Аммо, биз сени қабул қилиб олдик ва даволадик. Оёғинг энди оғирмайди, юра оласан-а?

— Юраман...

— Ана шундай,— дедим бошқа болаларга юзланиб,— ўйлаб кўринглар, бир қарорга келинглар. Менингча Нарискинни қолдиришнинг кераги йўқ.

— Семён Афанасьевич, мен гапирай,— дейди Жуков. У ўрнидан туради, қора кўзларини болаларга бир-бир югуртириб чиқади.— Уни қолдирсак дейман. Ўзи ҳам қолишни истайди.

— Истаса нима бўпти! — дейди Король.

— Йўқ, Саня тўғри гапирди, мен Семён Афанасьевичнинг гапига қўшила олмайман,— деди Софья Михайловна,— мен Нарискиннинг қолишини истайман. У орамингда оз бўлди, лекин шу кунлар ичида кўп нарсани тушунди — мен шунга аминман.

— Тушунгани қаёқдан кўринади? — дейди ҳайрон бўлиб Володин.

— Балким ҳозир кўринмаётгандир, лекин кўп нарсани ўйлаб олгани аниқ. У бизга ёмон ният билан келган, лекин ҳеч ким ундан ўч олгани йўқ, аксинча — ёрдам бердик. Бунинг ким тушунмайди? Бу ердагилар қизиқ. Яхши ҳаёт кечираётганимизни Нарискин кўриб турибди. У ҳам қолишни, бизга ёрдам беришни исташига ишончим комил.

Навбатма-навбат Стеклов, Суржик, Подсолнушкин сўзлади — ҳаммалари ҳам Нарискинни қолдириш тарафдори эди.

— Қани, ўзи айтсин-чи,— дейди Король.

Менга худди шу керак: Нарискин Жуков орқали эмас, ўз тили билан, ҳамманинг олдида очиқ сўрашини истайман.

Жимлик. Биз кутамиз. Шу малла боланинг кўнглидан нима кечаётганини яхши биламан.

Ҳайрат, қўрқув, ишончсизлик, қизиқиш ва умид — ҳаммаси унинг чеҳрасида акс этарди. Бунинг устига ҳозир куз: қаёққа ҳам борсин? У вақтлар ҳар ҳолда олдинда баҳор ва ёз кутарди...

— Менга... Мени... Мени қолдиринларини... ку-
райман...

Шу олднй сўзларни тўхтаб-тўхтаб, қўлиниб илган.
Наришкини дудуқ деб ўйлаш мумкин эди.

Овозга қўямиз. Ҳамма Нариникини қолдирини тараф-
дори. Мен ундан ваъда берини талаб қилмайман, унинг
биздаги қонун-қондаларга бўйеунини шарт. Дарҳол уни
юзасидан гап бошланади.

— Келинлар уни қайси отрядга тайинлаймиз, шу-
ни бир ўйлаб кўрайлик,— дейди Екатерина Ивановна.

— Асосий масала — кимнинг отрядига тайинла-
да,— дейди Суржик.

— Рост, ҳамма гап кимга ўтказилишида?— дейди
Стеклов.— Менга ўтказиб бўлмайди — катталик қили-
ди. Подсолнушкинга ўтказилса... Лекин Подсолнушкини-
нинг отряди ҳақида бошқа фикрда эдим: Король ни-
ма дейишини билмайману, лекин менга қолса у ёққа
Репинни ўтказган бўлардим. Қолишкенининг отрядида
унга нима бор.

Король жаҳли чиққанидан қип-қизариб, сарғиш кўз-
лари чақчайиб кетади. Лекин у ўзини тутати, фақат
тишини қисиб гудирлайди:

— Нима, эсимни еб қўйибманми? Ўтказсанг, ўтказа-
бер, менга нима?

— Бу нима деган гап ўзи,— дейди шошилмасдан
Екатерина Ивановна,— ахир бу бўри, эчки ва карам
ҳақидаги топишмоқ эмас-ку, ахир. Бўрини эчки билан,
эчкини карам билан ёлғиз қолдирмасдан, дарёнинг на-
риги бетига олиб ўтиш керак, деган топишмоқ эмас-ку.
Королёв билан Репин — ақлли одамлар, муштлашиб
юришмайди-ку! Қолишкени сен нима дейсан, Репинни
бошқа отрядга ўтказиш керакми?

Қолишкени кўзини бошқа ёққа олади ва индамайди.

Король Сергейга хўмрайиб қарайди — унинг бояги
тапни ҳалигача алам қилар эди.

— «Король нима деркин» эмиш!— деб гўлдирарди
у Стекловни мазақ қилиб.— Король бўлса нима бўлибди?

Аммо Стеклов ҳам бўш келмайди, у бояги фикрига
қайтади.

— Репинни аллақачоноқ Қолишкенининг отрядидан
олиш керак эди,— дейди ҳар бир сўзини салмоқлаб.—
Репинининг ўрни эмас у ер. Сизлар нима дейишингизни
билмайману, менга қолса — Подсолнушкинга ўтказардим.

Подсолнушкин қовоғини солиб, ўтирган ерида типирчилайди.

— Ундан кўра бизга Нарискинни бера қолинглар,— дейди у ниҳоят,— бизда у тезда кўникиб кетади. Биз унга кўз-қулоқ бўлиб турамиз.

Тўсатдан Суржик:

— Йўқ!— дейди жескин.— Сенларга Репинни ўтказиш керак. Нарискинни... Сергей, Нарискинни оласанми?.. Кичкинтойлар бўлса нима қипти? Уни ўзингга ёрдамчи қилиб ол: сен каттароқсан, менга ёрдам бер, дегин.

Оббо Суржик-э! Мен ҳам, бошқа тарбиячилар ҳам унинг бу фикрига қойил қолдик. Лекин болалар ҳайрон бўлишмади. Улар Суржикнинг таклифида ҳеч қандай кутилмаган нарса кўрмадилар.

— Ёрдамчи... — деб гўлдиради Стеклов шубҳаланиб.— Шундан ёрдамчи чиқармиди! Ўзи ҳам доим уй-қўсраб юради. Ухляептими, уйғондими сира биллиб бўлмайди.

— Олавер, олавер!— деди тўсатдан Володин.— Олавер, Сергей. Қўрқма, қочиб кетмайди: олдимиз қиш-ку. Аввалига чидаб юрадию, кейин — нима, уни эси наст деб юрибсанми?

Володин советда жуда кам гапирарди. Ушанда ҳам бўлса, ўзи бирон нарса таклиф этмайди, аксарият «олдин гапирганга қўшилади». Лекин унда бошқалар айтмай ўтирган нарсани очиб солиш одати бор. Нарискинга кўз қирини ташлаб қўяман — у кўзларини жовдиратиб ҳаммани бир-бир кўздан кечириб чиқади. Ҳозир нима бўлаётганини англаб ета олмаган бўлса керак. Майли зарари йўқ: тушуниб қолар.

— Бу жиддий иш,— дедим мен. Уни кимга, қайси отрядга қўйиш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Бу ҳақда педагогик советда гаплашиб оламиз. Суржик, сен ҳозирча Нарискинга кўз-қулоқ бўлиб тур.

Репин буюрди

Тўғри, Колишкин ҳақида менга жуда кўп гапиришган. Репин ҳақида эмас, Колишкин ҳақида. Екатерина Ивановна ҳам. Алексей Саввич ҳам, Софья Михайлов-

на ҳам гапирган. Лекин назаримда — ҳаммаси яхши бўлиб кетадигандек эди. Ҳаётимиз шундайки, ҳамма ишни ўз билганича, бошқача қиладиган Қолишқини отряди бошқа отрядлардан узиниб якка яшай олмайди. Қолишқинининг отряди бизни неча бор қийин аҳволга солмасин, неча бор ўша бир жойга қоқилмавермайлик, барибир: шошилиш керак эмас, вақт ўтган сайини ўз-ўзидан яхши бўлиб кетади, деб ўйлар эдик.

Буни мен кўриб турардим. Решининг анча ўзгариб кетганини бошқалар ҳам кўриб туришарди. У аввалгидан кўра соддароқ, ҳовридан тушиб қолган эди. У уйимизда бўлаётган ҳар бир ишга қизиқа бошлади. Мен бу ҳол иссиз ўтиб кетиши мумкин эмас, ундаги бу ўзгариш ўртоқлари билан бўлган муносабатида, феъл-атворида акс этмай иложи йўқ, деб ўйлардим.

Бу орада мен унинг Москва яқинида, Коломна ёнида яшовчи ота-онаси билан хат ёзишдим. Андрейнинг отаси шундай деб ёзарди: «Яхши хабарларингиз учун катта раҳмат. Лекин ростини айтсам, ишонишга қўрқаман. У неча бор уйга қайтиб келди, ҳар гал охири вэй бўлди! Ўзимдан бошқа ҳеч кимни айбламайман. Хотиним иккаламиз уни нотўғри тарбиялаганмиз, буни биламан. Лекин ҳозир бу тўғрида гапиришнинг вақти ўтди. Кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Хатингизни ўқигандан бери, бир умидим сиздан. Сиз мумкин ва зарур деб топган кунингиз етиб бораман».

Назаримда Андрейнинг ота-онаси ўз ўғли ҳақида фахрланиб гапирадиган кун ҳам яқинлашиб қолгандек кўринарди.

Лекин мактабда ўқиш бошлангандан кейин, Андрейда яна аввалги ҳолат намоён бўлди. У бошқалардан кўра кўпроқ биларди. Қобилияти яхши, зеҳин ўткир бўлгани учун илгари ўқиганлари эсида қолган эди. Немис тили дарсида қиладиган иши бўлмас эди. Бунинг устига Гаус ва Эрвин билан гаплашиши унга кўп фойда қилди. У хатосиз ёзар, география ва тарихдан ҳам кўп нарса эсида бор эди. Шундай қилиб унинг овозида йўқолиб бораётган киборлик оҳанги яна пайдо бўлди.

— Владимир Михайлович,— деди бир кун у такаббуруна,— болалар сиздан ҳечам қўрқинмайди.

Владимир Михайлович унга жиддий тикилиб қаради.

— Мендан кўрқиншмайди, тўғри,— деб жавоб берди у.— Лекин мени хафа қилишдан кўрқиншадн — ссзмадингизми?

Тўғри. Владимир Михайлович жуда мулойим. Унинг бақирганини ёки аччиғланганини сира кўрган эмасман. Аммо, болалар унинг гапиришини кутиб ўтирмай, кўз қарашидан, авзойидан нима демоқчи бўлганини билиб олишадн. Бир дақиқа жим бўлиб қолди дегунча сифга жимлик чўқди. Аммо, у ўрни билан қаттиққўл ҳам бўла олади.

Бир кунн, Репин қўлидан келмайдиган ишга — томонлари 5, 7 ва 13 сантиметрли уч бурчак ясашга уринганида мен ҳам бор эдим. У доска ёнида лабини тишлаб, ҳўмрайиб анчагача турди ва охири ҳеч нарса чиқара олмай жойига бориб ўтирди. Владимир Михайлович уни шоширмас, сабр қилиб кутиб ўтирарди. Кейин орқасидан жилмайиб қараб қолди — унинг шундай аччиқ, истеҳзоли кула олишини билмас эдим. Шунга аминманки, группадаги болалардан ҳеч қайсисини — на Королни, на Разумовни ва на Жуковни шу аҳволга солмаган бўларди. Агар Владимир Михайлович Репинга шундай жазо берган экан — бу жазодан бошқа нарса эмас эди,— демак, Репин шунга лойиқ. У киборлиги, кеккайиши, манманлиги туфайли бу жазони ўзи тилаб олган.

Репин билан Колишкинни бир-бирига боғлаб турган нарса нима экан, деб ўйлардим. Улар ўртасида бошқача бир алоқа бор, албатта. Илгари Андрейга сўзсиз итбат қилган болалардан биронтаси ҳам энди унга қарам эмас. Агар унга бирои нарсани ташкил этиш, ёки бирон ишга раҳбарлик қилиш топширилган тақдирдагина Репин буюра олади. Колишкин-чи? У Репиннинг ҳар бир сўзига индамасдан, ҳўмрайганича совуққонлик билан итоат қилади. Агар Репин буюрмаган чоқда ҳам Колишкинни кузатилса: унинг яшаши учун бир нарса халақит бераётгани сезилиб турарди. Ана шу «бир нарса» — Репин бўлиши керак.

Биз Колишкин билан кўпинча юзма-юз қоламиз — у ҳамма вақт жим ўтирарди. Уни шоширгим келмас эди. Мен аввало унда кишиларга ишонч туғилиши керак, шундагина у ўз ихтиёри билан юрагидаги бор гапни тўкиб солади, деб ўйлар эдим. Мен адашган эканман. Қаттиқ, кечириб бўлмас даражада адашдим —

мен унинг бепарволигини, совуққонлигини кўрибману—
чуқур яширилган алам ва азобни вақтида кўрмабман.

Кейин яна неча бор адашдим. Лекин бу воқиа иш-
мизга катта зарар етказмаса ҳам мен учун у бир сабоқ
бўлди.

Кечқурун, олатдагидек, хира ёритилган ётоқларни
айланиб юрардим. Болалар ухлаб қолишган эди. Мен
боши ёстиққа тегди дегунча ухлаб қоладиган Петька-
нинг тепасида тўхтадим. Малла бош Павлушка Стекло-
в худди Костик сингари устини очиб-сочиб ётибди. Лена
кулча бўлиб ётибди. Ҳамма ухларди. Бутун уйимизда
фақат бир киши ухламас эди: Колишкни бошини икки
қўлига қўйиб ётарди. Мен ёнига бориб тўхтадим — у
бошини ўгириб олди.

— Михаил,— шивирлаб чақирдим.

У оҳистагина ўгирилди. Унинг кўзлари умидсизлик-
ка тўла эканлигини кўриб, гапим оғзимда қолди.

— Эртага кечқурун ёнимга кир, хўпми?

— Хўп,— лабларини шивирлатди у ва яна юзини
ўгирди.

Мен ундан узоқлашдим, аммо унинг боқиншларида-
ги алам ва таънани ўзим билан олиб кетдим — бу бо-
қинш менга шундай қаттиқ таъсир этдики, гўё Колиш-
кин аччиқ сўзлар билан таъна қилгандай эди.

Ҳеч кимни назардан қочирмаслик керак, ҳеч кимни
унутмаслик керак. Мен буни билардим, лекин шунга
қарамай ишнинг қизигида унутиб қўярдим. Лекин бу
важ бўла олмайди-ку?..

Галя қўшни хонадан бошини чиқариб:

— Келиб чой ич. Ҳеч бўлмаса бир бор болалар би-
лан ўтир,— деб чақириб турган бир пайтда Колишкин
кабинетимга кириб келди.

— Юр. Михаил, чой ичамиз,— дедим Колишкинга.

— Мен овқатланганман. Шу ерда кутиб тура қо-
лай. Ё кейинроқ келайми?— деди у кўзини ердан кў-
тармай.

— Юр. юр...— мен уни эшик томон тортдим.

Лена билан Костик ҳали ухлашмаган, иккови стол
ёнида ўтиришибди. Леночка тақсимчада хўриллатиб чой
ичяпти. Костик чойини ичиб бўлиб, энди булка еб ўти-
рарди. Унинг ҳийласини биламан ишқилиб: кеч ётиш-

нинг пайида. Нега деганда бошинг ёстиққа тегди ле-
гушча ухлаб қоласан! Балки, энг қизиғи худди ўша
вақтда бошланиб қолар? Мана, масалан, Қолишқин
келди. Наҳотки унинг нега келганини билмай туриб
ётиб ухласа? Нималар деяр экан? Нега ҳомуш ўзи, не-
га нуқул четга қарайди?

— Овқатланган бўлсанг зарари йўқ. Мураббо билан
чої ич, украин олчасидан қилинган. Ич-ич,— дерди
Галя Қолишқинга чої қуя туриб.

Қолишқин рўпарамда, Костик билан Галянинг ўр-
тасида, офтобда қорайган йирик қўлини дастурхонга
қўйиб ўтирарди. У ҳамон кўзини кўтармас, чап бети
пир-пир учарди.

— Яна қуяйми?— дерди Галя.— Мураббо ёқдимми?
Украинада сира бўлганмисан?

У хижолат тортиб, қисқа-қисқа жавоб берарди. Галя
уни гапга солмоқчи бўляпти шекилли.

— Уқининг қалай, қийналмаяпсанми?

— Йўқ. Екатерина Ивановна жуда яхши тушунти-
ради. Миямга қўйиб қўяди.

— Сен нима дейсан, Нарискин энди нима қилар
экан?

Михаил бир оз жим турди, ўйланиб қолди:

— Гап унинг қайси отрядга тушишида. Стеклова
ёш болалар — унга қизиғи йўқ. Володинга ўтказилса —
ўзи Володиндан катта, унга итоат қилмайди. Суржикка
ўтказилса ҳам бўлади. Подсолнушқинга ўтказишсай-
ди — у ердаги болалар... У ерда Жуков бор. Фақат
Король кун бермайди-да. Ҳар нима деганингизда ҳам
Нарискини деб озмунча...

— Йўқ,— деди Галя қатъий,— Королнинг ундай
одати йўқ. У бекордан-бекорга бировга озор бермайди.

— Нарискини сенга берсак нима дейсан? Сенинг
отрядингда ҳам катта болалар,— дедим мен.

Сира кутилмаган жавоб олдим. Қолишқиннинг бети
аввалгидан бадтар пирпиради. У секингина, худди то-
моғи огриётгандек бўлиб-бўлиб, зўрға дея олди:

— Семён Афанасьевич... фақат хафа бўлманг... мен
ҳам бир иш билан келгандиму, лекин қандай бошла-
шимни билмай тургандим... болалар уйдан кетаман.
Бу ерда... қолишим мумкин эмас...

— Нега энди?

— Қола олмайман... айта олмайман... айттишим ярамайди...

Кичкинтойлар кўзларини Колишкиндан узмас эди. Лёня чойини унутди, Костик оғзида нони билан лунжини шиширганича анқайиб қолди. Аммо, Колишкин энди на уларни, на Галяни кўрарди. У энди рўпарасига, даҳаним томонга тикилар, юзларида кўз ёшлари думаларди. Мен унинг йиғлаганини ҳеч кўрмаган эдим. Ўринимдан турдим, столни айланиб ўтиб, қўлимни унинг елкасига қўйдим:

— Менга қара, Михаил, гапингининг жони борга ўхшайди. Бирор жиддий сабабинг бордир. Сени зўрлаб олиб қолмайман, лекин гап нимада эканлигини билишим керак. Болалар халақит қилаётган бўлсаю, нариги уйда гаплашамиз.

У бошини чайқади ва ўрнидан турмади. Галя шошиб-пишиб болаларни ётқиза бошлади. Мен стаканимни берироқ сурдим, Костикнинг ўрнига ўтирдим-да. Колишкин ўзига келиб олсин деб, чойимни хўплаб ича боёладим.

У савол беришимни кутиб ўтирмай гапира бошлади,— аввалига зўр-базўр, ҳар бир сўзни томоғидан юлиб олаётгандай қийинлик билан сўзлади. Кейин эса, аввал ўрганиб қолган бир нарсасдек туюлган, эндиликда эзиб, халақит бераётган юкни устидан тезроқ итқитиб ташлашга урингандек шошиб-пишиб, тез-тез гапира бошлади. Бу юкни ортиқ бир дақиқа кўтаришга тоқати қолмагандек ошиқиб сўзларди.

Воқна мана бундай эди.

Бир йил муқаддам Репинга қиморда бой бериб қўйибди. Аввал пулга ўйнашган экан. Колишкин бор-йўқ пулини ютқазибди. Кейин қарзма-қарз ўйнашибди. Қарз икки юз сўмга етгач Репин унга: «Бу пулни барибир тўлай олмайсан: Нима қиласан?» дебди. — «Кел яна ўйнайлик. Қутулиб оларман». Шунда Репин бир шарт қўйибди: агар Колишкин бу гал ҳам ютқизиб қўйса, ўзини ютқазган бўлади. «Шундан кейин сени нима қилсам ҳам ҳаққим бўлади, ҳар қандай иш буурсам рад қилмайсан, урсам — қараб турасан, хуллас, менга бутунлай тобе бўласан» дебди. Яна ўйнашибди. Михаил ютқазибди. «Энди,— дебди Репин,— то икки юз сўмни тўламагунингча, ўзингни бой берган ҳисобланасан. Сени нима қилсам, менинг ишим».

— Ортиқча ҳеч нима қилгани йўғ-у,— дерди Колишкин бўғиқ овозда.— Йўқ, ургани йўқ. Илгари ҳам нима деса қилаверардим. Лекин энди ундай қила олмайман. Сиз янги келганингизда — эсингиздами? Ушанда, у: «Саройини очиб ҳўкизни чиқариб юбор» деди. Очмоқчи эмас эдим, лекин у: «Ҳа, эсингдан чиқдимми?» деди. Шундан кейин Тимофейини чиқариб юбордим. Ушанда ҳўкиз сизни ўлдириб қўяёзди. Менга қолса шундай бўлишини истармидим?.. Репин яна, кечаси навбатчилик қилганимда бирор ҳодиса бўлса, тревога бермасликни буюрди...

— Ҳали шунақа дегин! — дедим мен.

— Йўқ, йўқ,— шошилди Михаил,— Нарискин биринчи бор келганда мен навбатда турмаган эдим. Бунда менинг айбим йўқ. Лекин ўша эканини билардим, мен уни кейин бозорда учратган эдим. Репин айтмасликни буюрди. Мен ҳам индамай юравердим. Шундай қилиб,— деб давом этди у паст овозда,— аввал бир ишни буюрди, кейин бошқасини. Илгари барибир эди. Энди, негадир, қилолмайман. Шунча пулни оладиган жойим йўқ. Шунинг учун ҳам: кета қолсам дейман. Сиз хафа бўлманг, Семён Афанасьевич...

У умидсизланганиданми ё ҳаммасини айтиб-солиб енгил тортганиданми, жим бўлиб қолди. Биз ҳам индамас эдик. Бир бурчакда Костикнинг пишиллаб ухлагани эшитилиб турарди. Кичкинтойлар қизиқсинишиб ётган бўлсалар-да, Колишкинга нима бўлганини биллолмай, аллақачон ухлаб қолган эдилар.

— Менга қара,— дедим ниҳоят,— сенга бир илтимосим: бир оз сабр қил.

— Семён Афанасьевич, шу қарорга келган замоним, биратўла кета қолай!

— Сабр қил, сўрайман сендан. Менга ишонасан-а? Бир озгина сабр қил. Қачон кетишни ўзим айтаман.

Кўзимиз тўқнашди — Колишкин юзини ўгирмади ҳам, кўзини ерга қаратмади ҳам. Мен унинг кўзларини таний олмай қолдим. Мен унинг мудроқ босган, бепарво боқишларига, хира кўзларига ўрганиб қолганман,— боқишлари чехрасига нур тўкмас, юрагидаги борини ифода қилмас, уни кўнгил ойнаси деб атаб бўлмас эди. Энди эса кўзлари порлар, боқишларидан эса ҳам умидсизланаётганини, ҳам енгил тортганини сездим.

— Сабр қил, Михаил,— деб такрорладим.

— Хўп,— деди у шивирлаб.

Очиқчасига гаплашув

Эрталаб Ленинградга боришим керак эди — мени ша-хар маорифи бўлимида кутишарди, албатта боришим керак. Аммо, Репин билан гаплашишни ҳам кечиктириб бўлмайди. Шусиз ҳам вақт ўтиши билан ўзи ҳал бўлиб кетар, деб юриб бу ишни кечириб бўлмас даражада узоқ чўзиб юбордим.

— Сенга бир илтимосим бор, Андрей: соат саккизлик поезд билан қайтаман, чиқиб кутиб ол. Китоб олиб келаман.

— Албатта чиқаман, Семён Афанасьевич. Соат саккизлик дедингизми? Қайси вагонда бўласиз?..

Соат саккизда поезд станциямизга яқинлашади. Вагон подножкасида турибоқ платформадаги Репинга кўзим тушади.

— Хайрли кеч, Семён Афанасьевич! Китоблар қани?

Китоблар жуда оз. Фақат шуларни деб мени кутиб олишларини илтимос қилмаслигим кўриниб турибди. Қош қорайиб қолган, Андрейнинг афти кўринмайди, аммо унинг менга ҳайрон бўлиб, ташвишланиб қараётганини ҳис қиламан.

— Менга қара,— дейман тўғридан-тўғри,— сени бу ерга юзма-юз гаплашиб олиш учун чақирдим. Сенга қарзни тўламоқчиман. Ма, ол.

— Қанақа қарз? Нима деяпсиз, Семён Афанасьевич?

— Икки юз сўм. Михаил Колишкин учун. Эсингдан чиқдимми? Энди карта ўйнамайди, тўлай деса пули йўқ. Мен тўлайман сенга.

Репин тисарилиб кетди, тўхтади:

— Олмайман, Семён Афанасьевич! Улдирсангиз ҳам олмайман.

— Йўқ, оласан. Картада одамни ютиб олишни билар экансан, пулни олмай иложинг йўқ.

— Олмайман.

— Оласан. Ортиқ Михаилга азоб беришингни истамайман.

— Мен унга азоб бераётганим йўқ! Эсига солмаганимга ҳам анча бўлиб кетди! Бу тўғрида сира гаплашмаймиз.

— «Гаплашмаймиз» эмиш! Гаплашмаслигининг ўзи ки-



фоя деб ўйлайсанми? Агар инсон билан буюмдек муомала қилсанг, буни унутиб бўлади деб ўйлайсанми?

— Семён Афанасьевич!..

— Мен, бу қарз Михаилнинг бўйинини тошдек босиб туришини истамайман. Бугун мен маош олдим. Икки юз сўмни ол — шу билан ора очиқ. — Чўнтагига пулни солиб қўйдим.

— Ташлаб юбораман, Семён Афанасьевич!

— Билганингни қил. Менинг ишим сен билан ора очиқ қилиш эди.

То уйга етиб боргунча чурқ этмаймиз. Узоқдан таниш овозларни эшитиб Андрейга:

— Бу ҳақда икковимиздан бошқа ҳеч ким билмасин, деб илтимос қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Яна шуни билиб қўй: Қолишкинни савол-жавоб қилиб бошини қотирма. Икковимиз орани очиқ қилдикми, энди унга бунинг алоқаси йўқ. Хўпми?

Андрей жавоб бермай, бошини лиқиллатиб қўя қолди.

Андрей билан Михаил шу кечаси ухладимиз, йўқми билмайман, лекин мен ухламадим. Мен, бир вақтлар Қолишкин ётгани каби, қўлимни бошимнинг тагига қўйиб қоронғилиққа тикилганимча ўйлаб ётардим. Антон

Семёновичнинг жазо кишининг иззат-нафсига қаттиқ тегмаслиги керак деган сўзлари эсимга тушади. Жазо, — деган эди у, — одамга хатосини англашга ёрдам бериши керак. Мен бунга қўшила олмас эдим. Йўқ, Репин қилган қилмишининг нақадар ифлослигини азобланиб, қийналиб ҳис этсин. Фақат маънавий азоб чекнишинга йиллар давомида унда йиғилиб қолган ифлосликни ювиб ташлаши мумкин.

Ухлаб қолдингми? — оҳиста сўрайди Галя.

Галя уйким келмай ётганини, шу кунни бўлиб ўтган қайси воқеа ухлашимга халақит бераётганини ҳамма вақт беҳато билиб олади.

— Уйғоқман.

— Репин билан нима тўғрида гаплашдинг?

Тинглади. Бир оз жим турди. Худди ҳар бир сўзни салмоқлаб, ўлчаб кўраётгандек оҳиста гапира бошлади.

— Қўнглингга келмасину, Семён, лекин, менингча, сен ноҳақсан. Ўзингни у билан бир қаторда қўйгандек бўлибсан. Одамни ютиб олиш тўғри дегандек бўлибсан.

— Билмадим... Балким сен ҳақдирсан. Аммо, менингча, тўғри қилганман. Унга гапириб тўғри иш қилдим. У билан бошқача, одам тилида гаплашиб бўлмаслигини, бу тил ундан узоқлигини англаб олади. Шундай бўлгач, унга ўз тилида гаплашишга тўғри келади. Шунини яхши англадимки, нафрат унга қаттиқ таъсир қилади.

...Эртасига кечқурун Андрей кабинетимнинг эшигини тақиллатди.

— Илтимос қиламан сиздан, Семён Афанасьевич, ялинаман — пулингизни олинг.

Унинг юзи сўлгин, кўзлари талабчан ва қизгин боқади. Одатдаги истеҳзо, совуққонлик ва кеккайишдан асар қолмабди.

— Йўқ, олмайман. Айтдим-ку, сенга.

— Семён Афанасьевич! Мен буни аллақачон унутиб юборганман, эсимга ҳам келгани йўқ эди.

— Сен унутган бўлсанг ҳам, у унутмаган. Бор, Андрей. Мен ётаман, эрталаб барвақт туришим керак.

Эрталаб ўрнимдан тураб-турмас эшик тақиллади: остонада яна Репин пайдо бўлди.

— Семён Афанасьевич! — деб бошлади у хириллаб.

Шунда мен энди уни ортиқ қийнамаслик кераклигини англадим. Бола бошига тушган ташвиш уни оғир

юкдек қаттиқ эзаётгани, агар шу юк олиб ташланмаса, уни пачоқ қилиб ташлаши сезилиб турарди.

— Семён Афанасьевич. пулингизни олинг! Агар ишонмасангиз, мана — Михаилдан сўранг...

Колишкин то шу вақтгача эшик орқасида турган бўлса керак, — ҳозир у эшикни қия очиб, журъат этмай аста-секин кириб келди.

Репини гоҳ менга, гоҳ Колишкинга қараб:

— Мана, Семён Афанасьевичнинг олдида айтаман, — давом этди қовжираб. кўкариб кетган лабларини ялаб: — ҳаммасини унутамиз, ҳеч ким ҳеч кимдан қарз эмас... Олинг пулингизни, Семён Афанасьевич!

— Олинг! — деди Михаил.

Мен ортиқ бош тортишнинг кераги йўқлигини англадим.

52

Пинг-понг

Ленинградлик пионерлар бизга совға қилиб пинг-понг олиб келишганда, — болалар «Столда золдир юмалатиш ҳам ўйин бўлибдими! Қиз болалар ўйнаса дуруст буни...» — деб бу ўйинга унчалик парво қилишмади.

Спортни қанчалик кам билса, шунчалик осмондан келадиган одамларни кўп кўрганман. «Волейбол нима бўлибди! Тўпни иргитишни ким билмайди!» Ёки «Городкининг нимаси қийин! Ёғоч отиш ҳам иш бўлибдими!» деган гапларни кўп эшитганман. Ана шунақа деган одамлар майдонга тушиб қолиб, лапашанглигидан майна бўлгандан кейингина ҳар бир ўйиннинг техникасини, тактикасини ўрганиб олinsa — бу ҳам зўр мароқ бағишлашини билади. Қарабсизки, шундай одам волейбол, городки ёки пинг-понг ўйинига берилиб кетибди. Бизда ҳам худди шундай бўлди.

Аввалга ўйинга қўлимиз келавермасди. Фикри-ёдимиз ўйинни ўрганиб олишда бўлди. Ўрганиб олганимиздан кейин эса, отишлар ҳам турлича: кескин, юмшоқ ва ёнлама бўлишини билиб олдик. Кейин билсак, тўпни силтаб ташлаш ёки секингина тўр тагига тушириш мумкин экан. Бу тактика эди.

Яхши ўйнаган сайин янада қизиқроқ туюларди. Шун-

дай қилиб, пинг-понг дарди ҳаммага ўтиб кетди. Ҳаммамиз пинг-понг «касали»га йўлиқиб, фикри-ёдимиз шу ўйин бўлиб қолди. Бу воқиа қачон рўй бергани маълум эмас-ку, лекин пинг-понг касали ҳаммага юқди. Ҳар бир бўш дақиқа пинг-понгга бағишланарди. Агар иложини топишса ҳатто танаффус пайтларида, синфда ҳам ўйнашарди. Йўлакдан ўтиб кетаётиб тўпнинг ракетага тўпиллаб текканини эшитардим. Софья Михайловна ёки Николай Иванович дарсга киришганда болаларнинг қип-қизариб кетганини кўриб, ювиниб келгани чиқариб юборган вақтлар ҳам бўларди. Худди ана шундан кейин мен ёки катталардан бироштамиз эмас, пинг-понгга берилиб кетган жўшқин, лекин вазмин табиатли Жуков умумий мажлисда сўзга чиқиб шундай деди:

— Келинглар, бир келишиб олайлик. Ҳамма пинг-понгни деб ўлиб-қутулиб ётибди (жонланиш). Очиғини айтсам, ўзим ҳам улардан қолишмайман. (Кулги.) Фақат бир нарсага ҳайронман... Калламиз яна шу... тўп-ларга ўхшаб енгил, пўк бўлиб қолмасин...

Мажлисда пинг-понгни фақат ҳамма дарсни тайёрлаб бўлгач ўйнаш мумкин, деган қарор қабул қилинди.

Бора-бора баъзи болаларнинг кўнгли совуди, баъзиларининг меъдасига тегди. Фақат жон-жаҳди билан ёпишган бир неча кишигина қолди. Улар орасида — Қоршунов, Разумов, Репин ва Король бор эди. Биз уларга халақит бермас эдик. Бу ўйин улар учун ҳордиқ, эрмак ва лаззат эди. Ундан ташқари кам вақтни оларди.

Пиянисталар ичкиликка ёпишиб олгани каби Разумов ҳам пинг-понг ўйинига ёпишиб олган эди. У ҳеч қачон бахтли бўла олмайдиган одамлардан. Унга қарасам Тургенев асаридаги бир хизматкор чолнинг, агар инсон ўзини-ўзи емаганда эди, ҳеч ким уни бир нима қилолмасди, деган сўзи ёдимга тушади. Ҳақиқатан ҳам Разумов ўзини-ўзи еб қўяётган эди. Яқиндагина у ҳамма мени горн ўғрини ҳисоблайди деб азоб чекиб юарди. Горн воқияси очилгандан кейин эса, у ўзини атиги икки кун бахтиёр ҳис этди. Учинчи кун яна диққат бўлиб юарверди. Уни Плетнев қаерда экан, деган масала қийнардди. У ҳақиқатан ҳам азоб чекарди. Мен бу ҳақда истеҳзо билан гапирмоқчи эмасман. Плетневнинг дом-дараксиз кетгани Королни ҳам қийнардди. Аммо Король ҳар гал Ленинградга борганида оғайнисини суриштирарди, Владимир Михайлович унинг илтимоси билан Москва. Ка-

зань, Самара ва бошқа шаҳарлардаги болалар уйларига Арсений Плетнев деган бола йўқми, деб хат ёзиб юборди. Разумов ҳеч нарса қилишга уринмас, у фақат соғинарди. Пинг-понг унинг учун овунчоқ эди.

Коршунов ҳам бу ўйинга жуда қизиқарди. У шундай ўйнардик, қараган кишининг кулиб юбормай иложи йўқ эди. Тўпни ўтказиб юборса, қўлини кўкрагига босар, бошини чангаллар ва йиғлагудай бўлиб:

— Вой аҳмоқ! Нима қилиб қўйдим-а! Энди, ютқазшим аниқ! — деб ўзини-ўзи сўкарди.

Кейинчалик маълум бўлдики, Репин билан Король ҳаммадан яхши ўйнар экан.

Король ўйинга жуда уста. У рақибини кўз очиришга қўймай атака қилар, ўз тактикасини, ўйин услубини киритарди. Шунинг ўзи — ғалаба гарови. Ундан ташқари Король турлича ўйнарди. У кутилмаган услублар билан рақибини танг қолдирарди: рақиб кутган ерга ҳеч қачон тўп тушмас эди. Король ўнгдан, чапдан ҳужум қилиб турар, рақиб шунга кўникди дегунча, Королнинг тактикасини тушундим деб ўйлаб улгурмай, тўпнинг куч билан келиб урилишини кутиб турганда, тўрига тўп келиб урилганини сезмай қоларди. Болалар кўпинча Королни олқишлашарди — ҳақиқатан ҳам у жуда қойил қиларди. Лекин баъзан қизишиб, тутоқиб ҳам кетарди. Аммо Репин сира тутоқмас эди. У Королчалик усталик билан ўйнай олмас эди. Ҳужум қилишдан ҳам кўра кўпроқ мудрофаа қиларди. Тўппа-тўғри келган тўпнигина яхши ура оларди. У асосан тўпни аниқ уришга ва сабр-чидам билан ўйнашга ҳаракат қиларди.

Бир кун Репиннинг бир вазнда ўйнаётганини кузатар экан. Король ўзини тутиб тура олмади:

— Шундай ўйнагандан кўра, ўйнамаган яхши!

— Қани, ютиб кўр-чи! — деди совуққонлик билан Репин.

— Рост, ўйнаб кўриңлар! — деди Николай Иванович. — Икковингиз ҳам устасизлар, лекин ҳеч қачон бир-бировингиз билан ўйнамагансиз. Бир куч синашиб кўрганингизда бўларди!

Хона жимжит бўлиб қолди. Репин ракетасини осмонга отиб, илиб олиб бепарво туради.

— Менга барибир. Майли, — дейди Король елкасини қисиб.

Тўғри, бу жуда қизиқ эди. Улар худди ёқалашаётгандек, жаҳл билан ўйнай бошлашди. Дам уиниси ўзар, дам буиниси ўзарди. Аммо кўпинча Репиннинг қўли баланд келарди, унга вазмишлиги ёрдам берарди.

Болалар клубга худди томошага тўплангандек тўлланадиган бўлишди. Энди ҳеч ким Король билан Репиндан куч синашиб кўришни илтимос қилмас эди. Улар ўзларидан-ўзлари индамасдан ракеткани олишиб ўйинга тушиб кетишарди. Одатда, Разумов судьялик қиларди. Суд қилганда у доим Корольга ён босарди. Аммо Дмитрий буни сезиб қолди. дегунча, ошнасига шундай ўқрайиб қарардики, Разумов тўғри суд қилишга мажбур бўларди.

Ленинградлик дўстларимиз келишганда, биз томондан Репин ё Король ўйнардди ва кўпинча ютиб чиқардик.

— Яқинданинг-понг ўйинидан мусобақа ўтказилди, — деди бир кунни Женья, — Ленинград билан Москва учрашади. Келинглар, жуда қизиқ бўлади; кўриб кетасизлар. Мактабда бўлади, ТЮЗнинг қаердалигини биласизлар-а? Уша ерда катта зал бор.

Менга қолса болаларимиз ҳақиқий яхши ўйинни кўришса дердим. Аммо ҳамманинг бора олмаслигини ҳам тушунардим. Лучинкин учта пропуск топиб беришга ваъда берди. Шундан кейин мен кимни юборамиз деб болалардан сўрадим.

— Сиз, Король ва Репин боради! — деб жавоб беришди ўйлаб ўтирмай.

Учалозимиз йўлга тушдик. Ҳамма ёқ оппоқ қор, кун совуқ. Мен ўзимни икки ўт орасига тушиб қолгандай ҳис этардим ва бутун ҳунаримни ишга солишга мажбур бўладим. Нега деганда, ҳамроҳларим бир-бирига қарамас-фақат мен билан гаплашар, бири бошлаган гапга иккинчиси қўшилмас эди. Менга ҳам алам қиларди, ҳам кулгим келарди, лекин бошқа иложим йўқ эди. Улар орасида шундай нарсалар бўлиб ўтган эдики, уларни ювиб юбориш осон эмасди. Мен буни жуда яхши билардим.

Мусобақа ҳақида гапириб ўтирмайман. Кленов билан Рудневнинг учрашуви менинг ҳам, болаларнинг ҳам ёдида қолган.

Ленинградлик чемпион Кленов ўрта бўйли, тўладан келган киши бу ўйинда жуда машҳур, ўз усулини ишлаб чиққан одам эди. Москвалик ёш чемпион Сергей Рудневнинг Ленинградда биринчи бор ўйнаши эди. Унинг қо-

рачадан келган ориқ юзида ҳаяжон ва ўжарлик акс этарди.

Ленинградлик ишқивозлар жуда кўп эди. Сочлари ҳурлайган пионерлардан тортиб, оқсоқол чолларгача Кленовнинг ҳар бир зарбини олқишлашарди. У ҳақиқатан ҳам яхши ўйнарди. Биринчи партияда Руднев мағлубиятга учради.

— Қойил!— деб юборди Король завқланиб.— Кленовга қойилман!

— Руднев мудофаага уста.— деб қўйди Репин.

— Лекин ҳужумда сустлик қилади!— деб кесди Король унинг гапини.

— Иккинчи партияда Руднев бошлайди!— деб эълон қилди судья.

Шуниси қизиқки, Руднев иккинчи партияга бериб ўзини анча тутиб олди. Кленовнинг чап томондан уришга усталлигини сезиб тўпни ўнг томонга узатди. Кленов чап томондан келган тўпни ҳам моҳирлик билан қайтарди! Тўпни шундай усталлик билан қайтардики, кўришмай кетди. Томошабинлар ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Залда ғовур-ғувур кўтарилади. Король севинганидан иргишлаб қўйди, Руднев тўпни олиб келди ва яна узатди. Кленов ўнг томондан яна пойлаб туриб урди. Олқишлар янгради. Руднев учинчи гал ҳам тўпни яна шу томонга узатди— Кленов яна пойлаб туриб, тўпни қайтарди. У шундай зарб билан қайтардики, стол ҳам қирсиллаб кетди. Ҳамма қойил эди. Томошабинлар чапак чалар, завқланиб қийқиришарди. Король зўр бериб ер тепинар ва овозининг бориचा:

— Яша! Боллади! Қойил!—деб қичкирарди.

Репин ҳам Рудневга қараб-қараб қўйиб қарсак чаларди. Ранги қув ўчган Руднев олқишлар тугагини сабрсизлик билан кутарди.

— Ҳисоб: нолга — қирқ!— деди судья (у вақтларда теннис сингари ҳисоб юргизиларди).

Руднев тўпни яна ўша томонга узатди, Кленов яна ўнг томондан урди ва... тўпга теккизолмади. Тўп стол устидан ошиб аутга ўтиб кетди.

— Ун бешга — қирқ,—деб эълон этди судья.

Руднев яна икки бор тўп узатди, Кленов ҳам икки бор теккизолмади.

Ҳисоб баробар бўлди. Шундагина одамлар бир гап бўлганини пайқаб қолдилар. Кленов ўзига ишончини

йўқотган. ортиқ яхши ўйнай олмас — тобора ёмон ўларди. Ҳадеб янглишаверди. Руднев бўлса борган сарини яхши ўйнарди. У тобора яхши ҳимоя қилар, ҳужум қилишнинг тилини ҳам биллиб олди. У усталлик билан, шиддат билан ўйнарди. Ўйинининг бошида ўзини йўқотиб қўйгани, эндиликда ўзини анча тутиб олгани сезилиб турарди. Шундай қилиб иккинчи партияда ҳам Руднев ютиб чиқди, учинчи — ҳал қилувчи партияда ҳам қўли баланд келди.

Бу учрашувда Руднев ғалаба қозонишини ҳамма ўйини тугамасданоқ анча илгари билган эди. Мана рақиблар бир-бирларининг қўлларини қаттиқ қисишадди. Судьянинг: «Учрашувда Руднев — Москва голиб чиқди!» деган сўзлари олқишларга кўмилади.

Аммо энг қизиги менинг ёнгинамда эди. Ҳамма вақт ўзини оғир, вазмин тутадиган Репин ирғиб туриб зўр бериб чапак чалар ва: «Яшавор, Руднев!» деб шундай қаттиқ бақирардики, москвалик чемпион у томонга ўгирилди ва жилмайиб қўлини силкиб қўйди. Король бўлса бўшашиб ўтирар ва:

— Тузук, ўйнашни билар экан. Ўзиям хўб зўр бердида... деярди пинғиллаб.

Руднев бизга яқинроқ ерга келиб ўтирди. Унинг табассум ўйнаб турган хотиржам ва хушчақчақ чеҳрасида ҳорғинликдан асар ҳам йўқ эди. Баъзан бўлганидек, ўзига қараб турганимизни ҳис қилиб, биз томонга ўгирилиб қаради ва болаларнинг унга қандай ҳис-туйғу билан қараётганини фаҳмлаб, яна жилмайиб ракеткасини силкиб қўйди.

Маҳлиё бўлиб қайтардик. Поезддан тушишимиз билан болалар қўшаб олишди. Король билан Репин иккови шоша-пиша ҳикоя қила кетди:

— Зап ўйнар экан-да! Зап ўйнар экан ўзиям! Югдию, яна қўлини қисяпти! Қарашларини кўрсанг — эҳ-ҳе! Биз ҳам ўйнадик деб юрибмиз-да! Шу ҳам ўйин бўлдию.

Орадан уч ҳафтача ўтгач Лучинкин мактаб бўйича ўтказиладиган пинг-понг мусобақасида қатнашини учун таклифнома юборди. Жуфт-жуфт ўйнаш учун икки одам ажратишимиз керак эди. Ана шунда нима қилишимизга ҳайрон бўлиб қолдик. Шубҳасиз пинг-понгда Репин билан Королдан ўтадигани йўқ. Аммо бир-бирини ёмон кўришини ҳамма билади.

— Келинглар. ўйпаб кўрамиз: Стеклоз икковимиз,

сен билан Андрей икковинг шерик бўласанлар, — деди Жуков Королга.

Король бунга рози бўлгиси келмас, аммо қаршиллик кўрсатиш ҳам қийин эди. У доимо ўзини Репиндан анча юқори ҳисоблар, у билан гиди-биди деб юришни ўзига эп кўрмасди. Ҳозир эса елкасини қисиб:

— Нима ҳам дердим?..— дейишдан бошқа иложи қолмаганди.

Репин бўлса:

— Король хўп деса — майли, — деди.

Король яна:

— Менга барибир эмасми?— деб такрорлади.

Улар Саня билан Сергейнинг рўпарасида ёнма-ён туришди. Биз уларнинг ўйинини диққат билан кузатдик ва ўйиннинг натижаси қандай бўлишини ўйин бошида-ноқ билган эдик. Жуков билан Стеклов анча бўш ўйнашарди. Лекин шунга қарамай улар ютиб чиқишди. Нега деганда рақиблари айрим-айрим, ҳар бири ўзи учун ўйнаган бир пайтда булар иккови аҳиллик билан ўйнашарди.

— Бунақада иш чиқмайди,— деди Жуков ракеткани итқитиб.

— Наҳотки шу бир нарсани эпламасаларинг...— деб гап бошлади Сергей, лекин гапини тугатмади.

— Эплашга-ку, эплашди-я...— деди чўзиб Жуков.

— Эплашаркан, қилишсин-да,— деди Алексей Савич. — Энди иккаласи шерик бўлиб машқ қилишсин. Бир-бирининг камчилигини, қайси бири нимага усталигини аниқлашиб олишсин. Уйимиз номидан ўйнаш ҳазил эмас. Ҳаммамизнинг умидимиз шулардан.

Тренировкада ҳамма вақт бўла олмас эдим. Аммо бутун уйимиз уларнинг ўйинини зўр қизиқиш ва диққат билан кузатиб бораётганини билардим. Шу икки бола-нинг ҳар бири ўз характери билан, бир-бирига бўлган нафрат ҳисси билан курашаётганини ҳамма тушунарди.

— Одамни ўз одатига қарши курашишга мажбур қилишнинг нима кераги бор!— деди бир куни Разумов.

— Агар ҳаммамиз учун шу керак бўлсачи?— деб жавоб берди Жуков. — Ё бўлмасам ютқазиб қўйганимиз яхшими?

Худди ана шу кунларда Казандан хат келди: Плетнев ҳақиқатан ҳам Казандаги болалар уйларининг бирида

бўлган экан. Аммо қочиб кетиб қолбди. Қасрдалиги ҳали аниқланмабди.

Разумов оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди:

— Бизни ким айтади ўртоқ деб? У сарсон-саргардон бўлиб юрсаю, биз ҳеч нима бўлмагандек ўтираверсак!

— «Ҳеч нима бўлмагандек ўтириб» нима қилибмиз?— дейди Король аламида бужмайиб.— Биз билан юр деганмизми? Деганмиз. Келгиси келмаган. Шошмай тур, топиб оламиз ҳали.

— Йўқ, қайтиб келиб бўлибди. Иzzат-нафси зўр. Уни унутиб юборганимизни билди.

— Нега унутар эканмиз?

— Сен унутгансан. Сен энди ҳатто мени ҳам унутиб юборгансан. Кўрган-билганинг Репин, бошқа билан ишнинг йўқ.

Мен ана шу гапларнинг шоҳиди бўлдим. Шуниси қизиқки, Королнинг жиғибийрони чиқиб кетди:

— Иzzат-нафси зўр эмиш! Иzzат-нафси эмас, аҳмоқлик бу, агар билгинг келса! Репин билан эса мен дўст эмасман, иш юзасидан яқинлашиб қолдим, билдингми?!

Ана шу суҳбат Королнинг Репинга бўлган муносабатини яхши аниқлаб олишга ўргатгандек бўлди. У тўсатдан қовоғини солиб, баланддан келиб гаплашишнинг йиғиштирди, Андрей билан ҳам бошқалар билан гаплашгандай гаплашадиган бўлди.

— Менинг галим келганда, сен типирчиламай жим тур,— деб ўргатарди у иш билармонлик билан,— бўлмаса нуқул калла уриштирганимиз — уриштирган. Агар тўп баланддан келса уравер, қўрқма!

— Хўп,— дерди Репин,— сен ҳам барча тўпни қайтараверма, пайт пойлаб ур.

Вақт ўтиб борарди. Мусобақага атиги икки ой қолган эди. Ҳаммамиз бу кунни сабрсизлик билан кутардик.

„Шаҳар маориф бўлимининг кўзи қайда?“

Король ҳеч қачон бирор ишни чала қилмасди. Плетневни топишга аҳд қилибдими, фикри-ёди ҳамма вақт шу билан банд эди. На пинг-понгга қизиқуви, ва на бошқа нарса унга халақит бера олмасди.

— Семён Афанасьевич, келинг, «Болалар дўсти» жамиятида мен ҳам ишлай қолай. Ҳамма болалар уйини айланиб чиқардим, бирон ерда Плетневдан дарак топиб қолсам ажаб эмас.

— Тўғри келмайди: бўйнингда ҳар турли ишнинг кўп. Рус тили ҳар кун икки соат вақтингни олади, пинг-понг ўйнаб турасан.

— Келинг, пинг-понгни йиғиштириб қўяй.

— Йўқ, йўқ, оғайни, бунинг ихтиёри энди ўзингда эмас. Энди бу истагинг билан бўладиган иш эмас — бу энди вазифанг сенинг. Шаҳар мусобақасида уйингиз шон-шухрати учун курашишинг эсингдан чиқдимми?

Дмитрий буни унутмаган эди, албатта, лекин фикридан ҳам қайтмади.

«Болалар дўсти» жамиятимизни Алексей Саввич бошқарарди. У кичик болалардан иборат яхшигина гуруҳ ташкил қилди. «Болаларнинг» ҳақиқий дўстлари Павлуша Стеклов, Петя Кизимов ва яна ўнчага бола эди; Алексей Саввич бу ишга катта болалардан Коробочкинни тортди. Худди шу маҳалда Король ҳам жамиятга киришни истаб қолди.

— Нима десангиз, ҳаммасини айтганингиздек қиламан. Мен ҳам олинг. Менинг билмаган одамим йўқ, фойдам тегиб қолар ахир, — дерди у нуқул.

Алексей Саввичнинг кўнмай иложи қолмади.

«Дўст»ларнинг биронтаси Ленинградга бекорга бормас эди. Улар бозорларда бўлишар, боқимсиз болаларни учратиб, қаерлик эканини суриштиришарди. Ленинградда бошпанасиз болалар учун иккита тақсимловчи пункт бор эди. Болалар у ерда икки ойдан ортиқ сақланмаслиги лозим бўлишига қарамай, ярим йиллаб қолиб кетишарди.

— Мана, марҳамат, — хабар берарди Коробочкин: — Федька Феоктистов март ойида қўлга тушган экан, августда қочиб кетибди. Менга ўзи айтди. Лешка Переделкинни ўтган йили пунктка келтиришган, у бўлса ҳали ҳам ўша ерда, — буни менга Сухоручко айтди. Мен уни бозорда учратдим.

Алексей Саввич икковимиз шу икки пунктни текшириш учун шаҳар маориф бўлимидан ижозат олди. Текшириш бизга аллақачондан маълум бўлган камчиликларнинг мавжудлигини тасдиқлади: у ерда тартибсизлик ҳукм суради, тарбиячилар бири келиб, бири кетиб ту-

рар, болалар ярим йиллаб пунктда қолиб кетар экан. Ҳозир иккала тақсимлаш пункти тўла эди.

Алексей Саввич шаҳар маорифи бўлимига каттакон ёзма доклад тайёрлади, Король бўлса «Ленинский искра» газетасига мақола ёзишни таклиф қилди. Биз бу ишнинг муваффақиятли чиқишига у қадар ишонмасакда, халақит бермадик. «Болалар дўсти» жамиятимизнинг барча аъзолари мақола устида тоза бош қотиришди. Мақолада фактлар жуда кўп эди. Коробочкиннинг барча ошналари — Федька Феоктистов ҳам, Лешка Переделкин ҳам, Сухоручко ҳам мисол қилиб олинди. Король ҳам билгаларини қўшди, у кўпгина нарсани биларди. Мақолани бир неча бор қунт билан кўчиришди. Мақоланинг «Шаҳар маорифи бўлимининг кўзи қаёқда?» деган сўзлар билан тамом бўлиши эсимда.

Король бундай ҳужжатни почтага ишониб бўлмайди деб, мақолани ўз қўли билан редакцияга олиб бориб берди.

Роса икки ҳафтадан кейин мақолани босиб чиқаришди — хурсандликнинг чеки йўқ эди. Газетани ушлаб кўришар, бошидан-охиригача («дўст»ларимизнинг ҳаммаси имзо чеккан эди. Мақоланинг тагига: 60-сон болалар уйининг тарбияланувчилари, деб ёзилган ва ўнтача фамилия терилган эди) беш марталгб овоз чиқариб ва ичларида ўқишарди. «Шаҳар маорифи бўлимининг кўзи қаёқда?!» деган жумлани, айниқса, ифодали қилиб, бараварига такрорлашарди.

Матбуотнинг кучи Королда янгича фикр уйғотди:

— Алексей Саввич, сиз нима дейсиз — «Ленинская искра»дан Плетнев, қайтиб кел, ўртоқларинг кутади, деган мазмунда эълон босишларини илтимос қилиб кўрсак, қандай бўлар экан?

— Плетнев газета ўқимаса керак, деб қўрқаман, — деб эътироз билдирди Алексей Саввич жиддий. — Узинг ҳам кўриб турибсанки: у Ленинградда эмас. «Ленинская искра» бошқа ёққа юборилмайди.

Энг муҳими шу бўлдики, шаҳар маорифи бўлими боқимсизлар тақсимлаш пунктларини жуда қисқа муддат ичида бўшатишга қарор қилди. Софья Михайловна Ленинградда методика бўйича ўтказилган кенгашдан қайтиб келиб:

— Эртага бориб бола олиб келишимиз керак — бизга ҳам ўнтаси тегди, — деди.

— Менга қаранглар, ўртоқлар,— деди тўсатдан Галля:— келинлар, Дзержинский коммунасидақа қиламиз!

Дзержинский коммунасида қандай бўларди? Бир вақт биз икки кун ичида коммунамизга ўнга эмас, элликта янги бола қабул қилганмиз! У болаларни ўзимиз вокзалларда, кўчаларда юриб тўплаганмиз, баъзиларини вагонларнинг остидан тортиб чиқарганмиз, бошқаларини вагон тоmidан судраб туширганмиз. Ўшанда улар бормайман деб нималар қилишмаган! Тоза тепинишган, додлашган эди! Ҳар нима деманг, воқиа ёзда бўлиб ўтган эди. Улар ёзда саёҳат қилишга ўрганишган («уларни инглиз лордларига яқинлаштирувчи хусусият фақат шундагина»,— деярдн Антон Семёнович).

Аммо бу вазифа юкланган катта коммунарларимиз илгари ўзлари ҳам вагон остида саёҳат қилганликларни учун саёҳатчиларнинг одати ва аҳвол-руҳияларини билишарди. Улар чаққон, тез, дадил ҳаракат қилишар, ушлаган бола билан ади-бади айтишиб ўтирмасди.

Улар бир насада болаларни сафга тизиб вокзал майдонига олиб чиқишди. У ерда минглаб томошабинлар тўпланган эди. Олдинда бир хил форма кийимда коммунарлар боришарди. Уларнинг қўлида қип-қизил байроқ, оркестр трубалари ялт-ялт қиладн. Ялгилар майдонга чиқиши биланоқ оркестр марш чалиб юборди. Шу чоқ уларни кўрсангиз эди! Ҳозиргина додлаётган, юлқинаётган болалар энди довдираб қолишган, «клифт»ларининг барини тортишар, сал бўлса ҳам у ёқ-бу ёғини тузатиш учун пахмоқ сочларини силашарди. Лекин улгуришолмайдн! Уларни шу замоноқ коммунарлар сафига қўшиб, уйга шаҳарнинг ўртасидан олиб ўтиб кетишди. Уйда уларни дарҳол ювинтиришди, сочларини олишди, чиройли, тоза форма кийгизишди. Кейин ҳамма ифлос, жулдур кийимларни, оғзини очиб турган чориқларни, шапкасимон парсаларни боғда, гулзор ўртасига уйишди... Фарам бўлиб кетди. Унга керосин сепиб ёқиб юборишди. Гулхан гуриллаб ёниб, ифлос увада бир зумла ёниб бўлиб, бир қисм кули қолди, холос. Янгилар кўзлари ва оғизларини катта очиб, бу одатимизни ҳайрон бўлиб кузатишарди.

— Бўпти, биз ҳам шундай қиламиз!— дейди Николай Иванович қизғинлик билан.— Рост, ўртоқлар! Жуда ажойиб бўлади-да.

Николай Иванович Королга ўхшайди: агар бир ни-

мани қиламан дедими, албатта қилади, ёки бирои фикр уни қизиқтирса бўлди, уни бу фикридан ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Мана, ҳозир ҳам одатдагидек: «Кейинга қолдириб нима қиламиз?! Келинлар, болаларга ҳозирнинг ўзидаёқ айта қоламиз!» деяётганини эшитаман.

— Қўйинг-э, Николай Иванович,— фикридан қайтармоқчи бўлади Софья Михайловна,— болалар ҳозир ларс тайёрлашяпти, халақит бериб бўладими! Шошманг, улгураммиз ҳали.

Лекин кутилмаган воқиа режамизни бузиб юборади. Кабинетга Суржик отилиб киради:

— Семён Афанасьевич! Янгилар! Янги болаларни олиб келишди!!

Омадди қаранг-а — ҳар гал ғалати кўнгилли ҳодисалар юз берган кун у навбатчилик қилаётган бўлади.

Софья Михайловна шаҳар маорифи бўлимида эрталаб бўлган эди. Унга болаларни олиб кетиш учун эртасига эрталаб келишни тайинлашгану, кетма-кет болаларни жўнатишган. Нима учун бу қадар шонилинч билан юборишганини билмайману, аммо боя ўйлаганимизни қилотмай қолдик эди.

Ховлида — икки милиционер ва бир тўда ўн икки ўн уч яшар бола. Биттаси кўзимга яққол ташланади — қарғанинг ўзгинаси: сочлари тин қора, кўзи чўгдек ялтирайди, ўзи қоп-қора. Антон Семёнович мени лўлига ўхшайсан дерди, лекин бу боланинг олдида менга йўл бўлсин! Бунинг устига у жуда ориқ эди — бўйин узун, ўмров суяги билан тирсаги туртиб чиққан эди. Бунақасини боқиб семиртириш ҳазил эмас.

— Ҳаммомга ўт ёқиш керак! Омборнинг калитини бер! Кийим-бош! Ботинка!— деган сўзлар қулоғингга чалинади.

Ҳамма ишга тушиб кетган: мен болаларнинг рўйхати ва шахсий варақаларини қабул қилиб олгунимча, уларни шошиб-пишиб кўздан кечириб, бошлаб келганлар билан хайрлашгунимча ҳамма ишга тушиб кетган эди. Мана, масъулиятни ҳис этиб елиб-югуриб ишлаганидан терга ботган Суржик кабинет эшигида пайдо бўлади.

— Янгилар, қани ювинишга!

Қора боланинг фамилияси жуда ғалати — Анатолий Лира экан. Ўзи ким, болалар уйига нима қилиб тушиб

қолган, билмайман. Худди шундай ориқ, лекин сариқ-дан келган рангпар боланинг фамилияси Ремешков экан.

Болаларнинг энг каттаси ўн тўрт яшар экан; буниси кенг яғришли, қоғоғи солиқ бола эди. Унинг эғни-боши бошқаларникидан ифлос, ҳамманикидан жулдир эди.

— Исминг нима?— деб сўрайман ундан.

— Ҳаммомга бораман,— деган кутилмаган жавоб оламан.

— Жуда соз. Ҳаммом ҳозир тайёр бўлади. Исминг нима сенинг?

— Малявкин. Спиридон Малявкин.

Фамилияси ўзига сира ҳам мос эмас.

Лира тишининг оқини кўрсатиб илжайиб, гоҳ менга, гоҳ Малявкинга қараб, гапимизни тинглайди.

— Ювинишга!—деб такрорлайди. Суржик.

Эшикни каттароқ очиш Суржикнинг хаёлига келгунча болалар эшик ёнида уймаланишиб туришади; эшик каттароқ очилгандан кейин эса, баравар ёпирилишди ва яна тикилиб қолишди.

— Эҳ!— деб қўйди Лира, болаларга ёпирилиб, итариб чиқариб юборди, остонага етгач менга ўтирилиб, кўзини қисиб қўйди.

Мен изма-из чиқдим. Ҳовлида — ғала-ғовур. Бўлиб ўтган бу ишларда заррача бўлсада, бизнинг ҳам ҳиссамиз бор ахир,— шу ҳақда газетага ҳам, шаҳар маорифи бўлимига ҳам ёзиб юрганлар биз эмасмидик. Демак ҳаракатимиз бекор кетмабди — биз айтганча бўлибди!

Рўнарамдан бир қучоқ шох кўтарган Петька чиқиб қолди.

— Гулхан!— деди у менга йўл-йўлакай.

Демак, мен болаларни қабул қилиб олгунимча Николай Иванович вақтни бекор ўтказмабди: гулхан тайёрланяпти!

Ёзги ўйинларимиз тугагач, гулхан ёқиб, атрофида давра олиб ўтирган ўша майдонда ҳозир Король, Колишкин ва Жуков ишларди. Шох-шаббалар баланд қилиб уйиб қўйилибдию, лекин болалар ҳамон қучоқ-қучоқ ташишарди.

Янгилар чўмилишарди. Булар эса, тезроқ ёқиб юбора қолсак эди, деб ичлари қурирди!

— Мунча имиллашади? Жон борми ўзи уларда!

— Кўрдинг-ку, боя — кири бир пуд келади,— дейди

Сергей. — То ювингучча... ҳали кийинишлари ҳам бор. Ичида биттаси бор, оёғига лойиқ ботинка топилмас ҳам — қирқинчи кияр эканми, нима бало.

Борган сайин қоронғи туша боради. Янги болалар соат бешларда келишган эди, ҳозир етти бўлиб қолди.

— Эҳ, ҳеч нарса кўринмай қолади-да.

— Ие, нега кўринмас экан? Гулхани нимага қиялмиз?

Ниҳоят қип-қизоришиб, бошдан оёқ тоза кийим кийган янги болалар бўҳча кўтаришиб ҳаммомдан чиқиб келишадди.

— Бу ёққа! Бу ёққа!— деб қичқирамиз.

Улар теварак-атрофга аланглаб, ҳайрон бўлишиб, туртинишиб келишарди.

— Бу ёққа! Бу ёққа.

Жуков болалар ичида энг кичигини, Ремешковни қўлидан ушлаб гулхан томон судрайди:

— Король, шошма, мана бу бола ёқсин.

— Нимани? Нега — дейди довдираб Ремешков.

— Кўрасан! Гугуртни ушла. Ёқ!

Ремешков гугурт чақади — синдириб юборади. Лиранинг қўлидан қутини тортиб олиб, гугурт чақади — шамол ўчириб қўяди. У бир неча дона гугурт олиб чақади ва ўчиб қолмасин деб қўли билан пана қилади. Қўли пушти бўлиб кўринади. У тиз чўкиб ёниб турган гугуртни тутантириққа тутеди. Ўзи нима гаплагини ҳали билмайдю — лекин бўлаётган нарсалар унга жуда ёқади. Олов қуруқ ингичка новдаларда ўрмалайди, шохлар чирсиллайди, қарағай игналари гуриллайди, сарғиш учқунлар баландга кўтарилади.

— Энди — латта-путталарингни от! Қани, бўл! Аввал еч, бўлмасам, гуриллаб ёнмайди.

Лиранинг дарҳол бўҳчасини ечади. Жулдур қора кўйлак, илма-тешик иштон, ифлос, пахтаси осилиб ётган камзули оловга отилади. Улар дарҳол ёнмайди. Ана бир ерини олов ялади, бошқа ерини...

— Энди сен! Навбатма-навбат, қани!

Ремешков, ўнғайсиз қулочкашлаб туриб, бор будишудини оловга ташлайди. Унинг кетидан яна аллақим ташлайди. Аланга, янги ўлжага севингандай яна ҳам кўтарилади, атроф ёришиб кетади, қизғиш шуълалар болаларнинг қувноқ чехраларида ўйнайди. Ортиқ ҳеч ким навбат кутиб турмайди. Лапашанг Спиридон Малявкин,



малланг қулоқ, юзи ялпоқ ҳамшаҳарим Гриша Кузьменко ва яна аллақим латта-путталарини барабар гулханга ташлашади — кучли, шиддатли аланга ҳаммасини ямлайди.

— Ура!— деб қичқиради Петька.

— Ура! — қўшиламиз кулиб.

Николай Ивановичнинг болалар сингаря яшнаб турган юзига кўзим тушади. У ҳам қичқирарди, ўзида йўқ хурсандлиги сезилиб турарди.

— Энди, кечки овқатга!— деб эълон қилади Суржик.

Унинг овози бўғилиб, сочи тўзғиб пешонасига ёпишиб қолибди. Янги болалар, ҳаммом, гулхан — битта навбатчиликда шунча иш зиммасига тушса, ҳазилакам гапми!

— Семён Афанасьевич,— деб шивирлайди у ошхонага кетаётганимизда,— деярли ҳаммасининг ботинкаси бутун, тақсимлаш пунктида беришган экан. Бекорга ташлаб юборишининг нима кераги бор? Алексей Саввичга айтган эдим, қарадилар — эскиларни қолаверсин, дедилар. Фақат анави Кузьминкога алиштириб бердик. Кейин ҳалиги... Малявин бор-ку, навча бола, ушқини жуда эски экан. Кейин яна битта, қораси бор-ку...

Шу маҳал аллақим енгимдан тортди. Угирилиб қарасам — худди ўша қора боланинг ўзгинаси!

— Жуда қойил мақом!— дейди Лира ҳовлиқиб. Оғзи қулоғига етиб жилмаяди ва бошқа сўз тополмай яна:— Жуда қойил мақом, деб такрорлайди.

Анатолий Лиранинг ижтимоий чиқиши

Анатолий Лиранинг ижтимоий чиқиши жуда қизиқ экан. Биринчи бор, саккиз яшарлигида болалар уйига тушган экан. Ушандан буён тўрт йил ичида ўнта болалар уйида: Архангельскда, Красноярскда, Минскда, Свердловскда, Псковда, Тюменда ва яна аллақайда бўлибди...

— Нега мунча оламни кезмасанг?— деб сўрадим ундан.

Бадиний адабиётнинг болаларга нақадар таъоир эти-

шини мен ўшанда билдим. Анатолий саккиз яшарлигида Тюмень болалар уйининг мураббияси («Елена Андреевна яхши эди»,— деб қўяди Ли́ра хаё́л суриб) болаларга Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» деган повестини ўқиб берибди. Китоб Ли́рага жуда ёқиб қолибди ва у болалар уйидан Тошкентга қочиб кетибди. Ярим йўлда уни тутиб олиб Тамбовга жўнатишибди. У яна қочибди, яна қўлга тушибди. Бу гал Красноярскдаги болалар уйига жўнатишибди. Аммо Ли́ра нимжонгина бўлса ҳам, иродаси кучли экан. У ўлсам ҳам, қолсам ҳам Тошкентга бораман деб аҳд қилиб нуқул қочиб кетаверибди. Аммо ҳар гал яна қўлга тушар экан ва ҳар гал, аксига юриб, Тошкентдан ўзоқ шаҳардаги болалар уйига юборишаркан. Ярим йил муқаддам Ли́ра Ленинград болалар уйига келиб тушибди, у ердан — бизга юборишибди.

Бизда у тез орада ҳамманинг эътиборини ўзига тортди.

Бир куни устахонадан чиққач, қўлига туфлаб иштонига артиб-артиб олди-да, ошхонага қараб югурди. Оштонага етганида Подсолнушкин йўлини тўсди:

— Қани, кру-гом!

— Нега энди?

— Бор, кийимингни алмаштириб, қўлингни ювиб кел.

— Қўлимни? Сал чанг демасанг тоза-ку.

— Бор, ана шу чангини ювиб кел.

— Бор, ишингни қил!

Ли́ра Подсолнушкинни туртиб ўтиб кетмоқчи бўлган эди, лекин у яна такрорлади:

— Бор, ювиниб кел!

Шу ерга келганда биз, Ли́ра ҳаётининг энг оғир дақиқаларида ишлатадиган:

— Бир ураман, ўн бўламан!— деган гапини эшитдик.

Ҳамма пиқ этиб кулиб юборди. Қизиги шундаки, бир вақтлар даҳшатли Тимофейга бас келиб юрган бирдан-бир одам ҳисобланган Подсолнушкин кўринишда у қадар жуссадор бўлмасада, нимжон Ли́радан кўра ҳар ҳолда бақувват эди.

Мен гўё ҳозир айтилган гапларни эшитмагандек:

— Ли́ра!— деб чақирдим яқинроқ бориб. — Шошма, кийимингни алмаштириш эсингдан чиқиб қолибди-ку. Ошхонага коржомада кириш мумкин эмас деб, айтмаганим командириг? Сенга тушунтириб қўймаганлиги учун Суржикни огоҳлантириб қўйишга тўғри келади.

Аммо Лира Суржикини анча ҳурмат қиларди: биринчи кун таассуроти, ҳаммом, гулхан — ахир шуларнинг ҳаммаси Суржикининг ишида.

— Ҳа-я! Айтган эди менга. Мен ҳозир!— Лира гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Подсөлнушканини бир уришни ҳам унутиб, ювингани югуриб кетди.

Лекин унинг қилиқлари фақат шундангина иборат эмас эди.

— Ҳа, сен ҳам шу ердამисан?— деди Лира келган кунидек Нарискини кўриб.— Жуда соз! Сен билан энди гаплашамиз.

Бу гапни эшитиб турганлар бу ерда ўч олиш бўлмаслигини уқтиришди унга. У хотиржамгина тинглади, ҳатто, тушундим дегандек бошини силкиб ҳам қўйди. Лекин бу билан иш битмади.

Нарискин ундан кўра анча гавдалироқ ва кучли эди. Аммо Лира айтган жойидан кесадиган бўлиб чиқди. У Нарискин билан муштлашмас, унга очқиқчасига ҳужум қилмас эди. Аммо шунга қарамай Нарискин тинчлиги бузилганини, боши хавф-хатардан чиқмай қолганини англади. Гоҳ кимдир устидан муздек сув қуйиб юборар, гоҳ хонага кириб келаётганида тўсатдан эшик тарақлаб очилиб пешонасига урилар, баъзан аксинча эшикка етдим деганда ёпилиб қоларди. У елкаси билан итариб кўрар — эшик очилмас эди. Шунда у югуриб келиб очмоқчи бўлар — эшик бўлса тўсатдан очилиб кетиб пақиллаб йиқиларди... Лирани айб устида қўлга тушириб бўлмасди: қора ўйноқи кўзлар — далил бўлолмайдди, ҳамма ҳам мунофиқона жилмайиб қўйишни мумкин.

Нарискин аламини ҳеч кимга айта олмасди. У ҳамон ўзини пуноҳкор ҳисоблар, шунинг учун ҳам ённи олишларига ишонамас эди. У бошга тушганини кўз кўрар деб миқ этмай келар, салқиб қолган қовоқларини пир-пир учуриб қўя қоларди.

Бир кун қочиб кетаётган Лиранинг кетидан:

— Ҳали бир урайки — деб қичқирганини эшитиб қолдим.

— Мен сени уриб бўлдим!— деган жавоб бўлди унга.

Яна бошқа гал Нарискини ҳовлида учратдим. У шилта-шалаббо бўлиб кетган, қайси форточкадан сепишган экан деб тепага қараб, теварак-атрофга алаглаб зўр бериб сўкинади.

— Сенга нима бўлди, нега ҳамма ёғинг ҳўл?—деб сўрадим ундан.

— Билмадим... ёмғир...— деб жавоб берди у елкасини қисиб.

— Нима деб валдираяпсан? Қишда ёмғир нима қилади?

— Билмадим,— деб такрорлайди у хўрсиниб.

Аммо васийлигидаги болаларнинг ҳар бирига кўз қулоқ бўлиб юрадиган Сергей Стеклов бундай «табiiий фалокатлар»га йўл қўйишни истамасди. Сергей умуман мажлисда сўзга чиқиб шундай дейди:

— Янги болага уйимиздаги тартиб-қондани тушунтириб қўймагани учун Суржикка виговор беришни таклиф қиламан. Лира Нарискинга кун бермай қўйди, бечора болани қийнаб юборди.

— Аввал бўйнимга қўй!— деб қувлик билан қичқирди Лира.

— Ўзи нима гап, Суржик, тушунтир бизга,— деб талаб этди Жуков Лирага қайрилиб ҳам қарамай.

— Суржикда нима айб? Суржикни аралаштирманглар бу ишга!— деб қичқирди. Лира.

— Суржик, жавоб бер!— деб такрорлади Жуков.

Суржик ўрнидан турди, оғир хўрсинди:

— Уни нима қилиб бўларди? Тегма, қўй ўз ҳолига, деб айтганман унга. Бир қулогидан кириб, иккинчи қулогидан чиқиб кетади. Бултур Нарискин калтаклаган дейди. Мен унга бизда ўч олиш бўлмайди, деб тушунтирдим.

— Демак, яхши тушунтирмабсан,— деди Стеклов.

— Яхши! Яхши тушунтирган!— деб қичқириб юборди Лира ғазабланиб.

— Суржик, унга яна бир нарсани тушунтириб қўй: мажлисда сўзга чиқмоқчи бўлса, аввал қўл кўтарсин. Стекловнинг фикрига қўшиламан. Суржикка виговор эълон қилишни таклиф этаман. Лирага биздаги тартибни: кимда-ким ҳар қандай қасдинг бўлса — бизга келгач унутиб юбориш кераклигини уқтириб қўйсин. Тушундингми, Суржик?

— Мен-ку, тушундим-а,— деб жавоб беради у. Бечора қип-қизариб кетди, зўр бериб пишиллайди, лекин — бўшашмади!— отрядида бирор гап бўлса, ҳамма калтак командирнинг бошида синишига анча кўникиб қолган.

Аммо Лиранинг афти-башарасида шу қадар ғазаб, нафрат акс этадики, ёрилиб кетмаганига ҳайронсиз.

— Бу нима деган гап? Эсингиз жойидами — деб бақиради у. — Нега энди унга ёпишиб олдиларинг? Нарискиннингизга тегяптими у?!

Аммо вазмин ранс Лирага парво ҳам қилмайди.

— Энди кутубхона ҳақида гаплашайлик, — деб гапини давом эттиради у ҳеч нарса бўлмагандай. — Китобларимиз кўпайиб қолди, ёлғиз Екатерина Ивановнага оғирлик қилади. Унга ёрдамчи бериш керак. Қимми сайлайимиз?

Қўзимнинг қирини ташлаб Нарискинни излаб топаман. У жуда ҳайрон. Қизиқ: у ҳеч кимга шикоят қилмаган, ёрдам сўрамаган эди-ку. Ўзлари пайқаб, ўзлари ёнини олишди. Таъна ҳам қилишмайди. Қизиқ...

„Ҳой! Тирисмисан?“

Лиранинг саргузаштлари шу билан адо бўлмади. У жуда таъсирчан экан, санъат асарлари айниқса, унга кучли таъсир этарди. Шу туфайли сал бўлмаса, ҳаётидан ҳам айрилиб қолаёзди.

Декабрда болаларни театрга олиб бордик.

Эрталабки поездга чиқадиган бўлдик. Лайлак қор ёғарди. Болаларнинг қишлоқ пальтоси янги бўлмасада, ҳали пишиқ ва иссиқ эди. Совуқдан қўрқмай, шахдам қадам ташлаб борардик, — қадамимизни яна тезлатгимиз, тезроқ вагонга чиқиб ўтириб, тезроқ Ленинградга етиб олгимиз келарди.

Соат ўн бирларда ғўла ётқизилган тинч Моховая кўчасидан борардик. Дам олиш кун эди, спектакль ўн иккида бошланарди. Аммо ТЮЗ олдида ҳалитдан болалар уймаланишарди.

Менинг шу болаларим авваллари, неча-неча бор шу ерда ўқувчи болаларни туртиб, чапани қиёфалари билан қизларни қўрқитиб юришган бўлса керак! Мен уларнинг ташқи қиёфасида аввалги ҳолатдан асар қолмаганимкан, деб яна бир бор синчиклаб кузатаман. Ёки боқимсизликдан асар сезилмасмикан? Йўқ, йўқ, болаларимизнинг бошқа болалардан фарқи йўқ — совуқда қизарган

юзлари ҳам, табассуми ҳам, ўтли боқишлари ҳам ҳамма болаларники сингари.

— Қайси мактаб?— деб сўрашади биздан.

Ана дўстларимиз ҳам чиқиб қолди.

— Салом! Салом! Келганинглар қандай яхши бўлибди!

Узун қулоқчинли олпоқ момиқ шапка кийган Тая билан Женья ва жигар ранг қулоқчин кийган Полссухин бизга қараб чопиб келишади.

— Ана, сизлар ҳам бизга меҳмон бўлиб келибсизлар-а!

Шундай бўлса ҳам бордир. Улар ўзларини мезбондек ҳис этишади:

— Йўқ, йўқ, у ёқда эмас! Бу ёққа, бу ёққа! Кийим бу ёқда ечилади. Бу томондан қулайроқ. Виставкани кўрганинглар йўқми ҳали! Ҳозир кўрсатамиз. Тезроқ ечининглар!


Командирларнинг қиёфаси ташвишли, жиддий. Улар болалар бирон ножўя ҳаракатлари билан уялтириб қўйишмасмикин деб чўчишарди. Суржикни ҳаммадан ортқ Лира ташвишлантирарди. Лира бўлса, ҳамма вақтдагидек эркин ва хушчақчақ Лиранинг бу хушчақчақлигидан ютулмаган ишлар чиқяпти мумкинлигини Суржик билмай ким билсин.

Нон кўп бўлган — Тошкент шаҳрига интилиш Лирани бир ўлкадан бошқа ўлкага таштайвериб маданий савиясини оширишга ҳалақят берган кўринади: у илгари театрда сифа бўлмаган, энди ўша илгари кўрмаган нарсаларни кўрарди. Биз Стекловнинг отрядини олдин киритиб юборган эдик. Лира шу отряд билан бирга олдингилар қаторида ечинишга улгурган, энди теварак-атрофга аланглаб турарди. Гоҳ у ёққа суқилади, гоҳ бу ёққа тикилади, бирдан йўқ бўлиб қолади ва кутмаган ерингдан шўнгиб чиқиб қолади.

— Тўхта! Ҳаммамиз ечиниб бўлмагунча ҳеч қаёққа қимирлама!— деб жеркийди уни Суржик.

— Болалар билан Стеклов кетган томонга боргим келяпти!

— Шошма, ҳали ечиниб бўлганимиз йўқ.— Суржик ўзени хотиржам тутишга уринади, лекин Лира унга қарамайди ҳам, яна аллақаёққа югуришга шайланади.— Шошма деяпман сенга, шўримга шўрва бўлдинг-ку!— дейди жон ҳолатда Суржик унинг елкасидан ушлаб қолиб.



Мана, ниҳоят Подеснишкнининг отряди ҳам ечиниб бўлди; бу сўнгги навбатда ечинган отряд эди — чунки уйимизнинг энг катта болалари шу отрядда эди. Залга улар билан бирга кираман. Залдаги жойлар нишаб бўлиб қия кўтарилган. Кўз олдим живирлашиб, ўз болаларимизни ажратиб ололмайман. Мана улар — деярли энг баланддан туриб қўл силкитишади. Биз уларнинг орқасидаги охириги қаторга ўтиришимиз керак. Лекин шу вақт ён томонда Лира дик этиб ўрнидан туради. Икки қўлини силкитиб мени чақиради, қўли билан ёнидаги бўш жойга имо қилади, бош силкитади, чақиради. Бу имо-ишоралар билан у ёнида, мен учун бўш жой борлигини билдирарди. Ёнига бораман.

— Ўтиринг, шу ер бўш, — дейди у илтимосомуз. — Кузьменконинг жойи эди, у уйда қолди.

Кузьменко келган бўлганида ҳам зарари йўқ эди: жойларнинг ўртасида айириб турадиган ёғочи йўқ. Сал сиқилишсак, яна бир неча одам сиғиши мумкин.

Лира билан Суржикининг ўртасига ўтираман. Орқамдан чап томонда — Петька ўтирибди; сал бўлсада яқин ўтирганимиздан у ҳам хурсанд. Театрга биринчи келишимиз бўлсада, танишларимиз кўп. Ана, Гриша Лучинкин жилмайиб қўл силкитяпти. Ана яна таниш, хушчақчақ

чеҳраларга кўзим тушади: булар — Таня, Жёня ва Гена. Кулги, шов-шув. Биринчи қарашда бу ерга болалар фақат ғовур-ғувур гаплашиш, кулиш учун тўплангандек туюлади. Йўқ, йўқ, ундай эмас. Болалар кулишса ҳам, ғовур-ғувур гаплашишса ҳам, ҳазил-мutoйиба қилишса ҳам улар аслида номаълум қизиқ нарсани сабрсизлик билан кутар адилар.

Программанинг муқовасини кўздан кечирамиз. Жуда қизиқ бўлса керак: катта-катта қоялар кўкка бўй чўзади, одамлар бир-бирларига ёрдамлашиб, таёқларга таяниб, арқонга осилишиб зўр бериб тикка тоққа кўтарилишади. Орқасига шундай деб ёзилган:

«Ҳар йили ёзда илмий-текшириш ишлари билан шуғулланувчи олимлар ва разведкачилар мамлакат бўйлаб сафар қилишади.

Бирлари — қум барханлари ҳукм сурган иссиқ чўлга боришади.

Бошқалари — ҳеч қачон муз эримайдиган, фақатгина мох ва лишайниклар кўкарадиган, ёзи билан кундуз, қишда эса тун ҳукм сурадиган Қутб доирасига жўнашади.

Бошқа бирлари Урал ва Кавказдаги тоғларга, булутдан ҳам баланд ерларга чиқишади.

Баъзилари эса, одам оёғи тушмаган ўрмонларни кезишади.

Улар нима ахтаришади?

Ҳазина.

Табиатнинг ўзи яширган: кўмир, нефть, мис, темир, олтин, кумуш, симоб, фосфоритлар, туз, сланец, гипс, оҳак каби дунё-дунё бойлик ўлик хазина бўлиб ер остида ётибди.

Мамлакатимизда мисли кўрилмаган йирик қурилиш кетаётганини биласан.

Шундай ўлик хазиналарни топиш, ишга тушириш — қурилишга катта ёрдамдир.

Шунинг учун ҳам разведкачилар тинмай кезишади, ахтаришади.

Қўл ҳам етишмайди, кўз ҳам етишмайди.

Студентлар олимларга ёрдамга чиқишади. Комсомол ударникларни жўнатади. Совет туристлари ҳам разведкачиларга хос вазифалар олишади.

«Хазина» пьесасида тоғда разведка қилиб юрган студентга ёрдам берган болаларни кўрасан...»

...Мана, чироқ ўчди. Зал дарҳол тинчимаиди — аллаким аллакимни чақирди, Биров жавоб қайтарди, Бурчақда кимдир пиқиллаб кулди, яна кимдир йўталиб қўйди. Тўсатдан сув қўйгандек жим бўлиб қолди. Қоронғи саҳнага прожектор нури тушади — ичкарилиқда, тошлантошга ўтиб, тоғдан тушаётган чол кўринади. Чол трубкасини тутатиб келаркан ён бағирликда ўсган дарахтларини кўздан кечиради.

— Салом, — дейди у дарахтга. — Ҳалиям турибсанми? Кўряпман. Новдаларингни шитирлатаяпсанми? Эшитяпман. Бу ерга келмаганимга икки ҳафта бўлди. Хўш, қандай янгиликлар бор? Ҳм... янгиликлар бор экану, лекин ҳаммаси маълум гаплар. Кўриб турибман... айиқ сенга суяниб қашинибди. Қайси айиқ экан? Ҳа-а, кўрдим... Тирноғини ҳам қайрабди. Ўша шалпаиғ кулоқ... маълум... Эллик йилдан буён ўрмондаман. Ҳаммасини тушунаман. Қуш қаёққа учаяпти, ҳайвон қаёққа югураяпти, плон қаёққа ўрмалаяпти, менга ҳаммаси маълум. Афсуски қуш билан ҳайвонлар тилини билмайман. Алам қилади. Эллик йил ўрмонда яшасаму, тушунмасам...

Тўсатдан бизнинг болалар пиқир-пиқир кулишади. Мен ҳам беихтиёр кулиб юбораман. Томошабинлар бизга қарашади, жим бўлинглар, деб жеркишади, аммо ўзинини пута олмаймиз: нега деганда бизнинг Владимир Михайлович ҳам дарахт ва кўкатлар билан худди шу чол сингари гаплашади. Шунинг учун бўлса керак, болалар саҳнада бўлаётган воқеага чиппа-чин ишонишарди. Саҳнадаги воқеа эса, қўйидагича эди.

Студент ва уч ўқувчи — геологик разведкачилар — Кавказ тоғларида минс рудаси қатламларини ахтариб юришади. Улар туманда бир-бирларини ушлашиб келишади, аммо ўн икки яшар Птаха деган қиз бир дақиқа ўртоғининг қўлини қўйиб юборади ва шу топдаёқ уни йўқотиб қўяди. Бақришиб уни чақиривади, аммо туманда акс-садо товушни узоққа олиб кетиб кишини чалкаштиради. Шундай қилиб қиз ҳамроҳларидан бир неча қадам нарида адашиб қолади. Қиз бир неча кунгача ёлғиз оч-наҳор адашиб юради. Атрофда бир тирик жон йўқ. Лекин ўзини дадил тутаяди. Қиз, ўртоқларим кўриб қолар, деган умидда соғ-саломатлигини ёзиб, дарахтларга хат илиб кетади. Тўсатдан чолга дуч келади. Чолнинг исми Иван Иванович Грозний.

Чол даранинг нариги томонида туриб, бериги томо-

нига дарахт ётқизади — Птаха ҳеч нарсадан қўрқмай
якка чўпдан бемалол ўтади...

Ли́ра қўли билан тиззасини чангаллаганича бўйинини
чўзиб, саҳнадан кўз ўзмасди. Орқа томонимда ўтирган
Петьканинг иссиқ нафаси бўйинимга уриб турибди... Қиз
хатарли жойдан эсон-омон ўтиб олади.

Аммо кейинги кўринишда у яна адашиб қолади: тур-
ган жойида ер ўпирилиб, қиз тушиб кетади. Уни арқон
ташлаб тортиб чиқаришади. Ли́ра, ўзи сезмагани ҳолда,
қўлимини тимирскилаб топди ва маҳкам сиқди, бериги
ёнимда Суржи́к маҳкам ёпишиб олган эди. Кутилмаган-
да — залдагилар бараварига оҳ тортиб юборди, — Птаха
яна тушиб кетади, уни яна ахтариб топиша олмайди. Бу
гал тирик қолишига ҳам умид қолмайди. Дўстлари чар-
чаш нзмалигини билмай уни қидиришади, аммо вақтла-
рини бекор ўтказишмайди. Студент ва ўқувчилар руда
қидиришади. «Бундай акс-садо фақат горларда, кавлан-
ган тоғларда бўлади. Конга яқинлашиб қолдик, — дейди
студент. — Мен бу ерда, бошқалар Уралда, яна бошқалар
қакроқ чўлларда қоврилишяпти. Яна бирларимиз тун-
драда совуқ қотиб юришибди — ҳаммамиз бир иш қил-
япмиз. Мамлакатга темир, мис, кўмир, нефть, апатитлар,
фосфорит, олтин, симоб керак...» Студентнинг фикри-ёди
шу, у уч йилдан буён ҳар ёз шу ерга келади — қидиради.

— Семён Афанасьевич, шуларнинг ҳаммаси бўлган
гапми? — деб сўрайди мендан Ли́ра антракт пайтида.

— Шуларнинг ҳаммаси уйдирмами ё ростми? — дей-
ди Петька.

— Албатта уйдирма-да! дейди Суржи́к кескин. То-
моша кетаётган пайтда у Птаханинг саргузаштларига
шу қадар берилиб кетган эдики, қўлимга маҳкам ёпишиб
олиб, то парда ёпилгунча қўйиб юбормаган эди. Агар
эси жойида бўлса, сира бундай қилмасди у.

— Уйдирма бўлиши мумкин эмас! — дейди қаршилик
кўрсатиб Петька.

— Қиз болани қаранг-а! Юрагига балли-э! — дейди
Ли́ра гоҳ у, гоҳ бу болага ўгирилиб.

Ана, чироқ яна ўчди. Охирги кўриниш тугай деб қол-
ди, Птахадан ҳамон дарак йўқ. «Уни топишармикан?
Топишармикан?» — деб такрорлайди аллаким шивирлаб.
Разведкачилар чиқиб кетмоқчи бўлишади.

— Вой, нега кетишяпти улар? Қиз нима бўлади? —
ийғламсираб гапирди. Ли́ра.

Мен қаяққа қарашимни ҳам билолмай қолдим — сағнага қарайми, болаларга қарайми; ўзимизнинг болаларига қарайми, бошқаларига қарайми?

Разведкачилар кетиша бошлашади: «Эҳ, Птаха, Птаха, аливидо!»

Тўсатдан, кичкинтойлар ўтирган биринчи қатордаги болалар худди магнит тортгандек, барабарига ўринларидан туришади ва рампа томон юриб:

— Кетманглар! Птаха шу ерда! — деб қичқиришади баробарига.

Кичкинтойларнинг қилиғи ҳеч кимга кулғили кўринмайди. Залдагиларнинг ҳаммаси ўридан ирғиб туриб ўша ёққа югуришга — уларни тўхтатишга, чиқариб юбормасликка, Птахага ёрдамга чақиришга тайёр.

Тогда тўсатдан жангир-жуңгир кўтарилади. Бу намаси, табиатнинг яна бирон сирими? Йўқ, йўқ, бу Птаха. У соғ-саломат, бунинг устига қадимий кон топган. У ерда бяр тўда мис идишлар ҳам бор эди. Птаха қичқирган-қичқирган, ҳеч ким эшитмагандан кейин мис жомани чала бошлаган.

Биринчи қатордаги болалар тистаниб, жойларига қайтиб келиб ўтиришади, залдагилар қичқиришади, болалар зўр бериб қарсак чалишади, Лира оёғи билан ерни дуқиллатади. Кинотеатрда ҳам ҳар доим шундай қилиб юрган бўлса керак. Мен кўлимни оҳиастагина ҳаянги тиззасига қўяман — у ҳайратдан ола-кула бўлиб кетган кўзларини менга тикади.

Орадан икки кун ўтгач, Петька кабинетимга ҳарсиллаб югуриб кирди-да:

— Семён Афанасьевич! Тез бўлинг! — деб бақирди жон ҳолатда.

Бундай вақтда суриштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ — югуриш керак. Хонадан отилиб чиқдим. Петька кўчининг борица парк томонга қараб чопади, мен ҳам изма-из югураман. Эски, ташлапдиқ қудуқ ёнида болалар уймалашиб турганини, ҳар тарафдан яна югуриб келишаётганини ўзоқдан кўраман — болаларнинг ҳаммаси негдир Стекловнинг отрядидан. Улар шу яқин ўртада юришган бўлса керак. Қучанавериби қип-қизариб кетган Павелуша Стеклов билан Лёня Петров қудуқ тепасида энгашишган. Югуриб бордим — қарасам: иккови йўғон

арқоннинг учига ёпишган. Шу маҳал алланарса шўпиллаб кетди ва қудуқ ичидан кучсиз қичқириқ эшитилди. Болалар бараварига войлаб юборишади.

«Лира!»— деган фикр ярқ этиб ўтади миямдан.

— Лира! Ли-ра-а!— деб қичқиришади болалар.— Эҳ, тушиб кетди-я! Ушлаб қола олмадик! Ҳой, Лирка! Тирикмисан?

Мен ҳам қудуқ тепасида энгашаман ва:

— Ҳой! Тирикмисан?— деб такрорлайман бенхтиёр.

— Тирикман,— деб жавоб беради зўрга.

Арқонни тортиб чиқариб қарайман — пишиқ арқонга ҳалқа қилиб яна ташлайман:

— Ҳалқани белингга тушир! Эшитяпсанми? Тушир! Белингга деяпман! Ҳой! Белингга туширдингми? Қани, маҳкам ушла!

Жонли юкни арқон билан оҳиста ва эҳтиёт билан торта бошлайман. Борган сайин кўтарилаверлади. Мана, ҳансираб нафас олиши эшитила бошлади, тим қора боши кўринди. Мана, қўлимни узатсам етади. Арқонни тиззам билан босиб туриб, икки қўллаб Лиранинг қўлтигидан ушлайман ва тортиб чиқараман. Ранги шу қадар ўчган эдики, қора юзи кўкариб, кўзлари олайиб кетган эди. Белигача ҳўл, оёқ устида тура олмасди. Қудуқнинг ёнгинасида, унинг қора пальтоси билан қулоқчинини ётганини кўраман. Тўғри, қиш юмшоқ, бугун бор йўғи икки градус совуқ, лекин ҳар ҳолда...

Қудуқ тепасида ўралишадиган кичкина болалар билан қўл ушлашиб, Лирани қўлга ўтқазиб ҳам бўлмайди. Лирани даст кўтариб уйга олиб кетаман. У ерда Лира Галя билан Софья Михайловнанинг ихтиёрига ўтади. Улар икки кишилашиб Лирани чўмилтиришади, кийинини алмаштиришади, исинтиришади. Бу орада болалар менга бўлган воқеани тушунтириб беришади.

Бундан бир кун аввал Лира Птаха сингари жарлик тепасидаги яккачўлдан ўтоламанми, йўқми деб, нуқул ариқ устига ташланган тахтадан у ёққа-бу ёққа ўтиб машқ қилибди. Беш марта у ёққа, беш марта бу ёққа ўтибди. Бугун у бир нарсани: агар тушиб кетсам, мени ҳам чиқариб олишармикан, мен ҳам Птахадекмиканман ёки шундан ёмонмиканман деб синаб кўрмоқчи бўлган экан. Болаларни чақириб қудуқ ёнига олиб борибди, аллақачонлардан буён ётган чириган ёғоч пақирга тушиб, кудуққа тушибди. Кейин болалар тортиб чиқармоқчи

бўлиб торта бошланибди — тортиб чиқара олмасликларига кўзлари етиб, қўрқиб кетишибди ва Петяни кечга югуртиришибди. У сал нарига бормасдан ёнча пачкаси олиб кетибди. Яхши ҳам қудуқ наст экан, суви ҳам Лиранинг белидан келар экан. Шундай қилиб, Лира олиб кетибди, совуқ қотибди, яширишнинг нима кераги бор, капалаги учиб кетибди. Тирмашиб чиқмоқчи бўлган экан, қўли кучсизлик қилибди — яна тушиб кетди. Петяка икковимиз худди шу пайтда етиб келибми.

Эртасига Лира озиб кетгандай кўринди. Пешонаси ғурра бўлиб чиққан эди. Аммо у ўзини синиб кўриш нотагидан ҳамон қайтмаган эди. Лекин ҳар қолда анча тинчиб қолди, — унинг аҳён-аҳёнда, «ўх-ўх... ана холди... шунақа гаплар...» деганини ҳисобга олматганда кун бўли кетимдан индамай юарди. Фақат кечга бориб киниздадагини секин очиб солди:

— Семён Афанасьевич! Суржикда айб йўқ! Қудуқ ёнига йўламагин деб келган куним айтган.

— Ёлгон гапирма! Шу маҳалгача қудуқ эсимизга ҳам келмаган. Уша ерга бориб суқиладиган азамат дам йўқ эди.

— Худо урсин, Семён Афанасьевич! Кимдан сўтасангиз, сўрай қолинг: қудуққа яқин йўлама деб тайинлаган!

— Нега бординг бўлмасам?

Лиранинг берган жавобини эшитиб, ўтирган ердан ағдарилиб тушаёздим.

— Фақат мен айбдорман, Семён Афанасьевич: ушанга қилай, сал-пал қўрқоқман!

— Нима-а?!

— Билмайсизми ҳали? Ёшим ўн ёккидаю, ақлим саккиз яшар боланинг ақлидай — текширишганда шундай чиққан. Ҳамма гап шунда. Менга иш буюришса тушунмайман. Гапиришса, қулоғимга кирмайди.

— Хе-е. шайтон! — деб юборди Екатерина Ивановна ўзини тутга олмай. — Биласизми iq нима, бу — педагогларнинг тили билан айтганда, асосий ёшдан фарқ қилувчи ақлий ёш.

Ниҳоят Лира кабинетдан чиқиб кетди. Роса тўлаётган кулиб олганимиздан кейин Алексей Саввич:

— Бу бола ҳали бошимизни кўн қотиради... мен айтди дерсизлар! — деди жиддий.

Бояги гап тепасида у ҳам бор эди. Янги келган болаларнинг орасида энг шўхи шу Лира эди. Эртаса ёш

ярим соатдан сўнг нима иш қилиб қўйишини ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмасди. Ҳамма вақт жанжалли чала қолган одамдек кўришарди. Уйчан, мўминтой бўлиб қолганини кўрдик дегунча, бу момақалди роқ олдиндан бўладиган тишчилик эканини, энди яна бир хунар чиқариб қолганини билардик. Суржикни жонидан тўйдириб юборди. Қудуқ воқеасидан кейин сал ўтмай, Суржик йнгламоқдан бери бўлиб Лирани ўрмондан судраб келди. Кейин билсак, Лира яланг кўйлақ-иштониди қорда думбалоқ ошииб юрган экан.

— Нега ундай қилдинг?

— Чиниқмоқчи эдим!— деб жавоб берди у.— Одам чиниқиши керак, деб ўзингиз айтдингиз-ку, Семён Афанасьевич.

Аммо менинг мулоимгина гаплашишга тобим йўқлигини кўрган Лира шу замон оқ сингалган, илгари унга кўп иш берган далил келтира бошлади:

— Семён Афанасьевич, ику тўғрисида айтганларим эсингиздами?

— Шунақа дегин,— дедим жаҳл билан,— жинниликни қўй! Бундан буёқ йқ иш тилга олмай! Жинни бўлсанг, уни айт, дарров жўнатиб юборамиз — бу ердагиларнинг ҳаммаси соппа-соғ, тушундингми? Чиниқмоқчи бўлсанг — коньки уч. Ёз келса — чўмиласан, эрталаб устингдан совуқ сув қуясан, шундай қилсанг, қишда ҳам совуқ таъсир қилмайди. Энди буйруғимни эшит: қорда думбалоқ ошишга ўхшаш яна бирон нарса қилсанг... аввал Суржикка ёки менга айт. Тушундингми? Йқ ҳақида ортиқ эшитмай!

Шунча қилғилиқнинг устига Лира анча бачкана ҳам экан: коньки ҳақидаги сўзларимни дарҳол қулоғига илиб ҳам олибди, бажаришга ҳам киришибди. Шу кун пилла-пояга чиққан эдим, қуйидаги манзарага кўзим тушди. Лира яхлаган ҳовлининг ўртасида бир оёғи у ёққа, иккинчи оёғи бу ёққа тайганиб, қўлини беъхшов силкитиб чайқалиб турарди. Атрофини Петька, Павлуша ва яна ўн тача бола қуршаб олган, зўр бериб қимматли маслахатлар беришарди. Аммо маслахатлар ёрдам бермади — Лиранинг иккала оёғи икки томонга тайганиб кетди-да:

— Уҳў, жуда тайганчиқ экан-ку!— деб бақирганича пупиллаб чалқанчасига йиқилди.

Ўридан тургандан кейин эса:

— Қандай қилиб ўргангансан, тушутирсанг-чи? —

деб Петькага ёпишиб олди.—Нега сира эплай олмаганман? Тўғри учай дейману, оёғим нуқул икки томонга қараб кетаверади?

Петя бўлса:

— Жуда осонгина ўрганганман: оёқ қўйдим дегунча — гуп-гуп йиқилаверардим! Оёқ қўйдим дегунча — гуп-гуп йиқилаверардим! Шундай қилиб ўрганганман,— деб жавоб берди.

Шундан бери ҳар кун дарсдан кейин Лира коньки учмоқчи бўлар — Петьканинг айтганидек, гупиллаб йиқиларди. Ахир бир кун коньки учини ўрганиб олишга ҳақ қайсимиз шубҳа қилмасдик.

— Менга жуда ёқади шу бола: ўт-олов,— деди бир кун Король.

У менга ҳам ёқарди. Унда қувлик ва самимият бор эди. У ҳамма нарсага қизиқар, жуда ҳаракатчан ва ўт-олов эди. Король жуда топиб гапирган. Ҳамма нарсага жон-жаҳди билан киришарди: ўйин бўлса ҳам, конькида учини, Нариксинни «бир уриб» қолтиш ёки чалиш лозим бўлса, ҳаммасини бажонидил қиларди. Нариксиннинг шундай адабини берардики, на Суржик, на Стеклоз, ҳатто Жуков ҳам ундан кўра олмас эди. Бирон сўз, кичкина бўлса ҳам: бирон воқеа унда из қолдирмай ўтмасди. У таассуротни ютаётгандай кўзларини катта-катта очиб, оғзининг таноби қочиб юрарди. Лекин уни тентак деб бўлмасди. Бирон қилғилиғи учун уни уришгудек бўлсангиз, дарҳол кўзини юмиб оларди. Чўғдек ялтираб турган қора, ўйноқи кўзлари сирни бой бериб қўйишини билиб шундай қилса керак.

— Ҳа, Тошкентга боришга тайёрланиб юрибсанми?— деб сўради бир кун Король.

Лира менга қаради ва дарҳол кўзини юмди:

— Тошкентда менга пишириб қўйибдим! Нима бэр менга у ерда?

Ака-ука Гракхлар

Николай Иванович коллективимиз билан тезда опоқ-чопоқ бўлиб кетди. Унга кўникиб ўтиришининг ҳолати йўқ эди. Гўё у бизга эски танишдек эди.

Ҳали-ҳали эсимда; бир мактабда, бир колония ёки болалар уйида дарс берадиган ўқитувчилар фақат ишдагина эмас, мактабдан ташқарида ҳам бир-бирлари билан дўст бўлишлари керак деган эди Антон Семёнович, нега деганда, одам бир қисми иш учун, иккинчи қисми уй учун, шахсий ҳаёт учун деб иккига бўлинмайди. Мактабда ҳам, мактабдан ташқарида ҳам бирдек дўст бўлиш керак.

Ўқитувчилар бир ёқадан бош чиқариб, қўлини қўлга бериб ишламасалар болалар коллективини бирлаштира олмайдилар. Коммунада, барча дзержинчилар ўқитувчиларнинг бир-бирлари билан қалин, аҳил ва содиқ дўст эканликларини билишарди. Бу ерда, Берёзовая полянада ҳам ишимиз ўнгидан келган эди: бир-бирига ўхшамаган, феъл-атвори турлича бўлган кишилар бир-биримизни ҳурмат қилар, бир-биримиз билан бамаслаҳат иш тутардик. Иш юзасидангина эмас, йўқ, бир-биримиз билан чинакамга юлдузимиз тўғри келган эди. Ўртоқларимиздан ҳар бири ҳамма вақт иш билан ҳам, маслаҳат билан ҳам ёрдам беришга — керак бўлиб қолган тақдирда ташвишингга ҳам шерик бўлишга ишонардик. Бу ҳақда гаплашмас, муҳокама қилмас эдик. Лекин ҳеч қандай сўзсиз ҳаммаси аниқ-равшан эди. Очiq денгизда сузаётган бўлсанг ҳам, ҳар ҳолда ёнгинангда қайиқ бор; қўл чўзсанг — ёрдам қилишади, агар айтмасанг ҳам қийналиб қолганингни сезишади, қўлларини узатиб тортиб олишади.

Николай Иванович эпчил, ичимизда энг ёшимиз эди. Болалар ичида юрганида, авваллари: болалар уни ҳурмат қилишармикан, деб ўйлардим. Болалар билан ҳаддан ташқари яқин бўлмаяптимики? Аммо Николай Иванович болалар билан яқинликнинг чегарасини биларди — буни болалар ҳам яхши ҳис этишарди.

Буни аввал ким ўйлаб топганини билмайман. Николай Иванович, Король, Разумов, Жуков ва Володин радиоприемник яшашмоқчи, уйимизни радиолаштирамоқчи бўлишди. Болалар устахонада иш тугагач Алексей Саввичнинг столи ёнида тўпланишар, қичқиришар, бир-бирларининг сўзларини бўлиб баҳслашар эди. Четдан қараган кишига тенгдошдек кўринишади, лекин гапларига диққат қилсанг борми, ораларида ўқитувчи борлигини ҳис қиласиз. Унинг ҳар сўзи — қонуи; у буйруқ бермасада, силтаб ақл ўргатмасада болалар унинг

чизган чизигидан чиқиншмайди. Хамма болалар ва уларнинг ҳамма ишлари уни қизиқтирарди. Плетнев ҳақида ҳадеб суриштиравергани учун Король билан Разумов уни яна ҳам яхши кўриб қолишди. «Қанақа бола эли, қани гапириб беришлар-чи. Сира кўрмаганман-да, уни»,— дер эди у. Король билан Разумов бир-бирларининг гапларини бўлиб «Плетень»нинг қанақалигини гапириб беришди:

— Айтганини қилмай қўймасди... адолатли эди... Айтгани айтган, дегани-деган эди... Бекорга хафа қилмас эди... Агар жиғига тегсанг борми... ҳеч нарсадан кўрқмасди... дунёни сув олиб кетса, тўпига чиқмасди... ажойиб ўртоқ эди...

— Яхши ўртоқ бўлса, нега ташлаб кетди сизларни?

— Бу ерда уни хафа қилишди-да, шунинг учун кетиб қолди. Жуда мағрур эди,— деб гапини бермасди Разумов.

Бир вақтлар Плетень «қуруқ олифта» деган Король Володяни хафа қилмаслик учунгина, унга эътироз билдирмасди.

Николай Иванович Панин, Колишкин ва Репин ҳақида узоқ-узоқ суриштирарди — болаларнинг ҳар бири уни қизиқтирарди. Николай Иванович эпчил одам эди, ҳеч қандай ишдан кўрқмас эди. Уни ҳаммамиз жуда яхши кўриб қолдик.

Лекин битта чатоқ ери бор эди: у ҳам бўлса Николай Ивановичнинг хотини борлиги эди. Бир вақт шаҳар масофи бўлимида Змин, «бир уришда икки қуённи отиб туширдим» қабилида, икки ўқитувчи — физик ва тарихчи берган эди. Ўшанда мен Николай Иванович учунгина эмас, хотини учун ҳам хурсанд бўлган эдим. Аммо ўшандан буён севишчим аста-секин пучга чиқа бошлади.

Николай Ивановичнинг хотинининг исми Елена Григорьевна эди. У чиройли, ёш — Николай Ивановичдан ҳам ёш эди. Аммо унинг феъли ташқи кўриниши ва ёшига мос эмаслигига дарҳол ишондик. Феъли заҳар, шаллақи кампирларга хос эди.

Елена Григорьевна мактабга аччиқланган, қовоғи солинган ҳолда келарди. Ҳеч қачон: «Бугун ҳаво ёмон» демас эди. Йўқ, у «Нақадар қабих, ярамас, жирканч!» дедарди. У соддагина қилиб: «Чарчадим» демасди. У худди бировга таъна қилаётгандек: «Итдай чарчадим!»

ёки «Кайфим ўлгудай бузуқ» деярди. Болалар ҳақида бўлса: «Ҳеч нарса тушунишмайди, ўлгудек аиқов, қоби-
лиятсиз болалар» дерди. «Нима қилиб суқилиб қолдик
ўзи? Бундан ҳам бемаъни нарса бўладими!» Елена Гри-
горьевна шу гапларни ўқитувчилар хонасида овозининг
борича, ғазаб билан бақириб кунда такрорларди.

У Николай Иванович билан одамлар ичида жанжал-
лашишдан ҳам уялмасди. Бундай пайтларда ҳамма вақт
жанжал бир тарафлама бўларди: Елена Григорьевна
бақирарди, Николай Иванович эса азобланиб, қип-қиз-
зориб, бизга қарамасликка уриниб, хотинини юпатишга
киришарди:

— Леля... менга қара, Леля... уйга борайлик олдин...
бўлди энди Леля...

Николай Иванович болалар билан ўзоқроқ ўтириб
қолган кезларда хотини келиб қолиб:

— Николай, юр уйга!— деярди қисқагина.

Николай Иванович бўлса бирор гуноҳ қилиб қўйган
ўқувчидек қип-қизориб кетар, шошиб-пишиб:

— Ҳозир, ҳозир...— дерди итоаткорлик билан.

Орқаларида эшик ёпилар ёпилмас.

— Сенга минг марта айтганман! Одаммисан ўзинг?—
деган овоз эшитиларди.

Бир кун шундай машмашадан кейин Король улар-
нинг кетида:

— Оббо ярамас хотиней!— деб юборди ғазабланиб.—
Нега доим эрига ўшқиради-я!

— У бўлса, миқ этмайди!— деди ачиниб Жуков. Ке-
йин кутилмаганда ғазабга тўлиб: — Мен бўлганимда
кўрсатиб қўярдим унга!— деб қўшиб қўйди.

— Ялмоғизнинг ўзгинаси...— деди хурсиниб Володин.

Мен уларнинг ёнидан ўз хаёли билан банд, бошқа ҳеч
канақа гап қулоғига кирмайдиган одамдек ўтиб кетдим.
Лекин ўзим ҳам тан олдим: ҳақиқатан ҳам бемаъни аҳ-
волга тушиб қолган эдик.

Бу иш шахсий, уларнинг оилавий ишлари эди албатта.
Лекин ортиқ бундай давом этиши мумкин эмаслигини
ҳаммамиз тушунардик. Орадан кўп ўтмай Софья Михай-
ловна:

— Агар шундай давом этадиган бўлса, Николай Ива-
нович биздан кетиши керак бўлиб қолади,— деди мен-
га.— Эссиз-эссиз...

Унинг сўзларига ҳайрон қолмадим. Мен ҳам худди

шундай ўйлар эдим: болалар шундай бўлмағур муносабатларнинг шоҳиди бўлиши мумкин эмас, ахир. Фақат катталаргина эмас, балки Лира сингари кичкинтойлар ҳам Николай Ивановичга ачишиб қарарди. Унинг бу боқишларида мен: «Эҳ шўринг қурғур-а, тоза қушингни кўрсатяпти-а! Чндаб кетаверасанми шундай?» деган маъно ўқирдим.

Икковимиз юзма-юз ўтириб, ёлғиз қолган пайтлардан бирнда, керакли сўзларни топа олмай, дудила-дудила гап бошладим:

— Бу гапни айтиш менга жуда қийин, Николай Иванович. Сизни жуда қадрлаймиз. Сиз бўлмасангиз қўлсиз бўлиб қоламиз. Лекин шуни айтишим керакки...

Нима ҳақида гапирмоқчи бўлганлигимни дарҳол пайқадди. Рангги қув ўчиб ўрнидан турди.

— Менинг оилавий муносабатимнинг ишга алоқаси бўлмаса керак...— деб гап бошлади у жинзакилик билан. Лекин шу замонда қўлини силкиб, ҳорғин ўтирди:— Тушунаман, Семён Афанасьевич. Сиз ҳақсиз, албатта. Майли, хотиним билан яна бир гаплашиб кўришга ҳаракат қиламан...

Хотини билан қандай гаплашгани менга қоронғи. Орадан кўп ўтмай, Елена Григорьевна анча юмшоқ бўлиб қолибди. Одамлар орасида эрига бақирмайдиган бўлди. Лекин одамнинг табииоти уйда қолдириб бўлмайди, нига келганда чўнтакка яшириб ҳам бўлмайди.

У тарихдан дарс берарди — тарихий воқеалар ва қаҳрамонлар тўғрисида ҳам, гўё бу қаҳрамонлар унга шахсан озор берган каби аччиғланиб, тажанглик билан гапирарди. Болалардан биронтаси гуноҳ қилгудек бўлса, у дарҳол қичқира бошларди. Бундай ҳолларда, кўпинча болалар унга парво қилишмайди.

Бешинчи гурӯпада янги келганлардан Гриша Кузьменко деган бола ўқирди. У кўп дарс тайёрларди: одатла у шпаргалка тайёрларди. Уқитувчилар унинг ёнида: тарихий воқеаларнинг бўлиб ўтган йиллари, физик формуллари, немис тилидаги турланишлар ёзилган қоғоз парчалари топиб олишарди. Бир кунги Елена Григорьевна Гришанинг ёнидан шунақа шпаргалкаларнинг бирини тасиб олди-да, унга роса қичқирди. Аммо Гриша худди гарангдек безрайиб тураверди — Елена Григорьевна айтётган сўзларнинг маъносига тушуниб етмаган бўлса керак. Гриша, мана шу бақирнишларнинг ҳаммаси ёмғир-

дек гап, бир оз кутилса: ёғадн, ёғадн, ахир бориб тинади-да, дегандек безрайиб турарди.

Кейинги дарс немис тили эди.

Нима бўладию, Софья Михайловна ҳам Кузьменкони чақиради. Кузьменко синф тахтаси ёнига чиқади ва кафтига яширинча қарай-қарай «der Tisch»ни у қадар тез бўлмасада, ҳар ҳолда беҳато турлаб чиқади.

Григорийнинг ўз кафтига ҳадеб қараётганини Софья Михайловна аллақачон сезганига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Аммо Софья Михайловна диққат билан доскага қараб турарди. Григорий доскага ҳам бир текис қилиб, майда ёзарди. Кузьменко «der Tisch»ни турлаб бўлгач, Софья Михайловна:

— Яхши, жуда тўғри, — деди.

Кейин Григорийнинг ёнига борди. Григорий шошиб қолди. Софья Михайловна унинг қўлидан ушлади, доскадаги михга илиб қўйилган ҳўл латгани олиб Григорийнинг кафтини артди. Артиб бўлгач яна қарадида, яна артди. Кейин худди шу латта билан тахтадаги ёзувларни ўчирди-да, ҳар вақтдагидек хотиржамлик билан:

— Яна бир бор турлаб чиқ,— деди.— Фақат бу гал бошқа сўзни... кел, «der Stuhl» ни турлай қол.

Шу маҳалда ҳамшаҳаримнинг аҳволини кўрсангиз эди. Қип-қизориб, пишиб кетибди.

Кимдир пиқиллаб, кулиб юборди. Синфлагиларнинг ҳаммаси бараварига қаҳ-қаҳлаб кулиб юборишди. Жуков бўлса, зўр бериб, кўзига чиққан ёшларни артарди. Софья Михайловна болаларга юзланди ва қўлини қўтариб ҳар вақтдагидек вазминлик билан:

— Бўлди, жим энди,— деди.

Танафбус пайтида Король кўзларини чақ-чақ ўйнатиб:

— Хотиржам бўлаверинглар, бу охиргиси. Энди қилмайсан-а, Гриша?— деди.— Бу сенга:—«Бу нима қилиқ!» эмас.— Король Елена Григорьевнага ўхшатиб қичқирди.

Болалар тарих дарсини ёмон кўришарди. Улар ўша Рим ва ўша одамлар аллақачон дунёдан ўтган бўлсада, бизни то шу кунгача ҳаяжонга солиб келган Рим тарихини ўтишарди. Аммо болалар дарс тайёрлаган пайтда ёки синфда жавоб беришаётганда қарасам, ҳамма вақт: «Аристоник фалон-писмадоннинг вакили эди... Африка

Сципиони фалон-писмадонинг вакили эди...» каби ўша-ўша расмий формулаларни эшитардим.

Энг муҳими шуки, Елена Григорьевнада одамларга қизиқиш, одамнинг кўзига тикилиб: кимсан, қандай одамсан? деб ўрганиш йўқ эди. Нима истайсан, қаёққа борасан, нима бўласан? У болаларнинг биронтаси тўғрисида ҳеч нима билмади. Ундан Жуков ҳақида сўрасангиз,— «дуруст, ёмон эмас» дея оларди холос. Коробочкин тўғрисида эса: «Ёмон, дарси билмайди»— дея олар эди холос.

Нега ўқитувчи бўлди у? Нега энди тарих ўқитувчиси бўлган экан? Ҳечам ақлим етмайди. Мен айниқса Николлай Иванович унга нега уйланганига ҳайрон эдим. Бир-бирига бутунлай ёт, тариқча ўхшашлиги йўқ эди уларнинг.

Софья Михайловнанинг тарих дарси ҳақидаги мулоҳазаларини Елена Григорьевна истар-истамас тинглади: «Мен программа бўйича дарс ўтаман... Дарсликлар шундай дейилган... Зерикарли деганингиз нимаси? Ахир бу танса дарси эмас-ку!» деган гаплар билан эътироз билдирди.

— Ўф, эртага яна тарих!— деди зорланиб бир куни Король дафтарларини йиғиштираётиб.

— Бу ҳақда нега мунча куйиб-пишиб гапирасиз?— деди ҳайрон бўлиб Владимир Михайлович.

— Нима... қўлоғимда ҳеч нарса қолмайди. Зерикасан. Қаёқдаги бўлмағур исмлар... Тиберий — шу ҳам исм бўлибдими? Уни ўқиганимдан нима чиқди?

— Нима-нима? Гапингизга тушунмай турибман, Митя.

— Шу Тиберий дегани ёқмайди менга. Икки юзламачи. Ўз фойдасини кўзлардио, ўзини халққа ғамхўр қилиб кўрсатишга уринарди... Владимир Михайлович, чима бўлди сизга? Бошингиз айланыптими?

Владимир Михайлович оппоқ оқариб кетган эди. Ҳатто лабларидан ҳам ранг қочган эди. Қўллари билан бехосдан портфелни титкилаб алланимани олди-да, яна қайта солиб қўйди. Болалар ҳайрон бўлиб унга қараб туришарди: улар Владимир Михайловичнинг жаҳли чиққанини сира кўришмаган ва нима бўлганига тушунмай ҳайрон эди. Икки минг йилдан кўпроқ бурун ўлиб кетган аллақандай Тиберийни деб аччиқланмайди-ку ахир!.. Владимир Михайловичнинг Тиберий учун жаҳли чиққанини,

Елена Григорьевнадан жуда қаттиқ хафа бўлганини синфда мендан бошқа ҳеч ким тушунмас эди.

Владимир Михайлович умрида биринчи марта Королни фамилияси билан атаб:

— Утиринг, Королев,— деди.— Жуков, сиз ҳам ўтиринг, Репин сиз ҳам,— ҳаммаиғиз ўтиринг. Семён Афанасьевич,— деб расмий мурожаат қилди менга,— рухсат берсангиз группани бир оз тутиб қоламан.

У хонада у ёқдан, бу ёққа юрди ва дераза ёнида тўхтади:

— Ака-ука Гракхлар қачон яшаган? Қани, айтингчи, Жуков.

Саня турди:

— Эрамиздан олдинги иккинчи асрда.

— Шундай. Қани, Саня, айтингчи, эрамиздан олдинги иккинчи асрда, қадим Римда деҳқонлар қандай яшаган?

— Жуда ёмон яшашган, Владимир Михайлович. Ерлари йўқ эди. Ҳамма ерлар бойларнинг қўлида эди.

— Ҳарбий юришларда қўлга туширилган ерлар кимга қарарди?

— Номига жамоаники ҳисобланардию, аслида у ҳам бойлар қўлида эди. Бойлар у ерларни ижарага олар ва ўзлариники деб ҳисоблардилар.

— Тўғри. Утиринг, Саня. Шундай қилиб, Гай Леллий деган римлик киши бу ҳақсизликка барҳам бермоқчи бўлди. У бойларнинг қўлидаги ортиқча ерларни тортиб олиб, кам ерли ва ерсиз деҳқонларга бўлиб беришни таклиф этди. Аммо сўнгги дақиқада у бойлар билан жанжаллашиб қолишдан қўрқиб ўз таклифидан қайтди. У ўз бошини, ўз хотиржамлигини ўйлаб адолатдан воз кечди. Шундай одамни тадбирли деб бўладими. Менимча бу бир шармандалик-ку.

— Тўғри!— деди тасдиқлаб Король ўтирган еридан.

— Тиберий Гракх тадбирли эмас эди,— деб давом этди Владимир Михайлович унинг сўзини эшитмагандай. — Тиберий бу адолатли ишни сўнгги томчи қони қолгунча ҳимоя қилишга тайёр эди. У рим деҳқонларининг берган сайин қашшоқлашайтганини, аянич аҳволини хотиржам кузатиб тура олмайди. «Ёввойи ҳайвонларнинг ҳам яширинадиган ери — ётар жойи, ини бўлади,— дейди у. — Италия учун курашиб, жонини қурбон қилаётган инсонларнинг эса ҳаводан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Улар уй-жойсиз, бошпанасиз, бола чақалари билан дарбадар

кезишади. Саркардалар солдатларни алдашади. Римликларнинг кўпчилиги бировларнинг ҳашаматли, бадавлат яшаши учун курашади, ҳалок бўлади. Римликларни оламга ҳоким деб аташади, аммо улар бир парча ерга зор». Сиз нима дейсиз, Королев, манфаатпараст, икки юзламачи киши шундай дея олармиди?

— Бизга бунни айтишмаган!.. Бизга айтишганки...

— Шошманглар. Инсоннинг энг ёмон нуқсонини — хасислик. Ҳамма нуқсон хасисликдан келиб чиқади. Бойлар ўз бойликларидан сира ажралиб келмас эди. Бир парча ерини қўлидан беришни исташмасди. Аммо Тиберий билан очикчасига жанг қилишдан қўрқишарди. Нега деганда халқ Тиберийни жуда севар ва ҳурмат қиларди. Улар Октавийни Тиберийга қарши чиқишга ва уни ўзи таклиф этган қонундан воз кечтиришга кўндирарди. Трибунлар коллегиясида шундай қонда бор эди: агарда биронта одам бирон таклифга қарши чиқса, бошқа ҳамма шу таклифга қўшилса ҳам барибир бу таклиф рад қилинган ҳисобланарди. Аммо Тиберий чекинмади. У янги қонун таклиф этди. Бу қонунга асосан бойлар жамса ерини дарҳол бўшатиб беришлари керак эди. Королев, сиз бўлсангиз Тиберийни манфаатпараст эди деб ўтирибсиз. Бу ёғини эшитинг энди...

Елена Григорьевнанинг дарсида болаларни кўп кузатганман. Улар жим ўтиришарди. Чунки уларнинг ўзлари: дарсда жим ўтириш керак деган тартиб ўрнатилган эди. Аммо, деразага қараб ўтирган Король бугундай бошқа нарсани ўйлаётгани, Володин эса Елена Григорьевнага тикилиб ўтиргани билан Пергам'подшоҳлиги ёки ака-ука Гракхлар қулоғига кирмаётгани аниқ эди. Рим ҳақидаги гаплар қаёқдаю, Володин қаёқда.

Ҳозир эса болалар қадим Римда юришгани, Тиберий иккинчи трибуна сайловига қандай чиқиб келаётганини, Капитолия ёнига оломон тўпланаётганини, Гракхларнинг тош ва сўйил кўтарган душманлари бунга қандай қилиб келаётганини, Тиберий тарафдорларини уриб-суриб, Тиберий томоғга бораётганини... ўз кўзлари билан кўраётганлари аниқ деб калламини гаровга қўя олардим.

... Эшик тақиллайди, мени чақиришади: шаҳар маорифи бўлимидан менга телеграмма келибди. Телеграммачи қабул қилиб олиб, яна иккинчи қаватга чиқаман. Синфга қайтиб бориб, давомини эшитгим келади. Ле-

кин халақит бермасмиканмам деб қўрқаман. Бир дақиқага эшик ёнида тўхтайман. Владимир Михайлович энди Гай ҳақида ҳикоя қиларди.

— «Мен бечора энди қаёққа қочаман?— дейди Тиберийнинг укаси.— Қаёққа борсам экан? Капитолийгами? Аммо акасининг қони қуригани йўқ ҳали. Уйга борсамикин? Дард-ҳасратда фиғони фалакка чиқаётган онасининг дардини кўрадимми?»

...Бешинчи группа шу куни ҳамма нарсани кечикиб қилди — чойни кеч ичди, дарс тайёрлашда ҳам кечикди. Дам олишга эса бутунлай улгурмаган бўлса ҳам ажаб эмас. Аммо болаларнинг юзиди ҳорғинликдан асар кўрмадим. Король бўлса ухлагани кетаётиб:

— Ака-ука Гракхлар — қойил одам экан-да,— деб қўйди.

57

Яна битта тарих дарси

Орадан беш кун ўтгач, бешинчи группага тарих дарсига кирдим. Бу ерда бирон янгилик юз беришини хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Софья Михайловна билан дарсга кириб ўтирмаган кўнимиз жуда кам бўларди: Софья Михайловна текширар ва ўргатар эди. Мен эса — ўрганардим. Математика, рус тили ёки физика дарсларини эмас, ўқитиш ва тарбиялаш санъатини ўрганардим. Елена Григорьевнанинг дарсига бирон чора топиш учунгина кирардим. Ахир бир нарсга қилишимиз, бераётган дарслари болаларни кўнглини оздираётганини, бу қизиқарли ва муҳим дарс бутун лаззатини, завқини йўқотиб қўяётганини тушуниш керак-ку.

Хар вақтдагидек, охирги партага бориб ўтирдим ва болалар билан бирга тинглаб ўтирмоқчи бўлдим.

Кенг, тоза деразадан мусаффо осмон кўриниб турарди. Осмон шу қадар тиниқ эдики, баҳор яқинлашиб қолгандек туюларди. Болалар дафтар-китобларини шитирлатиб очиб-ёпиш билан овора эдилар. Володин негадир парта тагига энгашди ва қайтиб чиқишни хаёлига келтирмагандек, ғойиб бўлди. Ниҳоят калласи кўтарилган ҳам эдики, шу замонда:

— Володин, доскага!— деган буйруқ эшитилди.

Володин хўрсинди, кўйлагини текислади ва парталар орасидан ўтиб олдинга чиқди. Доска ёнига борди ва ҳар вақтдай, қўлини қаерга қўярини билмай, савол берилишини кутиб сабр қилиб турди.

Елена Григорьевна боягидек қуруққина қилиб:

— Қани, Тиберий Гракхнинг ер ҳақидаги қонунини сўзлаб бер-чи, — деб талаб қилди ва Володин оғиз очишга улгурмай, дераза томонга ўгирилиб олди.

Унинг болалар сўзлаб бераётганда деразага қараб бепарво туриш одати мени ҳамма вақт ғазаблантирарди. Мана, ҳозир ҳам: осмонга, қайинларга қараб турибди. Унинг қиёфаси шу қадар бепарвоки, ўшаларни кўраётганига ақлим етмайди.

— Тиберий оддий халқ ерли-сувли бўлишини истган. Аммо одамдаги энг ёмон хусусият — очкўзлик...

Елена Григорьевна худди уйқидан уйғонгандек қошини силкитиб қўйди. Володин бўлса бояги-бояги давом этарди:

— ... бойлар ерни сира қўлдан бергилари келмайди. Тиберий бўлса: «Ие, ҳали шунақамисизлар — яхшилик билан сўраса бермайсизларми! Қани бўшатиб қўйингларчи» дейди. Октавийга «Шу билан камбағал бўлиб қолмайсан, ер керак бўлса ўзимникини бераман» дейди. Октавий бўлса гапга юрмайди — ўзиникини маъқул қилиб тураверади. Тиберий унинг дўсти эди, Тиберий унга ачинади. Лекин шундай бўлса ҳам: «Халқ ғамини емас экансан, ким айтади сени трибун деб? Сени трибунликдан туширишни овозга қўямиз» дейди. Овозга қўйишади — ҳамма Октавийга қарши чиқади. Шунда Тиберий: «Охирги бор сўрайман, яна бир ўйлаб кўр» дейди. Аммо Октавий бойларга бир қараб қўяди ва яна ўз сўзида туриб олади. «Ундай бўлса овозга қўйишни давом этдирамиз», — дейди Тиберий. Деярли ҳамма Октавийга қарши бўлади, Тиберий уни зўрлаб трибунадан тушириб юборади...

Елена Григорьевна деразадан кўз узганига анча бўлди. У Володинга ҳайрон бўлиб, ҳатто саросима бўлиб қараб турарди.

— Қани айтчи, Тиберий нега Октавийга мурожаат қилади? — сўрайди Елена Григорьевна.

— Нега бўларди, — дейди Володин соддалик би-

¹ Т р и б у н — қадимги Римда мансабдор шахс.

лан: — уларда шундай одат бўлган: агар биронта три-
бун қарши чиққудек бўлса,— бошқаларнинг розилиги
ҳисобга ўтмайди.

— Тўғри, тўғри...

Елена Григорьевна анчагача жим бўлиб қолади.
Болалар унинг нега жим қолганини тушунишади ва
ўзларини оғир тутиб жимгина ўтиришади. Аммо Воло-
дин усталик билан муомила қилишни билмайди. У ўқи-
тувчисининг ҳайрон бўлиб қолганини кўради ва содда-
диллик билан тушунтирмоқчи бўлади.

— Бизга бунинг... ўтган кунни Владимир Михайлович
айтиб бердилар. Король: «Ака-ука Гракхалар — ўлгу-
дек зериктирадиган нарса» деган эди,— Владимир
Михайлович...

— Ўтир,— дейди ушнинг сўзини бўлиб Елена Гри-
горьевна.

Ҳайрон қолган Володин жойига бориб ўтиради.

Андрей кўзларини қисиб жилмаяди. Король «Бопла-
дингми!»— деб тантана қилаётгандек ўтиради. Сергей
бўлса Володинга: «Жуда соддасан-да, оғайни...» деб
ачингандек кўринади.

— Разумов, доскага! Давом эт.

Разумовнинг зеҳни яхши, нутқи ҳам равон:

— Тиберий Гракх мақсадига етади, аммо энг қийини
ҳали олдинда эди: бу қонунни амалга ошириш лозим
эди. Шахсий ерлар қаердаю, ижарага олинган ерлар
қаердалигини ажратиш қийин эди: нимагаки, ижарага
олинган ерларда ҳар хил иморатлар қурилган, ботқоқ-
ликлар қуриштилатган, узумзорлар барпо қилинаётган
эди. Албатта, бойлар қаршилик кўрсатишади. Тиберий
бўлса, чекинмайди. У деҳқонларга ер олиш учун давлат
хазинасидан пул бериш керак дейди. Ундан ташқари,
ҳарбий хизмат муддатини камайтиришни таклиф қилади.
Кутилмаганда яна бир қийинчилик юз беради: янги
трибунлар сайлаш керак эди. Иш чаппасига кетади, нега
деганда сайлов ёзда бўлиб ўтади, бу вақтда деҳқонлар
далада бўлади. Деҳқонлар унга овоз бериш учун кела
олмай қолишларига Тиберийнинг ақли етади...

Володин бамаъни гапирардию, лекин у қадар равон
сўзлай олмас, керакли сўзни дарҳол топа олмас эди.
Разумов эркин гапирди. Биринчи сўзданоқ унинг би-
лим манбаи ҳам Володинники билан бирлиги биллинади.

Елена Григорьевна энди Жуковни чақиради. Саня

Гай Гракх ҳақида ҳикоя қилади. Биз яна: «Мен бечора қаердан нажот излай? Капитолий қўлидаги акасининг қони қуримаган, уйда эса онаси қон ийғалайди...» деган сўзларини эшитамиз.

... Ҳукуматчилар хонасида Елена Григорьевна бир тўп контроль ишини кўриб ўтирган Владимир Михайловичнинг ёнига келади.

— Владимир Михайлович,— дейди у. Унинг чиройли, хушбичим юзи қип-қизариб кетади,— ҳатто пешонасидан тортиб қулоқларигача қизариб кетади,— бугун бешинчи группадан Гракхлар ҳақида сўраган эдим...

У жим бўлиб қолади. Владимир Михайлович бошини кўтаради ва синовчан назар билан тикилади.

— Улар дарсликда йўқ нарсаларни гапиришди...— Елена Григорьевна яна жим бўлиб қолади.

«Қани, кўрайлик-чи!— деб ўйлайман.— Балким, бошқаларнинг маслаҳатига қулоқ солар?».

Уларга зимдан қараб тураман ва яхши ниятлар билан ўзимни овитаман. Балким тан бериб қолар? Агар астойдил истаса Владимир Михайловичдан кўп нарса ўрганиш мумкинлигини тушунса кошкисини. Қани энди...

Тўсатдан, гўё ўзини тутиб олгандай Елена Григорьевна одатдагича овози билан гапиради:

— Сиз ўқувчиларга гапириб берган нарсанинг тарихга сира алоқаси йўқ. Булар ҳикоядан бошқа нарса эмас. Очинини айтганда, тарихга бундай муносабатда бўлиш идеализмдан бошқа нарса эмас. Гўё одамларнинг алоҳида сифатлари — олижанобликлари ёки ёвузликларидан бирон нис чикадигандек. Бу идеализм! Ўзи нима деган гап бу: нега менинг ишимга аралашасиз? Ахир мен сизнинг ўрнингизга кириб арифметикадан дарс бераётганим йўқ-ку. Сизнинг ёнингизга кириб нис ўргатмайман-ку...

Владимир Михайлович билан бу хилда гаплашишга нима ҳаққи бор? Стулни тарақлатиб суриб, ўрнимдан тураман. Аммо, чол кўлини сезилар-сезилмас қилиб менга силжитиб қўяди. У аллақачоноқ ўрнимдан туриб, Елена Григорьевнага жиддий ва совуққонлик билан тикилганича тикка турарди.

— Марҳамат, кинг менинг дарсимга, Елена Григорьевна. Ҳар бир яхши маслаҳатингиз учун миннатдор бўламан. Ўртоқларимнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишга ўрганганман.

У оғир — босиқ, худди, ўзини зўрға тутиб тургандек гапиреди. Кейин тўсагдан, сўзини кесиб, бутунлай бошқача — ўйлаб-нетиб ўтирмай, сўз танламай, қизғин сўзлай бошлайди:

— Тарихдан бундай, еиз бераётгандай дарс бериш нотўғри эканлигини шу кунгача айтмаганим учун ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Бу одамларга туҳматдан бошқа нарса эмас! Ўзларини ҳимоя қилишдан маҳрум бўлган одамларга туҳмат қиласиз! Мен ўзимга ёғдирилган туҳматни соқий қила оламан, Семен Афанасьевич ҳам шундай. Лекин Невский ёки Пётр — ахир улар еизнинг олдингизда тилсиз ва ҳимоясиз одамлар. Халқнинг жонли тарихи билан таништириш ўрнига болаларнинг миясини ўлик, мавҳум таърифлар билан тўлдиришга ҳаққингиз йўқ!

Владимир Михайловичнинг мана шундай, чинакам, юракдан ачиқлана билиши қандай яхши! Ростдан ҳам, бу менинг учун янгилик эмас — педологлар билан учрашув ёдимда-ку, ҳали.

Иккови қарама-қарши туришибди. Владимир Михайлович, бировнинг ишига аралашгани учун кечирим сўрашни ҳаёлига ҳам келтирмаяпти, шекилли (ростини айтсам, одат бўйича кечирим сўрар, деб ўйлаган элим: ахир у ҳар доим ҳамма билан хушмуомала эди-да).

— Дарсликни ўқиганмисиз? Методик қўлланмаларни кўрганмисиз? — деб сўрайди, Елена Григорьевна куруққина.

Владимир Михайловичнинг юзига тик қараш учун Елена Григорьевна тепага қарашга мажбур бўларди. Натижада, у, беихтиёр равишда кеккайиб тургандек кўринарди.

Владимир Михайловичнинг эса тепадан настга қарашдан бошқа иложи йўқ эди.

— Қўйинг, Елена Григорьевна, нима ўзимизнинг миямиз ишламайдими? Ўзимиз бош қотирмаслигимиз керакми? Идеализм деясиз. Ахир тарихни халқ яратади-ку, Қаҳрамонлар ҳам халқдан чиқади-ку, сиз бўлсангиз... Наҳотки тарихий шахслар юраксиз, ҳиссиз қўғирчоқ деб ўйласангиз? Наҳотки улар тарих ихтиёрини бажо келтирувчи механик қўғирчоқ бўлса? Шундай деб ўйласангиз бекор қиласиз!

— Қўшилмайман! Шу гапларни шахар маорифи бўлимига бориб айтаман!

Боядан бери қошларини чимириб, уларнинг баҳсини индамай тинглаб ўтирган Софья Михайловна:

— Мен Владимир Михайловичнинг гапига қўшиламан.— дейди дона-дона қилиб.— Мен ҳам бу ҳақда гапираман, лекин фақат шаҳар маорифи бўлимидагина эмас. Менингча, тарих, адабиёт, география дарсликлари ва программалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни Москвага ёзиб юборишимиз керак.

Владимир Михайлович ўтиради, рўмолчасини чиқариб пешонасини артади.

— Мен сизга ўтган йили ёзиб юборган хатимни кўрсатаман,— дейди у.— Ёнимда бир нусхаси қолган...

Учрашув

Анҳор бўйида бир нечта йўғон хода ёзи билан бекор ётди. Болалар ҳаваслари келиб юришардию, лекин олишга ботинишмас эди. Лекин эгаси чиқмади. Кейин ходалар ёмғирда, қорда ўзоқ ётди — қайиқ, стол ёки китоб полкаси ясашга боп ходалар эди.

— Олмасак тентак эканмиз. Нима, бекор ётаверадими!— дерди Король.

— Ходаларнинг эгаси йўқлиги турган гап,— дерди Суржик.

— Эгаси бўлсаям лалайган одам экан: шундоқ нарсани қаровсиз ташлаб қўядими?— дерди уларнинг гапига қўшилиб Подсолнушкин.

Бу ҳақда гапиришга ҳамма болаларда гап топиларди. Ниҳоят, шу ходаларни олиб келиб олишга қарор қилдик. Эгаси чиқиб қолса — қайтариб берамиз. Чиқмаса... яна бир ўйлашиб кўрамиз.

Дам олиш кунларининг бирида ходаларни олиб келгани бордик. Ходаларни катта кўчадан юмалатиб олиб келиш керак эди. Ҳар эҳтимолга қарши, машина келиб қолса тўхтатиш учун Подсолнушкиннинг қўлига қизил байроқ бериб йўлга турғизиб қўйдик. Каттакон, йўғон ходани юмалатиб кўчанинг ўртасига олиб келганимизда, муюлишдан енгил автомобиль чиқиб қолди. Подсолнушкин, қизил байроқчани боши тепасида силкита-силкита автомобиль қаршисига югурди. У машинани тўхтатган

шофер ёнига югуриб борди ва йўлни тўсганининг сабабини тушунтира бошлади. Шу пайт машинадан чарм камзул кийган, кенг яғринли, пастаккина киши чиқди.

— Салом болалар,— деди у хода тепасида уймаланишган болаларни кўздан кечириб.— Ораларингда катталарнинг ким?

— Мен...— деган Коробочкин ҳавотирланиб. Коробочкин бу кишини ходанинг эгаси бўлса керак, деб ўйлаган. Яна, шундай ножўя пайтда келиб қолганини бунинг.— Мен зарбдор отрядининг командириман. Биласизми, қирғоқда ходалар бекор ётган экан... Биз шу... хўжаликка керакли нарса оз дейсизми...— У гапидан адашиб жим бўлиб қолган.

— Ўзингиз кимсизлар?

— Олтиншинчи болалар уйининг болалари,— деган Король ёрдамга келиб.

— Сизларнинг уйингизда ярамас ишлар бўларди дейишарди. Шу ростми?

— У вақтлар ўтиб кетган! Энди тартиб ўрнатилган. Кириш,— кўрасиз!

Нотаниш киши кулиб юборган.

— Афсуски, шошиб турибман-да, бўлмасам кириб, кўриб чиқардим. Мендан ҳамма болаларга ва бошлиқларингга салом деб қўйинглар.— У машина эшигини очиб туриб яна ўгирилгач—ходани нима қиламиз дединглар?

— Арралаймиз... эгаси чиқиб қолмаса, албатта. Арралаб қайиқ ясаймиз!

— Дуруст-дуруст! Эгаси чиқиб қолмасин-да, иш қилиб! — Нотаниш киши қўлини силкитиб, машинага ўтиргач, у йўлга тушди.

Шу пайт Разумов бирдан:

— Киров! Болалар, бу киши Киров-ку!— деб қичқириб юборган.

Лирани йўл чеккасига суриб чиқариб қўйилган ходаларни пойлашга қолдириб — у йиғламоқдан бери бўлса ҳам, эътироз билдира олмаган,— ҳаммалари клубга югуриб кетишган. У ерда Кировнинг катта портрети қоқилган эди. Кейин бир тўда бўлиб менинг олдимга югуриб келишган:

— Киров! Семён Афанасьевич, Киров биз билан гаплашди! Сизга салом деди!

Болалар ўша нотаниш киши Киров эканлигига қат-

тиқ ишонган эдилар. Уларнинг тасвирига кўра ҳам худди шундай эди.

— Эҳ, мен бўлмабман-да! Мен уни яхши танийман!— дерди Николай Иванович ачиниб. Шу кун эрталаб, у иш билан тутилиб қолиб, болалар билан чиқмаган эди.

— Шубҳага ўрни йўқ. Кировнинг ўзгинаси!— деди Король ишонтириб. Кейин тўсатдан эсига тушди:— Вой, Толька совуқ қотиб қолди-ку. Қани, юринглар!

Николай Иванович билан мен ҳам болалар билан кетдик. Улар ҳамон йўл-йўлакай кўрганларини сўзлашарди: «У мана шу ерда туриб гапирди... қўлини силкитиб, кулиб қўйди... Салом деб қўйинглар, деди...».

— Қайиқни ясаб бўлганимиздан кейин: «Қиров» деб атаймиз!— деди Король.

Петька унга эҳтиром билан қараб қўйди: ҳамма вақт ҳеч кимнинг миясига келмаган нарсаларни топиб юради бу!

„Яшагинг келади, яшагинг!“

Партиянинг XVII съезди очилганда Николай Иванович ҳар бир доклад, ҳар бир нутқни шундай қизиқиб ўқирдики, гўё улар бевосита унга қаратиб айтилгандек эди. У инженер эди. Мамлакатни яхши биларди. Николай Иванович кейинги тўрт йил ичида мамлакатда қандай ўзгаришлар юз берганини яхши биларди. Бунини у китобларни ўқиб эмас, ўз кўзи билан кўриб биларди. У Днепрдаги буюк ишларда қатнашган, Магнитогорскда, Уралмашда бўлган эди.

Биз нартня XVII съезди қарорларини болалар билан махсус йиғилишларда ишлаб чиқмадик. Аммо шунга қарамай ишимиз яхши бўлди: Николай Иванович болаларга кўп нарсани ҳикоя қилиб берарди. Болалар унинг ҳикоясидан саводсиз, қолоқ бир мамлакат қисқа вақт ичида қолоқликни қандай тугатганини билиб олишарди.

Кечқурунлари Николай Иванович клубда бизнинг ва ўзининг миясини банд қилган нарсалар ҳақида сўзлаб беради.

— Владимир Михайлович, Уралда, ҳозирги Магнитка районида сира бўлганмисиз?— деб сўрайди у.

— Бўлмасамчи, бўлганман. Тўқсонинчи йиллар эди шекилли. Қуп-қуруқ қирдан бошқа нарса йўқ эди.

— Жуда тўғри! Енгинасида — ҳад-ҳисобсиз бойликларни яширган тоғ қад кўтариб турарди!... Днепрчи! Гап шундай, болалар сал ўзимизни тиклаб олганимиздан кейин албатта Днепрогэсга бориб келамиз. Бундан юз эллик йил муқаддам ҳам Днепрни бўйсундиришга уриниб кўришган. Ҳатто канал ва шлюзлар ҳам қуришган, лекин муваффақиятсиз чиққан. Революциягача, Днепрни қандай қилиб жиповлаш ҳақида йигирмага яқин лойиҳа бўлган, лекин жиповлаша олмаган. Йигирманчи йилда, Владимир Ильичнинг таклифи билан Россияни электрлаштириш плани тузилди. Худди ўшанда Днепрда гидроэлектростанция қуришга қарор қилинди.

— Менга қаранг, Николай Иванович, минг тўққиз юз йигирманчи йилга келиб бўлса ҳам мамлакатимизни электрлаштириш ҳақида ўйлаш катта гап эканлигини болалар у қадар тушуниб ета олмаётган бўлсалар керак, — дейди яна гапга аралашиб Владимир Михайлович. — Дўстларим, шунинг тасаввур қилиб кўринг: уруш эндигина тугаган пайт эди. Мамлакатда очлик, вайроналик. Шундай оғир кунларнинг бирида Кремлга, Владимир Ильичнинг олдида бир инглиз ёзувчиси келади. У ғалати нарсалар ҳақида: вақт машинасида келажакка саёҳат тўғрисида, биз яшаган Ер минг ва миллион йиллардан кейин қандай бўлиши ва бошқа планеталардаги ҳаёт ҳақида жуда кўп китоблар ёзган... Хаёлпарастлиги, фантазиясининг зўрлиги билан машҳур бўлган шу ёзувчи Владимир Ильичдан мамлакатимизнинг яқин орада электрлаштирилишини эшитган. У дераза ёнига келиб қоп-қоронғи Москвага қараган ва елкасини қисиб қўйган. Шундан кейин ёзган китобида Ленинни хаёлпараст деб атаган. Қанчадан-қанча фантастик романлар ёзиб юрган ёзувчи Россия юз йиллардан кейин электрлаштирилиши мумкин деб фараз қила олган!

Болалар кулишади. Лира хонага бир текис нур тўкиб турган электр лампасига қора кўзларини қисиб қарайди. Суҳбатни яна Николай Иванович илиб кетади.

— Ана, кўрдингизки, улар Россияни электрлаштириш учун энг камин юз йил керак, деб юришарди. Биз бўлсак, етти йилдан кейин, йигирма еттинчи йилда Днепрогэс қуришга киришдик. Эҳ, бу қурилишни сиз

бир кўрсангиз эди! Мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан одамлар — кўпини кўрган қурувчи-усталар, бетончилар, гишт терувчилар ва сизлардан сал каттароқ ёш-ялангларгача ёғилиб кела бошлади. Ҳали-ҳали эсимда. Сибирдан келган ўн беш ёшлар чамасидаги бир ўспирин бор эди. Королга ўхшаш ўт-олов... (буни эшитиб болаларнинг кўнгли очилди, Король хижолат чеккан каби бошини силкитиб қўйдию, лекин ўзи хурсанд эди). Сибирлик ўша боланинг исми Стёпа Белов эди. У Днепрни: қутурган деб юрарди. Шу бола қутурган дарё билан худди жонли одам билан курашгандек курашарди. Дарҳақиқат бу курашда бир дақиқа ҳам бўш туриш мумкин эмасди. Днепр... Бу дарёнинг феъли-атвори маълум. У «Сенларга бўйин сунмайман! Мен билан олишиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сизларга!» дегандек пишқириб оқарди. У сокиндек бўлиб кўринар, пайт пойларди. Кейин бир дақиқада — бутун ишни барбод қиларди. Яна бошқатдан бошлашга тўғри келарди. Хомуш бўлиб ўтиришга вақт йўқ эди. Ҳозир бир воқеани ҳикоя қилиб бераман сизларга. Тўғон қуриш учун Днепрнинг бир қисмини тахталар билан тўсишди ва сувларини насос билан тортиб чиқаришди. Иш бошлашди. Сибирлик Стёпа бўлса нуқул: «Тиқилиб ўл, тўғон билан тиқилиб ўл!» деб қўярди ўзидан ўзи. Бу тўғон Днепр учун ҳақиқатан ҳам томоғига тиқилган суяк эди, дарё ундан қутилиш пайига тушди. Ёз кунларининг бирида сув тўғон тагини ювиб пишқириб котлованга уриб кетди. Одамлар зўрға қочиб қутилишди. Зўр машаққатлар билан майдаланган тош тўлдирилган қопларни ташлаб тешикни беркитдик. Кейин бир ойгача сувни насос билан тортиб чиқаришга тўғри келди. Деярли бир ой-а — Днепр бўлса бу бемаъниликни бир соат ичида қилди! Енгиб олмасангиз табиат ана шундай даҳшатли рақиб. Яна бир кун...

— Николай Иванович,— дейди Ли́ра унинг гапини бўлиб,— ўша ерда эмаслигингиз роса алам қилаётган бўлса керак-а?

Николай Иванович дарҳол жавоб бера қолмайди.

— Алам қиляпти,— дейди у ниҳоят.— Шундай алам қиляптики!..

Николай Иванович шу топда менга кимни эслатаётганини энди англайман — бу фикр боядан бери миямдан чиқмаган эди—у ғалаба арафасида жанг майдонини ташлаб кетган солдатга ўхшайди. Николай Иванович

қолганларга ҳаваси келиб, охиригача бирга курашмагани учун алам қилиб гапирарди.

Кировнинг нутқини овозимизни чиқариб ўқидик. Болалар жон-диллари билан, берилиб тинглашарди: ахир улар Сергей Миронович билан таниш, у билан гаплашншган, энди Киров номи билан аталган қайиқлари бўлади (нега фақат битта қайиқ бўлар экан? Кўп қайиқлари бўлади! «Киров» деган катта бир флотлари бўлади ахир!).

Нутқ соддагина эди. Унинг ҳар бир сўзи тушунарли, ҳар бир сўзи умид-орзуларга тўлиб-тошган эди:

«Областимизнинг шимолида темир рудаси конларини топдик... Жуда ғалати темир... Бу шундай темирки, сифати жиҳатидан (ҳеч кимни камситмоқчи эмасман албатта) ҳар қандай район билан баҳслаша олади».

— Жуда севиниб кетган кўринади!— дейди Лира.

— Бунга севинмай бўладими!— деб жавоб беради Николай Иванович ва давомини ўқийди: «Ютуқларимиз дарҳақиқат зўр. Очиғини айтганда, яшагинг, яна яшагинг келади. Атрофга бир қаранг-а, нималар қилинмаяпти. Булардан кўз юмиб бўладими!».

60

Унутилмас кун

Сергей Мироновичнинг: «Очиғини айтганда, яшагинг, яна яшагинг келади» деган сўзлари ҳар биримиз такрорлайдиган сўз эди. Бизнинг бу кунги ва эртанги қувончимиз чексиз эди.

Бир кунги Лиранинг кутубхонамизни бошқарувчи Коробочкинга қичқираётганини эшитдим:

— Эй шайтон, Седов тўғрисидаги китобни бер, деб беш кундан бери сўрайман-а, қанақасан ўзинг! Сўрайвериб чарчадим-ку!

— Ахир сенга рус тилида айтдим-ку: Седов тўғрисидаги китоб Репинда деб.

— Қайтариб ол! Айт, қайтиб берсин. Ундан кўра менга зарур!

Бундай гапларни эшитганимда, «шайтон»ни кўп ишлатаётгани учун Лирани койнгим ҳам келмайди. Нарешкиннинг бор-йўқлигини унутиб, Шимолий қутбга қи-

линган саёҳатга қизиқиб қолганининг ўзи жуда катта гап.

Кейин унутилмас бир кун келиб етди: мен Король билан Репинни пинг-понг мусобақасига олиб бордим.

Вагонда кетаётганимизда иккалови жуда кам гапиришди, иккови азоб чекарди. Иккалови қўрқувга тушгани кўриниб турарди.

— Агар мен ташланганимни кўрсанг, йўлимни тўсма,— дерди Король.

— Хўп. Агар тўп калта ташланса, урма,— деб жавоб берарди Репин.

Иккови яна анчагача жим бўлиб қолишарди. Мен ҳазиллашнишга, бирон нарса ҳақида сўзлаб беришга уриниб кўрардим, лекин ҳар гал, уларнинг иккови ўзлари ва олам ўртасида ҳисил қилган деворга бориб урилардим.

Мусобақа ўтказилаётган мактабга айни вақтида — бошланиш олдидан етиб бордик. Бизни Гриша Лучинкиннинг ўзи кутиб олди, қаерда ечиниш кераклигини кўрсатди, иккала ўйинчининг елкасига қоқиб қўйди, бир-икки оғиз тасалли берувчи сўзлар айтди. Шу замон оқ, болалар ўйин ўтказиладиган стол ёнига туришди. Пишиққина, машқи зўр икки ўспирин бизнинг болаларнинг рақибни эди. Уларнинг бири каттароқ ва бўйдорроқ бола, иккинчиси кўринишда меникилардан кўра эпчилроқ, чаққонроқ. Икковининг эғнида оқ майка ва кўк труси, меникиларда — зангори майка ва қора труси.

Ҳозир, анави икки бола олдидан Король ҳам, Репин ҳам, назаримда, чўчигандек, ўзини йўқотиб қўйгандек кўринди. Атрофда ўқувчи қиз ва болалар. Бу Тая билан Жения ўқийдиган мактаб эди.

Жения болаларнинг қўлини қисди-да, тасалли бериб:

— Қўрқманглар!— деб қўйди.

Бизга асир бўлиб тушгач, кибри-ҳавоси янада ошиб қолган Тая:

— Рақибларнинг зўр,— деб қўйди.

— Вақт етди! Вақт етди!— деб қичқаришарди, оқ майкадагилар.

Улар тоқатсизланаётгани сезилиб турарди. Улар рақиблари зўр эканлигини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Баланд бўйли, қошлари туташиб кетган, қоғоғи солиқ бир йигит судьялик қиларди. Унинг жиддий, қатъий

қиёфасини кўришим биланоқ кўнглимга ваҳима тўлди. Менинг болаларим ҳам унга бир қараб қўйишдию ваҳима босиб кетди.

Оқ майкадагилар биринчи дақиқаданоқ атакага ўтдилар. Бўйдор бола туриб қаттиқ урган эди — тўп пастлаб учиб ўтди-да, столнинг чеккасига бориб тушди. Король, тартибли ўйнайман, деб берган ваъдасига мувофиқ, усталик билан тўпни чиқарди. Рақиб ҳайратда қолиб, тўпни баландлаб берди, Репин хотиржамлик билан осонгина қайтарди.

— Қойил! Яшанглар! — деб қичқирди Лучинкин.

Судья унга ўқрайиб қараб қўйди. Оппоқ жарангдор тўп тиним билмай, стол устида гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа учиб бориб келиб турарди. Ана, касофат рўй берди! Аутга ўтиб кетардйю, лекин Король тўғри ҳисобламай тўпни қайтармоқчи бўлди, шу билан ишнинг пачавасини чиқарди.

Биринчи партиядо оқ майкачилар ютишди. Ҳисоб 7:5 эдию, лекин ҳар ҳолда ютқиздик.

Терлаб-пишиб, қип-қизориб кетган болалар рўпарамда енглари билан пешоналарининг терини артиб туришарди.


— Рўмолча билан арт, — деди Женья Королга. — Икковинг ҳам жуда яхши ўйнадиларинг. Муҳими шуки, иноқлик билан ўйнадиларинг. Уларнинг ҳимоясининг мазаси йўқлигини сездингми? — деди у Репинга ўғирилиб.

Репин бошини силкиб қўя қолди.

Бизникилар иккинчи партияди шиддат билан, қизиқишиб ўйнашди. Икковининг ҳам иззати-нафси зўр, Березоваяга ютқизиб қайтишга тоб-тоқат йўқ уларда. Мен ҳам уларнинг ютиб чиқишини истардим.

Иккинчи партиядо биз ютдик. Лекин ҳисобимиз сал ошди, холос! Оқ майкачилар бундан тегишли хулоса чиқаришди ва ҳал қилувчи учинчи партияди эҳтиёткорлик билан бошлашди. Улар таваккал қилмас, пайт пойлаб, тўпни қаттиқ ирғитмас эдилар. Биринчи дақиқада иккала томон ҳам, гўё куч синашаётгандай тўпни у томондан бу томонга ирғитиш билан машғул бўлишди.

Тўсатдан Король тўпни столнинг нариги бурчагига қаратиб қаттиқ ирғитди — рақиб тўпни олмади. Король Женьянинг оқ майкачиларнинг мудофзаси кучсиз деганини назарда тутди, шекилли, — тўпни кетма-кет бурчак-



ка ирғитди. Жуда усталык билан ирғитди. Кейин түпни узатиб туриш рақибларга ўтди. Бўйдор бола түпни баланддан қийин қилиб узатди. Репин мушукдек сапчиб түпни қайтарди. Рақиблар Королга түпни уришга бермай тез-тез ўйнашарди. Уйин қизигандан қизиб борди. Энди ҳеч ким иккинчи столга қарамай қўйди. Томошабинларнинг ҳаммаси бизнинг атрофимизга тўпланиб олишган эди. Судья қошларини чимириб ҳисобни эълон қилиб турарди.

— Ҳисоб — тўртга — тўрт! Ҳисоб — бешга-беш!

Вақт зиқ! Ҳисоб деярли барабар бўлиб ютқизилган тақдирда ҳам, ютқизиб қайтгинг келмайди! Репин Королга тўп тайёрлайди. Король уради!

— Ур-ра! — бир овоздан қичқиришади Жёня билан Таня.

— Яшанглар! — деб қичқиради Лучинкин.

Виз ютдик. Болалар жим туришга ҳали кўнлмаган қўлларини тушириб туришади, Король қайсқа яширинсам экан деб теварак-атрофга алаңлайди.

— Саккизга — олти! Уйин ва учрашув олтмининчи сон болалар уйи фойдасига тугади! — деб эълон қилади судья.

У болаларга яна алланима дейди. Унинг нима деганини англаб ололмайман. Меннинг болаларим рақиблар билан қўл сиқишаётганини кўраман. Кейин оқ майкачилар бир-бирларининг қўлларини сиқишади. Король билан Репин уларга қараб қолишади ва бир дақиқа нима қилишларига ҳайрон бўлиб туришади...

— Нега қараб турибсизлар?— дейди судья.

Репин қўлини Корольга узатади, Король унинг қўлини сиқади.

Уйга қайтпмиз. Тўсиқ янчилган — улар тинмай гаплашишади, ўйиннинг тафсилотларини эслашади, хушчақчақ кулишади, бир-бирига гап бермайди.

Станциямизга яқинлашамиз — улар деразадан туриб:

— Ютдик! Ютдик!— деб ҳичқиривади.

— Ур-ра!— деган ҳайқирик инграйдн жавобан.

Унларча қўллар бизга узатилади. Поезд тўхтар-тўхтамас, кутиб олувчилар ғолибларимизни зинадан кўтариб олишади ва осмонга иргита бошлашади:

— Кўтаринглар! Кўтаринглар!

61

Тўғри йўл билан

Уйимизда турлича дўстлик ва муносабатлар бўлган. Разумов ҳамма вақт бирон кишига суянади. Унга ўзидан кўра кучлироқ ва мустақил одамнинг ҳомийлиги керак эди. Жуков билан Стеклов қалин дўст эди. Аммо Король ҳеч қачон хотиржам бўла олмади. Унинг Стеклов билан дўстлиги ҳам ташвишли эди. Доим тортишар, ниманидир талаб қиларди. Репин билан бўлган янги муносабатлар — адоватдан, тўғрироқ айтганда нафратдан ўсиб чиққан муносабатлар ғалати эди.

Тренировка пайтида улар бир-бирларининг сўзларига қулоқ солар, куч синашарди — уларнинг муносабатлари зўрма-зўраки эди. «Машқ қилгани борамиз».—«Бўлди, чарчадим».—«Йшимиз яхши кетаётганга ўхшайди». Улар ана шундай қисқа-қисқа сўзлашиш билан кифояланишарди, холос. Аслини айтганда, бир-бирларининг юзига қарашмасди ҳам.

Ленинградга иккинчи боришдан кейин, ютиб қайтганимиздан кейин кўринмас ғов кул-кул бўлди. Ўзаро хавф-

сираб юриш, эҳтиёткорлик йўқолди, муносабатлар содда ва табиий тус олди. Шу билан бирга бу янги муносабатлар тўхтовсиз жанжалларни (жаҳл ва дичик билан қилинадиган жанжал эмас), хушчақчақ жанжалларни эслатар эди.

Бир куни машғуллот пайтада Софья Михайловна:

— Сенга бир нитимосим бор, Андрей,— дейди.— Мана, бешинчи группага учун диктантлар тўйлади. Батари-ларини белгилаб қўйдим. Даредан кейин Митяга айтиб тур.

Бу Король учун катта сншов эди. Аммо у ҳеч нарса демади. Бу диктантлар қандай ўтаётганидан бохабар эдим.

— Кел, бошлаймиз,— дерди Митя.— Мана кўрсан, мендан маъни чиқади.

— Бемаънилик қолади, шундайми?— деб сўрарди Андрей.

— Хей, кўп керилаверма.

— Сен у керилаётган: «офтоб» деганда иккита «о» ёзасану, яна маъни чиқади дейсан.

— Менинг қандай ёзаётганим билан ишинг бўлмасин.

— Ие, нега ишим бўлмас экан? Сен билан ким шуғулланыпти?

— Феълига кўра Король: «Бор-е, шуғулланмай қўя қол-ей!» дейиши керак. Лекин у бутунлай бошқача гапирарди:

— Шуғулланаётган бўлсанг, азбаройи ўзинг ҳоҳлаганинг учун шуғулланыпсан-да. Ўргатсанг ўзингга яхши. Семён Афанасьевич олдида, Владимир Михайлович, хуллас ҳамманинг олдида кеккаясан. Сенинг мирингдан-сиринггача биламан, оғайни.

— Ҳа, бўпти,— дейди Репин бўш келиб.— Эз, кўл гапираверма.

Король жуда саводсиз ёзарди. Лекин ҳозирги диктантларининг аввалгиларидан ўлса ўлиги ортақ эди. Энди аввалгидек: қонда — бир хил, ёзув машқи — бошқа хил бўлмасди. Баъзан қўлида китоб билан менинг ёнамга келиб қоларди:

— Семён Афанасьевич, қараб туринг, бемалол тушуштириб бера оламан. «Мен унга қарадим. Бундай марани жуда кам кўрганман, «Қарадим» сўзининг илдизи қарамоқ. Шундайми? Эга бўлгани учун ҳам сўз охирида «дим»

келяпти. Сирак эмас, «сийрак» деб ёзилади. Нимага деганда «сирак» деган сўз йўқ. Ишлар шунақа. «Бўлиб эди» деганда «эди» сўзи ажратиб ёзилади. Ҳаммаси тўғри. «Қўрмоқ» — феъл, турланишни билиш керак. «Бақувват» сўзи «қувват» сўзидан олинган бўлса керак.

— Биринчи «ба» қўшимчасинчи?

— Нима бўлибди? Бақувват. Масалан, сиз мендан бақувватсиз.

Нима ҳам дердим: гапининг жонин бор.

Биринчи ярим йилликни бир амаллаб ўтказдик — имло хатоларга кўмилиб ётардик, лекин кайфимиз чоғ эди. Ахир қониқарсиз баҳолар ҳам ҳар хил бўлади-да: сал ҳаракат қилинса қониқарли баҳога ўтиб кетадиганларни ҳам бўлади.

Ҳаммаси ўзимизга, иродамизга, истагимизга боғлиқ эканини тушунардик. Бизда бундай истакнинг ниҳояси йўқ эди.

Хафачиликлар ҳам бўларди. Баъзан кутилмаганда кўнгилсиз воқеа содир бўларди. Мана, масалан мўминқобил, хотиржам ва ўзини яхши тута билишга қарамай Екатерина Ивановна шаҳар маорифи бўлими билан уришиб қолди.

Бизга, болаларнинг XVII партия съезди қарорларини қанчалик ўзлаштирганини имтиҳондан ўтказиб кўриш учун саволлар юборишди. Екатерина Ивановна саволларни кўриб чиқди-да, катта болаларга тўғри келса-келиб қолару, лекин ўз болаларига бермаслигини, болалари кичик эканлигини, кучи етмаслигини айтди.

— Ахир бу саволлар атайлаб улар учун — биринчидан тўртинчи группагача деб тузилган.

— Барибир бермайман, Семён Афанасьевич. Болалар Николай Ивановичнинг оғзидан эшитгани бошқа бир нарса — чунки у, жонли ҳикоя, тушунарли нарса. Бу сийсий лотерея билан болаларнинг шахтини қайтариб қўямиз, бузамиз. Керак эмас.

Шундай қилиб бу саволларни мендан олмади. Шу ишни учун Софья Михайловнани ҳатто шаҳар маорифи бўлимига ҳам чақиритди.

Бу орада баҳор яқинлашиб қолди. Табнат жонланиб, яшил тусга кира бошлади, кечаги қор уюмлари кўлмакка айланиб шамолда жимирлайди, офтобда ялтирайди. Ке-

чаги сумалаклар эриб, томчилай бошлади. Болалар бизнинг қўй деганимизга қарамай, сўнгги сумалакларни бир-бирларининг ичига тиқишар, оғизларига солиб, обакидан-дон ўрнида шимишарди.

Апрелнинг охириларида Софья Михайловна «Правда» кўтариб келиб қолди.

Мен газетани олдим. Унда ЦК ВКП(б) нинг «Уқувчи ва пионерларга оммавий-сиёсий топшириқларни ортиқча юклаш ҳақида» деган қарори босилган эди. Бу қарорда «Партиянинг XVII съезди қарорини ва марксизм-ленинизм теорияси масалаларини бошланғич мактабларда ишлаб чиқиш тезликда тўхтатилсин...» дейилган эди.

— Оббо Екатерина Ивановна-ей!— деди фахр билан Софья Михайловна.

Мен ҳам Екатерина Ивановнамиз билан фахрланар эдим. Фахрланмай ҳам бўладими?

Бир кун, ленинградлик тажрибали педагоглардан бири билан суҳбатлашиш учун атайлаб келган журналист кечгача роса уринди, бир нарсачиқара олмади: Екатерина Ивановна зўр бериб, айтишга арзирли иш қилмаганини, бошқалар қатори ишлаётганини айтарди, холос. Лекин унинг қандай ишлаётганини биз кўрардик-ку. Биз унинг оқиллигини, кўзи ўткирлигини кўрар, қадрлар эдик. У болаларимизни шундай яхши билардики, фақат меҳрибон, ғамхўр онагина шундай билиши мумкин. У ҳақиқатан ҳам ғамхўр эди. Унинг ғамхўрлигида ортиқча таъсирчанлик, йиғлоқлик йўқ эди. Оддий, чинакам ғамхўрликдан маҳрум бўлган баъзи одамлар сингари болаларни эркалаш, силаб-сийпаш билан чегараланмас эди. Екатерина Ивановна группасидаги болаларни шундай ўқитардики, ўқиш улар учун ҳаётларида энг қизиқ иш бўлиб, зўр завқ-шавқ берарди. Екатерина Ивановнаки бир нарсани тўғри, деб ҳисобладими, гар бошига қилич келса ҳам сўзидан қайтмас эди.

...Май ойида эса Софья Михайловнага «Правда»нинг бир сонини олиб келдим-да:

— Мана сизга, Софья Михайловна!— дедим.

Софья Михайловна ўқий бошлади — унинг ҳамма вақт рангпар юзи мамнуниятдан қизорди.

— Мана бу чинакам бахт, Семён Афанасьевич!— деди у кўзини газетадан кўтариб.— Энди иш бутунлай бошқача бўлиб кетади. Уқув йили бошланиши олдиндан,

августда гаплашган гапимиз эсингиздами? Елена Григорьевнанинг гапи ёдингиздадир?

Ҳа, ёдимда эди. «СССР мактабларида тарих дарсини ўтиш тўғрисида» қарори босилган газета бутун қийинчиликларимизни ҳал қилар, ишимизни изга соларди. Ҳа, жамиятнинг изчил ва конкрет тарихини яхшилаб тушунириш ўрнига, болаларга жамият — сиёсий формациясини мавҳум бир қиёфада таърифлаб бўлмайди. Воқеалар ва фактларни болаларга асрма-аср, замонма-замон, мантиқий равишда жонли ва қизиқарли қилиб ҳикоя қилиш керак. Тарихий шахслар ҳақида шундай ҳикоя қилмоқ керакки, Владимир Михайлович болаларнинг кўз олдига Тиберий ва Гай Гракхлар образини гавдалантиргани каби, уларни болалар жонли кишилардек кўра олсинлар.

Бу қарор ўқитувчида ўзига ишонч уйғотарди. Бу қарор: сен тўғри йўлдан кетаётган эдинг, ҳиссиётнинг сени алдамади. Сенинг фикринг жавобсиз қолаётгани йўқ, сенинг арзингни тинглайдиганлар бор, сени ҳаяжонга солаётган масалалар тўғрисида ўйлаб туришадди деярди. Ишла, ўйла, шубҳа ва ўй-фикрларингни бошқалар билан ўртоқлаш — бу ишинг иссиқ кетмайди, нимагаки, сенинг ишинг — халқ иши.

Мактабларда тарих ва географиядан дарс бериш ҳақидаги қарор биздаги, Ленинграддаги ва балки, мамлакатимиздаги барча ўқитувчиларнинг энг яхши фикр ва ўйларини ифода этган эди. Софья Михайловна партия Марказий Комитетига хат ёзган эди. Владимир Михайлович ҳам ёзган эди. Мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан — ўқитувчилардан устма-уст хат келарди. Ўқитувчиликдаги кичик-кичик тажрибалардан, ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан эди бу қарор.

Шу кунни кечқуруноқ ўқитувчилар хонасида тўпландик, шу куннинг ўзидаёқ қўлдан-қўлга ўтавериш титилиб кетган «Правда»ни яна ўқидик, гаплашдик, бундан бу ёқ қандай ишлаш ҳақида маслаҳатлашдик.

Елена Григорьевна бутун оқшом жим ўтирди — ўжар одамлар ўз хатоларига иқдор бўлишни ётқирмайди. Ахир бу қарор унинг камчилигини очикдан-очик кўрсатиб турарди-ку. Тўсатдан кўзим Владимир Михайловичнинг кўзига тушади, унинг фикрига мен ҳам қўшилмаман: ҳа, Елена Григорьевна хатосини яхши англаган эди!

„Текширгани келдим...“

«Салом Семён! Сенга Антон Семёновичнинг топишири-
нига мувофиқ хат ёзяман.

Яқинда коммунализга бир ўспиринни юборишди. Уни Зирянскийнинг отрядига тайинладик, заводда иш-
лаяпти, учинчи группада ўқияпти. Ҳозир тўртинчи груп-
пага, тўғрироғи — тўртинчи синфга ўтди. Дурустгина
ишлайди, лекин то шу кунгача ўқишга у қадар қизиқмай-
ди. Алланарсадан ташвишланаётгани, юрагида дарди
борлиги сезилиб турибди. Яқинда бизга Ленинграддан
келганини, бир вақт сенинг болалар уйингда бўлганини,
кейин кетиб қолганини айтди. Нега кетганини айтмади,
Антон Семёнович бўлса суриштирмади. У яна: «Сизлар-
нинг коммуналгиз ҳақида Семён Афанасьевичдан эшит-
ган эдим, лекин ишонмаган эдим. Энди текширгани кел-
дим» деди.

«Текширдингми?» — деб сўрадик.

«Текширдим».

«Хўш, Семён Афанасьевич алдамабдими?»

«Алдамабди», — дейди.

Ана шу боланинг фамилияси Плетнев. Доим нимадан-
дир ташвишланади. Ё сенинг уйингда шериги қолиб кет-
ган, ё сени соғиняптими, билмадим. Хуллас, доим таш-
вишда. Антон Семёнович сен нима маслаҳат бераркин-
сан деб сўраяпти.

Дўстинг Николай».

Хатни ўқир эканман кўз олдимда Антон Семёнович
коммуна, шу хатнинг автори — қадрдон дўстим, собиқ
колониист ва ҳозир коммунада врачлик қилаётган Коля
Вершинев ва Плетнев гавадаланди. Ҳа, бўлмасамчи —
менинг алдамаганимни колонияга борган замоноқ англа-
ган. Саройдек ҳашаматли уйимизнинг остонасидан ўтган
ҳамоноқ, коммуналларни, Антон Семёновични, ўқитувчи-
ларимизни, заводимизни кўрган замоноқ гапимизнинг рост-
лигига ишонч ҳосил қилган...

Шу топда жоним борича, болалар ишлаётган жойга,
полизга югургим, етиб бормасимданоқ узоқдан туриб:

«Король! Володя! Плетнев топилди!» деб бақиргим келди.

Лекин ўзимни тутдим.

— Костик,— деб чақирдим деразадан бошимни чиқариб,— Алексей Саввич билан Екатерина Ивановнани топиб кел...

— Соня холаниямми?

— Ҳа, Соня холаниям. Тезроқ қимирла, Костик!

У югургилаб кетди, орадан бир печа минут ўтгач ҳаммалари тўпланишди. Бахтимизга бу соатларда ҳеч қачон бу ерда бўлмайдиган Владимир Михайлович ҳам келиб қолди.

Мен ўртоқларга Вершневнинг хатини ўқиб бердим.

— Ҳа характерли бола,— деди Алексей Саввич.— Алдашмаётганимкан деб текширгани борибди. Король билан Разумовга: ҳаммаси ёлғон, сизларни лақиллатишибди, бунақа коммуна йўқ,— деб ёзиб юбормоқчи бўлган...

— ...Завод ҳам йўқ, ҳеч нарса йўқ... Балким, «текшириб» кўрмоқчи бўлгандир?— дейди тўсатдан Екатерина Ивановна гапини чала қолдириб.— Бу ёққа қайтиб келишга иззати-нафси йўл қўймаган, бировга юрагидаги бор гапни айтган. Сиз нима дейсиз?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Энди нима қиламиз? Балким, унга хат ёзиб юборармиз?

— Менда бир фикр бор,— деди Владимир Михайлович,— лекин сизларга маъқул бўладими, йўқми, билмадим. Менимча, бошқа болалардан бир-иккитаси Феликс Эдмундович номидаги коммунани кўришса ёмон бўлмас эди...

...Икки кундан кейин Король билан Репин Харьковга жўнаб кетишди. Улар ҳангу манг бўлиб Антон Семёнович номига ёзилган хатни олиб йўлга тушишди. Разумов кавал эди, шунинг учун ҳам болаларнинг қаёққа кетганини унга айтиб ўтирмадик: аслида, болалар билан у ҳам бориши керак эди. Мен шошиб-пишиб аллақандай ваз жўрсатганимда у:

— Королсиз зеркиб қоляпман...— деди.

Галия касалхонамизда, унинг тепасида узоқ ўтирар, китоб ўқиб берарди. У беморларга жуда яхши қарарди. Мен кўпинча унга: «Сен аслида педагогика техникуминин эмас, медицина техникуминин тугатишинг керак эди» деб қўярдим.— «Йўқ, пед. техникуминин ҳали асқатиб қолади»,— деб жавоб қайтарарди у доим.

— Менга қара, Семён,— деди бир куни (Король билан Репин кетгандан кейин ўн кунча вақт ўтган эди), — Володя сенга ёқмайди-а?

— Нега бундай деб ўйлайсан?

— Ҳайлайман-да...

— Айтганингча бор.

— Нега?

— Биласанми, нима, доим ўзини бебахт деб ҳисоблайди. Мен бунини ёмон кўраман. Мана, Петькани кўринг. Ҳўш, нимаси ортиқ? Ота-онасини билмайди, болалиги жуда оғир аҳволда кечган. Энди қара: доим қувноқ, бахтиёр. Ҳар нарсага қувонади. Чин кўнгилдан қувонади. Володяни бўлса, доим қовоғи солиқ. Ёмон бу.

— Менингча,— деди Галя аччиқланиб,— менингча, ҳамма одамларни бир аршин билан ўлчаш ёмон. Бунинг устига одамнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо бериш ёмон. Агар чуқурроқ билмоқчи бўлсанг, унинг яхши ўртоқ эканлигини аниқлайсан. Жуда меҳрибон, содиқ дўст.

Мен: қовоқ солмасдан, хомуш бўлиб юрмасдан ҳам меҳрибон содиқ дўст бўлиш мумкинлигини айтиб эътироз билдирмоқчи эдим ҳамки, шу пайт қўлимга телеграмма тутқазиб қолишди:

«Балким учаловини менга қолдирарсан савол аломати.

Макаренко“.

Қўлимдаги телеграмма бланкасининг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрдим. Бу қанақаси бўлди? Улар қайтишни истамаяптими? Уша ерда қолишмоқчимми? Йўғе, бундай бўлиши мумкин эмас! Нега мумкин бўлмасини? Шундай уй, шундай завод, шундай одамлар бўлса... Уйнинг атрофи шундай боғ бўлса... Нега энди мумкин бўлмасини?! Бизда аҳвол анча ёмон. Бизда завод ҳам йўқ, шунчалик бой уй ҳам йўқ, бизда ҳали кўп нарса етишмайди. У ерда бўлса... барибир бундай бўлиши мумкин эмас! Плетнев... Плетнев... Репин-чи? Лекин Король?! Йўқ, Репин ҳам бундай қила олмайди! Бу нима дегани бўлди? Антон Семёнович нега бундай деб сўраяпти? Қимни синаб кўряпти! Йўқ, йўғе, ҳеч кимни синамаяпти. Жуда қувсиз-да, Антон Семёнович! Биладан

сизни! Учта яхши болани кўриб қолиб,— уччаловини ҳам ўзингизда олиб қолмоқчисиз!

Энди нима қилиш керак?

— Сен нима дейсан?— деб сўрадим Жуковдан телеграммани кўрсатиб.

Саня ўқиди, нима дейишини билмай қоғознинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. Йўталиб қўйди ва негадир йўғон овоз билан:

— Семён Афанасьевич, агар мен бўлсам: «Ўзлар билишади» деб жавоб берган бўлардим,— деди.

— Бўпти,— дедим мен, худди шундай жавоб берамиз.

Шу кунгёқ телеграмма ёзиб юбордим.

Бир кун ўтди — жавоб келмади. Иккинчи кун ўтди — ҳамон жавоб йўқ.

— Телеграф жуда ёмон ишлайди-да,— деб қўйди Алексей Саввич тушлик овқатдан кейин.

— Алоқа идораларининг иши ҳақида газетага ёзиш керак эди-да,— деди кечга яқин Владимир Михайлович.

Жавоб орадан яна уч кун ўтгач келди. Биз пилла-пояда ўтирардик. Илиқ, хушбўй май оқшомларидан бири эди. Энди ўсиб чиқаётган дарахт баргларининг иси ҳавода анқийди, осмонда илк юлдузлар кўриша бошлади. Тўсатдан, арка тагида, йўлакда, қандайдир соялар кўринди. Разумовнинг ўткир кўзларигина уларни таний олди. Балким кўнгли сезгандир!

— Король! Плетнев!

Разумовнинг кетидан ҳамма иргиб ўрнидан турди — олдинма-кейин келганлар қаршисига югуришди. Улар уч киши эди: учинчиси ҳақиқатан ҳам коммунар формасида — оқ ёқали кўк қўйлак ва ярим галифе шим кийган Плетнев эди.

Болалар зўр бериб уччаласига ёпишар, ҳар тарафга тортқиланарди. Костик Королнинг бўйига осилиб олганди. Разумов у қадар тез югурадиганлардан эмас эди. У Плетневнинг олдига болалар орасидан энди тикилиб ўтаётган эди. Аввалига иккала бола бирпас бир-бирига қараб жим туришди. Кейин Разумов тўсатдан у томонга бир қадам ташлади — қучоқлашиб кетишди. Бошқалар уларнинг бундай қучоқлашиб кўришишидан хижолат тортиб, бараварига кўзларини бошқа ёққа олишди ва аввалгидан қаттиқроқ гапирар

бошлашди. Фақат Королгина миёнида кулиб, қараб турарди.

— Упишишяпти!— деди ҳайрон бўлиб Лепочка.

— Ҳеч-да, ўпишишаётгани йўқ!— деб эътироз билдирди Лира.

Кейин Плетнев ёнимга келди. Бир йил ичида ўзгарибди — елкалари кенгайиб, анча тўлишиб қолибди, энди у қадар новча кўринмайди. Ёз энди бошланиб келяптию, аммо у, Украинанинг саҳий қуёшида қорайиб кетибди, ҳатто бурнигача шўралабди. Чехраси очик, истараси иссиқ бўлиб кетибди. Кўз боқишларигача ўзгарган — энди у аввалгидай хўмрайиб қарамайди. Пиллапоя тепасига осилган фонарь ёруғида уни синчиклаб кузатаман. Плетнев сал хижолат тортади.

— Антон Семёнович салом деб юборди,— дейди у дудилиб ва жим бўлиб қолади.

Қўлимни узатаман. У севинганидан қаттиқ қисади. Кўп гапиришнинг нима кераги бор? Ҳаммаси равшан!

Уччала болани ошхонага бошлаб кетишди, ҳамма гуриллаб уларга эргашди. Плетнев билан Король иштаҳа билан шчи ичар, бўлка ноннинг четини ейишар экан (бўлка ноннинг четин бизда лаззатли ҳисобланади — навбатчилар уччала болага ҳам шундан топиб қўйишган эди), бир дақиқа ҳам жим турмай гапиришарди. Йўл-йўлакай кўрганлари ҳақида, коммуна ҳақида, Антон Семёнович ҳақида бир-бирларининг гапларини бўлиб ҳикоя қилишарди. Шуниси қизиқки, учалови ҳар хил гапирарди. Плетнев кўпдан бери яшаган, ҳаммасини ипидан-игнасигача билган одамдек гапирарди. «Бизда...» деган сўзни шу қадар юракдан айтидики, гўё умрининг ярми шу коммунада ўтгандек. Король бўлса, бироқ янги, ажойиб мамлакатни очган кишидек шошиб-пишиб, ҳовлиқиб гапирарди. Репини иштаҳа билан овқат ейишда анави икки боладан қоличмасида, жим ўтирар, аҳён-аҳёнда сўз қўшиб қўярди.

— Нега қайтиб келишни хоҳламадиларинг?— деб сўради тўсатдан Петька қатъий.

— «Хоҳламадиларинг эмиш!»— деди Король чақирдек кўзларини чақнатиб. У бу масалада Петькадан бошқаларга ҳам изоҳ бериш кераклигини англаб, қошигини четга қўйди.— Антон Семёнович: «Бизда қоллиглар» деди. Биз бўлсак: «Бизникилар нима дейишади?» дедик. У: «Бўлмасам, Семён Афанасьевичдан

сўраб кўраман» деди. Телеграмма юборди, биз бўлсак нима дейишимизни билмаймиз. Телеграмма келди, у бизга кўрсатди-да, яна: «Хўш, нима дейсизлар?»— деди. «Плетнев билан Репинни билмайману, лекин мен қайтишим керак,— дедим мен, Репин ҳам: «Бу ер жуда яхши экан-у, лекин бу ерда қола олмайман» деди. Плетнев бўлса: «Улар мени деб келишган бўлса, энди нима қилсам экан»...— деб ҳайрон бўлади. Антон Семенович кулиб юборди-да: «Тўғри, бора қоллинглар!» деди. Шундай қилиб йўлга тушдик. Фотографиялар, хатлар олиб келдик!..

— Хатларни мана бу ерга тикиб қўйганман... — Репин қўлини қўйишга тикди.

— Эгинида турган ерида сўкма, йиртиб юборасан! Ётоққа кириб сўк,— деди Король.

...Орадан ярим соат ўтгач Андрей кабинетимнинг эшигини тақиллатди.

— Мана,— деди у,— сўкиб олдим. Мана хатлар.— У менга учта конверт берди: бири Колька Вершневдан, тўртинчи отряд командири Алёша Зирянскийдан ва Антон Семёновичдан.

— Хўш, қалай, коммуна сенга ёқдимиз?— деб сўрадим. Антон Семёновичнинг хатини устига қўйиб.

— Менга... — деб гап бошлади Андрей.

Қарасам, йиғлаяпти. Кўз ёшлари юзидан оқиб тушарди. У шошиб-пишиб артиб олди, лекин кўз ёшлари дув-дув оқарди.

— Ўзи нима гап, Андрей? Сенга нима бўлди?— бориб елкасидан ушладим.

У юзини ўгириб олди-да, ҳўнграб йиғлаб юбормасликка тиришиб, аввалгидан бадтар йиғлаб юборди.

Мен ҳам суриштириб ўтирмадим. У ҳеч нарса демаган бўлсада, сабабини тушундим. Бир йил муқаддам у, шу ерда, менинг олдимда йиғлаган эди. Лекин у худбинлик кўз ёшлари эди. Бу ёшлар эса гўё унинг кўнглидаги ишончсизлик қолдиқларини, алам ва ранжиган иззатнафсини ювиб ташлаётгандек эди. Бу ёшлар кўпдан бери йиғилиб турган бўлса керак, ҳозир ҳарчанд уринмасин, уни тутиб тура олмас эди.

Ортиқ унга қараб ўтирмай хатни очдим. Афсуски, Антон Семёновичнинг бошқа кўпчилик хатлари каби бу хат ҳам сақланмаган. Лекин, назаримда бу хатни бошдан оёқ ёд биладигандекман.

«Бу йил оғилхек ким, бининга йиригени, — деди Антон Семёнович. — Фақат бу йил келишга эришсам керак. Қўлларимни муш, қўларимни тинч қўйиб келади—ҳар кимга қанда ҳам, пенсияларимни олишга ҳали кўн меҳнат, вақт ва кўн келтирибди. Ушбу қўлларим бўлиши мумкин? Ушбу муш оғилхекни, келишга келамиз — анча машаққатли иш. Ушбу оғилхекни келтириб кўриб қилади, баъзан ҳақ йўлга вақт ўтгани. Шу билан бир қаторда коллектив ва айрим шахслар маърифати билан бирга шунда келган пайларда ҳақ ҳамма билди, тўғриликларга, қарама-қаршиликка дуч келгани. Биринчиси бу йил йил ишлаб, иккинчиси бир хил вақтга сира дуч келишганиман. Энди эшит. Бу гапни учраганимизда айтишгани эдим, лекин ҳозир айта қолганим маъқулроқ, кўришда Берёзоваяда ўринида кимни қолдири олишнинг ҳақида ўйлаб кўр...»

Кўзимни кўтардим: Ренин кўз ёшларини аста-секин. Кўзи кўзимга тушди ва алланарсени ҳис қилиб, дарров: — Бирон нарсга бўлибдим? — деб сўради.

— Йўқ, ҳеч гап йўқ, — жавоб бердим.

Бу ердан кетишимни, уни ва шу пайт ялангликда яшув кўтариб ўйнаётган болаларни ташлаб кетишни сира ҳаёлимга келтира олмас эдим. Лекин бир нарсани яши тушунман: Антон Семёнович бу гапларни бекордан-бекор ўзмайди. Нима демоқчи экан-а?

Шу кун кечкурун профессор Ренинга хат ёзиб юбордим. Мен унга орадан бир қанча вақт ўтказиб, Берёзоваяга келиб ўғлини кўриши мумкинлигини, кейин нима қилишни ўшанда биргаликда ҳал қилишимизни ёздим.

„У меҳрибонли?“

Антон Семёновичнинг ёшанлари ҳақида ҳеч кимга ҳеч нима демасам-да, эртаю кеч ўйлардим. Шаҳотки бу ердан кетишга тўғри келса? Лекин Галини, Леона ёки Костикни ташлаб кета олмайганим каби бу ҳам мен ҳам амалга ошириб бўлмайдиган масала. Бу юртининг бир парчасини ўзиб олгандек гап. Лекин шунинг ҳам боради, Антон Семёновичнинг айтишгани қилишимизнинг аниқ: У бир

нима дедими, демак шундай қилиш керак. Лекин назаримда, дунёда мени Березоваядан чақириб олишга уни мажбур қиладиган сабаб йўқдек туюларди. Балки бу фаҳат тахминдир?

Жавоб хатимда Антон Семёновичдан:

«Аниқроқ тушунтиринг»,— деб илтимос қилдим. У: бу ҳақда гапиришга ҳали эрта, лекин ўринингда қоладиган одам ҳақида ўйлаб кўр. Командир жанг пайтида ўйлагани каби биз ҳам, ҳар доим, ўринимизда кимни қолдириш кераклиги ҳақида ўйлашимиз керак.

Болалар янги келганлардан шўқул коммуна ҳақида суриштиришарди, Король бўлса, тинмай гапирар ва вақти-вақти билан гапини тасдиқлатиш учун Плетневга мурожаат қиларди. Ҳар нима деганда ҳам Плетнев колонияда кўп турган, билмаган нарсаси йўқ.

— Рост айтяпман. Мана ишонмасанг Плетневдан сўра. У ҳам айтиб беради.

Шундай уйки! Завод-чи! Болалар-чи! Антон Семёнович-ку бир бебаҳо одам!

— У меҳрибонми?— деб сўраб қолди Петька.

— Меҳрибонми?— ишончсизлик билан такрорлади Король. — Қандай десам тўғрироқ бўлар экан...

— Мен айта қолай,— дейди гапга аралашиб Плетнев. — Коммунада Васька Ключник деган бир бола билан ўртоқ бўлиб қолдим. У ерда командирлик қилади — худди сиздаги Жуков сингари энг яхши командирлардан (бу таққослаш жуда оддий ва ёқимли жаранглади). Шундай. Бир вақт коммунамиз походга чиқди. Шунда Ключник Антон Семёновичдан пароходдан тушиб, шаҳарни айланиб келишга ижозат сўради. Унинг шаҳарда танишлари кўп эди. «Соат тўртгача рухсат беринг» деб илтимос қилди. Антон Семёнович бўлса: «Соат тўртгача улгурмайсан, яхшиси соат олтигача рухсат бера қолай!» дейди. Васька бўлса: «Йўқ, тўртгача етиб келаман!» дейди. «Майли, бора қол бўлмасам». У чорак кам бешда қайтиб келди. Антон Семёнович: «Сенга гапирдик, лекин ўз айтганингни қилдинг. Мана энди жавоб берасан. Бошда яхшилаб ўйлаб олишинг керак эди. Энди жазоланасан» дейди. Шундай қилиб, Ключник қайтиб қирғоққа тушмади. Одесса ва бошқа бир неча ажойиб шаҳарлар ёнидан ўтдик. Ключник бўлса палубада қимир этмай ўтирди. Антон Семёнович уни ана шундай жазолади. Меҳрибонми, йўқми, шундан ўзинг хулоса чиқаравер.

Петька ҳайрон, нима деб жавоб беришини билмади.
Король бўлса қўшимча қилади:

— Унинг қанчалик талабчанлигини биласанми? У — я
Кимки яхши бўлса, ўшандан кўпроқ талаб қилади. У
да одат шунақа.

Уларнинг ҳикоясини тинглайман ва Антон Семёнович
педагогик ишда энг муҳим деб ҳисоблаган нарсани ҳақида
шу эканини ўйлайман: кишини қанчалик кўп ҳурмат қил-
санг, ундан шу қадар кўп талаб қилишинг керак! Ахир
ҳурмат қилмайдиган одамнингдан талаб қилмайсан-ку?

Яна шу ҳақда ўйлайман: Плетневни жуда кам билар
эканман. Уни Король ва Разумовнинг гапларидан би-
лардим, холос. Бир йил муқаддам эса уни кўришга ҳам,
феъл-атворини ўрганишга ҳам улгурмаган эдим. Ҳозир
бундай қарасам: ўртоқларининг ичкиб юрганича ҳам
бор экан. Ақлли, эс-ҳушли йигит.

Плетневнинг ҳикояси менга яна бир воқеани — ўтми-
шимда бўлиб ўтган воқеани эслагди. Бу воқеа 1922 йи-
lining баҳорида бўлиб ўтган эди. Биз, колониядаги энг
катта болалар — Бурун, Вершнев, Задоров, Белухин ва
мен ўқишга киришишимиз керак эди: нимагаки, рабфак-
ка киришга тайёргарчилик кўраётган эдик. Ҳаётимнинг
каттагина бўлаги тугаш олдида эди. Ўтмишим кўз ол-
димдан бир-бир ўта бошлади — тўққиз тийин учун эрта
сахардан қоронғи тунгача подачи ва батраклик қилган-
ларим кўз олдимдан бир-бир ўтди... Лўлилар тўдасида
юрганларим, кўрга етакчилик қилганларим эсимга туш-
ди. Боқимсизлик, бошпанасизлик, очлик, яланғочлик...
Кейин Антон Семёнович билан учрашув, колония — мана,
энди рабфакка киришга тайёрланишман!

Ўзимни қаёққа қўйишимни, нима қилишимни билмай,
колонияда тентакдек довдираб юрардим. Ниҳоят бир
фикрга келдим:

— Антон Семёнович, уйга бориб келишга ижозат бе-
ринг! Беш йилдан бери борганим йўқ.

— Ойнинг эсингга тушдими?

— Йўғе. Шунчаки ўзим...

— Шунчаки дегин... дуруст-дуруст... Уйга бориб келиш
керак, тўғри, бу гапингга қўшиламан. Шу бугуноқ коман-
дирлар советида гаплашиб оламиз — бошқа иложимиз
йўқ. — Кейин кетимдан гапириб қолди: — Эзгиликнинг
уяти йўқ. Ойингни кўргинг келибдими, очикчасига га-
пир — қўй.

— Ҳа, онам билан кўришмаганимга беш йил бўлди. Олдинги уч йил ичида, одам бўлмаслигимга ақлим етгани учун, уйга бориб ота-онамнинг кўзига кўринишга ҳам юрагим бетламас эди. Колонияга тушганимдан кейин эса ҳақиқий одам бўлиб чиқадиган купларимни кутиб юрардим. Ҳар нима деганингизда ҳам, мен билан учрашув онам учун ҳасрат-надомат эмас, ҳақиқий шодлик бўлишини истардим.

...Шу куниеқ командирлар совети қўлимга қуйдагича гувоҳнома тутқазди:

«Берилди ушбу гувоҳнома М. Горький номидаги колония колонисти Семён Карабанга шу ҳақдаким, командирлар совети қарорига мувофиқ унга Чутовский районидаги, Сторожевое қишлоғига бориб келиш учун 1922 йил, 22 май, душанба кунидан 1922 йил, 27 май, шанба кuni, кундуз соат 12 гача отпуск берилди.

Колония мудир *А. Макаренко*
Командирлар совети секретари *Н. Вершнев.*»

Ўттиз чақиримни қандай босиб ўтганимни пайқамай қолибман. Мана, қадрдон қишлоғимга етиб ҳам келдим. Мана кўприк, черков — ҳаммаси ўша-ўша, фақат илгаригидан кўра сал кичикроқ. Ёки мен ўсганмиканман? Оқшом палла эди, одамлар даладан қайтишарди, ҳамма мени бошдан-оёқ кузатиб қоларди, мен бўлсам, тезроқ уйга етиб ола қолсам деб елиб-югурар эдим! Қудуқ бўйидаги аёл:

— Карабановнинг кичик ўғли эмасми?— деди синчиклаб тикилиб.

Иккинчиси бўлса:

— У бедарак кетган-ку!— деб жавоб берди.

Мана кулбамиз ҳам кўринди. Остонада турган ким? Ойим! Балким ана шу беш йил ичида онам мени ҳамма вақт остонада ана шундай кутгандир? У қўлини узатади, йиғлайди.— Ахир мен соғ-саломатман-ку, нега йиғлайди...

Биттасининг қучоғидан чиқиб иккинчисининг қучоғига тушиб қоламан — мана отам, акам. Уйимизда нега мунча одам кўп? Ие, жуда вақтида келибман-да: бир неча кундан кейин акам уйланар экан. Ҳозир уйимизда эрталабдан кечгача тикишади, ёпишади, пиширишади. Ҳамманинг иши бошидан ошиб-тошиб ётибди: ғовур-ғу-

вур, қий-чув—фақат тўй олдида шундай бўлади. Мен ҳам муккасига ишга шўнғиб кетаман. Фақат доим ойимнинг ёнида бўлишга ҳаракат қиламан. Ойимнинг ўзи ҳам гоҳ бир нарсани, гоҳ бошқа бир нарсани баҳона қилиб ёнига чақирарди.

Кун эса шундай тез ўтардики, ҳадемай қарабсанки — кеч бўлибди-қолибди. Уйда ўзгарини жула кўп эди. Мен кўришга, эшитишга улғирмасдим. Деҳқонларнинг ҳаммаси помешчикларнинг ерини олишибди. Илгари دادамнинг бир парча ери йўқ эди. Ҳозир у ҳам ўн десятина¹ ер олибди. Яна битта сўғир билан от беришибди. От шундай яхши, пешонаси қашқа, кучли тўриқ от эди. Қишлоғимизда клуб, қироатхона очилибди, ёшлар спектакль тайёрлашарди. Шуларнинг ҳаммаси қадимги Сторожевога сира ўхшамасди!.. Жума куни кечаси бирдан эсимга тушиб қолди: ахир эртага соат роса ўн иккида колонияда бўлишим керак-ку! Мен пичан тўшалган аравадан сакраб тушдим-да, (мен аравада ётган эдим) уйга югуриб кирдим. Отам билан акам ухлаб ётишарди, ойим манга орқасини қилиб печка ёнида турарди.

— Ойи! Эртага саҳар туриб жўнайман!

Онам худди биров бир ургандек ярқ этиб қаради:

— Қаёққа? Бўлмаган гапни қўй!

Отам ётиқдан бошини кўтарди, акам уйғонди. Мен жўнашим кераклигини айтдим.

— Қўйсанг-чи, Семён!— дер эди онам нуҳул.— Ян-шанбада акангининг тўйи, сен шанбада жўнаб кетасанми? Эсингни йиғсангчи!

Акам ҳам қолгин деб кўндиришга уринарди. Фақат отам:

— Нима ҳам дердик... Бор, ухлаб ол: йўлинг узоқ. Мумкин бўлмагандан кейин мумкин эмас эканда,— деди.

Тонгда сакраб ўрнимдан турдим ва йўлга отландим. Онам йиғлай-йиғлай совғалар солинган тугунчаани манга узатди, отам Антон Семёновичга совга қилиб тамачи солинган халтачани берди. Ота-онам билан кучоқлашиб хайрлашдим. Орқамдан: «Қолсанг бўларди-я» десама, рица қоллишди.

¹ Десятина — метр ўлчови киргизилмасдан бурун майдонган, 2400 квадрат саженга ёки гектарнинг 1,092 ҳиссасига тенг келадиган ер ўлчови.

Соат ўн иккига яқин колонияга отилиб кирдим ва шу замоноқ Антон Семёновичнинг ёнига югурдим. У ўрнидан турди, гўё бир йил кўришмагандек қучоқлашди.

— Қани, ўтир, гапир. Уйда аҳвол қалай? Қишлоқда нима гаплар?

— Мана бу сизга: дадам бериб юборди. Қўлбола тамаки... Зўрға юборишди мени, қолгани деб ҳол-жонимга қўйишмади.

— Бугдой ўришгами? Ё уйлантиришмоқчимиз?

— Топдингизу, лекин мени эмас. Акам уйланыпти, эртага тўй.

— Аканга? Ҳм... Қолмай келавердим дегин?

— Қандай қилиб қоламан?

Шу маҳал эшикдан Вершнев бошини суқиб қаради.

— Мумкинми, Антон Семёнович? Салом, Семён! Гувоҳномангни бер, бўлмасам, кечикиб келди, деб ёзиб қўяман....

— Менга қара, Николай, командирлар советини чақир!— деди Антон Семёнович унга.

Уч минут ўтар-ўтмас ҳамма командирлар кабинетда тўпланди.

— Ишдан қолдирганим учун кечиринглар,— деди Антон Семёнович,— ишим жуда зарур: Семёнга отпускани душанбагача чўзиб беришингларни сўрайман. Эртага акаси уйланыпти.

Мен даг қотиб қолдим:

— Вой, у нима қилганингиз, Антон Семёнович? Мен-сиз ҳам ўтаверади...

— Гапини қаранглар-у! Ўзинг ҳам борнинг келиб турибди-ку?— дейишди ҳар томондан.

— Жим!— деди Антон Семёнович.— Буни сенинг учун эмас, Семён, онанг учун қиляпман. Шундай пайтда сени жўнатиб юбориш унга осон бўлган деб ўйлайсанми?

— Семёнга мажбурий суратда отпусकाга қайтишни таклиф қиламан!— деди Вершнев.

— Менга яна битта одам қўшиб бeringлар!— деб илтимос қилдим.

Яна отпускаи гувоҳномаси ёзилди — бу галгиси Бурунинг номига ёзилди. Биз шу заҳоти йўлга тушдик. Шу бугун Сторожевоедан колониягача бўлган масофани бир марта босиб ўтганим хаёлимга ҳам келмади. Ле-

кин бир чақирим юрар-юрмас орқадан от туёқларининг товуши эшитилди. Ис! Бизнинг извош-ку!

От ёнимизга етиб келганда таниш овоз бизни чақирди:

— Чиқинглар! Бурун, сен менинг ёнимга ўтир, Семён сен извошни ҳайда. Мен ҳам тўйда ўйнаб келмоқчиман.

— Антон Семёнович, сиз-а? Бизникига-я? Стороже-воега-я?!!

— Нима бўпти? Ўзинглар ўйнайсанлару, менга мумкин эмасми? Ё бир қадаҳ винони қизғонасанми?

Жавоб бериш ўрнига Бурунни итариб извошга чиқардим, ўзим сакраб олдинга чиқдим-да, жиловнинг учини от устида ўйнатдим. Мэри отимиз ҳеч қачон бундай тез юрмаган эди.

Антон Семёнович нима учун йўлга чиққанини билардим. У менинг иккинчи бор ўттиз чақиримча пиёда юрмаслигим учун шундай қилди. Антон Семёнович нима учун йўлга чиққанини билардим: унинг бориши менга ва менинг ота-онамга совға — у тўйимиз яхши ўтсин деб шундай қилди! У ҳамма вақт, ҳар нарсани тушунарди. Ҳозир, орадан ўн икки йил ўтгандан кейин эса, уни кўриш мен учун нақадар муҳим эканини ўзи келиб ҳаммасини ўз кўзи билан кўриши зарур эканини тушунарди.

64

16 июнь

Агар кучининг борича югуриб кетаётган одамни бирдан тўхтатса, юраги ёрилиб кетиши мумкин. 1934 йилнинг ёзидаги ҳаётимиз олдинга интилаётган, жон-жаҳди билан югураётган кишини эслатарди. Қувноқлик билан шиддатли равишда илгарилаб кетаётган пайтимда мени тўсатдан тўхтатган, ҳаётимни поймол қилаётган нарсани қандай айтиб беришимни билмайман.

Июнь ойи эди. Ленинградлик дўстларимиз билан Петергофга походга боришга отланаётган эдик. Поход уч кунга мўлжалланган эди.

— Бу Қрим ё Кавказ эмас, албатта,— деб маҳмадоналик қиларди Король,— лекин бу ҳам яхши. Петергофдан бошлаймиз, янги йили ёзда, қарабсанки, Қримга ҳам йўл олиб қолибмиз.

Шу кичик походымизга худди дунёнинг чариги чети-га борадигандек тайёргарлик кўрдик. Утган йили ёзда ўтказилган ҳарбий ўйин бизни карта билан, топография белгилари, бир оз бўлсада Морзе алифбеси (Екатерина Ивановнанинг қаршилигига қарамай) билан таништирди. Ҳозир каттакон йиғма карта чизяпмиз. Ҳар бир отряднинг ўз картаси бўлади. Бизга деярли ҳар кунни Ленинграддан болалар келиб туради. Биз ҳам вакилларимизни у ёққа тез-тез юбориб турамиз. Худди байрамдагидек, Сторожевоеда тўй олдидан бўлган ғала-ғозурга ўхшаш, ҳамма бир иш билан банд — ҳар бирининг назарида у қилаётган иш энг зарур ишдек туюларди. Ҳамма вақти-вақти билан: ҳамма ишни битиришга улгура олмай қолсак-а, деб ваҳимага тушарди. Ҳамма: барибир яхши тайёрланишимизга қаттиқ ишонарди!

Поход 15 июнга белгиланган эди. 14 июнь кунни Ленинграддан янги бола юборишди. Янги келган бола қаршимда турарди — пастақкина, беўхшов, боши ҳаддан ташқари кичкина, бесўнақай; пешонаси тор, нйшоб бўйинининг орқа томони худди йўнилганга ўхшаган, кўзи ич-ичига тушиб кетган. Юзи кул ранг: лаби, ёноқлари, пешонаси — ҳаммаси бир хил кул ранг. Ана шу ғалати кул ранг юз болага қараб турар эканман, ўзимдан-ўзим сўрардим: нега илгари бу ер тарбияланиши оғир болалар уйи бўлган пайтда педагоглар бу ерга Жуков, Стеклов, Король, Разумов ва бошқаларга ўхшаган оддий, нормал болаларни юборишгану, энди, болаларимни тарбияланиши оғир болалар дейишга тилинг бормайдиган бўлганда педологлар менга, биринчи қарашданоқ касал эканлиги, эси пастлиги сезилиб турган болани юборишади? Бу бола ҳақиқатан ҳам касал, жинни овсар эканлиги яққол кўриниб турибди. Бизда, соғлом болалар ичида нима қилади у?

Мен бу янги бола саволимни эшитяптими, унга нима дейишаётганини тушуняптими, билмасдим. У деярли жавоб қайтармасди, гўлдираб алланима деб жавоб қайтарганида ҳам сўзларини чала-ярим тушунардим.

— Бирон еринг оғрияптими?

Бола иидамайди, аллақасқаларга кўз тикканича тураверади.

Уни нима қиламан?

Жуковга янги бола чўмилиб олиши учун болалардан биронтасини юбориб ҳаммомни тайёрлашни буюрдим.

— Жуда ғалати бола экан,— деди кейин ҳаммомни тайёрлаш вазифаси юкланган Володин.— Қимир этмай ўтиради, бундоқ қимирлай демайди. Овқатни ҳам ёш боладек ейди, қўлида нарсa турмайди, тушиб кетаверди.

Бу боланинг биз билан походга бориши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Касалмиди, чарчаганимди, ҳар ҳолда чолдан бадтар зўрға судралиб юарди.

— Хафа бўлма,— дедим мен.— Бу охириги поход эмас. Кейинги гал бора қоласан.

Бола менга ўғирлиб қарамади — гапимни эшитганига ҳам ақлим етмасди. «Эх! Вақт йўқ-да,— деб ўйладим ташвишланиб. Походдан қайтиб келишимиз биланок уш касалхонага ётқизишларини талаб қиламан.»

Походга ҳаммамиз кетадиган бўлдик. Янги келган боладан ташқари Берёзовая полянамизда Софья Михайловна, Галя билан болалар ва Антонина Григорьевна қоладиган бўлди. Ҳамма шошиб-пишиб ҳозирлик кўрарди. Ҳозир жўнаймиз деб турганда Коробочкин фалокатга йўлиқди: зинадан чопиб тушиб кетаётиб, оёғи қайрилиб кетган. У шунга қарамай сафга бориб туришга мени ҳам олиб кетинглар, деб ялиниб-ёлворишга уриниб кўрди. Лекин мен қаттиқ туриб олдим, — қолишга мажбур бўлди. Алексей Саввич, мен ва, оёғининг оғриётганига қарамай, Николай Иванович болалар билан кетдик. Екатерина Ивановна уч кунга жавоб олиб, Тихвинга бориб, отасини кўриб келадиган бўлди. Бизнинг уйимиз уч кунга бўшаб қоладиган бўлди.

15 июнь куни эрта саҳарлаб, жўнаб кетиш олдидан Костик билан Леночканинг ёнига бордим. Иккови ҳам ухлаб ётган эди. Леночка қўлини юзига қўйиб, оёғини йиғиштириб ётар, Костик бўлса, қўлларини ёзиб, мукка тушиб ётарди. У тушида ҳам қаёққадир югурарди. Кун бўйи тинмас, юрган йўлида ухлаб қоларди. Мен уни оҳиштагина ёнбошлатиб қўйдим, иссиққина, қип-қизил юзидан ўпдим-да, шуларни ўйладим: салдан кейин иккови уйғонади, кимсасиз бўшаб қолган ялангликда ҳайрон бўлиб кезишади, суриштиравериб Галянинг жонига тегади «Ҳамма болалар қани? Нега кетиб қолишди? Қачон келишади? Дадам қачон келади?» Мен икковини яна ўпдим. Улар кўзларини очишмади, фақат уйқу аралаш қимирлаб қўйишди, холос.

Походга чиқдик. Ҳавода оқ толниги гул пахмоқлари

учиб юарди. Қуёш эрталабданоқ қиздира бошлади. Осмоннинг кўм-кўклиги, офтобнинг нур сочиб туриши, теварак атрофимиздаги кўкатларнинг кўм-кўклиги баҳри-дилимизни очарди. Сиверскаяда ленинградликлар билан учрашувимизни эсласак кўнглимиз қувончга тўларди.

Эртасига Сиверскаяга яқинлашиб қолдик. Мен сафнинг энг орқасида, ҳаммадан кейинда борардим. Тўсатдан аллакимнинг харсиллаб:

— Семён Афанасьевич! Семён Афанасьевич!— деб чақираётганини эшитдим.

Ўғирлиб қарадим,— олдимда Коробочкин турарди. Болалар колоннаси илгарилаб кетиб қолди, мен бўлсам турган еримда қотиб қолган эдим. Коробочкин қаердан пайдо бўлди? Нега келди? Бирон фалокат юз бермадимкин?

— Семён Афанасьевич... Костик йўқолиб қолди!

Нафасим ичимга тушиб кетди. Гапирмоқчи, суршитирмоқчи бўлдим — овозим чиқмас эди. Коробочкиннинг елкасидан маҳкам чангалладим. У тушунди ва сўзлай бошлади:

— Эрталабдан бери қидирамиз. Қидирмаган еримиз қолмади. Уйдан чиқибди, кейин Галина Константиновна чой ичгани чақирибди — йўқ, чақирдик, ҳамма ёқни ахтардик, икки соат қидирдик — йўқ.

Югуриб колоннага етиб олдим, Алексей Саввични тўхтатиб Берёзоваяга қайтаётганимни қисқагина тушунтирдим:

— Костик йўқолибди.

Унинг ранги ўзгариб кетди, бошини лиқиллатиб қўя қолди. Мен станция томонга кетдим. Коробочкин сал оқсоқланиб, лекин мендан кейинда қолмай ёнимда келарди. Станцияга етай деганимизда орқамиздан Король етиб келди. Нимани эшитибди, нимани ҳис қилибди, сурштириб ўтирмади. Фақат қисқагина:

— Алексей Саввич биладими?— деб сўрадим.

— Рухсат бердилар,— деди Король.

Ленинградга борадиган поезд бир соатдан кейин келиши керак. Бундан ҳеч нарса чиқмаслигини тушунсамда, Берёзоваяга пиёда жўнашга ҳам тайёр эдим. Король аллақаёққа ғойиб бўлиб кетди-да, беш минутчадан кейин югуриб қайтиб келди: станциядан ўша томонга кетадиган юк машинаси бор экан. бизни Ленинградга элтиб

күйиши мумкин экан. Шундай қилиб йўлга тушдик. Биздан олдинда гунафша ранг, қизил, қизғиш темир қириндилари билан тўлдирилган юк машина борарди. Назаримда ана шулар кўзимни қамаштириб, хаёлимни қочираётгандек эди. Шуларни нега эслар эканман-а?

Соат бешга яқин Березоваяга етиб бордик. Галяга кўзим тушиши билан топишмаганини англадим. Ленокка билганларини менга ҳам гапириб берди: Костик иккови пиллапояда ўтиришган экан. Янги келган бола ёнларига келиб Костикка «Юр, айланиб келамиз» дебди. Костик ўрнидан туриб ўша бола билан кетибди. Шу кетганича қайтиб келмабди.

Мен янги келган болага устма-уст савол бера бошладим. У бақрайиб ерга қараганича индамай турарди. Ундан бирор гап чиқмаслигини англадим.

Паркни, чакалакзорни қидириб чиқдим. Король, Коробочкин учовимиз анҳорни бир маҳал Лира тушиб кетган қудуқни қараб чиқдик. Король телбалардек югурарди. Мен унга қарашга унинг боқишларида ўзимни босган даҳшатнинг аксини кўришдан қўрқардим. Костик ҳеч қаерда йўқ эди.

Соат еттиларга яқин уйга қайтиб келаётган эдим. Миям ғовлаб ўйлашга халақит берарди. Мен нима қилишимни, Галяга нима дейишимни билмасдим. Менга бир нарса аён, Костик йўқ.

Яланглигимизга яқин ерда, ён томонда малина буталари орасида қиз боланинг овози эшитилди. Гулдор кўйлак кийган қиз гулдаста бойлаб туриб ашула айтарди. Мен ўтиб кетдим. Тўсатдан ашула тинди, орқа томонимда аллаким қичқириб юборди. Ўгирилиб қарадим. Ҳалиги қиз энгашиб алланарсага қараб турарди, кейин қичқириб юборди-да, қоча бошлади. Мен тушундим. Ўша жойга югуриб бордим ва Костикни кўрдим.

У малина буталари тагида, баланд ўсган кўкатлар орасида кеча эрталаб ўрнида, мен хайрлашгани борганимда ухлаб ётганидаги каби қўлини ёзиб, мукка тушиб ётарди. Ёнида пичоқ ётибди. Костикни кўтардим — танаси жонсиздек оспилиб қолди.

Ўғлимни бағримга босганимча қанча турганимни билмайман. Мен унинг юзига қарашга қўрқардим, қимирлашга ботинмасдим, юра олмасдим. Галяга нима дейман? Кейин аллакимнинг қичқирганини эшитдим — бизнинг уй томонда қичқиряпти, мен югуриб бордим.

Ховлида ўзим кутган ҳол рўй берибди,— Костикни оҳистагина кўкатга ётқизиб, янги келган болани Король билан Коробочкин қўлидан зўрба-зўр ажратиб олдим. Кечроқ, қош қорайганда, Николай Иванович келди. Унга келган замоноқ айтишган бўлса керак. У ҳеч нарсани суриштириб ўтирмай, янги келган болани Ленинградга олиб кетди.

Ғамдан кучлироқ

Эртасига эрталаб болалар қайтиб келишди. Алексей Саввич болаларга ҳеч нарса демаган бўлсада, улар бирон фалокат юз берганини тушунишган ва уйга қайтамиз деб туриб олишган. Алексей Саввич ўзини қасрга кўярини билмай юргани учун қаршилик кўрсатмаган.

Мен болаларни қарши олгани чиқдим. Биринчи бўлиб кўзим тушган одам Лира эди. У катта-катта қора кўзини менга тикиб, даҳшат ичида қараб турарди. Тўсатдан у:

— Семён Афанасьевич! Сочингиз оқариб кетибди!— деди.

Мусибатни сўзлаб беришга тилим бормайди. Сўз тополмайман. Костикни кўмдик. Галя касал бўлиб ётиб қолди, мен сира унинг ёнидан жилмасдим. Варя хола келди, доктор Евгений Николаевич ҳар куни келиб турарди, аммо Галя уч кеча-кундуздан буён ўзига келмасди. Мен Ленани бир оз тиззамга ўтқазиб ўтириш, унинг шу ердалигига ишонч ҳосил қилиш учунгина Софья Михайловнаникига чиқиб турардим. Аммо деразадан қачон қарамай, пиллапояга қачон чиқмай Лирани ёки Королни, Петькани ёки Жуковни кўрардим. Улар менга индамай қараб туришар, баъзи-баъзида эса:

— Семён Афанасьевич, балки бирон ишингиз бордир?— деб сўрашарди.

Тўртинчи кун кечаси мен Галинанинг кровати ёнида қўлини қўлларим орасига олиб ўтирардим. Жимжит эди. Тўсатдан назаримда Галинанинг нафаси эшитилмаётгандек бўлиб туюлди.

Бахт фақат яхшиликни кутишга ўргатиб қўяди. Бахтли одам мусибатни кутмайди. Дард-алам кўрган одам ундан ҳам аччиғини кутади. Шу дақиқа мен Га-

ля ҳам мени ташлаб кетганига ишонган, шундай деб ҳис қилган эдим.

— Варя хола деб оҳиста чақирдим.

Варя хола дераза ёнида стулда мудраб ўтирарди. Лекин чақирган замоним ўрнидан турди, кровать ёнига келди ва Галянинг пешонасиги ушлаб кўрди.

Унинг:

— Худога шукур,— дегани қулоғимга кирди,— пешонаси терлабди.

Бу гапининг маъносини тушунмас эдим. Тўсатдан Галя кўзини очиб менга қараб турганини англадим. Ҳаммаси эсида турганини кўзларидан англадим.

— Леночка,— деди у шивирлаб.

Мен ухлаб ётган Леночкани олиб келиб Галянинг ёнига ётқиздим. У яна кўзларини юмди, кўз ёшлари юзларидан оқиб туша бошлади.

— Йиғлаяпти! Худога шукур!— деб шивирлади Варя хола яна. Эртасига биринчи бор болалар ёнига чиқдим.

Уйимизда ҳамма нарса илгаригидай. Болалар ҳам, тарбиячилар ҳам ҳамма нарса аввалгидек боришига ҳеч қандай ўзгариш юз бермаслигига ҳаракат қилишарди. Фақат ҳамма нарсани шовқин-суронсиз секин қилишарди. Йўқ, улар мен билан Галяни ҳурмат қилганлари учунгина ўзларини шундай тутишмасди, Қостикни ҳамма болалар яхши кўришарди, у ҳамма учун қимматли эди. Бўлиб ўтган бу фалокатни ҳеч ким ақлига сиғдиrolмас эди.

Бир куни Қостикнинг мазорига яқинлашганимда болаларнинг овозини эшитиб қолдим, салдан кейин ўзларини ҳам кўрдим — улар панжара ясашаётган эди. Улар жимгина ишлашар, аҳён-аҳёнда гапиришиб қўйишарди.

— Чуқурроқ кавла!.. Орасини зичроқ қилиш керак...

Жимлик. Кейин Қоролнинг овози эшитилади:

— Заранг кўчат ўтқазамиз. У зарангни яхши кўрарди: «Барги мунча чиройли» деярди.

Антон Семёновичга ким хабар берганини билмайману. Қостик ҳалок бўлгандан кейин бир ҳафта ўтгач ундан хат олдим.

«Азизларим, мен сизларни овутмоқчи эмасман! Мен сиз билан биргаман. Мен сизларни ёнимда деб ҳис қилганим каби сизлар ҳам мени ёнингизда деб ҳис қилинг. Баъзан турмушда шундай нарсалар бўладики, гўё бош-

қа йўл йўқдек туюлади: ё ҳалок бўлиш керак ё чекиниш керак. Лекин шуни яхши биламанки, сен чекинмайсан. Сенга ишонаман, Семён. Бу оғир қайғуга чидашга ўзингда куч топ, қайғудан зўр чиқ, Галяга ёрдам бер. Сенинг Антонинг».

Бу қайғуга чидаган эканман, фақат Галяга ёрдам бериш учун чидадим, менга эса болалар ёрдам беришарди. Мен доим улар билан бирга бўлардим, болалар ўзларининг менга ҳаво сингари зарур эканликларини тушунишларига ишонардим. Улар илгари менсиз, ўзларича ҳал қиладиган, бажарадиган нарсалар тўғрисида ҳам менга мурожаат қилишарди. Арзиган-арзимаган нарса тўғрисида ҳам менинг ёнимга келишаварарди. Улар бир дақиқа ҳам мени ёлғиз қолдиришмас эди. Шу билан бирга, бирон боланинг менга ачиниб қарашини кўрмас эдим. Улар ғамимга шерик бўлишар, ҳам эркакларча, ҳам ўртоқларча ёрдам беришарди. Король ёнимдан нари кетмас эди. Кўзимга қарамас эдию — доим ёнимда бўларди.

— Келинг, арралашамиз... Сиз нима дейсиз... Бизга тушунтиринг... Биз тортишиб қолдик, сиз ажрим қилиб қўйинг... Сизсиз полизда нима чиқара оламиз... Қолхоз ёрдам беришимизни илтимос қилиб эди, биз билан борасизми, Семён Афанасьевич?

Кечгача аҳвол шундай. Кейин қоронғи тушарди. Энг қийини шунда бошланарди: сира ухлай олмас эдим. Галя ҳам ухламас эди. Ухламас, оғзига ушқ олмас эди. У ишламас эди. Шунинг учун ҳам ортиқ қийиналарди. Эрталаб уйғонар, Леночкани етаклаб паркни, ўрмонни кезарди. Шундай пайтларда ўрмонда, паркда албатта, кўпинча катта болалардан биронтаси, қичиклардан Лира бўлишини билардим. Лира камгап, ғамгин бўлиб қолди. Худди бирданига ўсгандай эди. Энди шўхликлардан, тўсатдан бирон қилиқ чиқаришдан асар йўқ эди. У ҳам Король сингари ҳамма вақт ёнимда бўлишга ниетиларди.

Галя бутунлай ўзгариб кетди — кўзлари ничига тушиб, ёноқлари туртиб чиқди: у бир жойга узоқ тикилиб қоларди. У йиғламас, гапирмас эди. «Тош бўлиб кетди», — дерди Варя хола. Мен ҳам унинг гапиришини кутиб индамас эдим.

— Сеня, — деди у бир кун, — кетайлик шу ердан!
— Қаёққа кетамиз, Галочка?

— Бу ерда тура олмайман...— деб гап бошлади у ва жим бўлиб қолди.

Галя бу ҳақда қайтиб гапирмади, лекин юрагим эзилиб кетди. Энди бу ерда қолиш мумкин эмаслигини англадим. Мен-чи — мен қандай қилиб кетаман? Болаларни қандай ташлаб кетаман?

Куз аста-секин шошилмай кира бошлади. лекин унинг яқинлашаётганини ҳамма парсада сезарди. Қирққулоқ сарғайиб қолди. Ҳазонлар оёқ остида шитирларди. Леночка бўлса марварид гулнинг повдасини олиб келиб қолди. Бу новдада енгил, оппоқ қўнғироқчаларнинг ўрнида қизғимтил сарғиш соққачалари осилиб ётарди.

— Бу қанақа мева?

— Марварид гулнинг уруғи, Леночка,— деб менинг ўрнимга жавоб берди Екатерина Ивановна.— Куз, Леночка. куз келиб қолди..

Иш жуда кўп эди, иш кутиб турмайди. Мен ишга шўнғиб кетар, иш билан юпанардим, фақат Галя ҳақидаги фикр менга тинчлик бермасди.

Октябрнинг охирларида телеграмма келиб қолди:

«Сени Киевда кутаман. Ишларингни топшир, Украинада катта иш бор. Макаренко».

Бир неча кунгача телеграмма ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Кейин Алексей Саввичга бердим. У ўқиб чиқди ва юзини чапга буриб, стол чеккасига қўйди. Кейин олиб Владимир Михайловичга кўрсатди. У ҳам ўз навбатида ўқиди, бирпас жим турди-да, ниҳоят оҳистагина шундай деди:

— Ҳм... Нима ҳам дердик, тўғри... тўғри, нима ҳам дердик... Кечаси ўтириб, Антон Семёновичга бир неча сатр хат ёздим:

«Ҳозир кетишга ҳаққим йўқ. Бунини тушунишингиз керак, Антон Семёнович!»

Менга келган жавоб хат ҳам қисқагина эди. Унинг ҳар бир сўзи ёдимда:

«Сен менинг шогирдим ва ўғлимсан. Шунча йил қўл-ини қўлга бериб ишладик. Наҳотки сенга ишни ташлаб, қочишни таклиф қиляпти деб ўйлаган бўлсанг? Мен сени мендан ҳам яхши биласан деб ўйлаган эдим. Бу ерда шундай иш борки, уни фақат сенга топшира олам, фақат сенга топширмоқчиман. Бундан аллақачон хабар топган эдим. Шунинг учун ҳам ўрнингда қолади-

ган одам ҳақида ўйлаб кўр деб хат ёзган эдим. Кел! Сен бу ерда кераксан. Ишни ишончли кишилар қўлида қолдираётганингга тўла ишонмаганингча Берёзоваядан чиқма!»

Хатни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ухлаб ётган Галяга қарар ва ўйлардим: у ҳеч қачон унутмайди. Лекин шундай қилиш керакки, ҳар бир сўқмоқ, ҳар бир бурчак, ҳар бир одам унга ўғлимизни эслатмасин. Атрофида янги одамлар, янги нарсалар, янги иш бўлсин. Энг муҳими шуки, ишлаш керак, албатта ишга киришиш керак.

Кескин бурилиш

Антон Семёновичнинг хати ҳақида ўртоқларимизга эртасига айтдим: шаҳар маорифи бўлими ҳам ўзича ўйлайверади, уйимизга ким раҳбар бўлиши ҳақида ўзимиз ҳам ўйлаб кўрайлик-да.

Бу одамлар менинг энг азиз ва яқин кишиларим бўлиб қолишган эди. Ахир мен ҳар бир ишни шу одамлар билан бирга ўйлаб, бирга қилганман, уларга қаттиқ ишонаман-ку, ахир. Қани, улар нима дейишар экан?

— Менимча бу ишни Николай Ивановичга топширган маъқул. У ҳали ёш, ғайратли, болаларни яхши билади, шу ишимизни жондан севади.

Бу сўзларни Алексей Саввич вазмин, ҳар бир сўзни салмоқлаб: тўғрими? Сизлар нима дейсизлар? деб сўраётгандек ҳаммага бир-бир қараб гапирди.

— Жуда тўғри айтдингиз,— деди Владимир Михайлович оппоқ бошини эгиб.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим,— деди Екатерина Ивановна.

— Аммо биз бу ерда кўп турмоқчи эмасмиз!— деб тўнғиллади Елена Григорьевна.

— Мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман,— деди кескин Николай Иванович хотинига қарамай — Менга ишонч билдирганингиз учун раҳмат. Лекин бу ерга яқинда келганман, ҳаммангиздан ёшман, эплай оларми-канман?

— Бизга орқа қилаверасиз,— деди Софья Михайловна хотиржам.

Агар Николай Ивановичнинг ўрнида мен бўлсам, ана шу қисқа сўзлар мени бошиқа ҳар қанақа дўстона мулоҳазалардан кўра кўпроқ руҳлантирарди.

— Аввалгидек биргалашиб ишлаймиз,— деди Екатерина Ивановна.

Елена Григорьевна лабини тишлаб, ердан кўзини узмай ўтирарди.

— Катта раҳмат! деб такрорлади Николай Иванович ҳаяжон билан ва менга ўгирилди:— Сиз нима дейсиз, Семен Афанасьевич?

— Ўртоқларимизнинг фикрига қўшиламан. Фикримизни шаҳар маорифи бўлимидагиларга айтаман,— дедим мен.

Шундай, ўртоқларимизнинг фикрига тўла қўшилган эдим. Ҳаммалари Николай Ивановичга ёрдам беришларига, уларнинг ҳар бири уйимиз ва болаларимиз устидаги масъулият ҳар қайсисининг бўйнига юклатилгандек ишлашларига ишонардим.

Болаларга ҳеч нима демасдим. Сўнгги дамгача ҳеч нарса демасликка аҳд қилдим.

Ишим яна кўпайиб кетди. Тез-тез Ленинградга бориб туришга тўғри келарди. Йўлга вақтим кетаётганига ачинар, иложи борича болалар орасида кўпроқ бўлишни истардим. Кетадиган кунимгача айрилиқ ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилдим. Ишим бошимдан ошиб-тошиб ётар, ҳақиқатан ҳам ўйлашга вақтим йўқ эди. Мана, кетадиган куним ҳам етиб келди.

Кабинетимда, стол ёнида бошимни қўлимга қўйиб, ўйлаб ўтирардим. Уларни қандай ташлаб кетаман? Уларсиз қандай қиламан? Менсиз нима қилишаркин улар? Қилинмаган ишлар ҳали озмунчами, олдинда озмунча иш борми. Бизга пионер отряди тузишга ижозат беришди. Қизил галстук — эртаги кунимизнинг қувончи. Лекин мен бу ерда бўлмайман. Олтинчи синф очилди, кейин еттинчи очилади — деярли ўрта маълумот деган гап! Лекин мен бу ерда бўлмайман...

Кўзимни юмаман, кўз олдимда Король гавдаланади... Жуков... Панин... Панин — энди-энди ўнгланиб келяпти, бу масалада бирон муваффақиятга эришганим йўқ ҳали... Нарешкинчи? Уни тузалди деб бўладими? Кўз олдимда Петька... Репин гавдаланади... Репиндан деярли хотиржамман. У одам бўлиб қолди. Яқинда отаси келади. Қандай учрашишаркин, нима қилишаркин? Ҳамма болалар

кўз олдимдан бир-бир ўтади. Кичкинтойлар ҳам, катталар ҳам, шўх-оловлари ҳам, мўминлари ҳам кўз олдимда. То шу кунгача ҳаммасининг қалбининг калити менинг қўлимда, менсиз ҳоли ёмон бўлади деб ўйлардим. Шундай деб ўйлашим зарур эди. Аммо ҳозир мен ундай эмаслигини билардим. Шундай бўлгани яхши. Мен кетганимдан кейин бутун қилган ишим барбод бўлса, Антон Семёновичнинг кўзига қандай қарардим. «Сенинг кимлигинг қилган ишингдан, тарбиялаган одамларингдан билинади» деган бўларди у менга.

Галянинг тузалганидан кейин болалар олдинга қайтганимда Берёзовая полянадаги уй менсиз ҳам яшай олишини тушундим. Бу ерда ўқитувчилар коллективи ва болалар коллективи бор эди. Бу иккала коллектив ҳаёт. Ҳаммалари ҳам менсиз яшай олмасликларини кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Аммо мен: менсиз ҳам яшай олишларига ишонч ҳосил қилган эдим.

Соатга қарадим — ўн икки бўлибди.

Ҳозир ётоқларни айланиб ухлаб ётган болаларни бир-бир кўздан кечириб чиқаман. Эрталаб хайрлашаман ва жунаб кетаман. Эрталаб, иш ва ташвиш билан тўла кун бошланиш олдидан хайрлашни осонроқ.

Пиллапояга чиқдим. Ҳовли юзасига тўрт бурчак-тўрт бурчак бўлиб ёруғ тушиб турарди. Бошимни кўтариб қарардим — ҳамма деразалар ёруғ эди. Нега болалар аллақачон ухлаб қолган бўлса, чироқ нега ўчирилмабди? Югуриб иккинчи қаватга чиқдим ва биринчи ётоқнинг эшигини очдим.

Ҳамма кроватлар худди кундузгидек тартибга солиб қўйилган, болалар бўлса худди эрталабки текшириш вақтидаги сингари ўз кроватлари ёнида туришарди. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Мен тўхтаб ҳаммасини бир-бир кўздан кечириб, секин йўлимда давом этдим. Бошқа ётоқларда ҳам аҳвол шу. Кроватларининг устидаги одеяллар очилмаган, ҳамма ёқ тартибли, болалар қўлларини ёнларига қилиб, менга жиддий тикилиб тикка туришарди. Улар менинг ҳар қайсисини кўриб, албатта хайрлашиб кетишимга ишонар эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким ётмаган эди.

Кейин болалардан бирининг кроватига ўтирдим. Болалар эса Тимофей мени сал бўлмаса сузиб қўяй деган кундаги сингари атрофимга тўпланишди.

— Хат ёзиб туринг... Албатта ёзиб туринг, Семён

Афанасьевич... Бориб тураминз... Сиз ҳам келиб туринг... Эҳ, чатоқ бўлди-да!

Соат бирдан ошганда кабинетимга қайтдим. Шундагина: болалар қаёқдан билишган экан деб ўйладим. Қаёқдан билишарди? Улардан бир нимани яшириб бўлармиди!

Энди барибир ухлай олмаслигимни билардим. Хонада у ёқдан бу ёққа юриб кўрдим. Хона торлик қилди, ташқарига чиқдим. Энди деразалар қоронғи эди.

Эҳ, қани энди Антон Семёнович болаларимни кўрсал Нима деяр экан? Мени мақтармиди? Йўқ. Албатта йўқ. Бир маҳаллар, Горький номли колония энди ташкил этилган пайтда полизга ўғирлиққа борганимда:

«Қарабанов отрядга командирлик қилишдан четлатилсин. Командирларимиз шундай бўладиган бўлса, қип-қизил шармандамиз!» деган эди менга Антон Семёнович.

Бир кун қишлоққа ўт тушганда ёниб турган уйдан бемор чолни олиб чиққанимда эса, Антон Семёнович кўзимга тикилиб туриб:

«Хар қандай одам шундай қилишни керак» деган эди.

Ҳозир ҳам у менга:

«Хар қандай одам шундай ишлаши керак» деган бўларди.

Ҳа ишлайман. Аввалгидан ҳам яхшироқ, тиришиб-тирмашиб ишлайман.

Шу маҳал бир ярим йил муқаддам Дзержинский номли коммунада кетар олдидаги бир кун эсимга тушди.

Антон Семёновичнинг кабинетида китоб ўқиб ўтирардим. Антон Семёнович стол ёнида ишлаб ўтирарди. Жимжит эди: коммуна ухларди. Мен яна шу соатларни яхши кўрардим. Антон Семёновичнинг энгашиб турган бошига, ручкасининг бир меёрда ҳаракат қилиб, қоғозга дона-дона, бир текис ёзишга қараб ўтиришни яхши кўрардим. Антон Семёнович баъзан ручкасини қўйиб, бошини кўтарар ва мenden бирон нарса сўрарди. Бундай пайтларда у бешинчи отряд цехда қандай ишлаётгани ҳақида ё бўлмасам еттинчи отряддаги янги бола ўзини қандай ҳис қилаётгани ҳақида сўраб қоларди. Кейинги вақтларда Зирянский негaдир ташвишланиб юрганини сезганманми-йўқми? Энг кичкина коммуна

Мизякиннинг хулқи-атвори ҳақида қандай фикрдаман? Антон Семёнович ана шундай саволлар берарди.

Бундай гап арзимаган нарсалардан бошланарди-ю, аммо шундай тугардики, кабинетдан чиқиб кетар эканман Зирянскийнинг нега ташвишланаётганини билиб олардим! Янги боланинг еттинчи отрядда чиқиша олмаганлигининг сабаби ҳам маълум бўлади менга! Назаримда кўзим ўткирроқ бўлиб қолаётгандек туюлади. Ҳақиқатан ҳам эртасига кечагидан кўра яхшироқ кўра бошлаганимни, ақллироқ бўлиб қолганимни ҳис қилардим.

Баъзан бутун оқшом оғиз очмасдик. Икковимиз ҳам ўз ишимиз билан банд бўлардик. Ҳар гал чиқиб кетар эканман, орқамдан Антон Семёновичнинг: «Яхши ухлаб тур, Семён!» деган бўғиқ овози эшитиларди. Ҳар гал чиқиб кетар эканман, ўзим билан қандайдир муҳим бир нарса олиб кетаётгандек, шу нарса менда яшаш, ишлаш иштиёқини кучайтиргандек туюларди. Қайфиятим яхши эди. Ғайратим тоғни талқон қилгудек эди. Коммунадаги иш кунимиз жуда тез ўтиб кетади. Кундузги шов-шувлар тингач, Антон Семёнович билан жимжит кабинетда ўтирар эканмиз: бутун умр шу одам билан ёнма-ён ишлашни, унга ёрдам қилишни, ундан ўрганишни орзу қилардим. Ана шундай бир-бирига ўхшаган ва ўхшамайдиган кунлар кетма-кет ўтиб жетди. Аммо февраль кунларидан биридаги ўша, деразага қор бўралаб турган ўша оқшом ҳамон ёдимда.

Антон Семёнович ўрнидан турди, дераза ёнига борди.

— Ҳавони қара!— деди у.— Ана шундай кечада походга боришни тасаввур қил. Чиниқиш ёки машқ қилиш учун эмас, урушга, жангга борсанг... душман ўқи ёмғири остида... Осмон эмас!.. Семён,— деди тўсатдан Антон Семёнович менга ўгирилиб,— ишингдан мамнунмисан?

Жавоб беришга улгирмадим...

— Мустақил ҳаракат қилмаган командир — командир эмас,— деб давом этди Антон Семёнович.— Минг лабқатли бўлсин, доно бўлсин, лекин ўз билгича ҳаракат қилмаса, фалокат юз берганда қутулиб кетиш йўлини ўзи қидириб топмаса, у командир эмас. Тушундингми?

Мен китобимни ёпиб унинг ёнига яқинлашаман:

— Бу билан нима демоқчисиз, Антон Семёнович?

— Ёмон ишламаяпсан,— у менга пенсени устидан

қаради — лекин менга суяниб ишляпсан. Сен учун мен ўйлайман. Энди ўз калланг билан ишлайдиган пайт етди. Яқинда йигирма саккизга кирасан, ёш эмасан. Анча-мунча нарсани биласан.

Ростини айтсам, шошилиб, нима дейишимни билмай қолдим. Аммо Антон Семёнович мендан жавоб кутмасди. У стол ёнига қайтиб борди, ўтирди ва аллақачондан буён ўйлаб юрган, қатъий қарорга келиб қўйган нарса ҳақида сўзлаётгандек жиддий гапира бошлади:

— Гап шундай, Ленинград областидаги болалар уйларида аҳвол ёмон деб эшитдим. Бор ўша ёққа. Энг ёмонини ол, хўпми?

Ўша кеча уйга қайтиб келганимда, Галя билан болалар ухлаб ётишарди. Бўлган гапларни Галяга сўзлаб бергим келарди. Лекин уни уйғотмадим. Ташқари томон зим-зиё қоронғи дераза ёнига бордим, пешонамни муздек ойшага босганимча тезроқ тонг отса деб ўйлардим!

Орадан бир ярим йил ўтди. Бу орада кўпни кўрдим, англадим, бошимдан кўп нарсалар кечди, ҳаётимда кескин бурилиш ясалган, янги ҳаёт оstonасида турган мана шу соатда мен яна ўша: ишлаш керак, деган сўзларини такрорлай олардим. Ишлаганда ҳам жон-жаҳд билан берилиб ишлаш керак, дердим. Ўша танлаб олган йўлимдан борардим. Бундан ортиғи йўқ оламда... Тезроқ, тезроқ тонг отақолса-чи!

67

Яна йўлда

Мана, яна йўлдаман. Кутуш зали ёғи-ёғи одам. Одамлар сўриларга, чамадонларга, ерга ўтириб олмишган. Менинг ёнимда, эшикка яқин ерда эски духоба камзул кийган кампир сариқ қутини чақалоққа ўхшатиб бағрига босганимча мудрайди. Кампир чўчиб-чўчиб кетади, кўзини очиб, ҳалиям вокзал сўрасида ўтирибманми, оёғи ёнидаги сандиғи билан тиззасидаги қутиси бояғи-бояғидек турибдими-йўқми деб пайпаслаб кўради. «Эшитмадингизми,— деб сўрайди у,— Киевга поезд...» — кампир саволига жавобни кутмай яна мудраб кетади. Иккинчи томонимда мўйсафид деҳқон ухляпти. У чалқанча тушиб, гўё июлнинг иссиқ кунларида пашша тинчлик бермаётгандек юзига газет ёйиб ётибди.

Январь ойининг охирлари. Эшик очилганда совуқ

оёққа келиб урилади. Ташқарида, муздек совуқ ҳавода, гудоклар эшитилади, станция қўнғироғи анчагача ҳавода янграйди. Оғир состав ҳарсиллаб-гурсиллаб йўлга тушади, бора-бора паровознинг нафас олиши тезлашади, вагонлар шалдир-шулдир қилиб ўтиб кетади, филдиракларнинг овози узоқ-узоқларга бориб тинади. Олдинда йўл, йўл...

Жан-нг! Қўнғироқ жимликни бузди. Залда энди ҳамма уйғоқ — Киевга борадиган поездга чиқишга тайёрланаётир. Ёнимдаги хотин нима қилишини билмай ҳар томонга аланглайди, қутисини кўтариб олганимда эса, жуда қаттиқ қўрқиб кетади. У сариқ тугунчасини кўкрагига қаттиқроқ босиб кетимдан югуради ва: «Раҳмат! Баракалла ўғлим» дейди нуқул. Кампир ҳар эҳтимолга қарши, мабодо қутисини ёмон ниятда олган бўлсам, мени танг қилиш мақсадида зўр бериб миннатдорчилик билдиради.

Кампирин вагонга чиқариб қўйиб, ўзим ҳам суқилиб кираман. Чамадоним билан рюкзагимни юқори полкага қўйиб, ҳамроҳимга пастдан, дераза ёнидан жой оламан.

Аста-секин вагонга жимлик чўкади. Вагоннинг аллақайси бурчагида бир хотин боласини юпатади, бошқа бурчагида хуррак отаётган овоз эшитилади. Вагон бир меёрда чайқалади, филдираклар тақиллайди, бир меёрда тақиллаб, кишини аллаловчи шу овоздан бошқа нарса қолмайди...

— Гражданлар, етиб келдик! Туринглар: Киев!

Проводник бўғиқ овоз билан етиб келганимизни эълон қилиб юрибди. Лекин у айтмаса ҳам ҳамма аллақачон уйғонган. Ҳамма уймаланади, ғовур-ғовур гаплашади, кимдир деразани тақиллатади, кутиб олувчилардан бири вагонга отилиб киради. У ўзи билан ташқаридаги совуқ ҳавони олиб киради.

Полкадан иргиб тушаман. Бир зумда чамадонини қўлимга оламан, рюкзакни елкамга осаман — энди чиқишга тайёрман. Ҳар томондан итаришади, шоширишади. Вагонда кутиб олувчилар кўп — улар қарши олишга ошиқиб, чиқишга халақит беришади. Ниҳоят чиқиб олдим. Перронга сакраб тушдим. Теварак-атрофга аланглаб, тонги муздек ҳавони шимираман. Уйқим ўчади кетади. Теварак-атроф кўм-кўк, совуқ, фонарлар хира ёритиб туради. Тўсатдан биров оёғимни ушлагандек

бўлди! Орқамга ўғирлиб, энгашиб қарайман — вагон тагида аллакимнинг боши, елкаси кўринади, кичкинагина қўллари этигимга ёпишиб олишга уринади.

— Ўзи нима гап?

Мен ҳам этигимга ёпишган қўлни маҳкам ушлаймай-да, перронга тортиб чиқараман... Ана холос! Йўғе, бундай бўлиши мумкин эмас!

Олдимда Лира турарди. У бошини эгиб, кўзини ерга тикканича жим турарди. Уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрган эмас эдим.

Қаердан келиб қолди? Нега? Туш эмасмики? Ахир у минг километрлаб узоқда бўлмоғи керак-ку! Мен унинг елкасидан ушлаб силкитаман — йўқ, бу туш эмас, бу ҳақиқатан ҳам Лира.

— Нима бўлди? Гапир!

— Ленинграддан бу ёғиға кетингиздан келаяпман. Бир қадам ҳам қолганим йўқ. Сиздан беркиниб юрдиму, лекин орқада қолмадим.

— Нега? Нега деяпман?!

— Семен Афанасьевич, мен сиз билан бирга бўламан! Билганингизни қилинг, лекин кетингиздан қолмайман!

Энди Лира бошини кўтариб, кўзимга тик боқар эди.

— Эсингни еб қўйдингми! Шу топнинг ўзидаёқ қайтариб юбораман! Ҳозир Берёзоваяда нима бўлаётганини тасаввур қиласанми ўзинг. Ҳамма югур-югур, қидиришган, қудуққа тушишган... Нима қилиб қўйганингга тушунип-санми?

— Йўқ, йўқ, — Лира мени юпатмоқчи бўлади, — Николай Ивановичга хат ёзиб ташлаб келганман. Гап шу, хафа бўлманг, Семён Афанасьевичнинг кетидан кетдим, дедим. Ишонмайсизми? — У таъна қилгандай гапирди. — Индамай кетди деяпсизми? Йўқ, хат ташлаб келдим. Йўлни қилиб чиқдим.

Ҳаво совуқ, мен бўлсам пешонамдан терни артаман. Атрофимизда одамлар ғовур-ғувур гаплашади, у ёқдан-бу ёққа туртиб ўтишади, биз бўлсак рўпарама-рўпара қаққайиб турибмиз.

— Укангиз кутиб олдингми? — дейди вагонда бирга келган ҳамроҳлардан бири ўтиб кетаётиб, — ўхшар экан!

— Юр! — дейман жаҳл билан.

«Укам» кетимдан эргашади.

Қочоқни излаб юришмасин деб Берёзоваяга телеграмма бераман-да, шаҳарга чиқаман. Трамвайлар юриб турибди, лекин мен пиёда боришга қарор қиламан. Биби-

ковский бульвардаги «Палас» меҳмонхонасида мени Антон Семёнович кутади. Уни эрта уйғотгим келмайди. Лира мен билан барабар қадам ташлашга ва мени гапга солишга уринади.

— Вуй, мунча катта шаҳар экан! Тепаликка жойлашган экан!

Индамайман.

— Барибир Ленинград каттароқ.

Индамайман. Бу мавзуда гаплашишни истамаганимни кўриб Лира гапни бошқа томонга буради:

— Қизимов ҳам мен билан келмоқчи эди. Йўқ дедим. Сен бу ерда кўпдан бери турасан, сенга тўғри келмайди, дедим. Мен яқинда келганман. Менинг йўригим бошқа, дедим.— Лира юзимга қараб қўяди-да, қўлидан келганича ишонтаришга уринади.— Ростини айтсам, Семён Афанасьевич фақат жаҳлингиз чиқмасин, мен ўша вақтнинг ўзидаёқ: сиз қаёққа борсангиз, шу ёққа бораман, деганман ўзимга. Ўла-ўлгунимча сиз билан бўламан!

Менинг жим туришим уни азоблайди. У, шу топда билет сотиб олиб қайтариб юборишимдан кўрқади...

Қиевга сўнгги бир баҳорда келганман. Кўча бўйлаб қатор тизилган каштанлар барг ёзиб, гуллаб турган пайг эди. Ҳозир қиш. Қишда Киев шишадан ясалганга ўхшаб кўринади: дарахтларнинг шоҳларида қиров. Қарда, кўчаларида дарахт шунақа кўп яна қайси шаҳар бор?

Ҳозир Антон Семёновични кўраман. Бенхтиёр қадимини тезлатаман. Қора кўз, қайсар бола югургудек бўлиб ёнимда боради. Дунёнинг нариги бошига борсам ҳам дам олмай эргашиб боришга тайёр.

Мана, меҳмонхонага ҳам етиб келдик. Учинчи қаватга югуриб чиқиш бир минутли иш. Нафасимни ростлаб, эшикни тикиллатаман. Эшик орқасидан таниш овоз эшитилади:

— Кириг!

Антон Семёновичнинг аллақачон тургани кўриниб турибди. У стол ёнида ўтирибди — столда менга жуда таниш ёзув билан тўлдирилган қоғозлар. У ўрнидан туриб менга пешвоз чиқади. Уни кўрганимга нақадар хурсандман.

Қучоқлашиб кўришаман. Кейин у мени ўзидан четлатади ва кулиб туриб:

— Қани, бундай айлан-чи, ўғлим, бир кўрай! — дейди.

Киришмаслигим ҳам борми?

Антон Семёновични кўрмаганимга икки йилча бўлди. Ун уч йил ичида биринчи бор бу қадар —узоқ муддатга айрилишдик. Антон Семёнович отпусқа олиб кетган вақтлар ҳам бўларди. Лекин коммунадан узоқда отпусқа муддатини тўла ўтказганини бирон марта ҳам кўрмаганман. У ҳамма вақт, бир неча кун илгари қайтиб келарди. Нақадар сабрсизланганини, ҳозир ўзини тутиб турганини, учрашув пайтидаги хотиржамлигида ҳис қилардик. Биз ҳамма вақт, ҳар доим унга керакли эканлигимизни ҳис қилардик, билардик.

Мана, ҳозир ҳам — айрилишганимизга икки йил бўлгани йўқ. Хўдди кечагина хайрлашгандекмиз. Берёзовая поляна ҳақида, болалар ҳақида, ўқитувчилар ҳақида — барча мен севган одамлар ҳақида қисқа-қисқа хатларим орқали бу қадар кўп билганига ҳайронман. Мени нима ташвишлантираётганини нега бундай адашмай топа олади, худди ўзим айтаман деб турган нарсани сўрайди? Мен бу саволларни энди беряман, у вақтларда эса: бошқача бўлиши мумкин эмас, деб билардим. Унинг мен тўғрида билмаган нарсаси йўқ — мени нима ташвишлантиришидан тортиб гумонларимгача, қайғуларимдан тортиб қувончларимгача билади. Биз у билан айрилишмадик десам хато кетмайди: мен уни эслаганимдек, шу йиллар давомида у ҳам мени эслаган, менинг ишимга ўз иши деб қараган.

Эртага яна айрилишамиз. Бугун Антон Семёнович куни билан банд бўлди — эрталаб бир неча оғиз гаплашиб олишга зўрға улгурдик. Мана ҳозир ярим кечада, энди кўрган-билганларимни сўзлаймиз, бир-биримизга савол берамиз, ўйимиздаги бор нарсани беихтиёр айтиб қўямиз.

Мени нима учун чақирганини сўрамайман, аммо бу ҳақда ўзи ҳам гап очмайди. Унинг ҳар бир сўзидан янги маъно ахтариб сабрсизлик билан кутаман. Антон Семёнович мени нега чақирган экан?

У ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турар экан:

— Катта бир иш бошланяпти,— дейди.— Боқим-

сизликни тамомила тугатиш керак, бу сўз бошқа тилга олинмасин. Ўйлайманки, ўз завод-фабрикаларига, техника жиҳатидан яхши қуроллантирилган қишлоқ хўжалигига эга бўлган катта болалар коммуналари ташкил этишга муваффақ бўлиш мумкин. Ўзинг ўйлаб кўр, нега кўпинча колонияларимиз ярим хароба монастирларда ташкил этилади? Кейин шу монастирларни тиклашга киришилади, бунинг учун бир дунё пулни бекорга сарф қилишади: кейин косибчилик ёки тикув устахонасидан бошқа нарсага эга бўла олмаган хонаки бир колония бўлади. Ҳозирги болаларнинг қайси бири косиб бўлгиси келади? Фабрикаларда пойафзал чиқариш иши аллақачон механизациялаштирилганини билмаган бола йўқ. Йўқ, болаларнинг олдида ҳақиқий келажакни очадиган, истиқболни кўрсатадиган бой хўжалик керак.

«Ҳа, энди билдим!— деб ўйлайман.— Мени шунинг учун чақирган экан-да».

Кўз олдимда, ўз мактаби, ҳатто ўз институтига эга бўлган ажойиб бино гавдаланади. Сўнгги техника билан жиҳозланган ажойиб завод кўз олдимга келади. Ана, цехларда ўзини жиддий, мағрур тутган болалар — ақлли машиналар уларнинг измида. Бу қанақа завод бўлади? Оғир машинасозликми? Ёки станок-инструменталь заводими?

Тасаввуримда кўз илғамас буғдойзор дала пайдо бўлади, ана комбайн, штурвалда болаларимдан биттаси. Қим ўзи — Подсолнушкинми? Стекловми?

Антон Семёновичнинг:

— Яна бошқа бир фикр бор менда,— деган овозини эшитаман,— давлатга ворошиловчи корпус ташкил этишни таклиф этмоқчиман. Бу мамлакатимизга ажойиб командирлар тайёрлаб беришга ишончим комил. Колония ва болалар уйларида энг яхши болаларни танилаб олишимиз мумкин бўларди. Махсус программалар ишлаб чиқардик, уларни ёшлигиданоқ, ҳарбий ишга тайёрлардик. Маданиятли, билимли ғалати командирлар етишиб чиқарди. Нима дейсан, яхши фикрми?

«Наҳотки шу бўлса?— деб ўйлайман.— Жуда янги фикр, бунинг устига қизиқ ҳам! Берёзовая полянадан ҳам анча болаларни олсам бўлади. Қандай яхши иш бўларди-я!»

Антон Семёнович диван ёнига келиб тўхтади. Диванда, куни билан югура-югура чарчаган Лира данг

қотиб ухлаб ётади. У ҳаммомга тушиб ювиниб чиқди. Энди қўлларини ёйиб бошини ёстиқдан осилтириб озода бўлиб ухлаб ётибди.

— Яхши йигит,— дейди Антон Семёнович менинг кўз боқишимни сезиб.— Таваккалчи ва содиқ одам. Олдиндан каромат қилиб айтаман, эсингда бўлсин: колонияга мудир бўладиган хилидан бу бола!

— Бунақа ишга ҳаддан ташқари қизғинлик қилади.

— Бу ишда ундан ҳам ўт-олов одамларни кўрганман.

Куламин. Кейин Антон Семёнович қалин, семиз папканинг боғичини ечади. Папкада менга қачондан бери кўрсатаман деб юрган китобхонларнинг хати. Столга, яшил абажурли лампага яқинроқ сурилиб ўтираман. Антон Семёнович почта қоғозларига, дафтардан йиртиб олинган қоғоз бетларига бир текисда ва донадона қилиб ёзилган, баъзилари шошпинч билан ёзилган хатларни олиб олдимга қўяди: «Педагогик поэма» озмунча одамнинг кўнглига гул-гула солдими? Озмунча фикр-мулоҳазалар, тортишувлар, гумонлар, саволлар уйғотдим! Қандай умидлар, ишончлар уйғотди!

Хатларни бирин-кетин ўқийман. Антон Семёновичга хат ёзган одамларнинг афти қанақа, ўзи қандай одам эканлигини тасаввур этишга ҳаракат қиламан.

«Мен ўз ишимни ташлашга қарор қилган эдим,— деб ёзарди ёш ўқитувчи жувон.— Бу оғир йўлда бирон муваффақият қозонишимга кўзим етмай қолган эди. Сиз кўзимни очдингиз. Бошлаган ишни ярим йўлда қолдириб кетишга ҳаққим йўқлигини тушуниб олишимга ёрдам бердингиз. Сизга ҳам қийин бўлган, лекин Сиз чекинмадингиз. Сизнинг ҳам умидсизланган чоқларингиз бўлган, лекин таслим бўлмагансиз. Энг муҳими шулким, Сиз менга йўл кўрсатдингиз. Сиз менга қандай ишлаш керак, нимадан бошлаш лозимлигини аниқлатдингиз. Раҳмат, раҳмат Сизга!»

Антон Семёнович мен билан бирга шу хатни яна ўқиб чиқади.

— Дунёда юз йил турсаям, барибир болаларни ташлаб кетмаса керак, деб ўйлайман,— деди у ва менга бошқа бир хатни узатади:

«... Тўғри, катта иш қилгансиз — бунини олиш керак. Лекин бу тажрибангиз тор миқёсда, уни фақат эси пастларга, қонун бузувчи болаларга қўлланиш мумкин. Ҳозир бошқа нарса: нормал болалар уйида,

нормал, оддий мактабда ишлаш масаласи муҳим. Ана шу ерга келганда Сиз топган йўллар педагогга ёрдам беришга ожизлик қилиб қолди».

— Бу эски гап-ку!— дейман мен.— Бунақа гапларни Ленинградда юз марталаб эшитганман.

— Мен ҳам доим эшитаман. Менга қолса, ўзинг биласан: агар менга малонка ё қанотли фаришталарни беришса ҳам худди шундай тарбиялардим. Лекин, бир текширувдан ўтказиш зарур. Узоқ тажриба орқали аниқ текширув ўтказмоқ лозим. Шундагина ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Антон Семёнович бир дақиқа жим бўлиб қолди, қаддини ростлади. Абажурнинг сояси юзига тушиб турибди. Фақат қаттиқ қимтилган лабларигагина ёруғ тушиб турибди. У тикка кўзимга қарарди.

— Бу жиддий, мураккаб иш, Семён. Шу маҳалгача жонли ишимизга чиновниклар, бюрократлар, бефаросатлар тўғридан-тўғри халақит беришарди. Улар нафрат ва ғазабларини яширмас, очикдан-очик ҳаракат қилишарди. Энди улар курашнинг бошқача йўлига ўтиб олишди. Бизга тажрибангиз тор миқёсда, фақат қонунбузарларга тааллуқли дейишади.

У аста-секин, хотиржамлик билан хатини бир чеккага йиғиштиради.

— Сенга нимани топширмоқчи бўлганимни биласанми? Фақат сенга эмас, коммунарлардан Марк Шейнгауз, Георгиевский ва ёшроқларидан — Кошисевичларни кўз остига олиб қўйибман. Гап шундай. Битта болалар уйини олиш керак. Оддий, нормал болалар тарбияланадиган оддий уй олинади. Аввалига кичикроқ болалар уйи олинса ҳам бўлади. Кейин ўз-ўзидан кенгайиб кетади, бунга ишончим комил. Етим болалар, тарқатиб юборилган болалар уйларида келган, ҳали кўчанинг ҳавосини олмаган боқимсиз болалар олинади. Тушуняпсанми? Нормал болалар...

Тасаввуримда ҳосил бўла бошлаган манзара — қудратли завод, олтин буғдойзорлар, комбайн ҳайдаётган Подсолнушкин тутундек тарқалди-кетди. Шундай қилиб, «Педагогик поэма»да ҳикоя қилинган нарсалар қонунбузарлар ҳақида экан-да. Менинг ёшлигим, дўстларим ва ўртоқларимнинг ёшлиги, Горький колонияси, Дзержинский коммунаси — шуларнинг ҳаммаси ёш жиноятчиларнинг тарихи экан-да? Йўқ, йўқ!

Бундан чиқди, Антон Семёновичнинг меҳнати ва фикрлари нима эканлигини исбот қилиш керак экан-да? Антон Семёнович ҳақиқий одамларни, совет кишиларини, коммунистларни тарбиялаб етиштирганини исботламоқ керак экан-да? Бошқаларни ҳам шу ишга ўргатаётганини исбот қилиш керакми? Майли, исбот қилганимиз бўлсин!

— Олдинда фақат ғалабагина эмас, кураш ҳам кутади,— дейди Антон Семёнович ўйчанлик билан.— Одамлар ана шу ғалабалар ва шу кураш учун тарбияланыпти. Сени ҳам шу кураш ва ғалаба учун бу ерга чақирдим. Хўш, нима дейсан, киришасанми шу ишга?

Киришмаслигим ҳам борми?

Ўқитувчининг юзига, тўппа-тўғри кўзига қарайман. Киришмаслигим ҳам борми? Бутун кучимни шу ишга сарф қиларман! Бир кун эмас, бир кун у менга: ҳар қандай одам шундай ишлаши керак, дейди яна.

Менга нотаниш бўлган болалар — шу болалар, янги катта болалар қаерда экан ҳозир? Энди мен ўшалар билан ва ўшалар учун яшайман ва ишлайман. Олдинда мени кураш, ғалаба, ташвиш ва қувонч кутади. Ахир ҳаёт ва бизнинг оғир, лекин қувончли меҳнатимиз шулар билан лим тўла эмасми!

...Эртасига Теплие Ручьига жўнаб кетдим — у ерда мени янги болалар уйи кутарди.

1950—1953

М У Н Д А Р И Ж А

1. Хароб бўлган болалар уйи	6
2. Биринчи кун	11
3. «Ҳаммамиз командирмиз!»	14
4. «Икки оёгинг бут бўлса эпчил бўларкансан»	20
5. Кеч келган меҳмон	26
6. Яна тонг ота бошлади	30
7. Бўзганга яраша ўйлаб бузиш керак	36
8. Таянч нуқта	47
9. Буханка	53
10. «Ўтиринглар, ўйнанглар!»	57
11. Кутадиган бўлгандан кейин яхши кутайлик	62
12. Кичкинтойлар	69
13. Тугмалар	73
14. Эҳ, Глебов, Глебов!	79
15. «Энди қочиб кетмас эдик...»	85
16. Товуқлар	91
17. Дастурхон	97
18. Кетишди	104
19. Очиқ суҳбат	107
20. Панил	111
21. «Ҳеч нарса чиқара олмайсиз»	117
22. Демак у ҳам одам бўлади	123
23. Пионерлар	131
24. Эркинлик нима?	147
25. Екатерина Ивановнанинг онласи	156
26. «Иккига бир қўшилса...»	160
27. Ёзлик богда	164
28. Қизгин кун	175
29. Яна уйда	187
30. Король кашф қилади	196
31. Хатолар солинган конверт	204
32. Яхши хабарлар	208
33. Кукша — қуруқликда яшовчи қуш	210

34. Уйдаги университет	218
35. Гаус ва Эрвин	225
36. Уртоғим йўқ	233
37. «Мард бўлишни хоҳлайсанми?»	238
38. Эртангиз яна порлоқ!	244
39. Уйин	246
40. «Мен Тельманин кўрганман»	257
41. «Дунёда осон иш борми?»	263
42. Арафа	266
43. Биринчи сентябрь	271
44. Педологлар	274
45. Улар болаларин билишармиди?	281
46. Жумбоқ ечилди	288
47. Кечкурун	297
48. Кундан-кунга огирроқ	303
49. Наринкининг нима қиламиз?	308
50. Репин буюрди	312
51. Очиқчасига гаплашув	319
52. Пинг-понг	322
53. «Шаҳар маориф бўлимининг кўзи қаёқда?»	329
54. Анатолий Лиранинг ижтимоий чиқиши	337
55. «Ҳой! Тирикмисан?»	341
56. Ака-ука Гракхлар	351
57. Яна битта тарих дарси	360
58. Учрашув	365
59. «Яшагинг келади, яшагинг!»	367
60. Унутилмас кун	370
61. Тўғри йўл билан	374
62. «Текширгани келдим...»	379
63. «У меҳрибонми?»	385
64. 16 июнь	391
65. Ғамдан кучлироқ	396
66. Кескин бурилиш	400
67. Яна йўлда	405
68. Киришмаслигим ҳам борми?	409

ХОЛИДА АҲРОРОВА
таржимаси

КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

ВИГДОРОВА Ф. А.

ДОРОГА В ЖИЗНЬ

Повесть

Перевод с издания Детгиза 1954 года


Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1959 г.

Редактор **Ҳ. Рўзматов**
Рассом-редактор **Г. Остапенко**
Тех. редактор **Т. Скиба**

Корректорлар: **М. Мирмулатов**
ва А. Сулайхонов

Теринишга берилди 4/II 1959 й. Босишга рухсат
этилди 8/VIII 1959 й. Формат 84×108¹/₃₂. Босма
л. 13. Шартли босма л. 21,32. Нашр. л. 22,55.
Тиражи 30000. УзССР Давлат базний алабиёт
ишприёти. Тошкент, Навоий, 30.
Шартнома № 389-54

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
га „Ўзбекистонни Сурх“ бирлашган
нашриётининг босмахонаси. Тошкент,
„Правда Востока“ кучаси, уй № 26.
Заказ № 2201, Баҳоси 7 с. 75 т.



Т У З А Т И Ш

Бет	Сатр		Босилган	Ўқилиши керак
	юқо- ридан	паст- дан		
1.81	23	—	юборди	юбордик
2.75	1	—	орамлар	одамлар
4004	—	12	Осмон эмас!..	Осон эмас!..

2204 заказга